

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

ИЖОДКОРНИНГ ДАХЛСИЗ ДУНЁСИ

(Адабий суҳбатлар)

Тошкент
«MUMTOZ SO'Z»
2008

83.3(5Ў)
Н79

Норматов, Умарали.

Ижодкорнинг дахлсиз дунёси: (Адабий суҳбатлар)/У.Норматов; Масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. — Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2008. — 316 Б.

ББК 83.3(5Ў)

XX аср ўзбек танқидчилигида адабий суҳбатлар стакчи жанрлардан бирига айланди. Бу жанрнинг шаклланиши ва ривожда мунаққид Умарали Норматовнинг хизматлари катта. Ҳамкасблари эътироф этганидек, миллий адабиётимизда кейинги эллик йил ичида ҳеч ким бунчалик кўп ва ҳўб суҳбат яратмаган. Бу суҳбатларда адабий жараён, ижодкорнинг дахлсиз дунёси, талай асарларнинг ижодий тарихи, сир-синоати, бадиият қирралари очилган. Уларда фақат адибларнинг поэтик дунёси эмас, мунаққиднинг принциплари, ахлоқи, ижодкор сифатидаги қизиқишлари ҳам акс этган. Мунаққиднинг ҳамкасблари билан қизғин баҳслари эса адабий суҳбат жанрига ўзгача руҳ бахш этган. Бинобарин, суҳбатлар давр адабий ҳаёти, таржимаи ҳоли, адабий тафаккурининг бетақрор қимматли ҳужжатлари сифатида қадрлидир.

Азиз китобхон, мунаққиднинг адиблар ва ҳамкасблари билан суҳбатларидан ташкил топган ушбу мажмуа Сизга манзур бўлади деган умиддамиз.

Масъул муҳаррир:
Филология фанлари доктори, профессор
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

Такризчи:
Филология фанлари доктори
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

ISBN-978-9943-363-07-6
N720-2311/2008

©«MUMTOZ SO'Z», 2008
©Умарали Норматов, 2008

АДАБИЙ СУХБАТ ТАНҚИДЧИЛИК ЖАНРИ СИФАТИДА (Сўзбоши ўрнида)

Европада нисбатан қадимги деб ҳисобланган адабий манбалар суҳбат тарзида ёзилгани мутахассисларга маълум. Афлотуннинг “Қонунлар”и Клиний ва Мегил билан бўлган суҳбатлар, “Давлат” асари эса, шогирди Ксенофон саволларига жавоб тариқасида яратилган. Бу ҳолат кейинчалик Фарбий Европа адабий-илмий доираларида ҳам урф бўлган. Фарб адабиёти мутахассислари буюк Гётеннинг шахсий котиби Эккерман билан умрининг сўнгги дамларидаги суҳбати, Лев Толстойнинг Сергеев билан бўлган суҳбатлари буюк даҳо санъаткорлар ижодий оламининг айрим номаълум жабҳаларини очишга ёрдам беради.

Шарқда ҳам адабиётшунослик илми ҳам оғзаки ва ёзма тарздаги суҳбатлар баёни ҳисобиға кенгайгани туфайли уларнинг айрим намуналари муайян танқидий жанрларнинг яратилишиға сабаб бўлгандир. Мумтоз адабиётда адабий танқид ёзма рисолаларға кўчишидан аввал анжуман ва мубоҳасалар, алоҳида ижодкорлар асарлари хусусида навоийхонлик, бедилхонлик ва машрабхонликлар тарзида тараққий этгани маълум. Тасаввуф адабиётидаги мақомотлар – самовий мажлислар ҳам мана шундай суҳбатлар доирасида руҳ, ҳол, мақом, тариқат ва бошқа масалаларға бағишланган назарий рисолаларда очиқланмаган муаммоларни англатишға қаратилган.

Бу каби адабий манбалар орқали мисоллар излашдан мурод суҳбатимизнинг бонси профессор Умарали Норматовнинг “адабий суҳбат”ларини юқоридаги манбалар қатори мангуликка муҳрлаш эмас, балки адабиётшунослик илми ўзининг илк туғилган пайтларидан бошлаб ўз бағриға адабий суҳбатларға ўрин бергани, бусиз унинг жанрлар майдони нисбатан камғаллашиб қолиши мумкинлигини англатишдан иборатдир. Зотан, Умарали Норматов мунаққид сифатида ўзбек танқидчилигида ўтгиздан зиёд адабий суҳбатлар яратган экан, бу адабиётшунослигимизнинг суҳбатлараро кечган имкониятларини кўрсатиш ҳамдир.

Адабиётшунослигимизнинг кейинги даврдаги равнақи учун Иззат Султоннинг назарий қарашлари, Матёқуб Қўшжоновнинг таҳлил мактаби, Озод Шарафиддиновнинг публицистик таққинлари, Иброҳим Ғафуровнинг мансура ва мутолаалари, Нажмиддин Комиловнинг тасаввуфий рисолалари қанчалик

асқотарли бўлса, Умарали Норматов адабий суҳбатлари ҳам миллий адабиётшуносликнинг умр узоглиги учун шунчалик қадрлидир. Айни ҳолни теран ҳис қилган мунаққид Иброҳим Ғафуров “Ижод сеҳри” китобининг сўзбошисида ёзади: “Умарали Норматов адабий суҳбатларида давр адабий-бадий тафаккурининг такрорланмас белгилари акс этган. Бу суҳбатлар давр адабий ҳаёти, адиблар таржимаи ҳоли, улар қарашларининг такрорланмас қимматли ҳужжатларидир. Ўзбек адабиётимизда кейинги эллик йил ичида ҳеч ким бунчалик кўп ва ҳўб суҳбат яратмаган. Уларда адибларнинг ўзига хос қарашларигина эмас, танқидчи У. Норматов принциплари, ахлоқи ижодкор сифатидаги қизиқишлари акс этади. Талант тарбияси борасидаги масъуллиқни бўйнига олиши ва ҳис қилиши кўзга ташланиб туради. Бу суҳбатларда қанчадан-қанча қимматли гувоҳликлар сочилган” (Ғафуров И. Муҳаббатли одамнинг ҳайратлари / У. Норматов. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ НМАК, 2007. Б. 11).

Адабий танқид ўз умри давомида проблематик мақола ва очерклар, ижодий портрет ва эсселар, талқин ва тақризлар билан иш кўргани маълум. Танқидчиликда ҳар бир жанрнинг ўз ўрни, имкониятлари, ифода йўсини ва шакл жозибаликлари мавжуд. Улардан бири иккинчисининг юмушига киришиши қийин. Шундай экан, бундай ижодий суҳбатларда адабий жараён масалалари, бадий асарларнинг яратилиш тарихи, сир-синоати, бадиияти қирралари ҳақида сўз кетар экан, ҳуллас, танқидчиликнинг муайян вазифасини ўзига хос шаклда бажарар экан, нега унга алоҳида жанр сифатида ёндашмаслик керак. Қолаверса, адабий суҳбат ўзбек танқидчилигида биргина Умарали Норматов тажрибасидагина эмас, балки барча етук мунаққидлар ижодида ҳам кузатилади. Ана шу доимий машғуллик натижасида мунаққид ушбу жанрнинг имкониятларини кенгайтирди, адибларни ўз ижоди ҳақида суҳбатга тортиб, бадий асарларнинг китобхонга номалум жабҳаларини очишга эътибор қаратди ва натижада мазкур асарни китобхонлар томонидан қабул қилинишини енгиллаштирди.

Адабий суҳбатлар танқидчилик жанри сифатида ижодий ҳаётда мавжуд бўлиб, бадиият тараққиёти учун хизматда экан, ана шундай мароқли суҳбатлар анжуманига Сиз азия китобхонларни мамнуният билан таклиф қиламан.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

БИРИНЧИ БЎЛИМ

АДИБЛАР БИЛАН СУҲБАТЛАР

ИЖОДКОРНИНГ ДАХЛСИЗ ДУНЁСИ

(Ёзувчи Асқад Мухтор билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Ҳозирги адабий-бадиий тараққиётнинг характерли белгиларидан бири шуки, ёзувчи билан китобхон муносабати тобора кўп қиррали бўлиб борапти. Бугунги китобхон босилиб чиққан асарни шунчаки ўқиб қўя қолмайди, шу асарнинг яратилиш тарихи, жараёни, ижод психологияси, бадиият сирлари билан ҳам қизиқади. Яхши асар пайдо бўлиши биланоқ ёзувчи номига хатлар оқими қуйилади, хат эгалари асардан олган таассуротларини айтади, баъзан муаллиф билан баҳслашади, айни пайтда муаллифни саволлар билан кўмиб ташлайди. Хуллас, оддий китобхон ҳам ҳозирги кунда анчайин танқидчи бўлиб қолган. Китобхонларнинг савияси, диди бир хил эмас, албатта. Бадиий асар ҳақида ўта жўн фикр юритадиган китобхонлар ҳам анчагина. Бироқ кенг китобхон оммасининг бадиий ижодга астойдил қизиқиши, ёзувчи билан фаол муносабати — бу қувончли бир ҳодиса. Ёзувчи билан китобхоннинг юзма-юз учрашувлари, янги асар муҳокамасига бағишланган китобхонлар анжуманлари ҳам одат тусига кириб қолди. Китобхон билан ижодкор орасидаги бу хил муносабатлар ҳам янги, қадимда кўринмаган ёки сийрак учрайдиган ҳодиса.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, китобхонлар анжуманларида асосий гап-сўзлар, саволлар яна ўша ёзувчи лабораторияси, бадиий ижод психологияси, сирлари масаласига бориб тақалади. Ижод психологияси фақат китобхонларни эмас, адабиётшуносларни ҳам қизиқтиряпти, у ҳақида хилма-хил баҳслар бўляпти. Баъзи адабиётчилар ижод психологиясини ўрганиш фойдали, самарадор деб ҳисоблайдилар; айрим адабиётчилар эса, бадиий ижод индивидуал, субъектив характерга эга, у — дахлсиз дунё, шунга кўра адабиётшунослик ижодий жараён натижаси — конкрет асарни таҳлил этиш билангина шуғуллангани маъқул, ёзувчининг шахсий, «дахлсиз дунё»сига, ижод сирларига бош суқмагани дуруст, дейдилар... Бу ҳақда Сиз нима дейсиз?

ЁЗУВЧИ. Бизнинг мамлакатимиз энг китобхон мамлакат. Бунга яна қўшимча қилиш мумкинки, бизнинг китобхонимиз энг манфаатдор китобхон. У адабиётимизнинг бадиий юксаклигидан, ғоявийлигидан, ҳаққонийлигидан манфаатдор. Шунинг учун китобхон ёзувчилар ишига қизиқади, хат ёзади, мулоҳаза билдиради, баҳслашади. Ўзини адабий жараённинг иштирокчисидай ҳис қилади. Самимий бўлишни истади. Шундай бўлгандан кейин биз нимани яширишимиз керак экан? Биз самимиятга самимият билан жавоб беришимиз керак. Бунинг учун китобхонлар билан бўладиган мулоқотларга: хатлар, учрашувлар, анжуманларга биз жуда кўп вақтимизни сарф қиламиз. Чунки, биламизки, асарни ёзиш билангина иш битмайди. У ўқилиши керак. Ёзилган сатр токи ўқилмас экан, у — ўлик. Унга ўқилгандагина жон қиради.

Бадиий ижод психологияси, албатта, катта, мураккаб масала. Бунга ҳозир катта илмий текшириш ишлари ҳам бағишланаяпти. Яъни бутун бир фан лесак бўлади. Уни ўрганишнинг қийин томони шуки, у аввало, ҳали Сиз айтгандай, жуда шахсий, индивидуал, субъектив бир нарсас. Иккинчи томондан эса, асар ёзиш — биринчи галда сиёсий иш, ижтимоий иш.

Ёзувчиликни кўплар касб эмас, талантли шахснинг яшаш тарзи деб ҳисоблайдилар. Бунда жон бор. Бадиий ижод чиндан ҳам ҳеч қайси жиҳатдан бошқа касбларга ўхшамайди. Унинг оддийгина гомонларини олайлик: ҳамма касбларга ўқилади, ёзувчиликнинг эса мактаби йўқ. Ҳамма касбдагилар мактабни битиргач, маълум ишда меҳнат фаолиятини бошлайди, ёзувчилар эса 4 ёшда ҳам, 50 ёшда ҳам бошлаши мумкин. Ҳамма касбдагилар маълум ёшга борганда пенсияга чиқиб, иш фаолиятини тугатади, ёзувчи эса айни шу ёшда етилади. Бошқа касбдагилар таътилга чиқиб дам олади, ёзувчилар айни таътилга чиққанида ишлайди. Умуман, ёзувчи энг «бекорчи» пайтларида: суҳбатда, касал вақтида, чойхонада, сайр этиб юрганда, дам олгани ётганда, ишламаган пайтларида ишлайди.

ТАНҚИДЧИ. Ҳатто уйқусида, тушида ҳам.

ЁЗУВЧИ. Ҳа, борингки, уйқусида ҳам. Чунки кузатиш, ўйлаш, ҳис қилишни ҳеч қачон тўхтатиб бўлмайди. Ёзувчи учун эса бу жуда муҳим иш. Одамни ёзувчиликка ўргатиш мушкул. Агар у аслида ёзувчилик табиатига эга бўлса, унга ёзишни ман қилиш ҳам мушкул. Албатта, бу соҳани жуда ваҳимали, сирли қилиб кўрсатишга уриниш ҳам тўғри эмас. Бу ҳам, асосан, меҳнат. Лекин унинг юқоридагидай парадокслари кўп. Шунинг учун уни ўрганиш қизиқ.

ТАНҚИДЧИ. Демак, Сизнингча, ёзувчининг китобхондан, адабиётшунослардан сир тутадиган алоҳида гаплари йўқ экан. Бадиий ижод сирларига, ижод психологиясига қизиқиш оммавий маънавий эҳтиёжга айланиб қолган экан, уни ўрганиш фойдали. Адабиётшуносликнинг асосий мақсади бадиий ижод қонуниятларини очиш экан, ёзувчи лабораториясини ўрганиш ҳам шу мақсадга хизмат этади.

Ўзбек адабиётининг характерли бир анъанаси бор. Улкан санъаткорлар бир эмас, бир неча жанрларда қалам тебратганлар. Навоий, аввало, шоир, айти пайтда моҳир носир, етук адабиётшунос эди. Бобур ҳам шундай. Шу ҳодиса шўро даврида ҳам бошқачароқ тарзда давом этди. Ажойиб драматург Ҳамза, аввало, шоир эди. Ўзбек насри усталари Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳор бадиий ижодни шеърятдан бошлаганлар. Абдулла Қодирий билан Абдулла Қаҳҳор кейинчалик шеърятни тарк этган бўлсалар ҳам, насрда шоирлигича қолаверганлар. Ойбек, Ғ. Ғулом, С. Зуннуовалар эса умр бўйи шеърят билан насрни қўшиб олиб бордилар. Шу анъанани Ш.Рашидов, Ҳ. Ғулом, Мирмуҳсин каби ҳозирги насримизнинг пешқадам вакиллари ҳам давом эттиряпти. Бу ҳолни Сизнинг ижодингизда ҳам кўриш мумкин. Яқинда нашр этиб бўлинган 4 томлик асарларингизнинг бир томини шеърят ташкил этади.

У ёғини сўрасангиз, адибларимизнинг ижоди бундан ҳам кўп қирралли, улар шеърят, наср билан кифояланмай, драма, адабиётшунослик, публицистика, бадиий таржима, киносценарий ва ҳоказолар билан ҳам шуғулланадилар.

Бу ўринда бизни бир масала — наср билан шеърятнинг муносабати қизиқтиради. Ҳар ҳолда наср билан шеърят алоҳида-алоҳида олам. Насрнинг ҳам, шеърятнинг ҳам ўз талаб, қонунилари бор. Ўз тажрибангиздан келиб чиқиб, бу икки соҳанинг ўзаро муносабати ҳақида сўзлаб берсангиз.

ЁЗУВЧИ. Сиз ўзимизнинг адибларимизни айтдингиз. Лекин айтиш керакки, жаҳон адабиётида ҳам шеър ёзмаган, шеърят билан шуғулланмаган адибни топиш қийин. Наср билан шеърят жанр қонуниятлари нуқтаи назаридан балки, сиз айтгандай, бошқа-бошқа оламдир. Лекин менинг назаримда, шеърятсиз наср йўқ. Оламни поэтик қабул қилиш, инсонга, табиатга шоир кўзи билан қарай билиш носир учун жуда муҳим. Акс ҳолда наср оддий беллетристика, баён, ҳиссиз таъкидлашдан иборат бўлиб қолиши

мумкин. Тилнинг, манзаранинг, композициянинг ўз шеърияти бор. Пушкин насрида, Тургенев, Лермонтов насрида сиз ажойиб поэтик ҳассосликни кўрасиз. Айниқса, лирик наср, фалсафий изҳори ҳол романлар рамзий поэтик деталларсиз сира бўлмайди.

Шунингдек, шеърият ҳам, айниқса, ҳозирги реалистик шеърият поэтик деталларсиз, насрий ҳаётийлик, насрий лавҳалар, портретларсиз бўлмайди. Мен жуда кўп жанрларда ишлашга унча тарафдор эмасман. Ўзи бир жанрнинг маҳоратини камолга етказиш учун ҳам бир кишининг умри камлик қилади. Ўзини ҳар жанрга уриб, шогирдликдан нари ўтолмай, умрни майдалаб тугатиш ҳам ярамайди. Мен айтмоқчиманки, носир, агар ўзи шеър ёзмаса ҳам, шеърият сирларидан хабардор бўлиши шарт. Наср асари яратиш ҳам гўзаллик яратишдир.

Мен китобхонларга, агар бу масалани чуқурроқ билишни истасалар, Виктор Шкловскийнинг «Тош гул» деган китобини ўқишни тавсия этардим.

ТАНҚИДЧИ. Сиз наср билан шеъриятни қўшиб олиб боришнинг ижобий самаралари ҳақида тўхталдингиз. Уларнинг бир-бирига монелик қиладиган томонлари ҳам борми? Ҳар ҳолда шеърият кўтаринки, романтикага мойилроқ. Наср эса кўпроқ заминга яқинроқ бўлишни, реализмни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, баъзи адабиётшунослар ҳозирги насрмиздаги айрим камчиликлар илдинини, насрдаги беллетристикадан чекиниш ҳолларини, тил-ифодадаги орнаментализм кўринишларини шеъриятнинг таъсири билан изоҳлашга интиладилар. Аксинча, шеъриятдаги прозаизмни насрнинг таъсири деб атайдилар.

ЁЗУВЧИ. Менимча, тилдаги орнаментализм, баландпарвозлик, предметсиз ҳавойилик — булар шеъриятдан эмас. Булар шогирдликдан. Айтадиган фикр бўлмаганидан фикрий қашшоқликни яшириш учун кимдир шалдироқ аравани олиб қочар экан, бунга шеърият айбдор эмас, ҳақиқий шеърият насрнигина эмас, ўзини ҳам ердан узмайди.

Икки жанрда ишлайдиган одамга қийинчилик томони фақат шуки, бу икки соҳанинг жаҳоний чўққиларидан, янги тенденцияларидан ортда қолмаслик керак. Бу эса оғир. Мен гоҳо каттароқ насрий асарларга киришиб кетганимда, поэтик дунё янгиликларидан узоқ вақт узилиб қоламан.

Икки жанрнинг бир-бирига ҳалақит бериши фақат шунда.

ТАНҚИДЧИ. Яна бир савол. Ойбек ҳар гал роман ёзишдан олдин кўпинча шеърят орқали бўлғуси насрий асари мавзуйга разведка қилиб олар эди. Чунончи, «Ўч», «Темирчи Жўра» дostonлари «Қутлуг қон» учун, Навоий ҳақидаги дoston «Навоий» романи учун, «Қизлар», «Раиса» асарлари «Олтин водийдан шабадалар» учун ўзига хос бир тайёргарлик бўлган эди. Буни ёзувчининг ўзи ҳам эътироф этган. Сизда ҳам шундай ҳоллар бўлганми?

ЁЗУВЧИ. Ойбек ака ижодидаги бундай параллеллар тасодиф бўлса керак. Чунки катта наср асарига шеър - тематик разведка бўлиши қийин. Ойбек аканинг Сиз айтган шеърый «танаффуслари» разведка эмас, кайфият учун увертюра бўлса эҳтимол. Чунки романнинг разведкаси — қора тер. меҳнат. айниқса, тарихий романнинг разведкаси архив тўзонлари орасида ўтган кўп йиллик заҳматдир.

Тўғри, ёзувчида тематик фасллар бўлади. Чунки бир-биридан узоқ темалардан бирланига сакраб ўтиб бўлмайди шекилли: бир неча йиллар бир темага мойил бўласиз, шу темада ҳар жанрда асарлар пайдо бўлиб қолади. Менда ҳам шундай бўлган.

ТАНҚИДЧИ. Қўлимда китобхонларингиз йўллаган бир неча мактуб бор. Улардан биридаги саволни Сизга ҳавола этмоқчиман. Донгдор ишчи Буолма Жўраева шундай ёзади: «Биз Сизни шоир ва носир сифатида танир эдик. Кейинги йилларда драматург сифатида ҳам кўриндингиз. Ҳамза геатри сахнасида «Самандар» пьесангиз қўйилди, телеэкран орқали «Тонг билан учрашув» асарингизни гомоша қилдик. «Ўзбекистан маданияти» газетасида Юсуфжон қизиқ ҳақидаги драмангиздан парча ўқидик. Сизни драматургияга ўтишга нима мажбур этди, бундан кейин ҳам драма билан машғул бўлиш ниятингиз борми? Шунини билмоқчи эдим...» Маълум бўляптики, синглизмининг саволлари ҳам биз баҳслашаётган мавзуга алоқадор экан.

ЁЗУВЧИ. Драматургиядаги ниятларим ҳақида дадил бир нарсa дейишга журъат этолмайман. Драматургия — менимча, сўз санъатининг юксак нуқтаси. У билан мендек йўл-йўлакай шуғулланиш эмас, бутун умрни бағишлаш керак.

Мактубда тилга олинган асарлар эса материал жиҳатидан шу жанрга мос бўлгани учунгина драма бўлиб чиқди. Биласизми, гоҳо мундарижа ўз шакли билан бирга тугилади. Мана, Юсуфжон қизиқ ҳақидаги асарни олайлик. Унинг

туғилиш тарихи ҳам қизик. Бу ажойиб одамнинг ҳаёти драматик қарама-қаршилиқларга тўла, бу ҳаётни томошабиндан, сахнадан, жонли диалоглардан ажратиб бўлмайди. Бу материал ўз драматик шаклини талаб қилиб турибди. Шунинг учун шу шаклга тушди, шаклларнинг ҳаммаси яхши, лекин ёзувчи унинг энг табиийсини, энг мосини танлайди.

ТАНҚИДЧИ. Биз жанрлар муносабати устида баҳслашяпмиз, баъдий адабиёт билан санъатнинг бошқа турлари орасидаги муносабат проблемаси ҳам бор. Маълумки, шеърӣ ва насрий асар, аввало, ўқиш учун яратилади. Биламизки, ўқиш учун яратилган асар, кўпинча, сахна, мусиқа, балет ва опералар учун асос бўлган. Радио, кино ва телевидениенинг пайдо бўлиши билан бу хил муносабатлар доираси яна ҳам кенгайди. Ҳозирги кунда яхши роман, қисса асосида опера, балет, драма билан бир қаторда унинг радиопостановка, телеспектакль, кино, телефильм вариантлари ҳам пайдо бўлаётир. Чунончи, Сизнинг «Чинор» романингиз асосида аввал радиопостановка, сўнг кўп серияли телеспектакль ҳамда телефильмлар яратилди...

Ҳозирги кунда шу хусусла жиддий баҳслар бўляпти. Бу ҳақда Сизнинг фикрингиз қандай?

ЁЗУВЧИ. Кино, маълумки, синтетик санъат. У бошқа санъатлар билан бирга адабий материалга ҳам муҳтож. Унинг тайёр адабий асарларга мурожаат этиши табиӣ. Лекин бу ишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Ҳар қандай адабий асарни бошқа санъат жанрига ўтказиш — бу жиддий операция. Операция вақтида эса кўнгилсиз ҳодисалар ҳам бўлади.

Асар ўз жанр хусусиятлари билан бирга туғилади. Туғилиб бўлгандан кейин эса, қизни — ўғилга ёки ўғилни қизга айлантирилмайди. Шунинг учун асосий эътиборни экранлаштиришга эмас, кинематографиянинг ўз адабий асоси — оригинал баъдий сценарийлар яратишга қаратиш керак.

Катта романлар экранлаштирилганда кўпинча асар ютқазади. Лекин менинг ташвишим бундагина эмас. Ҳозир ёшлар орасида «Уруш ва тинчлик», «Тинч Дон» сингари буюк эпопеяларни ўқимай ўтиб кетаётганлар кўпаяётир. Чиндан ҳам, бир ҳафта ётиб тўрт жиддий ўқиб чиққандан кўра, 50 тийин тўлаб, икки кунда кино кўриб чиқиш осонроқ-да. Гоҳи шу асарлар ҳақида кўпчилик тоғлиришда ҳам китобни ўқимай, кино кўриш билан қаноатланиганлар бор. Бу ўшандай ёшларни сўз санъати

завқидай буюк давлатдан маҳрум қилади. Бу асарлар эса — жаҳоннинг бадиий ривожига буюк қадамлардир.

Экранлаштиришда кўпроқ кичик жанрларга мурожаат қилиш қулай. Чунки кинематограф деталлаштиришда, типиклаштиришда ўз санъати билан иш кўради ва бу билан асар ҳам ютади. Ийрик асарларни экранлаштирганда эса, аксинча, наср имкониятлари ҳам, кинематограф имкониятлари ҳам чегараланади, қашшоқлашади. Чақалоғингизга чакмонча тикиш учун хотинингизнинг шубасини тилкаламайсиз-ку...

ТАНҚИДЧИ. Сизнинг ташвишларингизга мен ҳам қўшиламан. «Уруш ва тинчлик», «Қутлуг қон», «Ўткан кунлар», «Синчалак» сингари асарларни ўқимай, киносини томоша қилиб имтиҳонга келадиган талабаларни мен ҳам тез-тез учратиб тураман. Бироқ бадиий асар асосида радиопостановка, телеспектакль, кинофильм яратиш анъана тусини олиб қолди, бунинг йўлини тўсиш мумкин эмас. Биз бадиий асар асосида яратилган энг яхши радиопостановка, телеспектакль ва кинофильмлар ҳам асар аслига тенг келолмаслиги, унинг ўрнини босолмаслиги, бадиий асар билан яккама-якка учрашувдаги завқ, ҳаяжонни ҳеч нарса билан алмаштириш мумкин эмаслиги устида кўпроқ гапиришимиз керакка ўхшайди.

Ҳозир китобхонларнинг талай қисми буни тушуниб олаётганга ўхшайди. Радио, кино, телевидение ҳаётга чуқур кириб борган ҳозирги шароитда ҳам бадиий асарларга эҳтиёж ортиб бораётгани шундан далолат беради. Масалан, ўн беш йил бурун телевидение ҳаётга энди кириб келаётган бир пайтда адабий журналимиз «Шарқ юлдузи»нинг тиражи 20 мингга етмас эди, бугунги кунда унинг тиражи 140 мингдан ошиб кетди. «Ўткан кунлар»нинг биринчи нашри бор-йўғи 5 минг нусхада чиққан эди, кейинги нашри 150 мингга етди...

Яна бир мактубдаги саволга эътиборингизни жалб этмоқчиман. Тошкент Давлат университетининг талабаси Сурайё Хўжаева Сиздан шуни сўрайди: «Бадиий асарни ўқиётганда қаҳрамонлар ҳаётининг энг ҳаяжонли дақиқалари тасвири пайтидаги ёзувчи ҳолати масаласи мени жуда-жуда қизиқтиради. Мен «Туғилиш» романини ўқиётганимда Луқмончанинг ўлими тасвирига келганда ўзимни қўярга жой тополмай қолган эдим.

Асқад ака, ўша ҳаяжонли дақиқалар тасвири пайтида қандай ҳолатга тушгансиз, эслай оласизми?"

ЁЗУВЧИ. Асарнинг китобхон учун таъсирли жойлари ёзувчининг ўзини ҳам шунчалик таъсирлантирадими? Бу ҳақда ҳар хил афсоналар бор. Микеланжело ўзи яратган ҳайкал тирикдай кўриниб, кўрқиб кетганмиш; Бальзак қаҳрамони ўлганда инфаркт бўлиб қолганмиш...

ТАНҚИДЧИ. «Уткан кунлар»даги Кумуш ўлими тасвири пайтида Абдулла Қодирийнинг йиғлагани ҳақида ҳам гаплар бор...

ЁЗУВЧИ. Булар — ижод психологияси нуқтаи назаридан ҳақиқатан ҳам афсона. Ижодкор бундай таъсирли тасвирлар пайтида заҳмат чекади. Тўғри, илҳом билан заҳмат чекади, лекин уни кўпинча ҳаяжон эмас, қаноатсизлик ҳисси қийнайди. Чунки қоғозга тушган нарсалар одатда ёзувчи ўйида туғилган ўзига хос мураккаб муносабатлар оламига нисбатан жуда кичик бўлади. Ёзувчи тасаввуридаги ажойиб дунё қоғозга ҳеч вақт тўлалигича тушмайди. Тасаввур сўздан бой. Шунинг учун ўша, Сурайёхон айтган тасвирларда ҳам мени биринчи галда қаноатсизлик ҳисси қийнаган. Чарчаганман, маза қилиб ухлаганман. Назаримда, шу ҳис бўлмаса, борди-ю, ёзувчи ўзи ёзганидан ўзи мамнун бўлиб завқланаверса — асар яхши чиқмайди.

ТАНҚИДЧИ. Суҳбатимиз ҳақиқий маънодаги ижод психологияси масаласига келиб тақалляпти. Шу муносабат билан мен бир нарсани сўрамоқчи эдим. Бу ўринда ҳаётий факт ва ёзувчи фантазияси, бадиий тўқима масаласини назарда тутяпман.

«Чинор»да 1916 йилги Жиззах қўзғолони воқеаси тасвир этилган. Анни «Чинор» билан бир пайтда яратилган. Н.Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» асарида ҳам шу воқеа кенг тасвир этилган. Н. Сафаровга-ку нисбатан осон, у бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, муаллиф кўрган-кечирганларинигина қаламга олган. Сиз қандай йўлдан боргансиз? «Чинор»даги тасвир нуқул фантазия маҳсулими ёки реал фактларга асосланганми?

ЁЗУВЧИ. Тўғри. Назир ака у вақтларни кўрган. Лекин унга асос бўлиб тасвирлаш осон бўлган деб бўлмайди. Чунки фактни, ҳаётни ёзиш бошқа, уни ёзувчи кўзи билан таҳлил этиш, ҳаётнинг асосларини асаш, моҳиятини очиш қобилияти бошқа. Ўша вақтлардаги Назир акадан ҳам яхши билган, ўз кўзи билан кўрган вақтлардан бор, лекин воқеанинг моҳиятини ёзувчиларча аниқ ёзиш Назир ака бўлди.

«Чинор»даги Назир ака билан Толстой ҳам кўрмаган. Пугачёвни Пушкин ҳам ёзмади. Агар адибни кўрган воқеаси билангина чегаралаб қўйсак, биз бадиий ижоддаги қудратли бир қонуниятни инкор

қилган бўлардик. Ёзувчи ҳамма нарсани билиши ксрак. Лекин энциклопедистлар даври ўтиб кетган. Ҳозирги даврда бир кишидан оламшумул қомус бўлишни талаб этиб бўлмайди. Мана шу жойда ёзувчини бир нарса қутқазади — ҳаётни ёзувчи кўзи билан кўриб, уни бадиий-фалсафий таҳлил қила билиш қобилияти.

ТАНҚИДЧИ. Ҳар ҳолда реалистик адабиётда бевосита кўриш, кузатишнинг, ёзувчи ҳаётий тажрибасининг роли, аҳамияти катта. Реалист ёзувчи ўзи кўрмаган ҳодисаларга ҳам ўзининг кўрганлари, кузатганлари, шахсий-ҳаётий тажрибалари асосида ёндашади. Агар Л. Толстой Севастополь жанглари кўрмаганда, эҳтимол, 1812 йилги уруш воқеаларини бу қадар реал, жонли тасвирлай олмаган бўларди, дейишади.

Модомики, ҳаётий факт ва ёзувчи фантазияси ҳақида сўз очилган экан, яна ўша «Чинор»даги бир тасвир тарихини аниқлаб олмоқчи эдим. Асар персонажларидан бири Абдулаҳат қорининг Лев Толстой билан учрашув картинасини назарда тутяпман. Асарнинг шу боби, янгилишмасам, илк бор «Гулистон» журналыда эълон қилинган эди. Уни ўқиб дастлаб кўплар хайратга тушган, бу воқеани шунчаки тўқима, фантазия деб ўйлаган эди. Кейин маълум бўлишича, бу тасвирнинг ҳам ҳаётий замини мавжуд экан. Л.Н.Толстой музейи директорининг ўринбосари Наталья Азарова «Литературная газета»да босилган мақоласида «Чинор»даги ўша тасвир ҳаёт ҳақиқатига хилоф эмаслигини таъкидлаган эди. Бунинг Н. Азарова Л.Толстойнинг 1910 йил 24 сентябрдаги кундалигида қайд этган «Мулла Абдул Ваҳид Кары» деган бир жумла сўзи орқали исбот этади.

Асқад ака, шу воқеа тасвирида яна нималарга таянгансиз, бу ерда реал факт билан ижодий фантазиянинг муносабати қандай?

ЁЗУВЧИ. Бу ҳикоятда ўша Толстой кундалигидаги бир жумладан бошқа реал факт йўқ. Шундан келиб чиқиб, мен мулла Абдул Ваҳид қорининг биографиясини ўргандим. Асарда Абдулаҳат қори деб берилган. У тошкентлик, қариндошлари ҳам бор. Думага аъзо бўлган, подшога ёзган бир эҳтиётсиз мактуби учун Тула губерниясига сургун қилинган. У ҳақида доғистонлик шерикларидан бирининг китоби ҳам бор. Унинг ҳужжатларини, дунёқарашини, даврни, Толстойни, унинг ижодини, ўша вақтдаги кайфиятларини, Ясная Полянани, тарихий тақозоларни билишим менга бадиий тасаввур йўлидан боришга ёрдам берган. Бу одамлар учрашганда гап фақат шу ҳақда бориши мумкин эди. Шунга ич-ичимдан аминлигим — шуни ёзишга мажбур этди.

ТАНКИДЧИ. Демак, Ходулаҳаг қори бор шахс. Айни пайтда бу образ жоний фантазия маҳсули, у ёндош фактларни ўрганиш, қўриқ-қўриқ қилиш асосида майдонга келган экан. Айниқса, тасаввурлар орасидаги суҳбат, баҳс, уларнинг руҳий олами бобоси – борчаси ҳаётларингиз маҳсули экан. Бироқ бу ерда, бу ерда жоний фантазия заминида реал факт, аниқ шахс ётибди.

Қаердаги бошқа образлар, чунончи, Очил бобо тасвирида қандай ўз ўтгансиз? Шоир Миртемир бир мақоласида бу образ ҳусусида шундай деган эди: «Асқад қаҳрамонлари ҳаётдаги вақт ўзидан, қайноғидан, гирдобидан. Шу ваздан шунчалик. Очил қарияни эслайлик-чи жилла бўлмаса. Нақадар таниш ва суякни сиймо бу чол. Шунчалик танишки, китобни қўриқиб: «Ху ўша Олмосдаги чол-да!» дейсиз. Ё бўлмаса: «Бу чол, умринг узун бўлгур. Учқўрғонда ўтган Тожимат зовур-қў» дейсиз. Ё бўлмаса: «Мирзачўлда кўрган эдим, ўша!» дейсиз. Ҳамма ўз Очил қариясини эсга олади ўқиганда. «Бузрук бобо эмасми ўзи!» дейувчилар ҳам топилиб қолади. Шахсан мен Очил боболарни кўп учратганман».

Худди шунга яқин бир гапни ленинградлик китобхон Валентина Чечулина Сизга йўллаган, «Ўзбекистон маланияти» газетасида эълон қилинган хатида ҳам айтган эди. Чечулина бир вақтлар республикамызда истиқомат қилган. У «Чинор»даги Очил бобо билан танишганда ўзи яшаган маҳалладаги таниш сиймо, нуроний чол Файзи ота деган одамни кўз олдида келтирган. У фахр билан: «Ҳа, мен Очил буваларни кўрганман» деб ёзади... Очил бобонинг ҳаётини замини қаерда, асл прототипи борми?

ЎЗУВЧИ. Адабиётшуносликда «прототип» деган сўз жуда шартли тушунча. Буни жуда ҳам луғавий маънода тушунмаслик керак. Биттагина соф прототип ҳеч қачон бўлмайди. Яъни ўзувчи ўз қаҳрамонининг ички дунёси, таниш қиёфаси, ҳаёти ва барча саргузаштларини ҳеч қачон ҳаётдаги битта шахсдан кўчириб ололмайди. Унда адабиёт ўз вазифасини бажара олмас эди. Миртемир аканинг бир сўзига эътибор қилинг. «Очил боболарни кўп учратганман», дейди. Шу сўзни ленинградлик муаллима Чечулина ҳам такрорлайди. Мен ҳам айтишим мумкин: Очил буваларни кўп кўрганман. Акс ҳолда менинг Очил бувам дунёга келмасди. Образ ҳамма вақт фокус нуқтасидир.

ТАНКИДЧИ. Сўз санъатининг қудрати шундаки, у ҳаётда айнан бўлмаган нарсаларга, ҳодисаларга жон киритиб юборади,

бошдан-оёқ тўқима образ минглаб ҳаётӣй шахсларнинг тимсолига айланади. Аксинча, нўноқ қаламкашнинг қўлига тушса, ҳаётдаги тирик одам мурдага айланади, бўлган воқеаларга ҳам киши ишонмайди.

Ижод жараёнидаги жиддий муаммолардан бири – анъана ва новаторлик проблемаси бўлса керак. Ёзувчи, бир томондан, сўз санъатининг, Навоӣй ибораси билан айтганда, улкан бўстони саҳнида, ўзгалар таъсирида қалам тебратади, иккинчи томондан, у шу улкан бўстон ичида йўқолиб кетмаслиги, ўз гули, гулининг ранги, ҳиди билан бошқалардан баралла ажралиб туриши, яъни ўз овозига, ўз услубига эга бўлиши лозим.

Услуб масаласида ҳам ҳар хил қарашлар мавжуд. Ёзувчининг ўзи қандай бўлса, услуби ҳам ўшандай бўлади деган нақл бор. Бундай қараш замирида услуб ихтиёрсиз тарзда шаклланади деган фикр ётади. Бошқа бир гуруҳ адабиётчилар, услубнинг шаклланишида ёзувчининг субъектив хоҳиши, истаклари, онгли равишда олиб борадиган экспериментлари ҳал қилувчи роль ўйнайди, деган фикрни илгари сурадилар.

Шахсан Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

ЁЗУВЧИ. Одамни ўз ўйлаганидан кўра бошқача ўйлашга, ўзи ҳис қилганидан бошқача ҳис қилишга, ўзи ёзганидан кўра бошқачарок ёзишга мажбур этиб бўлмайди. Шунинг учун энг яхши услуб – табиӣй услуб. Бу масалада зўракилик – худди кўпол ямоқдек дарров кўзга ташланади.

ТАНҚИДЧИ. «Опа-сингиллар», «Туғилиш» романлари шакл, услуб жиҳатидан анъанавийроқ эди. «Давр менинг тақдиримда», хусусан, «Чинор» ўзбек романчилигида шакл жиҳатидан жиддий янгилик бўлди. Унда биз рус, қардош халқлар, қолаверса, ғарб прогрессив адабиётининг энг сўнгги тажрибалари таъсирини кўрамиз. Айни пайтда, замонавий шаклда ёзилган бу икки асарда қадимий шарқ адабиёти, фольклор анъаналари ҳам кучли. Сўз санъатининг сўнгги тажрибалари билан қадимий адабий анъаналарнинг қўшилиб кетиши қизиқ бир ҳодиса. Шу жараён қай тариқа юз берди? Шуни билмоқчи эдим.

ЁЗУВЧИ. Услуб доимий нарсa ҳам эмас. Ҳар бир китоб муаллифни ўзича тўлқинлантириши мумкин. Бир муаллифнинг ҳамма китоблари бир услубда ёзилса ҳам яхши бўлмасди.

Дейдиларки, битта китоб ёзган муаллиф ҳали ёзувчи эмас.

Иккита китоб ёзган муаллиф-чи? Учта, тўртта китоб ёзган муаллиф-чи? Ёзувчиси?

Менимча, ҳар бир янги китоб бошланишида янги ёзувчи тўғилди.

Ҳар бир китоб гутаганда — кўнгилда қандайдир бўшлиқ юз беради. Хувиллаб қолгандай бўласиз.

Китоб бошлаш эса ҳаётнинг қайта бошланишидек: фаол, оғир ҳаёт. Ёзяпман, барҳаётман.

Қадамда янги китоб ҳақида фикр бўлмаса - бу сўлғинлик.

Мен бошимда кезиб юрган беш-олтита китобни ҳикоя қилиб берганим мумкин. Қайси бири пишади, қайси бири мени ёзганим ҳийнай бошлайди — билмайман.

ТАҲҚИДЧИ. Сўнгги пайтларда «йигирманчи аср услуби», «пост-модерн» ҳақида кўп гаплар бўляпти. Умуман, ҳозирги адабият, шеърятдаги услубий-шаклий изланишларга қандай қарайсиз?

ЁЗУВЧИ. Изланиш яхши. Лекин экспериментни асосий услуб қилиб олиш керак эмас. Новаторликни ўйлаб чиқариб бўлмайди. У эни яхши анъаналардан табиий ўсиб чиқиши керак.

Яқинда Москвада бўлган ёшлар кенгашида бир йигитнинг ҳикояларини муҳокама қилдик. Феъл ишлатилмапти. «Мояника», дейди. «Бу қизиқ ўйин экан, лекин туйғулар бутунлиги йўқ-ку», десак: «Мен эксперимент қиляпман, одам донм парвозда бўлиши керак, занг босмайди», дейди.

Парвоз яхши, учиш керак. Лекин қасққа? Буни аниқлаш ҳам керак-да. Жарликка, йўқликка учиб кетаётган бўлсанг-чи?

Классикани, бутун адабиёт тажрибасини билмай туриб эксперимент қилавериш новаторликка олиб келмайди.

1975 йил, май

ТРИЛОГИЯНИНГ ТУФИЛИШИ (Ёзувчи Саид Аҳмад билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Биринчи бор ўзбек адабиётида бир муқова остида уч китобни ўз ичига олувчи мукамал бадиий трилогия пайдо бўлди. Трилогиянинг туғилиш тарихи ҳам қизиқ. Аввал «Уфқ»нинг қоқ ўртаси — иккинчи китоби ёзилди, сўнг охириги ва биринчи китоблари... Ҳозирда «Ҳижрон кунлари» деб аталган илк китоб чиқиши биланоқ унинг теварагида қизғин баҳслар бошланган эди. «Уфқ бўсағасида», ниҳоят “Қирқ беш кун” китоблари ҳам алоҳида-алоҳида ҳолда босилди ва жиддий мунозараларга озиқ берди; ёзувчи дўстларингизнинг, адабий танқидчиларнинг “Уфқ” китоблари ҳақида айтган гаплари жамоатчиликка яхши таниш. Кенг китобхонлар оммасининг “Уфқ”қа берган баҳоси ҳам маълум: “Уфқ” китоблари кўп марта нашр этилди ва жуда тез тарқаб кетди. Мен “Уфқ”қа бағишланган талай китобхонлар анжуманларининг шохидиман, ўқувчиларнинг асар ҳақидаги юрак сўзларини эшитганман...

Мана энди, ўн беш йиллик ижодий меҳнатни, трилогия устида кетган баҳсу мунозараларни сарҳисоб этиш, у ҳақда Сиздан ҳам сўз эшитиш пайти келди. “Уфқ”нинг туғилишига асос бўлган илк турткидан тортиб, уч китобнинг бир муқова остида чиқишигача бўлган жараён тафсилотлари ҳаммани қизиқтиради. Қисқаси, энг аввал «Уфқ»нинг яратилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

ЁЗУВЧИ. Аввал қандай ҳикоя ёзишимни айтиб беришим керак. Шундагина роман қандай ёзилганини тушунтиришим осон бўлади.

Бир адабиётшунос билан ижодий баҳсимизда, ёзувчи қўли чарчагунча эмас, руҳи чарчагунча ёзиши керак, деган эдим. Ижодни жисмоний меҳнатдан қанчалик фарқ қилишини айтмоқчи бўлганман. Бир футболчи матчдан кейин майдондан чиқар экан, бир неча кило оғирлигини йўқотади, дейишади. Ёзувчи ҳам битта ҳикоясини тугатганда анчагина қонини йўқотса керак, дейман. Ўзимдан қиёс, мен ҳикояларимнинг ҳаммасини кечаси, тонг отгунча ёзиб тугатаман. Эртасига қаттиқ ҳориган, толиққан бир алопозда юраман. Фақат янги ҳикоя ёзганимнинг завқи, нашъаси мени руҳан ушлаб туради.

Энди саволингизга берадиган жавобимнинг дебчасини бошлайман. Кичкинагина бир ҳикоя шунчалик азоб билан

ёзилса, энг камиди қирқ эллик ҳикояга тенг келадиган роман қандоқ ёзилар экан. Шунинг учун ҳам роман ёзишга сира журъат қилолмасдим. Бигга роман ёзгандан кейин ўлиб қолсам керак, деб ўйлардим.

Оғир юк кўтарган кишини тасвирлаганимда ўзим ўша юкни кўтаргандек кучаниб, терлаб кетаман. Ўлим манзарасини тасвирлаганимда энг яқин кишимнинг жасади тепасида тургандек йиғлагим келади.

Хуллас, нимани тасвирласам ўзим ўша воқеанинг иштирокчисига айланаман. Шунинг учун ҳам ҳар бир бобни ёзганда қаттиқ чарчаб, толиқиб қоламан. Кулгили ҳолатлар тасвирига келганда яйраб кетаман. Сира чарчамайман. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, «Муштум» учун бир кечада икки-уч ҳикоя, телеминизюраларнинг бутун бир кўрсатувиغا саккиз-тўққиз минимизюра ёзган пайтларим ҳам бўлган. Сира чарчамаганман.

Менинг жиддий ҳикоя ёзишим худди аёл кишининг кўзи ёришдек азобли бўлади. Мен ҳеч қачон ҳикоями, қиссами ё романим ёзганимда сюжетни охиригача ўйламайман. Аввалдан таъриб қўйилган схема қаҳрамонни адаштиради. Қаҳрамон аввалдан чизиб қўйилган чизикдан юрмай, оёғини гираб олади.

Агар ёзувчи ўз қаҳрамонининг кимлигини аниқ билса, хулқи, тарбияси, характери, тезлиги, сустлиги, қомати, жисмоний қувватлиги ёки заифлиги, сўзамоллиги, журъатсизлиги... бунларнинг ҳаммасини билган ёзувчи романнинг икки-уч ёбидан кейин қаҳрамонни ўз ҳолига қўйиб бериши керак. Ёзувчи ҳақиқатни қўлатиши, қилган ишлари, учрашган одамлари, юрган йўлини таҳлил қилиб бориши керак. Агар уни аввалдан чизиб қўйилган йўлдан юришга мажбур қилса, қаҳрамон сунъий, ясамансиз одамга айланади. У ўз характериға мос келмаган қилиқлар қилиши, ўзи хоҳламаган гапларни айтиши, қўлидан келмайдиган ишларни адо этиши керак бўлиб қолади. Бундай китоб қаҳрамонининг саргузашти ўқувчини ишонтирмайди.

ТАНҚИДЧИ. Маълум бўляптики, бадиий ижод сирли, сеҳрли руҳий жараён. Бу ишда олдиндан ҳамма нарсани аниқ-равшан режага олиш мушкул. Ижод давомида аввалги мўлжаллар бутунлай ўзгариб кетавериши табиий... Шундай бўлса-да, «Уфқ»нинг қор ўртасидан бошланиш сабабини билгимиз келади.

ЁЗУВЧИ. Романни бошда икки китоб қилишни мўлжаллагандим. Уруш даври биринчи, урушдан кейинги дав

иккинчи китоб бўлиши керак эди. Шундай қилиб ёздим ҳам. Шу икки китобни ёзиш жараёнида Фарғона волийси кишилари, манзаралари мени ўзига жуда-жуда ром қилиб қўйди. Икки китоб қаттиқ ҳаяжон, изланишлар, турли руҳий эзилишлар, қувончлар билан ёзилганидан китоб битгандан кейин ҳам, ўқувчилар қўлига тегиб, адабий танқид яхши-ёмон гап айтгандан кейин ҳам унинг руҳидан чиқиб кетолмадим. Бирон ҳикоя ёзсам ё шу романга кирмай қолган бобга, ё қаҳрамонларимдан биронтасига ўхшаб қолаверди.

Бундай ҳолат сахна усталарида ҳам бўлиб туради. Агар актёр бирон рол устида қаттиқ ишласа, узоқ вақт ўша роли таъсиридан чиқиб кетолмай, қандай роль ўйнаса ҳам аввалгисига ўхшаб қолаверади. Халқ артисти Абдор Ҳидоятлов Отеллодан кейин ўйнаган ҳамма қаҳрамонларини Отеллога ўхшатиб қўяверди. Машҳур артист Симонов Пётр I, Бабочкин Чапаев бўлиб қолаверди. Симонов Пётр I га қарама-қарши Монтанелли ("Сўна" балий фильми) ролидан кейингина ўзини ўнглаб олди.

Мен «Уфқ»га қарама-қарши асарга мавзу қидирмадим. Роман воқеалари юз берган жойларда содир бўлган буюк бир воқеа мени ўзига тортди. Бу жаҳон ирригацияси тарихида ҳеч қачон изи йўқолмас Катта Фарғона канали қурилиши эди.

ТАНҚИДЧИ. "Ўзбекистон маданияти"да босилган бир мақолада Сизни тўлқинлантирган шу қурилиш ҳақидаги асарни алоҳида роман деб атаган эдингиз. Қандай қилиб у «Уфқ»нинг биринчи китобига айланиб қолди?

ЁЗУВЧИ. Аввалига бу мавзунини алоҳида роман қилиш ниятида эдим. Мустақил китоб сифатида бир-икки боб ёзиб кўрдим ҳам. Аммо ҳамон руҳимда «Уфқ» ҳаяжони яшарди. Бўлмади. «Уфқ»дан қутулиш учун янги романни яна бир-икки йил кечиктирмоқчи бўлдим. Шундай қилдим ҳам. Бўлмади. Бу руҳдан қутулиш қаяқда, борган сари янги китобим «Уфқ»га ёпишиб келаверди. Бундан гашқари адабий танқид роман қаҳрамонлари Икромжон билан Турсунбойлар характерларининг шаклланишида қандайдир етишмовчилик борга ўхшайди, деб таъна қилган эди. Бирдан менда янги ёзадиган китобимни «Уфқ»нинг биринчи китобига айлантириш ва ўша характерларида етишмовчилик бўлган қаҳрамонларни киритиш фикри туғилиб қолди.

Даврнинг ёнма-ёнлиги, маконнинг бирлиги ишимни осонлаштирди. Аммо янги роман янги характерлар яратишни,

нинг туқилишлар бўлишини тақозо қиларди. Шунинг учун ҳам мустақил янаёй оладиган, ҳам «Уфқ»қа дебоча бўладиган китоб ёни вазифасини олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Ўзингизга маълум, халқимиз ҳаётида сира унутиб бўлмайдиган буюк бир воқеанинг шу пайтгача керагича қаламга олинмаслиги ёзувчилар зиммасида жуда катта қарз бўлиб ётган эди. Канал иштирокчилари йиллар ўтиши билан озаёиб борапти. Воқеалар хотирада хира торта бошляпти.

Тошкентда туриб Фарғона кишилари тўғрисида роман ёзиш қийин эди. Атайин Катта Фарғона каналининг Куйганёр тўғонига кўчиб бориб, ўша ерда ёза бошладим. Қаҳрамонларим — канал ветеранлари атрофимда. Воқеа содир бўлган ерлар кўз олдимда. Рассомлар «с натуры» деганларидек, мен каналга, одамларга қараб ўтириб китоб ёздим. Шундай қилиб икки китобли роман беихтиёр трилогияга айланди.

ТАНҚИДЧИ. «Уфқ»нинг туғилишида аввалги ёзилган ҳикояларнинг, жумладан, «Чўл ҳикоялари»нинг аҳамияти ҳақида нима дейсиз. Менга мавзу-муаммолар жиҳатидан ҳам, услубий-тасвирий оҳанглар томонидан ҳам «Уфқ» ҳикоячиликлда белланган тажрибаларингизнинг синтезига ўхшайди.

ЁЗУВЧИ. Чўл ҳикояларини ёзишдан аввал «Уфқ»ни ўйлаб ўтишман. Аммо чўл романтикасини ҳис қилолмай гаранг бўлиб қолдим. Ўзингиз ўйланг. Романларда ошиқ-маъшуклар булоқ бўлишди. Шаршаралар ёнида бир-бирларига роз айтишади. Ўқиб-ўқиб қолган чаманзорда, булбулнинг тўлиб-тўлиб фарёл бўлиб-бўлиб, э-тикиб-энгикиб, ишқ изҳор қилишади. Тоғлар бўлиб-бўлиб булутлар сузади. Фонтанлар олдида ошиқ-маъшуклар қўлишади.

Ўқиб-ўқиб тасвирлайман. Менинг ошиқ-маъшукларим қайси тоғларда, қайси булоқларга қарайди. Қайси булбулнинг овозини эшитиб, қайси э-тикиб-энгикиб чўл. Бу жойда на бир мусича, на бир қўлчилик бор. Ўзинг устига мен гўзал деб тасвирламоқчи бўлган бу тоғлар уруш меҳнатидан қалок бўлиб кетган, қалок бўлиб кетганлари аёвсиз лағаллаштирган. Уларнинг эғнида бўлиб-бўлиб қийим, оёғида бутун пойафзал бор. Ўқиб-ўқиб бўлишга ҳам, одамларда ҳам кўзни ром қилишга ҳам, бу жойда йўқ. Шунинг учун аввалига разведка — бу жойда қандай маъносила бир неча ҳикоялар ёзишни қарор қилдим. Бу жойда тўғларига узоқ кездим. Чўлқуварлар изидан

юриб, улар тўғрисида бирин-кетин ўнга яқин ҳикоя ёздим. Шу жараёнда ташқаридан қараганда дарров кўзга ташланмайдиган ажиб бир гўзалликларни кашф қила бошладим. Сап-сарик файзсиз чўлдан тополмаган гўзалликларни одамлар юрагидан топа бошладим. Бора-бора чўлда ҳам ҳеч ким пайқамаган нафислик белгилари кўриниб қолди.

Мана шу чўл ҳикоялари воқеалари романда такрорланмаган бўлса ҳам, лекин улар роман учун бир разведка вазифасини ўтади. Шу ҳикояларни ёзмаганимда ё романни ёзолмасдим, ё у жўнроқ бир китоб бўлиб қоларди.

ТАНҚИДЧИ. Ўзбек насрининг характерли бир анъанаси бор. Талай адибларимизни Фарғона водийси ўзига мафғун этган. Улар гўё “илҳом қидириб” водий томон талпинадилар. Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» билан “Меҳробдан чаён”да, Ойбек “Олтин водийдан шабадалар”да, Ғафур Ғулом қатор ҳикоя ва очеркларида шундай йўл тутганлар. Мирмуҳсиннинг “Умид”, Ўткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романларидаги ҳаяжонли саҳифалар Фарғона колорити билан боғлиқ. Сиз ҳам асл тошкентлик бўла туриб, нуқул Фарғона кишилари ҳақида ёзасиз; аксари ҳикояларингиз, мана энди «Уфқ» бошдан-оёқ Фарғона колорити руҳи билан йўғрилган. Бу ўзингиздаги шахсий майл оқибатими ёки насримиздаги анъаналар билан боғлиқми?

ЁЗУВЧИ. Ўзим тошкентлик бўла туриб, Фарғона кишилари тўғрисида асар ёзишимнинг асл сабабини билмайман. Билмадим, ўзбек халқига хос миллий хусусиятлар, халқнинг анъаналари, манзараларидаги миллий руҳ бу тарафларда кучлилигими, манзараларнинг гўзаллигими, билмайман. Ҳар қалай китоб ёзишга майл йўқ пайтларида ҳам ўша тарафларга кетиб қолгим келаверади.

ТАНҚИДЧИ. Айрим танқидчи ва ёзувчилар, ҳозир «минироман»лар даври келди, кўп китоблардан иборат қалин асарлар, йирик эпик полотнолар даври эса ўтди, дейдилар. Бу фикрга қандай қарайсиз?

ЁЗУВЧИ. Бу фикр, менимча, унчалик тўғри бўлмаса керак. Мебеллар, радиоприёмниклар, магнитофонлар, телефон аппаратлари ихчамлашиши мумкин. Аммо санъат асари ҳажм билан ўлчанмайди. Даврга, модага қараб шимнинг почаси торайиши, кенгайиши, мумкин, аммо санъат бундай модаларга бўйсунмайди.

Бир пайтлар уч бурчак, тўрт бурчак, олти бурчак... шеърлар пайдо бўлган эди. Аммо Пушкин, Лермонтовларнинг шеърлари

бунақа шакарсит ҳам ҳамон ўз хизматиини қияпти. Ўқувчини ҳаяжонга соляпти. Агар роман катта ҳажмни кўтарадиган мазмунга эга бўлмаса, албатта минн бўлгани маъкул. Катта гап айтадиган, катта воқеаларни бағрига жо қилган романлар қанча катта ҳажмда бўлмасин, ўқувчи уларни жон-жон деб ўқийди. Бу китобнинг мазмунига, ёзувчининг маҳоратига боғлиқ.

ТАНҚИДЧИ. Аслида ҳозир «минироман»лар билан бир қаторда йирик эпик полотноларга қизиқиш ва эҳтиёж ҳам сусайгани йўқ. Гапингиз тўғри, социологик тадқиқотларга қараганда кейинги пайтларда юпқа китоблардан кўра қалин, лекин яхши китоблар кўпроқ ўқиладиган экан.

Биз танқидчиларнинг бу хусусда бошқа бир муаммо ташвишга соляпти. Кўп китобдан иборат романларнинг деярли ҳаммасида барча китобларни тутиб турадиган яхлит гоаявий-поэтик оҳанг, драматик асос, бош ёки марказий қаҳрамон етишмай қоляпти.

ЁЗУВЧИ. Менимча, бу йирик эпик форманинг кусури эмас, балки эпик маҳорат етишмаслиги оқибати. Шуниси ҳам борки, йирик эпик полотноларда барча китоблардан ўтадиган бош сюжет қилини қаҳрамонлар бўлишини талаб этиш ҳар доим ҳам ўринли бўлвермаса керак. Ўзим тўғримда шундай дейишим мумкин. Уч оғирбани боштан-оёқ ушлаб турадиган асосий қаҳрамон йўқ. Мен шундай йўл тутдим. Ўзингизга маълум, учала романда ташвиш ёзувчимиз тарихинини уч муҳим даврини тасвирлашга арақат қилдим. Яқин ўн йиллик давр қамраб олинган. Бу давр эҳсосотининг бир одам тақдири орқали ўтказишни лозим тасаввур. Бу гоаят кескин, ҳар йили янги шиддатли ҳодисалар, тақдирлар, қаҳрамонлар туғилган давр эди. Шунинг билан ҳар бир романга янги қаҳрамонлар ижод қилишни лозим тасаввур. Аммо уч китобни бир-бирига боғлаб турадиган руҳни қандайдир қизирмасликка ҳаракат қилдим.

ТАНҚИДЧИ. Асар материали, гоаявий-бадийий йўналиши ва шундай йўл тутилса майлику-я, кўпинча, катта китоблар гоаявий-бадийий юкнинг енгиллиги туфайли иккинчи китобга руҳида нима қиларини билмай довдираб қоляпти, кейинги китобга руҳини романларимизда ҳам ҳатто бир китоблик юкка ўтказиб, катта қаҳрамонлар пайдо бўлиб қоляпти, натижада қисса ва новелла тарзин, баъзан эса новеллабоп характерлар, тақдирлар ва ҳодисалар билан романлар ёзиляпти. Бунн роман жанридаги тақдирлар ва ҳодисаларини деб атовчилар тоңиляпти.

ЁЗУВЧИ. Агар бир китобдан иборат романда асосий қаҳрамон марказда турмас экан, Сиз айтгандай, қаҳрамон романбон юкни кўтаришга қодир эмас экан, бу ёзувчининг нўноқлиги. Масалан, М.Шолоховнинг “Тинч Дон”ида Григорий тўрт китобда тўлалигича тасвирланган. Шолохов ўзини ўёқ-буёққа ташламай, изчил тасвирлай олган-ку. Демак, кўп китобли роман ёзадиган муаллифда эпик маҳорат ниҳоятда қиёмига етган бўлиши керак экан. Биз мана шу жиҳатдан оқсаб турибмиз.

Биз бу нуқсонларимизни оригиналлик ниқобига яширмоқчи бўламиз. Баъзан оригиналлик маҳорат эмас, ожизликни кўрсатади.

ТАНҚИДЧИ. “Уфқ”қа қалар Сиз асосан лирик ва ҳажвий ҳикоялар устаси сифатида танилган эдингиз. Ҳикояда-ку тасвир оҳангини топиш, таъминлаш бирмунча осон; мавзу-материал, маъно характериға қараб, ўз-ўзидан унинг оҳанги ҳам қуйилиб келаверса керак. “Уфқ” эса ғоят кўп планли; ундаги тақдирлар, характерлар, мавзу-материаллар ҳар хил. Уларнинг ҳар бири ўзига мос тасвир оҳангини, усули ва услубини тақозо этади. Бу жиҳатдан ҳам “Уфқ” ўзбек романчилигида ўзига хос ҳодиса. Ҳам майин лирик, ҳам трагик, ҳам юмористик, ҳам сатирик ҳолатларнинг бу қадар кенг кўламда қўшилиб, туташиб келиши авваллари романчилигимизда деярли кўринмаган эди. Бунга эришишда қандай тажрибаларға таянгансиз? Умуман, «Уфқ»нинг майдонға келишида ўзбек, рус ва бошқа халқлар адабиёти роман усталарининг таъсири, тажрибаси ҳақида гапириб берсангиз. Ижода мавжуд тажрибаларнинг роли ва ҳар бир ёзувчининг ўз йўли, ижодий индивидуалиги хусусида нима дейсиз?

ЁЗУВЧИ. Ҳикоячиликда анча пишиб қолган эканман (албатта, бу гап билан ҳикоя ёзишда бошқалардан ўтиб кетдим демоқчи эмасман). Сюжет тузиш, ҳикояни бошдан-оёқ бир оҳангда олиб чиқиб кетиш тўғрисида гапиряпман. Ҳар қалай ҳикоя кичик нарсa, уни бир оҳангда тутиш унчалик қийин бўлмайди. Аммо романи бундай қилиш қийин. Аввалиға шундай қилишни мўлжаллагандим. Қарасам, жуда қийналиб кетадиганға ўхшадим. Кейин ўйлаб-ўйлаб бошқа бир йўл тутмоқчи бўлдим. Роман персонажларининг ҳар бириға алоҳида оҳанг бермоқчи бўлдим.

Икромжон тасвирида жиддий оҳанг танладим. Асрора тасвириға келганда бу оҳанг ўзгаради. Иноят Оқсоқол бутунлай бошқа бир нотада ёзилган. Турсунбой тасвириға келганда оҳанг гоҳ зарбли, гоҳ юқори пардаға чиққанда бирдан узилиб

қолади. Зебихонда эса майин халқ куйлари оҳанги аралашиб туради. Китобни қўлимга олиб бирон саҳифасини ўқиб қолсам, дарров ёзган пайтимдаги оҳанг қулоғим остида жаранглаб кетади. Билмадим, ўқувчида ҳам шунақа бўлармикин ё ўзимга шунақа туюладими? Сиз шу ҳолатни сезмадингизми?

ТАНҚИДЧИ. Эҳтимол, Сиздаги мусиқий ҳолат ўзгаларда айнан такрорланмас. Шахсан мен асарнинг энг ёрқин, ҳаяжонли саҳифаларини ўқиганимда мавжуд куйлар оҳангини эмас, авваллари сира эшитмаган, бошқаларда учратмаган ҳиссий оҳангни туйиб тураман.

ЁЗУВЧИ. Романда, айтганингиздек, персонажлар кўп. Уларнинг ҳар бирини алоҳида тасвирлаш, тақдирларини кўрсатиш, арзигулик бирон вазифани адо эттириш керак. Булардан ташқари улар ўқувчининг хотирида қолиши, уни ҳаяжонга солиши лозим. Бу ёзувчи учун жуда қийин вазифа. Ҳар қалай мен эринмай, уларни батафсил кўрсатишга ҳаракат қилдим. Лекин қанчалик уддаладим, аннқ айтолмайман. Буни сиз адабий танқидчилар айтасиз.

Таъсир ва ижодий индивидуаллик масаласига келсак, жаҳон адабиёти яратган нодир асарларни ўқимай туриб ёзувчи бўлиш қийин, албатта. Толстойни, Тургеневни, Қодирийни, Ойбекни ўқимай бирдан роман ёзиб бўлмайди. Улардан ижодий сабоқ олмаган ўзбек романчиси йўқ. Мен, албатта, бу устозлар мактабидан ўз билганимча сабоқ олганман. Лекин уларга эргашмаганман. Улар услуби ёки сюжетини такрорламаганман. Мундоқроқ бўлса ҳам, стук бўлмаса ҳам ўзим янги оҳанг, янги услубда ёзганман.

Ҳар бир ёзувчи воқеага, ҳаёт фактларига ўз кўзи билан қарайди. Ўз фикри билан мулоҳаза қилади. Ҳар бир ёзувчининг кўзи илғайдиган ранглари бор. Қулоғи эшитадиган оҳанглари бор. Ҳар бир кишининг қалби ҳаёт фактларини ўз ҳиссиётлари орқали кечиради. Бу омиллар ҳақиқий ёзувчини ҳамкасабаларидан ажратиб турадиган индивидуалликка олиб келади.

Хуллас, мен “Уфқ”да бировга ўхшамасликка ҳаракат қилганман. Ёзаётган ҳар бир жумлани, шу ростми, биров ўқиса ишонадими, деб ўзимдан-ўзим сўраб ёзганман. Биронта ёзувчининг китобидаги тасвир, биронта ўхшатиш беихтиёр кириб қолмаслигини назорат қилиб турганман. Концертда ажойиб бир ҳофиз ўзи ихтиро қилган кўшиқни ижро этди дейлик. Томошабиннинг чексиз олқишига сазовор бу ижродан кейин

яна бир одам чиқиб, худди шу қўшиқни ижро этса, қандоқ бўлади? Ҳар бир санъат асари оригинал бўлиши, бир марта яратилиши керак. Бировнинг кулгисини, бировнинг йиғисини такрорлаб бўлмаганидек, бошқа бир муаллифнинг ҳиссиётларини такрорлаб бўлмайди. Ҳатто, ёзувчи ўз ҳисларини бошқа бир пайт ўзи ҳам такрорлаёлмайди.

ТАНҚИДЧИ. Асарлаги бош қаҳрамонлар – Икромжон, Азизхон, Тоғаларнинг ҳаётий замини ҳақида танқидчилар орасида ҳар хил гаплар айланиб юрибди. Уларга аниқлик киритиш учун ўзингизнинг гувоҳлигингиз керак бўлиб қолди.

ЁЗУВЧИ. Икромжон билан Азизхонни ўзим яратганман. Аммо Тоға бор одам. Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида машҳур бир колхоз бор (ҳозирги номи “Москва”). Райимберди Тўхтабоев деган бир киши раислик қиларди. Мен у киши билан кўп гаплашганман. Бир-биримиз билан борди-келдимиз бўларди. У кишини халқ Тоға деб атарди. Тоға раислик қилган колхоз бутун Фарғона водийсига машҳур эди. Тоға Ўзбекистон депутати бўлган. Қатор орден, медаллар билан мукофотланган. Шу колхоз уруш йилларида Ёзьявон чўлларида янги ер очганди. Романда тасвирланган макон географик жиҳатдан аниқ жойлар. Тоға ҳам бўрттирилмасдан, ортиқча бўёқларсиз аниқ кўрсатилган. Икромжон образи ижодий фантазия маҳсули, аммо бу образнинг яратилишига туртки бўлган бир киши бор. Тоға раислик қилган колхозда чўлга биринчи бўлиб чиққан, қамиш куйдириб ер очган Ориф Каримов деган киши Икромжон образига туртки берганди.

Азизхонни ўзим ҳаёлан ижод қилганман. Азизхон бебош, ерга урса кўкка сапчийдиган, қилиш-қилмишидан элга наф тегмайдиган бебошвоқ йигит. Мен уни атайин шундай тасвирладим. Бунга сабаб, Норин дарёсига уни қиёс қилмоқчи эдим. Норин дарёси кўпириб-тошиб, экинзорларни пайҳон қилиб оқарди. Шундай беқиёс ҳазинадан наф кам эди. Азизхон ҳам шунақа. Унда фил кучи бор. Аммо бу куч беҳуда ишларга сарф бўлади. Шу икки кучнинг бўйсунишини тасвирламоқчи бўлдим. Бу образнинг прототипи йўқ. «Қирқ беш кун»нинг кўпчилик иштирокчилари ўз исм-фамилиялари билан аниқ тасвирланган. Дўнан Дўсматов, Жўраполвон Ғойипов, Тожимат ога Ҳидиров.

Инженер Белявский образи ҳам жиндек ўзгартиш билан тасвирланган. Канал проектини тузишда, канал қазिश жараёнида катта меҳнат қилган кекса инженер Клавдий Синявский бу

хўш кўриш бўлган. Мен унинг таржимаи ҳолига ўзгартириш
қилишнинг ҳаққини фамилialesни бошқача қилишга тўғри келди.

Умуман, ҳар учала романида тасвирланган жойлар аниқ,
шарҳлар, маҳалалар, йўллар аниқ жуғрофий асосга қурилган.

ТАҲАРИҲИ. Айрим танқидчилар «Қирқ беш кун»да канал
қурилиши билан ишлаб чиқариш характеридаги можаролар,
қурилиш қаламга олинмаганлигини айтдилар. Канал
қурилиши билан бевосита иштирокчиси сифатида бу хусусдаги
можароларга қандай қарайсиз?

ТАҲАРИҲИ. Мен умуман яхши танқидга тан бераман. Шуни ҳам
айтаётганман, китобни ҳаётдан олиб олиб таҳлил қилиш менга
қизиқмас. Агар танқидчи ёзувчи даражасида бўлмаса ҳам
қурилиш даражасида ҳаётни кузатган бўлса, баҳо берадиган китобига
баҳо бериш керак бўлади. Шу баҳо билан «Қирқ беш кун» атрофида
қурилиш билан танқидий мулоҳазаларни эслатиб ўтмоқчиман.

ТАҲАРИҲИ. Фарғона канали қурилишидаги меҳнат жараёни яхши
тасвирланган, аммо қийинчиликлар, иш юзасидан майдонга
қилинган конфликтлар етарли кўрсатилмаган, дейилди. Бу
можаролар қўл танқидчиларнинг матбуотда эълон этилган
хатлари билан қилинди. Агар Катта Фарғона канали қурилиши
қилинган танқидчиларга аён бўлса, оз бўлса ҳам, қурилиш тарихига
қўл қўйганлариди бу хил таъналарга ўрин қолмасди.

ТАҲАРИҲИ. Бу мисол келгирмоқчиман. Қурилиш бошида
қурилиш билан ишнинг жами раҳбарлари, вазирлар туришди.
Қурилиш билан ишнинг ичкилик чиқазиб юборилди. Иш аниқ
қурилиш билан ишнинг бир меъёрда давом этарди. Бу ерда
қурилиш билан ишнинг қўл қўйиб йўқ. Бюрократ йўқ. Ўғри йўқ. Гўё қирқ
қурилиш билан ишнинг коммунизм қурилгандек” эди. Овқат текин,
қурилиш билан ишнинг текин. Медицина, маданий хизматлар текин...

ТАҲАРИҲИ. Бировни биров зўрлаб ишлатиш йўқ. Бадий
қурилиш билан ишнинг бўлган омилларни топиш амримаҳол. Мен
қурилиш билан ишнинг равишида конфликт яратишим мумкин?
Қурилиш билан ишнинг мана шу қийинчиликлар сабабли бўлса керак,
қурилиш билан ишнинг Фарғона канали қурилиш тўғрисида бирон
қурилиш билан ишнинг яратишмади. Агар романга тўқиб чиқазилган
қурилиш билан ишнинг қурилишнинг оламшумул
қурилиш билан ишнинг, шу буюк қурилиш фидокорларининг
қурилиш билан ишнинг бўлардим. Мен айни танқидчилар тавсия
қурилиш билан ишнинг конфликтни тўқиб чиқаришим мумкин эмас

эди. Ҳашар, бунинг устига умумхалқ ҳашари нима эканлигини билган одам бундай талабни қўймайди. Билмадим, ҳар қалай мен шундай деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам танқидий фикрларнинг шу қисми менга унча ўтиришмади.

ТАНҚИДЧИ. Мен аввал ҳам айтган эдим, баъзилар лаъво қилгандек, «Қирқ беш кун»нинг меҳнат тасвири билан боғлиқ камчилиги «қурилишдаги қийинчиликлар, кўнгилсиз ҳодисалар, салбий томонлар муаллиф эътиборидан четда қолиб кетгани»да эмас, Сизнингча, аслида ҳаётда айти шу тарздаги ҳодисаларнинг ўзи бўлмаган экан. Лекин бу билан асар конфликтдан, ҳодисалар драматизмдан холи деган маъно чиқмайди. Менимча, айрим ҳамкасбларнинг романдаги мавжуд меҳнат тасвиридан кўнгли тўлмаётганлиги боиси бошқа ерда – Сиз айтган халқдаги ўша мислсиз шижоатнинг маънавий омиллари, ҳаётини замини, уларнинг фалсафий-эстетик маъноси, бугунги кунга алоқадор томонлари етарли даражада чуқур очиб берилмаганида бўлса керак... Шундай қилинганда асар драматизми ҳам ўз-ўзидан янада ўткирлашган бўларди.

ЁЗУВЧИ. Бу томонига бир нарса дея олмайман. Ҳар ҳолда бадиият талаби билан ҳақиқатга, соддадил халқимизнинг “буюк удуми”га қарши боролмадим.

ТАНҚИДЧИ. Бир вақтлар, “Уфқ”даги она образида фуқаролик туйғуси етишмайди, деган гап бўлган эди.

ЁЗУВЧИ. Қаҳрамондаги, қолаверса, кишидаги фуқаролик туйғусини бир хил мезон билан ўлчаб бўлмайди, бу ноёб туйғу ғоят хилма-хил кўринишда намоён бўлиши мумкин. Айрим асарлардаги она образларидан фарқли ўлароқ мен яратган она ўзининг фуқаролик туйғусини эл-юрт олдида намоёнкорона кўз-кўз қилмайди.

ТАНҚИДЧИ. Она ноқобил фарзандидан сўнгги дақиқаларгача кўнгил узолмайди, айти пайтда шу ноқобил фарзандининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари туфайли эл-юрт кўзига тик қаролмай, ўз дардини ҳатто энг яқин кишисига ҳам айтолмай, юрагини ёролмай, ўкинч, ғам-аламлар исканжасида оламдан ўтиб кетади. Шунинг ўзи фуқаролик туйғуси эмасми?! Она образининг бошқа бир ғоявий-эстетик функциясини ҳам унутмаслик керак. Онанинг аччиқ қисмати Турсун жиноятининг нақадар мулҳиш эканлигини юракдан ҳис этишга ёрдам беради: бошқачароқ қилиб айтганда, бу аччиқ қисмат китобхон қалбадаги чуқур инсоний, фуқаролик туйғусини аланга

олдиради. Кейинги йилларда эл оғзига тушган, кўп жиҳатдан “Уфқ”да тасвир этилган ҳодисани ёдга туширувчи рус адиби В.Распутиннинг «Яшайверу унутма» қиссасидаги Настянинг фожеий қисмати тасвири ҳам худди шундай кучга эга...

Кўряписизми, биз танқидчилар Сизни фақат танқид қилиб қўя қолмаймиз, балки асоссиз танқиддан ҳимоя ҳам қиламиз. Гап танқидий мулоҳазаларга келган экан, яна бир масалада Сиз билан баҳслашмоқчиман. Барча асарларингизда бўлгани каби “Уфқ”да, хусусан, “Қирқ беш кун”да бўрттиришга, муболағадорликка мойиллик кучли. Бунда баъзан меъёрни ошириб юборасиз. Ёдингизда бўлса керак, “Уфқ”нинг университет студентлари даврасидаги муҳокамасида Абдулла Қаҳҳор ҳазил аралаш: “Саид Аҳмад баъзан китобхон кулавермаса қитиқлаб кулдиради. йинглайвермаса кўзига пиёз суртиб йинглатади”, деган, бунда шу хил бўрттириш, ошириб-тоширишларни назарда тутган эди.

ЎЗУВЧИ. Ҳажвий ҳикояларимда муболаға кўп бўлади. Ўқувчи ҳам муболағани хуш кўради. Бирон китобхон, бу муболаға-ку, жуда ошириб юборибсиз, деб таъна қилмаган. Романлардаги бўрттиришлар ҳажвчиликдан беихтиёр ўтиб қолган бўлса ажаб эмас. Умуман, муболаға бўлса, нима бўпти? Ўқувчи ишонмаса, шубҳага тушса бошқа гап эди. Албатта, муболаға меъёрида бўлиши керак. Мен муболағани сира меъёридан оширмасликка интиламан. Меъёридан ошган пайтларда ҳажв баҳонаси билан ўқувчини чалғитаман, шу муболағани таҳлил қилишга фурсат бермай, уни бирон қизиқ гап билан овора қилиб қўяман. Бу ҳам бир усул-да!

“Қирқ беш кун”да муболаға кўпроқ деган маънода шама қияписиз. Асло ундай эмас. Канал қурилишида бир ярим минг процент норма бажарган кишилар бўлган. Мен улар қилган ишларнинг ярмини ёздим. Етти, саккиз юз процент деб кўрсатганман. Агар аслини ёзганимда, билмадим, муболағанинг қанақаси бу, деб ҳайрон бўлардингиз. Андижоннинг Завроқ қишлоғидан келган етмиш яшар Тожимат Хидиров деган киши кунлик ер қазिश топшириғини минг процентдан бажарган. Китобда унинг нормасини анча камайтириб кўрсатганман.

Халқ қурилишларидаги кўтаринки меҳнат кишиларини ҳозирги кўп ёшлар ҳатто тасаввур ҳам қилолмайдилар. Ҳақиқатда эса муболағанинг бўйи етмайдиган ғалати ишлар бўлган. Икки юз етмиш километрлик каналнинг умумхалқ ҳашари ва қўл кучи билан қирқ беш кунда битиши ҳар қандай муболағадан баланд эмасми?

ТАНҚИДЧИ. Шундайку-я, лекин ҳаётдаги мана шу фавқуллодда ҳодисаларга, қаҳрамонлардаги ғайритабиий хусусиятларга китобхонни ишонтириш керак-да...

ЁЗУВЧИ. Азизхоннинг фавқуллодда кучи Сизни шубҳага солаётган бўлса керак. Романнинг бир неча боби ёзилгандан кейин ўзим ҳам сизга ўхшаб қаҳрамонимнинг қилаётган ишларига шубҳалана бошладим. Буёғини ёзмай, Азизхонни сал бошқачароқ тасвирласаммикин, деб турганимда Водил қишлоғида қаҳрамонимнинг ёши билан ёши тенг бир полвон бор экан деб эшитиб қолдим. Водилга борсам, полвон Ҳамзаободга ўйин кўрсатгани кетган экан. Қидириб бордим. Алижон исмли бу ёш полвон киши ақлини ҳайрон қолдирадиган ўйинлар кўрсатарди. Тоғдан думалаб тушган катта ҳарсангтошни саккиз киши аранг судраб унинг қорнига қўйишди. Тўрт киши ҳар бири йигирма беш кило келадиган тўртта болга билан ҳарсангни унинг қорнида майдалашди. Ичи тўла одам автобусни Алижон қорнидан юргизиб ўтказди. Қорнига тахта қўйиб йигирма кишини чиқазди. Азамат йигитлар унинг қорнида туриб «Андижон полка»сига ўйин тушишди... Мен Азизхоннинг полвонлигини ана шу Алижондан олганман. Майли, Азизхоннинг полвонлигини муболаға дейсизми, ҳақиқат дейсизми, ўзингиз биласиз. Агар ёзувчи сифатида ишонтиролмаган бўлсам айб менда.

Иноят Оқсоқол образи бўрттириб юборилган бўлса, мен уни атайин шундай қилганман. Азбаройи ўқувчи шунақа одамлардан жиркансин деб бутун нафратимни ўшанга сочгандим. Очигини айтганда, Иноят оқсоқол образи ҳар қанча муболағани, бўрттиришни кўтаради. Бу муболағалар ўқувчининг гашига тегмаса керак. Ҳатто китоб босилиб чиққандан кейин ҳам ўқувчилар кўп хат ёзиб, қишлоғимизда фалончи деган хасис бор, мана бунақа ишлар қилган, китобингиз қайта босилганда шуни ҳам кўшиб қўйинг, деб ёзишганди. Кўряпсизми, Иноят оқсоқол образидаги бўрттиришга ўқувчи тўймай қоляпти. Булардан ташқари ўзим ҳазил-мutoйибага ўч одамман. Ўзингизга маълумки, ҳажв, ҳазил муболағасиз бўлмайди. Баъзи жойларда меъёрдан чиқиб кетган бўлсам, бу муаллифлик ҳуқуқимни бир оз сунистеъмол қилишимдан бўлса керак.

ТАНҚИДЧИ. Кейинги пайтларда ибрат бўладиган севги тасвири ҳақида кўп гапириладиган бўлиб қолди. “Уфқ”даги севги мижроҳлари бир қарашда ундай севгилардан эмас, хийла

чигал, мураккаб ва асосан барбод бўлган севги тасвиридан иборат. Бунинг сабабини билсак бўладими?

ЎЗУВЧИ. Менимча, бу тушунчада жиндек англашилмовчилик борга ўхшаيدди. Тесис-силлиқ севги, қаршиликсиз, осонгина ҳал бўладиган севги ибрат бўлолмайди. Инсонда туғиладиган бу энг эзгу ҳиссиёт ниҳоятда мураккаб жараён эканлигини тасвирлаш керак. Биз севги жараёнини қанчалик оғир имтиҳонлардан ўтказсак, қанчалик қарама-қаршилиқларга учратсак шунчалик ибратли бўлади деб ўйлайман. Севгини «Аршин мол олон» қилиб кўрсатиш опереттоларда дуруст. Аммо жиддий роман севгини бу йўсинда тасвирлай олмайди.

Булардан ташқари биз шарқ адабиёти таъсирида вояга етганмиз. “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Тоҳир ва Зухро”лар руҳимизда, албатта, ўз таъсирини қолдирган бўлиши керак. Трилогиядаги севги тасвирида ана ўшаларнинг таъсири бўлса ҳам ажаб эмас.

Умуман, бизнинг шарқ адабиётимизда ана шунақа мураккаб севгилар тасвирланган. Тушунчамизга, қонимизга шуларнинг таъсири сингиб кетган бўлиши керак. Ўзбек ўқувчиси ҳаётда бахтли севгини, китобда мураккаб севгини ёқтиради. Бу ҳол музикаларимизда, қўшиқларимизда аниқ кўринади. Тингловчи қўшиқни юракни бўшатиш деб тушунади. Бу хислатдан китобхон ҳам албатта холи эмас.

ТАНҚИДЧИ. “Қирқ беш кун”даги меҳнат тасвири масаласига яна қайтиб, бу хусусдаги мунозарали бир гапга эътиборингизни жалб этмоқчиман. Тарихий мавзу деганда биз нуқул инқилоб, жангу жадаллар, тарихий шахслар тақдири тасвирини тушунар эдик, энди бу мавзу доираси кенгайиб, улкан қурилишлар тарихи ҳам адабиётимизга кириб келяпти. “Қирқ беш кун” насримиздаги шу тенденциянинг бир кўриниши. Шунга кўра бу ерда тарихий ҳужжатларнинг роли ва бадний талқини алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирча тажрибанинг камлиги оқибати бўлса керак, кўпчилик асарлар қатори “Қирқ беш кун”да ҳам канал қурилиши воқеалари асар учун бир фон бўлиб қолгандек туюлади. Қурилиш жараёни, манзараси бор-у, унинг бутун тарихи тўлалигича бадний таҳлил этилмаган...

Сезиб турибман, бош қаҳрамон Азизхоннинг характери шу қурилишда гобланди-ку, дея эътироз билдирмоқчисиз. Тўғри, шундай, лекин Азизхон тақдиридаги энг жиддий ҳодиса, унинг

севги фожиаси канал қурилиши ҳодисалари билан фақат макон жиҳатидангина боғланган ҳолюс. Бу фожиа қурилишдан бошқа ерда ҳам, ё кейин ҳам юз бериши мумкин эди. Бу хил фактларни яна келтиравериш мумкин. Қурилиш асарда асосан фон бўлиб қолган деганда шуларни назарда тутяпман... Яна бир нарсани сўраб олай: «Қирқ беш кун»даги канал қурилиши билан боғлиқ мавжуд тасвирлар аниқ ҳужжатми ёки кўрган-кечирганлар асосида ижодий қайта тавдалантирилган манзараларми? Бу борадаги ҳужжат билан бадиий фантазиянинг муносабати ҳақида гапириб берсангиз.

ЁЗУВЧИ. «Қирқ беш кун» асосан аниқ ҳужжатлар асосида ёзилди. Ўзингиз яхши биласиз, ҳужжатлар, аниқ рақамлар, конкрет шахслар иштирок қиладиган асарда ёзувчи ўзини эркин сезолмайди. Айниқса, бўлиб ўтган воқеанинг иштирокчилари елкангдан қараб турганда, бемалол ёзолмас экансан. Агар ҳужжатлар таъсирига тушиб қолсанг, фалончи мунча тупроқ қазидилан нари ўтолмайсан. Ҳар қандай йирик асар учун ҳаммадан бурун инсон тақдири керак. Аммо қирқ беш кунда қандай қилиб тақдир яратиш бўлади? Бу қийин вазифани Азизхон орқали кўрсатишга ҳаракат қилдим. Бунинг учун мен танлаган қаҳрамон характери бошқачароқ, шиддатли оқимга тушганда тўлқинга қарши дадил суза оладиган бўлиши керак эди.

Азизхонни катта оқимга ташладим. Унинг тақдир жараёнини тезлаштириш керак. Селекционерлар янги пахта навини яратиш учун унга кеча билан кундузни улаб юборишади. Тунда ҳам сунъий қуёш нури орқали кундузги ҳаётни давом эттиришади. Ўсиш жараёнини бир дам тўхтатмайди. Мен ҳам Азизхон тақдирини тезлатиш учун ҳар бир дақиқада тўқнашувларга дуч келтирдим. Шу қирқ беш кун ичида у ўлимни ҳам, севгини ҳам, обрўни ҳам, таъналарни ҳам, юрт муҳаббатини ҳам, ота-она меҳрию зорларини ҳам кўрди. Ўт-олов, ҳаётни бир ўйин, эрмак деб тушунган бола юрт кўзида жамиятнинг актив қурувчисига айланди.

Албатта, бир кишининг характерини бутунлай ўзгартириш учун бу мулдат жуда оз эди. Шундай қилиш керакки, ўқувчи айтган гапларимга ишонсин, унинг кўнглида заррача гумон қолмасин. Бу ерда энди бадиий маҳорат иш бериши керак. Биринчидан, ўқувчи Азизхонни севиб қолсин. Иккинчидан, ўқувчи ҳаммавақт Азизхон тарафида бўлсин. Учунчидан, сюжет оқими ўқувчини шошириб қўйсин. Агар ана шуларга эришолсам,

ўқувчи Азизхонни қирқ беш кунда бошқача одам бўлиб қолганига ишониши мумкин.

Энди аниқ ҳужжатлар масаласига келайлик. Сюжетни фақат ҳужжатлар асосига қуриб бўлмасди. Мен қаҳрамонларимни сон-саноқсиз ҳужжатлар орасидан олиб ўтдим. Романда тасвирланган меҳнат кунлари аниқ, қайси куни қанча тупроқ қазилган, қайси куни қайси участка олдинда, қайси бири орқадалиги ҳам аниқ ҳужжат асосида ёзилди. Ҳатто, қайси колхоз қаерда ишлагани ҳам факт. Ўзим ҳаёлан ижод қилган уч-тўрт персонаждан бошқа иштирокчиларнинг ҳаммаси ҳам бор одамлар. Уларнинг прототипларини ҳам характерларини ҳам аниқ тасвирлаганман.

Шуни ҳам айтиб қўяйки, фантазиям маҳсули бўлмиш персонажлар ҳам аниқ шахсларнинг йиғиндиси эди. Азизхонни Дўнан Дўсматовни кўз олдимга келтириб туриб ёздим. Эш полвонни қаламга олганда тасаввуримда избосканлик Ўсар полвон гавдаланиб турди. Эшон ака, Жўра полвон, Тешавой Мирзаевларни ўзим шахсан танирдим. Бу образларга ортиқча хислатлар қўшмадим. Мумкин қадар улар характери ва фаолиятдан бадий адабиётга мос ҳолатларни танлашга уриндим.

Энди воқеа содир бўлган жойларнинг аниқ объекти тўғрисида бир-икки оғиз сўз. Воқеа кечган жойларни бир эмас, бир неча бор кезиб чиққанман. Театр режиссёри пьеса ижрочилари сахнанинг қаеридан туриб гапиришини, қайси ишни қаерда қилиши кераклигини машқ қилгандек, мен ҳам ўз қаҳрамонларимни бу йўллар, бу кўчалардан ҳаёлан неча марталаб юргизиб кўрганман.

Хуллас, бадий фантазия билан аниқ фактларни бир-бирига омукта қилишга ҳаракат қилдим. Агар ўқувчи назарида қурилиш бир фон бўлиб қолган деган фикр туғилган бўлса, демак, мен аниқ фактларни бадий тўқима билан етарли омукта қилолмабман. Шуни унутмаслик керакки, Катта Фарғона каналининг тўла бадий тарихини яратиш, бу тарихни қаҳрамонлар тақдирида мукамал гавдалантириш ҳазилакам иш эмас. Сиз айтгандай инқилоб, уруш воқеаларини қаҳрамонлар тақдирида мужассам этиш борасида катта тажрибаларимиз бор-у, ҳали улкан тарихий қурилишларни ифода этишда тажрибамиз кам.

ТАНҚИДЧИ. “Уфқ”даги энг азиз, қалбингизга яқин персонажлар қайсилар? Танқидчиликда юксак баҳо олган Икромжоннинг тўқайда қочоқ ўғил билан учрашув картинаси қандай туғилган эди, эслай оласизми?

ЁЗУВЧИ. Ой-куни яқин аёлни икки йўл ўртасида турипти, дейишади. Аёл ё бола туғади, ё ҳалок бўлади. Ана шундай азоблар билан ўнлаб бола туққан хотинлар бор. Шулардан, болаларингизнинг қайси бирини яхши кўрасиз, деб сўраб кўринг-чи. Бир чеккадан ҳаммасини айтиб чиқади. Она учун боланинг яхши-ёмони бўлмайди. Ёзувчи ҳам худди шу онага ўхшайди. Романдаги ҳар бир персонажни яратишда қанча кечаларни бедор ўтказганман. Қанчалаб саҳифаларни қоралаганман. Улар билан ҳаёлан гаплашганман, йиғлаганман. Улар худди қайсар, бебош болалардек мени қанча қийнашган.

Ҳасис, ярамас Иноят оқсоқолни қандоқ қилиб ёмон кўрай. Ахир уни яратгунча қанча азоб тортганман. Унинг эски бир сўмликларни самоварнинг қорнига ёпиштириб дазмоллашидан тортиб, милиционер билан учрашишганигача менга қадрли. Шундоқ бўлишига қарамай Икромжон образини яратишда қаттиқ қийналганман. Чунки унга ниҳоятда чигал, қийин йўлни танлагандим. Романнинг бошидан то охиригача Икромжон руҳий азоб ўтида ёнади. Салкам етти юз саҳифали китобда шу руҳни ушлаб туриш осон иш эмасди. Икромжон худди ҳаётда бор одамдек ўн беш йил менга ҳамроҳ бўлди. Китобга сўнгги нуқта кўнглим ҳувиллаб қолди. Икромжоннинг қочоқ ўғли Турсунбой билан тўқайда учрашувини қандай ёзгансиз, деб сўрадингиз.

Эрта баҳор эди. Одатда мен кеч соат ўн иккилардан кейин то тонг ёришгунча ишлайман. Одатим бўйича ўн иккиларда уйғониб, гашқарига қарасам, ёмғир ёғяпти. Иш пайтида кўп чекаман. Уй тутунга тўлиб кетади. Шунинг учун машинкамни кўтариб айвонга чиқдим. Ёмғир шариллаб қуйиб турипти. Тарновдан қуйилаётган ёмғир сувига тикилиб туриб кўнглимга аллақандай нохуш ўйлар кела бошлади. Ёзавон тўқайларида ҳам шундай ёмғир ёғаётганмикин, деган ҳаёлга бордим. Назаримда, елкаларни ёмғирдан шалаббо бўлган Икромжон қамишлар орасида кетаётганга ўхшади. Дарров машинка олдига ўтирдиму ёза кетдим. Буёғи эсимда йўқ. Қандоқ ёздим, Икромжонни, Турсунбойни қандай тасвирладим, улар бир-бирига нималар дейишди, сира-сира билмайман. Машинкага бошимни тираб ухлаб қопман. Кўзимни очсам ёмғир ҳали ҳам ёғяпти. Ҳаво шунчалик нам эдики, машинкадан чиққан қоғозлар худди сувга ботириб олгандек ҳўл эди. Ёзилган беш-олти саҳифани йиғиштириб, панага олдим. Аммо

ўқимадим. Ўқигани қўрқардим. Энг ҳаяжонли, масъулиятли ҳодиса тасвири маромида чиқдимикан, деган андиша мени чўчитар эди. Тушдан кейин қуриб, буралиб-буралиб кетган қоғозларни чўчиброқ ўқий бошладим. Йўқ, ажабтовур ёзилипти. Фақат баъзи жумлалар тўмтоқ, кераксиз, ўрнига тушмаган сўзлар кўп. Машина ҳарфлари жойига тушмаганидай мутлақо тушуниб бўлмайдиган сўзлар анчагина эди. Лекин бутун бир бобни аллақандай бир ғамгин музика оҳанги ушлаб турарди. Мен қочоқ ўғил билан отанинг учрашуви учун зарур бўлган бу руҳни кўпдан тополмай юрардим. Бу руҳ қандай келиб қолдйкин?

Энди, шунча йиллар ўтиб кетгандан кейин сабабини билипман. Ўша тундаги ёмғир кайфияти бу руҳни олиб кирган эди. Уруш йилларидаги ўзбек қишлоқларида узоқ савалаб ёққан ёмғир қандай манзаралар яратишини бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Одамлар юпун кийинган, дала йўллари юриб бўлмас даражада лой, ивиган деворлар гурсиллаб қулайди. лой томлардан тинимсиз чакка томади. Боғлар хунук; отлар, сигирларнинг қорнилариғача лой, елкаларидан буг кўтарилади. Одамлар эшик олдида тўпланиб, кўчага чиқолмай ғамгин туришади. Далалар кимсасиз, жимжит. Қабристонларда гўрлар гупиллаб чўкади... Мана шу манзара, мана шу кайфият роман бобига ғамгин бир оҳанг олиб кирган эди.

Тўғри, бу бобни кейин қанча марталаб гаҳрир қилдим. Ота-бола ўртасидаги суҳбат, жумлалар, ҳолат неча марталаб ўчириб тузатилади. Аммо ўша ёмғир ёққан тун қолдирган ғамгин оҳанг ўзгармади.

ТАНҚИДЧИ. Бадиий ижоднинг туғилиши, илҳом лақиқалари кўпинча беихтиёр кечади дейишади; ижод психологиясида интуициянинг ролини алоҳида таъкидлашади. Сизнинг тажрибангиз ҳам шуни тасдиқлаб турибди.

ЁЗУВЧИ. Бошқаларда қандай, билмайман. Бўлажак асарим қанақа бўлишини олдиндан етарли тасаввур этолмайман. Бироқ руҳиятимда ғалати кайфият пайдо бўлиб қолади. Музика, қўшиқ эшитишга майл пайдо бўлади. Арзимаган кичик кўнгилсизлик ҳам менга ёмон таъсир қилади. Арзимаган гапга ҳам кулгим келади. Назаримда, умрим бекорга ўтиб кетаётганга ўхшайди. Нимадир ёзишим керак, деган ички интилиш пайдо бўлади. Ана шундан кейин кайфиятимга қараб мавзу кела бошлайди. Агар ғамгин ўйлар чулғаб олган бўлса, тақдири оғир кишилар ҳаёти, кайфим чоғ бўлса, бахтли тақдирлар кўз олдимдан ўтаверади.

Шуни ҳам айтиб қўяйки, одамлар орасида кўп юрганимдан, яхшини ҳам, ёмонни ҳам кўп кўрганимдан менга одамларни тасвирлаш унча қийин бўлмайди. Сюжет ҳам ўз-ўзидан келаверади. Боя айтганимдек, воқеани охиригача ўйлаб тайёр қилиб қўймайман. Нарг борса асарнинг ярмигача пишиқ қилиб ўйлаб оламан. Баъзан воқеанинг энг охирини ҳам пишитиб қўяман. Агар ўзим яхши кўрган бирон куй таъсирига тушиб қолсам, шу оҳангни лейтмотив қилиб оламан-у, китоб битгунча ўша куй кўнглимда чалиниб туради. Бу менга худди шеърга ўхшаб вазнини сақлашга ёрлам беради. “Хукм” қиссасини ана шундай оҳанг билан ёзгандим. Билмадим, бу қанчалик тўғри, аммо мен шунақа қиламан.

ТАНҚИДЧИ. Эҳтимол, Сизда шундайдир-у, бироқ, менимча, ижодда тасаввур, фантазия ҳамда интуициянинг ролини бир оз ошириброқ кўрсатаётган кўринасиз. Уқиб турибман, Сиздаги ўша ихтиёрсиз руҳий ҳолатлар замирида ҳам аслида ҳаётий тажрибалар, кўрган-кечирганларингиз ётибди.

ЁЗУВЧИ. Дарвоқе, янги асар, асар воқеалари кўнглимда беихтиёр туғилгани билан, айтиб қўяй, одатда ўз кўзим билан кўрмаган нарсаларни тахминан ёзолмайман. Бир мисол. Романда тўқайга ўт қўйиш боби бор. Аввалига уни тахминан, тасаввуримга ишониб ёзганман. Роман битгандан кейин қайта ўқиб сира кўнглим тўлмади. Тошкент атрофида тўқай йўқ эди. Атайин Мирзачўлга бордим. Крупская номли колхознинг Сирдарёга туташган бригадасининг ерларида каттагина тўқай бор экан, колхоз раиси ва бригада бошлиғининг руҳсати билан тўқайга ўт қўйдим. Шундагина аввал ёзган бобимдаги ёнғин тасвири нақадар гариб эканини билдим.

Қамиш барглари аввал ёниб, учигаги попугига ўтти узатар экан. Барги ёниб бўлган, танасини ҳали ўт олмаган, фақат учигаги попуги худди шамга ўхшаб ёниб тураркан. Ергаги ҳашақлар билан қўшилиб қамиш танаси ёнар экан. Сал шамол эсса, ўт ёнбошлаб, ерни олов тили билан ялаб, илондек ўрмалаб кетаркан. Қамишлар орасидан учиб чиққан қушлар фарёд уриб, қора тутун орасида чарх уради. Баъзан қуёнми, каламушми ўтдан қочиб чиқади. Романдаги ёнғин боби шундан кейин бошқатдан ёзилди. Бундай ҳолатлар кўп бўлган.

1976 йил, октябр

РОМАН ТАБИАТИ: ТАЛАБ ВА ИМКОНИЯТЛАР

(Ёзувчи Одил Ёқубов билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Адабий гурунглардан бирида Чингиз Айтматов ижоди хусусида баҳс очилиб қолди. Даврадаги ёш қаламкашлардан бири: «Хўп аломат ёзувчи-ю, лекин ҳозиргача роман ёзгани йўқ-да», деб койигандек бўлди. Ёзувчи — носир таланти, меҳнати даражаси унинг роман ёзган, ёзмаганлиги билан ўлчанмайди, деган эдим, у ҳам бўш келмай, Сиз танқидчилар ҳамиша: «Бугунги кунда роман адабиётнинг даражасини, қиёфасини белгиловчи жанр бўлиб қолди», — деб ёзасизлар-ку, дея таъна тоши ёғдирди.

Нима ҳам дердим, дарҳақиқат, ўйлаб қарасам, шу иборани биз танқидчилар кўп ишлатар эканмиз. Бунга маълум асослар бор. Сир эмас, ҳикоя ва қиссага нисбатан ҳозирги кунда роман, кўпчилик қардош адабиётларда бўлгани сингари бизда ҳам олдинги ўринга чиқиб олди. Адабиётимизнинг аввалги тараққиёти босқичларида ҳар ўн йилга ўртача уч-тўрттадан роман тўғри келган бўлса, кейинги икки ўн йиллик давомида ҳар йили тахминан уч-тўрт, балки, ундан ортиқроқ роман эълон этилди. Биргина «Шарқ юлдузи» журналининг ўзида 1977 йилнинг биринчи ярмида тўрт азамат адибнинг йирик асари босилди... Бу жанр тараққиётида адабиётимизнинг барча авлоди вакиллари иштирок этипти. «Ўрта авлод» носирлар, шунингдек, «ёш авлод карвонбошиси» саналмиш Сиз билан Пиримқул Қодиров ҳаммаларингиз роман ҳаёли билан бандсизлар. Яқингинада қисса ва ҳикоялари билан танилган, кенг жамоатчилик эътиборини қозонган Ўлмас Умарбеков, Худойберди Тўхтабоев, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор сингари кейинги авлод бу жанрдаги илк асарларини тақдим этдилар, уларнинг изидан бораётган кўплаб ёш носирлар ҳам роман устида иш олиб бораётирлар ёки роман иштиёқи билан юрибдилар. Хабарим бор, ёзувчилар союзига, нашриётларга қалин папкаларга жо этилган роман дсб аталган асарлар оқимдек қуйилиб турибди. Шуниси қизиқки, уларнинг муаллифлари орасида кичик жанрлар - ҳикоя, очерк, қисса у ёқда турсин, бадииятда сира машқ қилиб кўрмаган, бирор сатр ҳам асар эълон этмаган шахслар бор.

ЁЗУВЧИ. Бундан бир-икки йил муқаддам бир ёш ёзувчи ўртачагина қиссасига «роман» дсб ном қўйиб келганида, мен ҳам

унга худди шу гапни айтган эдим. «Укажон, мана камина ҳам бир нечта роман ёздим, лекин ҳалиям «косам оқармади», ҳолбуки, умрида битта ҳам роман ёзмаган Айтматовнинг донғи бутун дунёга кетди. Бас, шундоғ экан, сиз «роман» сўзига кўп қизиқаверманг. Ҳажми катта ўртача романдан яхши ёзилган кичик қисса юз марта яхши», дедим ёш қаламкаш дўстимга. Лекин афтидан роман сўзининг сеҳри сабаб бўлса керак, ёш адиб менинг бу маслаҳатимга қулоқ солмади. Асарини қисқартириб, ихчамлаштириб, қаҳрамонлар характериini чуқурроқ очиб, қисса сифатида эълон қилиш ўрнига, «роман» қилиб чиқаришга уринаверди. Чиқарди ҳам. Аммо, надоматлар бўлсинким, натижа мен айтгандай бўлди. Роман, агар бир-икки танқидий мақолаларда номи зикр этилгани бўлмаса, китобхон қалбида ҳеч бир из қолдирмай, қумга синггандек сингиб кетди. Албатта, бу деган сўз ёшлар роман жанрида куч синаб кўришга ҳақлари йўқ, улар қисса жанридан чиқмагани яхши, деган сўз эмас. Зотан, адабиётда қайси жанр яхши, қайси жанр устун туради деган «назарий» гаплар батамом бефойдадир. Чунки адабиётда бирор асарга баҳо берилганда ижодий изланишларга қараб эмас, балки бу изланишларнинг оқибатига қараб баҳо берилади. Шу маънода лашкарбошиларга нисбатан айтиладиган, «ғолиблар ҳамиша ҳақ», деган иборани адиблар ва санъаткорларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Мисол тариқасида роман жанрига дадил қўл урган Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Шукур Ҳолмирзаевларнинг ижодларини келтириш мумкин. Улар яратган романлар, гарчи айрим нуқсон ва камчиликлардан холи бўлмаса ҳам, адабиётимизда ижобий ҳодиса деб баҳоланмоғи лозим, шундай баҳоланди ҳам.

ТАНҚИДЧИ. Жанр танлаш ёзувчининг ўз ихтиёрида-ку, лекин ҳар ҳолда ҳозир романга керагидан ортиқроқ маҳлиё бўлиб кетиш касали борлиги ва унинг нохуш оқибати ҳақида жиддийроқ гапиравериш керак. Носирларимизнинг оммавий равишда роман томон талпиниши бир қатор камчиликларга йўл очиб бераётир. Аввало, сўнгги йилларда қисса, хусусан, ҳикояга эътибор хийла сусайиб, бу жанрлар, асосан, ижодда ҳали суяги қотмаган ёшлар қўлида қолди. Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, ёзувчи жанрни эмас, жанр ёзувчини танлайди. Айтайлик, гижжақда қойилмақом қилиб машқ чаладиган созанда карнай пуфлай олмаслиги мумкин бўлганидек, табиатан ҳикоя ёки қиссага мойил қаламкаш ўзини зўрлаб роман ёзишга ўтса муваффақият қозонмаслиги табиий.

Афсуски, амалда шундай ҳол бўляпти. Гап жанрнинг ёзувчи табиатига, бадий тафаккур тарзига мос келиш-келмаслигидагина эмас, энг ёмони, бир қатор муаллифларимиз романбоп ҳаётӣ-маънавий, адабий-эстетик тажрибага эга бўлмай туриб бу жанрга қўл ураётирлар, «зўри беҳуда миён мешиканад» деганларидек, зўраки чираниш оқибати ўлароқ талайгина роман деб аталган майиб асарлар пайдо бўлиб қолаётир.

Мана шуларнинг ҳаммаси роман жанри, унинг табиати, спецификаси, талаб ва имкониятлари ҳақида жиддийроқ фикр юритишни тақозо этади. Сизнингча, романнинг асосий жанр хусусиятлари, талаблари нимадан иборат?

ЁЗУВЧИ. Сиз мени назарий масалаларга буряпсиз. Романнинг «асосий жанр хусусиятлари, талаблари» адабиёт дарсликларида етарлича қайд этилган. Масала бу қонун-қоидаларни яна бир бор эътироф қилиб ўтишда эмас, балки адабиётимизда пайдо бўлаётган янги романларни авваламбор ҳаёт мезони билан, қолаверса, қонун-қоидалар мезони билан ҳалол баҳолашдадир. Буни таъкидлаб айтишимнинг боиси шундаки, бундан бир-икки йил муқаддам Ёзувчилар уюшмасида бўлган кичик бир анжуманда таниқли танқидчиларимиздан бири ҳам худди Сиз айтганга ўхшаган бир гапни айтди. «Роман жуда кўпайиб кетяпти, — деди у, ҳағтоки нолиб, — уларни ўқиб улгуриб бўлмаяпти. Менинг фикримча, бу катта оқимни тўхтатиш керак». Каттакон бир олимизнинг бу гапи кўпларни, шу жумладан, мени ҳам ниҳоятда ажаблантирди. Биринчидан, «роман кўпайиб кетяпти, уларни ўқиб улгуриб бўлмаяпти», деб адабиётимизда пайдо бўлаётган ҳамма романларга бир хилда қора бўёқ чаглаш адолатдан эмас. Иккинчидан, қачондан бери роман ёзишни тақиқлаш билан унинг сифатини оширадиган бўлиб қолдик? Бу йўл ҳеч қачон яхшиликка олиб борган эмас, олиб бормайди ҳам.

ТАНҚИДЧИ. Тўғри, ижодий ҳодисаларга бу тарзда ёндашиб бўлмайди, лекин бўш романлар кўпайиб кетганлиги рост.

ЁЗУВЧИ. Адабиётда ҳамиша яхши асар ҳам бўлган, ёмон асар ҳам. Ёмон ва ўртача асар яхши асардан ҳамиша кўп бўлган. Бу ҳаммага маълум ҳақиқат. Ундан ташқари сўнгги йигирма йил давомида пайдо бўлган қатор романлар, биринчи навбатда, Асқад Муҳтор, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом, Раҳмат Файзий, Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат, Пиримқул Қодировларнинг йирик эпик асарлари реалистик роман жанрининг тараққиётига,

шубҳасиз, салмоқли ҳисса бўлиб қўшилганким, буни биз қувонч билан эътироф қилмоғимиз лозим. Бу деган сўз заиф асарлар, ҳаёт ҳақиқатидан йироқ, роман жанрининг талабларига жавоб бермайдиган асарлар йўқ, бу борадаги ишларимиз жуда силлиқ кетяпти, деган гап эмас, албатта. Сиз ва ҳалиги танқидчи айтганидек, роман талабларига жавоб бермайдиган саёз асарлар ҳалиям оз эмас, лекин роман жанрининг қадрини ошириш учун бу асарларни тақиқлаш, умумий тарзда нолаи фигон чекиш йўли билан эмас, балки адабиётимизда пайдо бўлаётган романларни чуқур ва ҳалол таҳлил қилиш, уларга принципаал баҳо бериб, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариш йўли билан эришилмоғи лозим, деб ўйлайман. Бу эса танқидчиларимиз зиммасига жуда масъулиятли вазифани юклайди, адабий танқидчиликнинг ҳалол ва принципаал бўлишини тақозо этади.

ТАНҚИДЧИ. Романнинг асосий жанр хусусиятлари, талаблари адабиёт дарсликларида, ҳаттоки махсус илмий ишларда ҳам етарли даражада очиб берилгани йўқ. Буни барча адабиётшунослар яқдиллик билан эътироф этаётирлар. Ҳали бу жанрнинг назарий-илмий жиҳатдан ҳал этилмаган муаммолари беҳад кўп. Бунинг устига жанр доимо ўсиб, ўзгариб борапти. Бу жараёнларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва умумлаштириш иши эса адабий тажрибадан орқаша қоляпти... Шунинг учун ҳам Сизни атайин назарий муаммоларга торгялман.

Романнинг энг муҳим белгиси асарда романга хос тафаккур (романное мышление)нинг мавжуд бўлишидир. Бунинг учун, менимча, ёзувчи, аввало, табиатан шундай ҳислатга эга бўлиши лозим. М. Шолоховни олайлик. Унинг илк ҳикояларидаёқ қандайдир кенг масштабиликка мойиллик сезилган эди. «Тинч Дон», «Очилган қўриқ»да бу ҳислат очилди. Кейинроқ «Инсон тақдири»ни яратди. Гарчи бу асар шаклан ҳикоя жанрига мансуб бўлса-да, эътибор қилсангиз, ундаги тафаккур усули романга мойилроқ. Абдулла Қодирий ижодий эволюциясини эслайлик. «Ўткан кунлар»га қадар яратган қатор ҳикоялари «жанр рамкасини ёриб чиқиб, йирик эпик тур томон тортиб кетган... Умуман, А. Қодирий хилма-хил жанрларда ижод этган, бироқ романдагина ўзлигини топган, фақат бу жанрда гоёвий-бадий мукамалликка, юксак мутаносибликка эришган. Шунга ўхшаш ҳодисани Сизнинг ижодингизда ҳам учратиш мумкин. «Муқаддас», «Матлуба» каби қиссаларингизни, айрим ҳикояларингизни мустасно қилганда,

жамики йирик насрий асарларингизда роман томон оғиш сезилади, хусусан, «Қанот жуфт бўлади», «Излайман»да бу нарса яққол сезилади, ҳаттоки бу икки асарда фикр тарзи билан бадиий жанр шакли орасида муайян зиддият ҳам юзага чиққан (романга хос тафаккур тарзини Сиз атай қисса шаклига солмоқчи бўлгансиз). Романларингиз эса бу хил зиддиятлардан холи, бадиий тафаккур тарзи билан бадиий шакл бир-бирига уйғун... Адабий тажрибада акс ҳолни ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда номи жаҳонга машҳур Василий Шукшин ҳикоялар билан бир қаторда киноқиссалар, романлар ҳам ёзган. Бироқ романлардан кўра унинг қисса ва ҳикоялари бадиий жиҳатдан етукроқ, адибнинг ижодий имкониятлари кичик жанрда тўлароқ, теранроқ очилади. Ўткир Ҳошимов, Ш. Холмирзаев, Ўлмас Умарбековлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин...

ЁЗУВЧИ. Романга хос тафаккур тўғрисидаги фикрларингизга қўшилган ҳолда бу жуда мураккаб масала эканини таъкидлаб ўтишни истардим. Албатта, Василий Шукшин авваламбор ҳикоянавис сифатида танилди, бу жанрда чинакам санъат асарларини яратди. Айни замонда у роман жанрида ҳам ўзига хос йўл тутиб, бошқа адиблардан фарқли ўлароқ ўзига хос романлар яратган. Хусусан, унинг «Мен сизларга эрк бергани келдим» деган романини юксак баҳоламоқ керак. Бу роман шуни кўрсатаётирки, агар бу улкан истеълод эгаси ҳаёт бўлганда эпик жанрда ҳам баркамол асарлар яратиши муқаррар эди. Шунинг учун ҳам бу ҳақда фикр юритганда, айниқса, нисбатан ёш ёзувчиларнинг илк романлари тўғрисида фикр юритганда ниҳоятда эҳтиёт бўлмоғимиз лозим. Чунки ижод соҳасида олдиндан башорат қилиш қийин, шунинг учун қийинки, Сиз айтган романга хос тафаккур деган нарсага меҳнат ва ижодий изланишлар билан эришмоқ мумкиндир. М. Шолохов ва А. Қодирий тўғрисида айтган гапларингиз қанчалик тўғри бўлмасин, адабиёт тарихидан бунинг аксини кўрсатувчи, яъни узоқ вақт шеър ёки ҳикоя ёзиб юриб, умрининг охирида баркамол романлар яратган адибларни ҳам топиш мумкин. Ижод соҳасида узил-кесил ҳукм чиқариш ҳамиша «хатарлидир».

ТАНҚИДЧИ. Тўғри, ёзувчининг имкониятларини фақат бир жанр билан боғлаб қўйиш ўринли эмас, албатта. Шундай даҳо ёзувчилар ҳам борки, улар бир эмас, бир неча жанрларда баробар етук асарлар ёзаверганлар. Бир жанрдан иккинчи жанрга ўтганда худди ўша жанр шаклига мослаша олиш, ўша жанр

шаклида фикрлай билиш - бу ҳам катта санъат бўлса керак. Афсуски, кўп ҳолларда адибларимизда ана шундай жанрга «мослаша олиш» маҳорати етишмай қолади...

Энди эътиборингизни бошқа бир масалага жалб этмоқчиман. Кейинги пайтларда новелла ва қиссалардан иборат роман ёзиш кенг тарқалди ёки талай романларимизда қисса ва ҳикоя хусусиятлари кўпайди. Бунинг биз ижодий изланишларга йўлидик. Аслида бу ҳол, бир чеккаси, роман талабларидан чекиниш эмасмикан?

ЁЗУВЧИ. Йўқ. Сиз олим ва танқидчи сифатида гоҳо адабиёт тарихини «эсингиздан чиқариб» қўймоқдасиз. Жаҳон адабиёти тарихида нафақат новелла, ҳатто «эпистоляр жанр» деб аталмиш севишганлар мактуби тарзида ёзилган романлар ҳам бор. боргина эмас, жуда кўп. Бу романлар кўпчиликка маълум бўлгани учун уларни санаб ўтирмайман. Сиз негадир бугунги ўзбек романига хос камчиликларни ёзувчиларнинг жанр талабларига эътибор қилмаслиги билан изоҳламоқчи бўласиз. Аслида эса кўп камчилик ва нуқсонларимизнинг жуда «оддийгина» бир сабаби бор — у ҳам бўлса бадиий маҳоратнинг етишмаслигидирки, танқидчиларимиз шу «оддий» камчиликни чуқурроқ таҳлил қилишса фойдалироқ бўлармиди, деб ўйлайман.

ТАНҚИДЧИ. Мен сўнгги йиллар романчилигида хийла жонланган бу ҳодисага эътиборингизни жалб этишимнинг боиси бор. Романга хос тафаккурни таъминлайдиган омиллар, менимча, аслида романбоп ҳодиса, воқеа, жиддий проблема, улкан драма ва мукамал, чуқур оригинал концепцияга эга бўлган қаҳрамонларнинг мавжудлигидир. Бизда ярагилаётган кўпчилик романларда яхлит драматик воқеа кўринмайди, бутун бошли асар майда эпизодик воқеалар, ҳодисалар йиғиндисидан иборат бўлиб қолади; бунинг устига эпизодик воқеалар дурустроқ маъно ҳам ташимайди, ёзувчининг яхлит, романга хос концепцияси сезилиб турмайди.

ЁЗУВЧИ. Мана энди мен айтган «оддий» масалага яқинлашяпсиз! Лекин «романга хос тафаккур» деган гапни иккимиз икки хил тушунар эканмиз. Романга хос тафаккур деган гап «асарда романбоп ҳодиса, воқеа, улкан драматизмнинг мавжудлигида» эмас, балки ёзувчининг ҳаёт воқеаларини улкан санъаткор-романист сифатида идрок этишидадир. Дарҳақиқат, битта воқеани икки ёзувчи икки хил кўриши мумкин. Бир ёзувчи бу воқеани кундалик ҳаётда учраётган оддийгина бир ҳодиса

сифатида қабул қилиши ва шу асосда гоҳо ўқишлигина бир ҳикоя ёки қисса ёзиши мумкин. Иккинчи ёзувчи, агар у юқорида қайд қилинган тафаккурга эга бўлса, албатта, бу воқеа негизида ётган чуқур ижтимоий омилларни, фожиавий тақдирларни, улкан конфликтлар ва «ғоялар драмасини» кўрадики, натижада қарабсизки, шу воқеа асосида улкан ва жиддий роман яратади. Бунинг энг ёрқин мисоли сифатида Лев Толстойнинг «Тирилиш» романини кўрсатиш мумкин. Маълумки, Катюша Маслова воқеасини Лев Николаевич Толстойга машҳур адвокат Ф. Кони гапириб берган. Воқеа бир қарашда жўнгина туюлади. Машҳур зодагонлар оиласида хизмат қилиб юрган ёш қизчани шу оиланинг эркатоин бўлмиш бойвачча йигит йўлдан уради, сўнг армияга кетиб, қизни эсдан ҳам чиқариб юборади. Кўп йиллардан кейин бойвачча йигит бир фоҳиша устидан бўлаётган суд пайтида... бу фоҳиша ўша ўзи йўлдан урган қиз эканини таниб қолади-ю, уни кутқариш пайига тушади... Кўриб турибсизки, бир қарашда бу воқеа улкан социал роман учун асос бўладиган воқеага ўхшамайди. Толстой ўзи ҳам бошда зодагонлар томонидан ҳўрланган бир жабрдийланинг аянчли тақдири тўғрисида кичик бир қисса ёзмоқчи бўлади. Лекин ёзувчиликка хос бўлган воқеаларни улкан романист сифатида идрок этиш қобилияти, бир қарашда оддий туюлган ҳодисалар замиридаги ички зиддиятларни кўра олиш ва бу зиддиятларда замон драмасини ҳис эта олиш қобилияти охир-оқибат шунга олиб келадики, турмушда тез-тез учраб турадиган «оддий гап» асосида Чор ҳукумат яратган адолатсиз социал тузумнинг бутун ички қарама-қаршиликларини фош қилувчи шафқатсиз бир эпик асар яратади!..

Сиз кузатган иккинчи хил камчиликлар, яъни «кўпчилик романларда яхлит драматик воқеаларнинг кўринмаслиги, бутун бошли асар майда эпизодик воқеа ва ҳодисалар йиғиндисидан иборат бўлиб қолишлар» эса, назаримда, маҳорат этишмаслигидан бўляпти, деб ўйлайман. Ахир маҳорат тушунчаси фақат шакл, яъни воқеабанд ва ўткир сюжет туза олиш ёхуд воқеаларнинг муҳим мутаносиб-лигини чуқур ҳис этишдангина иборат эмас, балки санъаткорнинг ҳаёт ҳодисаларини чуқур идрок эта олиш, бу воқеаларда давр руҳини сеза олиш қобилиятини ҳам қамраб олади-ку! Бу деган сўз биз бугун маҳорат сирларини, шу жумладан, эпик асар яратиш сирларини эгаллаш борасида кўпроқ бош қотирмоғимиз, бу йўлда тинмай изланмоғимиз лозим, деган сўздир.

ТАНҚИДЧИ. Мен «романга хос тафаккур» деганда ёзувчининг салмоқдор, оригинал концепциясини ҳам назарда тутаетирманки, Сиз келтирган далиллар масала моҳиятини жуда равшан очиб беради.

Пайти келиб қолди, ёзувчининг бадиий концепцияси муносабати билан бир чалкаш масалага аниқлик киритишга уриниб кўрсак. Романда, умуман, бадиий асарда масала кўтариш тушунчаси жуда жўнлаштирилиб юборилляпти. Катта бир танқидчимиз «Нур борки, соя бор» романида нечта масала кўтарилганлигини санаб чиқибди, асарнинг қимматини, чунончи, муаллифнинг касалхонадаги тартибсизликларни танқид остига олгани, савдо системасидаги чатоқликларни фош этгани, олий ўқув юртлари қабул имтиҳонларидаги ғайриқонунийликни кўрсатгани, мактаб ўқувчиларининг пахта теримида ортиқча банд бўлиб қолаётганлигини айтгани ва шу қабила билан ўлчайди... Бу хил ҳаётий масалаларнинг асарга киритилиши яхши, лекин шуларнинг ўзи билангина асарнинг, айниқса, романнинг қиммати белгиланмайди-ку! Ёки «Меҳригиё» романининг танқидчиликдаги галқинини эслайлик. Кўпчилик тақризларда бу романнинг энг катта ютуғи сифатида унда жиддий ҳаётий масала - қишлоқ хўжалигида кимёвий усулнинг зарари, биологик усулнинг афзаллиги масаласи кўтарилганлиги қайд этилди.

Бу хил жиддий ҳаётий масалалар доклад, нутқ, суҳбат, мақолаларда ҳам уртага ташланяпти... Адабиётни, айниқса, романнинг вазифаси долзарб ҳаётий масалаларни кўтариш, қайл этишдангина иборат эмас, балки масала моҳиятини инсон шахсияти, тақдири орқали бадиий таҳлил этиш, ундан катта фалсафий, қолаверса, энг муҳими, *умуминсоний* хулосалар чиқаришдан иборат. Бизда ҳозиржавоблик — актуаллик тушунчаси билан замонавийлик тушунчаси бир оз чалкаштирилиб юборилляпти. Аслида ҳозиржавоблик билан замонавийлик тушунчалари орасида фарқ бор. Бу ҳақида таниқли артист М.Ульянов яхши гап айтган.

«Замонавийлик, — дейди у, — давр ҳаёти ҳақида хулосалар, умумлашмалар орқали мулоҳаза юритиш демакдир. Ҳозиржавоблик эса, умуман, бугунги фактни катта хулоса ва умумлашмаларсиз суратга олиш демакдир...

Санъатда ҳозиржавоблик ўйлаб ўтирмайди, замонавийлик эса мулоҳаза юритади. Ҳозиржавоблик: «Шундай бўлди!» дейди. Замонавийлик эса: «Нега шундай бўлди?» деган сўроққа жавоб

аҳгаради. Ҳозиржавоблик, айтиш мумкинки, суратга олади, олган сурати шу кунга ярашини назарда тутади, бу ҳам керак; замонавийлик эса, бу - бадний жараён, санъаткор бунда ҳусусийлик орқали ҳолиса моҳиятига кириб боради, типиклик сари интилади. Масаланинг мураккаблиги ҳам шундаки, замонавий санъат ҳаётни фақат тасвирлабгина қолмасдан, айти пайтда, унинг энг муҳим томонларини тушуниши, идрок этиши лозим».

Биз асарларни, жумладан, романларни баҳолаётганда, муаллифларнинг ҳозиржавоблигига маҳлиё бўлиб кетиб, асарда кўтарилган масалалар қай даражада санъатга айланган-айланмагани, асарнинг умумлаштирувчи кучи масаласи билан ишимиз бўлмай қолаётир.

ЁЗУВЧИ. Романларда масала кўтариш тушунчаси жўнлашиб кетяпти деган гапларингизда, гарчи «Нур борки, соя бор» романига берган баҳоингизга унча қўшилмасам ҳам, жон бор, деб ўйлайман. Албатта, романнинг вазифаси масала кўтариш эмас, балки ҳаёт ўзи кўндаланг қўйган масалаларни инсон тақдирига сингдириб юбориш - бу масалалар тагида яшириниб ётган драмаларни кўрсатиш, кўрсатганда ҳам бадний баркамол образлар воситасида кўрсатишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам бадний асарда ҳамма нарса, шу жумладан, кўтарилган масаланинг муҳимлиги ҳам, бадний образнинг мукамаллигига, яъни ёзувчининг китобхонни ларзага солишга қодир бўлган «тирик одам» ярата олиш қобилиятига боғлиқдир. Замонавийлик билан ҳозиржавоблик тўғрисида, аслида бир-биридан осмон билан ерча фарқ қиладиган бу икки тушунчанинг танқидчилигимизда «қоришиб» кетгани тўғрисидаги фикрларингиз ҳам ўринли. Лекин ҳаётда баъзан одамларнинг тили учиди юрган шундай гаплар ҳам бўладики, бу гапларни топиб айта олиш ҳам катта аҳамиятга моликдир. Шу маънода мен «Меҳригиё»да айтилган гапни вақтида айтилган, жуда муҳим гап, деб баҳоладим. Албатта, ёш ёзувчи бу гапни. Сиз айтгандек, «санъатга айлантира олганида» нур устига нур бўларди. Ёш адибга маҳорат ва катта ҳаётий тажриба етишмаганлиги кўриниб турибди. Ундан ташқари, топган гапини роман тарзида айтишга уринишлар ҳам фойда келтирмаган. Чунки «Меҳригиё»да айтилган гап унинг долзарблиги ва муҳимлигидан қатъий назар, ниҳоятда драматик сюжет асосига қурилган, кичик, аммо ниҳоятда пишиқ бир қиссада айтиш ҳам мумкин эди. Шунда асарнинг қиммати ҳам жуда баланд бўларди. Бу гапни мен қайта-қайта

таъкидлаб айтишимнинг бир сабаби шундаки, “Меҳригиё” муаллифининг жуда ҳам муҳим гапни “Гулистон» журналида эълон қилинган ва табиатни эъозлаш муаммоларига бағишланган бир очеркини ўқиб жуда мамнун бўлдим. Муаллиф «масала кўтаришни» биладиган ёшлардан. Эндиликда у «ёстиқдай» китоблар ёзиш ниятидан воз кечиб, ўта муҳим гапларини санъатга айлантиришдек машаққатли, аммо шарафли меҳнат билан шуғулланса, шубҳасиз, ютади. «Меҳригиё»да-ку, жони бор гап, чин маънода долзарб масала кўтарилган, бизда баъзан сохта долзарб масалалар кўтарилган, ғирт сунъий асарларга юксак баҳо бериш ҳоллари ҳам учраётирки, бунга ачинмай илож йўқ. Умуман, сўнгги кезларда танқидчилигимиз ўта силлиқлашиб, айрим ҳолларда ҳатто сохталашиб кетяпти. Танқидчиликнинг бош принципи бўлмиш бадиий асарни ҳаёт билан солиштириб ўқиш принципининг бузилиши оқибатида ҳаёт ҳақиқатидан йироқ, сунъий, ғирт китобий ва чучмал асарларни кўкларга кўтариш ҳоллари юз бeryптики, бу ҳол айниқса, ёшларга кўп зарар етказишидан қўрқаман.

ТАНҚИДЧИ. Асарнинг замонавий қийматини утилитар тарзда тушуниш, айниқса, ишчимизга ҳалақит бераётир. «Утилитаристлар, – деб ёзган экан Ф. Достоевский, – бир сўз билан айтганда, санъатдан шароит учун тўппа-тўғри, тез ва бевосита наф келтиришни ва унга бўйсунишини талаб этадилар; уларнинг талаби шу даражага бориб етадики, масалан, жамият маъмурларда маълум бир масалани ҳал этиш билан банд бўлса, санъатдан ҳам бошқа нарсани эмас, айтиш шу масалани худди шу тарзда ҳал этиб беришни истайдилар».

ЁЗУВЧИ Ўз вақтида Ф. Достоевскийдек санъаткорнинг бошини қотирган ва бугунги кунда ҳам охиригача ҳал этилмаган бу мураккаб масалага ойдинлик киритиш учун ҳали кўп куч-гайрат сарф этишга тўғри келади.

ТАНҚИДЧИ. Романда кўтарилган масаланинг муҳимлигини, салмоғи ва қўламини аввало, ундаги қаҳрамон характери ва тақдиридан, қаҳрамонда тажассум топган ғоявий-бадиий концепциядан қидирмоқ даркор. Роман қаҳрамони нимаси биландир китобхонни қизиқтириб қолса, тақдири уни ларзага солса, ўйга толдирса, худди ўша қаҳрамондаги ўқувчини қизиқтирган, ҳаяжонга солган хислат ва муаммолар замини, илдилари чуқур, атрофлича таҳлил этиб берилган бўлса – фақат шундагина романга хос тафаккур таъминланган бўлади.

Қаҳрамон концепцияси деган тушунча теварагида кўпроқ гапириб, тортишиб, баҳслашиб туришимиз керакка ўхшайди. Чунки бу роман учун, умуман, бадиий ижод учун ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолаётир. Биз ёзувчининг ижодий индивидуаллиги, оригиналлиги хусусида кўп гапирамузу, нуқул масаланинг теварагида айланамиз, аслида ёзувчининг оригиналлиги, новаторлиги у кашф этган одам образида, фақат шу муаллифгагина хос бўлган, чуқур ҳис этилган, конкрет шахс тимсолида намоён бўлган эстетик концепцияси билан белгиланишини етарли ҳисобга олмаймиз.

Шу жиҳатдан қараганда «Эр бошига иш тушса» асарингизда романнинг шакл-шамойили бўлса ҳам, унда тўла маънодаги романга хос бадиий тафаккур етишмас эди. Шунинг учун бўлса керак, бир вақтлар таниқли адабиётшунос Л. Якименко бу асарни қисса деб атаган эди. «Улугбек хазинаси» чин маънодаги роман даражасига кўтарилди. Улугбек, Абдуллатиф, Мавлоно Муҳиддин, Қарноқий буларнинг ҳар бири чинакам роман қаҳрамонлари... «Диёнат» романга хос тафаккур йўлида яна бир олға ташланган қадам. Ундаги бош қаҳрамонлар Нормурод Шомуродов билан Отақўзи янада яхлитроқ, кўламдорроқ; уларда мужассам бўлган ғоявий-бадиий концепция яна ҳам ёрқинроқ, чуқур ва оригинал...

ЁЗУВЧИ. Бу масалага, масала теварагидаги саволларга мен юқорида жавоб бериб ўтдим. Фақат ёзувчининг эстетик концепцияси тўғрисидаги фикрингизга тўхтаб ўтмоқчиман. Албатта, ёзувчи қанчалик катта зиддиятларни, қанчалик мураккаб қаҳрамонларни тасвирламасин, унинг ҳаёт ва қаҳрамон ҳақидаги концепцияси жуда аниқ бўлмоғи лозим. Баъзи танқидчи ва адиблар, хусусан, ёшлар, ёзувчи объектив бўлиши керак, деган гапни сал чалкашроқ тушунишади шекилли. Бу чалкашлик айрим асарларда ёзувчи концепциясининг ноаниқлигига олиб боряптики, оқибатда фикр саёзлашиб кетяпти. Ёзувчи ўз қаҳрамонларига нисбатан улар хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий объектив бўлиши керак, албатта. Лекин объективликни йўқотмаган ҳолда ҳаёт ҳодисаларига бўлган муносабати, ҳаракатлари, бу ҳодисани баҳолашда ниҳоятда аниқ ва ҳалол бўлиши керак. Асарда айтилмоқчи бўлган фикрнинг салмоғи аксар ҳолда ёзувчининг эстетик концепциясига боғлиқки, буни сира эслан чиқармаслигимиз лозим.

Албатта, мен бугун кўп асарларимни, шу жумладан, «Эр бошига иш тушса» деган романимни ҳам бошқача ёзган бўлардим. Бундан биз фақат хурсанд бўлмоғимиз керак. Менинг назаримда, бугун наср соҳасида қалам тебратаётган бирорта ёзувчи, хусусан, ёш ёзувчи В. Шукшин, В. Распутин, В. Белов, В. Астафьев каби жуда улкан истеъдодлар тажрибасини четлаб ўтолмаса керак деб ўйлайман. Чингиз Айтматов тўғрисида-ку гапирмасак ҳам бўлади...

Ўз ижодим, ўз романларим тўғрисида бир нима дейишим қийин. Ахир ҳар бир ёзувчи ўз асарини ўзи баҳолайдиган бўлса адабиётнинг аҳволи вой бўларди. Фақат шунини айтишим мумкинки, бошқа қаламқаш дўстларим қатори мен ҳам, биринчидан, ҳаёт ҳодисаларини чуқурроқ идрок этишга, турмуш зиддиятларининг ичига киришга, иккинчидан, шўро адабиётида пайдо бўлаётган ҳар бир яхши асарни қанда қилмай ўқиш ва бу асарларни яратган санъаткорларнинг ижодий сабоқларини ўрганиб боришга ҳаракат қилмоқдаман. Каминанинг бу ҳаракатлари бирор натижа беряптими, йўқми бу ҳақда ҳукм чиқариш Сиз танқидчилар ва ҳурматли китобхонларнинг ишидир.

ТАНҚИДЧИ. Юсак эътиқодли, курашчи кишилар образи тасвири талқини билан боғлиқ баъзи мунозаралар, мулоҳазалар туғилиб қолди. Ёзувчи қаҳрамонни қанчалик курашчан қилиб тасвир этса, айрим танқидчиларга шунчалик маъқул тушаётир. Қаҳрамонни курашларда кўрсатиш, курашчи, фаол қилиб бериш яхши, бироқ бу курашлар пайтидаги унинг драматик ҳолатини, муҳими, бу курашлар қаҳрамон учун қанчалар қимматга тушганлигини четлаб ўтиш ярамайди. Замонавий адабиётнинг энг яхши асарларида қаҳрамонлар кураши йўлидаги қийинчиликлар, драмалар, ҳатто фожиалар бутун кескинлиги, шиддати, мураккаблиги билан кўрсатилганки, буни унутмаслик керак. Шу муътабар анъанани унутиш, конфликтсизлик назарияси пайтида пайдо бўлган нуқул можарони осонгина ижобий қаҳрамон фойдасига ҳал этиш, қаҳрамонни омади келган шахс сифатида талқин этиш ҳоллари баъзан бошқачароқ кўринишда учраб қолаётир. Чунончи, «Нур борки, соя бор» асарида қисман шу ҳол сезилади. Танқидчи Баҳодир Ғуломов роман қаҳрамони Шерзодни идеалларга садоқат, шижоаткорлик ва курашчанликда Павел Корчагинга қиёс қилади. («Ўқитувчилар газетаси», 1976 йил, 19 декабр) Бу яхши. Бироқ танқидчи масаланинг бошқа томонини

унутиб қўяди. Н. Островский Корчагиндаги шижоатни, курашчанликни ифода этиш билан баробар, бу шижоат ва курашлар қаҳрамон учун қанчалар қимматга тушганлигини ҳам катта эҳтирос билан кўрсатади. «Нур борки, соя бор» эса бу жиҳатдан бир оз оқсайди. танқидчи масаланинг бу томонини унутмаслиги керак эди.

Яширишнинг ҳождати йўқ, «Эр бошига иш тушса» романида ҳам ёш қаҳрамонлардаги шижоат етарли кўрсатилгани ҳолда, улар йўлидаги қийинчиликлар ҳамиша ҳам ўқувчини ларзага солар даражага бориб етавермаган эди. Ҳатто «Улуғбек хазинаси»даги Али Кушчи образида ҳам маълум бир ёқламалик кўзга ташланади. Ундаги кураш романтикаси бўёғи айрим ўринларда керагидан ортиқроқ. «Диёнат» романида эса манзара бошқача. Эҳтимол, у ердаги юксак эътиқод эгаси Нормурод домла образи аввалги романларингиздаги шу тур образлардан ўзгачароқ, балким пассивроқ кўринар. Лекин бу образ моҳиятига чуқурроқ ёндашилса, акс ҳолни пайқаш мумкин. У ҳам букилмас ирода эгаси, курашчи, муҳитга зўр таъсир кўрсатувчи шахс... Бу образда кураш тантаналари эмас, кураш машаққатлари ифодасига кўпроқ эътибор берилган... Табиийки, бу хил машаққатлар пайтида одам ҳар хил ҳолатга тушади. Нормурод домлада ҳам гоҳи-гоҳида умидсизлик ҳоллари юз беради. Шунга кўра уни нессимизмда айблаш ўринли бўлмаса керак.

ЁЗУВЧИ. Адабиётда курашчи кишилар образини яратиш, курашчан қаҳрамонларни кўрсатишнинг аҳамияти катта, албатта. Биз ҳаммамиз Ҳамлет, Павел Корчагин ва Чапаев, Гофир ва Йўлчилар тўғрисидаги китобларни ўқиб катта бўлганмиз, уларнинг иродаси, мардлиги, улуғ ғояларга бўлган садоқати қалбимизда чексиз меҳр ва ҳурмат уйғотган. Лекин курашчи кишилар образини яратиш тўғрисида гапирганда биз бу хилдаги қаҳрамонларнинг дунёга келиши «кураш»га, илмий тил билан айтганда, ҳаётий конфликтга боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак. Ахир фуқаролар уруши давридаги шиддатли синфий кураш ва шафқатсиз конфликтларни бугунги турмушимизга сунъий равишда кўчириб бўлмайди-ку! Шу маънода «Нур борки, соя бор» каби бугунги кун ҳақидаги асар қаҳрамонларидан Корчагинга хос курашчанлик ҳисларини қидириб юришни тўғри деб билмайман. Лекин баъзи асарларимизда «кураш майдонида беллашган» қаҳрамонларимиз ғалабага осонгина эришяпти деган фикрларга қўшилмоқ керак. Бу

бор гап. Зотан, конфликтсизлик назарияси ва бу назария «асосида» яратилган баъзи асарларнинг китобхонлар томонидан «совуқ» қабул қилинишининг муҳим бир сабаби ҳам шунда эдики, уларда даврага тушган «полвонлар» чинакамига беллашмасдан туриб ҳақ бир-бирини кўтариб уришади. Шу маънода биз яна ҳаётнинг ўзига мурожаат қилмоғимиз маъқул. Ёзувчининг энг катта домласи турмушнинг ўзи бўлмоғи лозим. Турмушда эса кураш, айниқса, принципиал масалалардаги конфликтлар, «ғоялар драмиси» осон ҳал бўлмайди, улар гоҳо қирғоқларни емирувчи тошқин. у инсон ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб ташлайди.

«Эр бошига иш тушса» романи тўғрисидаги фикрларингизга қўшилмай иложим йўқ. Бу менинг роман бобидаги илк тажрибам эди, албатта. Али Қушчи образига келсак... ўтмиш, айниқса, узок. ўтмиш бизга ҳамиша сирли, қандайдир ҳаёлий, борингки. Сиз айтгандек, романтик бўёқлар шуъласида хиёл бошқача бўлиб кўринади. Умуман, йироқдаги ҳар бир нарса ўзгача туюлиб, бизни ҳамиша мафтун қилиб, ўзига чорлаб туради. Ахир инсонлар асрлар давомида Ой билан Марсга термилиб, улар томон талпиниб ўтгани, бу планеталарда ҳаёт бўлишини истаб келгани бежиз эмас-ку! Али Қушчи образининг яратилишида шу туйғуларнинг таъсири бўлса ажаб эмас. Сиз айтган романтик бўёқларни мен нафақат Али Қушчи образида, балки Навоий ва Обойга бағишланган, умуман, тарихий мавзуда ёзилган асарларнинг деярли ҳаммасида озми-кўпми кураман. Нормурод Шомуродов тўғрисида фикр юритмайман. Фақат шунини айтишим мумкинки, бу образнинг прототипини турмушда кўн кўрганман. Бир маҳаллар улар менга ҳам «ғалати одамлар» бўлиб туюларди. Кейин ўйлаб қарасам, улар жуда пок, жуда олижаноб, оддий кишилар экан.

ТАНҚИДЧИ. Умуман, ижобий қаҳрамон тасвирида романтик жиоларнинг муҳим ўрни, роли, даражасига қандай қарайсиз? Абдулла Қодирий қаҳридаги мақолангизда романтик тасвирга қандайдир қўшмамайроқ қараш сезилади. Бироқ ўзингиз ҳам бундан аввал яратган асарларингизда, «Муқаддас», «Эр бошига иш тушса» қаҳрамонлари бадий талқинида романтик бўёқ хийла куюқ. ўзингиз эслатганингиздек, «Улуғбек хазинаси»да ҳам бу нарса бор. «Диёнат»да эса манзара бошқачароқ; қаҳрамонларга муносабатингиз ҳам мураккаброқ. Қаҳрамонни оқлаш ёки қоралаш эмас, ундан ҳам муҳимроқ моҳиятни — кучли ва ожиз томонларни кўрсатиш, таҳлил этиш устун; авваллари Сиз ҳам

кўпчилик романтик тасвирга мойил ёзувчилар каби ижобий қаҳрамонлар томонида туриб, ҳар боб билан уларни ҳимоя остига олишга, рақибларни эса қоралашга тушар эдингиз. «Диёнат»да эса қаҳрамонларга нисбатан хийла шафқатсиз, бир оз совуққон бўлиб кетгандай кўриндингиз менга. Ҳатто китобхонлардан биринчи навбатда: «Суюкли олим, покиза инсон Нормурод ота бошига шу қадар кўп оғир савдолар солиш, уни шу қадар қийноқлардан олиб ўтиш шартмиди, ёзувчининг бу шўрликда қандай қасди бор экан?» деган таънасини ҳам эшитдим. Яхшиси, бу саволга ўзингиз жавоб берсангиз...

ЁЗУВЧИ. Бу саволларга ҳам юқорида жавоб бериб ўтдим. Такрорга ҳожат йўқ. Фақат шуни айтмоқчиманки, мен ҳеч қачон мақоламда «романтик тасвирга қандайдир... хушламай» қараган эмасман. Эҳтимол, мақоладаги терминларда, ибораларда баъзи чалкашликлар бўлса бордир, аслида мен чинакам романтик тасвирга қарши эмасман, сохта, сунъий романтикага қаршиман... Мен ўша мақоламда Абдулла Қодирийга чуқур эҳтиромимни изҳор этганман. «Ўткан кунлар» романини солдат вақтимда буюм ҳалтамдаги нонлар орасига солиб, Гоби чўлларида орқалаб юриб ўқиганман. Айни замонда, ҳар қанча олқишласам ҳам бу улкан ёзувчимиз асарларида шафқатсиз реалистик тасвир билан бир қаторда гоҳо-гоҳо кишини ишонтирмайдиган лавҳалар, эпизодлар, илмий тил билан айтганда, реалистик услубдан жиндай чекиниш ҳоллари учрашини ҳам кўрсатиб ўтганманким, бунинг чинакам романтик тасвирга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Назаримда Сиз, бу асарларда реалистик услубдан ҳеч қандай чекиниш йўқ, деган гапга журъат этолмай, мен айтган жузъий камчиликларни «романтик тасвир» ибораси билан изоҳламоқчи бўласиз. Умуман, бизнинг адабиётшунослик ва танқидчиларимизга хос камчиликлардан бири шундаки, улкан ёзувчилар ҳақида гап кетганда, уларда ҳеч қандай нуқсон йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деган фикр илгари сурилади. Энг ёмони, камина янглиғ ғариб бир адиб унча-мунча камчиликларни айтишга журъат этса, унинг фикрини асосли равишда инкор этиш ўрнига: «Ўзи ким бўптики, фалончига осилади?» деган маънода дўқ-пўписага ўтилади. Тўғри, улуғлар хизмати олдида бизнинг камтарин хизматимиз жуда ғариблашиб қолади. Лекин шахсан мен масалага бундай ёндашишни нотўғри деб биламан. Масалан, айтийлик, Толстой олдида Бунин ким бўлибди? Лекин Толстой олдида «ҳеч нима бўлмаган» Бунин «Анна

Каренина» романи тўғрисида гапириб, «бу, албатта, улуғ роман, лекин агар Толстой уни менга таҳрирга берганда мен унинг тўртдан бирини қисқартириб ташлардим, бу билан роман янада ярқираб кетарди!» деган фикрни айтишга журъат этган. Бу фикр учун ҳеч бир рус олими уни қоралаган эмас, «Бунинг ўзи ким бўлтики, Толстойга тош отади?» деб наъра тортиб чиққан эмас. Гап шундаки, ўсишни истаган ёзувчи ўз камчиликларини кўриб бормаса ҳушёрликни қўлдан бериб қўйиши муқаррар бўлганидек, адабиёт ҳам ундаги хато ва нуқсонлар айтиб турилмаса бу нуқсонлар кимга ва қандай улуғ ёзувчига тааллуқли бўлмасин - ривождан тўхтаб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Албатта, биз бу жузъий камчиликларни айтар эканмиз, устоз ёзувчиларимизнинг биринчи бўлиб катта жанрга қўл урганини ва бу жанрда ҳанузгача биз учун намуна бўладиган улуғ асарлар яратганини, бу асарлар халқимиз томонидан севиб ўқиладиганини эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Ва агар мен бу жузъий камчиликларни айтишни лозим кўрадиган бўлсам, бунинг сабаби шундаки, адабиётимизда баъзи улкан ёзувчиларимизга тақлид қилиш ҳолларини кўряпман. Бу тақлид оқибатида ўта китобий ва ўта чучмал асарлар туғилаётирким, адабиётимиз бугун реалистик услуб сирларини эгаллаш йўлида катта ҳаракатлар қилаётган бир пайтда бу тақлидий китоблар китобхонлар дидини бузишдан бошқа наф келтирмайди деб ўйлайман. Бизда кўп китобхонларнинг асар қаҳрамонлари бошига мумкин қадар ҳеч бир савдо, ҳеч бир мусибат тушмаслигини исташининг, қаҳрамонлар худди эртаклардагидек мурод-мақсалларига эришишларини исташларининг бир сабаби ҳам шунда бўлса керак. Чунки, гарчи Отабек - Кумуш муҳаббатлари фожия билан тугаса ҳам (буюк ёзувчимизнинг улуғлиги ҳам шунда, яъни ҳаёт ҳақиқатига тўла риоя қилганлигидадир), юқорида айтиб ўтилган тақлидий асарларда энг драматик тақдирлар ҳам, эртакка ўрганган китобхонлар қувончига қувонч қўшиб, сип-силлиққина яқунланади.

ТАНҚИДЧИ. Аввало, ёзувчининг ёзувчи ҳақидаги мулоҳазаларига бир оз эҳтиётроқ бўлиб ёндашиш керак. Ёзувчи адабий асарга баҳо бераётганда, хоҳлайдими-йўқми, кўпинча, ўз тажрибалари, ўзи учун қабул этган эстетик принциплар, ўз «адабий қонунлари» асосида иш кўради. Улуғ Толстой улуғ Шекспирни инкор этган, инкор этибгина қолмай, ўз фикрини кенг асослашга ҳаракат қилган. Бунда Толстой ҳақ эмаслиги

тамомила аён. Айни пайтда, бунинг учун олимлар Толстойни кескин қораламайдилар ҳам, чунки Толстой Шекспир реализмидаги айрим жиҳатларга ўз реалистик припциплари нуқтаи назаридан баҳо беради, шу баҳо ёрдамида биз Толстой реализмининг моҳиятини чуқурроқ англаб оламиз. Буниннинг «Анна Каренина» ҳақидаги танқидий мулоҳазаларини ҳам шу тарзда изоҳлаш керак. Бунин асло ҳақ эмас, «Анна Каренина» композицион жиҳатдан мукамал, етук асар экани фанда аллақачон исботланган. Лекин Сиз бир жиҳатдан ҳақсиз. «Анна Каренина» тўғрисидаги фикри учун Буниннинг юзига қоракуя чаплаш шарт эмас.

Абдулла Қодирий ҳақидаги мулоҳазаларга келсак, улкан адиб романларидаги романтик жоллар, Сиз айтгандай, гоҳо учраб қоладиган «кишини ишонтирмайдиган лавҳалар, эпизодлар», «реалистик услубдан чекиниш ҳоллари», менимча, реалистик насрнинг ўша даврдаги ҳолати, тараққиёти даражаси, ўша давр китобхонининг диди, завқи билан боғлиқ ҳолда олиб қараладиган бўлса, зарурий, табиий, қонуний бир ҳолдир. Бунинг сабабини ўз вақтида ёзувчининг ўзи жуда равшан ва лўнда қилиб изоҳлаб берган... «Ўткан кунлар» яратилгандан кейинги ярим асрдан ошиқроқ муддат давомида ўзбек насри жуда бой реалистик тажриба тўплади. Ҳозирги кунда ана шу тажрибаларнинг чўққисиде турган адибгина адабиётни, бинобарин, китобхонни олдинга етаклаши мумкин. Афсуски, Сизни ташвишга солаётган ҳолат - бор нарсаси, айрим қаламкашларимиз Абдулла Қодирий сингари адиблар ижодидаги ўз даври учун табиий, зарурий бўлган, аммо реализмнинг бугунги даражаси нуқтаи назаридан қараганда ожизроқ туюладиган ўринларга, юмшоқроқ қилиб айтганда, эргашаётирлар...

Чамамда, бир оз «мавзудан» четга чиқиб кетдик, шекилли. Роман табиати масаласига қайтайлик. Роман табиатига кўра кўп планли жанр, унда бир эмас, бир неча сюжет йўналишлари, бир эмас, бир неча қаҳрамонлар тақдири ёндош ҳолда келавериши мумкин. Лекин бу жанрнинг ҳам айрим нодир намуналарига назар ташласак, ҳақиқат асар марказида бир ёки икки персонаж тақдири турганлигини, хусусан, бир китобдан иборат романларда кўрамиз, қолган сюжет йўналишлари асосий воқеага бўйсунадиган бўлади. Менинг назаримда, ёшлар романчилигида асоссиз равишда бу анъанадан чекиниш ҳоллари

юз беряпти. Буни биз қисса ва новеллалардан иборат роман хусусияти деб атаймизми, ижодий-услубий изланиш, роман поэтикасини янгилашга уриниш деб ағаймизми, бари бир, бу ҳодиса оқибат-натижада романга хос тафаккур тарзидан чекинишга олиб келяпти. Табиийки, ёзувчи бир асарда бир эмас, бир неча персонаж тақдири билан бирдек банд бўлгани учун уларнинг ҳар бирини роман қаҳрамони даражасига етказиб, атрофлича таҳлил этиши қийин. Яна бир масала: яратилаётган талайгина романларда бош қаҳрамон роман юкини кўтаришга қодир бўлмагани учун ёзувчи уни бамисоли *воситачи қаҳрамон тарзида* беради; яъни бу тур қаҳрамонни ҳаётнинг хилма-хил жабҳаларига олиб киради, турмушнинг турли-туман чигалликларига дуч қилади; бу усулни умуман инкор этиб бўлмаса-да, ҳар ҳолда унда қандайдир иллюстративлик аломатлари бор; бош қаҳрамон асарда гўё масалаларни қайд этиш учун ҳаракат қилаётгандек туюлади. «Нур борки, соя бор»даги Шерзод, «Олмос камар»даги Аброр образлари қисман шундай. Агар бош қаҳрамон тақдири мазмунан бой, романбоп драмаларга мўл-кўл бўлса, бу хил иллюстративликка ҳожат қолмас эди.

ЁЗУВЧИ. Бош қаҳрамон ва унинг асардаги ўрни тўғрисидаги гапларингизга бус-бутун қўшиламан. Албатта, асардаги барча иштирокчилар тақдири бош қаҳрамон тақдири билан чамбарчас боғланиб кетиши шарт. Адабиётнинг энг юксак намуналарида шу йўлдан борилган. Шунинг учун ҳам бош қаҳрамонга юкланадиган юк жуда залворли бўлмоғи керак. Бу гаплар ҳам охир-оқибат маҳорат масалаларига бориб боғланадими, на чора, уни эгаллаш жуда мушкул экан!

ТАНҚИДЧИ. Инсон шахсига хилма-хил томондан ёндашиш, уни мураккаблиги, зиддиятлари, кучли ва ожиз томонлари билан кўрсатишга интилиш — ҳозирги адабий жараённинг характерли хусусиятларидан. Бу адабиётда, насримизда реализмнинг чуқурлашиб бораётганлигини тасдиқлайдиган муҳим бир факт. Модомики, адабиёт инсоншунослик экан, ахир у инсонни, унинг маънавиятини ҳар жиҳатдан тадқиқ, таҳлил этиб бериши, одамлар, уларнинг маънавий бисоти ҳақидаги тасаввуримизни бойитиши, чуқурлаштириши лозим. Бу жиҳатдан роман беқиёс имкониятларга эга. Айтайлик, «Диёнат»даги Отақўзи бир қарашда олдиндан таниш одамга ўхшайди, кўпчилик драма ва насрий асарларда қаламга олинган аввал хизмат кўрсатган, сўнг ҳалдидан

ошиб кетган колхоз раислари образини, чунончи, «Навбахор»даги Дадавой ака, «Синчалак»даги Қаландаровни эслатади. Романи синчиклаб ўқигач, шу нарса аён бўладики, бу тур раҳбар ходимлар ҳақида айтилмаган гаплар, кашф этилмаган сирлар кўп экан. Энг муҳими, Отақўзи шахсиятига, маънавиятига ғоят хилма-хил томондан ёндашгансиз, у ҳақда ҳукм чиқаришга шошилмайсиз, Характерининг хилма-хил қирраларини кенг кўламда таҳлил этасиз, унинг тақдиридаги драматик, ҳатто фожиавий ўринларни батафсил очиб берасиз, уни фожиага мубтало этган омиллар устида кенг баҳс-мулоҳаза юритасиз. Отақўзи образи адабиётдаги ўхшашлик деб аталган масала моҳиятини тушуниб олиш, тушунтириб бериш жиҳатидан ҳам ибратли... Ҳар ҳолда «Синчалак»дек етук асардан кейин Қаландаров хилидаги образга мурожаат этиш Сиз учун осон кечмаган бўлса керак? Шундай ижодий мусобақа олдинги романингиз «Улуғбек хазинаси»да ҳам кўринган эди. М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясидан кейин Улуғбек ҳақида ёзиш, у ҳақда янги гап айтиш осон эмаслиги ҳаммага аён...

ЁЗУВЧИ. Яна такрорлайман. Мен ўз асарларим тўғрисида фикр юритишни истамас эдим. Фақат шуни айтишим мумкинки, Дадавой ака ва Қаландаров каби шахслардан кейин бизнинг баъзи асарларимиздаги раислар «Муштум» журналида суратлари чиқалиган раисларни эслатарди. Яъни битта бўёқ, қора бўёқ билан чизиларди. Ҳолбуки, битта тугул, бир неча бўёқ билан ҳам ҳаёт ва табиатнинг ҳақиқий манзарасини яратиб бўлмайди. Бу ҳаммага маълум ҳақиқат. Лекин биз бу ҳақиқатни аксар ҳолларда эсдан чиқариб қўямиз. «Диёнат» романи эълон қилингандан кейин кўп китобхонлардан: «Отақўзининг прототипи борми? Бу образ «Фарзандлар бурчи» этюдларидаги раислардан олинган эмасми?» деган маънода хатлар олдим. Пайтдан фойдаланиб шу саволларга жавоб бериб ўтмоқчиман: йўқ, Отақўзи битта-иккита одамга қараб чизилган образ эмас. Уни менинг кўп йиллик кузатишларим, ҳаёт ҳодисалари тўғрисидаги кўп йиллик ўйларим маҳсули дейиш мумкин. Умуман, мен сўнгги йилларда ёзувчи ва санъаткор учун ҳаётни чуқур билиш, уни ҳаракатга келтирувчи ички қонунларни, зиддиятларни, турмуш ўзи илгари сураётган муаммоларни яхши билиш нақадар муҳим эканини яна бир марта англадим. Чунки агар, Сиз айтгандек, сўнгги романимда жон бўлса, романининг бош қаҳрамонлари Отақўзи билан

Нормурод Шомуродов тақдирида китобхонни салгина бўлса-да ҳаяжонга солувчи бир нима бўлса, бунинг ҳаммаси сўнгги йилларда қилган кўп сафарларим, одамлар билан, шу жумладан, хўжалик раҳбарлари билан бўлган мулоқотларим, «ётиб гаплашганда» олган таассуротларим мевасидир. Отақўзи билан Қаландаров образига келсак, мен бу икки образни бир-биридан анча йироқ бўлган икки давр кишиси, бир-бирига унча ўхшамаган икки зиддият маҳсули деб ўйлайман. Масала шундаки, ҳозир турмушда Қаландаровдан ўн баробар кучли, иродали, удлабуро раҳбарлар етишиб чиққан (бу ерда гап Қаландаров образининг баъдий кўлами тўғрисида эмас, ҳаёт «яратган» одамлар тўғрисида кетяпти). Бу раҳбарлар ҳал қилаётган масалалар, амалга ошираётган ишлар ҳам эллигинчи йилларнинг охирида, яъни қаландаровлар қилиши мумкин бўлган ишлардан ўн баробар каттадир. Бу деган сўз, ички зиддиятлар кўлами ва бу зиддиятларнинг моҳияти ҳам тамом ўзгармоғи шарт деган сўздир (қарама-қаршиликсиз тараққиёт йуқ, деган тамойилни унутмайлик). Демак, турмушнинг ўзига мурожаат қилган ёзувчи илгари ёзилган асарларни, илгари яратилган образларни ҳеч қачон такрорламайди ва такрорлаши мумкин ҳам эмас. «Улуғбек ҳазинаси» тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Ундан ташқари, битта тарихий сиймо тўғрисида ўнлаб асарлар яратиш мумкинки. бундай ҳоллар адабиёт тарихида жуда кўп учрайди. Мен битта мавзуда ёзилган «Хамса»лар, «Кавказ асир»ларини эсламай қўя қолай. «Навоий» тўғрисида ёзилган ажойиб роман билан ажойиб драма ва кинофильмнинг ўзиёқ менинг фикримни тўла тасдиқлайди. Албатта, бирор тарихий сиймога «кейин мурожаат» қилган ёувчи бу сиймо тўғрисида ўзидан олдин ёзган санъаткор йўлидан бормаслиги, бу ишда ўзгача йўл қидириши керак. Акс ҳолда унинг асари аввал яратилган асарнинг баъйни такрори бўп қолиши мумкин, ҳолос.

ТАНҚИДЧИ. Турмушни чуқур билиш ижодий оригиналликнинг гарови экани ҳақидаги фикрингизга қўшилган ҳолда, бунга эришишнинг бошқа жуда кўп омиллари ҳам борлигини таъкидламоқчиман. Чунончи, санъатнинг энг муҳим вазифаси, Л. Толстой айтмоқчи, инсон қалби ҳақидаги ҳақиқатни айтиш, ифодалаш. Шундай экан, ёзувчи инсон қалбига чуқурроқ кириб борса, ижодий оригиналлик учун йўл очилаверса керак. Чунончи, Улуғбек ҳам, Отақўзи ҳам сиртдан қараганда мавжуд

образларга ўхшайди, аммо уларнинг қалби, маънавияти тасвири, таҳлили аввалги образларни асло такрорламайди. Яна бир қиёс. «Эр бошига иш тушса» романида адашган, алданган аёл Барно образи бор. «Диёнат»даги Фазилат илк бор ёдимга ўша Барнони туширди. Унинг тақдири, энг муҳими, қалб тадқиқи билан танишгач, бу аёл тамомила бошқа бир олам эканига ишонч ҳосил қилдим.

ЁЗУВЧИ. Албатта, адабиётнинг бош вазифаси инсон қалбини тасвирлаш, Чернишевский айтмоқчи, инсон руҳининг диалектикасини ифодалаб беришдир. Лекин бу «иш» жуда катта истисодни талаб қиладики, бу истисод ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Шу боисдан ҳам ёзувчилик касби бетиним меҳнат ва изланишларни тақозо этади. Энг муҳими, ёзувчи ўз қаҳрамонларининг қалб торларини чертишни истаса, у авваламбор, ўзи билган одамлар, ўзи бошидан кечирган воқеалар тўғрисида ёзиши керак. Мен, масалан, Барнони жуда яхши танийман. Бу аёл, яъни Барно образини яратишга асос бўлган аёл ҳамон ҳаёт. Фазилат эса... Фазилат воқеасини менга шифо истаб касалхонага тушганимда бир кекса киши гапириб берган. Мен бу ҳикояни фақат кўчирдим, кўчириб, бошқа тақдирларга «боғлаб» юбордим, холос. Улуғбек эса... Улуғбек ҳам тарихий ҳужжатларни ўрганиш давомида, беш юз йил наридаги фожиали воқеалар гирдобига «шўнгиган» кезларимда менга ўз отам, ўз онамдай яқин бўлиб қолди, унинг ўйлари менинг ўйларимга, дардлари менинг дардларимга айланиб кетди. Бошқача бўлиши мумкин эмас ҳам эди, албатта.

ТАНҚИДЧИ. Аминманки, Фазилат ҳақидаги ҳикояни асарга шунчаки кўчириб қўя қолганингиз йўқ. Ўзганинг бошидан ўтган ҳаяжонли, қизиқ воқеаларни хотираси бутун ҳар қандай одам ҳам бошқа бировга гапириб бера олиши мумкин. Аммо унинг қалбини, қалбидаги жараёнларни фақат ёзувчи санъаткоргина кўра билиши ва қайта гавдалантира олиши мумкин...

Одил ака, суҳбатимиздан маълум бўляптики, бу ерда тилга олинган роман табиати, қолаверса, бадииятга оид талай масалалар шунчаки назарий муаммолар бўлиб қолмай, улар бевосита адабий тажрибанинг ўзи тақозо этаётган жумбоқлардир. Роман жанрининг тақдири кўп жиҳатдан шу жумбоқларни ҳам назарий, ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан тўғри ҳал этилишига боғлиқ.

1979 йил

ИЗЛАНИШ ҚУВОНЧИ ВА ТАШВИШЛАРИ

(Ёзувчи Пиримқул Қодиров билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Пиримқул ака, Сиз бадиият, маҳорат сирлари, ижод жараёни, психологияси ҳақида кўплаб мақолалар ёзгансиз, лекин уларда ўз ижодий тажрибаларингиз хусусида жуда кам, шунчаки йўл-йўлакай тўхталиб ўтасиз; ёдингиздами, бир вақтлар шу масалада сўз очилганила: «Ёзувчи ўз ижоди тўғрисида кам гапиргани маъқул, ижодкор ўзи ҳақида ҳамма гапни айтиши бир оз ноқулай» — деган ёдингиз. Шахсан мен ёзувчи ўз ижоди, тажрибалари ҳақида гапириб туриши, кўнглидагиларини, биланларини тортинмай айтавериши зарур деб биламан. Бу ёзувчининг ўзи учун ҳам, унинг ҳамкасбалари, хусусан, бошловчи қаламкашлар учун ҳам, қолаверса, адабиёт фани, ихлосмандлари учун ҳам фойдали. Сиз ҳозиргача тўрт роман, тўрт йирик қисса, бир пьеса, ўйлаб ҳикоя, очерк ва публицистик мақолалар муаллифи, таржимон сифатида ўзингиз босиб ўтган чорак асрлик йўлда бошдан кечирган ижодий машаққатлар, изланиш қувончи ва ташвишлари хусусида, ўйлайманки, кўп гап айтишингиз мумкин. Бунинг устига кейинги йилларда адабий танқидчиликда кенг расм бўлиб бораётган ёзувчи-танқидчи диалоги — суҳбаги ёзувчиларни танҳо ҳолда ўзи ҳақида гапириш ҳижолатидан қисман ҳалос этади... Маълум келмаса, биргалашиб асарларингизга ҳос баъзи хусусиятлар устида баҳслашсак.

ЁЗУВЧИ. Сиз таклиф қилган мавзудаги суҳбатни (агар мунозарали гап чиқса — баҳсни) адабиётшуносларга асқотадиган, китобхонлар ва ёш қаламкашларга нафи тегадиган бир йўсинда олиб боролсак, марҳамат, мен қўлимдан келганича ҳисса қўшаман.

ТАНҚИДЧИ. Ёзувчи ижодини йўл-йўлакай кузатиб, галдаги янги асарларини ўқиб бориш бошқа экану, жамики асарларини бирваракайига ўқиб-ўрганиш ўзгача таассурот қолдирар экан. Кейинги икки ой давомида мен ҳамма ёзганларингизни қайта ўқиганимда қизиқ бир ҳолатга дуч келдим. Турли даврларда, турлича мавзу, ҳаётний материал асосида яратилган, персонажлари тамомила бошқа-бошқа, мустақил, хилма-хил касб эгалари бўлган очерк, ҳикоя, қисса ва романларингиз барчаси менга қандайдир яхлит бир асардек туюлди; бир асарда йўл-йўлакай тилга олинган эпизод, мотив гўёки галдаги бугун бошли асарга асос бўлади; кичик бир сюжет ирмоғидан галдаги асарнинг бугун

бир сюжет тармоғи келиб чиқади. Ёки бир асарда кўзга ташланган заифгина учқундан галдаги асарда катта аланга ҳосил бўлади. Энг муҳими, барча асарлардан қизил ипдек ўтадиган ягона бош ғоя, барча асар персонажларини туташтирадиган етакчи бир концепция, бир-икки ҳажвий қисса, ҳикоядан ташқари ҳамма асарларни яқинлаштирадиган тасвир усули, тарзини кўриб бунинг сирини, сехрига қизиқиб қолдим.

ЁЗУВЧИ. Асарлардаги ички яқинликни танқидчи Иброҳим Ғафуров ҳам «Шарқ юлдузи»даги бир мақоласида ёзган экан. Бу нарсани менинг ўзимга ҳам ғалатироқ туюлди. Чунки турли йилларда, ҳар хил мавзулардаги ёзилган нарсаларни аввалдан ўйланган яхлит бир режа асосига қуришни ўзимга мақсад қилиб қўйган эмасман. Аксинча, ҳар бир янги асар олдингиларидан иложи борида кўпроқ фарқ қилсину китобхон учун янгилик бўлсин, деб қалам тибратганман. Чунки такрор бор жойда «шўрвасининг шўрваси» деган ибора эса тушади. Дейлик, ютуқлардан эсанкираган раис билан илғор райком секретарининг конфликтини адабиётга алақачонлар кирган. Бу конфликтда, албатта, райком секретари ғолиб чиқади, раис охирига бориб пушаймон бўлади...

ТАНҚИДЧИ. Адабиётда ўхшаш сюжетлар, муштарак вазиятлар учраб туради. Адабиётга янги мавзу, янги материал, янги қаҳрамон олиб кириш — бадиий жасорат. Аммо «ишланган мавзу»га янги томондан ёндашиш, аввал қаламга олинган муаммо ва можароларнинг янги қирраларини кашф эта бориш — бу ҳам адабий жараённинг муҳим бир қонунияти.

ЁЗУВЧИ. Тўғри. Бу қонуниятни мен ҳам рад этмоқчи эмасман. Чунки, мен элаган конфликтни янада чуқурроқ очиш, унинг аввал кўрсатилмаган янги қирраларини кўрсатиш мумкин. Лекин бу типдаги асарларнинг аксари аввал яратилган сюжет тизимининг ичиндаги жульий янгиликлар эканини, олдин ўзлаштирилган тайёр далали қайта ҳайдаб экин экиш, кўриқ очишдан кўра осонроқ эканини кўпчилик сезиб туради. Ҳолбуки, ҳали адабиётга олиб кирилмаган ёрқин инсоний тақдирлар, теша тегмаган ҳаётий зиддиятлар, мураккаб ахлоқий муаммолар ва яхши маънодаги лардлар, яъни ҳали очилмаган кўриқлар жуда кўп. Албатта, кўриқ очиш осон эмас. Бунинг учун ёзувчи доим ҳаётни ҳам, адабиётни ҳам тийрак кўз билан кузатиб бориши, уларни доим ўз ақли билан таҳлил қила билиши, содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларнинг бутун тарихий тараққиётгагина эмас, алоҳида инсон тақдирига

ҳам қандай таъсир кўрсатаётгани тўғрисида ўз мустақил фикрига эга бўлиши керак. Бунинг ҳаммаси қанчалик қийин эканини мен аввал «Уч илдиз»ни ёзган пайтларимда сезган эдим. Романнинг биринчи қисмида сюжет чизиқларини ва мураккаб тўқнашувларни кўпайтириб юбориб, охириги қисмига борганда уларни қандай якунлашни билмай бошим котгани, аввал дуруст туюлган баъзи конфликтларнинг ечимидан ўзимнинг ҳам кўнглим тўлмагани эсимда турибди. Лекин келгуси асарларда яна шунга ўхшаш ижод машаққатларига сабаб бўладиган ўзим учун янги мавзуларга қўл урдим. Чунки янгиликнинг жозибасини китобхондан ҳам олдин ёзувчи юракдан ҳис қилади. Мана шу жозиба янги материалнинг қаршилигини енгиб ўтишда кишига мадад беради. Янги бир оламга кириб боришнинг ўзгача гашти бор. Шу гашт туфайли уни тасвирлаш йўлидаги машаққатларга ҳам чидайсиз. Гоҳ тоғда қўй боқиб юрган чўпонлар, гоҳ чўлда газ илётган оловкорлар, гоҳ шаҳарда метронинг лойиҳасини чизган зиёлилар, гоҳ қўриқ очган чўлкувар пахтакорлар, гоҳ бундан беш аср олдин яшаган аждодлар ҳаётини қаламга олганимнинг сабабларидан бири ана шу.

ТАНҚИДЧИ. Қаҳрамоннинг касб-кори, касб психологияси — реалистик адабиётнинг муҳим муаммоларидан бири. Шундай ёзувчилар борки, улар кўпроқ фақат бир касб эгалари ҳақида қалам тебратадилар. Сизда эса, боя айтилганидек, персонажлар — гоҳ хилма-хил касб эгалари. Ҳар гал янги касб эгалари ҳаётига мурожаат этиш қўшимча қийинчиликлар туғдирмасмикин?

ЁЗУВЧИ. Ҳаёт ва ижод йўлларида юриб борганингиз сари кўнглингиздаги янги ижодий дардлар ва гоҳлар туғилади, сиз шу гоҳни яхши мужассамлантириб берадиган адабий қаҳрамон излайсиз. Қаҳрамонни муайян бир одам қиёфасида тасаввур этиш учун унинг ҳаёт йўлини, тақдирини аниқлай бошлайсиз. Ҳаётда одамлар ўзларига мос истиқболни, яхши касб-корни, ўз ўрни ва ўз йўлини қандай узоқ изланишлар оқибатида қидириб топсалар, сиз ҳам қаҳрамонингизга муносиб касб-кор, характер ва тақдир топгунча шундай узоқ изланасиз. Касб танлаш муаммоси оламнинг истеъдоди, майли, ирода йўналишига қараб ҳал бўлади. Истеъдод, майл, ирода йўналиши характернинг табиий асосларини ташкил этади. Кишининг тақдирини эса кўп жиҳатдан унинг ҳаётда танлаган йўли ва характери белгилайди. Масалан, «Қадрим»даги Искандар илк режага биноан металлургия заводнда ишлаши керак эди. Мен бу йигитчанинг тақдири орқали айтмоқчи

бўлган ғояни металлургия заводида кўп йил ишчи бўлиб ишлаган акамнинг ҳаёти орқали топган эдим. Лекин худди шу ғояни яхлит ва ёрқин бир воқеа орқали кўрсатиш имконияти Қарши даштида, Муборак деган жойда бошқа соҳанинг ишчилари ҳаётида учраб қолди. Шу сабабли Искандар металлург эмас, оловкор бўлиб кетди. «Эрк»даги Саттор аввал атомчи инженер бўладиган эди, узоқ ўйланишлардан сўнг унинг метро лойиҳачиси бўлиши мақсадга мувофиқ тушди. «Олмос камар»даги Аброр аввал кимёгар олим бўлиши керак эди, шу қиёфада уни бир-икки боб тасвир ҳам қилган эдим, лекин охири унга меъморлик касби муносиб келди. Хуллас, мен учун янги қаҳрамонни ишонарли, жозибали ва такрорланмас инсон қилиб тасвирлаш йўлидаги биринчи босқич — унга муносиб касб-кор ва тақдир топишдир.

Тўғри, касб-кори тақдирига таъсир қилмайдиган одамлар ҳам бор. Меҳнатсиз яшайдиган текинхўр бойваччаларга умуман касб-корнинг кераги йўқ. Лекин бизнинг диққат марказимизда янги замоннинг тарих яратаётган кишилари турибди. Бундай кишиларнинг ҳаётини касб-корсиз, меҳнатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳаётнинг ўзида, замондошларимизнинг тақдирида касб-корнинг, меҳнатнинг аҳамияти ниҳоятда ортиб борапти. Адабиёт мана шу ҳодисани илғаб олгани ва диққат марказига қўйганининг ўзи унинг инсон ҳаётига чуқур кириб борадиган йўлларини топганидан далолат беради.

Албатта, масаланинг бошқа муҳим томони ҳам бор. Турли касб-кор, хилма-хил меҳнат жабҳалари қаҳрамонларни янги-янги қиёфаларда, бир-бирига ўхшамайдиган характерларда кўрсатишга қанчалик ёрдам бермасин, инсоннинг туб ички моҳияти, бошқа жуда кўп одамларда учрайдиган ҳис-туйғулари ва дардлари ҳаммага хос умумий хусусиятларга молик бўлади. Ана шунақа умумийлик бўлган жойдагина китобхон адабий қаҳрамонда ўзини топгандай ҳаяжонланади, чўпоннинг ҳаёти олимга ҳам худди ўз ҳаётининг давомидек туюлади, студентнинг бошдан кечирганлари деҳқон учун мароқли ва қадрли бўлиб қолади. Адабиёт мана шу тарзда турли соҳа одамларини, ҳатто турли халқ, турли мамлакат вакиллари бир-бирларига дилдан яқинлаштиради.

Ижод жараёнида янги асарларингизни аввалгиларга мутлақо ўхшатмасликка қанчалик интиланг, мана шу ички умумийлик ўз-ўзидан келиб чиқар экан. Бир отанинг фарзандлари касб-кор, қиёфа, характер, тақдир жиҳатидан ҳар хил бўлсалар ҳам,

уларнинг қонида, моҳиятида умумийлик бўлмай иложи йўқ экан, чунки, ҳаммасининг насл-насаби, касби битта ижодхонада стилар экан, тупроғи бир жойдан олинар экан.

Бундан ташқари, ҳаётимизнинг ўзида ҳам бири-бирига тубдан боғланиб кетган ва бирининг учқунидан иккинчиси аланга олаётган жараёнлар кўп. Уларнинг моҳиятига чуқурроқ кирганингиз сари ички бир умумийлик ва яхлитликка беихтиёр дуч келаверасиз. Масалан, «Қора кўзлар»ни ёза бошлаган пайтимда ундаги давр руҳи «Уч илдиш»нинг мантиқий давоми бўлади деб ўйламаган эдим. Романнинг биринчи вариантыда Аваз ва Замоналилларнинг Исмат бобо, Холбек, Ортиқлар орқали Давлатбеков ва Ғиёсиддиновларга бориб боғланадиган конфликтлари йўқ эди. 1964 йилда волюнтаризм деб аталган ҳодиса фош этилиб, Давлатбеков ва Ғиёсиддинов каби одамларнинг, айниқса қишлоқ хўжалигида ва чорвачилик соҳасида келтирган зарарлари ошкор бўлди. Романи қайта ёзиш пайтида бу тарихий тўлқинни асарга олиб киришга, уни «Уч илдиш»даги маънавий янгиланишнинг давоми тарзида кўрсатишга интилдим. Биласизки, бу улкан жараёнлар етмишинчи йилларга келиб янада катта аҳамият касб этди.

Давлатбеков типилаги одамлар бундан ўн тўққиз — йигирма йиллар аввал «чорвачиликда Американи дарҳол қувиб етиб, ўтиб кетамиз, бир йилда уч йиллик гўшт гопшириш планини бажарамиз!» деб чорванинг туёғини кескин камайтириб юборган, бунинг устига шахсий мол сақлашни шаҳарларда тақиқлашиб, қишлоқларда учтадан ошса йўқ қилишиб, икки томонлама зарар келтирган эдилар. Замоналининг укаси Йигитали Давлатбековга қараб: «Сиз давлатнинг ҳам зарарига иш қиялсиз!» — дегани эсингизда бордир. «Мен чорвадор қишлоқда яшаб туриб, шаҳардан гўшт сотиб олиб ейдиган бўлсам, давлат бизнинг ҳаммамизга қасёқдан гўшт етказадими? Ҳозир бозорда бир кило гўшт фалон пул-у, кейин қанча бўлади?»... Бу сўзлар ёзилганига ўн беш йил бўляпти. «Кейин қанча бўлганини» бугун, мана кўряпмиз...

Халқ мақолида айтилганидек: «Деҳқон деҳқондан қолса бир йилда етар, чўпон чўпондан қолса қирқ йилда етар». Яъни деҳқончиликда бир йил ҳосил бўлмаса, иккинчи йил яхши бўлиб, ўрни тўлиб кетиши мумкин. Лекин чорванинг туёғидан айрилиб қолган чўпон уни бир йил-икки йилда қайта тиклаши ва ўзиб кетган илғор чўпонга етиб олиши қанчалик қийин бўлиши ҳозир кўпчиликка аён. Ҳаётдаги жараёнларнинг бир-

бирига қанчалик боғланиб келишини ва бу бизнинг китобларимиздаги ички боғлиқликка қандай асос бўлишини мана шу мисолларда ҳам кўриш мумкин.

ТАНҚИДЧИ. Мавзу, материал, персонажларнинг касб-кори халма-хил бўлишидан қатъий назар, жамики асарларингизни яхлит ҳолда инсон шаъни, қадри, эрки, масъулияти ҳақидаги баъс деб аташ мумкин. Баъзи асарларингизни тўғридан-тўғри «Қадрим», «Эрк» деб аталиши ҳам тасодифий эмас. Ҳар бир асарда инсон шаъни, эрки, бурчи масаласи қўйилади, шу масалаларга янги томондан ёндашилади, ҳодисанинг қандайдир янги қирралари очилади. «Одам ўзининг ғурури билан эркини байроқдай баланд тутиши керак» — «Қора кўзлар» персонажларидан бири айтган бу гапни барча асарларингизга эпиграф қилиб олиш мумкин. Дарҳақиқат, Сизнинг ижобий қаҳрамонларингиз инсонлик шаъни, ғурури, эркини байроқдек баланд тутадиган кишилар. Сизнинг талқинингизда инсонлик шаъни, ғурури, эрки топталган, камситилган онлар одам боласи учун энг оғир кўргилик, ададсиз руҳий қийноқ, балким фожиадир. Зотан, асарларингиздаги энг кучли драматик лавҳалар аксари худди шу — қаҳрамон шаъни, ғурури, эрки, туйғуси билан алоқадордир. «Уч илдиз»даги Очилнинг қалб драмасини эслайлик. Бу йигитнинг соф севгисига қўланка оралаган, Эшонбоевдек маккор шахс Замирани озғириб юрган кезлардаги ҳолати гасвири нақадар таъсирли чиққан! «Қора кўзлар»даги Жаннатойнинг янгроқ куйи Холбек томонидан узиб қўйилгандаги, Аваз билан Хулкар орасидаги чин инсоний муносабатларга жоҳил кимсалар раҳна солган дамлардаги изтироблар, аламлар ифодаси нақадар ҳаяжонли! «Қадрим» ва «Эрк»даги ўткир драмалар замирида аслида Искандар ва Ойшахонларнинг чин инсонлик шаънини англаш йўлидаги руҳий азоб-изтироблари ётади. Ўтмишдан олиб ёзилган «Юлдузли тунлар»да ҳам худди шу ҳол: асар бош қаҳрамони Бобур ўз қадр-қиммати ҳақида кўп ўйлайди, шафқатсиз, нотинч замон гирдоблари ичида қолиб инсонлик шаъни оёқ ости этилганида аламли изтироблар чекади... Бундай кезларда Сиз ўз қаҳрамонларингизга чин дилдан ҳамдард эканлигингиз шундоқ сезилиб туради... Тўғри, инсон қадри, эрки билан боғлиқ драмалар авваллари ҳам, шунингдек, Сизга замондош

– тенгдош ёзувчилар ижодида ҳам кўп марта қаламга олинган; бироқ бу масалани, хусусан, 60–70–йиллар адабиётида жуда кескин қўйилиши, жумладан, Сизнинг ижодингизда етакчи концепцияга айланиш сабаби нимада экан?

ЁЗУВЧИ. Ҳозир ўзингиз айтганингиздек, инсон қадри, эрки, шаъни билан боғлиқ драмалар адабиётнинг ҳамма даврларида, бошқа ўнлаб ёзувчиларнинг ижодларида учрайди. Чунки булар ҳам муҳаббат каби, адабиётнинг эскирмайдиган мангу мавзуларидандир. «Муҳаббат кўп эски нарсадир, лекин ҳар ёш юрак уни янгилайди» деган ҳикматли гапни ҳамма билади. Ҳар ёш юрак муҳаббатни шунинг учун янгилайдики, бу қудратли туйғуни ҳар ким ўзига хос бир тарзда бошдан кечиради, унинг дарди ҳам, қувончи ҳам, бахти ҳам, азоби ҳам бошқаларникига ўхшамайдиган бўлади. Инсон шаъни, қадри, эрки, бахти ҳам турли даврларда, турли авлодларда турли одамларда жуда хилма-хил, ҳатто бир-бирига тубдан ўхшамайдиган шакллар кашф этар экан.

Ўз ҳаётини тажрибамдан ҳам, мен мансуб бўлган катта бир авлоднинг бошидан кечаётган тарихий жараёнларда ҳам инсон бахти, камолоти, қадри, эрки, шаъни муаммолари аввалги даврларга нисбатан ниҳоятда улканлашиб, янгилашиб, шунақа бир муҳим ва долзарб аҳамият касб этдики, мен бу ҳақда ёзмасдан туролмай қолдим. Бу ахлоқий муаммолар бизнинг давримизда, хусусан, олтинчинчи, етмишинчи йилларда мисли кўрилмаган янгича йўсинда кун тартибига қўйилди, уларни ҳал қилишнинг янгича йўллари қидириш эса бизнинг ижодий изланишларимизга асос бўлди.

Тўғри, аввалги замонларда ҳам одамлар яхши ҳаёт кечиришга, камолот чўққиларига кўтарилишга, бахт-саодат йўлини топишга интилганлар. Лекин тинимсиз урушлар, миллий зулм, ижтимоий тенгсизлик, саводсизлик, қашшоқлик, қолоқлик, паранжи, «ичкари» каби юзлаб иллатлар инсонни исканжага олиб ётган даврларда унинг тўлақонли ҳаёт кечириши, бахт-саодат чўққиларига кўтарилиши учун тарихий шароит йўқ эди. У даврларда Руссодай, Лев Толстойдай улуг одамлар ўзларини ўзлари маънавий жиҳатдан камолотга етказишга ҳаракат қилар эдилар, лекин бошқа миллион-миллион қашшоқ, саводсиз, эзилган одамлар қорни нонга тўйса, усти бут бўлса, шунга қаноат қилишар, инсон шахсини ҳар жиҳатдан тараққий эттириб, энг юксак камолот чўққисига кўтариш каби муаммоларни «ушалмайдиган орзу» деб билишар эди.

Бу муаммоларни бундан элик-олтмиш йил олдин кун тартибига ҳозиргидай қилиб қўйиш қийин эди. Чунки инсон шахсини ҳар жиҳатдан тараққий эттиришга алоҳида эътибор бериш учун аввал бунга муносиб ижтимоий ва иқтисодий шароит яратиш керак эди. Ҳали мамлакатимизда мана шундай шароит етилмаган пайтларда алоҳида одамнинг шахсий машинаси бўлиши ёки хотин-қизларнинг олтин ва гавҳар тақинчоқлар тақиши янги жамият кишиси учун эриш кўринар эди. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши даврларида жуда кўп одамларга ўзларининг шахсий манфаатларини жамият, давлат манфаатлари йўлида қурбон қилишга тўғри келган эди. «Тақдирин қўл билан яратур одам» деган гапнинг қанчалик ҳақиқатини минг-минглаб одамларнинг ҳаёт йўллари тасдиқлаб турибди. Ташналик булоқ сувини кўрганда авжига чиқади. Шунга ўхшаб, одамларда ҳозир маънавий камолотга, бахт-саодатга, юксак қадр-қимматга, мукамал ҳаёт кечиришга интилиш секин-аста жонланиб борапти. Менинг бу муаммоларни кўп қаламга олишим — ўзимда ҳам ана шу маънавий юксакликларга бўлган эҳтиёж ва ташналикнинг зўрлигидан келиб чиқаётган бўлса керак.

Бу ердаги энг муҳим нуқта шуки, биз халқнинг бахту саодати учун курашни ўзимизнинг энг олий мақсадимиз деб биламиз. Халқ бахти эса алоҳида одамларнинг бахтидан гаркиб топади. Бутун боғни астойдил обод қилиш учун ундаги ҳар битта дарахтни алоҳида шохларигача гуллашиб-яшнатиш керак. Мана шу тарзда алоҳида инсон шахсига, унинг маънавий камолотига, қалбига, бахтига эътибор жамиятнинг диққат марказига кўчи, бизнинг ижодимизда ҳам ўзига яраша ўрин олади. Лекин бу муаммоларни ҳал қилишда алоҳида одамнинг ўзига юкланадиган масъулият ҳам ниҳоятда ошиб кетди. Чунки бахт-саодат, инсоний камолот чўққиларига биров бировни опичлаб олиб чиқолмаслиги ҳозир ҳар қачонгидан ҳам аниқ ва равшан бўлиб қолди. Кўп нарсага қодир ота-оналар ҳам ўз болаларига: «Биз сизлар учун тахт яратдик, лекин бахтни ўзларинг яратишларинг керак», дейдилар.. Чунки, бахт ва камолот осмонига ҳар ким ўз қаноти билан учиб чиқади. Қушлар бир-бирларига ҳар қанча меҳрибон бўлганларида ҳам, бари бир, уларнинг ҳар қайсиси фақат ўз қаноти билангина парвоз эта олади. Инсон шахси ҳар томонлама камол топгандагина унда маънавий парвозга ярайдиган қанотлар пайдо бўлади. Бундай қанотларни тайёр ҳолда мерос олиб бўлмайди, улар мукофотга ёки қарзга берилмайди,

уларни пулга сотиб олиш мумкин эмас. Улар фақат узоқ давом этган ўқиш, кураш, меҳнат ва маънавий такомил натижасидагина ичдан ўсиб етилади.... Мен ўз асарларим орқали кучим етганича айтмоқчи бўлаётган асосий ҳақиқат ана шу.

Албатта, ўзимга ўзим четдан қарай олмайман, лекин, менимча, инсон шаъни, қадри, эрки тўғрисида ёзганларим — мендаги мана шу эътиқоднинг алоҳида томонлари бўлса керак, дейман. Марказда эса (Сиз айтган бош концепция шаклида) инсон шахсини ҳар жиҳатдан камолга етказиш, унда узоқ парвозларга ярайдиган маънавий қанотларни ўстириб етилтириш, шу орқали бутун халқимизни ҳақиқий бахт-саодат ва юксак камолот чўққиларида кўриш истаклари турса керак.

ТАНҚИДЧИ. Менимча, асарда масала кўтаришдан кўра унинг талқини муҳимроқ. Инсон эрки, шаънини байроқдай баланд тутишга монелик қиладиган ички руҳий ҳамда ташқи омиллар бадий тадқиқ ва таҳлили бизни ҳаммадан кўра кўпроқ қизиқтиради. Сизнинг талқинингизда шахс эркининг кушандаси асосан эскича таомиллар, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, тобелик, мутелик, итоаткорлик психологиясидир. «Уч илди»у «Қалбдаги қуёш»дан тортиб, «Юлдузли тунлар»га қадар деярли ҳар бир асарингизда қандайдир йўсинда мутелик психологиясига қарши зўр нафрат, исён бор. Мутелик тушунчасининг Сизни бу қадар ҳаяжонга солиш, ўйлатиш сабабини билсак бўладими?

ЁЗУВЧИ. Мутелик, кўр-кўрона итоаткорлик, эски маънодаги мўминлик одамларимизнинг онгига асрлар давомида сингдирилган. Бир кеча қўлга боғлаб ётилган хинанинг ранги ҳафталар, ойлар давомида ювганингиз билан кетмайди.

Мутелик психологияси ҳам ана шундай қийинчилик билан йўқолиб бораётган бир иллатдир. Мен учун энг муҳими шуки, мутелик психологияси инсон шахсини камол топтириш йўлида машъум бир говга ўхшаб туради. Бундай одам худди мотори олиб қўйилган машинага ўхшаб, кимдир шатакка олмаса қимир этмай қотиб тураверади. Зулайхо Искандарга «Сиз бир жонсиз вагонга ўхшайсиз, биров паровоз бўлиб тортмагунча ўрнингиздан жилмайсиз!» дегани бежиз эмас. Холбуки, ҳар бир нормал одамни табиат ўз маънавий «мотори» билан бирга яратган. Гап ана шу моторни ишга туширишда, одамнинг инсонлик шахсини, мустақил фикрини, ғурурини уйғотишда. Тасаввур қилинг, ўз «мотори»ни ишга солиб, унинг кучи билан қанча маънавий

юксакликларни эгаллаши мумкин бўлган одам (дейлик, Ойшахон) мутелик психологияси туфайли ўзини хор қилиб, бошқа бир яхши одамни ҳам «шатакчи»га айлантириб, унинг қўлини боғлаб ўтирса, бунга лоқайд қараб туриб бўладими!

Лекин кўр-кўрона итоаткорлик, мутелик ва эскича қобил-мўминлик Ҳакимов, Давлатбеков, Исмат бобо каби амалпарастларга жуда қўл келади. Холбек отасига кўр-кўрона итоаткор бўлиб юрган кезларда унинг қутқуси билан Хулкарга ўқ отади. Авазни ярадор қилади, тоғдан тутиб келган кийигини шафқатсизларча бўғизлайди. Мутелик психологияси ёмон одамларнинг қўлида қандай хатарли қуролга айланиши мумкинлиги, айниқса, Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема»сида катта куч билан кўрсатилган. Ахир Ўрозкул деган даҳшатли одам гўзаллик ва яхшилик тимсоли бўлган Она буғуни кўр-кўрона итоатга, мутеликка ўрганган Мўминнинг қўли билан отиб ўлдиради-ку! Инсон шахсини унинг маънавиятини ичдан бўғиб, ўстирмайдиган, яхши одамларни «шатакчи»га айлантириб қийнайдиган, ёмон одамларнинг қўлида эса қурол бўлиб хизмат қиладиган кўр-кўрона итоаткорлик, мутелик психологиясига қарши бунчалик туғён билан асар ёзишимизнинг боиси ҳам ана шу.

ТАНҚИДЧИ. Сизнинг аввалги асарларингизда мутелик кайфиятидан ҳалос бўлиш, инсон эркини бўғадиган, эскича тушунчалар, жаҳолат илдиригидан муҳитдан чиқиш қаҳрамонлар учун нажот йўли тарзида талқин этилар, маданият қулф урган шаҳар муҳити, тенглик асосига қурилган оилавий турмуш гўё идеал ҳаёт тарзида берилар эди. «Уч илдири», «Қадрим», «Қора кўзлар», «Эрк»да шундай. Кейинги асарларингизда, масалан, «Мерос»даги Азлар оиласи муҳити тасвирида, бутун бошли «Олмос камар» романининг етакчи сюжет тўқимасида бошқача манзарага дуч келамиз. Энди бу ерда аввалги асарлар қаҳрамонлари учун ширин орзу идеал бўлиб туюлган шаҳар ҳаётининг, қолоқ тушунчалардан холи маданий оиланинг ҳам ўзига хос ички мураккабликлари, зиддиятлари очилади. Кўринадики, цивилизациядан йироқ чекка қишлоқлардагина эмас, маданият ўчоғи бўлмиш марказнинг ўзида ҳам одамларни қийнайдиган, уларнинг осойишта турмушига, камолотига тўсиқ бўладиган беҳисоб ғовлар, муаммолар мавжуд экан, «Уч илдири»даёқ Зокир – Фариди – Наримон муносабатлари орқали янгилик либосидаги инсон шаънини ерга урадиган бетайин тушунчаларга муносабат

билдирилган. эди. «Олмос камар»да, хусусан, Алибек образи талқинида бу масала хийла кескин қилиб қўйилган. Шунингдек, бу ерда ҳар жиҳатдан янгича қўринган Абзор билан Вазиранинг оилавий турмуши ҳам ички зиддиятларга тўла. Улар кўп ҳолларда бир-бирини тушунолмаётган азият чекадилар... Бу — ҳаётга чуқурроқ ёндашишнинг, асарларингизда реалистик принциплар чуқурлашиб бораётганлигининг бир аломати. Ахир сиртдан юзаки қараган одамгагина Абзор билан Вазир турмуши ҳар жиҳатдан беками қўст бўлиб кўриниши мумкин; улар севиб оила қуришган, иккиси ҳам тушунган, ўқимишли, маданиятли одамлар, ўғил-қизли, уй-жойли, сеvimли касб эгалари; гўё яшаш учун, бахтли ҳаёт учун ҳамма нарса муҳайё, лекин улар ҳаммаша ҳам ўзларини тўла бахтиёр ҳис этавермайдилар. Уларнинг оромини олган хилма-хил ташқи омиллардан ташқари улар табиатидаги тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган руҳий ҳолатларга эътиборни жалб этиб яхши қилгансиз. Демак, инсон шахси ниҳоятда мураккаб, янгича вазият, янгича муаммоларни келтириб чиқараверади; инсон шайни, эрки, бахтини сақлаб қолиш бу — бир умр давом этадиган, ҳар доим эътибор талаб қиладиган узлуксиз жараёндир.

ЁЗУВЧИ. Ҳақиқатан, камолотнинг чеки йўқ. Мен юқорида маънавий мукаммалликка ва тўлақонли ҳаётга астойдил интилувчи одамларнинг кўпайиб бораётганини айтганимда, улар кўзлаган мақсадларига осонгина эришяптилар, орзулари дарҳол рўёбга чиқяпти, демоқчи эмас эдим. «Кел, кун ўтса бўлди-да!» деб, ўз олдига каттароқ бир мақсад қўймасдан, сувга ўхшаб нуқул нишаб томонга қараб юрадиган одамларгагина яшаш осон туюлиши мумкин. Лекин одам мустақил ҳаёт йўлига кириб, ўз маънавий «мотори»ни ишга солиб, орзу қилинган юксакликка интилган сари унга тоғ йўлларида кўтарилиб боргандаги каби катта куч, бардош, чидам керак бўлаверади. Битта довонга кўтарилгандан кейин қарайсизки, олдинда яна ундан баландроқ довон турибди. Тирмашиб, ҳансираб, унисига ҳам чиқиб борсангиз, нарёқда, э-ҳе, бутун умрингизга етиб ортадиган, балки сиздан кейинги авлодларгина чиқиб бориши мумкин бўлган чексиз зўр маънавий юксакликлар турганини кўрасиз.

Маҳкам ва Очиллар учун энг муҳими — олий маълумот олиш, ўз сеvигилисига етишиш, халқига керакли одам бўлиш эди. Абзор билан Вазирада бу илдишлар аллақачон шаклланган, улар ҳаётдан ўз ўрнини, инсоний қадр-қимматини ҳам топган. Саттор ёки

Турсун Отажоновни қийнаган эрк ва маънавий мерос муаммоларини ҳам Аброрлар ўзлари учун ҳал қилишган. Демак, аввалги қаҳрамонлар интилган ҳамма довлардан булар аллақачон ошиб ўтишган. Фақат ёш ва иш жиҳатидангина эмас, ҳаётий тажриба жиҳатидан ҳам, маънавият жиҳатидан ҳам Аброр билан Вазира Маҳкам ва Гавҳарлардан анча илгари кетган, деб ўйлайман. Обрў-эътибор, уй-жой, машина, фарзандлар – ҳаммаси уларда бор, энди беташвиш, осуда ва бахтиёр ҳаёт кечиришгина қолгандай кўринади.

Агар улар ўзларига берилган имкониятларни ва эришган ютуқларни фақат шахсий роҳат-фароғатларига хизмат қилдирсалар эди, маза қилиб даврон суришдан бошқа ишлари бўлмас эди. Бутун гап шундаки, одам маънавий қамолот юксакликларига кўтарилгани сари, ундаги бурч, масъулият ҳисси ҳам ўсиб бораверади. Виждони бор самимий одамнинг энг қаттиққўл ҳаками — унинг ўзида, дилида бўлади. Аброр фақат ишдаги ўз вазифасинигина эмас, уйдаги оталик ёки фарзандлик, эрлик ёки қайнилик бурчини ҳам бажармагунча ана шу ички ҳакам унга тинчлик бермайди.

Бир вақтлар отани ўғилга қарши қўйиб, оилавий меҳру оқибатларни «қариндош-уруғчилик» деб нуқул қоралаш одатлари кўп учрар эди. Албатта, салбий маънодаги қариндош-уруғчиликка биз ҳозир ҳам қаршимиз. Лекин оталик ёки фарзандлик меҳри, ака-укаларнинг бир-бирига оқибати одамзод жамиятида минг йиллар давомида шаклланган ва унинг ҳаётини ичдан тутиб турган жуда улуг туйғулардир. Янги инсон бу туйғулардан воз кечмаслиги, аксинча, уларни янада равнақ эттириб бориши керак. Чунки, ахир, ота-она, ака-укалар ҳам халқ деб аталган уммоннинг томчилари эмасми? Халқ бахти учун курашар эканмиз, шу халқнинг ёнгинамизда турган вакиллари бизнинг ёрдамимизга, мададимизга муҳтож бўлганида нега улар учун жон куйдирмаслигимиз керак.

Қуш уясида кўрганини қилар, дейдилар. Уйида яқин одамлари учун жон койитиб ўрганган одам маҳалласида ҳам, ишхонада ҳам бошқаларга тезроқ ёрдамга етиб боради. Фақат “ўзим бўлай”, биров учун жон койитиш керак бўлса саратонда қўли совқотадиган, лекин фойда чиқадиган жойда лўлининг эшагини суғоришдан ҳам қайтмайдиган одамлар оз эмас. Маълум бир тоифа кишиларда бундай худпарастлик тобора газак олиб кетяпти. Эҳтимол, бошқаларга яхшилик қиламан деб, улар ўзларини ортиқ даражада қийнаб қўйгандай кўринишар. Лекин чинакам

яхши одам бўлиш ва бошқаларга астойдил яхшилик қилиш ҳеч вақт осон бўлган эмас. Бунинг учун баланд деворга юк кўтариб чиқаётгандаги каби ҳар қадамда жон койитиш, бор кучларини сафарбар қилиш, энтикиб, ҳансирашларга матонат билан бардош беришга тўғри келади. Бунинг учун белни доим бақувват тутадиган маънавий камолот камари керак бўлади.

ТАНҚИДЧИ. Худди шу ҳаётий ҳақиқат ва зарурат тақозоси бўлса керак. Сизнинг қаҳрамонларингиз талқинида инсонлик шаъни, ғурури, бурчи туйғуси муҳим ўрин тутайди, балким бу туйғу бора-бора Сизда олдинги ўринга ўтиб борапти. Асарларингиздаги эрк билан бурч туйғуси талқинида муҳим ички боғлиқлик билан бирга маълум зиддиятлар ҳам мавжудлигини пайқаш қийин эмас. “Эрк”даги мутелик, тобелик, итоаткорликка қарши, боя айтилганидек, зўр исён бор, айти пайтда, Сатторнинг ўз майлига, бинобарин, эркига зид бориб Ойшахонга мадад қўлини чўзиши катта хайрихоҳлик билан қаламга олинган. “Юлдузди тунлар”да бошда Хонзода бегим кўнгли чопмаган одам билан турмуш қуришга қарши туғён кўтаради. Бобур эса уни бу борада қаттиқ ҳимоя этади. Нарироқ бориб Хонзода бегим вазият тақозосига кўра Бобурни асраб қолиш ниятида онгли равишда аввалгисидан юз чандон оғир кўргиликка ўзини мубтало этади – ашаддий рақиб Шайбонийхон шартига розилик билдиради, унинг никоҳига ўтади... Бу ерда энди қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати катта жасорат тарзида берилади.

Ёзувчи учун энг қийини мана шундай мураккаб, зиддиятли, мушкул вазиятларни, персонажларнинг ўша топдаги руҳиятини ифодалаш бўлса керак. “Эрк”да-ку Сатторнинг мушкул вазиятдаги руҳий изтироблари анча дуруст берилган, лекин, афсуски, “Юлдузди тунлар”да биз ўз қадрини, шаънини ниҳоятда баланд тутадиган бу аломат қизнинг бу қадар оғир кўргиликларни бўйнига олиши унинг учун қанчалар қимматга тушганлигини етарли ҳис этолмаймиз, шу мушкул вазиятдаги қиз ҳолати бевосита тасвир этилмайди, кейинроқ берилган бу хусусдаги маълумотлар эса вазиятни жонли, бутун драматизми билан гавдалантиришга қодир эмасдай кўринади.

ЁЗУВЧИ. Бурч тўғрисида юқорида гаплашдик. Энди Хонзода бегимнинг хон ҳарамида бошдан кечирган кўргиликларини нега бутун драматизми билан гавдалантирилмаганлигига келсак, менга бу унчалик зарур туюлмаган эди. Чунки Хонзода бегим

бош қахрамон эмас. Хон ҳарами ҳам алоҳида бир олам. Унинг тасвирига алоҳида боб ёки сюжет чизиги ажратсам, нарёқда бош қахрамон қолиб кетади. Мен Хонзода бегим тақдирининг фақат Бобур тақдири билан чатишган нуқталаринигина батафсил кўрсатиш имконига эгаман, бошқасини роман композицияси кўтармайди, деган фикрда эдим.

Хонзода бегим хон ҳарамида ўн йил жаҳаннам азобида яшагани айтилган жойда унинг ёнида тўққиз яшар ўғилчаси Хуррамшоҳ бўлади. Тутқунликда тўкилган аччиқ кўз ёшлар дарёсининг тубидан топилган бу гавҳар Хонзода бегимнинг ўша жаҳаннам азобини ҳам тирик бир асарга айлантириб чиқа олган ажойиб инсон эканини кўрсатмайдими? Шайбонийхоннинг ўғли бўлган Хуррамшоҳда опасининг фазилатлари ҳам бор эканлигини сезган Бобур ўз жиянига тутун аралаш оловдек мураккаб бир илиқлик билан қарагани бежиз эмас. Бу бола онасига ниҳоятда қимматга тушган. Хонзода бегим ўғлини яна қандайдир номаълум хавф-хатар ўз гирдобига тортмоқчи бўлаётганини сезиб, изтироб ва таҳлика ичида яшайди. Бечора она хон ҳарамида бошдан кечирган кўргиликларининг даҳшатли бир давоми борлигини олдиндан сезгандай бўлади. Хуррамшоҳ ўн бир ёшга кирганда шафқатсиз замоннинг энг ёвуз кучлари Бобурга шунчалик масъум бир садоқат билан ўсаётган ўспиринни онасининг кўзи олдида фожиона ҳалок этади. Мана бу ҳодисадаги драматизмни бор куч билан гавдалантириш мен учун зарурроқ ва муҳимроқ туюлди.

ТАНҚИДЧИ. Эътиборингизни бошқа бир муаммога тортмоқчиман. Адабиётнинг миллийлиги мазкур адабиётга мансуб бўлган халқ турмушининг ўзига хос томонлари, муаммолари билан ҳам белгиланали. Айтайлик, айни «Қора кўзлар», «Эрк» ёки «Олмос камар» қахрамонларини қийнаган муаммолар, улар бошига кулфатлар келтирган одат-таомиллар бошқа халқлар, масалан, руслар ёки латишлар ҳаётида учрамаслиги мумкин. Халқ турмушининг шу хил жиҳатларини четлаб ўтиш, табиийки, ҳаётдан ажралиб қолишга олиб боради: айни пайтда, халқ ҳаётининг шу хил ўзига хос муаммолари, икир-чикирлари билан ўраллашиб қолиш ёзувчини умуминсоний юксакликка кўтарилишига монелик қилиб қолиш хавфини ҳам туғдиради. Шахсан Сиз миллий турмуш тарзи жуда кенг батафсил таҳлил этилган «Қора кўзлар», «Эрк», «Олмос камар» асарлари устида ишлаётганда шу хил мушкулотни ҳис этганмисиз?

ЕЗУВЧИ. Бу мушкулотни китобларим рус тилига таржима бўлаётган пайтларда кўпроқ ҳис қиламан. Чунки бизни она тилимизда ўқийдиган китобхон билан ҳаётимизни ўзимизчалик ичдан билмайдиган китобхон орасида анчагина ўзгачаликлар мавжуд. Шу сабабли маълум бир миллий муҳитда яшайдиган одамга муҳим ва долзарб туялган муаммолар бошқа миллий шароитда шаклланган одамга у қадар яхши етиб бормаслиги мумкин. Буни ҳисобга олган ҳолда асарларимиз рус тилига таржима бўлаётган пайтда уни бошқа миллат китобхонига ҳам етиб борадиган даражага етказиш учун баъзи бир қўшимча меҳнатлардан қочмаслигимиз керак. Хусусан, асар ёзилмасдан олдин, уни ўйлаш, ҳаёлда пишитиш жараёнида умумжаҳон адабиётининг талабларига ҳам жавоб берадиган энг ёрқин, энг кучли инсоний тақдирлар ва характерларни топишга интилишимиз керак. Айни вақтда, асарларимизни она тилимизда ўқийдиган китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжларини писанд қилмасдан, уларнинг устидан сакраб ўтиб кетмоқчи бўлсак, ўз бурчимизга хилоф иш қилган бўламиз. Чунки биз ўз халқимизнинг адабий-бадиий тараққиёти ва камолоти учун жавобгар кишилармиз. Бу борада ўзимиз қилишимиз керак бўлган ишни бошқа халқларнинг ёзувчилари зиммасига юклай олмаймиз. Умуман, ўз халқи олдидаги фарзандлик бурчини яхши бажаролмаган одам бошқа халқлар олдидаги байналминал бурчини ҳам яхши адо этолмайди. Ўз қадрини билган одамгина ўзгаларни ҳам астойдил қадрлай олади.

ТАНҚИДЧИ. Маълумки, ўтган аср бошларида яратилган илк реалистик проза ва драма намуналарида қолюқ одатлар кескин қораланар, шуҳрат, бемаъни тўй-ҳашамлар деб ўзини қурбон этган кимсалар қисмаги алам билан ифода этилар эди. Шу хил мотив кейинги пайтларда ўзгача кўринишда, албатта, тўё қайта жонлан-япти. Адабиётимизда ғоят бой реалистик тажрибалар тўпланган бир паллада илк босқичга қайтиш, қолюқ одат-у, тўй драмаси, фожиасини кўрсатиш билан машғул бўлиш («Қора кўзлар»даги Мадаминжон қиссаси, «Олмос камар»даги Аъзам ота қисмати, «Чоғқол йўлбарси»даги олим Музаффаров ўғлининг қилмиши, Ў.Ҳошимовнинг «Кўёш торозиси» ҳикоясини, яна бир қатор асарларни назарда тутяпман) ғалати ҳодиса. Буни Сиз қандай изоҳлайсиз?

ЕЗУВЧИ. Назаримда, Мадаминжон бошига тушган кўргилик ҳам, Аъзам отанинг қисмати ҳам фақат қолюқ одат фожиаси-ю, тўй драмасидан иборат эмас. Эсингизда бўлса, Мадаминжоннинг

хотини Маъсуда колхозда кетмончи бўлиб ишлайди, мавсумда беш-олти тонна пахта териб, мукофотлар олади. Ҳаётнинг талаби бешад зўр, унга бир одамнинг кучи тўлиқ кетади. Бунинг устига яна уйда тиним йўқ. Маъсуда «хўра» бўлишдан кўрқиб дуруст овқатланмайди, «курортга борган аёл ҳаёсини йўқотармиш» деб дам олмайди. Шу тарзда камқон бўлиб, дармони кетиб юрганининг устига ҳалиги тўй даҳмазаси қўшилади-ю, фожиага олиб келади. Аъзам ота эса Тошкентни қайта қуриш натижасида ҳовлисида ажралиб, янги жойга участка қуради. Урбанизациянинг суръати зўр, янгича талаблар шу қадар каттаки, уларга жавоб бериш учун одам бутун кучини сарфлаб қўяди. Эскича урф-одатларнинг юкини кўтариш эса соғлиқ ва асаб ҳисобига бўлади. Янгича урф-одатлар аралашиб, ташвишни бир неча баробар ошириб юбораётганидан нолиб юрган одамлар ўзимизнинг зиёлилар даврасида ҳам оз эмас. Турмуш маданияти маъмурчиликдан орқада қолаётган жойларда тўқликдан ҳар хил шўхликлар чиқаётгани, хўжа кўрсинга иш қилиб ўрганган шухратпараст одамлар тўйларда ҳам турли бидъатларни авж олдираётгани, яна, бунинг устига, эски замонда оддий меҳнаткаш халқ орасида кам тарқалган ичкиликбозликлар қўшилаётгани ўзингизга маълум. Кўринишдан энг замонавий одам бўлган, кабинетда қатор-қатор телефонлар турадиган Шерзод Баҳромов жиянининг тўйини обрў орттиришнинг янги бир воситасига айлантirmoқчи бўлади. Қўшсурнай, қўшноғора деб, Аъзам отани Шерзод шунчалик шифқатсизларча югуртиради. Ишда ҳам, ижодда ҳам мис устига зар қоплаб, уни олтин ўрнига ўтказиб ўрганган бунақа қаллоб одамлар бугунги илмий-техника инқилоби, ҳозирги тўқчилик ва маъмурчилик бераётган янги имкониятларни ҳам эски урф-одатлар тегирмонига қуйиб, шу йўл билан обрў-эътибор қозонишга интилмоқдалар. Менимча, адабиётимизнинг олдинги давларида масала бу тарзда қўйилган эмас эди.

ТАНҚИДЧИ. Нима бўлганда ҳам, булар анъаналар билан қандайдир даражада алоқадор. Чунончи, Мирмуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси» романи қаҳрамони Музаффаров ўғлининг ноҳўя қилмишлари туфайли изтиробга тушганида неча бор «Паларкуш» асарини эслайдик, бу тасодикий бўлмаса керак... Энди бошқа бир муҳим масалага ўтсак.

Шундай ёзувчилар борки, уларни маиший ҳаёт, ишлаб чиқариш икир-чикирлари унчалик қизиқтирмайди, улар кўпроқ кундалик турмушдан, икир-чикирларидан баландроқ туриш, тасаввур,

фантазия билан иш кўриш, ҳаётнинг, инсон кечинмаларининг кўтаринки, олий нуқталарини ифода этиш йўлидан борадилар. Уларни биз романтик услубга мансуб ёзувчилар деб ҳам атаемиз. Яна шундай адиблар борки, улар маиший ҳаёт, меҳнат икир-чикирларини бутун тафсилотлари билан кўрсатишга, энг кичик ҳаётий деталларни ҳам эътибордан соқит қилмасликка, турмуш деталларининг аниқ, ҳаққоний, ҳаётий бўлишига интиладилар. Ҳаётий улар тафсилотлар, деталлар тили билан сўзлайдилар. Бу хил ёзувчиларни услубдаги изчил реалистлар деб юритамиз. Баъзан мунозараларда бу икки услубий йўналишни бир-бирига зид қўйиш, чунончи, изчил реалистик услубни «эскирган»га чиқариш, уни «зерикарли» деб аташ, имкониятларини торайтириб кўрсатиш, изчил реалистларни эмпиризмда, натурализмда айблаш ҳолларига ҳам дуч келиб турибмиз... Сизни кейинги услубий йўналишга мансуб этиш мумкин. Шу йўналишнинг бир вакили сифатида мавжуд баҳсларга, изчил реализмнинг имкониятлари, истиқболи масаласига қандай қарайсиз?

ЁЗУВЧИ. Баъзи мунаққидларимиз ўзларини салобатли олим қилиб кўрсатгилари келганда янги асарга «эмпиризм», «натурализм» деган айбларни тақаб танқид қиладилар. Хусусан, номи чиққанроқ ёзувчининг янги асарини оддий одам тезда тушунолмайдиган «изм»лар қалтаги билан урса, ҳамма уни «билимига яраша, журъати ҳам зўр экан!» деб мақтайдигандек бўлади. Аслида, кўпчилик бунинг жўн, арзон бир обрўпарастлик эканини сезиб туради.

Реализм тўғрисидаги Сизнинг гапларингизга келсак, бу менга 1978 йили «Литературная газета» саҳифаларида «Миф ва реалик» деган мавзуда бўлиб ўтган қизғин мунозараларни эслатади. Уша мунозара пайтида ҳам реализмнинг романтизм билан, ҳатто эртақ ва миф билан чатишган нуқталари тўғрисида сўз кетди. Гап шундаки, романтик тасвирга мойил реалистларда ҳам (дейлик, Чингиз Айтматовда) жуда кучли бир изчиллик бор. Сиз «изчил реалист» деб атаган ёзувчилардан бири мен бўлсам, гапни турмуш икир-чикирларидан бошлаган асарларимда ҳам доим инсон руҳи ва кечинмаларининг мен билган энг олий, энг юксак нуқталаригача чиқиб боришга ҳаракат қиламан. Инсоний камолот ва бахт-саодатга интилишнинг ўзи илгари замонларда кўпроқ романтик ёзувчиларда учрар, изчил реалистлар эса инсоннинг ҳар жиҳатдан камол топишини амалга оширмайдиган бир утопия деб билишар эди. Ҳозир ҳам шунақа реалистлар оз эмас.

Хуллас, реализмни ҳар хил бўлакларга бўлиб чиқиш ҳайқириб оқиб ўтаётган улкан дарёни парчалаб, турли йўналишларга бўлиб юборишдай гап. Бу дарёда умумий оқимга қарши бораётгандек кўринувчи тўлқинлар, гирдоблар учраши мумкин. Лекин синчиклаб қарасангиз, ўша гирдоблар ҳам айланиб-айланиб, яна дарёнинг умумий йўналишига қараб кетаётганини кўрасиз.

Оддий қилиб айтганда, реализм — чин ҳақиқатни ёзиш керак, деган бир эътиқод. Айни вақтда, реализм — ҳақиқатни излаб топиш ва тўлиқ ҳамда ибратли қилиб кўрсатишнинг энг етук методи. Метод ҳам, эътиқод ҳам ёзувчида бўлади. Шунинг учун реализм масаласини доим ёзувчининг ижодхонаси, ҳаёти ва таланти орқали тадқиқ қилиш керак. Реализм — адабий жараёндир. Ҳар қандай адабий жараён эса алоҳида ёзувчиларнинг ижод тажрибасидан таркиб топади. Бироқ кўп олимларимиз реализмни муайян ёзувчиларнинг ижод тажрибаларидан узиб олиб, мавҳум бир тарзда умумназарий йўсинда тадқиқ қилмоқчи бўладилар. Бу эса кутилган натижани бермайди, кейин ҳадеб мунозара чиқаверади.

Реализмни улуғ бир дарё, дедик. Биз одатдаги дарёдан каналларга, ариқларга сув оламиз, унинг обиҳаётини ҳар бир эгатга, ҳар бир ўсимликнинг тагига олиб борамиз. Бу обиҳаётдан бир жойда гул ўсса, иккинчи жойда мевали дарахт, учинчи жойда яна бошқа керакли гиёҳ ўсади. Битта дарёнинг сувини ичган дарахтлар ва гиёҳлар қанчалик хилма-хил бўлсалар, ягона реализм дарёсидан баҳраманд бўлган турли-туман талантларнинг берган адабий маҳсулотлари ҳам ўшанчалик хилма-хилдир.

Биз бу хилма-хилликнинг сабабини фақатгина ўсимликлар ичган сувнинг таркибидан изламаймиз. Чунки тупроқнинг таркиби ҳам, ўсимликнинг ички генетик хусусиятлари ҳам — барчаси биргаликда ўша хилма-хилликни келтириб чиқарали. Шунга ўхшаб, турли реалист ёзувчиларнинг ижодларидаги хилма-хиллик адабий жараённи ўрганиш орқали эгалланадиган реалистик эътиқодлар, услублардагина эмас, балки мазкур ёзувчидаги талантининг ўзига хослигидан ҳам, у яшаб турган ҳаётдан ҳам, давр куёши берган ҳароратдан ҳам келиб чиқади.

Адабий талант — ҳақиқатни очишга хизмат қилувчи бир қурол, восита. Шунинг учун ҳар бир катта талант реализмнинг ҳақиқатни чуқурроқ очишга хизмат қилувчи қуроллари ва воситалари сафини кенгайтиради. Шу маънода ҳар бир катта истеъдод реализм дарёсига бирон томчи янгилик қўшади. Бу томчи таркибида шу талантнинг

ўзига хос ҳиди ва уни естиштирган заминнинг такрорланмас хусусиятлари бўлмай иложи йўқ. Китобхонларни ҳам ҳар бир гулнинг ўзгача ҳиди ва турли халқларнинг такрорланмас маънавий тажрибалари кўпроқ қизиқтиради. Олимларимиз реализм масаласига мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб ёндашганларидагина кутилган натижа келиб чиқади, деб ўйлайман.

ТАНҚИДЧИ. Реализм муайян метод, жараён бўлса-да, унинг бағрида бир-биридан ажралиб турадиган икки етакчи услубий оқим – кўтаринки романтик ва изчил реалистик оқим мавжуд экани аён. Энди, жумладан, Сизнинг ижодингизга нисбат берилаётган изчил реализмга келсак, уни натурализм ва эмпиризмдан фарқ қилиш керак. Чуқур эстетик маъно ташийдиган, ҳаёт ҳақиқатини, ички қонуниятини, моҳиятини очиб берадиган батафсил тасвир – бу реалистик тасвир демакдир. «Мерос»да пахтакор меҳнатининг машаққатлари ипидан-игнасигача кўрсатилади, лекин бу ҳеч кимни зериктирмайди, балки китобхонни ҳаяжонга солади, ўйлашга ундайди, меҳнат аҳлига, заҳматкаш деҳқон зотига ҳурмат ва ҳамдарддигимизни оширади, қишлоқларга дадил кириб бораётган фан-техника воситаларининг, деҳқонни оғир меҳнатдан ҳалос этишга қаратилган тadbирларнинг гуманистик моҳиятини юракдан ҳис этишга имкон беради. «Олмос камар»да инсоннинг вақтини оладиган, беҳуда оворагарчиликларга, ташвишларга соладиган тўю ҳашаматлар, қолоқ гаомиллар бутун икир-чикирлари билан кўрсатилган экан, унда ҳам маълум маъно бор... Лекин очик айтай, «Олмос камар»нинг баъзи ўринларида чуқур маъно ташимайдиган икир-чикирлар тасвири ҳам учрайди. Болани ит қопиши, кампирни операцияга ётқишиш тафсилотлари, шаҳар архитектурасига доир машмашаларнинг изчил, батафсил ифодаси ўқувчини бир оз толиқтиради.

ЁЗУВЧИ. «Олмос камар» русчага сатрма-сатр таржима бўлгандан кейин, уни бадиий таржимага гайёрлаш учун яна бир қўлга олдим. Шунда романнинг баъзи нуқсонлари ўзимга ҳам аниқроқ кўрина бошлади. Келгуси нашрларда мен унга айрим таҳририй ўзгаришлар, қисқартиш ва қўшимчалар киритмоқчиман. Албатта, бу ҳаммаси роман орқали айтмоқчи бўлган фикрларимдан воз кечиш эмас, аксинча, уларни янада яхшироқ очишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

ТАНҚИДЧИ. Изчил реалистик услуб тасвир объектини жуда чуқур билишни, бевосита кўриш, кузатишни, ниҳоятда

хушёрликни тақозо этади. «Уч илдиз», «Қора кўзлар» каби асарлар устида ишлаш Сиз учун у қадар қийин кечмаган бўлса керак. Чунки собиқ студент сифатида «Уч илдиз»даги талабалар ҳаёти барча тафсилотлари билан Сизга таниш; тоғдаги чорвадор қишлоқда туғилиб вояга етганингиз учун ҳам «Қора кўзлар»даги тоғликларнинг турмуши, урф-одатлари, чорвадор меҳнати беш қўлдек Сизга аён. «Қадрим»даги газчилар, «Эрк»даги, «Олмос камар»даги архитекторлар, бинокорлар меҳнати эса Сиз учун бегонароқ. Аммо бу асарлардаги меҳнатга, қаҳрамонларнинг касбига оид кечинмалари ифодаси «Уч илдиз» ёки «Қора кўзлар»дагидан асло қолишмайди. Бунга қандай эришилган?

ЁЗУВЧИ. Янги асар қаҳрамонлари қандай излаб топилишига юқорида тўхталган эдик. Қаҳрамонлар топилгандан сўнг улар ишлаётган жойга бориб, ҳаётларини яқиндан ўрганиш унча қийин эмас. Мен «Қадрим»даги ўша машҳур ёнгин бўлган жойга борганман, ўша баланд темир вишкага қўрқа-писа кўтарилиб тушганман. Янги Тошкентга оид воқеалар эса сўнгги ўн-ўн икки йил ичида бизнинг кўз ўнгимизда содир бўлди. Масаланинг ўзим билмайдиган томонларини турли-туман ташкилотларга бориб ўргандим. Кейин ўн йил ичида Тошкентда мен бормаган лойиҳа ташкилоти, мен гаплашмаган машҳур архитектор кам қолган бўлса керак. Баъзи бир лойиҳачи ва меъморларнинг уйларига борганман, айримларини уйга чақириб, обу ош қилиб суҳбатини олганман. Лекин бу ҳаммаси асарни ёзиш пайтида енгиб ўтиладиган қийинчиликларнинг ўндан бирича ҳам келмайди.

ТАНҚИДЧИ. Сизнинг тарихий романга мавзу қилиб Бобур ҳаётини танлашингиз ҳам тасодифий бўлмаса керак. Сизнинг шахсий, услубий манерангиз, қолаверса, студентликда олган тарихчилик ихтисосингиз худди шундай мавзунини тақозо этади. Гап шундаки. Бобур ҳаётига оид ҳужжатлар яхши сақланган. Аввало. Бобур даврининг, саргузаштларини бутун икки-чикирларигача гавдалантирувчи «Бобурнома»дек ноёб хазина бор. Мен аминманки, шу хил мукамал, аниқ, ишончли ҳужжатлар бўлмаганида тарихий романга қўл уришингиз, тасаввур-у-фантазияга таянибгина йирик асар яратишингиз қийин эди.

ЁЗУВЧИ. «Бобурнома» ҳақида менинг фикрим қанчалик баланд экани, бу асарни мен Навоийнинг «Ҳамса»сидан кейинги энг улуғ классик асаримиз деб билишим романдан

маълум. Замонавий асар ёзганимда бугун кўз олдимда турган ҳаёт менга қанчалик кўп нарса берган бўлса, тарихий асар ёзганимда «Бобурнома», қисман, «Ҳумоюннома» ҳам менга шунчалик кўп нарса берди.

ТАНҚИДЧИ. Мен бу билан «Юлдузли тунлар» тасвири фантазиядан тамомила холи демоқчи эмасман. «Бобурнома»да ёки бошқа адабий-тарихий манбаларда бир-икки ўриндагина йилт этиб кўринган деталлар, ахборотлар бу ерда тасаввур кучи билан ёрқин картиналарга, муҳим эстетик маъно ташувчи жонли образга — тирик одамларга айланади. Ойша, Хонзода бегим ҳақида шунини айтиш мумкин. Тоҳир, Робия, Фазлиддин сингари персонажлар тўқима бўлса керак, чунки менга таниш манбаларда бу хил тарихий шахслар номи учрамайди. Хонзода бегим билан Фазлиддин орасидаги жавобсиз севги мулоқотлари ҳам тасаввурингиз маҳсули бўлса керак... Умуман, романда аниқ ҳужжатлар билан фантазия, тасаввур нисбати хусусида нима дер эдингиз? Ҳар ҳолда оқибат-натижада, романда тасаввурга, ҳаёлга кўра ҳужжатларнинг салмоғи ортиқроқ экани аниқ.

ЁЗУВЧИ. Романдаги тарихий ҳужжатлар билан тасаввур, фантазиянинг нисбати менинг замонавий асарларимдаги бугунги ҳаёт ва унинг тасвири орасидаги нисбатдан унча кўп фарқ қилмайди. Фақат ташқаридан қарагандагина романда ёзувчи тасаввури ва фантазиясидан кўра ҳужжатларнинг ўрни, салмоғи ошиқроқ туюлади. Лекин аслида ундай эмаслигини кўрсатадиган бир-икки мисол келтирай.

Бобур ўз отасининг каптархона билан бирга жардан йиқилиб ҳалок бўлганини фақат қисқа бир жумлада ёзиб кетган. Одам жардан йиқилиши мумкин. Лекин каптархона, яъни бино нега йиқилади? Буни аниқроқ тасаввур қилиш учун мен Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманига бориб, эски Ахсикент гурган ўша тепаликни кўрдим. Ҳали ҳам бир неча терак бўйи келадиган баланд жар тагидан дарё оқиб турибди. Бу ердан каптарлар осмонга яхши учган бўлса керак. Лекин подшо одам оғир уруш пайтида каптархонада нима иш қилиши мумкин? У пайтда ҳозирги алоқа воситалари бўлмаган. Отлиқ чопарлардан хабар келавермаган. Умаршайх мирзо қанотли чопарини ишга солимоқчи бўлган, каптарни ўзи учиргиси келган. Жар тагини эса дарё смираиб қўйган... Мана шу тарзда, бир неча сатрлик тарихий факт фикр ва фантазиянинг ёрдами билан юзлаб сатрлардан иборат бобга айланди.

Кувада кўприк синиб кетиб, Самарқанд қўшинининг катта талофот кўргани ҳам «Бобурнома» да бир неча сатрлик маълумот тарзида айтилган. Бу ҳодисанинг сабаблари эса кўрсатилмаган. Аммо урушдан безган оддий халқ вакиллари ҳам ёвга қарши бирон чора излаган бўлиши керак. Мана шу тахмин билан Тоҳир ва унинг жўралари кўрсатган жасорат ўйлаб топилди. Бу ердаги бир неча сатрлик тарихий факт ҳам бутун бир бобга айланди.

Сиз Тоҳирни тўқима образ дедингиз. Лекин унинг ҳам тарихий асоси бор. Бобур мирзо умрининг охирида тожу тахтдан воз кечмоқчи бўлади, бир гўшада Тоҳир офтобачи билан бирга турмоқчи эканини айтади. Бобурдай улкан сиймо бутун сарой аҳлидан кўра битта офтобачини ўзига яқинроқ олган бўлса, демак, Тоҳир унга жуда кўп яхшиликлар қилган, ниҳоятда қадрдон бўлиб қолган... Биргина жумлада айтилган мана шу факт ёрдамида Тоҳирнинг бутун таржимаи ҳолини ўзимча тасаввур қилиб топдим.

Рассомлар қадимги замонлардан қолган суякларга қараб, уларнинг этини ўзларича тасаввур этиб, ҳақиқатга тўғри келадиган расмлар чизадилар. Мен ҳам асосан мана шу йўлдан бордим. Аслига содиқлик жиҳатидан романда тарихий ҳужжатларнинг аҳамияти жуда катта. Лекин тирик вужудда суякдан кўра эт оғирроқ бўлишини биласиз. Шунга ўхшаб, бу романда ҳам фактдан кўра тасаввур маҳсулининг салмоғи ортиқроқ деб ўйлайман.

ТАНҚИДЧИ. Менинг назаримда, «Юлдузли тунлар»да тарихий фактлар, материаллар юки оғирлик қилиб кетгандай туюлади. Ахир романда салкам қирқ йиллик воқеалар қамраб олинган; юзга яқин персонаж — тарихий ёки ҳаётда ўтган шахслар, тўқима персонажлар гавдалантирилган, асарда ифодаланган географик ҳудуд ҳам ниҳоятда кенг — ҳодисалар Аҳси Кўрғонида, Андижонда бошланиб бутун водий, бу ёғи Тошкент, у ёғи Ҳисор тоғлари, Афғонистон бўйлаб Ҳиндистонда интиҳосига етади. Қанчадан-қанча тарихий воқеалар, жангу жадаллар қаламга олинади. Буларнинг ҳаммасини бир романга жо этиш ниҳоятда мушкул экани аён. Шундан бўлса керак, кўп ўринда тасвир суръати тезлашиб кетади, баъзан жонли картиналар ўрнини ахборотлар эгаллайди...

ЁЗУВЧИ. Қуруқ ахборотга мен ҳам қаршиман. Бадиийликдан бутунлай маҳрум бўлган ахборотни романга йўлатмасликка ҳаракат қилганман. Лекин эпик кўламдаги катта асарда тарихий воқеаларнинг ҳаммасини фақатгина жонли тасвирда бериб

бўлмайди. Бу ўринда танқидчиларимиз эпик асарни лирик ёки лиро-драматик турларнинг тури билан ўлчамасликлари керак. Лирик қисса ёки шеърда «Уруш ва тинчлик»даги каби тарихий-фалсафий муқаддималарни, хотималарни, мунозараларни бериб бўлмайди. Лекин «Тинч Дон»да ўта ёрқин жонли картиналар билан бирга тарихий воқеаларнинг эссе шаклидаги ёки публицистика тарзидаги қисқача ифодалари ҳам учрайдики, эпик жанрнинг табиати бунга тақозо қилади.

Яқинда Константин Симоновнинг «Дружба народов» журналида босилиб чиққан эсдаликларида шу масалага оид ибратли бир мунозара келтирилган. К. Фединнинг «Мислсиз саратон» романида «Ҳарбий саҳналарга муқаддима» деган публицистик боби бор. К. Симонов «Новый мир» журналида муҳаррир бўлган кезларида романнинг ана шу бобини маъқул кўрмайди. «Бу ердаги воқеалар ҳам жонли картиналарда берилиши керак» дейди. Аммо К. Федин унинг фикрига қўшилмайди. Орадан ўн беш йилча ўтгач, К.Симонов ўзининг «Қуролдошлар» романини ёзганда Узоқ Шарқда, Ҳалкинголда бўлиб ўтган тарихий воқеаларнинг ҳаммасини жонли картиналарда батафсил тасвирлаб бўлмаслигини сезиб, у ер-бу ерида эссе шаклидаги қисқача хроника ва маълумотлар беради. «Қуролдошлар»нинг қўлёзмасини ўқиган К. Федин К. Симоновга ёзган хатида шундай дейди: «Мана энди ўзингиз ҳам ишонибсизки, катта тарихий воқеаларни фақатгина жонли образлар воситаси билан очиш мумкин эмас (ва керак эмас)... Баъзи ҳолларда прозани публицистикасиз бериб бўлмайди» («Дружба народов», 1979, № 1, 155-бет).

Чиндан ҳам, агар дейлик, «Ўткан кунлар»нинг хотимасидаги қисқача маълумот — Ёдгорбекнинг бир ўғли қандай қилиб инқилоб томонига ўтгани, иккинчиси қандай қилиб босмачиларга қўшилгани жонли картиналарда, «тасвир суръати тезлашмаган ҳолда» кўрсатиладиган бўлса, бунга яна битта романнинг майдони керак бўларди. Аслида эса бунинг ҳолати йўқ эди.

Ўзингиз айтганингиздек, «Юлдузли тунлар»нинг воқеаси салкам қирқ йил давомида, учта катта мамлакатнинг майдонида, беш-олтита давлатлар доирасида бўлиб ўтади. Янги-янги давлатлар ва сулоалаларнинг пайдо бўлиши, эскиларининг инқирозга учраб, тарих саҳнасидан тушиши — буларнинг ҳаммаси қамраб олинмаса, романда мен кўзлаган мақсад амалга ошмас эди. Лекин қамраб олинган шундай улкан, шунчалик хилма-хил воқеалар

ва тақдирларнинг ҳаммаси бошдан-оёқ фақат жонли картиналарда тасвирланадиган бўлса, бу беш-олти жилдга ҳам сиғмай кетарди. Бу ерда гап фақат ҳажмда эмас. Гап эпик жанрнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишда. Албатта, эпик асардаги хотима ва публицистик талқинлар ҳам ҳароратли тил билан бадийлик қонунлари асосида ёзилиши керак. Лекин шунда ҳам бу — Сиз истагандек жонли картина бўлолмайди.

Боя факт билан тасаввурнинг нисбатини эт билан суякнинг муносабатига ўхшатган эдик. Тирик вужуднинг бемалол ҳаракатланиши учун тизза ва тирсакка ўхшаш жойларда суяк бўртиброқ туради. Эпик асарда айрим тарихий воқеалар публицистика ёки хотима тарзида берилганда фақат худди этсиз тирсак суягига ўхшаб туртиб туриши лирикага ўрганган одамларга унча ёқмаслиги мумкин. Лекин эпик асар, лирикани ва драматизмни ҳам ўз ичига олган ҳолда, ҳаётни иложи борида кенг кўламда гавдалантириши билан қадрлидир Бор бўйича гавдалантирилган ҳаётда чиройли юз, шахло кўзлардан ташқари тирик вужуднинг ҳаракати учун зарур бўлган «тирсак»ларнинг ҳам бўлиши қусур саналмаса керак.

ТАНҚИДЧИ. Йирик эпик асарларда тасвирнинг бошдан-оёқ бир текисда бўлиши шарт эмас, мен бунга талаб этаётганим йўқ; лекин менга «Юлдузли тунлар»даги фактлар қамрови билан унинг ифодаси орасида муайян номуносивабиллик бордай туюлади, шуни таъкидламоқчи эдим. Ҳар ҳолда мен Сиз танлаган материални ҳеч бўлмаганда икки китобга жой этилишини истардим...

Ниҳоят, «Юлдузли тунлар»нинг тил хусусияти ҳақида. Ҳар қандай услубий йўналишда бўлгани каби ҳаётни айнан ўзидай кўрсатишга, деталларнинг ҳаққоний бўлишига интилувчи изчил реализм учун ҳам шартлилик ёт эмас. Бадий тасвирнинг бошқа томонларида у қадар сезилмаса ҳам, «Юлдузли тунлар»нинг, шунингдек, замонавий мавзудаги асарларингизнинг тилида, аниқроғи, персонажлар нутқида шартлилик хийла кучли. «Уч илдиш» ва «Қора кўзлар»даги бир-икки персонаж нутқида учрайдиган шева элементларини мустасно қилганда, деярли барча персонажларингиз — Маҳкам билан Гавҳар, Акбаров билан Тошев, Очил билан Замира, Аваз билан Хулкар, Замонали билан Мансуров, Ёлқин билан Турсун, Саттор билан Максимич, Розия билан Ойшаҳон, Вазира билан Аббор — ғоят хилма-хил

табиатли, турли савия ва касбдаги шахслар барчаси айтарли бир хилда — фалсафий мушоҳадага, образлилика мойил зиёлиларга хос йўсинда сўзлайдилар. Шуниси ҳам борки, бу ҳол характерларни индвидуаллаштиришга у қадар монелик қилмайди. Бир вақтлар персонаж нутқини индивидуаллаштиришда уни бошқалардан фарқ қиладиган жиҳатларига, адабий тил нормаларидан узоқроқ шева элементларига, ҳунар, касб лексикасига алоҳида урғу берилар эди. Тажриба шуни кўрсатаётирки, характер индивидуаллигига эришиш учун бу унчалик шарт эмас экан... Кейинги пайтларга қадар тарихий асарларда тил колоритини сақлаш, яъни персонажларни ўз даври тилида сўзлатишни бир қонун деб қаралар эди. Ойбекнинг «Навоий» романидан кейин деярли барча тарихий мавзуда қалам тебратган адиблар тил бобида Ойбек анъанаси йўлидан бордилар. «Меъмор», мана энди «Юлдузли гунлар» тажрибаси шуни кўрсатаётирки, ўтмиш кишилари нутқини мумкин қадар бугунги тилимизга яқинлаштириш — тарихийлик принципига зид бўлиб тушмас экан. Ҳам тарихий роман муаллифи, ҳам бадиий проза тилин тадқиқотчиси сифатида шу хусусдаги мулоҳазаларингизни эшитишни истар эдик.

ЁЗУВЧИ. Бадиий тилга оид ишларни яна давом эттирмоқчиман. Ўшанда бу масалага махсус тўхталсам керак. Ҳозир йўл-йўлакай айтмоқчи бўлган бир мулоҳазам шуки, тарихий ёки замонавий колоритни, яъни рангни қаҳрамон нутқига ташқи бўёқ тарзида чаплаб ташлашдан ёмони йўқ. Чунки тил ҳамisha дилга боғлиқ. Агар қаҳрамоннинг дилида ўзи яшаётган даврнинг асосий хусусиятлари бор бўлса, буни иккита-учта махсус сўз ёки ибора билан бемалол ифодалаш мумкин. Бадиийликнинг энг асосий белгиси ҳам — оз сўз билан мумкин қадар кўп натижага эришишда экани ўзингизга маълум.

Пировардида битта илтимос бор — мен бу сзда айтган гапларни кичик бир тажриба ўрнида қабул қилинг. Ўз ижодим бўйича гапирганимда, нималарга эришганимни эмас (ҳали мен эришолмаган нарсалар беҳад кўп), балки нималарга интилаганимни айтмоқчи бўлдим, чорак асрлик ижодий изланиш йўлидаги дард, ташвиш ва қувончларимни Сиз билан баҳам кўришга интилдим.

1979 йил, июнь

ТАЛАНТ ТАРБИЯСИ

(Шоир Эркин Воҳидов билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Аёнки, бадиий талант туғма бўлади, агар одамда бадиий ижодкорлик хислатлари бўлмаса, уни тарбия, ўқитиш йўли билан ҳосил этиш асло мумкин эмас. Бироқ шу туғма талантли кишидаги истеъдод қирраларининг очилишида теварак-атрофдагиларнинг, мухит, шароитнинг роли жуда катта. Абадий талант тарбияси билан боғлиқ муаммоларнинг барчаси узил-кесил ҳал этилган деб бўлмайди. Айтайлик, боладаги ашулачилик қобилиятини аниқлаш нисбатан осон, унинг овози бор ёки йўқлигини ҳамма ажрата олади. Телевизорда ўтказилган “Қуйланг, ёш хонандалар!” конкурсида ёшларнинг ижрочилик қобилиятини баҳолаш тингловчилар оммаси ихтиёрига ҳавола этилди ва, табиийки, кўпчилик баҳо беришда янглишмади. Сўз санъатига лаёқат-чи? Унга оммавий тарзда объектив баҳо бериш хийла мушкул. Мактаблардаги адабиёт ўқитувчилари орасида ҳам истеъдодга тўғри баҳо бера оладиганлар сийрак учрайди. Хўш, амалда бу иш билан ким шуғулланыпти?

Менимча, шу мураккаблик туфайли баъзан бу борала чинакам истеъдодлар очилмай қолиб кетади, баъзан эса, бошида тўғри раҳнамо бўлмаслиги туфайли киши узоқ вақт ўз йўлини тополмай довлараб юради, ачинарли жойи шундаки, айримлар шунчаки бир ҳавас билан адашиб адабиёт даргоҳига кириб қолади-ю, бир умр унда “ўртача” ёки “ёш ижодкор” бўлиб қолаверади. Бу ҳол адабиётнинг сифати соҳасига ҳам салбий таъсир кўрсатади, ўртамиёна асарларнинг кўплаб пайдо бўлишига замин ҳозирлайди...

ШОИР. Фузулийда шундай бир мисра бор: “Навбахор ўлгач тикандин барги гул изҳор ўлур”. Ёшлик завқи-шавқи билан қўлига соз ушламаган, қалам тутмаган инсон кам топилади. Лекин ҳамма гап ўша соз ёки қалам тутгувчининг иқтидорию лаёқатида.

Эсимда бор, эски маҳалламизда каттакон бир туп тут бўлар эди. Билан бир-икки ёш каттароқ Ғанивой деган бола ҳар кун и эрталаб ўша тут устига чиқиб ашула айтарди. Аслида унинг айтадигани ашула ҳам эмас, ғайри табиий бир қийқириқ, томоғига дон тақилган хўрознинг қичқирғиғига ўхшаган бир нарс а эди. Овози янги раста бўлган бу ўспириннинг “нола”си кўпчилиكنинг гашига тегса ҳам, қизиги, ҳеч ким; “Ҳе, бас қил, ўчир овозингни”, - демас эди. Аксинча, ўтган-кетган,

“Яшанг, ҳофиз! Жуфт бўлсин!” - деб қўйишарди. Унга сари ҳалиги бола ашулани баландроқ пардаларга кўтарар, овози бамисоли ойнада тирноқ юргандай гийқиллаб жонга тегар эди.

Фанивойга ҳамма эҳтиром билан “Дўст!” дейишига бир сабаб бор эди. Ўша сабаб бўлмаса-ку, маҳалламиздаги чапани йигитлар унинг овозини ўчириб қўйишар эди. Сабаб шуки, Фанивой маҳалламиздаги эътиборли бир одамнинг ўғли эди. Бунинг устига у чиқиб ашула айтадиган тут жуда баланд, ундан бутун маҳалла кўринар эди. Фанивой кимнинг ҳовлисида нима гап бўляпти, ҳаммасини кўриб турар, ҳамманинг сиридан воқиф эди. “Дўст, яшанг!” демай кўринг-чи, бирор сирингизни ашуласига қўшиб айтиб юборса, қип-қизил шармандалик. Яна бунинг устига Фанивой ҳар гал ашула айтгани тугта чиққанда қўйини кесак билан тўлдириб чиқар эди. Қургур ўзи ҳам ёмон мерган эди-да. Не-не шляпаларни учирмаган, не-не саллаларни чуватмаган.

Хуллас, ана шу юқорида зикр этилган сабабларга кўра Фанивойга ҳамма “балли” деган, ҳатто “энди ҳали ёш-да, тағинам овози очилмаган, худо хоҳласа, Шаляпин ўзимизнинг маҳалладан чиқади”, деб ҳам айтишган. Лекин ундан Шаляпин тугул ўзимизнинг баъзи ҳофизлар қатори ҳам ашулачи чиқмади.

Нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, ашулачининг ҳам, шоирнинг ҳам, умуман, санъаткорнинг катта-кичиги, ёш, қариси бўлмайди. Ёш талант улғайиб катта талант бўлади, ёш қофиябоз улғайиб катта қофиябоз бўлади. Ҳамма гап уларни ёшлигида фарқлай олиш, талантни тарбиялаш, қофиябозга “Қўй, акаси, одамларнинг гашига тегяпсан”, деб айта олишдадир. Бу гапни айта оладиган одамнинг уйида чўчийдиган сири, бошида омонат шляпаси бўлмаслиги керак. Бундай одам — танқилчи.

ТАНҚИДЧИ. Сиз-ку болалик хотираларингизни эслаяпсиз. Яқинда олдимга республикамизнинг олис бир туманидан қалин папка қўлтиқлаган йигит келиб, асари ҳақида маслаҳат беришимни илтимос қилди. Бу йигит каттагина ҳаётий тажрибага эга, олий ўқув юртини тугатган, ўрта мактабда жамиятшуносликдан дарс берган, армия хизматини ўтаб қайтган, кўп асар ўқиган, суҳбатдан маълум бўлишича, адабиётга ҳавас қўйиб кўпдан бери қалам тебратади. Бадний ижод билан астойдил шуғулланиш ниятида у мактабдаги ишни ҳам ташлабди, мана энди кеча-ю кундуз тинмай ёзар экан, ҳозирга қадар бир неча романни тахт қилиб қўйибди. Қўлёзмаларни адабиётдан хабарлор

жўраларига кўрсатган, барчаси унга, кўнгил учун бўлса керак, далда беришаверган. Лекин унинг кўп йиллик заҳматлари рўёбга чиққани йўқ, машқларидан бирор сатри ҳам дунё юзини кўрган эмас. Унинг етти қиссадан иборат “романи” билан танишиб чиқдим. Йигитнинг шунчаки кўрган-кечирганларидан иборат бу нарсa бадииятдан ниҳоятда йироқ эди. Мен унга ётиғи билан бор гапни айтдим, “асар”нинг икки-уч саҳифасини ўқиб унинг нуқсонларини тушунтирган бўлдим. Катта умид билан келган йигитни ўкситиб қўймадиммикин, деган ҳижолатда эдим, аксинча, у қувонч тўла кўзлари билан менга юракдан “раҳмат” деди. Ҳозиргача ҳеч ким ҳақиқатни дангал айтмаганидан афсусланади. Қишлоғига борибоқ ишга қайтишга, бўш вақтлари кичик жанрларда машқ қилиб кўришга ваъда қилди. Орандан бир ой ўтиб ҳикоя юборибди. Буниси анча дуруст, лекин ҳозирча маъбуотга тавсия этиш учун эрта. Мен шу ҳақида ёзиб юборган эдим яна жавоб келди, қизиғи шундаки, бу сафар у асар юбормапти. ҳикоя устида ишлаётганлигини айтибди, энг муҳими: “Аввал менга асар ёзиш жуда осон туюлар эди. ижоднинг бу қалар мушкул эканлигини энди билипман”,- дебди.

ШОИР. Яхшиямки, кечикириброқ бўлса ҳам ҳақ гап айтилибди. айтилмаганда, эҳтимол бу аянчли саргузашт умр бўйи давом этармиди... Улуғлардан кимдир айтган экан: “Талантли одамларни суяш керак, талантсиз бунга муҳтож эмас, у ўзига йўлни топиб олади”. Қарангки, туғма таланти йўқлар ҳам ёрдамга муҳтож экан. Ҳақ сўз ёрдамини. Ҳа, адабий талант тарбияси билан боғлиқ муаммоларнинг барчаси узил-кесил ҳал этилган, деб бўлмайди. Мен бу ҳақида республика ёзувчиларининг сўнгги съездида ҳам гапирган эдим. Такрор бўлса ҳам айтаман. Музикага-ку болани мурғак ёшидан ўргатадилар. саккиз яшарини ҳам кечикибди, дейдилар. Нега энди шоир тарбиясини у газетага шеър олиб борганда бошлаш керак? Навоийнинг, Пушкин ва Лермонтовларнинг болалигини эсланг. Улар мурғак ёшдан адабий муҳит ичида бўлганлар. Қайси улуғ шоир ҳаёт йўлига назар солманг, жуда ёшлигидан шеър ёзган, жуда ёшлигидан катта шоирларнинг назарига тушган.

Тарихни варақлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Устоз Ғайратий оғина муддат раҳбарлик қилган “ёш қаламкаш”лар тўғарагидан Хайридин, Юсуф, Тўлқин, Анвар Эшонов, Анвар Исроилов, Сайёр, қолаверса, мен каби бир қатор шоир ва ёзувчилар етишиб

чиқди. Биз тўғаракка борганимизда олтинчи-еттинчи синф ўқувчилари эдик. Билимдон устоз йўл-йўриқлари билан ўша вақтларда қилган машқларимиз маҳорат йўлидаги илк қадамлар бўлди.

Боланинг биринчи қадамини назорат қилиш керак. Оёқни қийшиқ босишга ўргангандан кейин уни тўғрилаш қийин бўлади.

Ҳозир мактаблар, пионер саройлари қошида юзлаб, минглаб абадий тўғараклар бор. Уларнинг қайси бирига атоқли шоир раҳнамолик қияпти? Мен собиқ тўғаракдош дўстим Юсуф Шомансурдан хурсандман. У устозимиз йўлини давом эттириб пионерлар уйидаги адабий тўғаракка раҳбарлик қилмоқда.

ТАНҚИДЧИ. Баҳсимиз талант тарбияси устида кетаётган экан, бир оз чекиниш қилиб, талант табиати, бадиий талантининг энг сеҳрли нуқтаси санатмиш илҳом онлари хусусида Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим. Бир қатор ёзувчи-ижодкорлар билан суҳбатлашганда шунга иқдор бўлдимки, адабларнинг аксарияти бадиий ижодда ихтиёрсиз ҳолатларнинг, интуициянинг родини алоҳида бўрттириб кўрсатадилар; бадиий ижод сирли, сеҳрли жараён, буни ҳеч ким инкор этолмайди; лекин мен бадиий ижод бошдан-оёқ стихияли эканига унчалик ишонмайман, бенихтиёр туғиладиган илҳомнинг, интуициянинг бенихоя катта мавқеини инкор этмаган ҳолда айтиш керакки, у айни пайтда онгли жараён. Шунга кўра ёзувчи-шоир учун бадиий ижоднинг қонуниятларини, маҳорат сирларини, ўзгалар тажрибасини пухта билиш фақат фойда келтиради. Ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги улкан ижодкорларнинг тажрибаси буни тўла тасдиқлайди.

ШОИР. Мен илҳом деб аталган ҳолатнинг табиати ҳақида кўп ўйлаганман. Бу гайри оддий ноёб ҳолат. Шоир илҳом дақиқаларидагина ҳақиқий шоир бўлади. Бошқа вақтда у ўзгаларга ўхшаб фикр қилувчи оддий одам. Шоир илҳом онларида битган сатрларига кейин ўли ҳайрон бўлиши мумкин.

*Зўр карвон йўлида етим бўтадек
Интизор кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, қуёш.*

Бу сатрларни битган вақтда Ғафур Ғуломнинг вужуди кафтдаги симобдек қалқиб турганини тасаввур қилса бўлади. Бунақа шеърларни шунчаки ўлтириб, мана энди шеър ёзаман,

деб ёзиб бўлмайди. Ҳар қанча материалист бўлсам ҳам, илҳом ҳолатининг сеҳрли эканига ишонгим келади. Лекин бу ҳолат осмонга боқиб кутиб ўлтириш билан келмайди. “Фауст”да айтилганидек:

*Шеърый кайфиятни тек кутган шоир
Умр сўнгигача кутиши мумкин.*

Илҳом узлуксиз изланиш, ўқиш, ўрганиш, меҳнат қилиш натижасидир. Шу маънода у онгли жараён. Талантнинг тўқсон тўққиз қисми меҳнат, деган сўзни мен шундай тушунам. Илҳом туйғуларининг шоир қалбидаги тошиши, шоир ҳаёлида тугилган шеърый ниятнинг етилиши ва вужудни ларзага солишидир. Фикр ва туйғулар эса изланишдан дунёга келади.

Илҳомсиз ҳам асар ёзиш мумкинми? Мумкин. Лекин бу жуда оғир меҳнат — ёзиш ҳам, ўқиш ҳам. Илҳомсиз ёзилган асар севгисиз олинган бўсадай совуқ бўлади.

ТАНҚИДЧИ. Мен шундай ёзувчиларни биламанки, улар чиндан ҳам ноёб истеъдод эгаси, афсуски, уларда профессионал билим, донишмандлик етишмайди. Агар ўша ноёб истеъдодга юксак профессионал билимдонлик қўшилса борми, у яратган асар қанақа юксакликка кўтарилиши мумкин эди!

ШОИР. Ёзувчи бўлиш учун жуда кўп, беқиёс кўп ҳислатлар бир шахсда мужассам бўлмоғи керак. Истеъдод, билим, меҳнатсеварлик, замон ва макон туйғуси, закийлик, ботирлик, қатъият, руҳан ва жисман поклик, адолат туйғуси, курашчанлик, фидойилик, ҳайратланиш ва ёна билиш қобилияти ва ўнлаб бошқа фазилатлар... Шунинг учун ҳам ҳақиқий ёзувчи ҳамма замонларда кам бўлган, бизда ҳам, шундай марғуб юртда ҳам жуда кам.

Профессионал билимдонлик эса, ана ўша фазилатларнинг бири бўлиши керак. Фақат бири. Бари бир истеъдод бирламчи, қолган ҳамма фазилатлар, шу жумладан, профессионал билимдонлик ҳам иккиламчи.

ТАНҚИДЧИ. Тўғри, истеъдодсиз киши сўз санъатининг қонуниятларини қанчалик чуқур билгани билан ҳеч нарсага эриша олмайди. Биз адабиётшунос-танқидчилар бунини эътироф этамиз-у профессионал билимдонлик туфайли талантли ёзувчи нималарга эришганини етарли равишда кўрсатиб бермаётимиз. Ёшларга профессионал тарбия бериш, уларнинг профессионал

маҳоратини, Ватанимиз ва жаҳон маданияти тажрибасини ўзлаштириши учун зарур чоралар кўриш лозимлиги расмий доираларда ҳам эътироф этилмоқда. Шу мақсадда 30- йилларда машҳур бўлган “Литературная учеба” журналинини яна чиқариш мақсадга мувофиқ деб топилди.

ШОИР. Бу ўз вақтида айtilган зарур гап, ниҳоятда муҳим тadbир... Ўз-ўзини танқид яхши хислат. Танқиднинг “старли равишда кўрсатиб бермаётган” ишлари анчагина бор. Танқидчиларимиз машҳур лупаларини йўқотиб қўйганга ўхшайдилар. Бадиий асарни сўзма-сўз, жумлама-жумла таҳлил қилиш, шоир ёки ёзувчининг заргарлик хислатини ўрганиш ва назорат қилиш етишмаяпти.

ТАНҚИДЧИ. Бир вақтлар адабий асарни фақат шакл томондангина текширишни биринчи планга қўйиш ҳоллари бўлган, бу ҳақли равишда қораланган. Кейинги пайтларда сўз санъатини комплекс тарзда — ҳам шакл, ҳам мазмун компонентларини бир бутун ҳолда текшириш одат тусига кира бошлади. Бироқ бу ҳол шакл масалаларини мазмундан, асар контекстидан ажратмаган ҳолда алоҳида текширишга монелик қилмаслиги керак. Қаранг, ҳозирги шеърятимиз ҳақида кўплаб мақолалар чиқяпти, лекин шеърятнинг шаклий томонлари ҳақида бирорта ҳам махсус жиддий мақолани кўрганимиз йўқ. Шеърнинг ички тўқимаси, тузилиши, ҳиссий оҳанги, ритми, қофияланиш тартиби, шеърда маъно ва мантиқ йўналиши, бир сўз билан айтганда, шеърый асар поэтикаси, ундаги мутаносиблик қонуниятлари конкрет равишда таҳлил этилмаяпти. Шуниси ачинарлики, энг яхши шеърый асарларимизда ҳам поэтик яхлитлик, мутаносиблик жиҳатидан қандайдир қусур топилади. Бу ҳолатни кўпинча биз “одатдаги қолиплардан, схемалардан қочиш” деб талқин этамиз. Эҳтимол, меъдага теккан, оригиналликка, новаторликка, ҳаётийликка монелик қиладиган схемалардан қочиш табиийдир. Аммо ана шу шиор остида мутаносиблик қонуниятларидан чекиниш бадиийликдан чекиниш демакдир. Чунки табиатнинг, ҳаётнинг ўзи ақл бовар қилмас даражада мутаносиблик қонунияти асосига қурилган. Табиатнинг ажойиб мўъжизаси саналмиш сўз санъати эса бу қонуниятдан четда туrolмайди.

ШОИР. Биз бадиий адабиётни сўз санъати деймиз. Улуғ ёзувчиларимизнинг, шоирларимизнинг сатрларидан санъат намунаси сифатида баҳра оламиз. Лекин ҳозирги замон

асарларини шу жиҳатдан кам ўрганамиз, кам кузатамиз. Ҳаттоки, бунга иккинчи даражали масала деб қараймиз. Натижада кўпгина ёш шоир ва ёзувчиларда, яшириб нима қиламиз, катталарда ҳам ўзига талабчанлик туйғуси камайиб кетяпти. Газета ва журналларда босилаётган, китоб бўлиб чиқаётган шеърӣ оқимдан хотирада қоладиган, биз билан яшайдиган мисралар кам кўриняпти.

Гап яна айланиб аввалги масалага — талантни ёшликдан тарбиялаш, ёшликдан заргарликка ўргатиш, кунт ва чидамни сингдириш масаласига қайтяпти. Мен вазифам тақазоси билан ҳам кўп шеърӣ китоб қўлёзмаларини кўраман, кўп ёш шоирлар билан суҳбатлашаман. Булар ичида шубҳасиз талант эгаси бўлганлари ҳам талайгина. Лекин бу талант эгаларининг ичида шеър техникасининг ибидойи талабларига ҳам риоя қилмайдиганлар бор. Шеърда ҳаяжон бор, шавқ бор, лекин шеърӣ маданият йўқ. Шоир шеърни бир масала билан бошлаб, тамоман бошқа масала билан тугатади, сўзларни ўзи тушунган маънода, ўзига мақбул бўлган инверсияларда, ўзи тасаввур қилган уйғунлик қоиласи асосида ишлата беради. “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”, — деб шуни айтсалар керак.

Мен бир нарсга ажабланаман: рассомлик мактаби бор, музика мактаби бор, раққослик, киночилик, актёрлик — ҳулас, ҳамма санъат турларининг мактаби ва олий ўқув юрти бор. Нега энди шоирликнинг, ёзувчиликнинг мактаби йўқ? Биргина Москвадаги Горький номи адабиёт институтидан ўзга ёзувчига профессионал билим берувчи мўътабар даргоҳ борми? Бундай даргоҳ республика адабиёт институти бўлиши керак. Бу мўътабар даргоҳ талабалари адабиёт тўғракларида бошланғич маълумот олишлари, профессионал ёзувчилар назорати остида таҳсил кўришлари лозим. Бу бўлиши керак бўлган, вақти билан бўладиган иш. Ҳозиргача бу вазифани танқидчилар “бажариб туришга” тўғри келди. Ёш ёзувчинини “суяги қотмасдан” бадийий мантиққа, ички мусиқа туйғусига, ритм ва қофия санъатига ва бошқа битмас-туганмас бадийийлик қонунларига ўргатмоқ танқидчиликнинг вазифасига кирди.

ТАНҚИДЧИ. Мана энди суҳбатимиз энг қалтис ва мураккаб муаммага келиб тақалляпти. Сўз ўзгalar тажрибасини ўрганиш, адабий ворислик, анъаналарга муносабат устида бораётир. Сизнинг традицион шакл — аруздаги асарларингиз теварагида қизғин баҳслар бўлди. Баҳслар ҳамон давом этапти. Шунга

қарамай, Сиз арузда ижод этишни тўхтатганингиз йўқ. Айни пайтда Сиз классик ғазалиёт билан жиддий шугулланаётирсиз - телевидениедаги “Ғазал оқшоми”ни бошқариб бораётирсиз. Сиздаги ғазалга шайдоликнинг боисини билсак бўладими?

ШОИР. Мен ғазалга мурожаат қилиб кўп мақтов ҳам эшитдим, “калтак” ҳам едим. Мақташ кимга ёқмайди-ю, калтакланиш кимга алам қилмайди? “Ёшлик девони” баҳона бўлиб аруз вазни, ғазалчилик атрофидаги кўп ширин-шакар ва аччиқ-чучук гаплар бўлди. Мен бу гапларга аралашмадим. Сабаб: биринчидан, мен “манфаатдор шахс” сифатида бу масалага объектив муносабат билдирилмас эдим, иккинчидан, арузни ижод билан ҳимоя қилолмаган одам уни сўз билан ҳимоя қила олмаслигини билардим, учинчидан, аруз вазни томонида туриб, уни ҳимоя қилишга ўзимда маънавий ҳуқуқ сезмадим.

Баҳс қизиган пайтда энг зўр ва ҳақ гапни Жамол Камол айтди: “Арузда яхши шеър ёзмаган бўлса Эркин Воҳидов айбдор – аруз айбдор эмас!” Адолатли гап. Шоирдан вазнни ҳимоя қилиш керак! Энди ўша савол: нега мен арузга қўл урдим?

Инқилоб йиллари салонлар шеърларига қарши, танланган, олий табақа учун ёзилган шеъриятга қарши ишчи-деҳқон шеърияти, саводсиз ва чаласавод халқ оммаси учун битилган содда, тушунарли шеърят – Демян Бедний, Ҳамза, Айнийларнинг шеърияти вужудга келди ва миллионларни адабиёт майдонига, маданиятга тортди. Ўша ишнинг натижасини бугун кўриб турибмиз: “Ҳой-ҳой отамиз, тошни кесар болтамиз”ни ўқиб шеърят билан танишган халқ бугун Навоий ва Бедилни шарҳ қиладиган, “Фауст” ва “Илоҳий комедия”ларни ёд биладиган даражага етди. Бугун содда, жўн шеърятга эмас, юксак ҳислар, нозик санъатлар, “тагдор” мисралар билан тўлган шеърятга талаб пайдо бўлди.

Солиштиринг:

*Қирқ центнердан олдинг ҳар гектар ердан,
Юртимиз миннатдор сендек мард эрдан.*

(Номасълум шоир)

*Мени мен истаганлар ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.*

(Навоий)

Бу икки мисра ўша гектаридан қирқ центнердан ҳосил кўтарган мардга ўқилса, аминманки, унга кейингиси маъқул бўлади. Чунки кейинги мисраларда чинакам бадиият бор, инсон қалбининг ҳолати бор. Уни ўқиганда ҳар ким ундан ўз ҳолатига мос туйғу топади.

Юқоридаги мисралар аруз билан бармоқни эмас, бадиийликни солиштириш учун келтирилди. Арузда ҳам, бармоқда ҳам жуда жўн ва юксак шеърлар яратиш мумкин. Бунга мисоллар кўп.

ТАНҚИДЧИ. Бир вақтлар “солда”, “равон”, “тушунарли” деган тушунчалар бадиийликнинг муҳим шарти саналар эди. Эндиликда “мураккаблик” ҳам бадиийликнинг муҳим фазилатларидан бири бўлиб бормоқда. Демак, Сизнингча, арузга мойиллик шеъриятимиздаги шу тенденциянинг бир кўриниши экан-да.

ШОИР. Мен арузга мурожаат қилганда бир неча мақсадни кўзда тутган эдим:

Биринчидан, ўзимни янгилаш, олатий фикрлаш услубидан. одатий вазн ва қофиялардан узоқлашиш.

Иккинчидан, классик шеърият мактабини ўрганиш, шеърга куюқ ранглар бериш, образли фикрлаш, санжоб мисралар тузиш санъатига яқинлашиш.

Учинчидан, шеъриятдаги буюк соддалик йўлида шоир дастлаб оддийликдан мураккабликка қараб юради. Мақсадим — шу босқичга қадам қўйиш ҳам эди.

Тўртинчидан, ҳозирги ёшлар классик шеъриятимиздан бир оз узоқлашиб қолдилар. Навоний, Бобур, Оғаҳийларнинг фақат номини биладиган ёшлар кам эмас. Маданий мерос эса катта бойлигимиз. Бу бойликни ташлаб юборишга ҳаққимиз йўқ. Фақат мерос бўлгани, асрлар давомида яратилгани учунгина эмас — бугунги фозил инсонга хизмат қилиши мумкин бўлгани учун. Арава юз йиллар хизмат қилган... лекин аруз арава эмас.

Халқнинг дидига ишонишимиз керак. Ҳазал халққа манзур бўляпти. Албатта, яхшиси. “Ҳазал оқшоми” телекўрсатувига келаётган сон-саноқсиз хатлар буни тасдиқлаб турибди.

Бу гаплардан, мен аруни етакчи вазн даражасига етказиш керак демоқчи эмасман. Ўзим ҳам фақатгина Ҳазал ёзаётганим йўқ. “Бу ҳам керак” деган сўз бизга етарли. Ортиқчасига даъво қилмаймиз.

ТАНҚИДЧИ. Сизнинг ана шу эзгу ниятларингиз ўз самарасини берди. “Ёшлик девони” тўфайли аруз яна одамларнинг оғзига тушди, элнинг кўнглидан жой олди, ёшлар эса арузнинг нима эканлигини англай бошлади. “Ёшлик девони” гўё арузнинг янги ҳаёти бошланаётганлигидан бир далолат. Шундай бўлса-да,

бу жанрнинг ҳозирги ривожига билан боғлиқ айрим муаммолар ҳали узил-кесил бартараф этилган деб бўлмайди. Сўз санъатида прогресс ҳодисаси бор. Вақтлар ўтиши билан баъзи адабий шакллар ўз умрини тугатади ёки иккинчи планга ўтиб қолди. Октябр тўнтаришидан кейин қадимги классик дostonчилик анъанаси айтарли кўринмади, ғазал, маснавий, рубоий эса, етакчилик даъво қилмаса-да, умр кечириб келяпти.

ШОИР. Нимаики яшаётган экан, демак, у керак: демак, у хизмат қияпти. Сиз айтмоқчи “умр кечириб келаётгани” йўқ. Ҳамма гап истеъдодда. Истеъдод нафаси бор жойда ҳаёт бор.

ТАНҚИДЧИ. Ижодкор жанр шакли орқали фикрлайди. Қадимги ғазал шакли Сизга бугунги кишиларимизнинг кайфиятини реал ифода этишга, бугунги кишилар тилидан гапиришга монелик қилган томонларини ҳеч ҳис этганмисиз?

ШОИР. Бу саволингизга бир ғазал билан жавоб бераман:

*Фурсатинг етмайди доим,
Ҳеч қачон етган эмас.
Меҳнатинг битмайди доим,
Ҳеч қачон битган эмас.
Чун замондек бепаёндир
Кўксинг ичра орзу.
Фурсату орзун қувлаб
Ҳеч киши етган эмас.
Интилар борлиқни инсон
Баркамол этмоқ учун.
Не ажаб, инсонни борлиқ
Баркамол этган эмас.
Менда на борлиқ ҳаёли,
Менда на йўқликка там,
Манглайимга чунки шеърдан
Ўзга зар битган эмас.
Вақт келар, меҳнат битар,
Бўлусли фурсат бемалол.
Чунки у дунёга ҳеч ким
Иш олиб кетган эмас.*

Бу ғазал бугунги кишиларнинг кайфиятини ифода қиладими? Ҳозирги тилда ёзилганми? Ғазалда айтилган фикрларга қўшилиш ё қўшилмаслик – иккинчи масала.

ТАНҚИДЧИ. Яшириб нима қиламиз, шу ғазалдаги фикрлаш тарзингизда ҳам анаъनावийлик устунроқ...

Сизнинг ғазалларингизни бармоқдаги шеърларингиз билан қиёс қилганда ғалати бир ҳодисага дуч келганман: ғазалларда традицион образлар кўп, шеъринг нутқ ҳам, ундаги фикр ҳам бир оз китобийроқ, айтайлик, “келади” ўрнига атайин “келур”, “бўлади” ўрнига “бўлур”. “билан” ўрнига “бирлан” дейсиз. Бармоқдаги шеърларингизда, масалан, “Ҳозирги ёшлар” да бирорта ҳам бунақа традицион образ, китобийлик йўқ, ҳаммаси бошдан-оёқ ҳаётинг, табиинг.

Ёки:

*Сенга бахтдан тахт тиларман,
толедан бошингга тож.
Мулки ҳуснингга омонлик,
тожи тахтингга ривож*

деб бошланадиган ғазални таслайдик. Илк мисраларидаёқ бугунги одамлар тилида, муомалада учрамайдиган анаъनावий образлар қалашиб келади. Мен аминманки, шу фикр, шу туйғу бармоқ ёки сарбаст шаклига солинса тамомила бошқача, ҳаётинг, табиинг образлар қалашиб келган бўларди... Шу ҳам маълум даражада арузнинг чекланганлигини тасдиқламасмикан?

ШОИР. Йўқ, бу “чекланганлик” аломати эмас, буни ўзига хослик белгиси, дейилса тўғрироқ бўлар. Адабиётшунослик шеъринг нутқинг жўн, оғзаки нутқдан фарқ қилишини (вазндан қатъи назар) эътироф қилади. Шунинг учун ҳам Ғафур Ғулом “Менинг оғам рус бўлур” дейди. Бу шеър бармоқда ёзилган. «Билан» ўрнига “бирлан”, “бориб” ўрнига “борароқ” ва жуда кўп келишик қўшимчаларининг қисқартирилган формаси бармоқда ҳам, арузда ҳам ишлатилиб келади. Бу бир. Иккинчидан, ҳар бир адабий жанрнинг ўз хусусияти бўлганидек, ҳар бир вазнинг ўз табиати, баён усули бор.

ТАНҚИДЧИ. Шеъринг нутқинг оғзаки нутқдан фарқ қилиши табиинг ҳодиса. Бироқ арузнинг бармоққа, сарбаст шаклига кўра безакдорликка мойиллиги ҳам рад этиб бўлмайдиган факт. Сиз айтган арузнинг ўша “ўз табиати”, “баён усули” ҳам сўзларга, жонли сўзлашув нормаларига кўпроқ ўзгариш киритишни тақозо этади.

ШОИР. Биз реалистлармиз, бироқ романтик кайфият реалистлар учун ёт эмас. Аруз, хусусан, ғазал шахсан менга романтик кайфиятларни ифода этиш учун жуда қулай восита. Романтик кайфиятлар пайтида, табиийки, киши жиндай заминдан юқорироқ кўтарилади, образли қилиб сўзлашга, баландроқ пардаларда куйлашга мойилроқ бўлади. Эҳтимол, ғазалда кўтаринки, традицион образларнинг ўз-ўзидан қалашиб келиши шундандир. Бадий фикр ўзининг шакли билан тугилади. Боя сиз тилга олган ғазалдаги поэтик фикрни, кайфиятни мен бармоқда ёки сарбастда беролмас, “ҳаётийроқ”, “табиийроқ” образлар билан ифодамай олмас эдим.

ТАНҚИДЧИ. Шеъриятимизнинг яқин кечмишида характерли ҳодисани кузатиш мумкин. Ойбек билан М. Шайхзода классик шеъриятимизни жуда чуқур билганлар, умр бўйи уни тадқиқ ва тарғиб этганлар. М. Шайхзоданинг Навоий поэтикасига доир кузатишлари адабий жамоатчиликка маълум. Лекин Ойбек ва М. Шайхзодалар шеъриятида классик адабиёт анъаналаридан кўра рус ва жаҳон реалистик шеърияти тажрибаларига мойиллик кучлироқ. Классик шеър санъатларини жуда пухта билган, нозик ҳис этган М. Шайхзода ижодида айтарли бу хил санъатлар учрамайди, учраганда ҳам тамомила бошқача реалистик асосда қайта ишланган ҳолда намоён бўлади. Бундай хусусият Ғ. Ғулум шеъриятида яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташланади. Сизнинг бармоқдаги асарларингизда ҳам шундай. Бундан чиқадиган хулоса шуки, аруз классик шеъриятнинг поэтик анъаналарини бевосита давом эттиришга ундаса, бармоқ ва сарбаст уларни ижодий, реалистик асосда қайта ўзлаштиришга йўл очади...

Яна бир характерли тенденцияга эътиборингизни тортмоқчиман. Кейинги йиллар адабиётида фольклор традициялари хийла жонланиб қолди. Достон, ривоят, миф мотивларига, оғзаки ижоднинг хилма-хил, шартли шаклларига қизиқиш хийла кучайди. Сўз санъати реализмнинг юксак чўққисига кўтарилган бир даврда қадимий адабий приёملарга қизиқишнинг кучайиши қизиқарли, балки, сирли-сехрли жараён. Бу ҳодиса боиси адабиётшунослар, ёзувчилар томонидан хилма-хил тарзда шарҳланмоқда. Баъзилар бунини НТР шароитида — тараққиёт тезлиги ғоят кучайган бир даврдаги кишиларнинг руҳий ҳолати, ўтмишни қўмсанч, хотира туйғуси, маънавий манбалар ибтидосини сақлаб қолишга интилиш майли билан изоҳламоқчи бўладилар: бошқа ҳамкасблар бу

ҳодисани реализмнинг табиатидан, бу метод бағри хилма-хил шакллар, услубий изланишлар учун кенг очиқ экани билан боғлиқ ҳолда тушунтирадилар; яна бир қисм мутахассислар буни ҳозирги адабиётда фалсафийликнинг чуқурлашуви билан боғлайдилар...

ШОИР. Дарҳақиқат, бугунги кунда бадиий тараққиётнинг олдинги сафида, реалистик ижоднинг чўққисига турган Ч.Айтматов, Р.Ҳамзатов каби адиблар ижодида фольклор традицияларининг алоҳида куч билан янгича бир тарзда намоён бўлиши, реализм билан қадимий адабий анъаналарнинг қўшилиб чатишиб кетиши қизиқарли ва мароқли ҳодиса. Бу ҳодисанинг боисига оид Сиз эслатган мулоҳазаларда маълум асос бор, лекин бу тахмин ва шарҳлар чуқур ўрганишга муҳтож.

ТАНҚИДЧИ. Жаҳон прогрессив адабиётидаги айни ўша тенденцияларга муштарак ҳодисалар, бугунги ўзбек адабиётида, масалан, А.Мухторнинг “Чинор” романида, шеърятда эса сизнинг кейинги “Тирик сайёралар” китобингизга кирган қатор шеърларингизда, “Руҳлар исёни” достонингизда, шунингдек, Сизга тенгдош сафдош шоирлардан Абдулла Орипов билан Омон Матжоннинг сўнгги йиллар ижодида жуда ёрқин кўринмоқда... Шахсан Сиз ўзингизда фольклорга мойиллик сабабини қандай изоҳлар эдингиз?

ШОИР. Буни айтиб бериш, изоҳлаш жуда мушкул. Яхшиси, мен Сизга “Руҳлар исёни” достонининг яратилиши тарихини тапириб берай. Балким, бу Сиз қўйган саволга маълум даражада жавоб бўлар. Оташнинг бенгал шоири Нарзул Ислоннинг қаҳрамонона ва фожиали тақдири кўпдан мени ҳаяжонга солиб келар, у ҳақида бирон нарсга ёзиш ҳаёлида юрар эдим. Шу мақсадда шоир ҳаёти ва ижодини қўличдан келганча ўргандим, шоир ҳаётига оид фактлар билан яқиндан танишиш ниятида Ҳиндистонга бордим, шоир яшаган жойларда бўлдим, шоирни яқиндан билган кишилар билан суҳбат қурдим. Шу материаллар, таассуротлар асосида дастлаб бир шеърний қисса ёзилди, унда Назрул Ислоннинг ҳаёт йўли, кураши, фожиали тақдири анча батафсил ҳикоя қилинган эди... Лекин бу асардан, негадир, кўнглим тўлмади. Уйлаб қарасам, унда мен Назрул Ислон ҳаётига оид кўпчиликка таниш фактларни шунчаки белгистрик йўлда шарҳлаш, ҳикоя қилиб бериш билан чекланиб қолган эканман. Ёзучи-шоирнинг вазифаси бирор шахс ҳаёти, саргузаштини шунчаки ҳикоя қилиб беришдан иборат бўлса, дунёда ёзувчиликдан осон ҳунар бўлмасли. Ижодкор ўз қаҳрамони

ҳаёти, тақдирини бадиий таҳлил этиши, шу баҳонада ўзининг ҳаёт ҳақидаги кузатишлари, ўй-мушоҳадаларини ўртага ташлаши керак-ку, ахир! Менинг қаҳрамоним — Назрул Ислон тақдирини бу жиҳатдан ғоят бой материал берарди. Мушкул ижодий изланишлар палласи бошланди, дostonнинг тайёр илк вариантдан воз кечишга тўғри келди, кўп уринишлардан кейин дostonнинг ўқувчиларга тақдим этилган ҳозирги варианты пайдо бўлди.

Биласиз, “Рухлар исёни” гарчи Назрул ислонга бағишланган бўлса-да, асар фақат оташин шоир ҳаёти ифодасидан иборат эмас. Унда мен шоир ҳаёти баҳонасида ўзимнинг, умуман, шоирлик, инсонлик, фидойилик, эрк ташналиги ҳақидаги, эрка ташна ижод аҳлининг замонаси, халқи билан мураккаб муносабати ҳақидаги, қолаверса, инсон ҳаётининг маъноси, ҳаётнинг ҳам шафқатсиз, ҳам адолатли ҳақиқати ҳақидаги ўй-мулоҳазаларимни китобхон билан баҳам кўришга интидим. Мақсадга қанчалик эришдим — бу энди сиз — танқидчиларга ҳавола. Дostonнинг шаклига келсак, унда реал ҳаёт картиналари билан ёндош ҳолда берилган афсона, ривоятлар ҳам бевосита қаҳрамон ҳаёти ҳақида ўйлаш жараёнида туғилди. Эҳтимол, бошқа бирор ижодкор Назрул Ислон ҳақида бошқача тарзда ёзиши мумкиндир, лекин менинг асарим беихтиёр худди шу шаклда туғилди, ўша дамларда мен ўзгача йўлни — дилимдагиларни ифода этадиган бошқача шаклни тасаввур ҳам этолмасдим.

ТАНҚИДЧИ. Демак, Сизда фольклор бисотига мурожаат фалсафий мушоҳадаларга мойиллик туфайли юз берган...

Бу ерда бизни қизиқтирадиган томони шундаки, Сизнинг айни ўша фольклор традициялари кучли бўлган, оғзаки ижоднинг шартли шакллари кенг мурожаат этган кейинги асарларингизда, хусусан, “Рухлар исёни” да “ҳаётни ўз шаклида” кўрсатган шеърларингизга қараганда реализм чуқурроқ.

ШОИР. Ижодий ўрганиш, анъаналарни давом эттириш хилма-хил кўринишда содир бўлади, уларни бир қолипга солиш мумкин эмас. “Ёшлар ҳақида ўйлар” мақолангизда ўзингиз ҳам шу хусусида гапиргансиз. Мен гарчи бу ерда “аруз ҳимоячиси” сифатида кўринаётган бўлсам ҳам, аслида шеърингизда хилма-хиллик, услубий ранг-баранглик тарафдориман, қаламкаш дўстларимнинг, ёшларнинг ижодий, услубий изланишларини, янги тажрибаларини синчиклаб кузатиб бораман.

ТАНҚИДЧИ. Ёшларнинг изланишлари масаласини яхши эслатдингиз. Шеърятга, шеърятдаги ижодий-услубий изланишларга юксак маданият, нозик дид, катта билимдонлик, бағри кенглик билан муносабатда бўлиш бугунги соғлом адабий муҳитнинг муҳим аломатларидан бири. Янги шеърӣй шакллар қидираётган шоирларни шошма-шошарлик билан “ўзбошимчалик»да айблаш ҳоллари секин-аста барҳам топиб бормоқда.

Ёдингизда бўлса керак, бундан бир неча йил бурун Союзимизда шеърят муҳокамасига бағишланган, ўзингиз раислик қилган бир йиғилишда шеърятдаги экспериментлар ҳақида жиддий баҳс бўлган эди. Шунда, таажжубки, анча таниқли бир шоир ёшларнинг, аниқроғи, Р. Парфи. М.Кўшмоқов каби истедодли қаламкашларнинг тажрибаларига эътироз билдирган, ҳатто уларни “традицияларни инкор этиш”, “отасини танимаслик” деб айтган эди...

ШОИР. Шунақа мулоҳазалар бўлган, лекин улар орқада қолиб кетди. Худди ўша гапни айтган шоир дўстимизнинг ўзи ҳам бугунги кунда ўша ёшларнинг изланишларига ҳавас билан қараётир. Тажриба шуни кўрсатаётирки, биз ижодий изланишларга эътибор бериб ва эҳтиёткорлик билан ёндашмоғимиз лозим. Токи изланаётган ёшларни боягидек кескин сўзлар билан чўчитиб қўймайлик. Ижод ўз табиати билан эксперимент, тажриба демакдир. Ахир ҳар қандай улкан кашфиёт тажрибадан бошланади-ку! Чингиз Айтматовнинг “Дружба народов” журналидаги суҳбатида айтган “адабиёт ўзининг экспериментал цехига ёки, агар хоҳласангиз, қандайдир эшелонлаштирилган отрядига эга бўлиши керак” деган гапларига тўла қўшиламан.

ТАНҚИДЧИ. Дадил айтиш мумкинки, ёшлар шеърятда шаклий изланишларга интилиш кучли. Бироқ бу интилиш, аввало, миллий анъаналарга, биринчи навбатда, янги давр ўзбек шеърятга тажрибаларига таянган ҳолда боряпти, айни пайтда, ёш шоирларимиз рус ва жаҳон прогрессив адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлишга, замон синовларидан ўтган ёки ўтаётган мақбул янгича услуб ва усулларни ўзбек шеърятига тадбиқ этишга интилаётирлар. Ёшларнинг шеърӣй тўпламларида классик адабиётимизнинг ғазал, муҳаммас, рубоӣй, туюқ каби шеърӣй шакллари, хилма-хил поэтик

санъатларни ҳам, ғарб, ҳаттоки ҳозирги япон шеъриятининг сонет, романс, элегия, танка (учлик) сингари турларини ҳам, халқ оғзаки ижоди усулларини ҳам, бармоқ вазнининг ранг-баранг ҳижоларини ҳам, сарбаст ва оқ шеър формаларини ҳам, сарбаст вазнининг ўзимиздаги — Ҳамза, Ғ. Гулом, Ҳ. Олимжон шеърларида шаклланган кўринишларини ҳам, шу билан баробар, Нозим Ҳикмат, Пабло Нерула, Г. Лорка ёки Андрей Вознесенский сингари ижодкорлар қаламига хос бўёқ ва ритмика таъсирини ҳам кўриш мумкин.

ШОИР. Эксперимент, тажриба деганда нуқулгина миллий шеърятга аввал кўринмаган шакллар, ифодаларни олиб кириш деб тушуниш бир ёқламалик бўлади, мавжуд традицияларни янгилаш, бойитиш, унинг янги имкониятларини қидириб топиш ҳам экспериментнинг бир кўринишидир.

ТАНҚИДЧИ. Худди шу фикрингизни ёшларнинг бугунги тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Маъруф Жалил, Абдулла Шер, Машраб Бобоевлар кўпроқ анъанавий шеърятнинг етакчи вазни бўлиб қолган бармоқда ва халқ оғзаки ижоди шаклларида, қисман арузда қалам тебратаётдилар. Рауф Парфи, Муҳаммадали Қўшмоқов, Ҳалима Худойбердиевалар эса ўзбек шеъряти учун нисбатан ёш бўлган сарбаст шаклида, сарбаст вазнининг ҳам авваллари бизда одат тусига кирмаган янгича ўзига хос кўринишларида ижод этаётдилар.

М. Жалилнинг «Сени уйлаб» гунаҳми шундай сатрлар билан бошланади:

*Паризодим, сени излаб тоғларга бордим,
Айтолмадим юракдаги саволларимни.
Аммо, тоғиб юнгансин, деб қўйиб юбордим,
Тоғ бургути каби ўшар хаёлларимини...*

Дарҳақиқат, шоир бутун китоб давомида ўзини шу қадар эркин тутиб куйлайдики, унинг сўзлаш тарзини халқ бахшиларининг куйлаш усулига қиёс қилиш мумкин. Унинг бармоқдаги, аруздаги мисраларидан ҳам, ҳатто сочмаларидан ҳам халқ қўшиқларининг садоси эшитилиб туради. Шоирнинг “Сўзсиз қўшиқ” деган бир шеъри бор, унда талқин этилишича, йигит қўшиқ айтяпти, қўшиқда катта фикр, кучли туйғулар мужассаму, аммо қўшиқнинг сўзи йўқ... Муаллифнинг ўз

шеърларида ҳам қисман шу ҳолат мавжуд; сизни аввало мисралардаги мусиқийлик, куй қанотига жо этилган фикр ва туйғулар асир этади. Маъруф Жалил шеърлари беихтиёр рус шоири Кольцов тажрибаларини ёдга туширади. Шуниси муҳимки, ёш шоирнинг фольклор анъаналари руҳида битилган мисраларида шу куннинг нафаси уфуриб туради, лирик қаҳрамон бугунги кун даражасида туриб, фан-техника инқилоби даври кишиси савиясига мос фикр юритади.

Абдулла Шер шеърлари ўзининг изчил реализми, конкрет заминга, кундалик ҳаётга яқинлиги, воқеабандлиги билан қисман, Ойбек, қисман Миртемир анъаналарини эслатади. У қишлоқ манзараларини, деҳқон меҳнатини қаламга олганда, юмористик лавҳалар чизганда кўпроқ Миртемирга, лирик кайфиятлар тасвири, ҳаёт фалсафаси таҳлили пайтида эса Ойбекка эргашаётгандай бўлади. Бироқ шу анъаналар доирасида ёш шоирнинг шаклланиб келаётган нигоҳини, ўзига хос овозини пайқаб олиш мумкин. Хусусан, “Баҳор айбдор”, “Уруш”, “Шоир”, “Куёв” каби шеърларида ёш муаллиф бармоқ вазнининг ҳозирча бизла кенг расм бўлмаган имкониятларидан яхши фойдаланган, традицион шеърый ритмиканинг янги товланишларини яхши топа олган.

ШОИР. Қаранг, иккала муаллиф ҳам “традициялар доирасида” изланаётир, уларнинг бирида романтизм устувор, иккинчисида изчил реализм. Лекин иккаласи ҳам биз учун бирдек азиз, мароқли.

ТАНҚИДЧИ. Рауф Парфи ўзбек шеъриятида ҳеч кимникига ўхшамаган овоз блан куйлай бошлаган эди: у ҳар бир шеърда одамнинг мураккаб руҳий дунёсидаги бирон конкрет ҳолатни тутиб олиб суратга туширишга, ҳолатларни гичсоллар орқали, ҳаракатдаги деталлар орқали ифодалашга тиришади. Рауф Парфини дастлаб нима ҳақида сўзлаш эмас, балки қай тарзда сўзлаш, аниқроғи, шеърый шакл масаласи кўпроқ қизиқтирар эди, кейинги “Тасвир”, “Акс садо” тўплamlари эса эндиликда у шеърларнинг мавзу-мундарижаси устида ҳам жиддий бош қотираётганидан далолат бериб турибди. Тўпламдаги лирик қаҳрамон фақат ўзига хос овозга эга оригинал куйчигина эмас, айни пайтда ўз авлоди, тарих, замон ва келажак ҳақида, жаҳон тақдири ҳақида фикр юритувчи, астойдил қайғурувчи гражданин-фуқаро тарзида кўринади. “Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим” сингари публицистик шеърлар шундан далолат беради.

Муҳаммадали Қўшмоқовнинг изланишлари бир қараганда Рауф Парфи шеърларини эслатса-да, аммо миллий заминга яқинлиги билан улардан ажралиб туради. М. Қўшмоқов ўзбек шеърляти учун янгилик бўлган шеърлий шаклларда она юрт қиёфасини, халқимиз ҳаётининг бетакрор тароватини гавдалантиришга интилади, унинг шеърларида “Қуёшни ёқлаб тушган ҳовлилар”ни, жангда шахид бўлган тоға “сурати осиглиқ беҳи ҳиди анқиган хона”ларни, “Далаларга кетган тупроқли йўлда трактордан қолган яп-янги излар”ни «иккита тутга омонат, бир неча дақиқага арқонда тортилган беланчақлар”ни, қисқаси, бугунги ўзбек қишлоғининг шу каби таниш лавҳаларининг бетакрор ифодасини кўрамыз. Ёш шоир, иккинчи томондан, янгича поэтик усулларни миллий шакллар, айниқса, халқ оғзаки ижоди мотивлари билан қўшишга уриняпти. У “Боғда бўлбул чаҳ-чаҳлар” шеърида халқ лапарларига, “Боғда сайр этади расида қизлар” мисраси билан бошланадиган яна бир шеърида бойчечак қўшиғи усулига мурожаат этади. “Тоҳирнинг сўнгги қўшиғи”, шунингдек, “Қўшиқ”, “Мунисхон гириси”, “Осмонда осмон йўқ, қора кўз” сингари машқларида бу фазилят янада кучлироқ намоён бўлаётир.

ШОИР. Муҳаммадалининг изланишларидаги кам-кўстлардан ҳам кўз юммаслик керак.

ТАНҚИДЧИ. Очипини айтиш керак. Муҳаммадали Қўшмоқовнинг қатор шеърларида ҳозирча янгича шакл билан фольклор усули бир-бири билан қовушмайроқ турибди, бироқ “Қўшиқ” шеъридаги муваффақият ёш шоир изланишлари истиқболига катта умид уйғотади. “Қўшиқ”да лирик қаҳрамон - фидойи ошиқнинг кайфиятлари қандайдир янгича – кутилмаган ташбеҳлар, фавқулодда қабарик образлар орқали ифода қилинади, аини пайтда, улар ҳудди халқ қўшиқлари каби янграйди:

*Мен гугуртдек ўз-ўзимни ўтга чоғлайман,
Ҳаёлларим гирдобила йўлим боғлайман.
Қўлоғимда янграй бошлар нечун жонбаста,
Уша азиз, беҳаловат навоки, хаста:
«Сим-сим дедим, симлар дедим, симлар қўйнимда,
Зарра гуноҳ менда бўлса, қилич бўйнимда».*

Ниҳоят, икки оғиз сўз Ҳалима Худойбердиева ҳақида. Шоиранинг “Оқ олмалар”, “Чаман” тўпламларига кирган

шърлари, гарчи бармоқ ўлчовида тартиб берилган бўлса-да, мен уларни бемалол сарбаст вазни намуналари деб атай оламан. Чунки унинг фикр, туйғулари ҳар қадамда бармоқ ҳижолати оқимини бузиб, тошиб туради. Шоира шърлари орқали ўзбек шъриятида сарбаст вазнининг ёш ўзбек аёли овози пардаларида янграган янги бир кўриниши туғилаётгандек туюлади.

ШОИР. “Шоирнинг ўзи қанақа бўлса, услуби ҳам шунақа бўлади”, деган нақл бор. Биз назарда тутган ёш шоирлар гражданин сифатида эндигина шаклланиб келяпти. Шубҳасизки, улар улғаяди, ўрганади, изланади, бой ҳаётий тажриба тўплайди, шу жараёнда улар ижоди ҳам тўлишиб, услуби, поэтик овози сайқал топиб боради. Мен ёшлар шърияти шаклий жиҳатдан ранг-баранг бўлиши билан баробар, улардаги ижтимоий мотивларнинг, гражданлик туйғуларининг янада бардам, жарангдор янграшини истар эдим.

ТАНҚИДЧИ. Яна ўз ижодингизга, ижодингиз билан боғлиқ бир масалага қайтсак. Сиз кўпдан бери оригинал ижодни шърый таржима билан қўшиб олиб борасиз. М. Светлов, Р. Ҳамзатов, ҳусусан, С. Есениндан қилган таржималарингиз адабий ҳаёти-мизда катта ҳодиса бўлди. Сўнгги йилларда “Фауст” таржимаси устида жиддий иш олиб бордингиз. Расул Ҳамзатов республикада РСФСР адабиёти ва санъати кунлари Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган учрашувда “Илоҳий комедия” билан “Фауст”нинг ўзбек тилига таржима қилинишини катта тарихий ҳодиса деб атади. Бунга шак-шубҳа йўқ. Бироқ, Сизнинг яқин ҳамкасаб дўстларингизни бошқа бир нарса танишига соляпти - айни куч-ғайратга тўлиб-тошган, ишлаб, оригинал асарлар яратиб қолдирадиган бир пайтда бутун илҳом, ижодий саховатни таржимага бахш этиб кўяётганлигингиздан андак афсусланяпти. Таржима, ҳусусан, шърый таржима шоирнинг оригинал ижодида монелик қилиши мумкинлигини жуда кўп улкан шоирлар эътироф этганлар...

ШОИР. Худди аруз устида бўлгани каби таржималарим туйғайли кўп мақтовлар билан бирга таъналар ҳам эшитдим. Таржимага “вақт исроф қилганим” учун ҳатто шъриятимизнинг энг зукко заҳматкашларидан бири дашном берди. Ростини айтсам, бу менга бир оз малол келди. Шаҳсан мен бадий таржимани, унинг миллий-маданий тараққиётдаги бебаҳо қадр-қимматидан ташқари, профессионал маҳоратни чуқур ўзлаштириб олишнинг, жаҳон маданиятидан ўрганишнинг беқиёс воситаси деб биламан.

Жаҳон ва қардош халқлар адабиётидаги буюк сиймолар тажрибаси ҳақида ёзилган энг ёрқин тадиқотлар ҳам шоир ёки ёзувчига бевосита таржима билан машғул бўлишда олган сабоғу билимларидан ортиқроқ нарса беролмайди. Ахир шоҳ асарни таржима қилаётганда, озгина бўлса-да, руҳан унинг муаллифи даражасига кўтариласан ёки ўша муаллиф ролига кирасан. Данте, Шекспир, Гёте, Толстой, Чехов, Есенин бўлиб гапирасан. Нақадар масъулятли ва мароқли машғулот!

Энг муҳими, таржима ижодкорнинг масъулият туйғусини оширади, ўз бўйи-бастини жаҳон маданияти чўққилари билан қиёс қилишга чорлайди, бинобарин, ижодкорни оригиналда ҳам асарлар ёзишдан сақлайди.

Ҳамкасб дўстларимнинг таъна-дашномлари сачимий эканига шубҳам йўқ. Дарҳақиқат, таржима, айниқса, шеърӣ таржима кўп вақт олади. Йигитлик умримнинг энг аъло дамлари таржима учун сарф бўлди. Бунга унчалик афсусланмайман. Чунки оригиналда ўртачароқ асар ёзиб юргандан кўра жаҳон ва қардош халқлар маданиятининг нодир намуналарини она тилида янғратиш завқи менга таскин беради.

1977 йил январ-декабр,

1981 йил январ

САРГУЗАШТ САРҲАДЛАРИ

(Ёзувчи Худойберди Тўхтабоев билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Саргузашт, детектив асарларига ҳамиша қизиқиш катта бўлган. Ҳозирги кунда ҳам шундай. Хусусан, болалар, ўсмирлар «саргузашт роман», «детектив кино» деса ўзини томдан ташлайди.

ЁЗУВЧИ. Тўғри, саргузашт ва детектив асарларга қизиқиш ҳамиша жуда катта бўлиб келган. Болалар, айниқса, ўсмирлар шунақа асарлар деса ўзини томдан ташлайди, деган гапингизга ҳам шу хил адабий турнинг бир филойиси сифатида бажонидил қўшиламан. Фақат шуни қўшимча қилмоқчиманки, бу хил асарлар ва кинофильмларни, агар улар юксак бадиий маҳорат билан яратилган бўлса, катталар ҳам бажонидил ўқиб, бажонидил томоша қилишади. Телевизорда детектив фильмлар намойиш қилинадиган кунлари кўпинча, кўзим яхши ўтмайди деган баҳона билан, болаларни нари суриб, олдинроққа ўтириб оламиз. Аёлларимиз ҳам шунақа фильмларга ёки китобларни ўқинга берилиб кетиб паловнинг тагини куйдириб қўйган пайтлари кўп бўлган, шундай эмасми?

Саргузашт ва детектив асарларни Сиз негадир бир саволга бирлаштиряпсиз. Менимча, бу унча ўринли бўлмас. Негаки, булар ўзларининг ички қонуниятлари ва талабларига эга бўлган мустақил адабий шакллар. Бирини ўз сюжетини бошдан кечирилган фавқулодда ранг-баранг воқеалар асосига қурса, иккинчиси, жиноят ва жиноятчини қидиришдан келиб чиқадиган ҳаракат, материаллар асосига қурилади. Конан Дойлнинг асарлари билан Александр Дюма асарларининг материалларида ва бу материалларни талқин этишда кескин фарқ бор... Корни оч одам олдида келтирилган таомни аралашига тушириб, бир хилда лаззатланиб, ошпазга офарин деганидек, ҳозирча, бизда бу хил асарлар ҳалдан ташқари оз бўлгани учун қўлимизга тушганини очкўзлик билан шоша-пиша ўқиб, шунисига ҳам шукр деб, муаллифга офаринлар айтяпмиз ва гўғри қияпмиз. Бундай асарлар кўпайиб борган сари унинг хусусиятлари ҳам тиниқлашиб бораверади, уларга талабчанлик ҳам ошаверади.

ТАНҚИДЧИ. Детектив ва саргузаштнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги гапларга кейинроқ қайтамиз. Ҳозирча, бу хил асарларнинг мафтункорлик сири масаласини

ойдинлаштириб олсак. Инсон табиатан сирли нарса, ҳодисаларга қизиқувчан бўлади. Бу хусусият болалик ва ўсмирликда айниқса кучли экани аён. Саргузашт, унинг таркибига кирувчи детектив асарлар худди шу сирли, сеҳрлилик хусусияти туфайли кўпчилик, хусусан, ёшлар эътиборини ўзига тортса ажаб эмас.

ЎЗУВЧИ. Хўш, нима учун болалар, айниқса, ўсмирлар бу хил асарларни қизиқиб ўқийди? Гарчи бу масалада Бутуниттифоқ статистикаси маълум бўлса-да, шахсан менинг ўзим ҳам баъзи бир кузатишлар қилганман. Октябрь туманидаги болалар кутубхоналари томонидан ёш китобхонларга: «Сиз қайси жанрлардаги асарларни севиб ўқийсиз?» деб савол тарқатилганида, ҳар юзтадан етмиштаси: «Саргузашт, детектив, фантастика асарларини», деб жавоб қайтаришди. Республика болалар кутубхонасининг кўрсаткичлари эса бундан ҳам юқорироқ. Чунки бола табиатан ўзи яшаб турган дунёни *биллишга* катталарга қараганда чанқоқ. Сиз айтгандай, сирли туюлган нарсаларга эса ўта ўч бўлади. Айниқса, ўн уч - ўн беш ўртасида - болаликдан ўсмирликка ўтиш палласида бир неча янги майллар пайдо бўлади. Яъни бола физиологик жиҳатдан эмас, балки маънавий ва психологик жиҳатдан ҳам усалди, ўсмир руҳиятида фавқуллодда нарсаларга ўчлик кучаяди. Ҳар қандай шароитда ҳам узини йўқотмайдиган, жисмоний жиҳатдан бақувват, темир иродали, ақлу заковатда баркамол қаҳрамонлар билан учрашгиси, уларга тақлид қилгиси, ана ўшалардек бўлгиси келиб қолади. Ўзи яшаб турган оила - мактабдан иборат дунё энди унга торлик қилиб, денгизларда жавлон ургиси, чуққиларни забт этгиси, ўрмонларда ваҳший ҳайвонлар билан учрашгиси келаверади. Саргузашт асарларда эса ана шундай бола - ўсмир идеалига мос тушадиган, унга маънавий орому қаноат берадиган қаҳрамонлар тасвир этилади.

Адолат туйғуси ўсмирда беҳад кучли бўлади. Унинг қалби ҳали тонг ҳавосидек мусаффо, хат битилмаган қоғоздек очиқ бўлади. Бу беғубор қалб ноҳақлик қораланишини, ожизлик ҳимоя қилинишини, яхшилик ёмонлик устидан таптана қилишини, жиноят фош бўлишини, жиноятчи жазоланишини доимо талаб қилиб туради. Бу маънавий талаб, агар таъбир жоиз бўлса, баъзан физиологик ва биологик талаб даражасида кучли бўлади. Фақат бугина эмас, сирли нарсаларнинг поёнига етиш, чигал жумбоқларни ҳал этишга интилиш, ўзи яшаб турган

мураккаб ва ранг-баранг оламнинг мураккаб ва ранг-баранг сиру асроридан воқиф бўлишга интилиш ўсмир табиатининг доимий эҳтиёжидир. Ўсмирларнинг саргузашт ва детектив асарларга катта қизиқиш билан қараш сирларининг сабаблари, меннинг кузатишимча, ана шулар.

ТАНҚИДЧИ. Жаҳон адабиёти, рус ва бир қатор қардош халқлар адабиётида саргузашт, детектив асарлар муносиб ўрин олган. Лекин негадир бизда бу тур нисбатан суст ривожланган. Кейинги йилларгагина келиб бу соҳада бир оз жонланиш рўй берди.

Саргузашт ва детектив асарларга менсимай қараш, бу борадаги назарий чалкашликлар ҳам унинг йўлига тўғаноқ бўлган. Яқин-яқинларга қадар саргузашт, детектив жилдий адабиётга мансубми ёки йўқми, деган масала устида баҳслар кетар эди, саргузаштни шунчаки «олди-қочди» деб аташ касали ҳали ҳам йўқолгани йўқ. Детективни таърифлашда эса ўта кўпол чалкашликлар мавжуд. Чунончи, «Адабиётшунослик герминлари луғати»да: «Детектив адабиёт... буржуа саргузашт адабиётининг бир тури. Бу адабиёт айғоқчиларнинг мураккаб саргузаштларини ҳикоя қилувчи романлар, қиссалар ва ҳикоялардан иборатдир», - дейилади.

Конкрет асарларни баҳоланда уларда учрайдиган саргузашт ва детектив хусусиятларни камчилик деб аташ ҳоллари ҳанузгача учраб туради. Чунончи, Ҳамид Фуломнинг «Мангулик» романи ҳақидаги яхшигина бир тақризда, асар умуман, ижобий баҳолангани ҳолда, қатор эпизодларда «детективга хослик устун бўлиб қолиши» танқид қилинди.

ЁЗУВЧИ. Юрт бой бўлса, унинг бозори ҳам тўкин бўлади. Адабиёт бой бўлса, унинг жанрлари ҳам ранг-баранг бўлиши табиийдир. Бизда саргузашт ва детектив унча ривожланмаганлиги бу катта камчиликдир. Сиз айтган гапларга қўшилган ҳолда, мен бунинг сабабларини яна шуларни деб биламан. Бир донишманд киши мансаб билан улуг эмас, балки мансаб шахс билан улуғланади, деган экан. Эдгар По давридан бошлаб катта адабиёт ичида бир кўриниб, бир йўқ бўлиб юрган детектив адабиёт Конан Дойл даврига келиб шундай бир чўққига кўтарилдики, жилдий адабиёт вакилларининг кўпини довлдирагиб қўйди... Айтмоқчиманки, саргузашт ва детективнинг фидойиси бўлган ёрқин истеъдоднинг ўзи бизда етишиб чиқмайроқ турибди. Чиққанда ҳар қандай тўсиқларни мажақлаб ўтиб, бу хил адабиётнинг ҳаётийлиги ва ўзалигини исботлаб берган бўларди.

Иккинчи сабаб шуки, адабиётимизнинг мураббий ва мутасаддилари бу жанрларга ҳамон лоқайдроқ қараб келишмоқда. Марказий нашриётлар махсус редакциялар ташкил этди. Бу хил адабиёт ривожини проблемаларига бағишланиб кенгашлар, семинарлар ва пленумлар ўтганти. Биз бўлсак ҳалигача: «Агарни магарга никоҳ қилса...» деб юрибмиз. Айтмоқчиманки, минг қўшчига бир бошчи деганларидек, оз-моз бўлса ҳам раҳбарлигу раҳбарнинг турткиси ҳам керак экан-да. Ҳозир ҳам айти вақти. Уюшмамиз қошида саргузашт, детектив ва фантастик адабиётлар кенгаши, ҳеч бўлмаса, шўъбаси ташкил этиб, шу соҳага қизиқувчиларнинг бошини бир-бирига қўшиш керак.

ТАНҚИДЧИ. Сиз айтмоқчи, бу хил адабиёт ривожини учун ташкилий характердаги масалаларни ҳал этиб олиш жуда муҳим. Айти пайтда унинг назарияси, бу хил асарларнинг илмий таҳлили ҳам кечиктириб бўлмайдиган масалалардан. Боя Сиз саргузашт билан детективни бир савол остига бирлаштиришга эътироз билдирдингиз. Менимча, уларни бир-бирига зид қўймаслик керак. Детектив саргузашт бағрида гуғилиб, у билан ҳамкорликда ривожланиб келяпти.

ЎЗУВЧИ. Мен ҳам уларни бир-бирига қарши қўймоқчи эмасман, орадаги нозик тафовутни таъкидламоқчиман, холос. Саргузашт билан детектив гарчи ўзларича мустақил бўлса ҳам, уларнинг бир-бирига ўхшаб кетадиган томонлари кўп. Бу икки адабни шакли бақамти яшаётган икки аҳил қўшнига ўхшатиш мумкин. Керак бўлганда бир-бирига ёрдамга чиқади. Мушкулени осон қилади, керак бўлганда иш асбобларини бериб туради, икки хонадоннинг равнақи учун бири иккинчисига ҳамиша ёрдамлашиб туради. «Мангулик», худди ўзингиз таърифлаганингиздек, саргузашт элементларига бой бўлган детектив асардир. Шу кунгача ўзбек адабиётида яратилган шу характердаги асарларнинг энг мукаммалидир. Роман детективнинг қонун-қоидалари асосида бошланали. Детективнинг эса, менинг кузатишимча, талайгина шартлари бор. 1. Асарда албатта ижтимоий мотив биринчи ўринда туриши керак. 2. Асарнинг бошланишидаёқ жиноят ёки қотиллик юз бериши лозим. 3. Изқувар ўз атрофидагиларга қараганда ақллироқ, гидроклироқ, топқирроқ бўлиши шарт. 4. Китобхон билан изқуварнинг жиноят ҳақидаги хабардорлиги бир хилда бўлиши керак. 5. Муҳаббат, оила мотиви биринчи планга чиқмаслиги керак. 6. Изқуварнинг ўзи жиноятчи

бўлмаслиги керак. 7. Изқувар жиноятчи ёки қотилни тасодифан эмас, балки майда икир-чикирларни анализ қилиб, индуктив мулоҳазалар билан топиши керак. 8. Изқувар кроссворд жумбогини ечгандек ҳаракат қилиши шарт. 9. Кроссворд жумбогини ечиш реалистик асосга қурилиши керак. 10. Детектив асарда жиноят битта бўлиши талаб қилинади. 11. Жиноятчининг жиноятни берки-тишдаги усталиги изқуварнинг усталигидан кам бўлмаслиги керак — изқувар ақлли душман билан юзма-юз бўлиши керак... Хуллас, детектив асарларга ана шунга ўхшаш яна ўнлаб талаблар қўйилади. «Мангулик»да бу талабларга қаттиқ риоя қилинганлигини кўра-миз. Демак, детективнинг обрўйини оширадиган асарлар ўзимизда ҳам талайгина бўлиб қолди. Чунончи, Ўлмас Умарбековнинг «Жўра қишлоқ», «Ёз ёмғири», Борис Пармузиннинг «Ранго-ранг шарқ осмони» асарлари шулар жумласидандир.

ТАНҚИДЧИ. Ҳар қандай адабий шакл ҳам ўзининг бетакрор хусусиятлари, талаблари, ички қонуниятлари билан тирик. Бу, табиийки, саргузашт ва детективга ҳам дахлдор. Лекин Сиз детектив талабларида бир оз қаттиққўллик қилиб юбораётган кўринасиз: аниқроғи, Сиз таъкидлаган хусусиятлар кўпроқ Конан Дойл ва унинг анъанаси руҳида яратилган асарларга хос. Кўпчилик халқлар адабиётида детектив сюжет орқали севги, оилавий, маиший-ахлоқий масалаларни бадий таҳлил эгувчи психологик йўналишдаги асарлар ҳам бор. Уларда муаллифларни жинсий ҳодисаларнинг, фожадаларнинг психологик замини, маънавий-ахлоқий томони кўпроқ қизиқтиради. Л. Толстой, Ф. Достоевскийлар худди шу йўлдан борганлар. Бизда ҳам Сиз таъкидлаган талаблар асосида яратилган — саргузашт, детектив ҳодисалар сиёсисилиси биринчи планда турадиган асарлар билан бир қаторда психологик йўналишдаги детектив асарлар ҳам яратилган. Ҳ. Фуломнинг «Мангулик», Ў. Умарбековнинг «Ёз ёмғири», «Жўра қишлоқ» асарлари шу кейинги турнинг яхши намуналари.

ЁЗУВЧИ. Кечирасиз, мен детектив «талаблари»ни санганимда қисман уз тажриба ва кузатишларимни ҳисобга олган эдим, бошқа бирор адиб ўз тажрибаларидан келиб чиқиб детективнинг хусусиятларини бошқачароқ тасаввур этиши табиий.

ТАНҚИДЧИ. Мени бизда энди оёққа туриб келаётган детектив ва реалистик саргузаштнинг миллий ўзига хослиги масаласи кўпроқ қизиқтиради. Гарчи бизда детектив XX асрда туғилиб шаклланиш йўлига кирган бўлса-да, саргузаштнинг тарихи олис-олисларга

бориб тақалади. Халқ оғзаки ижоди - эртаклар, дostonлар, улар замирида яратилган жангномалар, ривоят, ҳикоят ва дostonлар, жумладан, Навонийнинг «Сабъаи сайёр», «Лисон ут-тайр» асарлари саргузашт турининг энг нодир намуналаридандир. Шундан бўлса керак, биздаги детектив намуналарига кўра саргузашт асарларда миллий ўзига хослик ёрқинроқ.

ЁЗУВЧИ. Тўғри, «Сабъаи сайёр», «Лисон ут-тайр» асарлари саргузашт турининг энг қадимги ва нодир намуналаридандир. «Гўрўғли» туркумига кирган халқ дostonлари-чи? Улар туркий халқлар саргузашт асарларининг энг гўзал намуналаридир. Гўрўғли султон, Авазбек ва Равшанхонлар эса ёшу қари қалбини бир хилда ром этувчи, уларнинг идеалига бир хилда мос гушувчи қаҳрамонлардир. Бизда саргузашт жанри узоқ асрлар давомида эртак шаклида яшаб келди. Масалан, «Уч оға-ини ботирлар» эртагини олинг. Қоп-қоронғи тунда аждар билан олишув, чангалзорда баҳайбат шер билан бўлган жанг, ёвуз ниятли қароқчиларнинг ўлдирилиши, хоннинг ҳарамига, канизаклар кошонасига Кенжа ботирининг билдирмасдан кириб бориши... саргузашт ишқибозларининг диққатини ўзига тортиб, юракларни ўйнатиб юборадиган воқеалар айни шулар эмасми. Бугунги кунда саргузаштга кўл ураётган адиб бу анъаналарни четлаб ўтиши мумкин эмас, уларни «миллий ўзига хослик»нинг бебаҳо сарчашмалари деб биламан.

ТАНҚИДЧИ. Ўтмишдаги ёзма саргузашт сюжетли эпик асарлар билан фольклор асарлари орасида тафовут айтарли йўқ даражада. Асричиз бошларига келиб саргузашт ривожда бурилиш юз берди, энди у реалистик йўлга тушиб ола бошлади. Ҳамза, Абдулла Қодирийнинг илк изланишлари шундан далолат беради. Қадимда, адабиётда романтизм ҳукмрон бўлган кезларда саргузаштга хос хусусиятлар - ўга шартлилик, сирли-сеҳрли фавқулодда ҳодисаларга мойиллик осонгина сингишиб кетаверган, сўз санъати ривожини реализмга кўчгандан кейин, ҳаётни реалистик акс эттириш учун кураш авж олган кезлари шартлиликка мойил адабий тур, жанр ва услубий оқимлар ривожда муайян қийинчиликлар рўй берди. Чунончи, қадимий саргузаштнинг ҳикоя қилиш тарзи баъзан ҳаётнинг реалистик картинасини гавдалантиришга монелик қила бошлади. С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари» асарида қисман шу ҳолни кўриш мумкин. Бироқ бу қийинчилик секин-аста

бартараф этила бошлади, А. Қодирийнинг «Калвак махзумнинг хотира дафтарида», Ғ. Фуломнинг «Шум бола» асарлари орқали реализм саргузашт адабиётда ҳам узил-кесил тантана қилди...

Афсуски, 20-30-йиллар ўзбек адабиётида эришилган бу тажриба кейинчалик анча вақт эътибордан четда қолди, ниҳоят, 60-йилларга келиб саргузашт, детектив адабиётнинг ўзи ҳам, уларда фольклор анъаналаридан фойдаланиш тенденцияси ҳам қайта жонлана бошлади.

ЁЗУВЧИ. Худди шу даврга келиб саргузашт асарларининг жонланиб кетишига сабаб шу бўлдики, фан ва техника инқилоби амалга оша бориши билан юртимизда маънавий ўзгариш юз берди. Диди ва талаби юксак бўлган янги китобхон авлоди етишди. Бунинг устига бизнинг болалар адабиётимизда узоқ йиллар давомида панду насихатлар асосига қурилган йўналиш жуда кучли эди (болалар шеъриятида бу нарса ҳамон давом этиб келяпти). Катталарга салом берса яхши бўлади, овқат олдидан қўлингни ювиб олсанг, ундан ҳам саз бўлади, мазмунидаги катта-кичик асарлар ҳаддан таниқари кўпайиб кетган эди. Ўзингиз ҳам биласизки, бола табиати насихатдан кўра намунага кўпроқ мойил бўлади. Натижада ҳалиги характердаги китобларни ўқувчилар камроқ ўқийдиган бўлиб қолишди. Муаллим синфга кириб, жонини жабборга бериб дарс утса-ю, болалар уни гингланмай, деразадан ўтган-кетганни томоша қилиб ўтирса ёки шериғи билан алтанарсалар ҳақида шивирлашиб, қиқирлашиб ўтирса, муаллим ноқулай аҳволга тушиб қолади. Бола олдиданги масъулиятни сезса, кейинги сафар дарсни жонлантиришга, қизиқарлироқ қилиб ўтишга ҳаракат қилади. Менинг назаримда, кўпчилик болалар алибларининг саргузашт ва детективга қўл уришининг босси ана шундан бўлди. Фольклор анъанасининг қайта жонланиши масаласига келсак, саргузашт фантазия билан тирик, фольклор эса фантазия бобида ёзувчи учун бамисоли бир қанот.

ТАНҚИДЧИ. «Сир очилди» деб атаган қиссангиз ҳам саргузашт усули ва услубида ёзилган эди. Лекин у китобхонлар эътиборини қозонолмади, танқидчилар назаридан четда қолди. Нега шундай деб ўйлайсиз? Дастлаб «Сехрли қалпоқча» номи остида эълон қилинган, кейинчалик «Сариқ девни миниб» деб аталган саргузашт асар катта довруғ қозонди. Ўзимизда бир неча бор қайта нашр этилди, рус ва қатор қардош халқлар тилларида чиқди. Бугунги кунда талай чет тилларга таржима қилинди ва қилинмоқда. Бундай муваффақиятнинг «сири» нимада деб биласиз?

ЁЗУВЧИ. Кушнинг юксак парвози учун қанот қанча зарур бўлса, саргузашт турида қалам тебратаётган ёзувчи учун фантазия ҳам шунчалик зарурдир. «Сир очилди»да турмушдаги воқеани қандай кўрган бўлсам, шундайлигича, унга ҳеч қандай ижтимоий-ахлоқий юк қўймасдан, фантазиясиз ёзиб қўя қолган эдим. «Сеҳрли қалпоқча»да эса шарқ эртаклари усулидан фойдаланган ҳолда, фантазияга кенг ўрин берганман. Эҳтимол, шунинг учундир, биринчи асар қаноти юлинган кушдек ҳаққалаб-ҳаққалаб маҳалладан нарига чиқолмади. Иккинчиси эса, парвозни баланд олиб, дунёни айланиб юрибди.

ТАНҚИДЧИ. Фақат шугина эмас. Бунинг сири, сабаблари кўп. Аввало, бу асардаги воқеалар шунчаки «олди-қочди»лар эмас. Асар қаҳрамони Ҳошимжоннинг ғаройиб саргузаштлари воситасида ҳаётнинг хилма-хил лавҳалари ҳаққоний гавдалантирилган, хилма-хил, ўта миллий характерлар яратилган, муҳим маънавий-ахлоқий муаммоларга эътибор жалб этилган. Хуллас, саргузашт «жиддий алабиёт»га хос хусусият касб этган. Айни пайтда фольклор аъёнаси бу асарга бетакрор миллий ўзига хослик бахш этган.

Асарда сеҳрли қалпоқча ҳақидаги эртақ, шу эртақдаги муҳим деталь – сеҳрли қалпоқча ниҳоятда қўл келган. Шу эртақ, эртақдаги деталь қандай ҳаёлга келиб қолди. Эслай оласизми?

Шуниси ҳам борки, асардаги асосий нарса эртақ айтиб бериш эмас. эртақ, ундаги деталь - сеҳрли қалпоқча ҳаёт ҳақиқатини гавдалантириш, воқеаларни бир-бири билан боғлаш учун бир восита. Шу билан баробар, асарни шу эртақ, сеҳрли қалпоқчасиз тасаввур этиш ҳам мушкул.

ЁЗУВЧИ. Фельетончи сифатида баъзан жиноятлар изидан ҳам борардим-у, уни фош қилолмай, ҳафталаб бош қотирардим, хит бўлиб кетардим. «Қани энди, сеҳрли қалпоқчанг бўлса-ю, кийиб, ҳеч ким кўрмайдиган бўлиб олгач, жиноятчилар орасига кириб, кирдикорларини кетма-кет фош қилиб ташлай-версанг...» дея орзу-хаёлларга берилган пайтларим ҳам бўларди. «Сеҳрли қалпоқча» сарлавҳали бир фельетон ҳам ёзганман. Кейин ўйлаб қолдим, борди-ю шу сеҳрли қалпоқчани ишёқмас, оққўнгил бир боланинг қўлига бериб, унинг саргузаштларини ёзиб, каттакон бир хулоса чиқарсам-чи, деган фикр келди бошимга... Сеҳрли қалпоқчанинг бошланиши ана шундай бўлди. Демак, мақсад, ўзингиз айтганингиздек, болаларга эртақ айтиб бериш эмас эди, албатта.

ТАНҚИДЧИ. Асарнинг иккинчи китобини ёзишга нима даъват этди?

ЁЗУВЧИ. Конан Дойл бир муддатга келиб ўз қаҳрамони Шерлок Холмсни ўлдириб қўяди. Уни қаттиқ севиб қолган кенг китобхонлар оммаси бундан норизо бўлиб, муаллифнинг қилмишини кескин қоралашади, андак бўлмаса уни судга беришгача бориб етишади. «Сариқ девни миниб»ни тугатганимдан сўнг мен ҳам ана шунга ўхшаш аҳволга тушиб қолдим. Юзлаб, балки минглаб ўқувчилар Ҳошимжон саргузаштларини давом эттиришимни қатъиян, такрор айтаман, қатъиян талаб қилиб туриб олишди... Бунинг устига менинг ўзимда ҳам ёш китобхонга айтадиган гапим ҳали кўп эди. Шулар сабаб бўлдию, иккинчи китобни ёзишга жазм қилдим.

ТАНҚИДЧИ. «Сариқ девнинг ўлими»да, гарчи бош қаҳрамон Ҳошимжон асар марказида турса-да, у шунчаки аввалги асарнинг давоми эмас. Асар услуб ва усул эътибори билан ҳам ўзгача. «Сариқ девни миниб» саргузашт асар бўлса, «Сариқ девнинг ўлими» детективнинг яхши намунаси... Саргузашт усулидан детективга кўчиш зарурияти қандай туғилди?

ЁЗУВЧИ. Ёзувчи ёзилажак асарларига шакл, услуб танлаганида, одатда қўлидаги материалнинг характери ва талабилан келиб чиқади. «Сариқ девнинг ўлими»нинг материали жиноят ва жиноятнинг фош қилиниши хусусида эди. Менинг айтмоқчи бўлганим «жиноятчилик ва тартиб бузилишини бутун халқ оммаси оёққа тургандagina таг-томири билан тугатиш мумкин» деган гапни реаллаштириш учун худди ана шундай материал керак эди. Демак, қўлимдаги материал ҳам, айтмоқчи бўлган гапим ҳам ўз-ўзидан детектив шаклини талаб қилиб турган эди. Саргузаштдан детективга ўтишимнинг зарурияти ана шу сабабдан келиб чиққан.

ТАНҚИДЧИ. «Сариқ девнинг ўлими» яна шу жиҳатдан характерлики, унда ҳам саргузашт, ҳам детектив, ҳам фантастик, ҳам сатирик асарларга хос хусусиятлар қоришиб кетган.

ЁЗУВЧИ. Саргузаштда сатирик хусусиятларнинг ёндош ҳолда келиши улкан адибларда ҳам учрайди, «Том Сойернинг бошдан кечирганлари», «Калвак махзум», «Шум бола»лар бунинг учун гувоҳ... Бир чеккаси, шулар менга йўл очган бўлса ажаб эмас.

ТАНҚИДЧИ. «Беш болали йигитча» романининг туғилишидан қисман хабарим бор. Уруш йилларидаги болалик ҳақида асар ёзишни кўндан бери орзу қилардингиз. Нега яна саргузашт ҳикоя йўлини танладингиз?

ЁЗУВЧИ. Бу кўпроқ услубга оиддир. Услуб ёзувчи ихтиёридан ташқари ички бир майлнинг талаби билан белгиланса керак. Аввалги икки романим саргузашт усулида битилган эди. Бу усул руҳиятимга хийла сингиб қолган эди. Иккинчидан, «Беш болали йигитча» романининг кўп воқеалари ўзимнинг бошимдан ўтган, айти саргузаштнинг материали эди. Услуб ёзувчи айтмоқчи бўлган гапнинг ифода формаси, яъни оҳангидир. Оҳанг ашулада қанақа гап айтмоқчи бўлганингизга қараб белгиланади. Шунинг учун ҳам «Самарқанд ушшоғи»нинг оҳанги ғамгин ҳам босиқроғу «Олмача анорингга балли» кўшиғининг оҳанги енгил ва ўйноқидир.

ТАНҚИДЧИ. «Сариқ девнинг ўлими», «Беш болали йигитча» асарларининг охирида тантанавор руҳ-устунлиги ҳақида бир вақтлар эътироз билдирган эдим. Бу эътироз хилма-хил фикр уйғотаётир.

ЁЗУВЧИ. Мен болалар ва ўсмирлар учун ёзилган асарлар албатта қаҳрамоннинг ғалабаси, тантанавор бир руҳ билан якунланиши тарафдориман. Қани, болаликда эшитган эртақларингизни бирма-бир кўз олдингизга келтириб кўринг-чи, қайси бирида қаҳрамон енгилгану қора кучлар тантана қилган? Эртақлар эса, катталар учун эмас, балки болалар учун туқилади. Ёки болалар адабиётининг энг машҳур асарларини бир бошидан эслаб чиқинг-чи, қайси бирида асарнинг бошидан-охиригача бола идеалининг тисоли бўлган ижобий қаҳрамон ниятига етолмай қолган? Бола ўз идеалининг ёвуз кучлар устидан ғалаба қилишини. «шундай қилиб қаҳрамон муроду мақсадига етибди», деган ҳукму азални эшитгиси келади. Чунки унинг руҳиятига ғамгинлик, умидсиз якун мутлақо бегонадир. Сиз, болалар адабиёти билан катталар адабиёти материаларида фарқ йўқ, балки галқинида фарқ бор, модомики шундай экан, турмуш ҳақиқати қандай бўлса шундайлигича беравериш керак, деган фикрласиз. Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», «Эрта учган турналар», «Олапар» асарларида ўсмир қаҳрамонлар ҳалок бўлгани ёки ҳалокат ёқасига бориб қолгани тасвирланган димоқчисиз. Тўғри, ўша асарлардаги воқеалар ана шуни тақозо этади. Лекин бу асарлар ўсмирлар учун ёзилмаган, балки ўсмирлар ҳаётидан олиниб катталар учун битилгандир... Шундай қилиб, мен болалар учун ёзиладиган асарларда тантанавор руҳ ҳукмрон бўлиши керак деган фикрдаман. Руҳи синиқ, ғамгин тугалланган бирон асарни болалар ўртасида шуҳрат қозонганини эслай олмайман.

ТАНҚИДЧИ. Эҳтимол бу гапингиз эртақларга, эртақлар асосида яратилган асарларга ва қисман саргузашт, детективга хосдир, лекин буни умуман болалар адабиётининг ўзгармас, қатъий қонунияти деб талқин этиш тўғри бўлмас деб ўйлайман. Болалар адабиёти, ўзингиз яхши биласиз, нуқул эртақлардан иборат эмас. Мен болаларнинг руҳини кўтарадиган, уларга ибрат бўладиган асарлар билан баробар уларни *ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати, мураккаблиги* билан таништирадиган, нуқул болалар руҳига далда берадиган асарларгина эмас, айти пайтда, уларда ачиниш, раҳм-шафқат, ҳамдардлик туйғусини тарбияладиган асарлар ҳам зарур деб ҳисоблайман. Худди шундай асарлар жаҳон болалар адабиётида бор, ҳозир ҳам яратилипти. Майли, Ч. Айтматовнинг кейинги қиссаларини бир ёққа қўйиб турайлик-да, лоақал «Том тоғанинг кулбаси»ни, «Ҳожи-мурод» ёки «Кавказ асири»ни. «Уйқу истаги» ёки «Ванька»ни, «Архип бобо»ни. А.Гайдарнинг қатор асарларини, мен ниҳоятда ҳуш кўрадиган Ю. Яковлев ҳикояларини эсга олайлик. Сиз маъқул кўрган тур асарлар билан бир қаторда бу хил асарларни ҳам, аминманки, болалар бутун вужуди билан қабул қилади, бола тарбиясида улар жуда катта роль ўйнайди. Шахсан менинг ўзим «Кавказ асири» ҳикояси билан 5-синфда ўқиб юрган кезларим танишганман. Ўша илк бор танишувдаги ҳис-ҳаяжонларимни ҳали-ҳали унутолмайман. Атоқли болалар ёзувчиси С.Михалков бир мақоласида болаларда шафқат, ҳамдардлик туйғусини тарбиялаш ва бунда сўз санъатининг аҳамияти хусусида кескин қилиб гапирган эди.

Саргузаштдаги, детективдаги тантанаворлик масаласига келсак, менимча, буни шу хил адабиётнинг қатъий қонунияти, талаби даражасига кўтариб юбормаслик керак деб ҳисоблайман. Ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам ўткир драматик, ҳатто фожиавий ҳодисалар асосига қурилган, финалда ҳам шу ўткирлик, фожий руҳни тўла сақлаб қолган асарлар кўп. Биздаги «Жўра қишлоқ», «Ёз ёмғири», қисман «Мангулик» шу турдаги асарлардан. Сиз асардаги оптимистик руҳни фақат ижобий қаҳрамонларнинг тантанаси билангина боғлаб қўяётирсиз. Ижобий қаҳрамоннинг ҳалокати, асарнинг фожа билан якунланишини ижобий куч, умуман, идеалнинг мағлубияти, қора кучларнинг тантанаси деб тушунмаслик керак. Фожа, гамгинлик билан тугаган асарларни «руҳи синиқлик»ка йўявериш, болаларни бу хил асарлардан «асрайвериш», менимча, тўғри эмас. Барча даврлардаги илғор адабиётларда бўлгани каби,

замонавий адабиётда ҳам ҳодисаларнинг кескинлигини, ҳаттоки трагик моҳиятини сусайтирмаган, бўяб-безамаган ҳолда ҳам асарга чуқур оптимистик руҳни сингдириб юбориш, ҳаётбахиликка эришиш санъати мавжудки, бу хусусият болалар адабиёти, детектив ва саргузашт асарларига ҳам тўла дахлдордир.

ЁЗУВЧИ. Демак, бу борада ҳам баҳслашадиган гаплар кўп экан.

ТАНҚИДЧИ. О. Ҳусановнинг «Тоғда ўсган бола», Л. Маҳмудовнинг эса «Қопга яширинган одам» асарлари саргузашт, детектив доирасини кенгайтиришга интилиш кучайиб бораётганлигидан бир далолат. Уларда қатор ёрқин ҳаёт лавҳалари, эсда қоладиган персонажлар бор. Бироқ асарларнинг ҳаётий замини бир оз омонатроқ. Шартли, фавқулодда ҳодисалар замирида муҳим ҳаёт ҳақиқати, ёзувчининг жиддий, ҳаётий гапи ётмас экан, кутилган натижани бермайди... «Тоғда ўсган бола», «Қопга яширинган одам» воқеалари замирида бугунги куннинг руҳи уфуриб турмайди, уларда «фавқулодда ҳодисалар» воситасида бугунги китобхонни ҳаяжонга соладиган зарур, ҳаётий ганларни айтишга интилиш етишмайди.

ЁЗУВЧИ. Тўғри, бадиий асар болалар учун ёзилаптими, катталар учун ёзилаптими, бари бир, шу куннинг муҳим бир гапини айтиши шарт. Ўз даврига хизмат қилмаган асар кейинги даврларга ҳам хизмат қилмайди, дейдилар. Оқилжон Ҳусановнинг «Тоғда ўсган бола» қиссаси чинакам саргузашт асарлар учун зарур бўлган воқеаларга бой. Асарда чиройли тасвирланган, ўқувчи қалбини ҳаяжонлантирадиган лавҳалар, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари аниқ тасвирланган манзаралар бор. Устозлардан бири, ёзувчи ҳар қанча фантазия қилиши мумкин-у, лекин ҳаёт мантиқини бузишга ҳаққи йўқ деган экан. «Тоғда ўсган бола»да ўқувчини ишонтирмайдиган деталлар кўпайиб кетган. Тоғда алашиб қолган бола бугун вужуди билан қишлоққа, одамлар ёнига таппинади. Қишлоққа яқинлашгач, бухгалтер амакининг ёмон қилиғи эсига тушиб яна тоққа - ваҳший ҳайвонлар орасига ўз ихтиёри билан қайтади. Сюжетни чўзиш учун наҳотки бундан ишонарлироқ деталь топилмаса! Болани бухгалтер хафа қилган бўлса, ахир унинг меҳрибон ота-онаси, ака-укалари, тенгқур ўртоқлари бор эди-ку!

ТАНҚИДЧИ. Моломики жиноятни, жиноятчини фош этиш детективнинг бош хусусияти экан, фош этиш учун арзийдиган ҳодиса, шахсгина детектив асарга асос бўлиши керак. Бусиз

мантиқий изчилликка, ҳаққонийликка эришиш мумкин эмас. «Қопга яширинган одам»даги жиноят ва жиноятчиларни эсланг. Мулладўст ва қопда яширинган одам Муродалилар салкам ярим асрдан бери яширин жиноий ишлар билан банд. Уларнинг коллективлаштириш, маданий инқилоб йилларидаги кирдикорларига, гарчи улар кўплаб бадиий асарлар орқали бизга таниш ҳодисаларга ўхшаб кетса-да, бир оз ишониш мумкиндир. уларнинг кирдикорлари ўқувчини қисман бўлса-да ташвиш-ҳаяжонга солади; ўша жиноятчиларнинг бугунги кундаги кирдикорлари - яширинча қурилишга панд бериши, йўл бўйидаги теракларнинг остига керосин куйиб қуритишга чоғланиши, ҳалол одамларга суиқасд уюштириши ва ҳоказолар ўқувчига бир оз эриш туюлади, аниқроғи, уларнинг жиноят тарзи, усули ўта ибтидоий, безори одамларнинг ишига ўхшаб кетади. Бинобарин, бу хил жиноят ҳам, жиноятчилар ҳам бутун бошли романда тасвирлаб, фош этиш учун арзимаيدди. Шунинг учун бўлса керак «Фантомас»даги ўта фавқулодда ҳодисаларга ишониш мумкин-у, бу романдаги ҳаётийдек туюлган воқеаларга ишониш қийин.

ЎЗУВЧИ. Шу муносабат билан бугунги ўзбек болалар адабиётида тез-тез учраб турадиган бир камчиликни айтиб ўтмоқчиман. Саргузашт, дегектив асарлар етишмаёганлигини баҳона қилиб баъзи бир адибларимиз ўз асарларини хом-хатала эълон қилишмоқда. Бундай асарларда айтиладиган гап жуда майла, бачкана, фантазия йўқ ҳисоби. Табиийки, бу ҳол ёш китобхоннинг дидини ўтмаслаштириб, эстетик завқини пасайтиради. Санъат асари ўзининг нимаси биландир ўқувчини ҳайратга солиши керак, ёш китобхонда ҳайратланиш ҳиссини ҳам тарбиялаб боришимиз керак-ку ахир! Икки марта ўқишга арзимайдиган китоб бир марта ўқишга ҳам нолойиқдир, деган гап бор.

Биз ҳам бир марта ўқишга арзимайдиган асарларнинг олдини олишимиз керак.

ТАНҚИДЧИ. Саргузашт, детектив учун энг аввал жанрбоп қаҳрамон керакка ўхшайди. Менинг назаримда, Ҳошимжон аини саргузашт, детектив қаҳрамони. Сиз узоқ вақт унинг таъсиридан кетолмай юрдингиз. Хабарим бор, «Беш болали йигитча»да ҳам унинг таъсиридан чиқиб кетолмай хўп қийналдингиз... Билмадим, саргузашт жанрига ишқи тушиб қолган адиб ҳаёлига нуқул саргузаштбоп қаҳрамон клаверадимми ёки ҳар қанақа одамлар ҳаёти саргузаштли бўлиб туюлаверадими дейман. «Конизар юлдузлари»

асарингизда ҳаётда бор донгдор одамларнинг тақдирини ҳам саргузашт усулида ҳикоя қилгансиз. Ҳозир ёзиш пайида юрган бўлгуси йирик романингизга қаҳрамон қилиб машҳур тарихий шахс Намозни танлашингиз ҳам тасодифий бўлмаса керак. Намознинг ҳаёт йўли айна саргузашт асарнинг материалидир.

ЁЗУВЧИ. Биз кўпинча, саргузашт ва детективбоп «фавкулодда» қаҳрамонларни ҳаёлан қидириб топаман деб юксакликка кўтарилиш ўрнига, «Қопга яширинган одам», «Тоғда ўсган бола» асарларида бўлгани каби, ҳаёт «икир-чикирлари» орасида ўраланиб қоляпмиз. Реал ҳаётнинг ўзида шундай аломат фактлар, фавкулодда, ҳаттоки афсонавий шахслар борки, улар ҳар қандай фантазияни йўлда қолдириб кетади. Мен «Конизар юлдузлари» устида ишлаётганимда, Намозга оид тарихий ҳужжатлар билан танишганимда шунга амин бўлдим.

Намоз ҳақидаги саргузашт роман билан баробар шу бугунги замондошларимиз ҳақидаги бир асар баёли билан бандман. Мен узоқ йиллар давомида фельетончи бўлиб ишладим. Инсоният вужудини қора қуртдек заҳарлаётган сарқитларга қарши қўлимдан келганича курашдим. Бир фельетончи блокнотига иғво, ҳасад, манманлик сингари иллатлардан нақ тўқсон тўққизтасини ёзиб, шунча нарса топганига хурсанд бўлиб, ҳамкасбини мақтанибди. Ҳамкасби: «Кел, дўстим, мен ҳам кўчириб олай», деса, фельетончи: «Йуқ, оғайни, каллангни ишлатиб ўзинг ўйлаб топиб ол!» - деб блокнотини бермабди. Шунда ҳамкасби: «Унда ўша иллатлар ёнига юзинчисини «қизғаниш» деб ёзиб қўй», - деган экан... Шунга ўхшаш иллатлар ҳани тутаганича йуқ. Ҳаётимизга қора доғ бўлиб яшаб келяпти. Ҳозир ана шу иллатлар жамулжамига қарши ҳажвий оҳангда фантастик-саргузашт асар устида ишляпман. Бу асарнинг номини «Сарқитлар қабристон» деб атайманми, ёки «Сехргарлар жанги» деб атаган маъқулми, ҳозирча бир нарса деёлмайман. Лекин ўша сарқитлар ботқоғига ботган шахсларни шунақанги бир кулгили ва аянчли аҳволда тасвирлашни ният қилиб қўйдимки, улар ўзидан-ўзи уялиб, қочгани жой тополмай қолсин.

Табиийки, мен учун жуда муҳим бўлиб туюлаётган бу ғоявий «юк»ни елкада кўтара оладиган ҳам ижобий, ҳам салбий саргузаштбоп қаҳрамонлар керак. Уларни қидириб олисларга боришнинг ҳожати йўқ, улар нақдгина шу кунги қайноқ ҳаётнинг ўзида, Сиз билан бизнинг орамызда...

1977 йил, декабр

УСЛУБ, БАДИЙ ШАКЛ МУАММОЛАРИ (Ёзувчи Шукур Холмирзаев билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Ҳозирги кунда бадий асарнинг сифати ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бадий ижодда сифат тушунчаси ғоят кенг маънони ўз ичига олади.

ЁЗУВЧИ. Сифат ҳақида ўйлаш - маҳорат ҳақида ўйлаш бўлса керак. Маҳорат — ҳар бир ёзувчининг ўзига боғлиқ, унинг таъби ва қобилиятига боғлиқ чуқур изланишлар оқибати ҳамдирки, бу изланишларнинг бошида (умумадабий меросдан узоқлашмаган ҳолда) ижодий тажрибалар —экспериментлар туради.

ТАНҚИДЧИ. Фақат шунинг ўзи эмас, тажрибалар, экспериментлар —услуб, бадий шакл бобидаги изланишлар шу тушунчанинг таркибига киради.

ЁЗУВЧИ. Бундай эътибор услубда, бадий шакл бобида изланаётган ҳар бир ҳолис ниятли ижодкорга катта далда, куч-қувват бахш этади, ижодкорнинг ўзига бўлган ишончини оширади.

ТАНҚИДЧИ. Ижодий изланишларга, шаклларнинг хилма-хиллиги, услубларнинг ўзига ҳослиги масаласига ҳамиша эътибор билан қараш сабабларидан бири шуки, шаклдаги янгилик, новаторлик ҳар доим кенг адабий жамоатчилик орасида хилма-хил фикрлар уйғотади, жиддий баҳс-мунозараларга асос бўлади. Сир эмас, кенг китобхонлар омаси анъанавий шаклларга мойилроқ бўлади, янгича ифода тарзи барчага маъқул тушавермайди. Санъат, адабиёт эса нуқул анъанавий шакллар доирасида олға қараб боролмайди. Бадий прогресс шаклда ҳам янгиликни тақозо этади. Шунинг учун бўлса керак, ҳатто анъанавийлик устувор бўлган ўрта аср шароитида улуғ Навоий қаламкашларга қарата:

*Ани назм этки, тархинг тоза бўлғай,
Улусқа, майл, беандоза бўлғай!*

леб хитоб қилган.

ЁЗУВЧИ. Қаранг, қандай дадил гап — улусқа, оммага андоза-қолипдан ташқари кўринса ҳам янгича ёз, ўзингга хос услуб билан қалам тебрат! Улуғ Навоий шунга чақиради. Аслида бадий ижоддаги энг жиддий муаммо китобхон билан умумий тил гопишда бўлса керак.

ТАНҚИДЧИ. Бадиий ижоднинг сифатини кўтариш деганда биз нуқул буни ижодкорларгагина тааллуқли масала, деб ўйлаймиз, айти пайтда бу кенг китобхонлар оммасининг савияси, эстетик диди билан алоқадор муаммо ҳамдир. Табиийки, жамоатчиликнинг адабий диди қанчалик баланд бўлса, юсак бадиийлик, бинобарин, ижодий изланишлар учун шунчалик кенг йўл очилади. Жамоатчиликнинг эстетик диди, адабий тафаккурини шакллантириш ва кўтаришда адабий танқидчилик, ёзувчилар билан бўладиган баҳс-мунозара, қолаверса, ёзувчиларнинг бундай баҳсларга иштироки, аралашуви муҳим роль ўйнайди.

Адабиёт тарихидан шу нарса яхши аёнки, реалистик насрнинг туғилиш, шаклланиш пайтида унинг ижодкорлари халқнинг, аниқроғи, кенг меҳнаткаш омманинг ўша даврдаги завқи, савияси, адабий дидини ҳисобга олиб иш кўрганлар. Ҳамза билан Абдулла Қодирий буни аниқ-равшан қилиб айтганлар. Ўша давр адабий тафаккурини ва тажрибасини кузатганда характерли бир ҳодиса — жараёнга дуч келамиз. Чунончи, Абдулла Қодирий, бир томондан, халқнинг завқи, дидига қараб иш кўрганлигини, асарларини уларга мослаб ёзганлигини айтади, иккинчи томондан, халқимиз рағбатини мумкин қадар «янгиликка тортай дер эдим», дейди.

Кенг китобхонлар оммасининг билим савияси, эстетик диди кўтарилиб бораётган ҳозирги шароитда бу масала алоҳида ақтуаллик касб этмоқда.

ЁЗУВЧИ. Бу гапингиздан иккита нарсани англадим: «Ёзувчи китобхоннинг савияси даражасида ижод этгани маъқулми ёки уни ўзига эргаштириш даражасида ижод этгани аъломи?»

Шахсан мен китобхонни бир ёққа торта билган, унинг дидига мўлжаллаб — унга асарини нима қилиб бўлса ҳам ёқтириш мақсадида эмас, ўша дидни бир баҳа бўлса-да кўтариш ниятида тер тўккан ёзувчиларни севаман ва ўшларнинг китобхони бўлишни орзу қиламан.

Бу хил ёзувчиларни тарихда кўп кўриш мумкин. Узоққа бормасдан, Пушкин насрига ва замондошлари уни қандай қабул қилишига эътибор этайлик. Пушкиннинг ҳали насрда қалам тебратмаёқ наср ҳақида ёзган мақолалари ёдингиздами? Уларда даҳо шоир, «бизда китобхон очиқ-яланғоч насрни тушунмайди! Аттанг!» деб нидо чекади. Чунки ўшанда кенг рус китобхон доиралари Карамзин ва Жуковский сингари сентиментал-романтик

услубда ёзадиган, «осмонни қора булут тўсиб олган эди» дейиш ўрнига, ҳўрсиниш билан «кўқда юлдузлар кўринмайди», «куз тушган эди» дейиш ўрнига, «булбулларнинг сайраши ҳам эшитилмайди» деб ёзадиган ёзувчиларнинг асарларини хуш кўраб – улар диди ҳам шу хил асарларга мослашган эди.

Пушкин насрда ҳоким бўлган бу йўлни шартта рад этиб, ўзи орзу қилган «очиқ, яланғоч йўлда» қатор насрий асарлар яратди: «Дубровский», «Белкин қиссалари», «Капитан қизи»... Бу асарлар ўша ондаёқ китобхонларга манзур бўлдимиди? Манзур бўлгани ҳақидаги факт адабиётда йўқ. Бироқ... орадан сал вақт ўтгач, рус адабиётида Гоголь, Тургенев, Толстой сингари даҳолар етишиб чиқдики, уларнинг ҳар бири ҳам Пушкинни ўзларига «устоз» деб билди ва унингдек ёзишни орзу қилди. Шуниси қизиқки, энди рус кибор китобхони ҳам бу улкан даҳоларнинг асарларини севиб ўқий бошлаган эди.

Хўш, шу ўрнида бир савол туғилади: Пушкин ўшандоқ ёзмаганда, яъни... замондош китобхонлари дидига мослаб ёзаверганда нима бўларди?

Мен Пушкинни «рус адабиётининг отаси» дебгина эмас, унинг жонкуяри, мураббийси, қолаверса, ҳақиқий рус ватанпарвари деб ҳам биламан ва ҳамма вақт бундоқ ёзувчилар қаршисида муҳлисона таъзим қилиб юраман.

Энди, ўзимизга келсак, бизда ўзбек прозасининг тараққиёти рус адабиёти, насри тараққийсига сира ўхшамаганидек, Абдулла Қодирийимизнинг халқ дидига мослаб ёзгани ва айни чоғда уни янгиликка тортиш истаги ҳам ўзига хосдир.

Шарқда наср йўқ эди, деган гапга мен сира қўшилмайман. **ТАНҚИДЧИ.** Бир вақтлар шунақа бир ёқлама қараш кенг тарқалган эди, у аллақачон рад этилган.

ЁЗУВЧИ. Яхши. Шарқда, жумладан, баъда ҳам наср бор эди, лекин у ўн тўққизинчи, йигирманчи асрда яратилган реалистик насрлан фарқ қиларди: айтиш мумкинки, у кенг-эпик тасвирлардан, конкрет характер, ўзига хос образлар тасвиридан ҳар қанча узоқ бўлса-да, умуминсонийлиги – донишмандона наср бўлгани ва ҳамон шундай бўлиб қолаётгани билан бизга қадрлидир.

Демак, адабиётимизда илк реалистик наср намуналарини яратиб берган ёзувчи Абдулла Қодирий ана ўша адабий меросдан хабардормидилар? Шак-шубҳасиз! Иккинчидан, шарқда шърийят

шу қадар тараққий этган ва ғарбнинг дохий шоирларини ҳам шу қалар мафтун этиш даражада эдики, Абдулла Қодирийдек зако бир шахс бу борада ҳам ўз меросидан бебаҳра қолмаган эди! Учунчидан, Абдулла Қодирий XX асрнинг бошида яшади. Бу даврда Ўрта Осиё ва Закавказье, у ёғи татар адабиёти, нариёғи – араб мамлакатлари адабиётида ҳам тўлақонли наср асарлари яратилиб қўйилганди. Қодирийнинг ўзи таъкидлашича, у татар адабиёти, озар адабиёти, ҳаттоки араб мамлакатлари адабиёти, аниқроғи, насридаги энг яхши намуналар билан таниш, ҳатто таниш бўлибгина қолмай, ундоқ асарларнинг қай йўсинда яратилгани, унинг психоний сирлари устида узоқ ўйлаб, маълум бир хулосаларга келган эди. Қолаверса, у мумтоз рус адабиёти намуналари билан ҳам яхши таниш эди!

Демак, Абдулла Қодирий қандайдир даражада ўз замондошлари – китобхонлари дидидан анча юксалиб кетган эдики, санъаткоримиз орқа-ўнгига қарамасдан «ёзиб юборганида», унинг асари замондошлари учун хийла тушуниксиз бўлиб қолиши турган гап эди. Шунин билгани учун ҳам у киши танқидчи Сотти Хусайн билан «Шарқ ҳақиқати» газетаси саҳифаларида мунозара қилганида, «мен ахир Оврўпа модерн услубида ёзмадим», дейди. Лекин Қодирий шундай бир ўрталикни топиб, қалам сурдики, ҳозирда ҳаёт бўлган унинг замондошлари «Бизнинг руҳимизда инқилоб ясади!» дейишганда, биз шубҳа қилмаймиз. Дарҳақиқат, Қодирий асарлари ўша вақтларда чойхоналарда, гурунглarda, ганча атрофидаги суҳбатларда ўқилган.

Шу ўринда яна битта нуқтани таъкидламоқчи эдим: агар ўша китобхонлар ўзларининг ўтмиш адабий меросларидан хабарсиз бўлганда, икки гапнинг бирида Саъдийдан, Бедилдан ё Навоийдан баит ёхуд ҳикматлар айтиб, фикр баён қилиш даражасида бўлмаганида, қолаверса, улар табиатида донишмандликка ихлос, дунёвийликка эътиқод бўлмаганида, мен ўйлайманки, Қодирий насри уларни бу қалар мафтун эта олмас эди.

Жойи келди, Қодирий асарларидаги яна битта фазилатни алоҳида таъкидлашни истар эдим: унинг қаҳрамонлари орасидаги мулоқот диалогларни эсланг! Битта сўзини ўзгартириб бўладими? Ёки ўқиб туриб зерикаш мумкинми? Ёки бўлмасам, бирон диалогда воқеага алоқасиз (психология ва реал кўрсатиш мулоҳазаларига бориб) айтилган пала-партиш гапларни учратиш мумкинми? Йўқ.

Қодирийдаги диалогларни шундоқ саҳнага олиб чиқиб қўйиш мумкин. Актёрлар лаззатланиб ижро этишади. Шундандирки, «Ўткан кунлар» экранга кўчирилганда, сценарист ёзувчилар санъаткоримизнинг диалогларини деярли ўзгартирмаганлар. Кино санъати билан наср санъатининг ўзига хос хусусиятларидан хабардор кишилар бу ҳол нечоғлиқ тансиқ ҳол эканига имон келтиришар!

Дарвоқе, ёзувчимизнинг замондошлари унинг асарларини суюб-суюб ўқишларига шу нарса ҳам битта сабаб бўлмаганмикан?

Энди, бошқа бир нарсани ҳам эслатмоқ керак: ўта реалистик йўлда (натуралистик йўлга яқин ёзилган) асарларни ўқиб ўрганган бугунги чет эл китобхони ўша диалогларни қандай қабул қилар экан? Фаҳмимча, сал ҳайратланиб қабул қилса керак. Фаҳмимча, «анча ақлли-я булар», деб қабул қилса керак ва бунинг сабабини ёлғиз ёзувчидан кўришса керак.

ТАНҚИДЧИ. Ёзувчи услубига хос романтик безакдорликни «бадий заифлик»ка йўядиган кишилар ҳам топилади ва бунда улар Қодирий қандай шароитда ижод этганлигини, қанақа китобхонларга мўлжаллаб қалам тебратганлигини, бинобарин, ёзувчи услубини шакллантирган объектив шароитни етарли ҳисобга олмайдилар.

ЁЗУВЧИ. Ҳозирги кунда ўзбек насри жуда ўсиб кетди. Демак, китобхонларимиз диди ҳам Қодирийга замондош бўлган китобхонлар дидидан ҳар қандай баланд (бу табиий ҳол). Чунки булар ўзларининг она адабиёти намуналарини ўқиб қолмай. Пушкин отаси ҳисобланган рус мумтоз адабиёти дурдоналари билан ҳам, у ёқда – тарблаг илҳом тараққийпарвар ёзувчилар ижоди билан ҳам яхши таниш.

Масала шундоқ экан, бугунги кун ёзувчиси, шубҳасиз, фақат ўз адабиёти тажрибаларига суяниб қалам тебратиши мумкин эмас. Бир замонлар жуда кенг-бепоён бўлган олам бугунги кунда анча кичкина экани маълум бўлиб қолганидек, бугунги ўзбек китобхони «дунё ўндовлари» билан бадий асарга баҳо берадиган бўлибдими, биз уларни алдаб, ўзимиз ожиз бўлсағу улар лидини ўз қоллипимизга солиб баҳоламоқчи бўлсак, ёмон иш қилган бўламиз.

Умарали ака, мен китобхонларимиз деганда «велосипедни қайта ихтиро қилган» кашфиётчини ҳам кўкка кўтарадиган, савияси ўртача китобхонни кўзда тутмайман. Унақаларга «Тошкент осмони ғуборли эди», дейиш ўрнига «Тошкент

осмонида юлдузлар кам эди» ёхуд «Ўрдадаги анҳор шовулламайди», дейиш ўрнига «анҳор шовуллайди!» деб ёзилган асарларни берсангиз қайтага жон-жон деб ўқийди, сентиментал-романтик ҳаёлларга чўмади.

Замондаги ўзгаришлар, наср ва умумкитобхон диди, савиясидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, бугунги ёзувчининг тажрибасиз китобхонга эргашиб асар ёзишга ҳаққи йўқ, дейман.

Шуниси ғаройибки, адабиётимизда ана ўша китобхон даражасида фикрлай олмайдиган ва савияси ундан ҳам паст бўлган ёзувчилар ҳамон бор.

ТАНҚИДЧИ. Адабиётимизнинг катта авлоди зиммасига улкан вазифа тушган эди. Улар миллий адабий заминда туриб, рус ва жаҳон реалистик адабиёти тажрибаларига таянган ҳолда, ўзбек адабиётида янги миллий-бадий шаклларга асос солиб бердилар. Адабиётимизнинг кейинги авлоди бу анъаналарни давом эттирди, сайқаллиштирди, кўп янги фазилатлар билан бойитди. Ҳозирги ёш авлодга ҳам қийин, ҳам осон. Осонлиги шундаки, эндиликда бой барқарор реалистик тажриба бор; қийинлиги шундаки, уларнинг анъанани янгилаши эса осон эмас.

Ҳар қалай ҳозир шу мушкулликни ҳал этишга астойдил интилиш бор. Сизнинг тенгдошларингиз ижодида мен услуб, бадий шакл бобида икки хил тенденцияни кўраман: бир гуруҳ ҳамкасбларингиз, сиртдан қараганда, анъанавий йўлдан бораётгилар, аниқроғи, шаклаги мавжуд анъаналарини ичдан янгилашга, уларнинг янги имкониятларини очинга, ўзларининг бетакрор бўёқлари, ўз интонацияларини олиб киришга интилоқдалар. Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоевлар ижодида шундай. Бошқа бир қисм ижодкорлар эса насримиздаги мавжуд ифода тарзидан ўзгачароқ оҳангда сўзлашга, насрда янги поэтик нормалар яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Учкун Назаров, Нёъмат Аминов ва Сизнинг асарларингизда шу нарса яққол кўринмоқда. Бу ҳол қизгин баҳсларга сабаб бўлмоқда.

ЁЗУВЧИ. Гап бугунги насримиз, ундаги услубий ва шаклий изланишлар масаласига келиб тақалаяпти. Бунинг устига, менга тенгдош-қадамдош бўлган бир неча ёзувчиларнинг номларини тилга олдингиз.

Шу нарса сир эмаски, биз қандайдир сабабларга кўра, эркаланиб кетганимиз учунми ё вақтида баъзи танқидчилар билиб-билмай мақтаб юборганлари бунга сабабми, ёки ўзи

ёзувчи табиатида «шуҳратга, мақтовга» интилиш бўладими, оддий гурунгларда ҳам битта тенгдош қаламкаш асари ёки изланишлари ҳақида андак ёқмайдиганроқ қилиб гапирсак, ўрнимиздан сапчиб тургудек бўламиз. Жилла қуриса, ичимизни ит тирнаб: «Нега бундоқ деди-я, менда нима хусумати бор экан?» — деб юрамиз. Шуниси ёмонки, қулай фурсат келганда, ана ўша «танқид қилган» тенгдошимизни ўйиб-ўйиб оламиз. Бу киборона мешчанликка аллақачон чек қўйишимиз ақлдан бўлса-да, бу ҳол ҳамон «муваффақиятли» давом этмоқда.

Сиз номларини санаган ёзувчилар тўғрисида бу фикрни айтишдан узоқман. Мен уларнинг деярли ҳар бири билан дўстман, деярли ҳар бири билан борди-келдимиз бор. Булар ҳали айтганларимга сира ўхшамасликлари учун ҳам изланмоқдалар. Ўз лиди, қобилияти даражасида яхши асарлар яратмоқдалар.

Дўстларим ҳақида, битта-битта гапиралиган бўлсам, сўзни ўлмас Умарбековдан бошлагим келади. Умарбековнинг ижоди шундайки, унинг услубий ё шаклий изланишлари ҳадеганда кўзга ташланавермайди. Анъанавий ёзиш усуллари ҳам, янгича қалам тебратиш йўллари ҳам бу ёзувчида омихта бўлиб кетади. Ўткир Ҳошимов ижоди ҳақида ҳам шу маънода гапиришим мумкин. Лекин бу қаламкашдаги услубий изланишлар бевосита ёзиш тарзида аке эгмаётгандек кўринса-да, мен унинг ҚАҲРАМОН танишида кўриняпти, дейман!

Ўткирнинг дастлабки асарларида кўпинча юмшоққина, майингина қиз ёхуд йигитчаларни кўрардик. Кейинги асарларида бўлса, хийла совуққон, ўзига хос жиддий, жойи келганда бир сўзди, ҳатто полвон йигитларни кўрамиз. Алимардонни эсланг, «Нур борки, соя бор»даги Шерзодни эсланг.

Нега бундоқ бўляпти? Ўткирнинг табиати ўзгариб қолдими? Ё китобхонларнинг диди шундоқ қаҳрамонни талаб этияптими? Ёки гарб адабиётидаги баъзи кучли, камгап қаҳрамонлар таъсирими бу?

Фаҳмимча, буларнинг ҳар бири ҳам Ўткир ижодига таъсир этган. Шунинг учун ҳаётни шафқатсиз, ҳолис кўз билан кўриш ва шундоқ тасвирлаш истаги унда секин-аста ғолиб келяпти. Тўғри, Ўткир «шафқатсиз, ҳолис кўз билан кўриб тасвирлаш» деган фикрга, «САМИЙ» тасвирлаш керак, деган гапни ҳам қўшади. У бу сўзни кейинги вақтда айрим мақолаларида ҳам, радио, телевизорда чиққан пайтларида ҳам кўп-кўп такрорлайди.

Шу ўринда битта мулоҳаза бор. Кўпгина қаламкашларнинг «самимий тасвирлаш керак» деган сўзлари менга ғалати, ҳатто шубҳали туюлади. Ўзингиз ўйланг, ёзувчи бирон мавзунини олиб, қандайдир қаҳрамонлар йўналган мақсад сари қалам тебратди. У нега бу ишни қиляпти? У китобхонга нимадир демоқчи, унга ўзи учун азиз муқаддас бўлган бир нималарни айтмоқчи, пироварди, унга бир нима бермоқчи, унинг маълум бир масалага муносабатини ўзгартирмоқчи ёки ўша масалага янгича назар билан қарашни истаб шу ишни қиляпти. Бу ёзувчини носамимий дейиш мумкинми? Ёхуд баъзи ўртоқлар «самимият билан тасвирлаш» деганда, ижобий қаҳрамонни жуда суйиб, ўрни келганда, ялаб ва энг мақтов, гўзал сўзларни унга нисбатан қўллаб ва, аксинча, салбий қаҳрамонга кучли нафрат билан қараб, фақат хунук сўзларни унга нисбатан қўллаб тасвирлашни тушунадилар. Йўқ, Умарали ақа, мен бу фикрга қўшилмайман: бу ҳол, биринчидан, ҳаётни ҳолисона тасвирлаш йўлини бузади, Иккинчидан, ёзувчининг позицияси китобхонга дарров маълум бўлиб қоладики, бу ҳам менга унча ёқмайди. Менинг бу борада фикрим шундай: асар охирида ёзувчи нима демоқчи? Асар қандай тугайди? Қаҳрамонларнинг (ёзувчи аралашмаган ҳолда) ўзаро муносабатларидан келиб чиқадиган маъно қандай? Ана шу саволларнинг жавоби — ёзувчининг мазкур масалада позициясини белгилайди. Агар унинг асаридан инсонларга фойдали бир гап чиқса, жанобларининг улуғ самимияти ҳам ана шунда бўлади!

Тўғри, бундоқ ҳолис ва шафқатсиз йўлда ёзилган асарлар маҳорат масаласида оқсагани учун баъзан китобхонларга етмаслиги мумкин. Лекин шунга қараб «бу ёзувчи носамимий ёзади» дейиш ақлданми?

ТАНҚИДЧИ. Самимийликни шу хилда тушунадиган ва галқин қиладиганлар ёзувчилар орасида ҳам, танқидчилар ичида ҳам бор. Бироқ Ўткир Ҳошимов тасвир самимийлигини ҳодисага, қаҳрамонга муносабатни ошкора изҳор этиш деб жўн тушунмаса керак, деб ўйлайман. Ў.Ҳошимовнинг самимийлик ҳақидаги қарашида мен бошқа бир бир ёқламаликни сезаётirman; у самимийликни нақ бўлмаса бадийликнинг бирдан-бир олий ўлчови даражасига кўтариб юбораётир. Бир вақтлар мен ҳам шундай фикрда эдим, самимийликни, ҳаётийликни маҳорат мезони деб ёзган эдим. Кейин ўйлаб қарасам, ҳаётийлик реалистик тасвирнинг муҳим белгиси, илк шарт, талаби экан-у, бирдан-

бир мезони эмас экан. Фақат самимийликнинг ўзи билангина узоққа бориб бўлмаслигини адабий тажрибанинг ўзи кўрсатиб турибди. Биз ҳаётий, самимий тасвир этилган, бироқ анчайин жўн, бетаъсир асарларни ҳам кўплаб ўқиётирмиз.

ЁЗУВЧИ. Гап Ўткир Ҳошимов услуби ҳақида эди. Ў. Ҳошимовнинг ижодида кучли, жиддий қаҳрамонлар пайдо бўляпти. Мен бу ёзувчи дўстимни кузатиб, ижодини ўзимча таҳлил этиб юрган қаламкаш сифатида шуни дадил айта оламанки, Ўткирдаги услубий изланишлар унинг қаҳрамон танлашида акс этмоқда. Бу фикрим изоҳга муҳтож: асарда қаҳрамон кучли бўлса, айтилик, Алимардон ёки Шерзод сингари бир қадар бетакаллуф бўлса, ёзувчи қаламида қандай ўзгариш содир бўлади? Шубҳасиз, қалам ҳам ана ўша қаҳрамон ҳолати ёхуд характери, ҳаракатларини ёзаётганда, анча «бетакаллуф, ҳатто камгап» бўлади. Бу ҳолни ёзувчининг ҳали тилга олинган икки асарида яққол сезиш мумкин!

Шуниси қизиқки, Ўткир Ҳошимов ана ўша қаҳрамонлар ҳолатини битаётганида, ўзи айтганидек, «самимий»ликдан узоқлашган ўринларини ҳам пайқаш мумкин.

ТАНҚИДЧИ. Ўткир Ҳошимовнинг кейинги асарларида кучли, мардона характер пайдо бўлганлиги ва бу ҳол унинг услубида ҳам қандайдир ўзгариш ҳосил этгани — сентименталликдан холи бўлиб бораётгани хусусидаги фикрларингизга тўла қўшилиман. Бироқ, менимча, Ў. Ҳошимов қаҳрамонларига муносабатини ошқора изҳор этиш принциpidан чекингани йўқ; тўғри, «Баҳор қайтмайди», «Урушнинг сўнги қурбони», асарларида бир қадар «объектив тасвир»га мойиллик кучайган эди. «Қалбингга қулоқ сол», «Нур борки, соя бор» асарларида эса яна уша ўзининг лирик услубига қайтди. Хусусан, «Нур борки, соя бор» романида ёзувчи муносабатини аввалгидан ошқорароқ изҳор этиш йўлига ўтган. Буни нур тимсоли Шерзод, ҳаётдаги соялар рамзи Сайфи Соқиевич, Сирожиддин, раис образлари талқинида яққол кўриш мумкин. Агар ёзувчи буни, Сиз айтгандай, самимийлик шиори остидагина қилган бўлса, маълум даражада янглишган.

ЁЗУВЧИ. Учкун Назаровга келсак, мен бу таланти ижодкорда Сиз ўйлаган услубий изланишларни кам кўраман. Кўрганда ҳам изчил эмас. Мақолаларингизда эслатганингиздек, у гоҳ сценарий йўлида ёзса, гоҳ ўта анъанавий йўлда ёзади. Унинг «Шарқ юлдузи»да 1976 йили чиққан «Осойишталик» ҳикояси билан тўртта новелласининг ёзилиш тарзини қиёслаб кўринг-а!

Бунинг сабаби нимада? Ижодга изчил муносабатда эмасликда бўлса керак.

Неъмат Аминов ҳақида гапирганда, ҳамма вақт эсимга битта ақлли адабиётшуноснинг сўзи тушади. У, «услуб ёзувчининг ўзи», деган эди. Аминов нималарни ўқиган, қандай ҳаёлларга борган — яхши билмайман. Билганим шуки, унинг илк тўплами «Икки пуллик обрў» деган илк ҳикоялари қандай тарзда ёзилган бўлса, энг сўнгги ҳикоялари ҳам шу тарзда ёзилапти.

ТАНҚИДЧИ. Бу ҳол маълум даражада монотонликни келтириб чиқаряпти. Биз танқидчилар ўз «услубига содиқлик» иборасини хуш кўрамиз, бир умр услубига содиқ қолган ёзувчилар номига доимо таҳсин айтамиз. Ёзувчининг индивидуал услуби ҳам қотиб қолган нарса эмас, у такомиллашиб бориши, ҳаттоки жанр, ҳаётий материал, давр тақозосига кўра тамомила ўзгариб кетиши ҳам мумкин. Н. Аминовнинг кейинги йирик асари «Елвизак»ни олиб кўринг. Бу — ёзувчининг йирик жанрдаги илк тажрибаси. Асарнинг сюжети кўп тармоқли, ундаги персонажлар ҳам хилма-хил. Афсуски, ёзувчи илк ҳикояларини қайси оҳангга ёзган бўлса, бу йирик асари воқеаларини ҳам деярли шу хил оҳанг, шу хил бўёқларда ифода этади. Бу ерда ўз «услуби»га ўта содиқлик ёзувчи учун у қадар фойда келтирмаган.... Асар мавзу-материали шакл-шамойили муаллифдан ўзгачароқ тарзда сўзлашни тақозо этиб турибди-ю. муаллиф, негадир, уни эски, тайёр куйга солишга тиришади.

ЁЗУВЧИ. Яна бир тенглошим ҳақида икки оғиз гапирсам. Худойберди Тўхтабоев болалар учун ёзади. Болалар учун ёзиш катталар учун ёзишдан ҳам қийинлиги эътиборга олинса, бу ёзувчи ҳақида махсус мақола битишга тўғри келади (Лекин қизиқ, Худойберди аканинг табиатида ўзи қандайдир мўъжаз, яхши маънода болалик бор).

ТАНҚИДЧИ. Бадний шакл ва услубнинг шаклланишига бир неча омиллар, чунончи, ёзувчи қалбини мафтун этган ўз миллий адабиётидаги, қардош ва жаҳон халқлари адабиётидаги алломалар ижоди, тажрибаси, адиб яшаган давр эҳтиёжи, халқ завқи, диди, адабий муҳити таъсир кўрсатади. Айни пайтда биз адабиётшунослар у қадар старли эътибор бермайдиган яна бир муҳим омил бор. Мен ёзувчининг шахсиятини, табиатини, у туғилиб вояга етган географик муҳит колоритини назарда тутяпман. Биз ёшларни кўпинча бадийят, маҳорат бобида устозлардан ўрганишга даъват этамиз-у, ўзининг қалбига ҳам қулоқ тутиб кўриш. «Ўз

ихтиёрига қўйиб бериш», ҳақиқий маънодаги «ўзлигини топиб олиш» лозимлигини баъзан унутиб қўямиз. Яширадиган жойи йўқ, табиатида юмор туйғуси бўлмаган қаламқаш баъзан юмористик асар ёзишга, лирик кайфиятлардан, ҳиссиётчанликдан йироқроқ ёзувчи эса лирик тасвирга интилади ва ҳоказо. Ўз овози, ўз нигоҳи қолиб, бошқалар овози билан гапиришга, ҳаётга ўзгалар нигоҳи билан қарашга мойил ёшлар ҳам учрайди. Услубда Абдулла Қодирийга, Абдулла Қаҳҳорга, Саид Аҳмадга эргашиб ёзишга интиладиган ёшларни кўп учратганман. Бу ёзувчиларга услуб жиҳатдан эргашиш учун қаламқашнинг ўзида табиатан уларга яқинлик бўлиши керак деб ўйлайман, акс ҳолда, бундай «эргашиш» ҳамиша муваффақиятсиз чиқади...

Гап маҳаллий колорит устида кетяпти. Сизнинг бетакрор услубингизнинг шаклланишида, менимча, Сурхон колоритининг роли жуда катта. Сизнинг асарларингизда мен географик муҳит, маҳаллий удумлар, урф-одатлардан ташқари Сурхон одамларининг бетакрор сўзлаш тарзини, гап оҳангини ҳам сезиб тураман. Мен Сурхондарёда кўп бўлганман, сурхондарёликлар табиатини озми-кўпми кузатганман. Улар, айтишлик, фарғоналикларга хос сертакалуфликни унча хуш кўрмайдилар, фикрни ортиқча безаксиз тўппа-тўғри айтиб қўя қоладилар. Шу хусусият ҳайратда қолар даражада Сизнинг услубингизга кўчган. Бир вақтлар айрим ўртоқлар сизнинг услубингизда ғарбнинг таъсирини қидирган эдилар, эҳтимол, бунда ҳам қисман асос бордир, лекин мен бу услубнинг асосий замини маҳаллий колоритда деб биламан. Худди шунингдек, Неъмат Аминов ўзбек сатирасига бухороликлар кулгисини олиб кирди ва шу билан ўзига хос услуб яратди.

ЁЗУВЧИ. Сиз ёзувчи услубининг шаклланишидаги энг муҳим бир омилни жуда тўғри айтдингиз (илгари бундай мулоҳазани ҳеч бир танқидчидан эшитмаганман). Агар Сизнинг фикрингизга қўшимча қиладиган бўлсам, Михаил Шолоховни эслайлик, дейман. Мен бу титан ёзувчи ижоди, унинг дунё танқидчилари ҳам тан олган бетакрор услуби тўғрисида кўп ўйлаганман. Лекин шуниси қизиқки, Шолоховнинг ўзи ёзган мақолаларда на услуб, на шакл ҳақида бир калима сўзни ўқимаганман. Ана шу нарса ҳам мени ҳайрон қолдириб, қўшимча изланишларимга сабаб бўлган. Ниҳоят, бу ёзувчи услуби тўғрисида нима фикрга келдим? Шолоховнинг етмиш йиллигини нишонлаш кунларида «Ўзбекистон маданияти»да чиққан мақоламда, «хуллас, бу улуг

ёзувчи ўн саккиз ёшида қай йўсинда ёзган бўлса, олтмиш ёшида ҳам шу йўсинда ёзган экан», деган фикрни айтиб элим. Ҳамон шу фикрдаман. Бу кузатиш Сизнинг ёзувчи услубида маҳаллий колоритнинг муҳим аҳамияти борлиги тўғрисидаги нозик кузатишингизни тасдиқлаш учун қўшимча мисол бўла олади.

Энди ўша улуғ зот ҳақида бир дақиқа хаёл сурайлик. Шолохов – казак. Казаклар тарихда қандай табиатли, феълу атворли кишилар бўлгани ва бунга туб сабаблар борлиги ўзингизга яхши маълум. Мен казакларнинг жанговарлик хусусиятларини ўзимизнинг туркий уруғлардан фақат лақаёларга ўхшатаман. Маълумки, амир замонида лақаёлар Россия империяси учун казаклар бажарган ишларни бажарганлар... Шолохов ана ўша казак элининг фарзанди! У бағри кенг, бепоён дашт фарзанди! У уруш кўрган, ўлим кўрган, болалигидан яроғни қўлига олган фарзанд!

Энди, шундоқ фарзанддан чиққан ёзувчи – улуғ истеъдод эгаси қай усулда ёзуви мумкин? Мен рус адабиётида ҳам ҳозирги кунгача Шолохов сингари бешафқат наср ёза олган ёзувчини билмайман.

Бундоқ мисолдан кейин ўзим ҳақимда гапиришим ўринсиз. Лекин биз мулоҳоза юритяпмиз. Шунинг учун икки оғиз сўзлашим мумкин.

Дарҳақиқат, Сурхон э.и. айтишлик, фарғоналикларга қараганда анча бетакаллуф келади ва худди шу хусусиятга эга бўлган кишиларни ўзларига яқин олади. Бу – бир. Иккинчидан, мен Бойсун туманида туғилганман. Бойсун – тоғлик жой. Ўн икки ёшимда ўзим ёлғиз ми тик қўтариб овга чиқиб кетардим. Сўнгра, бу ерда яширишнинг ҳожати йўқ; қайсарроқ эдим. Бир-икки марта мактабдан ҳайдалишимга ҳам оз қолган. Лекин битта нарсани яхши кўрардим: масаланинг... моҳиятини тушунишни.

Мана, ўзингиз биласиз, ўтмишу ҳозирги замон адабиёти – ёзиш усулларини бир қадар урганиб, ўз йўлимни-топиш устида кўп ўйладим. Сизга очиқ айтаман, асарларим баъзиларга манзур бўлмаган эса-да, умримнинг кўпи ана ўша асарларни қандай ёзиш кераклиги устида кечди. Мен бундан сира ўкинмайман. Зероки, ҳозир ҳам ўзимни изланишда деб биламан. Кун ора услубимга қўшиш имкони бор бўлган битта-яримта янгилик топаман. Бу изланиш ҳатто нуқта, вергулни қаерга қўйиш борасида ҳам бўлади.

Энди гап маҳаллий колоритни асарда қандай акс эттириш устида кетса, бу тўғрида аллақачон келиб қўйган ақидам бор:

маҳаллий колорит деганда, айтайлик, областларимизнинг ўзига хослигини тасвирлаш деганда ёзувчи бениҳоя эҳтиёт бўлуви керак. Шунинг учунки, биринчидан, ўша маҳаллий шароитни Ўзбекистонимиз «колорити»дан ажратиб қўймаслик керак. Бу жуда муҳим — принципиал масала. Ўша шароит одамларини тасвирлаганда ҳам уларга ўта маҳлиё бўлиб кетиш ярамайди — зеро улар ҳам катта ўзбек халқининг бир бўлаги (Иложи бўлса, маҳаллий шароитни тасвирлаш ва ўша шароит одамларини тасвирлаш орқали бутун Ўзбекистонга татигулик — унинг эллари ва элатлари учун муштарак бўлган туйғуларни биринчи планга чиқариб тасвирлаш лозим).

ТАНҚИДЧИ. Масаланинг бу томони ҳам бор. Маҳаллий колоритга ортиқча маҳлиё бўлиб кетиш ҳам ярамайди. Асарда маҳаллий колоритни ифода этиш бирдан-бир мақсадга айланиб қолмаслиги лозим. Шундай ҳол Омон Мухторда, баъзан Неймат Аминовда ҳам юз бераётир.

ЁЗУВЧИ. Неймат Аминов ёки Омон Мухторов! Бухоро колоритини яхши билишади ва уни баҳоли қудрат адабиётга олиб киришяпти. Лекин бу ҳар иккала ёзувчида ҳам «торлик» сезаман. Масалан, Бухоро шеvasи деб аталмиш бузилган ўзбек тилини ўз ҳолида беришни мен сира ёқгирмайман. Чунки тил масаласида ҳам бирликка риоя қилишимиз лозим — бу ҳам принципиал масала.

Бизнинг тилимиз кўп замонлар фурс тили таъсирида бўлди ва ўша замонларда унинг ривожланиш имкониятлари сунъий равишда чекланган эди. Энди биз тилимизни ҳар қандай «хас-хашак»дан тозалаб, умумадабий тил нормаларига яқинлаштирувимиз керак эмасми? Тўғри, агарда маҳаллий шароитда ЎЗБЕК ТИЛИни бойитиш имконига эга бўлган «шева элементлари» бўлса, уни иккиланмасдан олиб киравериш керак.

ТАНҚИДЧИ. Омон Мухтор кўпинча, Сиз айтмоқчи, Бухоро шеvasи деб аталмиш бузилган ўзбек тилини асарга шунчаки бир маҳаллий фон учун кўчириб қўя қолади, бу ҳол бир оз эриш туюлади. Н. Аминов эса худди ўша шева хусусиятларини ҳажв учун бир материал, восита сифатида олади, ўша бузилган тилга пародия боғлаётгандай бўлади.

ЁЗУВЧИ. Омон Мухтор жиддий ёзувчи. Саводли, изланувчан ёзувчи. Ўйлайманки, у бу «тебранишлари»дан ҳадемай воз кечади ва ўз талантига муносиб асарлар ёзади.

ТАНҚИДЧИ. Мен Неъмат Аминовга ҳам шундай, бир истак ихор этишни лозим кўраман: шева хусусиятларидан ҳажвий восита тарзида фойдаланиш қатор асарларида ўзини оқлаган бўлса-да, бу усул секин-аста шаблонга айланиб қолаётир, бунинг олдини олиш зарур.

Ҳар бир изланиш, янгиликнинг ҳам ўзига хос кам-кўстлари бўлар экан. Буни Неъмат Аминов билан Омон Мухтор тажрибаси мисолида кўрдик. Гапни давом эттирадиган бўлсак, бошқалардан ҳам талай камчиликлар топиш мумкин. Чунончи, Учқун Назаров услубида кинематографиянинг таъсири катта. У – кино ходими, режиссёр бўлгани учунми, насрда ҳам кўпинча, «кино нигоҳи» билан ҳаётга назар ташлайди, насрда ҳам «кино тили»да гапиришга интилади. Шу туфайли баъзан беллетристикадан йироқлашиб кетади. Унинг айрим асарлари бадий насрдан кўра сценарийга яқинлашиб қолганлигини ўз вақтида айтган эдик, боя Сиз буни эслатиб ўтдингиз...

Сизнинг изланишларингизда эса бошқачароқ камчилик кўзга ташланади. Сиз диди, савияси баланд китобхонни кўз олдингизга келтириб туриб қалам гебратсангиз керак. Сиз қаламга олган ҳодисалар аксари драматизмга, эҳтиросларга ниҳоятда бой бўлади, лекин Сиз уларни иложи борича пинҳон тутасиз. Китобхоннинг ўзи илғаб олишига ишонасиз. Бу ҳол баъзан тасвирдаги таъсирчанликни, жозибани сусайтириб қўяди. Ҳар ҳолда адабиёт – санъат, у ҳиссиётга мойил соҳа. Ёзувчи учун ҳиссиётни ортиқ даражада жиловлани ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермас экан; бунинг устига биз шарқликлар ҳиссиётга мойилроқ халқ фарзандларимиз. Ёдингиздами, «халис», «объектив» тасвир тарафдори бўлган кўп улуг ёзувчилар ҳам бора-бора «ҳиссиётга бир оз эрк бериш» томонига ўтганлар. Буни А. Чехов, Э. Хемингуэй, А. Қаҳҳор каби ёзувчиларнинг ижодий тақдирида кузатиш мумкин.

ЁЗУВЧИ. Мен умуман, услуб ҳақида гапирганимда, ўз йўлим ҳақида ҳам унча-мунча нарсалар айтдим. Энди «ҳиссиётни жиловлани» деган гапингизга келсак, худо ҳақи гапим рост – бу ҳол менда керагидан ортиқ бор! Шунинг учун баъзан юрагим сиқилади. Асаримда жиловланган туйғуларим юрагимда жунбуш қилиб кетади ва мен уларни ҳаёлан асарда тиклаб завқ оламан. Шу нуқтага эътибор қилишингизни сўрайман! Бу деганим – навбатдаги асаримда, ана ўшандоқ ўринларни қандай ёзиш ҳақида ўйлайман деганим.

Охирги гапим бу услубим ҳали қиёмига етгани йўқ. Саломатлик бўлса, уни... қиёмига етказишга ҳаракат қиламан.

ТАНҚИДЧИ. Кейинги йилларда қадимий адабий шаклларга, фольклор аъъаналарига қизиқиш бирмунча жонланди. Илмий-техник инқилоб замонида сўз санъатида ўрта аср адабиёти ва фольклор аъъаналарини кўриш, етук реализмда қадимий, ўта шартли адабий приёملарнинг ёндош келиши ғалати ҳодиса. Бунинг боиси ҳақида фанда хилма-хил қарашлар мавжуд. Ёзувчи сифатида бу ҳодисанинг сабабини Сиз нима билан изоҳлайсиз?

ЁЗУВЧИ. «Французларда бир яшик бўларкан, — деб ҳикоя қилганди бир кунги бир ҳазилкаш ёзувчи. — Модалдан чиққан шляпани унга ташлаб қўйишавераркан. Йиллар, ўн йиллар, ҳатто аср ўтгач, яшикни тўнқариб, нариёғидан очишганда аввал ташланган шляпалар биринчи бўлиб қоларкан. Модельерлар ўшалардан битталаб олиб модага киритишаверар экан».

Гарчи кийим-бошга бўлган мода маълум вақтда кишиларнинг диди, ҳатто савиясини белгиласа-да, уни адабиётга кўчириш — адабиётда ҳам фалон парса, масалан, фалон жанр модада дейишдан узоқман! Шундоқ гапни эшитгудек бўлсам, ўзимни бир қаламкаш сифатида ҳақоратлангандек сезаман.

Энди бир олим, «назокатни қўйинг, адабиётда ҳам мода бўлади, бу сўзини кўллашдан қочманг», деб туриб олса, бу гапга шунчаки рози бўлиб: «Ҳа, майли. Лекин шунини унутмангки... адабиётнинг модалари қонуният билан боғлиқдир!» деб жавоб берардим.

Сиз фольклор аъъаналари, шартли услусларнинг ҳозир удумга кираётгани — йирик-йирик ёзувчилар ҳам у шакллардан муваффақият билан фойдаланаётганлигини эсга туширдингиз. Ҳа, шундай бўляпти. Айни чоғда... бу ҳол биз китобхонларга негадир ёқинги ҳам. Масалан, Ч. Айтматовнинг «Оқ кема»сини олинг. У худди эртадек бошланади. «Боланинг иккита эртаги бор эди, аввал биттаси йўққа чиқди, кейин иккинчиси. Гап шу ҳақда», дейди адиб. Унинг она буғу ҳақидаги эртаги асар қурилмасига қанчалар тўғри бир шаклда сингиб кетганини ҳам биламиз.

Ёхуд бизнинг Шарқдаги энг қадимий жанрлардан бири «ҳикоят»ни олиб қаранг. Унинг бошланғич нуқталари «Калила ва Димна»ларга бориб тақалади.

Тасаввур қиласизми, ғарбда, хусусан, Америка адабиётида худди мана шу «ҳикоят-притча» жанрига эътибор кейинги вақтда жуда кучайиб кетди.

Фольклор ва шаклий анъаналарга бугунги кунда қизиқиш нега бунча кучайди?

Мен гапни чўзиб ўтирмасдан, диққатингизни битта ҳолга қаратмақчиман (бу ғайритабиий туюлса узр).

Умарали ака, биз Ер фарзандимиз, табиат бойликлари эгасимиз. Мундайроқ қилиб айтсам, биз — Ернинг зарраларимиз, табиат эса, у жонлими, жонсизми — бизга қондош, қардошдир. Лекин аср-асрлар ўтиб, биз Ер фарзандлари — ундан узоқлашаётганимизни пайқаб қолдикми? Ҳа. Унга яқин бўлиш, уни ардоқлаш гами бошимизга тушидими? Ҳа.

Хўш, инсоният асрлар чангалида яратган маданий-маънавий бойликлар-чи? Уларга ҳам муносабатимиз ўзгармадикми? Нега ҳар кун, ҳар соатда археологик топилмалар ҳақида хоҳ газета саҳифаларида бўлсин, хоҳ радиода бўлсин гап эшитамиз ва беихтиёр қизиқиш билан қўлоқ солаемиз. Қадимий қошоналар, осори-атиқалар кўргани одамлар океанлар оша саёҳат қилишади.

Фольклор анъаналари, эскириб кетган шартли приёмларга... қизиқишни ўйлаганда, уни... умуман ўтмишга, барча маданий бойликларга қизиқиш билан боғлаш истагингиз йўқми?

Мен шунини истайман ва бунда «чуқур бир қонуният бўлса керак», дейман.

ТАНҚИДЧИ. Сиз келтирган важ, ўйлайманки, кўплаб омилларнинг бири, энг асосийси. Мен бу ҳолатнинг яна бир муҳим омилни тилга олиб ўтмоқчиман. Жаҳон адабиёти тажрибасидан аёнки, сўз санъатида фалсафийликка мойиллик кучайган, жиддий гап айтишга, ҳаётни яхлит ҳолда кенг қамраб олишга, унинг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳусусида ўйлашга, ҳаёт қонуниятларини очишга, катта фалсафий умумлашмалар чиқаришга иштиёқ ортган кезлари худди ўшандай шартли усулларга эҳтиёж тугилади. Навоийнинг «Лисон ут-тайр», Дантенинг «Илоҳий комедия», Гётенинг «Фауст» асарлари шундан далолат беради. Асримизнинг ўрталарига келиб яратилган ўзини эдаги ва жаҳон тараққийпарвар адабиётидаги шартли приёмлар кенг қўлланган, фольклор анъаналари руҳи билан йўғрилган жамики асарларга қарасангиз, уларда худди ўша фалсафийликка мойилликни кўрасиз.

Шу ҳусусда гап очишимнинг, фалсафийлик билан боғлиқ омилни алоҳида таъкидлашимнинг боиси бор. Кейинги пайтларда шартли усулларга, фольклор анъаналарига кўр-кўрона ёндашиш, асарга ўйламай-нетмай фольклор элементларини, эртақ, афсона

мотивларини киритиш одат тусига кириб қоляпти. Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», Асқад Мухторнинг «Чинор» асарларидаги усулларни универсал ҳодиса — ҳамма учун мақбул бир ҳол деб бўладими? Аминманки, «Оқ кема» билан «Чинор»даги усул қонуний, табиий тус олган, чунончи, улардаги ғоявий мазмун, эстетик концепция ўзларининг худди ўша шартли шакллари билан бирга туғилган, уларни бошқача ифодалаш қийин бўлса керак деб ўйлайман.

ЁЗУВЧИ. Биз сал пастроққа тушиб, айнан Ч. Айтматов ва Асқад Мухторнинг ўз асарларида ишлатган усуллари «ҳамма учун мақбул ҳолми?» деб савол қўядиган бўлсак, мен заминдан оёғимни узмай: «Бу ҳол ёзувчи деганнинг ўзига боғлиқ. Унинг савияси ва таъбиға боғлиқ» деб жавоб бераман.

ТАНҚИДЧИ. Фольклор анъаналарини, усулларини асарга сунъий равишда ёпиштиришнинг далоли сифатида «Меҳриғиё» романини кўрсатиш мумкин. Ёзувчи романининг ҳар боби бошида халқ дostonлари қаҳрамони Гўрўғлидан нақл келтиради, уни бобнинг эпиграфи тарзида тақдим этади. Агар ўша нақллар тушириб қолдирилса ҳам асар ҳеч нарса ютқа змайди. «Оқ кема»даги Шохдор Оша Буғу, «Чинор»даги Чинор образини, улар билан боғлиқ афсонани асардан тушириб кўринг-чи, бу — асло мумкин эмас! Бунинг устига бу икки асарда шартли анъанавий адабий усуллар муаллифлардаги фалсафийликка мойиллик билан ҳам алоқадор. Худди ўша «Оқ кема»да ҳам, «Чинор»да ҳам адабларининг бошқа асарларига нисбатан фалсафийлик кучлироқ. «Меҳриғиё»да эса бунақа хусусият йўқ, бинобарин, унда шартли приём воситаларига эҳтиёж, зарурият сезилмайди...

ЁЗУВЧИ. «Меҳриғиё» асари тўғрисидаги фикрингизга юз фойз қўшиламан. Ч. Айтматов билан А. Мухторда фалсафийлик кучли ледингиз. Бу тапингиз ҳам жуда тўғри! Менга қолса, уларни файласуф-шоирлар деб атар эдим.

ТАНҚИДЧИ. Ҳозирги рус адабиёти, қардош халқлар, хусусан, Болшиқбуин республикалари халқлари адабиёти, жаҳон тараққийпарвар адабиёти билан қиёсан ҳозирги ўзбек насридаги услубий-шаклий иланишларга қандай баҳо берар эдингиз? Бугунги насримиз шакл ранг-баранглиги жиҳатидан бир оз камбағалроқ эмасмикан?

ЁЗУВЧИ. Умарали ака, «насримиз шакл жиҳатидан камбағалроқ эмасмикан?» деб иккиланманг. Тан олиш керак: у камбағал.

ТАНҚИДЧИ. Мен, рус ва қардош халқлар насри шакл ранг-баранглиги жиҳатидан бизникига қараганда бой, дедим. Бироқ худди рус насри вакиллариининг ўзлари биз ўрнак олишга даъват этаётган ҳозирги ҳолатдан мамнун эмаслар; кузатиб бораётган бўлсангиз, марказий матбуотдаги баҳс-мунозараларда шакл бобида изланишларга, новаторликка чақириқлар кўп марта ва жуда кескин қилиб айтиляпти. Биргина мисол, ёзувчи Виль Липатов «Литературная газета»даги «Ҳаёт ва адабиётдаги янгиликлар» мавзuidaги мунозарада: «Кураш ва қидириш, адашиш ва топиш, экспериментлар ўтказиш ва чекинишлар йўлида бизга тўсиқ бўлиб турган бирдан-бир қудратли куч — бизнинг ўзимиз» деб ёзади (1977 йил, 5 сон).

ЁЗУВЧИ. Мен ҳам худди шу гапни такрорлашим мумкин. «Дадил новаторлик»ка нима монелик қиларди?! Ўзимиздаги кўникма ҳислар, ҳар биримизда ҳам озми-кўпми бор бўлган лангасалик. Энг муҳими — филойиликнинг етишмаслиги-да!

Яна баъзи омиллар ҳақида тапиришим мумкин. Сиз суҳбатимизнинг бошида, «танқидий тафаккурнинг ўсуви ҳам ижодий изланишлар учун муҳим роль ўйнайди» деган фикрни айтдингиз.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: ёзувчи, айтайлик, новаторлик бобида қандай изланса, танқидчи ҳам шундай изланиши керак. Ҳолбуки, Умарали ака, шундай танқидчилар ҳам борки, улар ўттиз-қирқ йил муқаддам ўнинчи синфни бигирадиган ўқувчинининг унча-мунча саводхон бўлиши кўзга гутилиб битилган адабий қоида ва қонунлар асосида бугунги кун асарларини таҳлил қилишади. Ёхуд бошқа бир хил танқидчилар осмонда юриб, рус адабиётидан унча-мунча янгиликларни ўқиб олиб: «Мен ҳақиқатчиман!» дегандай (ўзига хос) куйиниш билан янгилик ниш берган асарларга ҳам ҳужум қилишади, сўнггида ўзларини яна адолатли сезишади.

Мен танқидчидан бир нарсани истайман: мазкур адабиётимиз учун ичқуярликни. Шу адабиётни яратаётган ёзувчиларга кўлидан келгани қадар ҳолис ёрдамчи. Уларни қийнаётган муаммоларга ҳамфикр бўлиш ва улар қатори изланишни!

Бусиз ёзувчилар, Сиз айтган «дадил новаторлик»ка ҳарчанд интиломасинлар, кўзланган натижани қўлга киритишлари анча қийин бўлади.

1976 йил, апрел

ҚАЛБ ИНҚИЛОБИ (Ёзувчи Ўткир Ҳошимов билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Атоқли адиб Чингиз Айтматов «Известия» газетасида босилган «Шоирнинг ботиний қуёши» мақоласида шеърятни «қалб инқилоби» деб атайди. Чиндан ҳам ҳақиқий шеър қалбдаги чуқур инқилобий жараёнларнинг самараси, ҳосиласидир. Бу гап, менингча, фақат шеърятгагина эмас, балки бадиий ижоднинг ҳар қандай тури, шаклига, барча яхши намуналарига, жумладан насрий асарларига ҳам дахлдордир. Китобхонни ларзага солган, ўйга толдирган жами яхши ҳикоя, қисса, роман борки — барчаси адиблар қалбининг инқилобидир...

ЁЗУВЧИ. Модомики гапни Чингиз Айтматовдан бошлаган эканмиз, ана шу адибнинг «Бўронли бекат» («Асрга татиғулик кул») романига эпиграф қилиб олинган сўзларни эслагим келди. Ёзувчи ўз асарини «Ушбу китоб менинги танимдир, ушбу сўзлар менинг жонимдир» деган ибора билан бошлайди. Назаримда, ҳар бир виждонли ёзувчи ўзининг энг яхши асарларига бу сўзларни бемалол эпиграф қилиб олса бўлади... Айрим адибларимиз битта китобнинг сиёҳи қуримасдан, иккинчи китобни бошлашади. Бундан ташқари «биз илҳом келишини кутиб осмонга тикилиб ўтирмаймиз, хоҳлаган пайтда асар ёзаверамиз» дейишади. Эҳтимол, бу гап дўғридир. Эҳтимол, бундай иш услуби ёзувчининг меҳнат интизомига ўргатар, адибнинг маҳсулдорлиги ортар. Лекин мен қаламкаш сифатида бу фикрга қўшила олмайман. Ахир ҳар қандай асар учун ҳам фақат ҳаётий материалнинг ўзи етмайди-ку! Бадиий асар жонли организмдек гап. Унга, аввало, жон ато қилиш лозим. Ёзувчи ўша ҳаётий материални ўз қалбинини дардига, ўз виждонининг даъватига айлантира олиши, мана шу воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммасини юрак-юракдан чуқур ҳис этиши керак. Ушундагина асардаги образлар тирик одамга айланади, асардаги воқеалар ўқувчини ҳаяжонга солади. Эҳтимол, адабиётнинг «қалб инқилоби» дегани шудир. Албатта, қаламкаш ҳам тирик одам. Бир нарсадан қувонади, бир нарсадан нафратланади, бир нарсани тасдиқлагиси, бошқасини рад этгиси келади. Лекин буям ҳали кам. Ёзувчи ўзи тасдиқлаган ёки рад этган нарсаларнинг ижтимоий моҳиятини чуқур ҳис этмоғи, мана шу ҳисни қаҳрамонлар қисматига сингдириб, шу орқали китобхонга юқтирмоғи керак. Шундагина адибнинг қалб инқилоби китобхонни ларзага солиши

мумкин. Ҳар бир қаламкашнинг ўз ижодий принциплари, ўз кредоси бўлади. Жумладан, менда ҳам шундай принциплар бор. Аввало, ўзим катта ҳақиқат деб билган нарсани, ягона ҳақиқат деб билган нарсани, ўзим ниҳоятда чуқур ҳис этган, қалбимнинг дардига айланган нарсани ёзишни хоҳлайман. Бундан ташқари уни шу тарзда ёзгим келадикки, асардаги бирорта саҳифа, биронта абзац, биронта жумла, ҳатто биронта сўз китобхон назаридан четда қолмаса. Ҳар бир сўз оловдек ловуллаб, китобхон қалбини иситиб, шуурини ёритиб, турса. Бу, албатта, маҳорат масаласи. Бунга қанчалик эриша олганимни билмайман. Лекин яхши ният билан доим шунга ҳаракат қиламан.

Яна бир гап. Кўпинча, дўстларим менга тайёр ҳикоя ёки ҳатто тайёр қисса бўла оладиган сюжетларни айтиб беришади. Бир қараида бу воқеаларда ҳамма нарса етарлидек. Фақат қоғоз-қалам олиб ёзилса бас. Лекин нима учундир уларни ёзолмайман. Кейинчалик бунинг боисини билдим. Ўша нарсалар қалбимни қаттиқ ҳаяжонга солмагани учун ёза олмаган эканман. Эҳтимол, қалб инқилоби дегани шунга бўлса керак. Ҳали айтганимдек, адиб ўз виждонини талаётга солган нарсаларнигина ёзмоғи керак. Бу жиҳатдан Сизнинг фикрингизга қўшиламан.

ТАНҚИДЧИ. Таълиқларингиздан кўриниб турибдики, «қалб инқилоби» тушунчаси бадиий ижоднинг кўпгина гўб масалаларини, жумладан, ёзувчи позицияси муаммосини ҳам уз ичига олади. Санъат ва адабиётнинг асл табиати ижодкор ҳаётда ҳаминша фаол позицияда туришини тақозо этади. У теварак-атрофда юз бераётган ҳодисаларга асло бефарқ қаролмайди. А.Толстой сўзлари билан айтганда жим туролмайди! Айниқса, бизнинг замонамизда, бизнинг кунларимизда... Бугунги адабиётимизнинг пешқадам вакиллари публицистик жанрларга кенг мурожаат этаётганлиги, кундалик ҳаёт ва ижол муаммоларига фаол аралашаётганликлари шундан бўлса керак.

ЁЗУВЧИ. Ўзим жуда ҳурмат қиладиган юморист ёзувчи Нъмат Аминовнинг чиройли гапи бор: «Ёзувчилик касбининг ўзи одамига берилган жазо». Бу гапга қушнмай илож йўқ. Табиийки, ижодкор ҳеч қачон ёлғиз ўзининг ганивиши билан яшолмайди. Ўзгаларнинг қувончини ҳам, кулфатини ҳам ўзиники деб қабул қилади. Шундагина унинг асарларидан ҳар ким ўз шодлиги ва ташвишини топгандек бўлади. Ҳаётга фаол аралашуш масаласи ҳам шундан келиб чиқади. Рус адиблари Шолохов билан Эренбург ҳам, оташин

ўзбек шоирлари Ғафур Ғулом билан Ҳамид Олимжон ҳам, умуман, барча авлод вакиллари кундалик ҳаётнинг долзарб масалаларидан четда туришмаган. Бугунги адиблар ҳам бундан мустасно эмас. Ахир «шоир бўлишинг шарт эмас, граждон бўлишинг шарт» деган гап бежиз айтилмаган. Бир вақтлар жамият, тараққиётга ҳалақит бераётган айрим иллатларни ёзган қаламкашларга хиёл ғашлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари рўй бериб турар эди. Гуё адиб бу билан жамиятимизнинг обрўсини пасайтираётгандек. Бироқ кейинги йилларда бундай бемаъни қарашга чек қўйди. Эсингизда бўлса «Литературная газета»да атоқли грузин адиби Нодар Думбадзе билан чет эл мухбирининг интервьюси босилиб чиқди. Чет эл мухбири шундай савол беради: «Одатда камчиликларни кўрсатган ёзувчиларни унчалик ёқтиришмайди. Сизга эса юксак мукофот беришди. Ўзингиз бу масалага қандай қарайсиз?» Думбадзе бу саволга шундай жавоб қилади: «Бу билан биз — ёзувчилар жамиятимиз тараққиётига ёрдам берамиз».

Бу гапларда чуқур ҳақиқат бор. Албатта, қай йўл билан бўлмасин, ўзига қўйилган ҳаққоний айбномани четлаб ўтишга ҳаракат қилалган демагоглар йўқ эмас. Масалан, «Нур борки, соя бор» романи эълон қилинганида ўртачароқ бир «савдогар» жуда жиддий қилиб «нича учун бунақа инвогар ёзувчини судга беришмайди» деган экан. Начора, модомики асардан гаплар ўшанақа ўртача «савдогар»ларни чиқиллатган экан, демак, бунга қувониб керак. Публицистика масаласига келсак, ҳақиқий адиб жамият ҳаётидан четда туролмайди. «Ёзувчи ҳаёқ тилининг таржи-монидир», «ўз даврининг виждонидир», «Ватанининг фарзандидир» деган гаплар бежиз айтилган эмас.

ТАНҚИДЧИ. Шу ўринда шоир Ёгор Исаевнинг бир гапи ёдга гушиб қолди. «Публицистика шундай бир учқунки, — дейди у, — истисносиз барча жанрлар ундан аланга олади. Публицистика бу — ҳаммадан бурун ҳаёт ҳодисасига акс садо, илк муносабат, бординки, истиснонинг граждонлик туйғуси».

ЁЗУВЧИ. Яхши айтилган. Дарҳақиқат, публицистика — истиснонинг граждонлик туйғуси, талант табиятини узи, ёзувчининг граждонлик бурчи уни беихтиёр публицистика томон етаклайди.

ТАНҚИДЧИ. Чинакам публицистика ҳаёт ҳодисалари туғайли ёзувчининг граждонлик туйғуси тугёнга тушган, алангага айланган, бинабарин, инқилоб тусини олган пайтдагина туғилади. Энг яхши, публицистик асарлар шу тариқа майдонга келган. Сир

эмас, бизда худди шу хусусиятдан маҳрум, турли-туман ҳодисалар, маросимлар муносабати билан битилган баландпарвоз олди-қочди гаплар билан тўлиб-тошган, дардсиз-эҳтироссиз публицистик «асар»лар ҳам тез-тез чиқиб туради. Кўнглингизга келмасин-у, Сиз ҳам баъзан «публицистика» номи остида жўнроқ нарсалар битгансиз... Кейинги пайтларда эълон этилган «Муқаддас қасамни бузганлар» билан «Қалбнинг оппоқ дафтари» асарларингизни чинакам публицистиканинг намунаси деса бўлади.

ЁЗУВЧИ. Ўз асарларим ҳақида гапириш бир оз ноқулай. Лекин Сиз «Муқаддас қасамни бузганлар» билан «Қалбнинг оппоқ дафтари» ҳақида сўз очган экансиз, уларнинг яратилиши тўғрисида озгина гўҳталиб ўтай. Йўқ, мен бу билан аслю ўз «тажрибам»ни кўз-кўз қилмоқчи эмасман. Моломики, публицистика табиати устида сўз бораётган экан, бу икки мақоланинг тўғилиш тарихига оид шарҳлар, эҳтимол, биз баҳслашаётган назарий масалаларга бир қалар ойдинлик киритиш учун хизмат эгар... Бу икки мақоланинг тутилиш сабаби ҳам ўша «қалб инқилоби», «гражданлик туйғуси» билан боғлиқдир.

Кунлардан бирида редакцияга оддий кийинган ўрта ёшлардаги аёл йиглаб келади. Айрим врачларнинг бепарволиги, аниқроқ айтганда, инсон боласига нисбаган жинояткорона белпосанд муносабати туфайли аёлнинг боласи кўр бўлиб қолган. Аёлнинг бошида эри йўқ, яккаю ёлғиз умиди шу боладан бўлган. Ҳолбуки, боланинг кўзини сақлаб қолиш учун врачлар нари борса беш минут синчиклаб текширишса, олам гулистон эди. Муштипар бир аёлнинг кузёши менинг хотирамда кўпдан буён тўнланиб ётган бошқа воқеаларни уйғотди. Ўзим ҳам шундай врачларга озми-кўпми рўпара келганман. Одам, эҳтимол, янги уй олиш учун, янги машина олиш учун, қимматбаҳо тақинчоқ олиш учун пора берар (аслида бунинг ўзи ҳам жиноят). Лекин одам соғ яшаши учун ҳам бировга нимадир узатиши керакми? Ахир, бу бизнинг удуларимизга ҳеч қанақасига тўғри келмайдиган ҳодиса-ку! Наҳотки, бундай ҳолатга чидаб бўлса?! Билачман, «Муқаддас қасамни бузганлар» мақоласи хиёл кескинроқ, хиёл шиддатлироқ чиқди. Бироқ, инсоф билан айтганда, бу мақолада мен ажойиб врачларимизни, фидойи шифокорларимизни унутганим йўқ. Бундай врачлар мамлакатимизда жуда кўп. Бироқ тамагир врач битта бўлса ҳам — кўп. Асосий мақсад шундайларга зарба бериш эди. Табиийки, мақола эълон қилингандан кейин муаллифни

айблаб гапирадиган, «бу одам врачларга тухмат қияпти» деб аюҳаннос соладиган шахслар бўлди. Имоним комилки, худди шу шахсларнинг ўзи бориб турган тамагир ёки порахўр. Бўлмаса мақола уларга бунчалик аламли таъсир қилмасди. Ҳалоол врачларнинг ҳаммаси мақолани тўла қўллаб-қувватлашди. Редакцияга врачларнинг ўзидан келган миннатдорчилик мактублари ёғилиб кетди. Демак, мўлжалга беҳато урилган экан.

«Қалбнинг оппоқ дафтари» мақоласидаги масалалар ҳам кўпчиликка маълум. Орадан кўп ўтмай «Учительская газета»да Маориф министри Прокофьев мақоласи эълон қилинди. Қизғи шундаки, Министрнинг мақоласида ҳам худди шу масалалар кўтарилган эди. Қисқаси, у мамлакат бўйича кўпчиликни ўйлантириб турган гаплар экан.

ТАНҚИДЧИ. Публицистика бу аслида жуда муҳим, долзарб ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларни ҳозиржавоблик ва ладиллик билан кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш демакдир. Шу ҳил руҳда битилган асар, табиийки, жамоатчилик орасида жиддий қизиқиш уйғотади. «Қалбнинг оппоқ дафтари» мақоласи «Ўзбекистан адабиёти ва санъати» газетасининг йиллик мукофоти билан тақдирланди. Ўзбекистон Маориф министрлиги коллегияси шу мақола юзасидан махсус кенгайтирилган қарор қабул қилди. Бу қарор республикадаги барча область, шаҳар, район халқ маорифи бўлимларида, ҳамма педагогика институтларида, барча мактаблар педагогика кенгашларида ишлаб чиқилди.

ЎЗУВЧИ. Мақола чиққач, дастлабки пайтларда айрим кимсалар бир оз гапчилик қилиб турганида республика Маориф министрлиги уни қўллаб-қувватлаганини мен учун энг катта мукофот бўлди. Бунинг учун республика Маориф министрлигидан, унинг собиқ сардори улкан олим Саид Шермуҳамедовдан чуқур миннатдорман. Ҳозир республиканинг қайси чеккасига бормайлик, олдий ва ҳалоол заҳматкаш ўқитувчилар шу ҳақда қувониб гапиришади. Фаргона вилояти Ўзбекистан тумани раҳбарияти бу мақолани афиша қилиб катта гиражада чиқарган. Барча мактаблар, клублар, ташкилотлар, ҳатто чойхоналаргача илб кўйинган. Демак, адибнинг қалбидан чиққан сўзлар одамларнинг қалбига етиб борибди. Мен бунинг мақтаниб эмас, қувониб айтяпман.

Афсуски, элга танилган ўзувчиларимиз айрим пайтларда бундай ҳаётини масалаларга аралашини ўзлари учун хиёл ортиқча, иккинчи даражали иш деб биладилар...

ТАНҚИДЧИ. Шу ерда гапингизни бўламан. Чиндан ҳам баъзан публицистикани иккинчи даражали нарса деб билиш, уни бадиий ижодга қарама-қарши қўйиш ҳоллари учрайди. Публицистикани кундалик ҳаёт учун керакли, лекин ўткинчи мавсумий нарса, публицистика билан ортиқча банд бўлиб кетиш бадиий ижодга, бадиийликка монелик қилади, деган гапларни ҳам эшитишга тўғри келади. Шунингдек, бир вақтлар публицистик талқинни бадиийликдан холи деб қараш кенг тарқалган эди. Ҳозир ҳам шундай фикр тарафдорлари йўқ эмас. Айни пайтда бадиий публицистика ҳам адабий ижоднинг, аниқроғи, насрнинг тенг ҳуқуқли мустақил тури, публицистик талқин ҳам бадиийликнинг бир кўриниши, бадиий таҳлил воситаси эканлиги айтилмоқда. Жумладан, публицист Александр Кривицкий «Правда» газетасида босилган «Публицистика уфқлари» мақоласида (1981 йил, 28 июн) шундай фикрни қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Публицистика жанрларининг ҳаётда, бадиий ижодда ўз ўрни, публицистик талқиннинг бошқа адабий жанрларда, чунончи, дoston, драма ёки романда ўз функцияси – вазифаси бор. Уларнинг ўрни ва функциясини камситиш ҳам, ошириб кўрсатиш ҳам ярамайди.

ЁЗУВЧИ. Публицистиканинг жанр сифатида ўз фазилатлари, ўз имкониятлари бор. Бироқ публицистиканинг ҳикоя ёки романдан жиддий фарқ қиладиган томонлари ҳам мавжуд. Одатда бадиий ижодда – ҳикоя, қисса, роман, шеър ёки дostonда асосий образ, асосий таҳлил маркази инсон, инсоннинг қалби бўлса, публицистикада фикрнинг ўзи образга айланади. Шу боисдан публицистикада катта ақл, чуқур фикр билан бирга кўплаб фактлар бўлмоғи керак. Бироқ алиб буларнинг ҳаммасини улкан қалб эҳтироси билан тасвирлаш лoзим. Ҳикоя услубида ёзилган публицистик мақола ҳам, публицистик усулда ёзилган ҳикоя ҳам эрини туюлади. Бинобарин, бадиий публицистикани бошқа насрий жанрлардан фарқи, албатта, бор. Бироқ бадиий асарда публицистик элементлар, публицистикада эса, айтайлик, ҳикоянинг айрим элементлари бўлиши мумкин. Бу ерда гап метёрга, ёзувчининг маҳоратига бoғлиқ.

Энди юқоридаги фикрни озгина давом эттирмоқчи эдим. Айрим ёзувчиларимиз публицистик асар ёзишни ўзлари учун, боя айтилганидек, хиёл уят деб биладилар. Лекин бунинг учун публицистика жанри айбдор эмас. Бунинг учун биз айбдормиз. Айрим ёзувчиларимиз ҳар жумланинг бошида «О» деб хитоб

қилинса-ю, ҳар абзацининг охирига ундов белгиси қўйилса, шу публицистика бўлади деб ўйлайдилар. Йўқ, бадиий публицистикада, ҳали айтганимиздек, ёзувчининг қалб алангаси, исёни, катта тафаккур доираси бўлиши керак. Бундан ташқари публицистик асар халқ қалби билан ҳамоҳанг бўлиши лозим. Симонов ва Эренбурглар, Ҳамид Олимжон ва Фафур Фулом публицистикаси шу боисдан ҳам миллионлаб китобхонларнинг қалбини ларзага солган, бундан кейин ҳам ларзага солади. Энди публицистик асарнинг «мавсумий», «ўткинчи» нарсаси эканлигига тўхталсак. М.Горький бундан кўп йиллар илгари «янги типдаги ёзувчи уч босқични – кечани, бугунни, эртани жуда яхши билиши керак» деган эди. Агар публицистик асар фақат бугунги кунга хизмат қилса, у ўз-ўзидан ўткинчи нарсага айланиб қоларди. Мен бунга эриша оляпманми-йўқми, билмайману, бироқ ўз машқарим, жумладан, ҳали Сиз тилга олган публицистик мақолаларимда ҳам фақат бугуннинг эмас, эртанинг ҳам жуда жиддий ташвишларини кўраман. Бўлмаса, уларни ёзмас эдим.

ТАНҚИДЧИ. Бу ерда бутун гап ёзувчининг истеъдод йўналиши, маҳорати, санъаткорлигига боғлиқ. Публицистик талқин, чекинишлар бир ёзувчида асарнинг бадииятига монелик кўрсатиши, уни оддий мақола ҳолига тушириб қўйиши, бошқа бир истеъдодли ёзувчи қўлида эса кучли таъсирчанлик касб этиши, асар бадииятини оширишга хизмат қилиши мумкин.

ЁЗУВЧИ. Афсуски, кўп асарларда биз публицистикани ҳозир Сиз айтаётган биринчи таъсирини тез-тез учратамиз. Баъзи асарларни ўқийсиз. Жиддий ҳаётий муаммолар бор. Мавзу янги, актуал, тасвир объекти ҳам янги, муҳим қурилишлар, муҳим ишлари ақс эгалли. Лекин асарни ўқиб, бирон-бир ҳаяжонга тушмайсиз. Китобда одам билан одам эмас, проблема билан проблема олишади. Албатта, асарда мавзунинг актуаллиги жуда муҳим, бироқ бунинг ўзи етмайди. Минг марта бўлса ҳам такрорланишга гўлри келади, бадиий асарнинг галқик объекти, аввало, инсон бўлиши керак. Ёзувчи ҳаммадан бурун инсон қалбини кашф этмоғи лозим. Ақс ҳолда ҳар қандай муҳим мавзуда ёзилган катта ёки кичик китоб ҳам оддий газета материалидан фарқданмай қолади.

Публицистик элементлардан фойдаланиш ёзувчининг маҳоратига боғлиқ, деганда тамомилла ҳақиқисиз. Бунинг исботи учун кўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Шолоховнинг «Тинч Дон» романида ғалати ҳолат бор. Аксинья баҳор кунларидан бирида

кечаси далада келаётгани тасвирланади. Ёзувчи ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ шундай луқма ташлайди: «Апрел туни эртақдек гўзал!» Бир қарашда бу хитобнома ортиқчадек туюлади. Бироқ шу жумланинг ўзида Аксиньянинг қалбидаги жиловсиз тўлқинлар ифодаланганини чуқур ҳис этасиз. Ёки Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини олайлик. Кумушнинг ўлимини тасвирлар экан ёзувчи хитоб қилади: «Бечора ота, бечора она!» Навжувон қизининг жасади устида ўтирган ота билан онанинг ҳолатини тасвирлаш учун мана шу биргина жумланинг ўзи кифоя. Гарчанд бунини ёзувчи атайлаб айтгандек туюлса-да, бизнинг шу тоблагини ҳаяжонимиз сусаймайди, аксинча, кўпаяди. Расул Ҳамзатовнинг «Доғистоним» китобидаги ёки Чингиз Айтматовнинг асарларидаги публицистик ҳолатларни кўз олдимизга келтирайлик. «Эҳ, Жамила. Жамила!», «Эҳ, Иссиқкўл, Иссиқкўл!» сингари хитоблар Айтматов асарларининг кучини сусайтирадими? Ёки «Оқ кема» қиссасининг охирида адибнинг Болага мурожаат қилиб «Сен кетдинг, болажон...» деб бошланган хитобнома маси-чи? Йўқ, булар публицистик элементлардан ўринли фойдаланиш нақалар эмоционал таъсир кучига эга эканлигини исботловчи мисоллар. Бундай мисолларни Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, Ҳамид Фулом, Саид Аҳмад, Одил Ёкубов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон сингари қатор ёзувчи ва шоирлар ижодида ҳам учратиш мумкин. Бинобарин, ҳамма гап ёзувчининг маҳоратида. Жумладан, Асқад Мухторнинг «Чинор», Одил Ёкубовнинг «Диёнат» асарларида публицистик руҳнинг асар ғоясини очишда катта хизмат қилганлигини кўрамыз. Бу асарларда ёзувчилар уч авлод вакиллари қалбини ёрқин тасвирлайди. Фақат кеча ёки бугунни эмас, эрғанинг ҳам муҳим муаммоларини гоят ҳаётини ва ҳаяжонли тарзда ўртага ташлайди. Бештиёр Горькийнинг ўша гаплари яна эсга тушади. Бинобарин, публицистика элементларидан фойдаланишнинг аҳамияти ёзувчининг маҳоратига боғлиқ.

ТАЊҚИДЧИ. Публицистикага мойиллик, журналистикага яқинлик оқибати бўлса керак, бу ҳолисанини бадиий ижоднинг бошқа турлари, жумладан, ёзувчинини ҳикоя, қисса, романларига таъсир доираси кенгайиб борапти. Журналистикага ҳос фикрлаш тарзи қандайдир кўринишда ўша тур асарлар структураси ва поэтикасига, персонажлар руҳияти, табиати, ҳатто касб-корига ҳам кўчиб ўтмоқда. Бу ҳол кўплар қатори Сизнинг кейинги йиллар ижодингизда — «Узун кечалар», «Нур борки, соя бор»,

«Дунёнинг ишлари» асарларингизда яққолроқ кўринади. Ҳар уч асарда ҳам ҳодисалар, ҳаёт муаммолари журналист-ёзувчи образи, нигоҳи орқали ифода ва талқин этилади.

ЁЗУВЧИ. Умуман, ижодкорни, жумладан, ёзувчи ёки журналистни қаҳрамон қилиб олиш, ҳаёт ҳодисаларини шу қаҳрамон кўзи, қалби орқали тасвирлаш адабиётда янгилик эмас. Жек Лондоннинг «Мартин Иден» романида, Симонов, Чаковский, Думбалзе асарларида шу ҳолни кўрамиз. Ўзбек адаблари — Ойбекнинг «Навоий», Зулфиянинг «Қуёшли қалам», Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл», ёш шоир Усмон Азимовнинг «Қуёшли олам» каби асарлари... Бундай китоблар қаторига яна кўп мисоллар қўшиш мумкин. Бундан кейин ҳам бош қаҳрамон қаламкаш бўлган асарлар яратилаверади. Ҳамма гап ўша асар қаҳрамони бўлмиш ижодкор инсоннинг қалби ёзувчи томонидан қай даражада кашф этилишида. Албатта, бадиий асар қаҳрамонлари ҳаёт ичига фаолроқ кириб боради, бу эса ёзувчига ўзини ҳаяжонга солган ҳаёт воқеаларига муносабатини акс эттиришда бирмунча қулайлик туғдиради. Асар қаҳрамони ёзувчи ҳам, ишчи ҳам, истаган бошқа касб эгаси ҳам бўлиши мумкин. Лекин, яна қайтараман, ҳамма гап қаҳрамоннинг инсон сифатида ўқувчи кўз ўнгига жонланиши, инсоний фалсафаси нақадар салмоқли бўлишидадир. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Умуман, ёзувчи ҳаётга фаол муносабатда бўлса, муносабатини ошқора изҳор этса — бунинг ҳеч бир зарарли жони йўқ. Шахсан мен хонасига беркиниб олиб асар «тўқийдиган» ёзувчига нисбатан ҳаёт ичидан бўладиган қаламкашнинг чуқурроқ ҳурмат қиламан. Лекин бунда ҳам ўзига хос мураккаблиklar бор. Ёзувчи ҷумолига ўхшаб ҳамма нарсани ташмалаб келиб, ўртага ташлайвермаслиги керак. Яъни у ҳаётда кўрган ҳар бир воқеани асар қилиб ёзиб ташлайверса, ўқувчининг ундан ихлоси қайтади. Бироқ ёзувчи ўргимчакка ўхшаб ҳамма нарсани ичидан тўқиб чиқармаслиги ҳам керак. Ёзувчи боларига ўхшаши зарур. Қизиқ, болари юз граммми асал тўплаш учун миллионга гулга қўнар экан, шунча гул шарбатини инига келтириш учун 46 минг километр масофани учиб ўтаркан. Бу эса, ер шарини экватор бўйлаб айланиб чиқишдек гап. Бундан ташқари болари ҳар бир томчи гул шарбатини ҳартумчасидан 240 марта тўқиб, яна ютиб, қайта ишларкан. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Шундан кейин тайёр бўлган ярим маҳсулотни маҳсус катакка жойлаб бир неча соат мобайнида қанот билан силкитиб тозаларкан.

Шунда унинг қаноти ҳар минутда 26 минг марта силкинаркан... Шу боисдан ҳам асал ниҳоятда тоза маҳсулотга айланиб бир неча йиллар мобайнида бузилмасдан тураркан. Ёзувчининг меҳнатини шунга қийёслагим келади. У хом-хатала материални қозғозга тўкиб ташласа ҳам ёки «ичидан чиқарган» нарсани ёзиб ташласа ҳам ҳақиқий асар дунёга келавермайди. Қаламкашнинг асари узоқ йиллар инсонлар қалбида сақланиб қолиши учун худди боларидек ҳаёт материалларини қайта-қайта ишламоғи, онгининг, қалбининг призмасидан ўтказмоғи керак. Бадий асарнинг оддий журналистик мақоладан фарқ қиладиган муҳим жиҳати шунда, асар қаҳрамонининг касбида эмас.

ТАНҚИДЧИ. Бу ерда гап фақат асар қаҳрамонининг касби, унинг журналист-ёзувчи экани устида бораётгани йўқ. Мени ташвишга солаётган ҳолат шундаки, кўпчилик асарларда, хусусан, айрим ёшларнинг ҳикоя ва қиссаларида журналистикага хос фикрлаш тарзи устунлик қилиб кетяпти, чиннакам бадий таҳлил, инсон характери, тақдири тасвири ўрнини ҳодисалар, масалалар шарҳи эгаллаб оляпти, оддий репортажни эслатувчи ҳикоя, қисса, роман ҳатто дostonларни ҳам ўқияпмиз... Энг ёмони, қатор асарлардаги публицистик ўринлар оддий, қуруқ, бетаъсир шарҳлардан иборат бўлиб қоляпти. Ахир улкан санъаткорларда, боя Сиз эслатиб ўтганингиздек, публицистика қандайдир шоирона руҳ, сирли-сеҳрли, лиро-романтик кайфият, фалсафий ўй-мушоҳалалар билан йўғрилган бўлади. Публицистика гўё ижодкор қалбининг, қалбидаги хилма-хил кечинма, тугёнларнинг таржимонига айланади. У гоҳ сирли-сеҳрли ҳайрат, тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган гаройиб, нафис кечинмалар, қувноқ ёки кўтаринки романтик кайфиятлар, кўнгилдаги адалсиз аламлар, изтироблар, ошкора ҳайрихоҳлик ёки кескин нафрат туйғусини ифода этувчи восита ролини ўтайди. Жумладан, моҳир прозаик Саид Аҳмад асарларида шундай.

ЁЗУВЧИ. Умуман, бадий ижод, бадий тасвир қандайдир сирли-сеҳрли ҳодиса. Оддий сўзлар, жўнгина кўринган фикрлар санъаткор қўлида сирли-сеҳрли хусусият касб этади. Бу гап публицистикага ҳам тааллуқли. Аминманки, публицистик таъқин ҳам чиннакам санъаткор қўлидагина сеҳрли кучга айланади, асарга публицистика зўрлаб киритилса, сунъий ямоқдек кўринади. Публицистика табиий равишда ижодкор қалбидан отилиб чиқиши лозим. Айрим ёзувчилар «гаплари тамом бўлиб қолганида» нима

қилишларини билмай «публицистика»га мурожаат қиладилар. Яъни ўқувчига ниманидир эзмаланиб шарҳлашга тушиб кетадилар. Шу ерга келганда китобхон асарни улоқтириб юборгиси келади. Яхши адиблар ижодида эса бутунлай бошқача ҳолни кўрамиз. Ёзувчининг хитоби қалбидан отилиб чиқади. Ўша сатрлар китобхонни «тормозламайди», аксинча, унинг ҳаяжонига ҳаяжон қўшади. Саид Аҳмад ижодида худди шундай. Шу боисдан ҳам устоз адибнинг асарларини китобхонлар катта эҳтирос билан ўқийдилар.

ТАНҚИДЧИ. Шу ўринда диққатингизни бошқа бир жиддий муаммога қаратмоқчиман. Ўзимизда машҳур бўлган, лиро-романтик руҳ билан йўғрилган, миллий туйғулар жилоси товланиб турган асарларнинг бошқа тиллардаги, жумладан, рус тилидаги таржимаси ҳар доим ҳам кўнгилдагидек чиқмаётир. Саид Аҳмад ҳикоялари, «Уфқ» трилогияси таржимасини эсланг. Оригиналдаги лиро-публицистик талқин, туйғулар жилоси деярли йўқ таржимада. Сизнинг рус тилига нисбатан яхши ўғирилган «Муҳаббат», «Баҳор қайтмайди», «Нур борки, соя бор» асарларингизга хос ранг-баранг туйғулар гаммаси ҳам таржимага тўла-тўкис кўчиб ўтган деб бўлмайди. «Нур борки, соя бор» таржимасини олайлик. Биламизки, бу асарда публицистик талқин жуда кучли. Айни пайтда бу хилдаги талқин нафис-лиризм, эҳтиросли поэтик руҳ билан йўғрилган. Роман таржимасида эса ўша жўшқин публицистик талқин, танқидий проблематик нафос маълум даражада сақлангани ҳолда, айни ўша публицистик талқиннинг иккинчи бир қаноти, балким жони саналмиш ундаги жозибадор шоирона руҳ заифлашиб қолган. Шунинг учун бўлса керак, «Литературная газета»даги баҳс пайтида романнинг оригинал нусхасидан бехабар танқидчи В. Бондаренко уни соф публицистик роман, ҳатто памфлет деб атайдди. Ҳолбуки, бу роман ўзбек китобхони кўнглини бошқа фазилатлари қатори айни шу шоирона поэтик руҳи, гўзаллик туйғуси жилolari билан ҳам мафтун этган эди.

ЁЗУВЧИ. Ростини айтсам, асаримни бошлаб таржима қилишибди, деган биронга ижодкорни кўрмадим. Умуман, таржима жуда жиддий масала. Таржимада фикрни бериш мумкин, гоёки бериш мумкин, борики, қаҳрамоннинг характери, ҳолати, қиё-руҳни бериш жуда қийин масала. Шукшин ҳикояларини таржима қилганимда ўзим ҳам буни яна бир марта ҳис этдим. Шукшиннинг қаҳрамонлари чинакам рус характерини ифодаловчи одамлар. Шу

руҳиятни ўзбек тилига тўла кўчира олдим, деёлмайман. Бошқа тилларга, жумладан, рус тилига таржима қилинган ўзбек адабларининг асарларида ҳам шундай ҳолатни кўраман. Биламан, «Нур борки, соя бор»ни таржима қилган В.Турбина жуда ҳалол ишлади. Бироқ асардаги шоирона руҳни таржима қилолмади. Ахир руҳ дегани сўз эмас-да. Шунинг учун ҳам асар таржимасида публицистик таъкид сақланиб қолгани ҳолда шоирона руҳ яхши чиқмади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам В. Бондаренко романи баҳолашда шундай фикрни айтгандир.

Яна бир оғиз гап. Русларда «модомики «А» дедингми, «Б» сини ҳам айт» деган ибора бор. Модомики «Литературная газета»даги баҳсни эслатган экансиз, бир нарсани айгишга тўғри келади. Бондаренко, қандай фикрни ўртага ташлашидан қатъий назар, романинг керакли асар эканлигини, ўқувчини ҳаяжонга солиши шубҳасиз эканини айтган. Машҳур мунаққил М.Пархоменко ҳам «Литературное обозрение» журналининг 1982 йил учинчи сонида эълон қилинган «Балнийат жиллолари» сарлавҳали мақоласида бу асар ҳақи кўп синовларга бардош беришини таъкидлаган. Норбой Худойбергенов эса «Литературная газета»даги баҳсда «Нур борки, соя бор»ни роман ҳам, асар ҳам, умуман, ҳеч нима эмас, деб баҳолаган. Эҳтимол, шунинг учундир Бондаренко Худойбергеновни «эмпирик» деб атайдди. Эътироф этишим керак, бу сўзнинг маъносини яхши билмас эканман. Энциклопедиядан топдим, «Эмпирик» дегани ўзим ўйлагандек «гўл» деган маънони англатмас экан. Эмпирик дегани мендан бошқа ҳамма ноҳақ, битта менинг гапим тўғри, дейдиган одам бўларкан. Албатта, мен Норбой Худойбергеновни ҳурмат қиламан. Дадиллигини қадрлайман. Лекин ҳурматли танқидчимизнинг битта хусусиятини ҳеч гушунотмайман. Жамоатчилик бир овоздан маъқуллаб турган асарни Норбой Худойбергенов албатта «уриб» беради. Нимага шунақа қиласиз, ахир ҳамманинг фикри бошқача-ку, десаңгиз бу менинг шахсий фикрим дейди. Шахсий фикр қурғур ёзувчининг ўзига айтилади, кўлёзма устида, уйда айтилади, борингки, чойхонада айтилади, лекин ўн минглаб нусадада чиқадиган матбуотда айтилган фикр қанақасига шахсий фикр бўлсин! Ахир бу жамоатчилик фикрини қалитиш эмасми? Яна қайтараман, Норбой Худойбергеновга ҳеч қандай хусуматим йўқ. Лекин ўзбек адабиётининг кўпгина яхши намуналари Норбой Худойбергеновнинг «шахсий фикри» билан аксарият пайтларда унчалик объектив баҳоланмади.

ТАНҚИДЧИ. Норбой Худойберганов — баҳс-мунозарага ўта ун ҳамиша тили қичиб турадиган танқидчи, бадий ижодга, конкрет асарга юксак бадий қашфиёт талаби билан танқидий ёндашиш, камчиликларига, алабий жараёндаги ҳар қандай қусурларга муросасилик, ҳамиша безовталиқ — унинг шахсияти ва услубига ҳос хусусиятлардан. Шахсан мен ҳам Норбой Худойбергановнинг кўп яхши асарларга берган танқидий баҳосига асло қўшила олмайман, айни пайтда, у тутган йўлни тамомила нотўғри ҳам дея олмайман, унинг баҳс-мунозараларини қадрлайман, мулоҳазалари кескинроқ, бир ёқламароқ бўлса-да, ҳар ҳолда улар кишини ўйлашга, баҳсга чортайди. Бизда ҳудди шу хусусиятдан холи, силлиқ, расмана танқидий мақолалар ниҳоятда кўпайиб кетган ҳозирги пайтда Норбой Худойбергановнинг «жанжалли» чиқишлари, маълум кам-кўстларидан қатъи назар, фойдалидек туюлади...

Асосий гапга қайтайлик. Бадий ижодда ошкора публицистик талқиннинг кўп фазилатларини эътироф этган ҳолда, унинг баъзи оғиз томонларини ҳам кўрмаслик хато бўлур эди. Публицистик йўл баъзан ҳаётнинг объектив манзарасини чиқишга, реализмнинг энг муҳим шартларидан бўлган характернинг ҳаёт мантиқи асосида ичдан ривожланиб боришини кўрсатишга монелик қилиб қолиши мумкин. Биламизки, публицистик талқин кўпроқ асарда ҳодисага ошкора муносабат билдириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Етук реализм эса ҳодисага ошкора муносабат билдириш, унга хайрихоҳлик кўрсатиш ёки уни рад этиш билан кифояланмай, ҳодисани бадий талқин ва таҳлил этиш, масала моҳиятини очиқ беришни ҳам тақозо этади. Сиз ижодда публицистик талқиннинг бадий таҳлилга монелик қилганлигини ҳис этганмисиз?

ЎЗУВЧИ. Ҳали айтганимиздек, бадий асар жонли организмга ўхшайди. Асар руҳининг ўзи баъзан воқелик моҳиятини ичидан ёритишни, баъзан эса ошкора муносабатни талаб қилиши мумкин. Агар публицистик талқин асар руҳига ҳалақит берса, унинг реалистик, ҳолис тасвирига монелик қилса, бундай йўлдан ўша вақтлаёқ воз кечишга тўғри келади.

Умуман, Сиз айтган изчил реалистик, объектив-ҳолис тасвир билан лиро-публицистик тасвир услубини бир-биридан ажратиб қўйиш ёки бир-бирига қарама-қарши қўйиш тўғри эмас. Ҳаётда ҳамма нарса қориниқ бўлганидек, асарда ҳам тасвир воситалари аралашиб келиши мумкин. Л.Толстой, Ф.Достоевский, С.Цвейг сингари «ҳолис», «объектив» тасвир устазларининг асарларида

лиро-публицистик жоллар йўқ дейсизми? Ёки лирик услубга мойил адибларнинг асарлари ҳолис-объектив услуб хусусиятларидан холими? Бу ўринда асар услубини асарнинг ўзи ёзувчига «диктовка» қилади.

ТАНҚИДЧИ. Сиз айтгандек, ҳолис-объектив тасвир билан субъектив лиро-публицистик тасвир услубини бир-бирига зид қўймаслик керак, бу икки услуб ижодда ёндош келиши, бири иккинчисини бойитиши, тўлдириши мумкин. Гарчи шундай бўлса-да, ҳар ҳолда, амалда ё лиро-публицистик талқин ёки ҳолис-объектив талқин устун туралиган асарлар бор. Ўтмишда бўлгани каби ҳозирги кунда ҳам ҳодисаларни, характерларни ҳолис-объектив тарзда ифодалаш йўли қатор адибларимизда чуваффақиятли равишда лавом эътирилмоқда. Шунинг ҳам унугмаслик керакки, бир ёзувчи умрбод бирор услубий йўналиш доирасида қолавермайди. Масалан, Сизга тенгдош ёзувчилардан бири Ш. Ҳолмирзаев кўпроқ ҳолис тасвир йўлига мойил. Бироқ у ҳам баъзан лиро-публицистик руҳ барқ уриб турган асарлар яратган. Шунингдек, лиро-публицистик услуб соҳиби бўлган Сизда ҳолис объектив тасвирнинг кўп яхши намуналарини учратиш мумкин. «Муҳаббат», «Деҳқоннинг бир куни», «Урушнинг сўнгги қурбони», «Баҳор қайтмайди» асарларингиз бу жиҳатдан характерли. Шахсан мен танқидчи сифатида алабидта, ёзувчи ижодида услублар, шакллар ранг-баранглиги қонуний ва табиий бир ҳол эканлигини эътироф этганим ҳолда, оддий китобхон сифатида ҳолис-объектив тасвир йўлида битилган етук асарларни ҳақиқатан ҳам кўраман. Улар менга ҳаёт ҳақиқати, мураккабликлари, инсон ва унинг қалби ҳақида кўпроқ нарсани беради. Бу ҳил асарлар ўқувчини фаолроқ бўлишга, фикрлашга, қаламга олинган ҳодисалардан ўзича ҳулосалар чиқаришга ундайди...

ЁЗУВЧИ. Шошманг, Сиз, нима учун ўзингизни ўзингиз иккига бўляпсиз? Ўқувчи сифатида бир ҳил, олим сифатида иккинчи ҳил туйғуни ҳис этиш керакми? Ҳаёт ҳақиқати, мураккаблиги қайси услубда тасвирлангани билан эмас, қай даражада тасвирлангани билан муҳим-ку! Ҳамма гап ёзувчинининг маҳоратига, қалб алабидасининг қудратига боғлиқ.

Бадий асар — аввало, санъат асари. Албатта, у ўқувчига маълум ғояни сингдиради. Лекин китобхон маълум ғояни ўрганиш учун илмий асар ўқиса ҳам бўлаверди. Бадий асарнинг санъатлиги шундаки, у китобхоннинг онига таъсир қилади, бироқ қалбни орқали таъсир қилади. Ўқувчи китобни шавқ билан ўқиши керак.

Агар шундай хислатдан маҳрум бўлса, у ҳар қанча «ақлли» бўлгани билан, бари бир, етук асар эмас. Шунинг учун ҳам «халис» тасвир деган иборани «совуқ тасвир» деган ибора билан алмаштириб юбормаслик керак. Гарчанд ёзувчи ўз ҳаяжонини пинҳон тутса ҳам ўқувчи ўша ҳаяжонни ҳис этиб турсин. Ўшандагина «халис» тасвир ўзини оқлайди. Бир вақтлар халис тасвир билан самимий тасвирни қарама-қарши қўйиш ҳоллари бўлган эди. Гўё ёзувчининг самимияти унинг ожизлигидан дарак берадигандек. Ҳолбуки, бадиий ижодда самимиятни шубҳага олишнинг ўзи жуда шубҳали нарса.

Ҳар гал янги асар машқ қилаётганда оқил, ҳаёли китобхон билан суҳбатлашаётгандек бўламан. Шу боисдан туйғуларни жиловлаб турганда ҳам, ошкора айтганда ҳам (бунақа пайтда «ошкора айтиш» мутлақо атайлаб қилинмаслиги керак) ўқувчи менинг қалбимни тушунишидан, туйғуларимга шерик бўлишидан кўрқмайман. «Дуёнинг ишлари» эълон қилинганда янгийўллик бир инженер йигит ниҳоятла ранжиб хат ёзди. «Сиз кўнглини излагини бунчалик очиб ташлаб, ўқувчининг олдида ўз обрўингизни туширдингиз, ўзингиз қилган хатоларни шунчалик дoston қилиш шартчили» деб эътироз билдирди. Чинозлик бошқа бир китобхон эса «Сизнинг асарингиздаги энг катта фазилат самимиятда» деб ёзди. Машҳур адабиётшунос олим Озод Шарафилдинов ҳам асарнинг энг катта ютуғи унинг самимийлигида эканлигини, муаллиф ҳеч нимани яширмай китобхон билан энг азиз гуйғуларини баҳам кўрганлиги жиддий фазилат эканлигини баён этади. Ҳурматли домламиз асарни мақтагани учун эмас, санъат моҳиятининг ўзи шунақа эканлигини исботлаб бергани учун ҳам Озод аканинг фикрига тўла қўшиламан.

ТАНҚИДЧИ. Менинг халис, объектив тасвир йўлида битилган асарларга шахсий майлим учун қойимасангиз ҳам бўлаверади. Ёдингизлами, машҳур арбоблардан бири санъат ва адабиётдаги услублар ранг-баранглигини маъқулагани ҳолда халис объектив тасвир йўлини ҳуш кўрган.

Сизнинг тасвир самимияти ҳақидаги мулоҳазаларингиз ўринли, аммо самимиятга фақат дилдагини ошкора тўкиб солиш, илмий қилиб айтганда, лиро-публицистик йўл билангина эришиш мумкин деб ўйлаш тўғри бўлмаса керак, бунинг учун устозлардан далил келтирмай қўя қолай. Сизнинг, масалан, халис тасвир йўлида битилган «Дехқоннинг бир қуни», «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояларингиз самимийлиги

жиҳатидан лиро-публицистик руҳ жуи уриб турган «Нур борки, соя бор» романидан заифроқ деб ким айтади? Ҳеч ким!

Ҳодисалар ҳолис-объектив тарзда ифода этилган асарларда ёзувчининг позицияси ўзига хос тарзда намоён бўлади. Хунёр китобхон бу хил услубнинг яхши намуналарида, гарчи пинҳон тутилса-да, муаллиф қалбидаги ниқилобий туғёнлар садосини ҳис этиб, сезиб, эшигиб туради. «Дехқоннинг бир куни», «Урушнинг сўнги қурбони» ҳикояларини ёзиш жараёнидаги руҳий ҳолатингизни эслайсизми? Ўша кезларда қалб туғёнларингизни тийиш, ҳолис туриб гавдалантирилган ҳодисалар бағрига кўчириш қандай кечган?

ЁЗУВЧИ. Нима десам экан... Ўша пайтда шу ҳаяжонлар китобхонга кўчиши аниқлигини ҳис этиб турганман. Бу асарлар тўқимасининг ўзи (асар жони, асар тани деса ҳам бўлади) биронта ортиқча сўзни кўтаролмасди. Медицинада «инородное тело» деган ибора бор. Асарда шунақа «инородное тело» бўлмаслиги керак. Баъзан «Ёзувчи ҳаётнинг фалон қатламини акс эттирмади, масаланинг иллизини очиб бермади», деганга ўхшаш эътирозлар бўлади. Машҳур Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэйнинг яхши бир гапи бор. «Ҳақиқий асар айсбергга ўхшайди. Айсбергнинг саккиздан бир қисмигина сув устида кўриниб туради. Лекин денгизчилар унинг тагида яна етти қисми борлигини билишади», дейди. Чиндан ҳам шундай. Ёзувчи ҳар бир гапнинг иллизини ковлаб, эзмаланиб ўтириши шарт эмас. Воқеаларни шундай драматик чўққиларда кўрсатиш мумкинки, ўқувчининг ўзи ўша чўққининг тагида каттакон тоғ борлигини ҳис этади. Фақат, Сиз юқорида санаб ўтган ҳикоялардагина эмас, бошқа машқларимда ҳам доим шунга ҳаракат қиламан. Бунга эришиш анча мушкул. Бироқ эришиш керак.

ТАНҚИДЧИ. Кейинги йилларда ўзимизда, шунингдек, жаҳон прогрессив адабиётида яратилаётган қатор йирик эпик асарларда ўзига хос синтезлашув тенденцияси юз бермоқда. Г.Маркес, Ч.Айтматов, В.Астафьев, Н.Думбалс, Асқад Мухторларнинг қисса ва романларида бу тенденция яққол намоён бўлмоқда. Сизнинг «Дунёнинг ишлари» қиссанинг ҳам қисман шу хусусият кўзга ташланди. Бир асарнинг ўзида ҳам бугунги кун, ҳам яқин ўтмиш, ҳам ҳолис-объектив тасвир, ҳам лиро-публицистик таъқин, фалсафий мушоҳадалар, ҳам ҳаётнинг иккир-чикирларигача илчил кўрсатилган ўта реалистик манзараси, ҳам шартли романгик, ривоят, афсоналар, ҳам социал, ҳам маънавий-ахлоқий таъқил, ҳам кундалик ҳаётнинг долзарб масалалари, ҳам мангу, анъанавий муам-

молари, ҳам оддийгина этюдлар, ҳам мустақил ҳикоя, баъзан эса ихчам қисса даражасига етган боблар... Унда мемуар-автобиографик хусусиятлар ҳам анчагина... Хуллас, бир асарда ғоят хилма-хил тасвир, услуб хусусиятлари, адабий тур, жанр элементларининг қўшилган-чатишган ҳолда келиши ғалати ҳодиса.

ЁЗУВЧИ. Мана энди мени қизиқтирган муҳим бадиий муаммога келлик. Аслида, Сиз айтаётган тенденция энди пайдо бўлаётгани йўқ. Жаҳон адабиётидаги энг яхши йирик асарларда аввал ҳам ранг-баранг услубий йўналишлардан фойдаланилган. Аслида инсон қанча мукамал, хилма-хил томондан тасвирланса, тасвир услуби ҳам ранг-баранг бўлаверади. Шунинг учун ҳам тасвир услубини бўлиб-бўлиб ажратиб олиб текшириш унча тўғрима.

ТАНКИДЧИ. Тўғри. Сиз айтгандай бир асарда бир неча хил услубий хусусиятларнинг синтезлашган ҳолда келиши авваллари ҳам бўлган. Бироқ бугунги адабиётдаги синтезлашув ўзгача тарзда намоён бўлмоқда. Ҳозирги ўзбек насридаги бу ҳодиса эса жиддий янгилик... Шу йўлда битилган асарлар услубини бўлакларга ажратмай, яхлит ҳолда ўрганиш кераклиги ҳақидаги фикрингизга тўла қўшиламан.

ЁЗУВЧИ. Бу мулоҳазани айтаётганда мен қуйидаги ақидага таянаман: бадиий асар ёзилади эмас, туғилади деганлари тўғри. Масалан, она боласининг қулоғи қанақа бўлиши, оғзи қандай бўлиши, қошининг қанақалигини олдиндан башорат қилолмайди. Бола тирик организм бўлиб туғилади. Асар ҳам шундай. Албатта, қаламкаш бўлажак асарини тахминан тасаввур этади, лекин олдиндан анави ерини бундай қилиб бошлаб ташлайман, манави ерини бундай қиламан деб мақтанолмайди. «Дунёнинг ишлари» тўғри бўлмаса керак. У... нима десам экан, қалбимдан нидо ўхшаш нарсасифатида ёзилган эди. Кейин туркум ҳикоялар пайдо бўлди. Ундан кейин ҳикоялар ўртасида руҳий ва мантиқий боғлиқлик борлиги туфайли қиссага айланди. Синтезлашув жараёни масаласига келсак, бу ёзувчи маълум ҳаётини ва ижодий тажриба тўплагач, ҳаммада ҳам пайдо бўлса керак. Асардаги услубларнинг жараён билан мураккаблиги ўша китобда тасвирланган ҳаётини асар воқеаси, ундаги одамларнинг ўзи «мен бошқача эмас, айнан жараёнининг муқаддаслиги, сирли-сехрли экани ҳам шундандир.

Қизиқ бир гап. Кунлардан бирида машҳур кинорежиссёр Бонларчук В.Шукшиннинг ҳикояларини ўқиб қувониб кетибди. Шукшиннинг елкасига қоқиб: «Баракалла, Вася, ҳақиқий санъат асарлари яратибсан» деганда Шукшиннинг капалаги учиб кетибди. «Нима учун мен санъат асари яратар эканман, ахир мен ҳаётни тасвирладим» дебди. Бир қарашда кулгили туюладиган бу ҳолатда катта ҳақиқат бор. Ёзувчи ҳеч қачон мен санъат асари қиляпман деб олдиндан кўксига урмаслиги керак. Асар яхши бўлса, ёзувчи қалбининг инқилоби бўлиб тутилса, ўз-ўзидан у санъат асарига айланиши мумкин...

ТАНҚИДЧИ. Масала кўтариш, ҳозиржавоблик устида гаплашмоқчи эдик...

ЁЗУВЧИ. Публицистикага хос ҳозиржавоблик, масала кўтариш муаммосига келсак, юқорида айтганларимга шуни илова қилишим мумкин. Билмадим, ҳар қалай ёзувчи информатор эмас. У – санъаткор. Бадиий асар – ҳикоя, роман, қисса ёки дoston артиллерияга ўхшайди. У фронт чизигидан орқада туриб снаряд отади. Унинг зарбаси узоққа кетади, салмоқли бўлади. Публицист эса сапёрга ўхшайди (Бу ўринда публицистик асарнинг ўзини назарда тутяпман). У олдинда юради. Фронтнинг энг олдинги чизигидаги хатарли ва керакли вазифани бажаради. Хуллас, алабиёт учун ёзувчи ҳам, публицист ҳам керак. Негаки, сапёрнинг ҳам, артиллеристнинг ҳам мақсади битта. Бироқ замбарак билан мина изланмаганидек, сапёр ҳам орқасига замбарак эмас, мина изловчи аппарат осиб юради. Демокчимаки, публицистикадаги ҳозиржавоблик, долзарблик, масала кўтариш хусусиятлари бадиий асарга кўр-кўрона кўчирилса ўзини оқлай олмайди.

ТАНҚИДЧИ. Шу гапни давом эттириб адабиётдаги «долзарб масалалар», «актуал масалалар», «умуминсоний муаммолар», «мангу, анъанавий мавзулар» тушунчалари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим...

ЁЗУВЧИ. Ижодкор хоҳлайдими, йўқми ўз замонасининг йилномасини яратади. У қайси мавзуда ёзишидан қатъий назар даврнинг нафаси асарларида сезилиб туради. Лекин бунинг учун қаламкаш ҳаққоний асар ёзмоғи керак. Ана шунда юқоридаги тушунчаларнинг ҳаммаси уйғунлашиши мумкин.

1982 йил, апрел

ПОЭМА – КАШФИЁТ ДЕМАК
(Шоир Муҳаммад Али билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Ўзбекистон ёзувчиларининг VIII съездида адабий-танқидий тафаккурининг ҳозирги ривожига, унинг ютуқларига юксак баҳо берилди, айти пайтда танқидчилик олдида турган долзарб вазифаларга эътибор жалб этилди. Дарҳақиқат, танқидчилигимизда фахрланса арзигудек ютуқларимиз бор, бироқ ҳали олдимизда ҳал этилмаган муаммолар, адо этилиши лозим бўлган вазифалар беҳал кўп. Кейинги йилларда яхши бир анъана вужудга келди - адабий жараёнга оид долзарб муаммоларни кўп ҳолларда танқидчилар бевосита ижодкорлар — ёзувчи, шоир, драматурглар билан ҳамкорликда ҳал этишга ҳаракат қилаётгилар, бундай ҳамкорликнинг хилма-хил шакллари туғилиб, тобора тақомиллашиб бормоқда, жумладан, радио, телевидениеда ўтказилаётган, газета ва журналлар саҳифаларида бериб борилаётган, адабий-танқидий тўпламлардан ҳам жой олаётган ёзувчи-танқидчи суҳбатлари адабий мухлислари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда, бу тур танқидчилигимизнинг етакчи жанрларидан бирига айланиб бормоқда. Бу жанр адабий-танқидий тафаккур ривожига янги бир тўлқин олиб кирди. Шунга қарамай, танқидчиликнинг бу шаклини унча хуш кўрмайдиган ҳамкасблар ҳам бор. Эҳтимол, бизда бу шаклнинг ҳали заиф жиҳатлари кўндир, у тақомиллаштиришга муҳтождир, шунга асосланиб, уни камситиш, рад этиш инсофдан эмас, аксинча, уни янада мукамаллаштириш устида ўйлаш мақсадга мувофиқдир.

ШОИР. Ёзувчи ва танқидчи диалоги, шунингдек, шоир ва танқидчи, драматург ва танқидчи, таржимон ва танқидчи, танқидчи билан танқидчи диалоглари нафақат адабий танқидчилигимизни, балки бутун адабиётимизни ривожлантиришга катта ҳисса қўшадиган омиллардан бири сифатида қаралиши керак. Бу шаклнинг жуда кўп афзал томонлари бор. Биринчидан, ёзувчининг ижодхонасига бевосита кириб борилди, ижоднинг ўзига ҳос сирлари ўрганилади; иккинчидан, ёзувчининг у ёки бу ҳодисага қараши аён бўлади, биз ахир кўп ҳолларда ёзувчининг асарларини ўқиймиз-у, ижодкорнинг бизни қизиқтириб турган муаммолар ҳақидаги фикрини билмай қоламиз; учинчидан, энг муҳими, ўқувчининг адабиётга бўлган меҳрини яна ҳам оширади. Мана шундай диалогларни ўқиганимизда ёдимга рус танқидчиси В.Г.Белинскийнинг машҳур “Гоголга хат”и тушди. Ушбу хатни

Белинский фаолиятининг якуний меваси деб аташ мумкин. Ёзувчи танқидчининг ушбу хатига жавоблар қайтаради, бу ўзаро ёзишмаларда икки адибнинг ижтимоий ҳаётга, адабиётга бўлган қарашлари, инсоний гуйғулари ёрқин кўриниб туради. Бу ҳам ўзига хос диалогдир. Бизнинг давримизга келиб бундай диалогнинг имкониятлари кенгайди. Газета, журналлардан ташқари, радио, айниқса, телевидение ёзувчи билан танқидчининг бевосита юзма-юз ўтириб, ошкора суҳбат қуриши учун қулай имкониятлар яратиб бермоқда.

ТАНҚИДЧИ. Шу қулай имкониятлардан фойдаланиб, танқидчилигимиз олдида турган муҳим бир масала — бугунги дostonчилигимиз муаммолари устида гаплашиб олсак. Мабодо суҳбат-баҳсимиздан айрим ўртоқларнинг кўнгли тўлмаса, олдиндан эътироф этиб қўяйлик, бунинг учун диалог жанри эмас, биз айбдор.

Муҳаммад Али, Сиз дostonнавис сифатида бу жанрнинг ҳозирги аҳволи, тараққиёт проблемалари, тенденцияларидан, поэма теварагида кетаётган баҳс-мунозаралардан яхши хабардорсиз. Аввало, дoston-поэма жанрининг бугунги адабий жараёндаги мавқеи, ўрни, унинг имкониятлари масаласига қандай қарайсиз?

ШОИР. Рухсат этасиз, дostonчиликнинг бугунги аҳволи, умумадабий жараёндаги мавқеи ҳақида гапиришдан олдин озгина тарихга мурожаат этсам...

Дoston жанри ҳаминша, ўтмишда, айниқса, адабиётнинг гултожи саналган, бу ерда ҳеч муболаға йўқ. Бу жаҳондаги барча улўф адабиётлар тараққиётига дахлдор бир гапдир. Эрамиздан олдинги учинчи ва иккинчи минг йиллик оралигида яратилган машҳур шумерлар дostonи “Гилгамеш”, буюк ҳинд эпослари — “Маҳабҳарата” ва “Рамаяна”, Ҳомернинг “Илиада” ва “Одиссея”си, испанларнинг “Менинг Сайидим ҳақида кўшиқ”, русларнинг бутун бир адабиёт яратиб берган довруқли “Игорь жангномаси”, французларнинг “Роланд ҳақида кўшиқ” сингари поэмалари, Дантенинг “Илоҳий комедия” ва Навоийнинг “Хамса”си, Байроннинг “Дон Жуан”, Гётенинг “Фауст”, Пушкиннинг “Евгений Онегин”, Мишкевичнинг “Пан Тадеуш” асарлари... Мен атайлаб турли адабиётлардан баъзи намуналар келтирдим, юқоридаги мен айтган фикрни исботи учун шуларнинг ўзи кифоя деб ўйлайман.

Ўзбек адабиёти ҳам жаҳондаги кўҳна, бой адабиётлардан биридир. Ана шундай адабиётнинг ҳам оёққа гурушида, шубҳасиз, дoston жанрининг хизмати каттадир. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қуталғу билик”, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”,

“Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо”, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Лутфийнинг “Гул ва Наврӯз”, Сайид Аҳмад ибн Мироншоҳнинг “Таашшуқнома”, Навоийнинг “Хамса”, “Лисон ут-тайр” дostonлари — мана булар халқ оғзаки дурдоналари билан бирга адабиётимиз биносини тиклаб бердилар, мумтоз адабиётимизнинг бўй-басти ана шу асарлар билан юксакдир. Шу ерда мен дostonчилигимизни босқичларга бўлиб чиқмоқчиман. Назаримда, бизнинг дostonчилигимизда, асосан, учта босқич мавжуддир. Биринчиси, ўша ҳар бирини шеърӣ роман деса бўладиган дostonлардан ташкил топган Алишер Навоийнинг “Хамса”си яратилган давр; иккинчиси — XX асрнинг ўттизинчи-қирқинчи йилларида яратилган дostonлар, учинчиси — олтинчи-етмишинчи йилларда пайдо бўлган дostonлар даври. Булар — кўтарилиш нуқталари. Ҳар қандай кўтарилишни ҳам, ҳар қандай асарни ҳам у қайси жанрга оид бўлмасин, замон яратади, асар мазмунини ва шаклини замон белгилайди. Қаранг, XI–XII асарларда адабиётимизда дидактик руҳдаги дostonлар яратилди, XIII–XIV асрларда ишқӣ — романтик дostonлар пайдо бўлди. Кейинроқ эса, ҳаётнинг турли қатламларини қамраб олувчи “Хамса” майдонга келди, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” жангномаси дунё юзни кўради. Яна ҳам кейинроқ Хиромийнинг “Тўтинома”, “Чор дарвеш” каби ва бошқа дostonлар адабиётимизни бойитиб берадилар. Замон талабию ижодкор таланти билан ёзилди бу асарлар.

ТАНҚИДЧИ. Кўриниб турибдики, адабиётдаги, аниқроғи, шеърӣятдаги улкан кўтарилишлар, бурилишлар палласида дoston жанри ҳам туркираб ривожланган.

ШОИР. Худди шундай.

Айталик. Иккинчи жаҳон уруши даври, кейинги тинч курилиш йиллари яна янги мавзулар берди. Дostonларимиз тематикаси янада бойиди. Урушдан кейинги йиллар жуда катта меҳнат, бунёдкорлик йиллари бўлди. Мамлакатнинг вайрон бўлган хўжалигини тиклаш йўлида кишиларимиз бемисл жасорат кўрсатдилар, меҳнат қилдилар. Дostonларда энди ана шу буюк меҳнат образини кўрамыз, биринчи ўринда, ўша меҳнат жасорати. Филойилик ўз ифодасини топди. Ўша йилларда яратилган Ойбекнинг “Қизлар”, Мирмуҳсиннинг “Уста Фиёс”, “Яшил қишлоқ”, Асқад Мухторнинг “Капта йўлда”, “Пўлат куювчи”, Мамарасул Бобоевнинг “Бойбон”, Шукруллонинг “Чоллар” каби дostonлари катта меҳнатта бағишланган қасидадек жаранглаган эди.

60-йилларга келиб дostonчиликда янгича усуллар пайдо бўлди. Энди қахрамоннинг меҳнат фаолиятигина эмас, балки биринчи ўринда унинг қалби, қувонч ва шодлиги, изтироблари, эзгуликни амалга ошириш йўлидаги уринишлари, қалб билан замоннинг уйғунлашуви борасидаги қийинчиликлар, боринки, тирик инсонга хос туйғулар ўз ифодасини топа бошлади. Мен бу ўринда “Сураг”, “Қуёшли қалам”, “Мангуликка дахлдор”, “Нидо”, ✓ “Сотволдидан салом” каби дostonларни кўзда тутмоқдаман.

Мана шу айтилганлардан кўриниб турибдики, дoston жанри бугунги кунда ҳам ўз мавқеини сусайтирган эмас, шоирларимизнинг дoston жанридаги изланишлари тўхтаган эмас. Модомики, ҳозир объективда инсон қалби турган экан, бу қалбнинг тебранишлари дostonларга кўрк ва салобат бермоғи керак. Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни”, Абдулла Ориповнинг “Ҳаким ва ажал”, Ҳусниддин Шариповнинг “Инсоф диёри” дostonларида ана шундай қалб тебранишлари бор деб ҳисоблайман.

ТАНҚИДЧИ. Шундайку-я, лекин ўзбек дostonчилигининг ҳозирги ҳолати, ривож, бошқа жанрлар орасида тугган мавқеи ҳусусида танқидчилигимизда баъзи мунозарати фикрлар ҳам мавжуд. Адабиётимизнинг бугунги ютуқлари устида сўз борганда проза, лирика, драматургиянинг энг яхши намуналари қаторида тоҳа айрим дostonлар ҳам тилга олинади, уларга юксак баҳо берилади. Шу билан баробар, бевосита дostonчилик устида сўз кетганида танқидий баҳо хийла кескинлашади. Далил учун поэма ҳақида кўп илмий ишлар қилган, бу жанр ривожини синчиклаб кузатиб бораётган икки танқидчининг фикрини келтираман. Улардан бири Салоҳиддин Мамажонов бундан уч йил бурун “Шарқ юлдузи”даги бир мақоласида ҳозир “Зайнаб ва Омон”, “Жонтемир”, “Ўч”, “Темирчи Жўра”, “Дилбар — давр қизи”, “Сураг”, “Уста Ғиёс”, “Пўлат қуювчи”ларга тенглаша оладиган поэмалар борми, деган савол қўйиб, ўзи бунга салбий жавоб беради. Йилига ўндан ортиқ поэмалар эълон этилаётгани ҳолда “улар халқ юрагига йўл топа олмагани, уларга кўмак берадиган савияда эмас”, бизда “поэмачиликда мукамал, китобхон қалбига кириб бора оладиган асарлар пайдо бўлмагани”, деб ёзди. Мунаққид бошқа бир мақоласида “...тўрт йилча даврнинг ўзида фақат ўзбек адабиётида юздан ортиқ ҳар хил типдаги ва ҳажмдаги поэмалар эълон қилинди. Уларнинг битилганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ, аммо кўплари, ҳатто танқидчилигимиз яхшигина баҳолаган асарлар ҳам эсан чиқиб

кетди”, дейди. Озод Шарафиддинов “Ўтган йилнинг дostonлари” мақоласида 1978 йили эълон этилган поэмаларни батафсил талхил этиб, уларда бир қатор фазилатлар, самарали изланишлар мавжуд эканини эътироф этгани ҳолда, пировардида: “китобхонни ҳар томонлама мамнун этадиган, замон талабларига тўла-тўқис жавоб берадиган ғоявий-бадий жиҳатдан мукаммал поэмалар яратилди деб айтиш қийин”, деган хулосага келади...

ШОИР. Аввало, “мукаммал поэма” деганда нимани тушунамиз - мана шунини аниқлаб олишимиз керак. Умуман, абсолют маънода мукаммал асар бўлиши мумкинми? Фақат поэмагина эмас, борингки, роман, драма ва бошқа жанрларда ҳам. Менимча, мукаммал асарнинг бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бир машхур ёзувчидан, қайси асарингизни мукаммал, тугал-баркамол асар ҳисоблайсиз, деб сўраганларида, менинг тугал, баркамол асарим йўқ деб жавоб қилган экан. Назаримда, бу ерда камтарлик йўқ. “Мукаммал поэма” дейиш билан Озод Шарафиддинов ва Салоҳиддин Мамажонов ҳамма қўлдан қўймай севиб ўқийдиган, қалбини қийнаб ётган саволларга жавоб топа оладиган поэмаларни айтётганликларини тушуниб турибман. Улар энг юксак талаблар билан масалага ёндашаётирлар. Чунки биз дostonчилигимизнинг ҳозирги аҳволини билмоқчи бўлсак, шундоқ қилишимиз, бу жанрдаги энг юксак намуналардан андоза олишимиз керак-да! Яна бир жиҳати. Биз асарларга баҳо берганимизда умумлаштириб нуктаи назаридан ёндашамиз, бу тўғри, лекин асарнинг ўзидан ҳам келиб чиқишимиз керак. Мен асарда муаллиф ўз олдига қўйган ният билан унинг ижросини назарда тутмоқдаман. Ният қанчалар катта ва салмоқли бўлса, ижроси ҳам шунга яраша бўлади.

Энди дostonларимизнинг китобхонлар қалбига етиб бора олмаслигида жиндай сиз танқидчиларнинг ҳам “айб”ингиз бор деб ўйлайман. Танқидчиларимиз бу жанр ҳақида кам ёзишмоқда. Салоҳиддин Мамажонов, Озод Шарафиддинов каби танқидчиларимизни ҳисобга олмаганда, дostonлар ҳақида мақолалар ёзилмаётир, дейиш мумкин. Мана, йироққа бормайлик, ўзингиз ҳам бир пайт дostonлар ҳақида чиройли мақолалар ёзганингиз. Кейинги пайтларда бу яхши одатларингизни унутиб қўйдингиз. Олдин бир ҳақиқат борки, ҳар қандай асар учун ҳам тарғибот керак. Дostonлар ҳам шунга муҳтож. Ҳозир замон оқини шиддатли тусга кирган бир вақтда, ҳаётининг қатлам-қатламлари илмий-техника инқилоби суронлари билан тўлган бир даврда

ўқувчиларнинг китоб ўқишига вақтлари тигиз бўлиши табиий. Ҳолбуки, шоирларимиз қаттиқ изланишмоқда, бу ўринда Асқал Мухторнинг ҳам, Ҳусниддин Шариповнинг ҳам, Эркин Воҳидовнинг ҳам изланишларини айтиб ўтишни истардим.

ТАНҚИДЧИ. Ҳозирги достончиликдаги изланишлар хусусида гапиришдан олдин боягига баҳса — ҳозирги достонларнинг даражаси масаласига ўз муносабатимни билдириб ўтишни истардим. Бирор жанрнинг ҳолатига унинг ўтмишдаги, жаҳон халқлари адабиётидаги энг яхши намуналари билан қиёслаб баҳо бериш умуман олганда мақбул усул. Аммо бунда бир оз эҳтиёткорлик даркор. Гап шундаки, ҳозирги кунда 30-40-йиллар ўзбек поэмачилигининг дурдоналари сифатида бор-йўғи 4-5та асар тилга олинади, ҳолос. Ҳолбуки, ўша йиллари бизда юзлаб достонлар битилган, уларнинг кўпчилиги ўз вақтида севиб ўқилган, юксак баҳоланган, бинобарин, даврига хизмат қилган. Демак, яхши асарлар ҳам кўпинча давр синовига дош беролмаслиги мумкин. Худди шунингдек, кейинги ўн-беш йил давомида бизда юзлаб достонлар яратилди, уларнинг кўпи, С. Мамажонов айтганидек, ҳатто тезда унутилиб кетди. Бироқ улар орасида хотирамизда қолган, эсланганда, қайта ўқиганда ҳамон бизни ҳаяжонга соладиган асарлар бор. Эҳтимол, бугунги поэмаларда классик достонларимизга хос айрим хусусиятлар етишмас, бу табиий, айни пайтда ҳозирги достонларимизда бадииятнинг чуқурлашиб, жанрнинг янгидан-янги имкониятлари кашф этилиб бораётганлигини тасдиқлайдиган кўп янги фазилатлар борки, бу ҳол кишини қувонтиради.

Бу жанрни қардошларимиз достончилиги савияси билан қиёслганда, балки А. Твардовский, Е. Исаев, Евг. Евтушенко, Ю.Марцинкявичюс асарлари билан ҳар тарфлама тенглаша оладиган достонлар ҳозирча бизда йўқдир, аммо энг яхши достонларимиздаги кўп хусусиятлар қардошларимиздаги поэмаларнинг фазилатларига оҳангдошир.

ШОИР. Ҳозирги достонларимиздаги энг муҳим ютуқни мен инсон образи ва унинг талқинида кўраман. Адабиётнинг бош масаласи - Инсон, унинг ҳаёти, қалби ва фаолияти. Инсоншунослик фанининг ютуқлари бевосита ўзининг объекти — инсон билан боғлиқ. Инсон асли табиатдан мураккабдир, бизнинг давримизда у бағоят, шуурга сизмас даражада мураккаблашиб бормоқда, унинг ҳаёти эса шунчалар серқирра, сермазмунки, таърифи йўқ. Адабиёт, жумладан, достонларимиз ўша Инсондан

ранг ва руҳ олади. Менимча, янги босқичдаги ўзбек дostonларида ҳаммадан бурун, психологизм элементлари кучайиши керак, чунки инсоннинг мураккаб қалбини бусиз очиб бўлмайди, унинг мураккаб ҳаёти, фаолияти намоён бўлсин. Дostonларда тарихийлик хусусиятлари бўрта бориши керак, тарихийлик деганда мавзунинг назарда тутмаётганиман, балки, ҳар қандай бугунги ҳодиса ҳақида ёзганда ҳам унга тарихий кўз билан қараш лозимлигини айтиётганиман. Ана шу икки хусусият дostonларимизнинг энг муҳим фазилатлари даражасига кўтарилмоғи лозим. Мен дostonчилик истиқболи кўп жиҳатдан ана шуларга боғлиқ деб ҳисоблайман.

ТАНҚИДЧИ. Дostonчилик ривожини учун ниҳоятда принципиал масалаларини ўртага ташиётгансиз. Кейинги чорак аср давомида бир неча бор поэмачилик проблемаларига бағишланган баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Шуниси қизиқки, баҳсларнинг барчасида гап-сўзлар асосан бир масала -жанрнинг ифода тури масаласи теварагида борди, дostonчиликнинг ютуқ ва камчиликлари асосан бирор турининг кучли ва ожиз томонлари билан изоҳланди. Биз гоҳ лирик поэма, гоҳ эпик поэма, гоҳ лиро-эпик поэма, гоҳ драматик поэма даври келди, деб башоратлар қилдик, поэманинг бирор турини афзал билиб бошқасининг даври ўтди, дея шошма-шошарлик билан ҳулоса чиқарган пайтларимиз кўп бўлди. Сиз ҳам бир мақолангизда поэзияда энди эпик кўлам даври келди, деб ёзгансиз, поэмачилик истиқболини эпик кўлам миқёсига қараб белгиламоқчи бўлгансиз... Бу хил кузатишларда, баҳс-муноҳазаларда ҳам озми-кўпми ҳақиқат бор. Бироқ дostonчиликка алоқадор гаплар фақат шулардан иборат эмас-да ахир!

ШОИР. Тўғри, "Шарқ юлдузи"да босилган бир мақоламда шу ҳақида ёзган эдим. Ҳозир ҳам шу фикрдаман. Аслида эпик кўлам адабиётимизда ҳамиша бўлган, ҳамиша бор эди. Бир аниқлик киритмоқчиман: эпик кўлам деганда мен лирик, драматик асарларга зид равишда айтиётганим йўқ, балки лирик, драматик унсурлар ҳам ўша эпик асарнинг бадиий компонентларидан бўлиб хизмат қилади демоқчиман. Адабиётнинг учта тури — лирика, драма, эпос ичида сардор, шубҳасиз, эпосдир. Лирика — қалблагчи ҳаяжонларни, драма — ҳатти-ҳаракатни, фаолиятни тавсир этади, эпос эса инсоннинг бутун ҳаётини кўрсатади. Дostonларимизда эпик кўлам устун, лекин унда лирика ва драма элементлари тобора қоришиб бормоқда. Уларни бир-биридан ажратиш қийин. Дostonчилигимиздаги муҳим фазилатлардан яна бири - шу.

ТАНҚИДЧИ. Достонда лирик, эпик ва драматик элементларнинг нисбати ҳақидаги баҳсни кейинроққа қолдириб, аввал боя Сиз бу ерда ўртага қўйган инсон образи ва унинг талқини хусусида батафсилроқ гаплашиб олайлик. Достончилик проблемалари ҳақидаги баҳсени аслида барча жанрларда бўлгани каби, ҳаёт ва шахснинг бадий концепцияси масаласидан бошлаш керак. Достон қайси турга мансуб бўлишидан қатъи назар унда ҳаётнинг қандай янги жиҳати кашф этилган, қанақа инсон-қаҳрамон образи яратилган, инсон ва унинг қалби ҳақида қанақа янги гап — ҳақиқат айтилган — шу саволларга берилган жавобга қараб достон даражаси, савияси, бадийяти ҳақида узи-кеси-л ҳукм чиқариш мумкин. “Поэма” сўзи асли грекчада “яратаман”, “кашф этаман” деган маънони англатар экан. яратмоқ, кашф этмоқ жанрнинг табиатига ниҳоятда мос. Аслида, янги топишган, ниҳоятда зарур гап шоирга тинчлик бермай, қалбини гутёнга солганида, худди ўша жиловланган олиш қийин бўлган, кичик шаклга сиғмайдиган қалб тугёни кўпроқ достон шаклини тақозо этади. Поэма қандай турда яратилган бўлмасин, бари бир унда ижодкор ўз қалбиданги гапларни ошкора тўкиб солади, демак, унинг қалби асарида худди кафтдагидек мана мен деб туради, муаллифнинг ҳаёт ва шахс ҳақидаги кашфиёти — оригинал концепцияси бошқа йирик жанрлардагига кўра достонда яққолроқ намоён бўлади ва яққолроқ ифода этишни тақозо ҳам этади.

ШОИР. Муаллифнинг ҳаёт ва шахс ҳақидаги кашфиёти — оригинал концепцияси бошқа йирик жанрлардагига кўра достонда яққолроқ намоён бўлади, деган фикрингизга қўшиламан. Лекин ўша кашфиёт асарда муаллиф таърифи билан бўлмай, балки бевосита қаҳрамон ҳаётининг ифодаси орқали, унинг ёрқин тимсоли орқали берилса эди, нур устига аъло нур бўлар эди! Ҳамма гап ана шундоқ бера билишда-да! Кўнчилик достонларимизда осон йўлдан борилади. Қаҳрамоннинг ҳаёти кўрсатилмайди, асар ҳақида ўқувчининг ўзи умумлашма чиқара олмай қолади, бунинг ўрнига муаллиф умумлашма ясайди-да, ҳати Сиз айтган “кашфиёт” деб тақдим қилади. Достончилигининг маънавий хусусиятлардан бири шу. Жула кўп поэмаларимизда ҳам, афсуски, шу қусур бор.

ТАНҚИДЧИ. Аслида шоирнинг ҳаёт ва шахс ҳақида айтилган жула зарур, оригинал гапи бўлмаса, Сиз айтган тарздаги маъҳум “умумлашма”лар майдонга келади. Аксинча, ижодкорнинг қаттиқ ҳаяжонли самараси саналган, қалбига ниҳоятда яқин бўлган гапи таъсирнинг конкретлигини таъмин этади. Ҳозирги энг яхши достонларимизни шу жиҳатдан кўздан кечирайлик.

Улкан адиб Ойбекни мен кўп марта кўрганман, унинг суҳбатида бўлганман, адиб шахсияти, қалб саҳовати ҳақида кўп эшитганман, асарларини қайта-қайта ўқиганман, у ҳақида ёзилган илмий ишлардан хабардорман. Шуларга қарамай, Зулфиянинг Ойбек ҳақидаги достони кўплар қатори мен учун ҳам фавқуллодда бир кашфиёт бўлди. Поэмада Ойбек ҳаётидан, ҳаётининг сўнгги давридан кичик бир лавҳа чизилади, лекин шу кичик лавҳа орқали шоира улуғ адибнинг улкан қалбини очиб беришга эришади, унинг жонли қиёфасини — нуроний сиймосини шундоқ кўз олдимизга келтириб қўяди.

Ёки “Лола кўл”ни эслайлик. Шоир унда ўзбек достончилигида деярли қаламга олинмаган ҳолисага мурожаат этади — кишиларимизнинг шахсий-оилавий ҳаёти — оилавий ҳаётда йўл қўйилган кичкинагина хатонинг бир эмас, бир неча кишилар тақдиридаги кўнгилсиз оқибатларини кўрсатади. Асар бош қаҳрамони Тўлаган йўл қўйган хато, аввало, унинг ўзи учун оғир кўргилик, бундан жафокаш хогинининг бахти кемтик. қизи бир умр она дийдорига, ўғил эса ота васлига зор. Гуғри, хотин ҳам, қиз ва ўғил ҳам ҳаётда ўз йўлларини топиб кетадилар, ҳалол меҳнатлари билан эл-юрт орасида шуҳрат топадилар, лекин, бари бир, Тўлаган қилмиши туфайли улар қалби ўксик... Достоннавис ўз асарида тўқис инсоний бахт масаласини ўртага қўяди; инсон фақат меҳнатда эмас, шахсий ҳаётда ҳам қалбини топанда тўла бахтиёр бўлиши мумкинлигини поэтик жиҳатдан далиллайди...

ШОИР. Достонда қўйилган масала доираси шу билан чекланмайди. Айни пайтда муаллиф асарда инсон ва табиат муаммосини ҳам кўтаради.

ТАНҚИДЧИ. Ҳусниддин Шариповнинг “Сотволдидан салом” достони қаҳрамони Сотволдинни Кўкандан кейин биздаги энг ёрқин чизилган қишлоқ кишиси образи десам муболаға бўлмас. Бу инсон тимсолида шоир ҳозирги қишлоқ раҳбарига хос кўп янги хусусиятларни айрим ҳозиржавоб насир ва драматурглардан олдинроқ кўришга ва мужассамлаштиришга эришди. Сотволди ҳалол, юксак эътиқодли, принципат, шу билан баробар ниҳоятда қув, нишбилармон, билимдон одам... Эркин Самандаров “Қабул соатлари” достонида булунчи раҳбар ҳолим образини яратишга интилиб унинг қалбида анча чуқур киролган. Муаллиф қаҳрамонини ташқи томондан таърифлашдан қочди, унинг шайнига ҳамду санолар айтмайди, диққат-эътиборини қаҳрамон қалбига, унинг

маънавий-руҳий оламига қаратади. Шоир қаҳрамоннинг шахсий-интим ҳаётига оид чигалликлар - кундалик ишлари, хизмат юрасидан хилма-хил табиатли одамлар билан учрашиш-тўқнашиш туфайли туғилган қалб драмасини яхши кўрсатиб бера олган.

Тарихий дostonчилигимиздан ҳам шу хил мисолларни топиш мумкин. Исёнкор шоир Машраб ҳақида халқ орасида қанчадан-қанча афсоналар юради, лекин Сизнинг “Машраб” дostonингиз орқали биз заминдаги Машрабни кўрдик, барча узунқулоқ гапларни бир чеккага суриб қўйиб, Машраб ҳақида ўз сўзингизни, менимча, энг ҳақ гапни айта олдингиз. Дostonда Машраб қандайдир левона, афанди тарзида эмас, жиддий фожеий, исёнкор шахс тарзида гавдаланади. Худди шу хил фазилатларни Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни”, Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл”, Омон Матжоннинг “Ҳаққуш қичқирғи”, Шукур Қурбоннинг “Темур Малик” ва бошқа энг яхши дostonларда ҳам кўриш мумкин.

Шуниси характерлики, бу дostonларнинг бирида лирик, иккинчисида эпик, учинчисида драматик элементлар мўлроқ, баъзиларида кўтаринки патетик оҳанг, баъзиларида эса танқидий рух устун, яна бирида ўйчан, мулоҳазакор, фалсафий мушоҳадалар, бошқасида қувноқ юмористик оҳанг устувор; айрим дostonларда эса хилма-хил элементларни, тасвир усуллари ва услубини синтезлаштиришга уриниш бор... Кўриб турибсизки, ҳамма тур дostonлар ичида ҳам яхшилари учрайди. Демак, ҳозир ҳамма турда ҳам яхши дoston яратавериш мумкин экан-да... Ҳаёт ва шахснинг чуқур ҳис этилган оригинал бадий концепцияси ўша асарларни гўё ичдан нурлангириб турибди.

ШОИР. Ҳар қандай асар ҳам ижодкорнинг ички эҳтиёжидан келиб чиқади. Келинг, бир мана шу мавзуда асар ёзиб ташлай, дейиш билан асар ёзилавермайди. Мана, Зулфиянинг уша Сиз тилга олган “Қуёшли қалам” дostonи. Шоира улкан адиб ва унинг рафиқаси Зарифа опа билан Бухоро сафарида бирга бўлади. Буюк шаҳар ўзининг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги билан адиб кўз ўнгиде намоён бўлади. У шаҳар кўчаларини бирма-бир кезиб чиқади, аркка боради, минораларни кўради, ҳуллас, “Бухородан қалбини олибди”. Ҳаёлан Айний билан суҳбатлашади, Айний унга: “Мавзу ётар тахланиб. Ёзинг, Ойбек, қанча ёзсангиз ҳам оз!” дегандай бўлади. Адиб Бухоро ҳақида бир роман ёзишни дилига тугади. Бироқ адибнинг нияти амалга ошмай қолади, унинг “учқур илҳоми аршидан қулаган эди”... Шоира мана шу

мулоқотларни кўрганлигидан қалбида кучли эҳтиёж пайдо бўлиб ажойиб дoston ёзди. Дoston адабиётимизда воқеа бўлди.

ТАНҚИДЧИ. Чинакам асар, одатда, қалбга яқин, қалбни қаттиқ туғёнга солган ҳодиса туфайли туғилади, деймиз. Бу гап умуман тўғри, лекин бир оз изоҳга, тўлдиришга муҳтож. Чинакам асар айна пайтда улкан, оригинал фикр, ҳаётнинг моҳиятини, сирли-сехрли жиҳатларини излашга бўлган эҳтиёж туфайли ҳам туғилади.

ШОИР. Фикрингизни тасдиқлайдиган ўзимдан бир мисол келтирай - “Гумбаздаги нур” дostonимнинг нияти қандай туғилганини айтиб берай. Эътибор берган бўлсангиз, дostonнинг қаҳрамони йўқ. Унинг қаҳрамони конкрет бир шахс эмас, балки халқ, меъмор халқ. Бизнинг халқимиз табиатан қурувчи, меъмор халқ. Уйининг ёнига яна бир уй қургиси келаверади. Бу унинг характерини белгилувчи хусусият. Дostonда халқимизнинг қурган бино-иморатларидан, иншоотларидан айримлари, характерлилари қаламга олинган, улар ўртасини боғлаб турувчи ип, яъни бешта иншоотни боғлаб турган ип - бу ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббат! Хўш, бу қайси қурилишлар? Гўри Амир мақбараси - Катта Фарғона канали - Фарҳод ГЭСи - Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Катта театр биноси - зилзиладан кейинги янги Тошкент. Биринчиси - ўтмишдан қолган зиёратгоҳ жой тимсолида, иккинчиси - сувга етишиш, учинчиси нурга етишиш, тўртинчиси, биринчисига қарши ўлароқ, ҳозирги зиёратгоҳ, гўзаллик маскани ва ниҳоят, бешинчиси - макон, Ватан тимсоли. Булар бари халқимизнинг тарихидаги характерли нуқталардир. Дostonда акс этган ўша концепция бирданига туғилиб қолгани йўқ. Самарқандга илк бор борганимда, ижодкор халқимиз ўтмишида яратган мўъжизаларни кўриб, қаттиқ ҳаяжонга тушган ва шу ҳақида бирор асар ёзишга ўзимда эҳтиёж сезган эдим. Лекин ишим тезда юришавермади. Ниҳоят, “Гўри Амир ёки ўн икки номаълум меъмор” деган узундан-узоқ номда бир дoston ёздим. Дoston турли вазида ёзилган бўлса-да, яхши чиқмади. Ундан воз кечилди. Билдимки, асар, хусусан, йирик асар ёзиш учун илк ҳаяжоннинг ўзи етишмас экан, у ҳақида ўй-мулоҳазалар, қиёслар ҳам керак экан, узоқ давом этган ўй-мулоҳазалар туфайли кўнгилда “Гумбаздаги нур”нинг юқорида боя мен айтган концепцияси, шакл-шамойили етилди, сўнгра Сизга маълум асар дунёга келди.

ТАНҚИДЧИ. Дostonнавис санъати ҳақида сўз борганда, такрор айтаман, нуқул шоирнинг лирик ёки эпик маҳорати билан

чекланиб қолмай, айна пайтда дostonнависнинг тафаккур қуввати, воқелик ва шахс моҳиятини очиб бериш иқтидори, маҳорати масаласини асло эсдан чиқармаслигимиз лозим. Ҳозир яратилаётган талай дostonларнинг ожиз ери шундаки, уларда яхши лирик чекинишлар, жонли эпик манзаралар, драматик картиналарни топиш мумкин. Уларнинг муаллифлари, кўпинча, ҳаётда бор машҳур шахсларни қаҳрамон қилиб оладилар, улар ҳаётининг шарҳи, тавсифи бору, муаллифнинг ўша шахс ҳақида фақат ўзи кашф этган, чуқур ҳис қилган оригинал концепцияси йўқ. Яна такрорлайман, бошқа жанрларда, эҳтимол, фикр ғариблиги дарҳол кўзга ташланавермас, аммо дostonда шундоққина кўриниб туради.

ШОИР. Фикрнинг ғариблиги ҳамма жанрларда ҳам яққол кўриниб туради-ку. Маҳорат, шакл масаласига келсак, бу ҳамиша бош масалалардан бири бўлиб қолаверади.

ТАНҚИДЧИ. Мен ҳаёт ва шахснинг бадиий концепцияси масаласига алоҳида урғу бериш билан дostonчилик маҳорати, дostonларимизнинг шакли, шаклдаги изланишларни иккинчи даражали масалалар қаторига суриб қўяётганим йўқ. Бу билан мен шакл борасидаги изланишларни бош масала бўлмиш ҳаёт ва шахснинг концепцияси, бадиий талқини муаммосидан асло ажратиб қўймасликка даъват этаётирман, холос. Тажриба шуни кўрсатаётирки, ҳар қандай изланиш шаклдаги янгилик шахс, ҳодиса моҳиятини очишга, асар бадииятининг чуқурлашувига хизмат этгандагина ўзини оқлайди.

Дoston шакли, шакл бобидаги изланишларни нуқул лирик, эпик, лиро-эпик, драматик хусусиятларнинг нисбатидан қидириш билан чекланиш ҳам тўғри эмас. Ҳозирги дostonчилигимизнинг бошқа хил кам-кўстлари, қийинчиликлари ҳам маълум бўлиб қоляпти. Улар ҳақида жиддийроқ гаплашиб олиш зарурияти туғилди. Умумийроқ тарзда бўлса ҳам куйидаги ҳолатларга эътиборингизни тортмоқчиман:

Ёш шоир Шукур Курбоннинг “Темур Малик” дostonи шакл жиҳатидан бетакрор. Дoston композицияси, шеърӣ тузилиши, ифода тарзи ҳам ўзига хос, тасвир оҳанги, ритмикаси тез-тез ўзгариб туради, шоир стакчи маънони асар ритмикаси, мисраларнинг зарби, такрорланиб гурувчи характерли деталлар (қаҳрамон қўйнидаги она ердан олинган бир сиқим тупроқ, Хўжанд кўчаларидаги асо салоси) орқали очишга интилади.

Усмон Азимов “Оқ шарпа” асарида ўткир маънавий муаммони кўтаради. Ўзбекистондан чекиниш инсон учун оғир кўргилик эканини таъкидламоқчи бўлади, асар бошдан-оёқ ўзбекистон билан уни тарқатган инсон орасидаги баҳс-мунозара асосига қурилган. Бунда шоир шартли бир приём қўллайди — инсон тарқатган ўзбекистонни оқ шарпа тарзида тавдалантиради... Афсуски. Шукур Қурбон ҳам, Усмон Азимов ҳам ўзлари танлаб олган шакллар устидаги ижодий ишни маромига етказа олган эмаслар. Шукур Қурбон Темур Малик сиймоси, Усмон Азимов Оқ шарпа тим-солида оригинал, чуқур ва зарур фикр айтмоқчи экани кўриниб турибди, бироқ ҳар икки муаллифнинг кўнгилдаги кўп гаплар ҳозирча китобхонга тўлалигича етиб борган эмас, мисралар, ритмлар, деталлар остига жо этилган кўп фикрлар очилмай пинҳоналигича қолган. Бинобарин, шоирлар танлаган шакл, ифода тарзи ҳали сайқалга муҳтож.

Омон Матжоннинг “Ҳаққуш қичқирғи” достони бошдан-оёқ афсоналардан иборат, келтирилган афсоналарнинг кўпчилиги, танқидчиликда таъкидланганидек, ўткир замонавий мазмун касб этган, улар орқали шоир давримизнинг муҳим маънавий-ахлоқий муаммоларига жавоб қидирган. Қатор афсоналар мустақил ҳолда мукамал, тугал (бу ибораларни нисбий маънода айтаётirman), лекин афсоналар орасидаги ички мантиқий боғланиш ҳозирча заифроқ... Абдулла Орипов “Жаннатга йўл” достонида диний-фан-тастик сюжет орқали бугунги кунимизнинг долзарб муаммоларига муносабат билдирган. Асардаги жаннатга йўл тополмай аросатда сарсон-саргاردон юрган шоир образи танқидчиликда шоирнинг жиддий ютуғи тарзида баҳоланди. Шуниси характерлики, шоир образини биз олатдаги салбий ва ижобий қаҳрамонлар ме зони билан ўлчай олмаймиз. А. Орипов бир мақоласида ёзди: “Адибиётимизнинг умумий оқимида жўнлик, ибтидоийлик, бир сўз билан айтганда, схематизм чекинди. Бунга, албатта, биринчи навбатда, адибларимизнинг маҳорати ошгани сабаб бўлган, иккинчи ва билки энг муҳим сабаб, ҳаёт қаҳрамонларининг ўзлари мурак-каблашиб кетганлигидадир. Биз ҳозир ижобий қаҳрамон деганда кўп қатори ерда юралган кишиларни тасаввур этамиз. Ҳозирги обиватель ҳам бошқача ҳолда кўзга ташланади. У яхши кийинган, ҳамма нарсалар хабардор бўлиши мумкин. У айтарли хато ҳам қилмайди. Лекин унинг қалбига назар ташласангиз, ҳаммаша-лагидек у ерда худбин туйғулар, тор манфаатларни учратасиз. Бу

гаплар бир қарашда прозага тааллуқлидай туклиши мумкин, аммо масала моҳият эътибори билан шэърияга ҳам тўла тегишлидир”. “Жаннатга йўл” достони, ундаги шоир образи талқини шу фикрнинг ёрқин исботи бўла олади.

Маълум бўляптики, ҳозирги адабий жараёнга, биринчи навбатда, энг яхши проза асарларига хос хусусият – шахсга хилма-хил томондан ёндашиш, уни мураккаблиги билан кўрсатиш дostonларимизда ҳам кўриняпти. А.Орипов “Жаннатга йўл”даги шоир образида ўша шартли шаклда, афсона воситасида ҳам реалистик тасвирнинг юксак чўққисига кўтарила олган.

Эркин Воҳидов тажрибаси ҳам эътиборга сазовор. “Рухлар исёни”да реал воқелик билан афсоналар ёндош ҳолда келади, афсона ҳеч қачон реалликка зид бормаиди, аксинча, реал воқелик моҳиятини чуқурроқ очишга хизмат қилади... Лекин, қизиқ, Туроб Тўланинг “Суюк Момо” достонида реаллик билан афсонавийлик негадир қоришиб, сингишиб кетолмаган, халқ дostonларига хос ифода усули конкрет шахс Суюк Момони реалликдан узоқлаштириб юборади (бу ҳақида Салоҳиддин Мамажонов ҳам гапириб ўтган). Нега “Рухлар исёни”да реаллик ва афсонавийлик оралиғида турган Шоир образи бизга яқинроқ, ҳаётийроқ, танишроғу, халқ дostonлари сози жўрлиғида қуйлаган Суюк Момо биздан узоқроқ? Нега “Жаннатга йўл”даги диний-фантастик сюжет силсиласидан қад кўтарган Шоир ўқувчида ўта таниш, тирик одамдек таассурот қолдиргани ҳолда, ўша шоирнинг “Ҳаким ва ажал” асарида ҳодисалар айна ҳаётдагидек кўрсатилган ҳолда, афсонавий, ўта шартли символ каби кўринади?

ШОИР. Дostonлардаги шакл изланишлари ҳақида гап борганда ёдимга бир латифа тушди. Подшо туш кўрибди. Тушида унинг ҳамма тишлари тўкилиб кетган эмиш. У тезда қуръачини чақиртиради ва ундан кўрган тушига таъбир сўрайди. Қуръачи, ҳамма қариндош – уруғларингиз ўлиб, ўзингиз ёлғиз қолар экансиз, деб жавоб қилади. Подшо аччиқланиб ҳамма қариндошларим ўлиб, ўзимнинг танҳо қолишим кимга керак, дейди ва қуръачига қирқ дарра уришларини буюради. Кейин иккинчи қуръачини чорлайди. Қуръачи, сиз ҳамма қариндош-уруғларингиз ичида энг узоқ умр кўрасиз, подшоҳим, деб таъбир айтади. Подшоҳ уни қирқ тилла билан сўйлайди. Аслида, ҳар икки қуръачи ҳам таъбирни тўғри топган, ҳар иккисининг ҳам айтган тани, аслида, бир гап. Лекин биринчи қуръачи таъбирни айтган шаклини топа олмаган.

иккинчиси эса бунинг уддасидан чиққан. Асарни ёзишда мос шаклни топа олмай, танқидчиларнинг “дарра”сига қолиб юрган шоирлар ҳам бор. Умуман, дostonчиликда жиддий изланишлар кетаётганига қарамай, шаклий изланишлардаги ютуқларимиз айтарли кўп эмас. Буни юқорида Сиз келтирган мисоллар ҳам тасдиқлаб турибди. Мазмун, фикр, ният — бирламчи, шакл — иккиламчи эканини биламиз. Мазмун шаклни белгилаши керак. Баъзан бир шакл топилади, сўнг шу шаклга мазмун зўрлаб жойланади, натижада мутаносиблик йўқолади. Менинг фикримча, шаклга ортиқча маҳлиё бўлиб кетмаслик керак, шакл қидириб юрмаслик керак. Айтилмоқчи фикр қандай шаклга тушса — уни эски ё янги деб ўтирмай — ўша шаклда ёзиш керак. Мен доимо ўз тажрибамда шундай қиламан.

ТАНҚИДЧИ. Сизда шундайдир, бошқаларда ўзгачароқ тарзда бўлиши ҳам мумкин, зотан, ижод жараёни ҳар кимда ҳар хил кечади... Дoston жанрининг спецификаси билан боғлиқ бояги баҳсга яна қайтиб, бир мунозарали масалага эътиборингизни тортмоқчиман. Айрим танқидчилар ҳозирги дostonларда эпик, драматик, баъзан сатирик-юмористик хусусиятлар мавжудлигини, айрим асарларда эса фалсафий мушоҳадалар устунлигини рўкач қилиб, дostonдаги лирик ибтидонинг аҳамиятини эътибордан четда қолдираётирлар, поэма асосида оқибат-натижада лирик ифода ётади, унда улкан инсоний тақдирлар ҳам, эпик ҳодисалар ҳам, ҳаёт ва шахс драмаси ҳам кўпроқ лирик қаҳрамон — шоир қалби призмаси орқали ифода этилади, деган гапни эскириб қолган қараш деб атаётирлар. Шахсан мен поэма қандай шаклда ёзилган бўлмасин, биринчи галда, у лирик турга мансуб бўлиб қолаверади, деб ўйлайман, поэмани фақат шоир ёки шоирона қалб эгаси яратиши мумкин. Лирикадан, шоирона руҳдан узоқландими, поэма ўз қиёфасини йўқогади. Ижодкор поэмани проза ёки драма шаклида ёзганда ҳам шоир бўлиб қолаверади. Сиз Ўткир Хошимовнинг “Гулистон”да чиққан “Дунёнинг ишлари” асарини ўқигандирсиз. Муаллиф бу асар қайси жанрга мансублигини кўрсатган эмас. Эҳтимол, атайин шундай қилгандир. Уни ҳикоя ёки қисса дейишга ҳам, шунчаки хотира дейишга ҳам тили бормаган. Мен бу асарни онд лавҳалар ўзича гоят таъсирчан, самимий. Ҳикоячининг ўша лавҳа — ҳодисаларга берган шарҳлари, лирик чекинишлари, она, унинг сахий қалби ҳақидаги ўй-мушоҳадаларни туфайли бу таъсир-

чанлик бир неча карра ортали, муаллиф шоир тили билан сўзлайди, асар шеър каби ўқилали, шеърдек жаранглайди. "...Баҳор деворларнинг октябрьга этакларидан бошланмайди. Баҳор ариқларнинг кунгай соҳилларидан бошланмайди. Баҳор мана шу ердан бошланади. Қабрлар устида қўнғироқ чалган чучмомалар, ловиллаб ёнган қизғалдоқлар оналарнинг фарзандини юпатиш учун тақдим этган чечаклари бўлса, ажаб эмас". Асар ана шундай якунланади, бошидан охиригача ана шу руҳда давом этади. Бу хил насрий иборалардаги туйғулар қайси яхши шеърини сатрлардагидан кам! Афсуски, шунақа, самимият, нафосат, лирик чекинишлар, поэтик ўй-мушоҳадалар етишмаслиги туфайли қатор "достон"ликка даъво қилган асарларни достон деб аташга асло тил бормайди.

ШОИР. Йўқ, мен поэмани қандай шаклда ёзилган бўлмасин, лирик турга мансуб деб айтолмайман. Лекин достонлардаги Сиз айтган лирик ибтидонинг аҳамияти катта. Бу ундаги зарур элементлардан бири. Яна ҳали айтаганимга қайтаман. Достончилик истиқболини мен эпосга кўраман, эпос эса ўзида ҳам лирикани, лирик ибтидони, ҳам драмани жам эта олади, булар бир-бирини инкор этмайди, аксинча, тўлдиради. "Эпос" сўзининг луғавий маъноси ҳам (юнонча — сўз, нақл, қўшиқ дегани) шуни исботлаб турибди. Қаранг, эпос ўзида уч нарсани жамлар экан. Аслида ҳам эпоснинг табиати шунақа.

ТАНҚИДЧИ. Шуниси ҳам борки, қадимги маънодаги эпосни ҳозир тирилтириш мушкул, балки, бунга эҳтиёж ҳам йўқ, бунинг устига ҳозирги пайтда эпоснинг вазифасини ўташга достондан кўра қулайроқ жанрлар, жумладан, роман мавжуд. Тўғри, насрий роман давримизнинг эпоси бўлиб қолган бизнинг асримизда ҳам достонни эпос даражасига кўтаришга уринишлар кўп бўлди, бироқ бундай уринишлар ҳозирча дурустроқ самара бергани йўқ. Мен ҳам достонда эпик ёки драматик тасвир хусусиятлари бўлиши мумкинлигини асло инкор этаётганим йўқ, мен достонни биринчи гада лирик турга мансуб деганимда достонда эпик ва драматик ибтидо фақат лирик тасвир билан жилоланган тақдирдагина кутилган натижани бериши мумкинлигини назарда тутаетирман. Узоққа бориб ўтирмайлик. Сизнинг "Боқий дунё" романингизни ўқиганимда шахсан мени эпик тасвир — воқеалар силсиласи, қаҳрамонлар тақдирига оид маълумотлардан кўра ҳодисаларнинг поэтик шарҳи — асардаги лирик чекинишлар, ўй-мушоҳадалар, қалб тугёнлари кўпроқ қизиқтиради, ҳаяжонга солади.

Сизнинг танқидчилик эътиборидан четда қолган “Бешгул” деб аталган дostonингиз бор. Очиги, эпик ёки драматик элементлардан деярли холи бўлган бу “соф” лирик поэманингиз баъзи эпикликка мойил дostonларингизга кўра таъсирчанроқдир. Сиз бунга худди ўша поэма жанри учун зарур бўлган самимий туйғулар, теран фикр-мушоҳадалар туфайли эришгансиз... Бундан чиқадиган хулоса шуки, бутунги кунда дoston учун эпик кўламни қенгайтиришдан кўра фикрлар, ўй-мушоҳадалар кўламдорлигига, ҳис-туйғулар теранлигига, самимийлигига эришиш муҳимроқдир...

ШОИР. Назаримда фикримиз шу ерда бир нуқтадан чиқди. Мен ана шу эпик кўламни, фикрлар, ўй-мушоҳадалар кўлами билан, туйғулар теранлигию самимийлиги билан бирлаштира олмоқни айтаётирман-да. Шунга эриша олган шоир ўзини бахтли деса бўлади.

ТАНҚИДЧИ. “Боқий дунё”га қайтайлик. Шеърий роман ҳам аслида поэманинг йирик тури. Менимча, у шеърий романликдан чиқиб прозаик роман ҳолига тушиб қоладиган бўлса, кўп нарсани йўқотиши мумкин. “Боқий дунё”да ўзбек халқи тарихининг жуда катта даври қамраб олинган, асар қаҳрамонлари ўтган аср охириларидаги миллий озодлик ҳаракатлари, асримиз бошларидаги улкан инқилобий воқеалар ичида намоён бўладилар. Агар Сиз ўша материални, айтишлик, прозада ифода этадиган бўлсангиз, табиийки, тамом бошқача йўл тутар эдингиз.

ШОИР. “Боқий дунё” шеърий романи ўттиз беш йиллик тарихни ўз ичига олган. Агар у прозада ёзилса, балким, учта роман бўларди. Прозаик асар ёзиш учун ёзувчи заминга ёпишган бўлиши керак. Чунки ҳаётнинг икир-чикриларини яхши билмай туриб яхши прозаик асар ёзиш қийин. Шоирнинг ҳаёли эса сал юқориюқда парвоз қилади, шоирона ижоднинг табиати шуни тақозо этади. Лекин шоирга “прозаик билим” ҳам жуда зарур экан, мен шу асарни ёзиш борасида бунга ишонч ҳосил қилдим.

ТАНҚИДЧИ. Демак, поэма ҳаётдан жиндай юқориюқ туришни, ҳаётга баландроқдан туриб қарашни тақозо этар экан. Дostonнавис ўзини ҳодисалардан четга олмай, уларга фаолроқ аралашавериши, кўнгилдаги гапларни дангал тўкиб солавериши керак экан. Шоир кўнгилдаги муҳим гаплар нафос даражасига етгандагина чинакам поэма туғилади. Поэма асл табиати билан шеърий асар, биринчи гада, у лирик турга мансуб. Шу маънода поэма қилиб қўшиги бўлиб қолаверали.

1980 йил

**ШЕЪРИЯТДА ЎЗИГА ХОСЛИК ВА
МУШТАРАКЛИК МУАММОСИ**
(Шоир Омон Матжон билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Адабиёт, жумладан, шеърият ривожига ҳамиша диққатга сазовор бир муштарак жараёни кузатиш мумкин. Муайян даврда яшаб, қалам тебратган бир авлодга мансуб чинакам истеъдод эгалари ижодда, бир томондан, ўзига хос йўлдан боришга, ўзлигини намоён этишга интиладилар, биз — танқидчилар бундай интилишни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз, чунки адабиётда ёрқин, бетакрор истеъдодлар қанча кўп бўлса, ҳар бир асарида шоирнинг қалб бисоти, ўзлиги қанчалик тўла рўёбга чиқса, шунчалик яхши! Айни пайтда, шоирларнинг ўзларига сезиладими-йўқми, улар ижодида муштарак жиҳатлар ҳам бўлади. Бундай муштараклик баъзан интенсив тус олади. Мана шундай муштаракликдан адабиёт ривожининг етакчи тенденциялари юзага келади. Ижодда бетакрорлик, ўзига хослик, индивидуаллик тарафлари бўлган биз — танқидчилар ўз навбатида бундай муштаракликни ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Қаранг, ҳақиқий ижод, бир томондан, хусусийлиги, ўзига хослиги, бетакрорлиги билан, иккинчи томондан, муштарак жиҳатлари билан жозибador ва ардоқлидир.

Узоққа бориб ўтирмайлик, мақтовнинг ҳожати йўқ. Омонжон, Сиз бошдаёқ шеъриятга ўз созингиз, бетакрор овозингиз билан кириб келган эдингиз, шеъриятингиздаги шу ўзига хослик йиллар ўтган сари тобора равшан тортиб бормоқда. Айни пайтда сўнгги йиллардаги ижодингизда бугунги шеъриятимизнинг пешқадам вакиллари, биринчи галда, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов изланишлари билан муштарак жиҳатлар хийла кучайиб бораётир. Яқинда бир танқидчимиз Сизнинг ижодингизга бағишланган мақоласида Омон Матжон ижод соҳасида Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповни қувиб келаётган, гоҳ орқала қолиб, гоҳ олдинга ўтиб беллашаётган, улар билан ижодий баҳслашаётган шоир, деб ёзди...

Бу ҳақда ўзингиз нима дейсиз? Ижоддаги муштараклик омили нимада леб биласиз? Сизда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ёки бошқа бирор замондош, тендош шоирга эргашиш, улар билан мусобақалашини, баҳслашини кайфияти бўлганми? Ёки ижодингиздаги ўзгалар билан муайян муштаракликлар беихтиёр юз берадими?

ШОИР. Давр шарт-шароитлари ижодкорнинг идеалларини маълум бир ўзанларга, ўлчовларга солади. Шунга қарамасдан ҳар бир кишининг ҳаёти ўз эҳтиёжлари, ўз имкониятлари ва ўз «махсулотлари» билан бир қалар ўзича давом этади. Демак, бир пайтда яшаган кишиларда ўзлари истасалар ёки истамасалар ҳам ҳаётларида муштарак йўллар ва муштарак хусусиятлар бўлиши табиий.

Қуёшда ҳар ўн-ўн икки йилда бир марта фаоллик даври бўлади. Деярли худди шундай ҳодисани одамлар ҳаётида ҳам, адабиётда ҳам кузатиш мумкин, вақти-вақти билан адабиётда авлодлар «янгилашиши» ҳодисаси бўлиб туради. Янгиланиш деб янги порлаган истеъдодлар даврасини, улар ҳали орбитасида «жойлашиб» ололмай турган, каттароқ ёшдагилар уларга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай қараган пайтларини назарда тутмоқдаман. Шунингдек, бу даврда каттароқлар кичикроқларнинг қувиб етиб келиб қолишидан хиёл таҳликага тушиб қолсалар, кичикроқлар ё анов, ё манов йўл билан олдинроққа ўтиб кетиш пайида бўладилар...

Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларга келсак, бу икки номни ажратиб таъкидлашингизнинг сабаби — улар адабиётимиз кўкидаги 60-йиллар катта бир юлдузлар туркумининг фаолроқ элчилари эканини назарда тутаетганингиздан бўлса керак. Мен улар ёнига Ҳусниддин Шарипов, Жамол Камол, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Али, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиёва, Рауф Парфи каби қатор исмларни қўшишни истардим. Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шулар орасида ижодий фаолиятининг ранг-баранглиги, асарларининг салмоқдорлиги ва поэтик оҳангларининг турфа тарқатувчанлиги жиҳатидан шеъриятимизнинг овозини олисроққа етказётганлардан! Мен ҳар иккала шоирдан ёш жиҳатдан ҳам, шеърларимнинг республика матбуоти юзини кўриш даври эътибори билан ҳам беш-ўн ёш «кичик»роқман. Шунинг учун ҳар иккаловларини устозларим дейишим мумкин. Уларнинг шеъриятдаги йўллари бир қадар ўзларидан олдиндагилар, айниқса кейиндагилар, яъни ёш шоирлар учун ибрат йўлидир. Ҳар бир авлод адабиётга ўз сози, таъкиди, даъвати, ранг-баранг бўёқлари билан киради, лекин ҳеч бир авлод ўзининг алоҳида адабиётини яратган эмас. Агар бир лақиқа кўзни юмиб, инсоният идеалларини келин билан куёв деб тасаввур қилсак, уларнинг бир-бирларига етишуви ва олиймақом турмуш қуриб кетишлари учун ёзувчи ва шоирлар ҳар бири ўзича ва биргаликда хизмат қилиб турган кишилардир. Шу ҳаракатда ҳар бир авлод кишилари ўзларича уринишда давом этаверадилар.

Мен гақлид қилишни ёмон кўраман. Чунки ҳар қандай тақлид пародиядир. Демак, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеърятига баъзи менгашларим бўлса, бу айрим муаммоларнинг ва уларга мурожаат қилинган вақтнинг, шунингдек, ўша пайтдаги ижтимоий кайфиятнинг бир хиллигидандир. Мен ҳеч қачон шеърларимда, қанчалик ноёб бўлмасин, кимлар қачонлардир айтган гапларнинг, ишланган ташбеҳлар, образларнинг «гастрол» қилиб юришларини истамайман. Сезаманки, юрагимда ўзимдан ёши каттароқ бўлган бир ғурур бор, у мени кимларнидир такрорлашдан ва шунингдек, бошқа майдагарчиликлардан тийиб турса ажаб эмас.

Замондош шоирлар билан баҳслашяпманми? Менингча, йўқ. Мен ўзимни кечасими-кундузими, уйкудами-ўнгимдами, ватандами-хориждами, ҳар қандай шароитда — дилга яқин шоирларимни эъзозлашга ва зарур бўлса, ҳимоя қилишга қодир сезаман. Уларнинг энг яхши шеърларини, янги ларзакор мисраларини ўқиб: «Оҳ, бошлабди, шу ҳақда ёзиш нега олдинроқ менинг хаёлимга келмади?!» деб баралла айта оламан. Бу қойил қолиш, ўзгалар ютуғига тан бериш, ўзимни ларзага солган, изтиробга солган воқеалар, ҳолатлар, манзараларни ёзишимга сира ҳалал бермайди. Янги шеърни ёзиб тугатсам, хаёлимда кўпинча ўзим билган кишилар, шеърларимни синчиқлаб қузатиб юрадиган дўстлар ва устозлар, мен танимайдиган, аммо ғойибона мени ёдлаб, ҳурмат қилиб, хатлар ёзиб, бировларга мен ҳақимда эзгу гаплар айтиб юрадиган таниш-нотаниш шеър мухлислари кўз ўнгимга келади. Қандай ажойиб шеърхон юртимиз бор, дея фахрланаман. Янги битганларимни уларга маъқул келадими, ҳеч бўлмаса, аввалгилари даражасидами, деб чуқур истиҳолога бораман.

ТАНҚИДЧИ. Модомики гапни ижодаги ўзига ҳослик ва муштараклик масаласидан бошлаган эканмиз, уни давом эттирайлик, конкретлаштирайлик. Менингча, бугунги шеърятимиз ривожига ҳос муштарак фазилатлардан, характерли тенденциялардан бири шуки, шеърятдаги тавсифийлик, мадҳиябозлик, риторика, дидактика, қуруқ патетика, шиорбозлик чекиниб, тобора мулоҳазакорлик, бадиий таҳлил, масаланинг моҳиятига интилиш хусусиятлари ортиб бораётир. Табиийки, бу билан шеърятда бадиият чуқурлашмоқда.

ШОИР. Бугунги шеърятда тавсифийлик, мадҳиябозлик, риторика, қуруқ патетика, шиорбозлик каманиб бораётган деярсиз. Шундан эмасов, менингча! Шеърбозликнинг бу очоғат ва мечкай

кўриниши андак шаклини ўзгартириб «маъни ирод» қила бошладиёв! Ҳатто улар назмимиз эришган юксак мавқелардан ҳам муваффақият билан фойдаланиб, радио, телевидение ва турли нашрларга суқилиб кириб, беш-ўн йил бурун адабиётимида воқеа бўлган шеърлар оҳанги ё шаклини ямлаб-чайнаб, ўзлаштириб так-рорламоқда. Фарб фильмларида бир хил қароқчилар бор: юзига капрон пайпоқ кийиб олади-да, шу ниқоб ичида ҳаракатини қила-веради. Мен нашриётда ишлайман. Бизга келаётган баъзи шеър, ғазал, қўшиқлар мажмуасини кўриб ансамбл қотади, улардаги ўша: «кўчат эк — савоб бўлади», «чойга қанд қўшиб ич — мазали...» тарзидаги сийқа гапларнинг бижиб ётганлигидан қоғозга ҳам қара-гинг келмайди. Ахир шеърятнинг вазифаси фақатгина ақл ўрға-тишдан иборат бўлса, педагогика институтларининг нима кераги бор? Ёлиб ташлаш керак ҳаммасини! Энг содда, лекин чинакам шоирнинг ҳар елкасида ҳеч бўлмаганда биттадан ё Вольф Мессинг, Насриддин Афанди ё Чарли Чаплин турган бўлсин-да! Акс ҳолда энг жиддий шоирнинг ҳам трагизми «ўлиш ё қолиш»дан нари ўтолмай қолиб кетаверади. Мен шоирнинг жуда бўлмаганда ҳар учинчи ё тўртинчи шеърдан мўъжиза кутиш тарафдориман.

ТАНҚИДЧИ. Ташвишларингизда асос бор. Яхлит олганда шеърятда биз тилга олган кусурлар тугаб битган эмас, муҳими шундаки, ўшандай кусурларга мубтало шеърлар танқидчилик ва китоб-хонларнинг эътиборидан четда қолиб кетаётир, бир-икки дидсиё ёки тамагир танқидчилар шундай шеърларни у ер-бу ерда тилга олмаса, ҳеч ким уларга эътибор бераётгани йўқ. Шуниси ҳам борки, ёрқин кашфиёт даражасидаги шеърлар ҳамиша, ҳатто шеърят энг гуркираб ривожланган пайтларда ҳам ғўр, ўртамиёна назмларга нисбаган ниҳоятда оз бўлади. Лекин шу озу саз шеърлар шеърят ривожининг бош йўналишини белгилайди.

ШОИР. Ғўр, ўртамиёна шеърларга ўз вақтида қарши кураш олиб борилмаса, улар бамисоли печакдек говлаб талантли асар-ларни сояда қолдириши мумкин. Афсуски, танқидчилар улар қаршисида сукут сақлаб турибдилар, уларга қарши дадил кураш очишга журъат ётолмаётирлар.

ТАНҚИДЧИ. Тўғри, аммо мен бу ерда диққатингизни камчи-ликларга эмас, кўпроқ шеърятимиздаги етакчи ижобий тенден-цияларга торғмоқчи эдим. Биз баъзан адабий жараёндаги камчи-ликлар, қийинчиликлар тўғрисида бор овоз билан гапиришни хуш кўрамызу. ютуқларимизни кўз-кўз қилиш, яхши тажрибаларни умумлаштиришга келганда бир оз сусаткашлик қилиб қоламиз.

ШОИР. Ижобий тенденциялар ҳақида сўзлаш керак бўлса, мен гапни хусусийроқ бир ҳодисадан бошлашни истардим. Бугунги шеъриятимизда интим шеърнинг ипак қағимлари, нур қатламлари эзгу ҳосил бераётганини кўриб қувонасан киши. Мен шу тенденциянинг истиқболига умид қилгим келади. Нега деганда, минг йил ёрни, маъшуқани улуғлаб келган Шарқ ишқининг кўпроқ висол ва айрилиқ изтироблари атрофида манзаралар, ҳолатлар яратиш билан банд эди. Модомики, севгининг айрим инсон юрагида, турли ёшдаги кишилар ҳаётида буюк руҳий инқилоблар ярата оладиган куч эканини эътироф этиш, эътироф этишгина эмас, кашф этиш, унинг ҳудудсиз туйғу ва ранг товланишларини кашф этиш вақти келди! Кишилар бу сеҳрли туйғулар камалагини кўра олсалар, юракларида кутилмаган яхшиликлар уйғониши мумкин. Ахир адабиётда ҳар қандай масаланинг моҳияти инсонни, унинг руҳидаги улкан бойликларни рўёбга чиқаришдир. Атроф йўлда, турмуш гирдибодида толиққан кишиларга файзиёб салқин дарахтзорни, осуда оқимни кўрсатсангиз, миннатдор бўлади, дуо ҳам қилади.

ТАНҚИДЧИ. Менимча, айти шу нафис «ипак қатламлар»га эътибор туфайли шеъриятда инсонни тушуниш чуқурлашиб бормоқда, инсоннинг бугунги нотинч планетамиздаги мавқеи, инсон билан жамият ва табиат орасидаги мураккаб муносабат, инсоннинг бугунги кун, шунингдек, ўтмиш ва келажак, она табиат олдидаги қарзи, бурчи масалалари ғоят кескин қилиб қўйилмоқда. Худди шу масалаларга муносабатда инсон ва унинг қалбини мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатиш, энг муҳими, инсон қалбини, интим оламини кутилмаган томонлардан очишга интилиш, шоирнинг ҳаёт ҳодисаларига драматик муносабати характерли тенденцияларга айланиб бормоқда. Қисқаси, шеърят фақат «хабар бериш», «улуғлаш» ёки «фош этиш» билан кифояланмай, масала моҳиятини очишга, таҳлил этишга интилмоқда. Бу ҳаётга фаол муносабатнинг олий кўринишидир. Бунинг учун «Тирик сайёралар», «Рухлар исёни», «Юзма-юз», «Нажот қалъаси», «Ёнаётган дарахт», «Ҳаққуш қичқириғи» китобларини варақлаш кифоя.

ШОИР. Гап шундаки, сайёрамиз кўз ўнгимизда кичрайиб қолаётир. Бугун эрталаб Америка қитъасида юз берган воқеалар ва айтилган гапларни деярли америкаликларнинг ўзларидан кечикмай эшитяпмиз, кўряпмиз. Ер юзида ейиш-ичиш, туриш-турмуш, расм-одағлар бирлиги юзага келаётганга ўхшайди. Пред-

метлар, кийим-кечаклар бирлиги... Эзгулик эса кун сайин минг-минглаб шаклларда туғилишни истайдиган маънавий ҳодисадир. Шундай экан, «маънавий қийматлар» ўз-ўзидан жонга тегади, кеча ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилган нарса бугун шунчаки одим отишингизга ҳалақит бериб қолиши мумкин. Шунинг учунми, чинакам шоирлар ижодида «хабар бериш», «улуғлаш» ёки «фош этиш»га кўра масаланинг моҳиятини очишга, бадий таҳлил этишга мойиллик кучли. Фош қилиш эса ҳатто энг кичик эпизодларда ҳам «гамлет»лик талаб қилади. Фақат «улуғлаш»нинг ўзи билан ҳозирги китобхонни ҳаяжонга солиб бўлмайди, оддий поэтик хабарнинг эса унга асло кераги йўқ.

ТАНҚИДЧИ. Инсон ва табиат муносабати шеърятнинг азалий мавзуи, муаммоси, қадимдан шеърятда «табиат лирикаси» деб аталган йўналишнинг мавжудлиги тасодифий эмас. Биласиз, бундай шеърларда авваллари инсон кўпроқ табиат мафтунлиги ёки табиатни ўзгартирувчи, табиат устидан ҳукмрон куч сифатида талқин этиларди. Эндиликда, асримизнинг иккинчи ярмига келиб ўзгача ҳолатга дуч келамиз — табиатни асраш-авайлаш муаммоси шеърятда, қолаверса, бугун адабиёт ва санъатда бош масала қилиб қўйилмоқда. Жумладан, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповда. Сизда ҳам шундай мотивлар илгари сурилган шеърлар кўп («Қайси йил кўкдамда Жайхун бўйида» деб бошланувчи шеър ва ҳоказо). Биламан, бунинг маълум асослари бор, мени бир ҳолат қизиқтирмоқда — ўша хил шеърларда негалир шикоятмуз руҳ, қандайдир илтижо, ҳазин, ночор бир кайфият, табиатга қилинаётган зуғумлардан таҳликага тушиб қолиш, кўзёшлар тўкишга ўхшаш ҳолатлар хийла кучли (айниқса, сизлардан кейин адабиётга кирган ёшлар шеърларида).

ШОИР. Инсоннинг табиат олдидаги бсҳад ожизлиги бугун ўзини янгидан намоён қила бошлади. Аввал замонларда инсон табиат қаршисида ўз чорасизлиги туфайли ожиз эди, бугун, парадоксни қарангки, ўз қўлида бениҳоя қудратли қуролларни ўзи яшаб турган сайёрани кукунга айлантириб юборишга қодир эканлигини сезиб қолди инсон! Кимга нима деб фарёд қилишини билмайди! Ҳар қандай тараққий этган тузум даврида ҳам жоҳил кимсалар сақланиб қолаверишини бугун яхши биламиз. Янги даҳшатли қуроллар сутканинг бирор соатида шундай кимсалар қўлига тушиб қолмайди, деб ким қафолиг бера олади?!

Ўрта асрларда кўнлаб лаҳолар, жасоратли олимлар ўтда куйдирилди, қатл этилди... Разил ва жоҳил руҳонийлар ўша пайтларда олимларни фақатгина черков манфаатларини ўйлаб, динга, одамларнинг азалий эътиқодларига путур етказишинигина ўйлаб қатл этдимикан? Улар даҳрийлар қилган буюк кашфиёт воситалари жоҳил кимсалар кўлига тушиб қолса, ўнглаб бўлмас вайронагарчиликлар юз бериши мумкинлигини балки интуитив тарзда сезиб қолган бўлиши мумкин-ку! Ўтмиш шоирларининг (энг тараққийпарвар намояндаларининг) ижодида «аҳли замондин вафо кутманг!» деган ғоялар ҳам кўзга ташланмайдими?

Лекин биз ёшликдан яхшилик, эзгулик, инсон зотиға шафқатмурувват ғоялари руҳида тарбия топганмиз. Бизнинг бугунги камолотимиз шу ғояларни қанчалик амалға ошира олишимиз билан белгиланади. Кўпчилик ижодкорларда, хусусан, ёшларда «нолиш» оҳангларининг борлиги — ана шу яхшилик ғояларини тўла амалға ошира олиш имкони йўқлигини билиб қолгандандир. Бунинг учун уларни айблаб бўлмайди. Лекин, Сиз айтгандай, нолишнинг ўзи билан муддао ҳосил бўлмайди, бунинг учун курашмоқ ҳам керак, курашсиз ўтмиш ҳам, келажак ҳам ўзининг бир кафт ерини бермайди.

ТАНҚИДЧИ. Табиатни асраш-ардоқлаш муаммоси билан баробар инсондаги табиий хислатларнинг, маънавий бисотларнинг тақдири масаласи ҳам ҳозирги кунда кўплар қатори Сизни ўйлатиш, ҳаяжонға солиш боисини билсак бўладими? Сизнинг «Табиатнинг қизил китобиға», Абдулла Ориповнинг «Денгизға», «Қўриқхона», Эркин Воҳидовнинг «Зангори шуъалар», «Сирдарё ўлани» шеърларини назарда тутаетирман.

ШОИР. Бу ҳодисанинг боиси давримизнинг кўп улкан фан ва маданият арбоблари томонидан айтилди, айтиляпти. Иттифоқ ёзувчиларининг VII съездида Ф. Абрамов, Ч. Айтматов, Ю. Бондарев сингари сўз усталари бу хусусда жуда кескин гапирдилар, улардан ошириб бир нарса дейиш қийин.

ТАНҚИДЧИ. Сизнинг кейинги шеърларингизда ҳаётнинг, инсон умрининг энг драматик, ҳаттоки фожей дақиқаларини қаламға олишға ёки ҳодисалар драматизмини бутун кескинлиги билан кўрсатиш, фожей пафос даражасига кўтариб тасвирлашға интилиш кўчи. «Оқ уйда Жон Кеннеди портрети», «Чарли Чаплинни эслаб», «Амир Олимхоннинг сўнги илтимоси», «Ок қайини», «Роберт Сэнде исёни» каби шеърларингизда шундай. Бундай хусу-

сиятни Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни», «Арслон ўйнатувчи», Абдулла Ориповнинг «Маломат тошлари», «Номатлум одам», «Карвон», шунингдек, устоз шоирлардан Асқад Мухторнинг «Туш», «Янгам» сингари шеърларида ҳам кўриш мумкин. Ч. Айтматов, Д. Гранин, В. Тендряков сингари улкан адиблар ҳодисаларни шу тарзда бутун кескинлиги билан трагик пафос даражасига кўтариб тасвирлаш йўлини қайта-қайта қувватлаб чиқаётирлар. Шу тенденция, шу масала хусусида Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

ШОИР. Жуда содда қилиб айтсак, «одамнинг хилини йўл айиради» дейди-ку халқимиз. Йўл — ҳаракат, у кутилмаган ҳолатлари билан кишиларнинг маънавий борлигини аниқлаб беради. Ёзувчилар қахрамонларини ўзлари маъқул топган йўллarga солиб, серсинов, иложсиз, трагик ҳолатларда синаб кўришлари шундан. Аслида бу ёзувчи ўзига узоқ-яқин йўлда ишончли кишилар излашидир. Шундай йўлда ёзувчига ҳам юриш файзли, манзил кўринарли бўлади.

ТАНҚИДЧИ. Худди шундай шеърларда одам зотининг ташвишларига ҳамдардлик, мурувват туйғуси, бинобарин, инсонпарварлик мотивлари ниҳоятда кучли.

Биз адабиётда ҳаёт ҳақиқати муаммосига катта эътибор берамиз ва тўғри қиламиз. Айни пайтда сўз санъатида ҳаёт ҳақиқати масаласидан қолишмайдиган яна бир улкан муаммо бор, бу инсонга мурувват, меҳр — гуманизм масаласидир, нисбатир бу масалага керагича эътибор бермай келамиз. Яқинда «Литературное обозрение» журналидаги суҳбатда Расул Ҳамзатов яхши бир гап айтди. «Мен, — дейди у, — адабиётни инсонга меҳр деб аташни истардим. Ёзувчилардан кимдир: одамлар ҳақидаги ҳақиқатдан кўра уларнинг ўзини кўпроқ севаман, деган. Мен аслида шундай қарашга мойил одамман. Ҳар доим ва ҳамма соҳада инсонга салоқат—санъат шу билан тирик...»

ШОИР. Баъзи танқидчилар бир нарсани доим нотўғри тушунтириб келадилар. «Фалончи шоирнинг шеърида «дард бор», «замондошларининг «дард»ини ифодалайди», деган гапларни масъулиятсизларча такрорлайверадилар. Шу хил фикр илгари сурилган мақола билан танишган ўқувчи: «Э. фалончи шоир нуқул дардни ёзар экан, замонамиздан нуқул дарду ғам ахтарар экан!» — деган хулосага келиши мумкин. Қаттиқ таъкидлаб айтаманки, муҳтарам адабиётшуносларимиз «дард» деб атаган нарса аслида бош ҳарф билан ёзилиши мумкин бўлган «меҳр»дир. Одамга, унинг гақлирига меҳрдир! Фидойи меҳр, адоийн меҳр...

ТАНҚИДЧИ. Қизиқ, шоирларимиз ўткир драматик, фожейи руҳдаги шеърлар билан бир қаторда кувноқ, ҳаётбахш юмор билан йўгрилган шеърларни ҳам кўплаб битаётирлар. Боя тилга олинган ўткир драматик шеърлар ёнида «Собирман» (Асқад Мухтор), «Матмусанинг дутори», «Ёш шоирларга» (Э. Воҳидов), «Сув», «Жаннат», «Тулки фалсафаси» (А. Орипов), «Гўдак феълли дўстимга», «Мабодо дарахтлар юрар бўлсалар», «Қўшжонов домланинг уйида», «Киши кайфияти, руҳига қараб»... (Сизда) каби ҳазил-мutoйиба руҳидаги шеърларни учратиш мумкин.

ШОИР. Аслида юмор ҳам инсонга меҳрнинг бир кўринишидир. Қолаверса, ҳазил, қочириқ, киноя, пичинг ўзбекнинг шунчаки йўл-йўлакай, саломдан кейиноқ шартта-шартта айтиб кетаверадиган гапидир. Бугун ижолда ҳазил-мutoйибадан холи бирорта ўзбек шоири йўқ, анчайин жиддий шоирларимиз ҳам ҳазилга мойил бўлиб қолганликларини баъзан ўзлари сезмай қоладилар. Ахир халқ фарзанли саналмиш шоирда халқига хос шу хислатлардан қандайдир улуши бўлмаса унинг шоирлиги қаерга борарди.

ТАНҚИДЧИ. Шуниси ҳам борки, бир қарашда шунчаки ҳазил-мutoйибадек туюлган бу хил шеърлардаги ҳазилнинг таги хийла зил.

ШОИР. Ҳазил, киноя, қочириқдан мақсад оқибат-натижада у ёки бу оламнинг феълими, фаолияти ҳақидами, кескин фикр билдиришдир. Ҳа, фикр билдириш, муносабат билдириш! Бу борда ёзувчи ва шоирларга буюк лирик, файласуф Фафур Фулом ҳар томонлама устозлик қила олади.

ТАНҚИДЧИ. Ҳозирги шеърят фақат ҳаётнинг драматик, фожейи ёки комик томонларини кўрсатиш, таҳлил этиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ, ҳаётнинг нурли томонлари, халқимизнинг ажойиб фазилатлари ҳам улуғланаётир, энг муҳими, бундай шеърларда шоирларимиз қуруқ мадҳиябозликка берилмай, ҳодисалар, инсоний тақдирлар драмасини четлаб ўтмаган ҳолда чуқур мулоҳазакорлик, бадиий таҳлил, баъзан эса самимий ҳазил-мutoйиба йўли билан ҳам ҳаётни, одамларни, халққа хос гўзал фазилатларни улуғлаш мумкин эканлигини яна бир бор исбот этмоқдалар. Эркин Воҳидовнинг «Бизлар ишляпмиз», Абдулла Ориповнинг машҳур «Саратон», ниҳоят, Сизнинг «Ўзбекистон мақтови», «Пахтаимиз хусусида нутқ», «Юртимдаги вазмин одамлар» шеърларингиз бу жиҳатдан характерли. Шу тур шеърларингиздан, чунончи, «Юртимдаги вазмин одамлар»нинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз.

ШОИР. Бу шеъримда «Вазмин одамлар» деганда, биласиз, баъзи бир сохта солдим кишиларни, яъни ўзини огир карвон, сипо кўрсатиб, билимслигини, фаросатслигини ясама кибр билан пардалаб, кўпчиликка аралашмай ўтирадиган майда «одамча»лару «арбобча»ларни сира назарда тутаётганим йўқ. Улар тилга олишга ҳам арзимайдилар, уларнинг авра-астарларини мен шундоқ бир қарашлаёқ рентгендагидек кўриб тураман.

Бир гал Андижонга борганимизда баҳор огир келган йил эди. Сел, дўл, бўрон-тўфон... Экинлар уч марталаб қайта экилган... Шароит кишиларнинг ҳаётидаги «фожсий ҳолатларни» очиқ кўрсатиб турмоқда эди. Қийин вазиятда қолган оддий кишилар содда, меҳнаткаш кишилар... Лекин чеҳраларида осойишта олижаноблик ёғдулари аён. Вазмин, пурвиқор кишилар. Буларни кўриб биз ҳам енгил тин олдик... Юртимизни ҳар қандай бўрон-офатлардан омон олиб ўтадиган инсонлар мана шулар экан, деган фикр уйғонди юрагимда. Бундай сиймолар юртимизнинг ҳамма жойларида бор. Улар атрофимизда — бизнинг ижод далаларимизни-да меҳр билан кўриб-кузатиб туришибди. Шундай одамларга муносабат билдириш истагидан бояги шеър туғилди.

ТАНҚИДЧИ. Энди эътиборингизни ҳозирги шеърят шаклидаги, услубдаги изланишлар муаммосига қаратмоқчиман. Бу борада икки тенденция мавжуд. Бир томондан, шоирларимиз рус, қардош халқлар ва жаҳон прогрессив шеърятни тажрибаларига таянган ҳолда шеърятимизнинг поэтик арсеналини янгича ифодалар, поэтик шакллар, янгича фикрлар тарзи билан бойитишга ҳаракат қилаётирлар. Дастлаб устозлардан Зулфия, Асқад Мухтор шеърятда хийла ёрқин кўринган бу тенденция Рауф Парфи, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Сулаймон Раҳмон каби ёшлар ижодида ўзгача кўринишда намоён бўлаётир. Иккинчи томондан, бошқа бир гуруҳ шоирлар XX асрларда таркиб топган барқарор миллий поэтик анъаналар, шеърый шакллар доирасида туриб бу анъаналарни ичдан янгилаш, имкониятларини кенгайтириш йўлидан бораётирлар. Сўнгги йилларда шу йўналишдаги шоирлар ижодида яна бир муҳим хусусият кўзга ташланаётир — улар мумтоз адабиёт, биринчи галда, халқ оғзаки ижоди бисотига, фольклор тажрибаларига, афсона, ривоят усулларига, ҳаттоки мотивларга ладил мурожаат этаётирлар. Бунинг учун Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни» дostonи, «Тирик сайёралар»га кирган қатор шеърларини, Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» асарини, Сизнинг «Ҳаққуш қичқирғи» китобингизни эслаш етарли.

ШОИР. Мен ҳеч қачон адабиётда шаклларнинг аҳамияти хусусидаги баҳсга аралашган эмасман. Шакл, менимча, хусусий ҳодиса. Шакл ҳеч қандай адабиётни ўзича бойитувчи омил эмас, у адабий-бадий бойликларни ташувчи восита, холос. Мумтоз адабиётимизнинг ўзи шакллар хазинаси! Унда гул, кўза шаклидан тортиб оддий квадрат — тўрт томонига ўқилганида ҳам бир хил маъно берадиган шеърларгача бор. Гап шоирнинг ўз фикрини, нима қилиб бўлмасин таъсирчан, салмоқдор ва кўри-нарли қилиб айта олишидадир.

Ёшларнинг шакл изланишларига келсак, болаликда ҳаммамиз ҳам лой, қоғоз, пластилиндан ғаройиб қиёфалар, қушлар, уйлар қурганмиз. Лекин ўшанда кўпинча одамларимиз уйларга, уйларимиз қушларга ўхшаб қолаверган. Кейинчалик ҳақиқий инсонларни, қушларни, уйларни кўргач эса, болаликдаги «ижод»ларимиз нақадар ибтидоий эканлигини билиб олганмиз. Шаклнинг қиммати халқ маънавияти бойликларини ўзида нечоғлиқ тўлароқ таший олиши, кўрсата олиши билан ўлчанади. Шекспирнинг айрим сонетлари ўз қуввати жиҳатидан унинг баъзи трагедияларидан қолишмайди.

ТАНКИДЧИ. Модомики шакл — адабий-бадий бойликларини ташувчи восита экан, унга бефарқ қараб бўлмайди. Мумтоз адабиётимиз шакллар хазинаси дедингиз, бу гап фольклорга ҳам тегишли. Фольклор аъёналари баъзан ҳаётни реалистик тасвирлашга монелик қилганини, фольклорга хос ўта шартлилик реаллик билан сивиша олмай қолганлигини биламиз. ҳозир ҳам шундай ҳолларга дуч келиб турамиз. Бироқ биз юқорида тилга олган асарларда фольклорга хос усул, восита ва мотивлар реализмга асло монелик қилмайди, аксинча, уларда реализмнинг чуқурлашувига, ҳодисалар моҳиятини тўлароқ очишга хизмат этади. Чунончи, «Рухлар исёни»ни эслайлик. Асар марказида аниқ тарихий шахс — машҳур бенгал шоири Назрул Ислон тақдири туради. Достон муаллифи, бир томондан, Назрул Ислон ҳаётига оид реал картиналар чизади, иккинчи томондан, шоир ҳаёти билан боғлиқ ҳолда бир қатор қадимий ривоят ва афсоналарни келтиради, бу ривоят ва афсоналар эса қаҳрамон ҳаётининг моҳиятини теранроқ идрок этишга ёрдам беради. қаҳрамон ҳаёти ғоят фожиали, реал фожиалар ифодаси жуда таъсирли, шу фожеий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда келтирилган драматизмга тўла ривоят ва афсоналар эса қаҳрамон тақдирининг туб моҳиятини янада чуқурроқ тушуниш ва ҳис этишга хизмат этади.

«Ҳаққуш қичқирғи»да ўзгачароқ — унда бевосита афсона, ривоятлар ёки ривоятнамо нақллар келтирилади, баъзан эса реал воқеалар, фактларга афсонавий, мажозий тус берилади. реал ҳаётий ҳодисалар ривоят тилида, мажозий тусда ифода этилади... Лекин ҳушёр китобхон афсона ва ривоятлар замиридаги реал гапни — муҳим ҳаёт ҳақиқатини уқиб туради...

Умуман, афсона, ривоятларнинг ёки фольклорга хос усул, ифода воситаларининг ҳозирги кунда реалистик тасвир билан муносабати, бундай қўшилиш-чатишиш имкониятлари масаласига қандай қарайсиз?

ШОИР. Тилимизда «Гапингда жон бор» деган иборани кўп учратамиз. Бунинг тагида «ишонса бўлади!» деган ҳикмат бор, ҳолос. Афсона ва миф мотивлари минг-минг йиллар оғиздан-оғизга, халқдан-халққа ўтиб етук ва мукаммал шаклга эга бўлганлар, ишонтиришининг энг кўтаринки, ҳатто романтик пафосига эришганлар. Схемалар, қолиплар, системалар, конвейерлар асрида, ҳатто жадвалнома одамлар, фаолий-даврий одамлар кўплаб пайдо бўлаётган бу даврда адабиёт ўз «жонини сақлаш» учун ҳам юқоридаги фольклорий, яъни «азалий руҳ» мавжуд воситаларга мурожаат қилиши табиий.

Яна бошқа бир гап: майли, шоир шеърида кекса қоратолга қанот бериб учириб юборсин, темир бетон плитада сонсиз бойчечаклар ўстирсин, лекин бизни шунга қаттиқ ишонтирсин, руҳимиз бу мўъжиза қаршисида лол қолсин!

ТАНҚИДЧИ. Афсона ва ривоят усулларига мойиллик оқибати бўлса керак, кейинги йилларда сюжетли-воқеабанд, жонли, лирик характерлар мавжуд бўлган шеърлар кўпайиб бормоқда, балладага яқинлашиб келадиган ё кескин драматик, фожей тарздаги ёки юмористик руҳдаги, баъзан эса бу икки жиҳатни туташтириб-қўшиб юбуровчи ўзига хос бир шеърий шакл шаклланиб келмоқда.

Тўғри, воқеабанд шеърлар авваллари ҳам бўлган, биз бу ерда тилга олинаётган шакл драматизмининг кучлилиги, шу жиҳати билан балладага яқинлиги, драматик характерларнинг мавжудлиги, ифода, ҳикоя қилиш тарзи жиҳатидан ривоят усулига ўхшаб кетиши билан ажралиб туради. «Туш» (Асқад Мухтор), «Тандир ҳақида эртақ», «Найнинг қисмати», «Матмусанинг дутори», «Оқсоқол» (Э.Воҳидов), «Ҳангома», «Шарқ ҳикояси», «Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси» (А.Орипов), «Ҳаққуш қичқирғи»га кирган қатор шеърлар ана шундай шаклнинг яхши намуналаридир.

ШОИР. Гапингиз тўғри, лекин Сиз адабиётшунос олимсиз, ўз илмий атамаларингизни қойиллатиб ишлаётирсиз. Мен шеър таҳлили билан шуғулланган эмасман. Бироқ ҳар қандай шеърни бир ўқишдаёқ нимага арзирлик эканини айта оламан деб ўйлайман. Воқеабанд шеърларнинг такомил топиб, кўпайиши, умуман, ёмон ҳодиса эмас. Аслида воқеий асоси бўлмаган шеърнинг ўзи йўқ. Лекин гап биз нимани воқеа деб тушунишимиздандир. Ички руҳий ҳаракати бўлган ҳар қандай манзара шеъри ҳам аслида воқеийдир. Сюжет деганимиз ҳам шу гапга яқин. Айни пайтда, ўша лирик маънодаги воқеабанд шеърларнинг кўпайиб бораётганлигини кўп яхши ҳол деб ҳам бўлмайди. Чунки асл шеър руҳнинг лаҳзалик изтиробларидан йўналиш ва нур олиб туғилади. Кўз шеъри, илғаш шеъри, ҳол-ҳолат, ранглар шеъри кишида муайян кайфият кўзгайди. Шеърнинг ҳамма қолган шаклларининг моддий бошланмаси аслида шундай шеърлардир.

Воқеабанд шеърлар трибун шоирларга, яъни публицистик майли бор, тезроқ фош этишга, кашф этишга иштиёқманд шоирларга қўл келади. Бу типдаги шеърнинг яна бир афзаллиги бор: дейлик, маълум бир воқеанинг гувоҳи фақат ўзимман. Энди уни бошқа ҳеч ким такрорлай олмайди, кўчириб олмайди ёки тақдир ҳам қилолмайди. Сюжетли шеърларнинг кўпайишига сабаб аслида шоирнинг ўз шеърини «предметли», илғамли, «нараса»ли қилишга уринишлари сабаблидир. Ривоят ва афсоналар эса бу борада шоирлар учун тайёр гавҳар доналаридир.

Такрор айтаманки, шакл борасида баҳслашиш мен учун жудаям ёқимсиз бир ҳол. Айтиладиган гап бўлса бас, тил, кўнгил ва дид изҳор этиш мавриди ва меъёрини топар!

Оригиналлиқни хуш кўрсангиз унинг ҳам йўли бор. Дейлик, бировнинг туғилган кунига бормоқчисиз. Ҳали у одамни яхши билмайсиз. Шунинг учун энг «демократик» совғалар оласиз, яъни соат ва гул. Тамом! Иккисининг мазмунини ҳам содда, ҳам эзгу. Лекин сиз оригинал киши бўлиб кўринмоқчисиз. Шунинг учун энди соат ва гулнинг орасига занглаб кетган бир занжир топиб солиб кўйинг. Кўрасиз томошани! Йиғилганлар бу фаройиб совғанинг мантиқини қидиришга тушадилар. Юбиляр қолиб, сиз оласиз олқишни ва ҳоказо...

ТАНҚИДЧИ. Гарчи бу ерда шеърини шакл муаммолари, бу борадаги изланишлар хусусида гапиришни ёқтирмаётган бўлсангиз ҳам, мен аминманки, амалда Сиз шакл масаласига ҳеч

қачон эътиборсиз қараган эмассиз, акс ҳолда шеърӣй ижодингиз шакл жиҳатидан бу қадар ранг-баранг бўлмасди. Бир қараишда традицион туюлган — аруз, бармоқ, шеърӣй драма, насрий назм, афсона-ривоят, опера либреттоси шаклларидаги асарларингиз аслида кўп ижодий изланишлар, ҳаттоки дадил экспериментлар самараси эканлигига шубҳа йўқ!

Гарчи хуш кўрмасангиз ҳам шакл-ифода борасидаги баҳси давом эттирмақчиман. Ҳозирги ўзбек шеъриятида яна бир хусусият мавжуд: аксар шоирларимизда ҳодисаларга ўзларининг шахсий муносабатларини билдириш; шеърда шахсиятини намоён этиш (самовыражение) билан баробар, ҳодисанинг объектив манзарасини, ўз ички драмасини кўрсатишга, бошқачароқ айтганда объективликка интилиш кучли. Эҳтимол, лирик шеърларда воқеабандликнинг, лирик характерларнинг кўпплаб пайдо бўлаётганлиги шундандир...

ШОИР. Шеърим менинг муносабатимдир. Бу муносабатнинг ўзи фақат менинг шахсий бисотимнигина эмас, кимларнинг манфаатлари учун қандай ҳукм чиқараётганимни ҳам аниқ намоён қилади. Манфаат деган сўзга алоҳида урғу беришнинг ҳолати йўқ бу ерда. Чунки манфаат деганда шу аснода ё ўзимнинг, ё ёнимдаги кишининг аҳвол-руҳиятини назарда тутмоқдаман. Чунки шоир «Кўмак, таянч, эзгулик ҳув фалон томонда!» деб йўл кўрсатиб қоладиган диспетчер эмас, аслида ўша сифатларнинг мужасамидир. Шоир одамларни ёнидан шундоқ бепарво ўтказиб юбора олмайди, одамларни ўзига жо этади. Ҳар бир одамнинг ўз тарихи бор. Ҳар бир одамнинг умри — ўз мустақил, шахсий тарихини, яъни ўз эзгулиги ёки разиллиги тарихини яратишдангина иборат.

Демак, кичик бир ҳолат ҳам, кичик бир руҳий биография ҳам сюжет экан. Шундай бўлгач, лирик шеърга сюжет, воқеа кириб қолди дейишдан олдин бир нарсани қатъий аниқлаб олиш лозим. Яъни, бир неча киши иштирокида юз берадиган воқеа баён этиладиган бўлса, бу сира лирик шеър бўла олмайди. Лирик шеър ҳар ҳолда муайян бир одамнинг руҳий кечинмалари районида чегараланиши керак. «Самовыражение» деган сўзни қисқача изоҳламоқчиман. «Самовыражение» — жуда бўлмаганда бошқалар айтган гапни индамайгина қўл кўтариб маъқуллашдан воз кечишдир.

ТАНҚИДЧИ. Учуман ҳозирги ўзбек шеъриятининг шакл ва ифодалар, услублар олами, изланишлар қўлами, даражаси, имкониятлари ҳақида қандай фикрдасиз? Менимча, шеъриятимизнинг

ифодалар, шакллар оламини ҳозиргидан бойроқ, ранг-барангроқ қилиш имкониятлари бор... Шунга кўра изланувчи шоирларни, хусусан, ёшларни бу борада чўчитмай, уларнинг изланишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим.

ШОИР. Фалон шакл ундай, фалон шаклнинг мана бундай афзалликлари бор, у-бу деб баҳс бошлашнинг ўзи, такрорлайман, чалғишнинг бошланишидир. Бунинг устига, манави шаклдам ёзиб қўяй-да деб, шакл учунгина ёзилган шеърлар ҳам кўп. Шаклнинг имкониятлари чексиздир. Шеърият шаклларини ишлатишда шоир дизайнер бўлиши лозим. Лекин у фақат макетлар яратиш билангина уриниб қолиб кетмаслиги керак. Шаклни маъно баркамоллиги гўзал ва ёқимли қила олади, холос.

Шеъриятимизни шакл жиҳатидан янада бойроқ кўришни орзу қиляпсиз. Лекин Ҳамид Олимжон, Ойбек, Фафур Фулом анъаналари, шеърнинг улар камолотга етказган шакллари яна кўп вақтлар етакчилик қилишига имоним комил. Негаки, уларнинг шеърияти арузнинг, фольклоримизнинг минг-минг йиллик анъаналари шоҳ-супаси устида барпо бўлгандир. Достонларимизни, тўй қўшиқларимизни эсланг. Аллаларни ёки азаларда айтиладиган юрак эзар полали байтлар қаторини эсланг. Ёки: «Зўр карвон йўлида етим бўтадек...» деб шеър ўқишни бошлангу, ёнига битта хокку ёки танка қўйиб тасаввур қилинг. Йўқ, ўзбекнинг даъвати, фарёди, нидоси, ҳайрати бу шаклларга сифмас!

Шеърнинг муайян тил ҳодисаси эканлигини биламиз, лекин у, айти пайтда, физиологик ҳодиса ҳамдир! Ҳа, у вужуднинг ва руҳнинг муайян ҳолатдаги ва шароитдаги эҳтиёжлари маҳсулидир, яшаш шарт-шароитлари қонунидир. Ёшлар ва уларнинг шаклий экспериментларига келсак, менимча, улар билан ишни тўғри гапни айтишдан бошлайвериш керак.

Бу ерда яна икки омилни таъкидлаб ўтишни истар эдим. Шаклни чексиз дедик. Лекин у ҳар қандай миллий санъатнинг ўз ифода қудрати, имкониятлари чегарасидагина чексиздир. Иккинчидан, шакл мужассам мантиқдир. Баъзи шеърларни ўқиб энсанг қотади. Дунёнинг ҳали яралмаган, тартибга тушмаган «хаос» пайтига келиб қолдиммикан деб ўйлайсиз. Шоир масалани «А» пунктида қўяди-ю «Я» мамлакатига кетиб қолади. Шеърнинг охирига етмай, «А»ям, «Я»ям йўқолиб кетади. Яъни, шоир шафтоли дарахти ҳақида шеър бошласа, бу шеърда нималарни учратмайсиз: Троя урушию, термоядро реакцияси, Вавилон тарихию, «Роллинг стоун»

ансамбли, бугдой ўраётган бобосию, аллақандай тулпорлар уюри... Бу тўполон гаплар билан шоир ўз шуур қудратининг кўламдорлигига шаъма қилмоқчи бўлар балки? Лекин у ўз-ўзини фош этади. У умумий нарсалар ҳақида истаганча сўзбозлик қилиши мумкину хусусий бир ҳодиса ё ҳолат ҳақида аниқ, лўнда гап айтишга қодир эмас. Демак, у шафтолини билмайди.

ТАНҚИДЧИ. Шаклдаги изланишлар борасида рўй бераётган камчиликлар, қийинчиликлар ҳақидаги гапингизда асос бор. Аммо жаҳон адабиётида мавжуд айрим шеърӣй шаклларнинг ўзбек адабиёти, ўзбек кишисининг руҳи, кайфиятини ифода этишга мос келмаслиги хусусидаги мулоҳазаларингиз мунозарали. Адабий шакллар ҳеч қачон бирор адабиётнинг «хусусий мулки» бўлган эмас. Яхши адабий шакллар халқлардан халқларга ўтиб юравсради, ҳар бир адабиётда ўзига хос миллий тусга кираверади. Адабиётимизнинг яқин ўтмиш тарихини эслайлик. Атиги ярим аср бурун бизга реалистик роман, қисса, ҳикоя, драма, эркин шеър — сарбаст шакли тўғри келмайди дегувчилар бўлган. Қаранг, бугунги ўзбек адабиётини шу шаклларсиз тасаввур этиб бўладими?! Келажак кўрсатар, эҳтимол Сиз ҳадик билан тилга олаётган шеърӣй шакллар ўзбекнинг қалбини ифода этишга ҳар жиҳатдан яроқли бўлиб чиқар. Ҳозирнинг ўзидаёқ бизда хокку ёки танка йўлида яратилган талайгина яхши шеърларни топиш мумкин. Шу маънода мен шакл бўлиб изланаётган, шеърӣятимизга янгича ифодалар тарзини олиб киришга уринаётган шоирларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш тарафдориман. Бу борала мени бошқа бир ҳодиса ташвишга солаётир — айрим ёшларимиз ўз изланишларида изчил эмаслар, ўзлари танлаб олган йўлни, шаклни такомиллаштириш, эл-юртга маъқул даражага кўтариш устида етарли бош қотирмаётирлар.

Яна Сизни саволга тутмоқчиман. Сиз асар устида ишлаётганда китобхонни кўз олдингизга келтирасизми — кўпроқ қандай китобхонни? Шеърларингиз китобхонга тўла тушунарли бўлиши ҳақида ўйлайсизми? Ҳар доим кенг китобхон оммасига тушунарли шаклда ёзиш маъқул деб биласизми? Китобхонни эргаштириш, янги шаклларга, ифода тарзига ўргатиш, янгилликка рағбатини ошириш, китобхон дилини тарбиялаш масалаларига қандай қарайсиз? Шеърларингизда ифода этган қалбингизга яқин, Сиз учун ниҳоятда ардоқли, фикр ва туйғулар ҳар доим ҳам китобхонга тўла етиб боражигига аминмисиз? Сиз билан — шеърларингиз билан — китобхон орасида конфликтли вазиятлар ҳам бўлиб турадими?

ШОИР. Мен шеърларимни шеърхон тўла тушунсин деб орзу қиламан. Шеър ребус эмас! Лекин кишининг тақдир чигалликларини ўзида яширган бўлиши мумкин! Аммо шеър ўқувчига бунинг англатадиган керак элементлар билан таъминланган бўлиши лозим. Шундагина ўқувчи бошқалар тақдири учун куйина олади. «Танаси бошқа дард билмас» дейдилар. Шеърининг асосий вазифаларидан бири — маълум бир кишининг қалбидаги эзгу, олижаноб туйғуларни, зарур гапларни, сувратларни бошқаларга ҳам ишонарли ва таъсирли қилиб етказиш эмасми? Токи кўнглининг ларзасини танаси бошқа ҳам сезсин, англсин.

О! Ҳақиқий шоирнинг эргаштириш, ром этиш қудрати шу қадар зўр бўладики... Давримизнинг энг улуг шоирлари ўтмиш устозларнинг улуг ғояларига, овозларига эргашиб энди келажак авлодларни ҳам эргаштира оладиган асарлар яратганлар, ҳа, ўтмишда ва бизнинг асримизда рўй берган инқилоблар, курашларнинг ўз шоирлари, бастакорлари, санъаткорлари бор! Жарчилари бор!

Поэтик экспериментга келсак, уни ижодкор, аввало, ўзи учун барпо этади деб ўйлайман. Шеърдаги ҳамма фикрлар ўқувчига тўла етиб бориши мумкин эмас, балки шарт ҳам эмасдир. Чунки ҳар қандай санъат асаридан ҳар ким ўзига хос, ўзини қизиқтирган жиҳатларнигина яхшироқ қабул қилади. Шунинг учунми, ўқувчиларим билан «конфликт»лашиб турамыз. Тез-тез. Турли сабаблар билан! Лекин ҳаммаси эзгуликни тўлароқ рўёбга чиқариш масаласи билан боғлиқ бўлади.

ТАНҚИДЧИ. Ниҳоят, яна бир муҳим масала. Сизнинг шеърларингизда хилма-хил кўринишда ўзингиз туғилиб, вояга етган она юрт — Хоразм колорити баралла сезилиб туради. Умуман, Сиз шеърингизда, қолаверса, сўз санъатида ҳозирги пайтда маҳаллий колорит масаласи хусусида қандай фикрдасиз?

ШОИР. Хоразм дунёда битта. Ўзбекистон битта. Хоразм ҳам қатта, ҳам кичик тушунчадир. Бирон нарса ҳақида энг кўп билсам — бу Хоразмдир, оз билсам бу ҳам Хоразм... Мен ҳамма халқларнинг санъатларини ҳурмат қиламан. Улардаги этник жиҳодлар мен учун янада қадри. Чунки санъатни бошқа омиллар қаторида миллий-маҳаллий колорит, этник жиҳодлар айниқса фарқлантириб туради. Шу ранг-баранглик бўлмаса дунёда ҳамма нарса гиштардек бир хил бўлиб қолар эди. Маҳаллий, яъни этник колорит миллий колоритни вужудга келтирувчи, яхлит этувчи, узлуксиз тўлдириб, янгилаб турувчи манбадир.

Модомики бу ерда шоир ва танқидчи суҳбати — баҳси кетаётган экан, пировардида танқидчиларга айтадиган биргина истагимни изҳор этсам. Болалигимизда ўзимизча қўлбола тарозу ясаб, турли нарсаларни тортиб ўйнаётганимизни кўрсалар, момоларимиз бизни, койир эдилар: «Торозу-торозу ўйнаманг, болаларим, дунё бузилиб кетади!» Бу гап бирдан ҳозир хаёлимга келиб қолди. Адабий танқидчи одил тарозибон бўлиши керак деб ўйлайман. Аввало, бировларнинг ҳақидан кўрқиш керак. Кейин тарозу палласига бўлар-бўлмас, етилмаган, гўштсиз, юксиз нарсаларни солабермасин! Ўқувчига фириб бериш бу — ўз фарзандингизга фириб беришдир. Шунини унутмаслигимиз керак. Момоларнинг гапларида ҳам жон бор-да!

1981 йил, август

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ҲАМКАСБЛАР БАҲСИ

СЎЗГА, СЎЗ САНЪАТИГА ШАЙДОЛИК

(Мунаққид Раҳмон Қўчқоров билан суҳбат)

Раҳмон ҚЎЧҚОРОВ. Умарали ака, умрингизнинг катта қисмини адабиётга, уни ўрганиш ва ўргатиш ишига бахш этдингиз. Айтинг-чи, шу тинимсиз фаолиятдан нима топдингиз? Нималарни билдингиз-у, не муаммоларнинг охирига етолмай қийналдингиз?

Умарали НОРМАТОВ. Ёш ҳам олтмиш бешга ўтиб борапти. Шундан салкам 60 йили адабиёт, уни англаш, ўрганиш, ўргатиш йўлида ўтди. Аслида, адабиётга меҳр ундан олдинроқ бошланган. Эсимни танибманки, санъат, адабиёт мени ўзига ром этиб келган: Дадамни «Нормат қори» ёки «Қори ака» дейишарди. Қўқон мадрасаларида таълим олган, араб, форс тилларини пухта эгаллаган, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб асарларининг мухлиси эдилар. Қуръони Карим оятлари, Пайғамбаримиз ҳадислари, Саъдий ҳикматлари, Бедил рубойлари мағзини чақиб, соатлаб гапирардилар. Уйимиз тоқчаларида «Туркистон вилоятининг газети», «Турон», «Янги Фарғона» тахламлари 50-йилларга қадар ҳам сақланган. Турдиали бойнинг эркатоӣ кенжаси, китоб жинниси Нормат қори Саъдийнинг «Гулистон»ига ўзи миниб Қўқонга қатнайдиған баҳоси йўқ қорабайирни алмаштириб юборгани ҳақида қариндошлар кулиб ҳикоя қилишар эди. Бир саҳифанинг ўзида ҳам форсча, ҳам туркий-ўзбекча матн жойлашган чарм муқовали бу нодир китоб таниш-билишлар орасида яқин-яқинларда ҳам қўлдан-қўлга ўтиб ўқиларди. Онам Сорабиби Яссавий, Сўфи Оллоёр, Фузулий китобларини шундай бир нурли ва ҳазин оҳангда ўқир эдиларки, уларни ички бир шавқ, кўнгилда ажиб бир мунг билан тинглардим. Аҳмад қозининг ўғли, 10-йилларда жадид усулидаги мактаб муаллими сифатида шуҳрат топган тоғам Мулла Маҳмуд (Фарғонанинг Ранқон қишлоғидаги тарих музейида бу одамнинг фотосурати бор) менга бир ҳафтанинг ичида араб ёзувини ўргатганлар. Тез орада уйимиздаги китобларни бемалол ўқийдиган бўлдим. Айниқса, Иброҳим Адҳам, Машраб қиссаларини берилиб мутолаа қила бошладим.

Ўзим ҳам Машрабга тақлидан «Умар» таҳаллуси билан ғазаллар битишга тушдим. Ўша ишқий ғазаллар битилган дафтарни гоҳо фарзандларим, набираларим кўлида кўриб қоламан. Улар ҳазил қилиб: «Ўзлари ҳам Машраб бўлган эканлар-ку», деб қўйишади.

Уруш ва урушдан кейинги оғир йиллар. Дарслик, китоб, дафтар қалам етишмайди. Муаллимларимиз 45 минутлик дарсни билганларича гапириб ўтказишади... Кунларнинг бирида адабиёт муаллимимиз синфга янги китобча кўтариб кирдилар. Толстойнинг «Кавказ асири» ҳикоясини ўқий бошладилар. Ҳикояни тинглаб, лол бўлиб қолдим. Бу асар, мен шу пайтгача танишган, ўқиган китобларга мутлақо ўхшамас эди, у мени тамомила бошқа бир оламга олиб киргандай бўлди. Бир неча кун ўзимга келолмай юрдим, нуқул ҳикоя қаҳрамонлари Жилин, Костилин, Дина билан ўша тоғ овули одамлари орасида юргандай бўлдим... Мен бу ҳикояни ҳозирга қадар қўлга олишдан чўчийман, қайта ўқишга ботина олмайман, ўша болаликдаги — ҳикоя билан илк танишувдаги мислсиз таассурот бузилиб қолмаса деб қўрқаман. Кейинроқ, Миркарим Осимнинг «Ўтзор»и, Ойбекнинг «Қутлуг қон»и, уруш йиллари ватан қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров билан уйимизда меҳмон бўлган Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари, боринги, 40-йилларда ўзбекчада чиққан жамики бадиий асарлар билан танишдим. 1948 йили қишлоғимизга яқин қўшни Тожикистоннинг Конибодом шаҳридаги педбилим юртига илм истаб бордим. Бу билим юрти гарчи бошланғич мактаб муаллимлари тайёрлашга ихтисослашган бўлса ҳам, ўзига хос «адабиёт литсейи» эди. У ерда Тошкентда таълим олган забардаст филологлар дарс беришарди. Билим юртини тугатгач, Тошкент университетининг филология факултетида, сўнг аспирантурасида ўқидим. Орада икки йил мактабда ишладим. 1962 йилдан эса университетда адабиётдан муаллимлик, чорак аср кафедра мудирлиги... Ярим асрдан буён ўзим суйган шу адабиёт ичидаман, хизматидаман. Бу орада номзодлик, докторлик илмий даражаларини қозондим, доцентлик, профессорлик унвонлари берилди. Республика Давлат мукофоти. Ўзбекистон фан арбоби, халқ таълими аълочиси...

Майли, булар ўз йўлига. Энди сиз қўйган асосий саволга келсак: қўш, салкам 60 йиллик филология соҳасидаги тинимсиз фаолиятдан мен нима топдим? Топганим шу бўлдики, сўз санъати инсоният яратган, аниқроғи, Аллоҳ одамларга ҳадя этган ноёб нисбат, сирли олам эканига такрор-такрор иқрор бўлдим. Чинакам

санъат асарини ўқиганимда, томоша қилганимда ҳайратдан ўзимда йўқ яйрайман. Кўнглимда шу соҳага майл-меҳр уйғотгани, ризкимни шу соҳада бергани учун Яратганга шукроналар айтаман. Инсон фаолиятидаги ҳеч қайси соҳа адабиётчалик сир-синоатга бой эмас. Инсон ва унинг табиати, қалби, руҳияти ҳақидаги ҳақиқатни кашф этишда ҳеч бир соҳа адабиёт билан тенглаша олмайди, унинг ўрнини босолмайди.

Бир вақтлар — университетни тугатиб, аспирантурада таълим олган кезларим ўзимни гўё адабиёт илмини миридан-сиригача эгаллаган одам санардим. Жаҳон адабиёти, адабиёт илми қўрига кириб борган сарим, бу соҳада билганларимдан билмаганларим кўплигига, билганларим эса ўта юзаки, жўн нарсалар эканига иқрор бўла бошладим. Биздаги мавжуд адабиёт назариясига оид дарслик ёки илмий китоблардаги сўз санъатининг ўзига хосликлари, вазифалари, адабий тур, жанрлар таърифи, поэтикаси, умуман бадиий ижод табиати хусусидаги фикрларни эслаб кўринг: гарчи бу борада айрим фарқлар, баҳсли ўринлар бўлса-да, бадиий ижод олами гўё «икки карра икки — тўрт» деганларидай аниқ нарса сифатида талқин қилинади, шулар сўз санъати ҳақидаги узил-кесил ҳақиқат деб тақдим этилади. Синчиклаб разм солсангиз, буларнинг деярли барчаси ўта нисбий ва бир ёқлама, юзаки эканига амин бўласиз. Инсон фаолиятига оид соҳалар ичида сўз санъатидек тутқич бермайдигани, қолипга, қоидага тушмайдигани топилмаса керак. Жаҳондаги ҳар бир улкан ижодкор, буюк асар ўзича бир дунё; янги асари билан ижодкор ҳар гал янгича йўл, усул, қоидалар кашф этади. Бунинг устига, ижодкор шахсиятидек сирли, ажабтовур хилқат бошқа соҳа кишиларида топилмайди. Оллоҳ инсон зотида хос жамики кучли ва заиф, зиддиятли, мўъжизакор сифатларни мужассам этиш учун ёзувчилик истеъдодини, шоиру ёзувчиларни яратган бўлса ажаб эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Оллоҳ ўзининг мислсиз қудратини намоён этиш учун бу ёруғ оламини, коинот жавҳари саналмиш инсонни яратган. Қарангки, ёзувчи-санъаткор балки Оллоҳнинг шу ярагувчилик сифатига тақлидан сўз орқали инсонни, тўғрироғи, инсон тимсолини яратишга журъат этади.

Абдулла Қодирийдек биргина мислсиз истеъдод соҳиби яратган бадиий кашфиётларни эслайлик. Юсуфбек ҳожи, Ўзбек оғим, Отабек, Кумуш, Зайнаб, Анвар, Раъно, Солиҳ маҳдум сингари тирик жонларни — ўзбекнинг ранг-баранг табиатли фарзандлари сиймосини айти тирик одамлар каби гавдалантириш чиндан-да

мўъжиза, ахир! Адабиёт илми бадиий истеъдод табиати, ижодкор шахси, ижод психологияси бобида ҳали дурустроқ иш қилгани йўқ. Инсоният ҳали улкан истеъдоллар хизматини муносиб қайрлаш даражасига кўтарилгани йўқ. Биз ҳали чинакам истеъдод соҳиблари билан бу соҳага даъвогар тамагир, ҳаваскор ҳунармандларнинг фарқига етолганимиз йўқ. Тақдир мени XX асрнинг бир қатор моҳир сўз усталари билан танишиш, мулоқотда бўлиш, ҳатто яқиндан дўст-улфат тутиниш бахтига муяссар этди...

Раҳмон ҚУЧҚОРОВ. Ўрни келиб қолди, ана шундай ижодкорлар тўғрисида батафсилроқ гапирсангиз...

Умарали НОРМАТОВ. Мен ҳаётда дуч келган, яқиндан билган, ҳамсуҳбат бўлган адиблар ичида, шубҳасиз, энг ёрқин сиймо, беназир истеъдод соҳиби Абдулла Қаҳҳордир. 1960 йилдан то 1968 йили Масковга даволаниш учун кетгунига қадар бу улуг сиймо хонадониди, гоҳ шаҳар ҳовлисида, гоҳ Дўрмондаги боғида кўп бор суҳбатини олганман. Эл-юрт, миллат, миллий адабиёт манфаати, шаъни учун шу қадар ёниб яшаган бошқа бирор ижодкорни кўрган эмасман. Энг муҳими, у, Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда, «шахси бутун» зот эди. Уйда тор давраларда ҳам, катта анжуман, минбарларда ҳам фақат дилидагини, ҳақ гапни айтар эди. XX аср иккинчи ярмида бизда ижодкорлар орасида Чўлпоннинг «Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам хур туғулгонсан!» деган даъватига тўла амал қилган ягона жасур сиймо Қаҳҳор бўлган десам, муболаға бўлмас. Бунга тасдиқлайдиган ўнлаб, юзлаб мисоллар бор.

Тилларда дoston бўлиб кетган икки воқеа: Абдулла Қодирий таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда сўзлаган оташин нутқи ёки Милчаков деган кимса ҳақидаги ўта кескин, мардона гапи бутун мамлакатни ларзага солган эди. 50-йиллар шароитида рус кишиси, раҳбар ходим, ёзувчилар союзи партия ташкилот секретари Милчаковни «Ўзбек халқининг жаллоди» деб аташга журъат этиш ажлаҳо комига ўзини тутиб бериш билан баробар эди. Абдулла Қаҳҳор бунга журъат эта олди. Кейинги тадқиқотлардан маълум бўлдики, бу қабих кимса 40-йиллар охири, 50-йиллар бошларида ўнлаб ҳалол истеъдод соҳибларининг қатағон этилишига бевосита алоқадор бўлган экан...

Бундай шижоат, журъат республикадаги маънавий, адабий ҳаётга қанчалар таъсир кўрсатгани, ўнлаб ижодий зиёлилар кўзини очгани, хусусан, ёш истеъдодлар кўнглига ўт солгани,

мустабид ҳукмдорларни эса ҳушёр торттиргани ҳеч кимга сир эмас. Қаҳҳор ўшандай шижоати, ҳақ сўзи билан виждонли, чин исгъодол соҳибларини худди оҳанрабодек ўзига тортарди.

Ўша кезлари «Қаҳҳорнинг одами» деган гап юрарди. Хўш, «Қаҳҳорнинг одами», яъни Қаҳҳор даврасига дахлдорлар кимлар эди? 1967 йили Учқун Назаров Абдулла Қаҳҳор ҳақида ҳужжатли филм яратишга чоғланганида филмда суратга олиш учун адибнинг шахсан ўзи дилига яқин бир гуруҳ ёзувчи, шоир, адабиётшуносларни таклиф этди. Булар — Саид Аҳмад, О. Ёқубов, П. Қодиров, Э. Воҳидов, А. Орипов, Ў. Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, адабиётшунос-танқидчилардан М. Қўшжонов, О.Шарафиддинов... Айни шу «Қаҳҳор одамлари» XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиёти ва танқидчилигининг қиёфасини белгилайдиган ижодкорлардир. Не бахтки, филмга таклиф қилинганлар орасида мен ҳам бор эдим! Ҳали адабиётда ёш бир талқиқотчи бўлатуриб Қаҳҳордек аллома назарига тушганимни эсласам, ҳозир ҳам юрагим ҳаприқиб кетади.

Шўро тузуми инқирозидан сўнг кўплаб машҳур шўро ёзувчилари қатори Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳам элакдан ўтказилди: қатор асарлари теварагида қизгин баҳслар бўлди, улар шаънига баъзан асосли, кўпроқ асоссиз таъналар айтилди. Ҳар қанча жасур, ҳақиқатгўй бўлмасин, ўз даврининг фарзанди сифатида Қаҳҳор асарларида ҳам ҳукмрон мафкура асоратлари у ёки бу кўринишда из қолдирган. Бироқ адибнинг шундай ҳикоялари борки, асрнинг талай машҳур танқидчилари эътироф этганидай, улар замонавий жаҳон ҳикоячилигининг энг яхши намуналари билан бир қаторда туради. «Анор», «Бемор», «Ўғри», «Адабиёт муаллими», «Минг бир жон» каби ўнлаб ҳикоялари персонажлари, шунингдек, «Сароб»даги Муниҳон, Сорахон, «Синчалак»даги Қаландаров ва Саида, комедияларидаги талай комик характерлар, адибнинг ўз ибораси билан айтганда, бутун бошли «адабий аҳоли»ни ташкил этади. Уларга жон бағишлаш чинакам ижодий жасоратдир. Бунинг устига, XX аср ўзбек адабий тилининг шаклланишида, унинг дўстлари, ҳатто рақиблари томонидан бирдек «сўз устаси» деб тан олинган Қаҳҳорнинг ўрни, хизмати беқиёсдир. Давраларда оғзидан чиққан ҳар бир образли гапи, ҳазил-мutoйибалари гўё ўзига хос ёмби эди. Афсуски, биз ўзбекларнинг бефарқлигимиз гуфайли улар ёзиб қолдирилмаган. Кибриё опа хотираларида айримларигина келтирилади, холос.

Қаҳҳордан кейин мени ўзига ром этган, мен яқиндан мулоқотда бўлган адиблардан бири Саид Аҳмаддир. Бутун вужуди, тани-жони адабий истеъдод нури билан йўғрилган, фақат адабиёт, ижод учун яралган, руҳий оламида ҳам фожеий, ҳам ҳалқона қувноқ ҳазил, кулгини мужассам этган, шахсий ҳаётидаги мислсиз фожиаларни, ёлғизлик изтиробларини ҳазил-кулги кудрати-ла енгиб ўтаётган бу аломат зот XX аср ўзбек адабиётида ноёб ҳодисадир. У асрлардан-асрларга ўтиб келаётган буюк Насриддин афандининг бизга замондош тирик тимсолидир. Яратган асарлари, қаҳрамонларидан кўра ҳам, унинг ўзи, шахсияти қизикроқ ва жозибадорроқдир.

Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев билан узоқ йиллар дўст, улфат тутунганимдан фахрланаман. Уларнинг ижоди, асарлари ҳақида билганимча, қурбим етганича ёзганман. Неча йиллар яқиндан кузатишимга қарамай, бу ноёб истеъдод соҳиблари табиатида мен учун жумбоқлигича қолаётган жиҳатлар беҳисоб. Ўта андишали, одобли, мулоҳазакор, Шарқ маданиятини ўзида намоён этган аллома дейишга лойиқ. Эркинжон истеъдод бобида, очиги, тенгдошлари орасида ягона. Табиатидаги серандишалик ва мулоҳазакорлик, фарғоналиклар қонидан ўтган тортинчоқлик айрим ҳолларда кўнглидаги туғёнларни юзага чиқаришга монелик қилаётгандай, ҳаётда, адабиётда истеъдодига муносиб ўрнини ололмаётгандай туюлади менга. У чиндан дилбар, улфати жонон шахс. Республикада унинг суҳбатини олишга зор одамлар бисёр. Унинг сўзларида қандайдир латофат борлигини кўп кузатганман. Биргина мисол. 1997 йилнинг ёз чилласида устоз Озод ака қаттиқ хасталаниб касалхонага тушди. Узоқ йиллик қанд касаллиги оқибати ўлароқ бир оёғида яра пайдо бўлиб, охири жарроҳлар тиззасидан кесишга мажбур бўлишди. Озод акани жарроҳлик столидан палатага олишган куннинг эртаси тонгда Эркинжон билан устозни кўргани бордик. Озод ака каравотда афтодаҳол ётибди. Бизни кўриши билан кўзига ёш олди. Кўнглида умид учкунлари сўна бошлаган, аранг гапиради. Қарасак, секин-аста рози-ризалик тилашишга ўтапти... Нима қилишни, нима дейишни билмай қолдик. Шунда бирдан Эркинжон ташаббусни қўлга олди. «Қайси оёқни кесишди?» деб сўради билса ҳам. Гап ҳазилга айланаётганини сизди шекилли. Озод ака оқ чойшабдан оёқларини пайпаслаб: «Чапи экан», деб жавоб қилди. Шунда Эркин: «Э, шунгаям кўзёшимми, Озод ака.

энди бундан бу ёгига «левий»га юриш бўлмас экан-да», деганида бирдан устознинг чехрасида табассум пайдо бўлди. Эркинжон, айна шахматдагидай, устама-уст йўл қила бошлади: «Журнал чиқибди-ку», деб Озод аканинг ёстиғи ёнида турган «Жаҳон адабиёти»га ишора қилди. «Дарвоқе», дея Озод ака ўзи муҳаррирлигида чиққан журналнинг илк сонини Эркинга узатди. Ҳаммамиз бу қутлуғ ҳодиса билан устозни табрикладик. Эркин журнални варақлаб, унда босилган ўзининг туркум шеърларидан бирини — қувноқ халқона кулги билан йўғрилган «Кексалик гашти»ни ўқий бошлади:

*Билакдан куч кетган, кўздан эса нур,
Пашшамизни зўрға қўраётимиз.
Бир маҳал оҳ уриб қилардик ҳузур,
Энди волокордин ураётимиз.
Келар ичимиздан хўрсиниқ чуқур,
Асқартоғ эдик-ку, нураётимиз.
Кўнамиз, не илож, шунга ҳам шукр,
Ҳар қалай кўз тирик, кўраётимиз,
Қарилик гаштини сураётимиз.*

Шу сатрларга келганда палатада кулги-қийқириқ авжига чиқди, ҳатто кулгимиз садоси йўлакдагиларга ҳам етди шекилли, навбатчи врач, ҳамширалар эшикни очиб, «ўта оғир касал» ётган палатадаги бу аҳвол-вазиятдан лол қолишди. Озод аканинг чехраси бутунлай очилиб кетди, бояги тушкунлик, ваҳм чекинди. Эртасигаёқ у оёққа тура бошлади. Мана, руҳшунос-шоир табиатиға хос сеҳрнинг кучи, биргина кўрилиши.

Ўткирнинг эътиборга сазовор деярли барча бадий асарлари шўро даврида яратилган. Аммо шуниси қизиқки, айрим публицистик чиқишларини мустасно этганда, у яратган ҳикоя, қисса, роман, драмаларда коммунистик ғоялар тарғиботи, ҳукмрон мафкура асоратлари, ўткинчи майллар таъсири деярли йўқ. Истиқлол даврига келиб қатор қаламкашлар ўз даврида катта довруғ қозонган асарларини қайта нашрга тайёрлаш асносида жиддий таҳрир киритишга мажбур бўлдилар. Ўткир эса бунақа «таҳрир»ларга эҳтиёж сезмади. Ўткир «қайта қуриш» жараёнида ҳам, истиқлол йилларида ҳам ўзлигига содиқ — ўша биз билган Ўткирлигича қолди. Ўткирнинг табиатида, ру-

ҳиятида уни ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳимоя этувчи, ҳар қандай вазиятда ҳақиқатга, виждонига содиқ қолишга ундовчи қандайдир бир куч бор.

Худойберди билан деярли тенгдошмиз. Бир ерликмиз. Етмиш беш ёшида ҳам болалик қилиқларини сақлаб қолган дўстимнинг ўзбек болалар адабиётида муносиб ўрни борлигидан қувонаман.

Гарчи шахсан яқин бўлмасам-да, яна бир улкан истеъдод соҳиби Рауф Парфи ижодини, шахсиятини кузатиб юраман. Рауф Парфи XX аср иккинчи ярми ўзбек шеъриятининг ёрқин юлдузларидан биридир. Унинг замонавий миллий шеърият равнақидаги ўрни, хизмати Эркин Воҳидов ёки Абдулла Ориповникидан кам эмас. Балким янгича шеърий тафаккур жиҳатидан асримиз интиҳосидан энг олий нуқтаси, десам ҳам бўлади. Шахсий ҳаётда омадсиз, ношуд-нотавон кўринган бу кичик, оппоқ сочли жуссада шу қадар юксак шеърий истеъдод, илоҳий куч-қудрат, ақл-заковат, илҳом мужассамлиги кишини ҳайратлантиради, лол қолдиради.

Ниҳоят, сўз санъати, адабиёт илми дунёсида мен дуч келганим ва топганим ноёб хазина — улуғ инсон, буюк истеъдод соҳиби Озод Шарафиддиновдир. Ҳаётидаги, шахсиятидаги, фаолиятидаги жамики зиждиятли жиҳатларига қарамай, бу одам биздаги XX асрнинг буюк жозибадор ва жумбоқли сиймоларидандир. Унинг XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиёти, адабиётшунослиги, маданияти, маънавиятидаги ўрни, хизматини муносиб қадрлайдиганлар кўп эканига аминман. Асримиз иккинчи ярми танқидчилигида бошқа бундай ёрқин, жасур, билимдон, маърифатли сиймо чиқмади. Мен ана шундай одамга биринчи шогирд бўлганим, салкам қирқ йил у билан бирга ишлаганимдан фахрланаман.

Дарвоқе, университетдаги адабий-илмий муҳит, Фулом Каримов, Субугой Долимовдек алюмалар билан бирга ишлаш, улфат тутиниш бахти... бу борадаги ёрқин хотираларни, насиб қилса, батафсил қоғозга тушириш ниятим бор.

Мана, менинг ҳаётда, адабиёт, адабиёт илми йўлида топганиларим...

Бироқ... Топганиларим мен учун қанчалар ардоқли бўлмасин, мен яшаган, ишлаган йиллари жаҳонда, жаҳон адабиётида, адабиёт илмида майдонга чиққан ёрқин сиймолар, содир бўлган буюк ўзгаришлар, кашфиётлар қаршисида анчайин камтарона ўрин тутишини ўйлаб бир оз хушёр тортиб қоламан. Ўзбек адабиёти, адабиёт фани шу йиллар давомида жаҳон адабиёти, тафаккури ривожига

таъсир кўрсата оладиган асарлар бера олдим, деган савол мени доимо қийнайди. Бу савол қаршисида мен ўзимни жуда-жуда ожиз сезаман. «Биз зўр деган асарлар Тўйтепадан нарига ўтолмаяпти», дер эди Абдулла Қаҳҳор. Бу гап ҳамон ўз кучида қоляпти. Бир вақтлар асаринг, мақоланг рус тилида, Масковда чиқдим, бўлди. Иттифоқ миқёсига кўтарилдинг, деган қараш кенг ёйилган эди. Иттифоқ, бинобарин жаҳон миқёсига чиқиш, танилиш мақсадида ҳар хил йўллар билан ўртачароқ асарлар ҳам рус тилига таржима этилаверарди. Ҳатто бунинг энг осон йўли — тўғридан-тўғри рус тилида ёзиш одати пайдо бўлди. Қизиқ, ўша йиллари Саид Аҳмад, Ў. Ҳошимов, Э. Воҳидов, А. Орипов, Рауф Парфи, Тоғай Мурод, О. Шарафиддиновга кўра анчайин ўртамиёна, лекин эпчил, ҳунарманд қаламкашларнинг донғи Иттифоқ миқёсида машҳурроқ эди. Бу чакқон «ижодкор»лар катта совринларни олишга ҳам улгуришди. Хўш, бугун қани ўша Иттифоқ ё жаҳон миқёсига кўтарилган асарлар, совриндор «адиб»лар ўн беш-йигирма йил ўтар-ўтмас барчаси унутилди-кетди...

Раҳмон ҚҮЧҚОРОВ. Бу хусусдаги танқидий фикрларингиз нисбий ва мунозарали. Сиз айтган ҳолатлар билан баробар истёдодли адибларимизнинг қатор етук асарлари рус тилига яхшигина таржима этилган, айти шу таржималар орқали улар жаҳон адабий жамоатчилиги эътиборини ўзига тортган эди. Масалан, «Синчалак», «Улуғбек хазинаси»...

Умарали НОРМАТОВ. Мен бу ерда ўша кезлари кенг тарқалган бутун умидни таржимага қаратишдан иборат бирёқлама, нохуш кайфиятни назарда тутаётirman. Шунақа кайфият бугун ҳам бошқачароқ кўринишда давом этяпти. Бирор хорижий мамлакатда асари, мақоласи чиқса, дарҳол унинг муаллифини жаҳонга чиққан санайвераимиз. Жаҳонга чиқишга интилиш яхши; бироқ бундай чиқиш буюк кашфиётлари, ихтиролари билан бўлса, яна ҳам яхши. Биз жаҳонга не-не даҳоларни берган қадимий улуғ юрт фуқароларимиз. Сўз санъатида, адабиёт илмида бугун дохиёна кашфиётларга эҳтиёж тугилмоқда. Эркин Воҳидов айтмоқчи:

*Унинг сени мендек шоирлари кўп,
Буюк элга энди даҳолар керак.*

Шундай дейман-у, инсон боласи фақат улуғ орзулар билангина яшай олмаслигига иқрор бўламан. Шунда файласуф шоир Асқад Мухторнинг мана бу сатрлари ёдга тушади:

*Каттасини кут-у, кичигидан қолма,
Кичик мўъжизалар ҳар куни керак.*

Мени қийнаган, мен охирига етолмаган муаммолар ана шулар.
Раҳмон ҚҮЧҚОРОВ. Бугунги ўзбек адабиётшунослик илмининг савияси Сизни қониқтирадими? Ҳозир, айниқса, замонавий адабиёт атрофидаги аввалги баҳс-мунозараларнинг сўниб қолганини нима билан изоҳлайсиз?

Умарали НОРМАТОВ. Биласиз, кейинги йилларда мен кўпроқ 20-йиллар адабиёти масалалари билан шуғулланаётирман. Мени ҳаммадан ҳам янги ўзбек адабиётининг тезкор тусда шаклланиш жараёни, кўп асрлар давомида Шарқ, асосан араб, форс-тожик адабиёти аъёнлари, Ислом фалсафаси доирасида ривожланган миллий адабиётимизнинг аср бошларида Оврўпа, замонавий жаҳон адабиёти тажрибаларига юз ўгириб, қисқа фурсат ичида «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Абулфайзхон», «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши» сингари етук реалистик насрий ва драматик асарларнинг, янгича йўналишдаги Чўлпон лирикасининг пайдо бўлиш сабаблари, сирлари қизиқтиради. Жаҳондаги жуда кўп халқлар адабиётида ўшандай кескин бурилиш паллалари тадқиқ этилган илмий ишлар билан танишишга тўғри келди. Жумладан, асримизнинг улкан адабиётшуносларидан бири М. Бахтиннинг Франсуа Рабле ҳақидаги машҳур китобини қайта мутолаа қилдим. Оврўпадаги уйғониш даврининг ёрқин сиймоси саналмиш Рабле ижодининг жаҳон адабиёти ва маданиятидаги ўрни нақадар теран таҳдил этилган бу китобда. Рабленинг энг катта хизмати неча минг йиллик халқ кулгиси, қизиқчилик маданиятига таяниб, унга муайян яқун ясаб, кулги санъатини янги босқичга кўтаришдан иборат эканини очиб беради муаллиф. Китоб мутолааси жараёнида беихтиёр 20-йиллар ўзбек адабиётидаги жараёнлар ёдга тушади. Кўп асрлик миллий адабиётимиз ривожига туб бурилиш ясаган етук асарларнинг пайдо бўлишида бошқа кўп омиллар қатори айни Оврўпа уйғониш давридаги, жумладан, Рабле ижодидаги хусусиятларни эслатадиган ҳолатлар содир бўлганини пайқаш қийин эмас. Деярли бир пайтда яратилган «Майсаранинг иши» билан «Меҳробдан чаён», аниқроғи, романдаги «Хон кўнгил очмоқчи», «Қизиқлар» бобларидаги халқона кулги асосига қурилган янгича реалистик ифода орқали ўзбек адабиётида жиддий бир бадийи қашфиёт, ихтиро содир бўлди.

Буни эслатишдан мақсад М. Бахтин ўз тадқиқотида фақат буюк адиб ижодини шунчаки ўрганиш, шарҳлаш билан чекланмаган, балки Рабле романлари таҳлили воситасида жаҳон адабиётига хос муҳим бир қонуниятни кашф этиб берганини таъкидламоқчиман. Ёки олимнинг Ф. Достоевский ҳақидаги китобида улуғ адиб романлари мисолида бадиий тафаккурнинг олий намунаси — полифоник тасвир моҳиятини очади. Бу илмий кашфиёт ҳам барча миллий адабиётлар тараққиёт даражасини белгиловчи муҳим омиллардан бири сифатида эътироф этилган.

Кўряписизми, гарчи бадиий ижод қолипларни тан олмайдиган соҳа бўлса-да, бари бир унда муштарак ички қонуниятлар ҳам мавжуд. Эртадир-кечдир ҳар бир миллий адабиёт тараққиётида ана шу муштарак қонуниятлар қандайдир кўринишда юзага чиқади. Шу хил қонуниятларни кашф этиш бахти, афсуски, ҳар кимга ҳам насиб этавермас экан...

Ана шундай буюк илмий кашфиётлар даражасида туриб қараладиган бўлса, бугунги ўзбек адабиётшунослигининг, умуман, XX аср адабиёт илмимизнинг савияси шахсан мени асло қаноатлантирмайди. Тўғри, бизда Рабле, Достоевскийлар йўқ, лекин Навоий, Бобурлар бор. Бахтинга ўхшаб Навоий, Бобур каби даҳолар ижодининг ҳали фанга маълум бўлмаган жиҳатларини кашф этиш яқин келажакнинг иши. Фитрат, Ойбек, Шайхзода тадқиқотларидан кейин анча йиллар давом этган депрессиондан сўнг истиқлол даврига келиб миллий адабиётшунослигимизда муайян ўзгариш, янгиланиш аломатлари кўзга ташланмоқда. Н. Комилов ва И. Ҳаққулов ўзбек тасаввуф адабиёти, Б. Қосимов билан Н. Каримовларнинг аср боши адабий ҳаракатчилиги, Ҳ. Болтабосв билан И. Фанисвнинг Фитрат, Д. Қурононнинг Чўлпон насри поэтикаси тўғрисидаги тадқиқотлари адабиётшунослик илмимизда муҳим янгиллик бўлди. Айниқса, Д. Қурононнинг XX аср жаҳон адабиётшунослигида мавжуд структуравий таҳлил, замонавий герменевтика усуллари аъъанавий ғоявий-ижтимоий таҳлил билан қўшиб олиб боришдан иборат ўзига хос йўли зукко мутахассислар орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ёш олимнинг Чўлпон насрий асарларига оид салмоқдор иши орқали ўзбек маҳоратшунослиги янги босқичга кўтарилганлиги эътироф этилмоқда. У. Ҳамдамовнинг 30-йиллар ўзбек адабиёти «соф лирика» муаммосига оид номзоддик иши ҳам таҳсинга сазовор. Ёш тадқиқотчи Ойбек лирикаси, «Наъматак» сингари ноёб

рубобий тароналари мисолида тоталитар режим адабий сиёсати кутуриб турган, ҳаммаёқни сиёсий мафкуравий шеърлар босиб кетган бир шароитда ҳам сўз санъати ўзининг азалий анъаналарига, асл табиатига содиқ қолганини, давр шовқин-суронлари ва тазйиқларидан, сиёсатдан, мафкурадан холи «соф кўнгил» розларини ифодалашда давом этганини исботлайди. Шу тариқа XX аср адабий жараёнига хос ғаройиб бир тамойилни кашф этади... Афсуски, бу хил илмий кашфиётлар илмий иш шаклида нари борса йигирма-ўттиз чоғли мутахассисларга таниш, холос. Қани энди улар китоб шаклида кенг илмий, адабий жамоатчиликка, филология факультети талабаларию аспирантлари ва адабиёт ўқитувчилари қўлига етиб борса! Бундай янгиликлардан беҳабар жамоатчилик адабиёт илмида дурустроқ янгилик йўқ, деб юриши табиий.

Яна бир ёш, ғоят кўп ўқиган, XX аср жаҳон адабиёти, фалсафаси, эстетикаси, руҳшунослигидан чуқур хабардор филолог — Раҳимжон Раҳмат ҳақида икки оғиз сўз айтгим келади. Унинг Рауф Парфи шеърляти ҳақидаги «Жаннат соғинчи» мақоласи, Улугбек Абдуваҳобнинг «Ёлғизлик» тўпламига ёзган сўзбошиси янгича таҳлилнинг гўзал намуналаридир. Очиги, мен ва менга тенгдош танқидчилар бадиий асарни, ёзувчи ижодини бу тарзда ҳис ва идрок этиш, таҳлил қилишга қодир эмасмиз. Булар танқидчиликимизнинг эртасига катта умид уйғотади. Ниҳоят, бир оз ноқулай бўлса ҳам, айтай: Сизнинг Абдулла Қаҳҳор романлари ижодий тарихига бағишланган «Мен билан мунозара қилсангиз...» китобингиз ўқувчини баҳс-мунозараларга даъват этиши, мустабид тузум шароитида яшаб ижод этган улкан санъаткорнинг улкан фожиаси тўғрисидаги ёниқ ўй-мушоҳадалари, янги далиллар асосидаги теран таҳлиллари, энг муҳими, санъаткорни тушунишга бўлган майли билан эътиборни тортади. Шунингдек, телевидениедаги чиқишларингиз, хусусан, «Хайрат» деб аталган муаллифлик кўрсатувингиз — телетанқиднинг бу янгича тури, айниқса, «Вабо», «Асрга татиғулик кун», «Hellados», «Лолазор», «Отандан қолган далалар», «Кўзгу олдидаги одам» каби асарларга бағишланган суҳбатларингиз бежиз оғизга тушмади. Бу кўрсатув-суҳбатлар муваффақияти чинакам санъат намуналари моҳиятини очиб бериш учун адабий билимлардан ташқари санъаткорона янгича йўллар, санъат асарини юракдан ҳис этиш ҳам зарурлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Адабиётшунос танқидчилар орасида оғизда «марксча-ленинча методология»ни рад этиб, йўлигагина замон руҳига мослашиб, бошқачароқ оҳангда эски қўшиқларни хиргойи қилиб юрганлар кўп. Ҳозир барча соҳада бўлгани каби адабиётда, адабиёт илмида ҳам ҳамма айбни «қизил истибдод» зуғумига йўйиш удумга айланди. Боя мен тилга олган М. Бахтиннинг Рабле ҳақидаги асари 30-йилларда ёзилган, 1940 йили яқунланган, орандан чорак аср ўтиб дунё юзини кўрган. Асарни варақласангиз, бирор ўринда партиявий ҳужжатларга, Ленин ё Сталин фикрларига таяниш йўқ. Уч-тўрт ўринда Марксдан иқтибослар олинган. Ҳатто улар ҳам ўз ўрнида. Асарнинг бирор жойида замона зуғуми таъсирини, асоратини сезмайсиз. Агар муаллиф ҳаёт бўлганида, орандан олтамиш йил ўтиб, бу китобни ўзи қайта нашрга тайёрласа, амин-манки, деярли ўзгартиш киритмаган бўларди. Айни шундай ҳол унинг бошқа ишлари, Достоевский романларига доир китобига ҳам хос. Тўғри, бу забардаст олим саксон йиллик умри давомида таъкибларга учради, қатағон этилди, марказда эмас, чекка шаҳарларда яшашга, ишлашга мажбур қилинди. Бироқ у олимлик шаънига, ўз умрини фидо этган фанга асло гард юқтирмади. Бўлар экан-ку, ахир! Ноёб истеъдоддан ташқари ана шундай букилмас ирода, «шахсий бутунлик» бўлмас экан, фанда ҳеч қачон буюк кашфиётлар яратилмайди.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда адабий баҳслар бутунлай сўниб қолгани йўқ, замонавий адабиёт атрофида мунозаралар бўлиб турибди. Бироқ улар сиз кутгандай — кўнгилдагидай ва жўшқин эмас. Айрим ҳамкасбларимиз, бугунги адабиётда жиддий баҳслар олиб бориш учун асос бўладиган асарларнинг ўзи йўқ, дейишади. Бу фикрга унча қўшилиб бўлмайди. Ў. Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» асарлари, Омон Мухторнинг туркум романлари, Ш. Холмирзаев билан Назар Эшонқул ҳикоялари, Зулфиянинг «Хотирам синиқлари» достони, Абдували Қутбиддин, Иқбол Мирзо сингари забардаст кенжа авлод вакиллариининг шеърляти — булар жиддий ва юксак савиядаги баҳс-мунозара учун озиқ бера олишига шубҳа йўқ. Эҳтимол, катта авлод танқидчиларининг бугунги кунда баҳсларга унчалик раъйи йўқлиги, ёш танқидчиларнинг эса баҳс олиб бориш бобида тажрибасизлиги ҳам бу масалада панд бераётгандир. Адабий баҳсларни уюштириш кўп жиҳатдан адабий журнал, газеталар таҳририяти

ташаббусига боғлиқ. «Жаҳон адабиёти» журнали 1998 йил I-сонида XX аср ўзбек адабиёти хусусида жўшқин ва фойдали давра суҳбати ўтказди. «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» саҳифаларида бугунги ўзбек адабиёти бўйича ўшандай баҳсларни уюштириш мумкин-ку, ахир! Бу борада радио ва телевидениенинг ҳам имкониятлари катта. Шундай қилинганда ҳозирги адабиётимизда биров сезиб, биров сезмай қолаётган муҳим янгиликларга, кўпгина яхши асарларга жамоатчилик эътиборини тортиш имкони туғилармиди...

Раҳмон ҚУЧҚОРОВ. Узоқ йиллар олий ўқув юртида ишлаб, бир неча авлоднинг дид-савиясини кузатиш имконига эга бўлдингиз. Бугунги талабанинг аҳволига нима дейсиз? Унинг билимга интилиши, ирода-хоҳиши, одоб ва ахлоқида қандай янгиликларни, ўзгачаликларни кўрасиз?

Умарали НОРМАТОВ. Мураббийлик фаолиятим давомида асосан тўрт хил авлод билан ишлашимга тўғри келди: 50-йиллар охири, 60-йиллар талабалари жамиятдаги муайян жонланиш оқибати ўлароқ хийла фаол, жўшқин, баҳс-мунозараларга ўч эди. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирнинг ман этилган асарларини яширин ҳолда қўлма-қўл ўқишарди. 70-йиллар ва 80-йилларнинг бошларида давом этган жамиятдаги «барқарорлик», аслида турғунлик талабалар руҳиятига ҳам таъсир кўрсатди, талабалар орасида сусткашлик, бефарқлик майллари кучайди. Сўнг «қайта қуриш», «ошкоралик» мавсуми туғайли, бир томондан, талабаларда ўзига хос уйғониш бошланди, иккинчи томондан, уларда қандайдир жангарилик кайфияти юз берди, улар хийла шапшак, бетгачопар бўла бошладилар; ўқиш, илм олишдан кўра турли анжуманлардаги, телевидениедаги жангари нотикларнинг даҳанаки жанглари томоша қилишга берилдилар. Орада илм олишга майл сусайди. Ниҳоят, 90-йиллар талабалари... Энди уларни бир хил мезон билан таърифлаш, баҳолаш қийин. Ҳозирги ҳаётнинг ўзи мураккаб, сержило экани каби, бугунги талаба ёшлар ҳам ниҳоятда хилма-хил. Улар орасида бозор иқтисодиига ўтиш даври чигалликлари асносида мўлжални йўқотиб довдираб юрганлари, лоқайдлари, олдий тирикчилик ташвишида ёки чўнтакни қаппайтириш пайида ўзини ҳар хил юмушларга, бозорга, савдо-сотиққа урганлари, нафс йўлига кириб илмий ишлардан, ўз соҳасига оид дарс ва китоблардан юз ўгирганлари ҳам бор. Шунингдек, «ўзликка қайтиш» баҳонасида қолоқ таомилларга

муккасидан кетган, бунинг акси ўлароқ, тараққий этган мамлакатлар оммавий маданиятига тақдидан мода ва магнитофон, видео жиннисига айланган талаба ёшлар ҳам беҳисоб.

Авваллари талабаларнинг «севимли адиблари», «севиб ўқийдиган асарлари» деярли бир хил эди: ҳамма Ч. Айтматов қиссалари, В.Шукшин ҳикоялари, Е. Евтушенко ва А. Вознесенский шеърлари шайдоси эди. Талабалар ётоқхонасига кирсангиз, деярли ҳар бир хона деворида Э.Хемингуэй ёки С. Есенин суратини кўрар эдингиз. Ўзимизникилардан О.Ёқубов, П. Қодиров, Ў. Ҳошимов, Э.Воҳидов, А. Орипов китоблари қўлма-қўл ўқиларди. Э. Воҳидов, А. Орипов иштирокидаги мушоиралар пайти катта заллар, ҳатто стадионларга одам сифмасди... Ҳозир бунақа таомил кескин ўзгарди. Ўнпа талабадан «Дилингга яқин шоиринг ким?» «Ёқтирган асаринг қайси?» деб сўрасангиз, ўн хил жавоб оласиз.

Айни пайтда, бугунги ўқувчи-талабалар орасида шундай бир тоифаси борки, улар устида ҳис-ҳаяжонсиз сўзлаш маҳол. Истиқлол йилларида мен она тили ва адабиёт фани бўйича мактаб ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлиари талабалари олимпиадаларида ҳакамлар ҳайъати аъзоси, раиси сифатида бир неча бор иштирок этдим. Шунингдек, иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармасида 1997 йилги маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўтказилган имтиҳонларда Неъмат Аминов билан бир гуруҳда қатнашдим. Олимпиада қатнашчиларининг, имтиҳон топширувчиларининг аксарияти иқтидорли ўсмирлар, ёшлар. Айниқса, хорижга бориб ўқиш ниятида юрганларнинг кўпчилиги ўзлари танлаган соҳанинг пухта билимдонлари. Шуниси муҳимки, улар бир эмас, бир неча хорижий тилларни биладилар; Ватан тарихини, маданий, маънавий бойликларимизни чуқур ўзлаштирган; ҳозирги сиёсатдан, жаҳондаги жараёнлардан хабардор. Жаҳон миқёсида фикрлай оладилар; фанларнинг замонавий техник воситалари, компьютер ва интернетдан бемалол фойдалана биладилар. Яна бир муҳим жиҳат — улар фанларни шунчаки билимини ошириш, ўзларини кўрсатиб қўйиш учунгина ўзлаштирмайдилар, уларда жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари илмий зиёдиларига хос амалиётчилик хусусиятлари устувор; олган билими ҳаётда қанчалик зарурийлигини, бирор наф келтиришини ҳам ҳисобга олиб иш кўрувчилардир, аниқроғи, улар бўлгуси амалиётчи зиёдилардир. Ниҳоят, энг муҳими, улар мустақил, шахс сифатида шаклланган, ўз фик-

рига, қатъий ҳаётий мавқеига эга, бутун вужуди билан истиқлол ғояларига содиқ, истиқлолнинг чин, фидойи фарзандларидир.

Булар ўз номи билан иқтидорли ёшлар. Бунақалар бир олий ўқув юртининг бир курс талабалари орасида бир-иккита топила топилади ёки умуман топилмайди. Бугунги аксар талабаларнинг билим даражаси, билимга интилиши, хоҳиш-иродаси масаласи, афсус, кўнгилдагидек эмас. Талабалар сафига ёт ёшларнинг кўплаб кириб қолаётгани мени таажжубга солмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда республика ўқув юртларига талабалар қабул қилиш марказлашган ҳолда тест синовлари асосида ўтказилаётир. Бу усулни кенг жамоатчилик хуш қабул қилди, бундай тадбир бу соҳада ижтимоий адолатни тиклашда, ҳар хил ҳаром йўللار, ошна-оғайнигарчиликларни бартараф этишда муҳим хизмат қилди. Мен чорак асрдан бери асосан профессор-ўқитувчилар турадиган маҳаллада яшайман. Бир вақтлар кириш имтиҳони пайтлари бу маҳаллада туриш мушкул бўлиб қоларди. Имтиҳонга алоқангиз бўлса-бўлмаса, кечаю кундуз эшигингиз олдида «илтимосчи»лар саф тортиб туришарди. Бундан безор бўлган домлалар имтиҳон мавсумида имкон қадар уйдан, маҳалласидан бош олиб чиқиб кетишга ҳаракат қиларди... Шукри, беш йилдан бери бундай ташвишлардан ҳалос бўлдик, шахсан бизникига «илтимосчи» келганини билмайман. Гоҳо янгича имтиҳонларга ҳам қаллобликлар аралашаётгани ҳақида узун-қулоқ гаплар қулоққа чалинади. Бўлса бордир. Лекин аксар ҳолларда янгича имтиҳон тартиби ҳалол ўтаётганига аминман. Шунга қарамай, нега талабалар сафига тасодифий кимсалар кириб қолаётир? Бошқа ихтисосликларни билмайман-у, филология соҳасида бу ташвишли ҳол йилдан-йилга кўпайиб борапти. Мен ўттиз йилдан бери ТошДУ ўзбек филологияси факултети биринчи курсларида «Ҳозирги адабий жараён» фани бўйича машғулотлар олиб бораман. Ўқув йили бошидаёқ янги қабул қилинган талабаларнинг адабиётдан билим савиясини, шу соҳага тайёргарлигини, қанчалик мутаносиблигини текшириб кўришга ҳаракат қиламан. 1998 йили қабул қилинган филологлар билан суҳбатда шу нарсa маълум бўлдики, қирқ чоғли талабадан «Шарқ юлдузи»ни тўрт, «Ёшлик»ни уч, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»ни олти нафари ўқиб тураркан; бирортаси ҳам «Жаҳон адабиёти» чиқаётганидан хабардор эмас. Булар-ку, майли, ўрта мактаб адабиёт дастурига киритилган энг машҳур асарлар «Улуғбек хазинаси» романини

уч. «Кеча ва кундуз»ни беш, «Хамса» дostonлари, «Бобурнома», «Асрга татигулик кун» асарларини бор-йўғи бир талаба ўқигани, «Қутлуг қон» романи, «Абулфайзхон» фожиасини эса ҳеч ким ўқимагани маълум бўлди. «Хамса», «Бобурнома», «Асрга татигулик кун» билан таниш бир талаба эса олимпиада дипломи билан ўқишга кирган қиз эди. Бир-иккита талабани мустасно қилганда кейинги йилларда оғизга тушган асарларни, машҳур адибларни биладиганлари йўқ. Бундан ҳам ажабланарли жиҳати, бир гуруҳ ёшлар дастурга кирган асарлар у ёқда турсин, II-синф дарслигидаги ўша асарлар таҳлилига бағишланган бобларни ҳам ўқишмаган. Хўш, улар қандай қилиб тест синовларидан «муваффақиятли» ўтган, юқори баллар тўплашга эришган? Суриштириш, кузатишлар шундан далолат бераётирки, абитуриентлар имтиҳонларга адабиёт дастури, дарсликлари. бевосита тавсия қилинган асарлар мутолааси асосида эмас, «Ахборотнома»даги тест саволлари бўйича репетиторлар ёрдамида тайёргарлик кўришган. Ҳатто айрим чаққон мутахассислар «Ахборотнома»даги саволларга махсус жавоблар кўрсаткичини тайёрлашибди. Тошкентдаги Отчопардан уларни фалон пулга сотиб олиш мумкин экан...

Адабиётдан тест саволлари бўйича ёшларни кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган тажрибали педагог-репетиторлар билан олиб борилган суҳбатлардан яна шу нарса маълум бўлдики, абитуриентларнинг 8—10 фоизи тайёргарлик жараёнида тест саволлари моҳиятини тушунган ҳолда билимдонлик билан жавоб беришга қодирдилар. Қарийб 70—80 фоизи саволга бешта жавобдан бирини — тўғрисиини ёллаб олганлардир. Бинобарин, улар тўғри жавобни белгилай олади, бироқ нега шу жавоб тўғри, деган савол берилгудек бўлса, лом-мим деёлмайди. Шу тариқа онгли жавоб берувчилар, аросатдагилар билан баробар 70—80 фоизни ташкил этувчи «ёд олувчилар» ҳам тест имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, талабалар сафини тўлдирмоқдалар. Бунинг устига, янгича имтиҳон усули филолог-абитуриентнинг ҳиссий майлларини, сўз санъатига бўлган меҳрини, завқ-шавқини, ёзма ва оғзаки нутқ маданиятини. энг муҳими, ижодий фикрлаш иқтидорини аниқлаш имконини берайди. Ахир, адабиётда бир саволга тўғри деб саналган жавобдан бошқачаси ҳам бўлиши мумкин-ку!

Мана энди шу йўл билан ўқишга кирган талабани филологга айлантириш, сўз санъатини севишга, бадиий асарни ўқишга ўргатишдан иборат нохуш машғулотлар бошланади. Мажбурлаш орқали

баъзи нарсаларга эришасиз. Дарслар тугаб, бир илож қилиб «ўти» баҳосини олгач, талабанинг бу борадаги фаолияти ҳам тўхтайтиди... Мени ана шу кўнгилсиз ҳол жуда-жуذا қийнайди. Биласиз, «филология» қадим юнончада сўзга, бинобарин, сўз санъатига меҳр, шайдолик дегани. Сўзга, сўз санъатига кўнглида заррача меҳр бўлмаган, бадий асар матни билан нотаниш ҳолда, боя айтилган йўллар билан филология факультетига кирган, олий ўқув юртида эса шох асарларни муаллимнинг зўрлаши билан шунчаки баҳо олиш, имтиҳон синовлардан ўтиш учунгина ўқийдиган филолог талабадан кимлар, қанақа кадрлар чиқиши мумкин? Боринги, улар диплом олишга ҳам эришдилар, муаллим бўлиб мактабларда, коллеж ва литсейларда адабиётдан дарс ҳам бердилар. Кўнглида сўзга, сўз санъатига заррача меҳри йўқ бу қуруқ савлатлар ўқувчиларда қандай қилиб сўзга, сўз санъатига меҳр уйғотсин?! Тўғри, авваллари ҳам филология факультетларига тасодикий кимсалар кириб қолар эди. Янги тизимга ўтилгандан кейин ҳам бу нохуш ҳодиса давом этаётгани, йилдан-йилга кучайиб бораётгани бу хусусда жиддийроқ бош қотиришга ундайди. Агар бу нохуш ҳодисанинг олди олинмаса, жиддий ижтимоий иллатга айланиб кетиши турган гап. Демак, адабиёт бўйича имтиҳон усулларины такомиллаштириш лозим. Шундай қилиш керакки, мактаб дастуридаги билимларни мустақил тарзда пухта эгалламай, тавсия қилинган бадий асарлар билан бевосита танишмай туриб, саволларга тўғри жавоб бериш имкони мутлақо бўлмасин.

Раҳмон ҚҶЧҚОРОВ. Энди айнаи ўша филолог талабаларга дарс берадиган, сўз санъати бўйича тадқиқотлар олиб борадиган, илмий-ижодий зиёлилар ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим... Устозимиз Озод Шарафиддинов 1998 йил ёзида республика телевидениесининг «Сурат ва сийрат» кўрсатувидаги суҳбатига ўқиган-билган кишилар билан ҳақиқий зиёли инсон орасидаги фарқ борасида куйиниб гапирди...

Умарали НОРМАТОВ. Кейинги ўн йиллик давомида барча зиёлилар, хусусан, бевосита ижтимоий фанлар, жумладан, адабиётшунослик соҳасида иш олиб борадиган зиёлилар ҳаётида чуқур эврилишлар содир бўлди; узоқ йиллар марксча-ленинча методологияга асосланган мафкура ва фанлар тизими остин-устин бўлиб кетди. Тасаввур қилинг: кечагина марксча мафкурани ёшлар онига сингдириш билан машғул бўлган, шу туфайли тирикчилик ўтказган олим бутун унинг тескарисини, яъни, бу

мафкуранинг яроқсизлигини тушунтиришга тўғри келмоқда... Аслида, бу ҳол инсон зоти учун мислсиз фожиа! Қизиқ, кутилган катта фожиа юз бермади. Одам боласи ҳар нарсага кўникаверар экан. Аксар домлалар янги шароитга осон мослашиб олди, янгича қарашларни қабул қилиб уни тарғиб қилиш йўлига ўтди. Тарихда не-не буюк алломалар ҳам қарашини, эътиқодини ўзгартирган. Бироқ бу жараён жиддий маънавий-руҳий изланишлар, оғриқлар билан кечган. Лоақал Толстойни эслайлик. Бизда кейинги ўн йилликда ижодий-илмий зиёлилар орасида фақат биргина шахс – Озод Шарафиддинов эътиқодини қай тарзда ўзгартиргани, ҳақида рўй-рост ёзди.

Биласизми, «янгиланган» илмий зиёлилар қонида ўз ихтиёрларига бўйсунмайдиган эски қарашларнинг қандайдир унсурлари, асоратлари бари бир бўлади, буни ҳар қадамда пайқаш мумкин. Бунинг устига, ҳар қанча замонавий бўлмасин, шўро замонидан ўтган, шўроларга хизмат қилган зиёлиларнинг «тили қисиклик» жойи бор. Янги замоннинг қўшиғини айтаётганда кўнглининг бир чеккасида «яқин ўтмишда бу хусусда нималар деган эдинг?» деган саволи уни хижолатга солиб туради. Бу ҳол ҳали бирмунча фурсат давом этса керак.

Бир нарса аниқ аён бўлдики, шўро замонида минглаб, миллионлаб зиёлилар амал қилган коммунистик мафкура уларнинг чин шахсий эътиқодига айланмаган экан. Ҳукмрон мафкура ва қарашни ошкора қабул қилмаганларнинг тақдири не кечгани маълум. Демак, аксар зиёлилар яшаш, жон сақлаш учун ўзлари билиб-билмай мунофиқлик кўчасига кирганлар. Бу XX асрнинг энг катта фожиаси. Шукрки, инсон зотини, зиёлини «шахси бутун»ликдан маҳрум этадиган бу хилдаги балодан халос бўлшиқ. Энди у қолдирган мудҳиш асоратлардан холи янги шахси бутун зиёлилар авлоди етишиб келаётгани буюк тарихий ҳодисадир.

Бозор иқтисодига ўтиш мураккабликлари ҳам ижодий зиёлиларни элақдан ўтказмоқда. Ҳозирги арзимас маошларга қаноат қилмаган айрим зиёлилар аллақачон бошқа соҳаларга ўтиб кетди. Илм-фанда, домлачиликда ҳақиқий филойилар қолди. Адабиёт фанларини ўқитишни тубдан янгилаш айни ўша филойилар зиммасига тушмоқда. Биласиз, адабиёт ўқитишнинг янгилаш мактабларда олдинроқ бошланди.

Мен биз филолог олимларнинг бугунги кунда яққол кўзга ташланаётган яна бир ожиз жиҳатимиз ҳақида таъкирмай ўтмай-

майман. Бундан уч йилча муқаддам вазирликдан хорижий мамлакатлардаги донгдор олий ўқув юртларида ўзбек тили ва адабиётидан инглиз, олмон, франсуз тилларида маъруза ўқий оладиган профессорлар рўйхатини сўрашди. Ўшанда факультетда ишлайдиган ўндан ортиқ фан доктори-профессордан бирортаси ҳам бу рўйхатга ёзилишга журъат этолмади... 1998 йил сентябрида махсус комиссия таркибида қатнашиб Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти фаолиятини ўрганиш-текшириш асносида менга шу нарса маълум бўлдики, институтда ишлайдиган йигирма беш нафар филолог фан докторидан бирортаси ҳам боя тилга олинган хорижий тилларда маъруза ўқий олмас эканлар. Ҳолбуки, бугунги фан докторлари бир вақтлар аспирантурада таълим олган, хорижий тиллар бўйича номзодлик имтиҳонлари топширган; имтиҳондан сўнг бу тилларга уларнинг иши тушмаган, шунга кўра тезда унутилган. Ўша давр тақозосига кўра рус тилини эгалласанг бўлди, бошқасига ҳожат йўқ эди. Бугун ана шу ожизлигимиз ўзимизга панд бермоқда. Аччиқ сабоқ шуки, эндиги ёш филолог тадқиқотчилар биз йўл қўйган бу хатони такрорламасинлар.

Раҳмон ҚҶЧҚОРОВ. Умарали ака, дунёда камчиликсиз инсон бўлмайди. Шунинг баробарида ҳар бир одамда уни ғурурлантириб-илҳомлантириб тургувчи яхши амалларнинг кучи яшайди. Сиз бугун қай хатоларингиздан афсусланасиз ва қилган қайси ишларингиз кўнглингизни кўтаради?

Умарали НОРМАТОВ. Ўта шахсий, айни пайтда, мушкул савол бердингиз. Йўл қўйган хатоларим ўзимдан кўра Яратганга, яқинларим, дўстларим, ҳамкасабаларимга аён. Бир нарса кўнглимга таскин беради: мен бирор гуноҳ ишга онгли равишда қўл урган эмасман; оиламга, турмуш ўртоғимга, фарзандларим, дўстларим, устозларимга энг кескин вазиятларда ҳам хиёнат қилмадим. Ҳамиша ҳаромдан ҳазар қилиб яшадим. Ҳеч кимга тамагирлик билан ялтоқилик қилмадим. Эҳтимол, бу нарса мен туғилиб ўсган оилавий муҳит, тарбиянинг оқибатидир. Тўғри, кафедра мудири сифатида иш юзасидан ҳамкасабаларимга айрим ҳолатларда қаттиққўллик қилгандирман, адабий баҳс-мунозаралар чоғида, асарлар танқидида кимларнингдир кўнглига озор етказгандирман. Лекин мен ҳеч кимга дилимда кек сақламадим, ғанимлардан ўч олиш пайида бўлмадим. Бево-сита илмий-танқидий фаолиятга келсак, бу борада афсус-

надоматлар учун асослар етарли. Ҳозирга қадар йигирмага яқин китобларим, беш юз чоғли мақолаларим чиқибди. Ўзимча хомчўт қилиб чиқсам, уларнинг деярли тўртдан уч қисми бугун аҳамиятини йўқотибди. Бунинг боиси шундаки, ўша аҳамиятини йўқотган ишлар адабий жараёндаги ўткинчи, танқиддан тубан нарсалар ҳақидадир; арзимас масалалар хусусидаги баҳс мулоҳазалардир. Бугун уларнинг ҳеч кимга, ҳатто ўзимга ҳам кераги йўқ. Аллоҳ томонидан бир бор берилган умрни, ўзимга яраша қобилият-иқтидорни ўткинчи, арзимас машғулотлар учун беҳуда исроф қилганимга афсусланаман. Мен танлаган соҳа — танқидчилик ҳунари адабиётдаги яхши-ёмон ҳамма асарларни ўқиб боришни тақозо этади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳақида ёзабериш шарт эмас эди-ку!

Биз тоталитар адабий сиёсат ҳукмрон бўлган даврда танқидчи-адабиётшунос сифатида шаклландик. Менинг ўттиз йиллик фаолиятим ўша даврда кечди. Бу сиёсатга холис хизмат қилганлардан бугун ҳеч нарса қолмади. Яхшиямки, ўша сиёсат тазйиқига чап бериб, адабиётда баҳоли қудрат ижтимоий адолат учун кураш олиб борган софдил ижодкорлар, танқидчилар қуршовида, уларнинг таъсирида бўлдим. Нимаики хайрли ишлар қилган бўлсам, шу муҳит таъсири самарасидир. Озми-кўпми филология соҳасидаги кўрган-кечирганларимдан чиқалиган асосий хулоса, сабоқ шуки, танқидчи-адабиётшунос Аллоҳ берган иқтидор, сўз санъатига чексиз меҳр, шайлоликдан ташқари «шаҳси бутун» бўлиши шарт экан; даврнинг ўткинчи майлларига берилмай, ҳар хил тазйиқлар олдида бош эгмай, фақат чин адабиёт ҳақидаги чин ҳақиқатни кашф этиш, аризулик гапларни айтиш пайида бўлиш даркор экан.

1998 йил, октябр

НАЗАРИЯ ВА АДАБИЙ-БАДИЙИ ЖАРАЁН

(Танқидчи Раҳимжон РАҲМАТ билан суҳбат)

Раҳимжон РАҲМАТ. Умарали ака! «Гулистон» журналида эълон этилган «Истеъдодни кашф этиш санъати» сарлавҳали суҳбатингизда биздаги мавжуд назарияга оид дастур, ўқув қўлланмалари замонавий жаҳон эстетикаси, адабиёт назарияси фани даражаси ва мезонлари билан ўлчанадиган бўлса, бу соҳа бизда камида ярим аср орқада қолиб кетганлиги аён бўлади, дебсиз. Бунда нималарни назарда тутгансиз?

Умарали НОРМАТОВ. 1997 йили чоп этилган «Адабиётшуносликка кириш» дастурини, кейинги йилларда айна шу фан ва «Адабиёт назарияси»дан тайёрланган ўқув қўлланмалари қўлёзмаларини назарда тутганман. Бир қарашда мазкур дастур ва ўқув қўлланмалари замон талаблари асосида «янгиланган»дай, яъни уларда «марксизм-ленинизм классиклари» номлари, марксча-ленинча методологияга оид гап-сўзлар, социалистик реализм ҳақидаги аввалги ҳамду санолар йўқ. Бироқ моҳият эътибори билан сўз санъатини марксистик тушуниш, талқин этиш сақланиб қолган, бу фаннинг проблематикаси, таркиби, методологиясида жилдий ўзгариш, янгиланишни тополмайсиз.

Дастурдаги биринчи жумла, фаннинг бисмиллоси «Бадий адабиёт — ижтимоий онгнинг бир тури» деган сўзлар билан бошланади. «Ижтимоий онгнинг бир тури» деган қараш лоақал адабиёт тўғрисидаги ўнлаб қарашларнинг бири эканига ишора ҳам йўқ. Бундай моддийонча тушуниш ягона, ҳамма қабул қилиши лозим бўлган қараш, қатъий ҳукм тарзида бериллади. Бугина эмас, ҳатто 60-йилларда совет фанида воз кечилган «Бадий адабиётда типиклик проблемаси», «Бадий адабиётнинг ғоявийлиги» каби мавзулар фаннинг таркибига киритилади. Ўша марксистик адабиётшунослик аслаҳонасидан олинган «Адабиёт ва замонавийлик», «Инъикос назарияси», «Типиклик — реализмнинг бош мезони», «Умумхалқ аҳамиятига эга бўлган масалаларни кўтариш, уларни халқ оммаси тафаккури нуқтаи назаридан ҳал қилиш» (таъкидлар бизники — У.Н.) «бадий адабиётнинг демократик бўлиши» каби тушунчалар дастурда бурқсиб ётибди. Адабиёт ҳақидаги шунақа қараш, билимлар мажмуасини бугунги кунда олий ўқув юрти талабасига тақдим этиш уят-ку! Мана шундай «билим-

лар» билан қуролланган бўлғуси филолог-мутахассисдан адабиёт илмига, бинобарин, жамиятга қандай наф бор?! Бу ҳол бугунги кунда фақат илмга, сўз санъати зиёнигагина хизмат қилиши мумкин, холос. Шўро даврида узоқ йиллар шундай бўлди-ку, ахир.

Раҳимжон РАҲМАТ. Мен ҳам анча йиллардан бери рус тилида чиққан XX аср жаҳон фалсафаси, эстетикаси, руҳшунослиги, адабиётшунослигига оид китобларни йиғиб, ўқиб бораман. Ҳақиқатдан ҳам сўнгги асрда Фарбда бу соҳаларда буюк кашфиётлар бўлди. Бироқ биздаги Сиз айтган дастур, қўлланмаларда уларнинг ҳатто шарпаси ҳам кўринмайди.

Умарали НОРМАТОВ. Рус адабиётшунослари 90-йилларда яратган назарияга оид қўлланмаларга, жумладан, уларнинг МДУ олимлари тайёрлаган, 1996 йили чоп этилган дастурларга бир қаранг, уларнинг мундарижасига бир назар ташланг. Улар алақачон XX аср жаҳон адабиёти фани даражасига кўтарилиб олган. Қизиқ бир ҳол. Бундан бир неча йил бурун Республика Таълим маркази ўзбек адабиёти кенгаши олий ўқув юртлари учун назарияга доир ўқув дастурлари тайёрлашга киришди. Шунда мен Кенгаш раиси сифатида ўша пайтга қадар назариядан дастур ва дарслик, қўлланмалар яратиб юрган мутахассислар билан суҳбатлашганимда, Иззат Султоновни мустасно этганда, уларнинг аксарияти хорижий мамлакатларда мавжуд «Адабиётшуносликка кириш», «Адабиёт назарияси» дарсликларидан мутлақо беҳабар эканликлари маълум бўлди. Ҳатто 1978 йили рус тилида чиққан Р. Уэллек ва О. Уорреннинг дунёга машҳур «Адабиёт назарияси» китобини ҳам кўрмаган эканлар. Бу ҳамкасб азаматлар нуқул рус совет адабиётшуносларининг мазкур фанлар бўйича ёзган ўртамиёна китобларидан нусха олиш билан чекланганлар; эндиликда эса ҳатто рус адабиётшуносларининг кейинги ўн йил давомидаги янги ишларидан ҳам беҳабар юрибдилар.

Бунисини қўя туринг. XX асрда Фарб, бинобарин, жаҳон адабиётшунослигида мавжуд ўнлаб илмий йўналишлар, мактаблардан, масалан, замонавий «қиёсий адабиётшунослик», «психоанализ ва адабиётшунослик», «аналитик психология», «ритуал-мифологик мактаб», «онтологик герменевтика», «экзистенциализм ва эстетик коммуникация», «неомарксизм ва санъат социологияси», «фалсафий герменевтика», «рецептив тарихий метод», «феноменологик герменевтика», «структурализм», «постструктурализм» оқимлари билан чуқур хабардор биздаги назариячи адабиётшунослар кимлар, қани менга уларни санаб кўрсатинг-чи!

Абдулла Қодирий: «Ёзувчи бўладирган ҳар бир киши адабиётдаги оқим ва мактабларни яхши билиб олиши керак», деган эди. Бу гап адабиётшуносларга ҳам тегишли: адабиётшунос номини олган ҳар бир киши адабиётдаги оқим ва мактаблардан ташқари ўтмишдаги ва бугунги жаҳон адабиёти илмидаги оқим ва мактаблардан яхши хабардор бўлиши шарт.

Раҳимжон РАҲМАТ. Устоз Озод ака бир чиқишларида, бизда ҳали адабиёт илми бўйича илмий мактаблар йўқ, деганида бу гапни кўпгина ҳамкасблари ўзларига оғир олган эдилар. Маълум бўляптики, бизда илмий мактаблар тугул, жаҳон адабиётшунослик мактабларидан тубли маълумотларга эга мутахассислар бармоқ билан санарли экан.

Умарали НОРМАТОВ. Биз ҳали яккаҳоким мафкуранинг, шўро адабий ва илмий сиёсатининг фожеий асоратларини чуқур англаб етолганимизча йўқ. Мустақилликка эришганимизга яқин ўн йил бўляпти. Бироқ мустақиллик берган энг катта неъмат — эркин, мустақил фикрлаш ҳақ-ҳуқуқидан тўла фойдалана билмаяпмиз. Республика Конституциясида «фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги» қонун билан кафолатланган. «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади», «ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» деб ёзиб қўйилган. Бинобарин, адабиётда, адабиёт илмида ҳам хилма-хил фалсафий-эстетик асосларга таянувчи адабий-илмий мактаблар, оқимлар учун йўл очилган.

Раҳимжон РАҲМАТ. Адабиётда, хусусан, шеърятда хилма-хил мактаб, оқим-йўналиш кўринишлари пайдо бўла бошлади, лекин назарияда, адабиёт илмида бу жараён сустроқ кечаяпти.

Умарали НОРМАТОВ. Катталарни тушуниш мумкин, нега ёшлар ўз мустақил адабий-илмий мактабларини, ижодий манифестларини яратиш устида астойдил интилмаётирлар? Бу йўлда уларга кимлар, нималар тўсқинлик қиляпти? Бугунги кунда жаҳон адабий тафаккури савиясида фикрлашга қобил Ҳ. Болтабоев, Д. Қуронов, Ш. Ризаев, Р. Қўчқоров, У. Ҳамдамов, Сувон Мели, Муртазо Қаршибой, Аҳмад Отабой каби забардаст навқирон адабиётшунослар ўз имкониятлари даражасида иш кўраётирлар деб бўлмайди. Уларнинг дардини эшитадиган, бошини қовуштирадиган, улуғ мақсадларга йўналтирадиган азаматлар борми ўзи?! Уларнинг аксарияти Аллоҳ берган ноёб истеъдолларини турли-

туман соҳаларга беҳуда исроф қилиб юришибди. Улар ҳозир ало элаётган юмушларни бошқалар ҳам бемалол бажаравериши мумкин. Бироқ улардаги ноёб илмий иқтидорни бошқалардан топиш мумкин эмас. Худди бадиий истеъдод каби филологик илмий истеъдод ҳам ноёб нарса.

Раҳимжон РАҲМАТ. Истеъдодларнинг адабиёт илмига безътиборлиги бу соҳадаги ижобий ўзгаришларнинг секин кечишига сабаб бўлаётир. Ҳатто баъзи бир эски иллатлар истеъдодсизликдан озиқланиб, янгитдан бош кўтаряпти. Матбуотни кузатган бўлсангиз, пайқагандирсиз, адабиётнинг сиёсатга хизмат қилишини соғинаётганлар борлиги сезиляпти. Яқинда юксак мартабали шоиримиз адабий йиғинлардан бирида қишлоқ ҳаёти акс эттирилган бир қиссани тилга олиб тахминан шундай эътироз билдирди: «Қишлоқни дўзахга ўхшатиб тасвирлабсизлар: қишлоқ одами дўзахнинг ўртасида ўтирганга ўхшайди. Қишлоқда нур йўқми? Қидириб кўринглар: топилади. Биринчи галда, топилган нур ҳақида ёзинглар». Бу гаплардан соцреализмнинг бадбўй ҳиди анқиб турибди. Ҳар бир ёзувчи алоҳида индивидуал шахс, бинобарин, атрофдаги ҳаётни ҳар ким ҳар хил ҳис этади, англайди. Ижод ниҳоятда сирли, нозик жараён. Ёзувчига ташқаридан бўладиган сунъий таъсир, мажбурий туртки ижобий натижа бермайди. Агар Чеховга рус қишлоқларини зулматга буркаб тасвирлама, нега мужикнинг шўрвасида тарақан сузиб юради, нима учун Кирьяк хотинини молдай уради, қабилидаги танбеҳлар берилганида, айтинг, рус адабиётида Чехов деган улкан ёзувчи пайдо бўлармиди? Қалбга буйруқ бериб бўлмайди. Қалб — ичимиздаги автоном ҳодиса. Ижодий жараённи ташқаридан қолипга солишга, қандайдир тор ва ўткинчи мақсадларга бўйсундиришга уринишни мен инсониятга қарши жиноят сифатида баҳолаган бўлардим. Ёзувчи ёки шоир сифатида ўз қалбинини кашф этмоқчимисан, марҳамат, ўта мустақил фикрлашга одатлан. Бусиз қўлига қалам олган зот охири бориб ўзини руҳий хасталикка дучор этади.

Яна гапирай. Мана, қўлимда «Ўзбек тили ва адабиёти» журнаlining 1998 йил 3-сони турибди. Унда ёш танқидчи Фафуржон Маҳмудовнинг ижодий метод ҳақидаги мақоласи босилган. У шундай ёзибди: «Ҳозир ўзбек халқининг мустақиллик учун олиб борган тарихий курашини кўрсатувчи асарлар ёзилаяпти... Мустақиллик реализми шаклланаётир. Бу реализм мустақилликнинг мустаҳкамланиши ва ҳимояси учун курашадиган; шовин-

низм, фундаментализм ва мустамлакачиликни рад қилади; инсонпарварлик, умуминсонийлик ва тенгликни, халқчиллик, дўстлик ва суверинитетни шиор қилиб олган байналмилалликка суянади; асосида мустақиллик мафкураси туради, у фақат у ёки бу партиягагина хизмат қилмайди, умумхалқ манфаатлари, унинг ҳуқуқий, демократик, фаровон, эркин, озодликка асосланган давлат ва ҳаёт қуриши унинг идеаллари ва реал мақсадидир... Адабиётнинг миллийлиги сақланади, лекин у умуминсоний мазмун ва адабий шакллардан ажралиб қолмайди. Мустақиллик реализми, унинг ўзига хослигига таянади, ички ва ташқи адабий анъаналарни тинимсиз ўрганади. Унинг ҳозирги ижобий қаҳрамони мустақилликнинг фидойи, ҳар томонлама тараққий этган, жонкуяр ватанпарвар курашчиларидир. Бу адабиёт ўзбек халқи тарихида янги адабиёт бўлади. Уни яратувчилар ҳам янги типдаги шоир ва ёзувчилардир».

Аввало, ижодий методга оид анча-мунча ноаниқ, мужмал ва нотайин гаплардан бу қадар катта кўчирма келтирганим учун ўзр сўрайман. Ҳар ҳолда, бадиий тафаккуримизни мужмал фикрлар, сиёсий тус берилган ақидалар қафасига тушишини истаётганлар учраб туради. Хуллас, юқоридаги гапларни ўқиб, улардаги жумла тузилишларига эътибор бериб дастлаб дала-даштдаги янчилган буюднинг уюм-уюм похолини эсладим. Бу похол эгаларига керак эмас — ташлаб кетилган, уни ўткинчи шамоллар ёйиб юборади, устига шаррос-шаррос ёмғир ёғади ва ер билан битта бўлиб чириб йўқолади... Муаллиф истиқлол реализмини «кашф» этиб, унинг ақидаларини белгилаб берибди. Эътибор берган бўлсангиз, «истиқлол реализми»нинг таърифида «шовинизм», «фундаментализм», «суверинитет», «мустақиллик фидойиси», «ватанпарвар» каби сиёсий тушунчалар кўп учрайди. Бундай сиёсий атамалар соцреализмга берилган таърифда ҳам сероб эди. Жаҳон адабиётидаги мавжуд ижодий методларнинг ҳеч бири юқоридаги каби сиёсий сўзлар билан таърифланмаган.

XX асрда юзага келган адабий оқим-йўналишларни эслайлик. Биринчидан, уларнинг ҳеч бири 10-15 йилдан ортиқ умр кўрмаган. Қисқа фурсат ичида адабий маҳсулотини бериб, сахнадан тушиб кетган. Иккинчидан, ҳар қайси «изм»нинг конкрет адабий-эстетик объекти бўлган. Улар дўстлик, байналмилалчилик, умуминсонийлик, гуманизм, ватанпарварлик каби умумий тушунчалардан нарироқ юришган.

Ҳозир ўзбек адабий жабҳасида тўла ижодий эркинлик ҳоким. Ҳеч ким биронта шоирни бировникига ўхшамаган услуби учун маломат қилмайди. Шоирлар шеърларида акс этган тушқунлик балбинлик, изгироб учун кимларнингдир қошида тик туриб жавоб бераётганлари йўқ. Айтнинг, шунинг ўзи энг аъло ижодий метод эмасми? Энди жиддийроқ гапирадиган бўлсак, XX аср Европа адабиётида кўринган «изм»лар Фрейд, Жеймс, Бергсон, Ницше. Киркегор каби файласуфларнинг таълимоти асосида юзага келган. Бу файласуфлар инсон руҳиятининг янги бир қатламини кашф этишган ва бу кашфиёт адабиётчилар учун ўзига хос «ижодий метод» бўлиб хизмат қилган.

Шу ўринда бир гапни айтай. Тоталитаризм ортда қолди, фикрлар эркин бўлди. Шу эркинликдан фойдаланиб адабиёт илмига фойдаси тегадиган гаплар билан шуғуллансак яхши эмасми? Мен кўп кузатдим: кейинги етти-саккиз йил ичида мустақиллик, истиқлол деган сўзларни дастак қилиб, адабиёт илмида сохта фан докторлари, сохта фан номзодлари пайдо бўлди. Адабиёт илмининг хос муаммолари эса эсимиздан чиқиб кетди.

Умарали НОРМАТОВ. Мен ҳам Ғ. Маҳмудов мақоласидаги мустақиллик реализми ҳақидаги қарашга муносабатимни билдириб ўтай. Аввало бу гапларнинг бирортаси янгилик эмас. Шўро адабиёт-шунослигида совет адабиёти, унинг ижодий методи — соцреализм ҳақида айтиладиган фикрларнинг айнан ўзгинаси, фақат «совет адабиёти», «социалистик реализм» жумлаларидаги «совет» ва «социалистик» сўзлари «мустақиллик» сўзи билан алмаштирилган, холос. Ҳатто фикрнинг ифода тарзи, оҳанги ҳам ўша — эскича, декларатив руҳда. Энг ёмони, ижодий методни англаш, тушуниш эскича, ўта ибтидоий. Мақола муаллифи «мустақиллик реализми» белги-хусусиятларини, сиз айтгандай, нуқул ғоявий-сиёсий соҳалардан қидиради; бу «таъриф»да бадииятга алоқадор деярли ҳеч нарса йўқ. Бинобарин, у танқидга, баҳслашишга ҳам арзимаيدи. Бироқ бу реал факт — ҳужжат; бу «илмий» фикр мўътабар илмий журналда эълон этилган экан, адабиёт илмида, ачинарлиси, ёшлар орасида шундай фикр юритувчилар бор экан-да. Бинобарин, бу ҳодисани эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Демак, шўро даврида социалистик реализм ҳукмронлик қилган бўлса, мустақиллик йилларида жаҳон адабиёти тажрибаларида синовдан ўтган реализм методи амал қилмоқда, яъни бир ҳукмрон метод ўрнига иккинчиси келган. Менингча, бугунги миллий

адабиётимиз ривож манзараси ўзгачароқ: жамики қийинчиликлари, зиддиятли, ожиз жиҳатларига қарамай, ҳозирги адабий жараён аср давомида миллий адабиётимиз ривож йўлида тушов бўлиб келган яқрамли балосидан ҳалос бўлиб бораётганлиги, яқка методнинг даври аллақачон ўтганлигидан далолат бериб турибди. Аср охирига келиб, хийла кечикиб бўлса-да, ҳушёр адибларимиз жаҳон тариққийпарвар адабиётлари тажрибаларига дадил юз ўгирмоқдалар. XX аср жаҳон тараққий этган мамлакатлари халқлари санъати ва адабиёти тарихига бир назар ташланг: уларнинг бирортасида бирор методнинг, жумладан, реализмнинг етакчилиқ қилганини кўрмайсиз. Аёнки, улардаги мислсиз бадий кашфиётларнинг сири-сабаби биринчи галда хилма-хил фалсафий-эстетик асосларга таянувчи ижодий оқимлар, методлар, адабий мактабларнинг ғоят ранг-баранглигида; собиқ шўролар даври адабиёти ва санъатининг фожиаси эса ижодкорларнинг яққаҳоқим мафкура ва методга тобе этиб қўйилганида, хилма-хил ижодий мактаблар яратиш ҳуқуқидан маҳрум этилганида.

Қисқа бир фурсат ичида бизда ҳам XX аср жаҳон адабиётида мавжуд ўнлаб адабий оқим, мактаблар тажрибаси, модернизмнинг бир қатор кўринишлари, экзистенциализм, сюрреализм, абсурд адабиёти намуналарини эслатувчи асарлар пайдо бўла бошлади. Тўғри, ижтимоий таҳлилга асосланувчи, инсонни ижтимоий ҳодиса деб тушунувчи, тарихийлик, психологик детерминизм принципларига амал қилувчи реалистик йўналиш анъаналари ҳозирги ўзбек адабиётида давом этапти. Айни пайтда унга ёндош ҳолда шундай асарлар яратилаётирки, уларни анъанавий реализм мезонлари билан ўлчаш, баҳолаш асло мумкин эмас. Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа»сидан тортиб «Майдон»ига қалар туркум романлари, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул қисса ва ҳикоялари, Абдували Қутбилдин, Баҳром Рўзимухаммад ва улар йўлидан бораётган ўнлаб истеъдодли ва ғоят оригинал шоирлар шеърляти, «Изоҳсиз луғат» сингари ғаройиб дostonлар бизда модернизмнинг хилма-хил кўринишлари дадил ва тезкорлик билан шаклланаётганлигини тасдиқлаб турибди. Мен «бугунги адабиётимизда анъанавий реализм етакчилиқ қилаётирми ёки модернистик тамойилларми?» деган саволга қатъий жавоб беришдан тийилган бўлардим. Бироқ кўнгил модернизм посангиси тобора босиб бораётганлиги, миллий адабиётнинг келажаги у томонда эканидан мени огоҳ этаётгандай бўлади.

Биз адабиётшунослар, қолаверса, ижодкорларнинг ўзлари аср жаҳон адабиёти ривожига ҳос бир характерли жараёни ҳамиша назарда тутишимиз даркор. Башарият тарихида ҳеч қачон XX асрдигдек кескин ўзгаришлар, янгиланишлар даври бўлган эмас. Ўтмиш адабиёти ва санъати, ундаги оқимлар узоқ йиллар ўзгаришсиз бир маромда давом этган. XX асрда вужудга келган адабий-бадий оқимлар, мактабларнинг сон-саногига столмайсиз. Америкалик футуролог олим Олвин Тоффлер «Келажак билан тўқнашув» асарида ёзганидек, бу асрда бадий услублар ва мактабларнинг лип-лип ўтиб туришидан кўзлар қамашади ва унинг тилини тушунишга улгурмай туриб, қарабсизки, у йўқолиб кетган бўлади. Ҳозирги кунда ёш ижодкорлар орасидаги жаҳон модернистик адабиёти ва санъатига ўта маҳлиёлик баъзан бирёқлама оқибатларга олиб келяпти; гоҳо Фарбда аллақачон умрини тугатиб бўлган, бугунги кунда эскирган адабий тажрибаларга тақлид қилиш ҳолларига дуч келямиз, гофил танқидчилар эса ўшандай тақлидларни бизга янгилик, бадий кашфиёт деб тақдим этаётирлар.

Раҳимжон РАҲМАТ. Жаҳон адабиёти, хусусан, XX аср модернистик адабиёти, санъатини ўрта мактабларда, айниқса олий ўқув юртларида ўқитиш, ўрганишнинг аҳволи, даражаси сизни қаноатлантирадимиз?

Умарали НОРМАТОВ. Асло! Ўзбек филологияси факультетлари учун тузилган 1997 йили чиққан «Хорижий мамлакатлар адабиёти» дастурининг «XX аср Европа мамлакатлари адабиёти» қисмига бир нигоҳ ташлаб кўринг. Ярим аср бурунги собиқ шўро давридаги манзарани кўрасиз. Р. Роллан, Т. Дрейзер, Л. Арагон, А. Зегерс, Ж. Олдриждан нарига ўтилмайди. М. Пруст, Ф. Кафка, У. Фолкнер, Х. Борхес, Х. Кортасар, А. Камю, Ж. Сартр, Г. Маркеснинг номлари ҳатто тилга олинмайди. Ёдингизда бўлса керак, 1991 йили ўрта мактаб адабиёти дастурларига айрим жаҳонга машҳур модернист адиблар, масалан, Г. Маркес ижоди киритилган эди. Олий ўқув юрти дастури эса бу борада ҳатто мактабдан ҳам орқада қолган.

Раҳимжон РАҲМАТ. Мен яқинда Москва Давлат университети филология факультетида тайёрланган хорижий мамлакатлар адабиёти курси дастури билан танишиб, уни ўзимиздаги дастур билан қиёслаб ҳижолатда қолдим...

Умарали НОРМАТОВ. Ўша дастур таркибидан жой олган «XX аср жаҳон адабиётшунослиги»ни эсланг. Олий ўқув юрти филология факультетида мазкур дастурда назарда тутилган билимлар

мажмуасини билмай, ўзлаштирмай туриб, бугунги кунда замонавий адабиётшунос бўлиш мумкинми?! Биздаги дастурларда у гапларнинг ҳатто шабадаси ҳам йўқ.

Раҳимжон РАҲМАТ. Бу масалада мен ҳам ўз мулоҳазаларимни айтай. Олий ўқув юртларида ўқитилаётган жаҳон адабиёти фанининг сифати паст, ночор. Мавжуд учта дарслик эскирган, яроқсиз, улар муомаладан чиқариб юборилди. Янги дарслик, дастур ва қўлланмалардан дарак йўқ. Чет эл адабиёти ҳақида ёзадиган олимларимиз кам. Энг ачинарлиси, ҳануз XX аср модернистик адабиётдан беҳабар қоляпмиз. Бу адабий ҳодиса ҳақида ҳам русча, ҳам ўзбекча адабиётлар кам. Яқинда талабаларга жаҳон адабиёти фанидан мажбуран ўқиладиган адабиётлар рўйхатини бердим. Орадан 10-15 кун ўтиб улар рўйхатдаги китобларнинг аксар қисмини тополмагандларини айтишди. Бизда жаҳон адабиёти намуналари — юнон адабиётидан тортиб ҳозирги давргача — бир қадар таржима қилиниб, турли даврларда китобат қилинган. Лекин уларнинг айримларини ҳозирги кунда кутубхоналардан топиб бўлмайди. Дейлик, Жек Лондон, Хемингуэй ёхуд Мопассаннинг асарларини ҳам излаб эсингиз кетади. Нима қилмоқ керак? Шундан кейин мен талабаларга топилмаётган асарлар ўрнига «Жаҳон адабиёти» журналида босилаётган энг сара асарларни ўқишни маслаҳат бердим. Республикамиздаги жаҳон адабиёти фани ўқитиладиган барча институт ва университетлар ҳеч кечиктирмай «Жаҳон адабиёти» журналини етарлича сотиб олишлари мумкин. Ҳозирги кунда бу журналга суянмай туриб жаҳон адабиёти фанини ўқитиш мумкин эмас. Хуллас, бу борада гаплашадиган гаплар кўп. Кези келганда, бир таклифни ўртага ташламоқчиман: ўрта мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида хорижий адабиётни ўрганиш-ўқитиш масалалари бўйича мутахассислар, таржимонлар ва ёзувчилар иштирокида жилий мунозара ёки давра суҳбати ўтказилса.

Энди эътиборингизни бошқа бир масалага тортмоқчиман. Сир эмас, бизда яқин ўтмишда ҳам, ҳозирги кунда ҳам Фарб адабиёти ва санъатининг тарбиявий ва ахлоқий жиҳатлари хусусида бир ёқлармароқ таассурот, аниқроғи, улардан ҳалиқсираш кайфияти бор. Рухсат этсангиз, мен шу ҳақдаги баъзи мулоҳазаларимни баён этсам.

Умарали НОРМАТОВ. Марҳамат.

Раҳимжон РАҲМАТ. Фарб адабиёти раҳмсизлик, зўравонлик, шаҳват каби золим ва беҳаё туйғуларни тарғиб қилади, дейдилар. Ўзи кимдан чиққан бу гап? Узумга бўйи етмай «фуф, сассиқ» деган устамон ким? Бундай саёз фикр, ночор хулоса, ноҳақ

хукм миядаги аллақайси касалликнинг зоҳирий белгиси эмасми? Яқинда «Хуррият» газетаси ўтказган адабий сўровни ёдга олайлик. XX аср жаҳон адабиётида яратилган энг яхши асар қайси қабилалаги саволга сўров қатнашчилари энг кўп Г. Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» асарини тилга олганлар. Энди ўйлайлик. Ўзбекчага таржима этилган чет эл ёзувчиларининг асарлари орасида шахвоний манзаралар, одам ўлдиришлар бошқа асарларга нисбатан шу асарда кўп учрайди. Лекин «Ёлғизликнинг юз йили» романи ўзбек мутахассислари томонидан нодир асар сифатида бир овоздан эътироф этилаётир...

Мен машҳур «боши бузуқ» ёзувчи — Маркиз де Сад асарларини ўқиб чиқдим. Аввало, унинг ёзганлари бадиият талаблари даражасидан анча паст. Сад — файласуф, ёзувчи эмас, у ўзининг ваҳший мулоҳазаларини образли тафаккур ёрдамида қоғозга туширган. Унинг китоблари ўзбек тилига таржима қилинмаган, рус тилида ҳам бошқа республикаларда нашр этилган. Ўзбекистонда Саднинг асарларини ўқиган одамлар бармоқ билан санарли, оз.

Хўш, мен Саднинг қўлимга илинган барча асарларини диққат билан ўқиб чиқдим. Дастлаб борлигимни бир ғалати, қўрқинч аралаш туйғулар чулғаб олди: тан оламан, бир неча кун атрофга оч бўри назари билан қарадим. Лекин бу ҳолат тезда ўтиб кетиб, ўрнига фикрлар, мулоҳазалар келди. Маркиз қаламининг қудрати шундаки, у сизни афсонавий Искандар девори тепасига чиқариб, нариги ёқда ихотада яшаётган яъжуж-маъжужларни кўзингизга кўрсатади. Искандар девори Хитой ёқда эмас, у ҳар баримизнинг ичимизда мавжуд, яъжуж-маъжужлар ҳам миямиздаги аллақайси ковакларда яшайди. Сад ўқувчини нобоп, қора, фосиқ хаёллар суришга мажбурламайди, балки ана шундай ёвузликлар ҳар биримизнинг ичимизда борлигини кўрсатади, холос. Менинча, инсон табиати ҳақида жиддий фикр юритмоқчи ва инсондаги ёвузликнинг шакл-шамойилини аниқроқ кўрмоқчи бўлганлар, албатта, Сад ва Фрейд асарларини ўқиб чиқмоғи керак.

Фарб ёзувчиларининг айрим беҳаё асарлари ўзбекча, миллий ахлоқимизни бузиб юборали, вайрон этади, деган гапларга унчалик қўшилмайман. Биринчидан, ахлоқсиз одамлар китоб ўқимайди. Иккинчидан, у қандай миллий ахлоқ эканки, озгина таъсир тўфайли қулаб тушса?

Орамизда Фарб адабиётига шубҳа билан қарайдиганлар бор. Ҳатто таниқли олимларимиз ҳам Фарб адабиёти фаҳшини,

зўравонликни тарғиб қилади, деб уқтиради. Бу гапларни оддий одамлар ҳам гапирди. Оддий одам билан оддий олимнинг гапи бир жойдан чиқиши — шубҳали...

Фрейд, Фромм каби олимларнинг асарлари ҳам бизнинг заминда сунъий тўсиққа дуч келаяпти. Фрейдизм, бу — илм, эътиқод эмас. У одамга муайян ҳаёт тарзини таклиф этмайди. Фрейдизм шаҳвониятнинг тарғиботчиси дейишади. Нотўғри гап бу. Фрейд асарлари баданда шаҳвоний туйғулар кўзгатмайди, мияда фосиқ режалар уйғотмайди. Наҳотки сексга оид илмий фикрлар, илмий истилоҳлар кимнингдир шаҳвониятини кўзгата? Қандай ноёб одам экан у? Тўғри, Фрейднинг динга оид фикрларини ҳазм қилиш қийин, лекин Фрейднинг кейинги издошлари, хусусан, Юнг унинг бу чекланган жиҳатларини тузатган.

Фрейд реализмни чуқурлаштириб юборган. Биз шу пайтгача ҳақиқат деб билганимиз тушунчалар сохта, илдизсиз эканлигини кўрсатиб берган. XX аср Европа адабиётини билиш учун Фрейд асарларини ўқимоқ лозим. Бизнинг Фарб адабиётидан юз ўгиришга интилаётганимиз бу ёш боланинг дори ичмайман деб қилаётган инжиқликларига ўхшайди.

Жамиятда диктаторларнинг пайдо бўлиши кишиларнинг жинсий ҳаётидаги қонун-қоидалар, қадриятлар билан боғлиқ жойи борлигини биров билармикан? Қадарки сексуал тўсиқлар кўп бўлса, ўша ерда зарарли ҳодисалар бош кўтаради, дейди олимлар. Сиёсатчилар сексуал тўсиқлар орасида қийналиб, мияси қора тутунга тўлган ёшларнинг норозилигини ўз душманларига йўналтириб юборади. Бу ҳақиқатни билиш учун Ж. Оруэлл ва Райхнинг ёзганларини ўқиб кўриш кифоя.

Охирги гап. Зўравонлик, шаҳвоният, қотиллик акс этган асарларни албатта, ўқиш керак. Бу нарса ахлоқий тарбиямиз учун катта фойда келтиради. Яъни ўзи потенциал қотил, потенциал шаҳватпараст бўлган ўқувчи юқоридаги каби кўрқинчли асарларни ўқиш орқали ичидаги шайтонга зарба берган бўларди.

Умарали НОРМАТОВ. Раҳматжон, бу гапларни мен сизнинг шахсий мулоҳазаларингиз деб тушунаман. Бу хусусда бошқачароқ фикрлайдиганларни ҳасадгүй, нодонга чиқариш одобдан бўлмас деб ўйлайман. Фрейд ҳақидаги гапларингизга тўла қўшиламан. Бироқ Сал ва унинг издошлари асарлари тўғрисидаги фикрларингиз мунозарали. Дунёда битта Салнинг ўзи бўлганида бошқа гап эди. Ҳозирги Фарб адабиёти, санъати, аниқроғи, секс адабиёти,

видеоларини бир кўз олдингизга келтиринг. Ҳаётда ҳар бир ишнинг ҳам чеки-чегараси, меъёри бўлади-да. Айниқса, кейинги пайтларда бу офат бир вақтлар «тақиқланган зона» — собиқ шўролар ҳудудига чигиртка балосидай ёпирилиб келяпти. Зўравонлик, ахлоқий тубанлик, фахш ва ваҳшатни бутун тафсилотлари билан намойиш этадиган, китобхон-томошабинда нохуш таассурот туғдирадиган «асар»лар тўлиб-тошиб кетди-ку, ахир! Энг ёмони, одамлар Фарб адабиёти ва санъатидаги юксак инсонпарварлик, ахлоқий гўзаллик туйғулари билан йўғрилган етук жиддий асарлар бу ёқда қолиб, ўшандай енгил-елпи, олди-қочди, ваҳшат, яланғоч нарсалар кетидан кетмоқда. Шуниси кишига алам қилади.

Укажон, ўзингиз эътироф этаётирсиз — Сад асарлари ҳатто сиздай кўп ўқиган, тушунган одамни ҳам бошда довдиратиб қўйибди, бир неча кун теварак-атрофга оч бўридай қарашга мажбур этибди. Сиздаки шундай ҳолат юз берган бўлса, тажрибасиз ёшларнинг ҳолини ўзингиз тасаввур этаверинг... Таассуфки, ҳозирги кунда бу нохуш ҳодисани ҳатто қонун йўли билан ҳам ман этишнинг иложи йўқ. Замонавий коммуникация воситалари — интернет, параболик антенна, видеокассеталар орқали улар одамлар, хусусан, ёшлар даврасига дадил кириб келаверади. Бундай офат, жаҳолат билан, Президентимиз айтмоқчи, фақат маърифат орқали, юксак санъат намуналарини уларга қарама-қарши қўйиш йўли билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин. Биз бу хил «асар»ларнинг ғайриинсоний, ғайриахлоқий моҳиятини шундай бир йўсинда очиб берайликки, ёшлар улардан ҳазар қиладиган бўлсинлар. Кузатиб бораётган бўлсангиз керак. Ҳозир бу маънавий офат хусусида Фарбдаги тараққийпарвар зиёлилар, давлат ва жамоат арбоблари ҳам ўз ташвишларини изҳор этаётирлар.

Раҳимжон РАҲМАТ. Майли, бу қалтис баҳсни ҳозирча очиқ қолдириб тура қолайлик. Эътиборингизни оддийроқ бир масалага тортмоқчиман. Баъзи ватандошларимизга қўйиб берсангиз, ҳаё пардасига ўраб берилган, аслида табиий, бсозор инсоний туйғулар нафосатини очиб берувчи муҳим ижтимоий-ахлоқий фазилатлар ҳимоясига қаратилган интим муносабатлар ифодасини ҳам рад этаверадилар. Фарб адабиёти ва санъатидаги ўшандай асарлар Шарққа, бизнинг миллий удумларимиз, ахлоқимизга тўғри келмайди, деб туриб оладилар.

Умарали НОРМАТОВ. Тўғри, буёғи ҳам бор. Айниқса, ўрта мактаб адабиёт ўқитувчилари бу хусусда хийла мугаассибдирлар.

1991 йили умумтаълим мактаблари учун тузилган ўзбек адабиёти дастури, шу дастур асосида яратилган дарслик ва дарслик-мажмуалардан жой олган айрим асарлар бир қатор адабиёт муаллимларининг жиддий эътирозига сабаб бўлди. Чунончи, «Меъмор» романидан олинган парчадаги тубан шахс-салбий қаҳрамоннинг ярамас бир қилиғи хусусидаги бир жумла катта шов-шувларга сабаб бўлди; Г.Маркеснинг «Ошкора қотиллик қиссаси»даги персонажлар интим ҳаётига оид айрим иборалар, хусусан, «Шоҳ Эдип» фожиаси тева-рагидаги баҳслар салкам ўн йил давом этди. Нима эмиш — «Шоҳ Эдип»даги ўғил билан онанинг қовишуви бизга, бизнинг ахлоққа тўғри келмасмиш. Хўш, бу Фарбга, Фарб ахлоқига тўғри келадими?! Бутун фожиа шундаки, асар қаҳрамони Эдип шундай қабиҳ тақдир ўз бошида борлигидан огоҳ бўлиб қолиб, ундан қочиб юради. Лекин ўз хоҳиш-иродасига зид ўлароқ беихтиёр шу машъум кўргиликка гирифтор бўлади. Машъум кўргилик ошкор бўлгач, она ўзини осиб ўлдиради, шоҳ Эдип эса виждон, ор-номус оловида қов-рилади, кўзларини ўз қўли билан ўйиб олади, ўзини ўлимга маҳ-кум этади... Шундай шоҳ асарни ўқиган, томоша қилган эси-хуши жойида одам фаҳш, она билан ўғилнинг интим муно-сабатлари ҳақида ўйлайдими?! Шунини тушунтириш учун қанчадан-қанча вақтимиз кетди.

Бир мактаб директори ўзи бошчилик қилган мактабда «Биринчи муҳаббатим» шеърини синфда ўқишни ман этибди. Бу гапни унлар ўзи менга дангал айтди. Рўкач одатдагидек — бу шеър ҳам ёшлар тарбиясига, яъни 11-синф ўқувчиларига тўғри келмас эмиш...

Раҳимжон РАҲМАТ. Суҳбатимизнинг бошида тилга олинган бугунги адабиётимизнинг қаҳрамони хусусидаги масалага қайтсак. Отахон адабиётшунос олимимиз Иззат Султон: «Талбиркорлар — ҳозирги нажоткорларимиз. Шамчироқларимиз. Шунинг учун адабиётимизнинг вазифаси — ҳамма соҳадаги талбиркорларни бош қаҳрамон сифатида санъатга олиб киришдан иборат», дейдилар. У киши бу даъвосини тасдиқлаш учун қуйидагиларни илова қилиб ўталилар; «Ҳамма вақт уларни амалга оширувчи кишилар адабиётнинг марказида бўлган. Ҳозирги кунда ҳаёт талбиркорни ўртага чиқарган экан, уни эътибордан соқит қилиб юборолмаймиз». Менингча, талбиркорлик гоё эмас, оддий фаолият тури, холос. Жамият тақдирини ҳал қилувчи гоё дейилганда иқтисодий мақ-садлар тушунилмаган. Замона зиддиятларини, фожиаларини ўз шахсий ҳаётида жам этган одам, у хоҳ ўқитувчи, хоҳ талбиркор

бўлсин, адабиётнинг бош қаҳрамони бўлиши мумкин. Яна бир гап. Санъатда, адабиётда муайян соҳа вакили эмас, балки шохлиги бир туйғу, шахс руҳияти муҳим эмасми? Подадан аввал чанг чиқармайлик. Аввал шу кунларда яратилаётган эътиборли асарларни синчиклаб ўқиб, сўнг ўқиганларимизни бир-бир мушоҳадага таъбирлайлик. Хўш, ёзувчиларимиз қайси соҳа вакиллари адабиётга олиб киришга уринаётган экан? Ўтиш даври, иқтисодий инқирозлар, тadbиркорлик деган гаплар бошқа мамлакатларда ҳам содир бўлган. Бундай давларда ўша мамлакат ёзувчилари нималарни ёзган, қандай мавзуларни муҳим деб билган, қайси жаҳза вакиллари бош қаҳрамон сифатида овоза қилишган? Хитой, Япония, Лотин Америкасида иқтисодий бўҳронлар пайти ижод этган ёзувчилар ижодини кўздан кечирайлик. Японияда Акутагава, Аргентинада Кортасар ўтиш даври ёзувчилари ҳисобланади. Ҳатто кейингиси ўз мамлакатидagi диктатурадан безор бўлиб Европага муҳожир бўлиб кетган. Ҳар иккала ёзувчининг асарларида биронта ҳам тadbиркор образи даврнинг нажоткори бўлиб кўринмайди. Камюни олайлик. Бу ёзувчи немислар Францияни босиб олган кезлари ижод қилган. Ўша пайт Франция халқи учун энг нажоткор ғоя озодлик эди. Лекин Камюнинг «Бегона», «Вабо» каби асарларида ўз мамлакати учун етакчи ғоялар учрайдими? Камю абсурд туйғусини адабиётга бош қаҳрамон сифатида олиб кирган. Демак, айтиш мумкинки, адабиётнинг бош қаҳрамони муайян туйғулардир, десак тўғри гапни айтган бўламиз.

Умарали НОРМАТОВ. Домла мени кечирсинлару, адабиёт ва унинг бош қаҳрамони масаласига бундай ёндашиш ҳам худди ижодий метод соҳасида бўлгани каби шўро даври адабий тажрибасини эслатади. Ўтган етмиш йил давомида қанақа тоифа кишилар шўро адабиётининг бош қаҳрамони бўлиши лозимлиги ҳусусида қанчадан-қанча тавсиялар берилмади; чунончи, ишчи образи, коммунист образи, жангчи образи, хотин-қизлар образи — уларнинг сон-саногига етолмайсиз. Домла айтган бугун жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч — «ҳозирги нажоткорларимиз», «шамчиروқларимиз» саналмиш тadbиркорлар образи сал бошқачароқ ном билан 60-70-йиллар адабиётида кун тартибига қўйилган эди. Ўша йиллари, аввало, рус адабиёти, сўнг қардош адабиётларда «деловые люди» — ишбилармон одамлар ривожланган социализм даври адабиётининг бош қаҳрамони» экани ҳусусида қанчадан-қанча гап-сўзлар, баҳс-мунозаралар бўлмади, дейсиз. Ишбилармон одамларни

бош қаҳрамон қилиш учун не-не истейдод соҳиблари заҳмат чекмади? Ўша йиллари эълон этилган ҳикоя, қисса, романлар, саҳнага, экранга чиққан спектакль, кинофильмларда яратилган ишбилармонларнинг образи ҳаётдагисидан ҳам кўпроқ бўлса керак. Ўзбек алиблари ҳам бу борада қардошлардан қолишмаган. Бундай образларни яратганлар шаънига қанақа ҳамду санолар айтилмади! Хўш, бугун қани ўша образлар? Қизиқ, ўйлаб қарасам, улардан бугун ҳеч нарса қолмабди. Ўша йиллари яратилган бугунги кунда ҳам қадрини йўқотмаган асарларни эсласам — уларнинг аксарияти тарихий романлар, ишбилармонликка асло алоқаси йўқ, «жамиятни ҳаракатлантирувчи куч» бўлмаган, кўзга ташланмайдиган «номаълум одам»лар, бугун ҳам адабиётимиз доврўғини хорижга олиб чиқаётган «Келинлар кўзғалони», «Олтин девор», «Ёлгончи фаришталар», «Сехрли қалпоқча», «Ойдинда юрган одамлар» каби асарлар, Э. Воҳидов, А. Орипов, Рауф Парфининг армон тўла мунгли сатрлари...

XX аср жаҳон тараққийпарвар адабиётига бир назар ташланг — инсониятнинг кўп асрлик бадиий тафаккури, адабиёти тарихида инқилоб ясаган, янги давр очган Пруст, Жойс, Кафка, Камю, Сартр, Кобо Абэ, Маркеснинг машҳур асарлари қаҳрамонларини эслайлик. Қайси асар марказида сиз тadbиркорлар образини кўрасиз? Қайси асарда тadbиркорлар жамиятнинг «нажоткори», «шамчирогги» этиб тасвирланган? Ҳолбуки, ўша ёзувчиларнинг ватанларида ҳам бозор иқтисоди амал қилади, тadbиркорлар катта куч. Нега у ерларда биронга ақли расо одам, адабиётшунос олим тadbиркорлар санъат ва адабиётнинг бош қаҳрамони бўлиши керак деган талаб, таклиф билан чиқмайди. Ёки уларнинг бунга ақли етмайдими?

Майли, асар қаҳрамони давлат арбоби бўлар, тadbиркор бўлар, оддий камсуқум кимса бўлар — ким бўлишидан қатъий назар, унинг тимсолида инсоншуносликнинг ҳеч қайси соҳаси, тури одам кўли етмайдиган, фақат санъат ва адабиётгина кашф этиши мумкин бўлган шахс жумбоғи кўтарилсин, ечиб берилсин.

Раҳимжон РАҲМАТ. «Инсонни ижтимоий ҳодиса» сифатида эмас, кўпроқ ижтимоийёт, давлат, сиёсат билан боғлиқ бўлмаган туғма, табиий, илоҳий хусусиятлар мажмуасидан иборат гаройиб мавжудот, жумбоқ сифатида тушуниш ва тушунтиришга интиладиган экзистенциализм адабиёти намунаси саналмиш «Бегона» қиссасидаги Мерсо образи моҳиятини тўла англашга биз қодир-мизми? Бизнинг китобхонларимиз бунга тайёрми?

Умарали НОРМАТОВ. Янги адабиёт дастурига айлиш шу асар киритилган эди. Айрим адабиёт ўқитувчилари бу асарни IX синф ўқувчилари тушуниши, қабул қилиши қийин, унинг ўрнига О.Бальзак асарларидан бири олинса яхши бўларди. деган таклифни айтдилар. Бальзак романлари типидagi антагонистик реалистик асарлар ўзимизда ҳам бор. XX аср баъдий тафаккурининг ноёб намунаси бўлмиш «Бегона»дек асарлар билан мактабда таништириш бугунги кунда ҳам фарз, ҳам қарз. Эҳтимол, «Жаҳон адабиёти» журналида эълон этилаётган не-не ноёб янги йўл-лишдаги қисса, романларга бизнинг китобхонларимиз доғдй қараётганликлари сабабларидан бири уларнинг бундай асарларни қабул қилишга тайёр эмасликларидадир.

Асар персонажи Мерсо тилидан ҳикоя қилинган «Бегона» қиссасида инсон табиати, руҳиятининг тасвири биздаги машҳур асарлардагидан кескин фарқ қилади. Бир қарашда қатор салбий хусусиятлар эгаси, одам ўлдирган жиноятчи «қотил» йигитни нуқул фош этиш, қоралаш эмас, асарда уни инсон сифатида тушуниш, англаш йўлидан борган ёзувчининг ижодий мавқиди. нуқтаи назари ўқувчини таажжубга солади. Йигитнинг онаси ўлимини эшитганда, дафн маросимида ўзини беғам тутиши, онасининг неча ёшлагини айтиб беролмаслиги, дафн маросимининг эртаси куни эса таниш қиз билан интим муносабатда бўлиши, денгизда чўмилиши, комедия томоша қилиши, қолаверса, йигитнинг худога ишонмаслиги, қасддан эмас, беҳосдан муайян вазиятда қуёш ёғдусидан кўзи қамашиб нотаниш ўтқинчи бир руҳий ҳолат — кайфият оғушида танишининг рақибни — арабни отиб қўйиши лавҳаси — буларнинг барчаси китобхонни қаҳрамон табиати, хатти-ҳаракатлари устидан дарҳол қатъий ҳукм. ҳулоса чиқаришга эмас, балки улар тўғрисида ўйлашга, мулоҳаза-мушоҳада юритишга ундайди.

Раҳимжон РАҲМАТ. Умарали ака! «Жаҳон адабиёти» журналида чиққан Саид Аҳмаднинг «Йўқотганларим ва топганларим» китобига бағишланган тақризингизда «Ёзувчи ижодкор шахсини урган-ниш, тадқиқ этиш — бизнинг адабиётшуносликдаги энг оқсоқ соҳалардан бири», деб ёзибсиз. Мен бу фикрингизга қўшилман, адабиётшунослигимизнинг мана шу кемтик жойи ҳақида кўпдан бери мен ҳам ўйлаб юраман. Эҳтимол, бизда бундай кемтиклик сабабларидан бири Шарқда, аниқроғи, миллий адабиётшунослигимизда бу борада тажриба, анъаналарнинг йўқлиги бўлса керак...

Қолаверса, ижодкорлар бисотидан ҳам уларнинг шахсиятига оид керакли ҳаққоний маълумотлар тополмайсиз. Шоир ва ёзувчиларнинг шахсий ҳаётидаги ҳар қандай факт — хоҳ салбий, хоҳ ижобий бўлсин — адабиёт илми учун қимматли манбадир. Шоир-ёзувчиларнинг шахсий ҳаётини тадқиқ этиш орқали инсон ва сўз санъати ҳақидаги билимларимиз кўпайиб боради. Қайсидир адибнинг ҳаёти, фаолиятига тегишли энг арзимас туюлган кичик фактни чуқур таҳлил этиш асосида инсон табиати ва бадиий ижодга оид қимматли хулосалар чиқариш мумкин.

Ижодкор ҳаёти ҳақида ёзаётиб андиша, сохта ҳурмат, иззат ва бошқа хил иккиланишларни бир четга суриб қўйган маъқул. Адибнинг ҳаёти инсоншунослик илмимиз учун тажриба участкасига айлансин. Бизда ҳам XX аср ўзбек ижодкорларимизнинг ҳаётига бағишланган китоблар оз бўлса-да топилади. Лекин бу китобларда бирёқдамалик кучли, ростгўйлик кам, шунинг учун улар илмий жиҳатдан яроқсиз.

Бизда шоир-ёзувчилар ҳаёти ҳақида ёзаётиб уларни ахлоқан мукаммал, ватанпарвар, оилапарвар, одобли, камчиликлардан холи — идеал одам сифатида тасвирлашга уринамиз. Яъни уларни ахлоқшунослик фани, одобнома учун кўргазмали курулга айлантирмоқчи бўламиз. Бу анча хатарли машғулот. Чунки дунёдаги биронта санъаткорнинг шахсий ҳаёти, феъл-атвори оддий одамлар учун намуна бўла олмайди. Аксинча, уларнинг ҳаётидаги оддийроқ факт ҳам бошқаларни довдиратиб қўйиши мумкин.

Қатта ижодкорнинг қисмати шу: унинг ҳаёти ва шахсиятининг астарини ҳам ағдариб кўришимиз лозим. Ижодкор адабиётга нафақат асарлар, балки ҳаёти билан ҳам хизмат қилади.

Умарали НОРМАТОВ. Айтганларингизга қўшиламан. Айни пайтда Шарқда, жумладан, ўзбек адабиёти тарихида ижодкор шахсий ҳаёти, шахсияти мутлақо эътибордан четда қолган дейилса тўғри бўлмас. Масалан, Бобурни эслайлик. Бу улуғ ҳақгўй аллома «Бобурнома»да, қатор рубоий, ғазалларида кўпдан-кўп хайрли ишлар билан баробар ўз шахсий ҳаёти, шахсияти, ўз хатолари, айб, гуноҳлари ҳақида ҳам мардона туриб ёзади. Болалик йилларидаги бебошликларини, ўз юртини қўйиб Ҳинд сари юзланиши «юз қароли» бўлганлигини дангал айтаверади. Гуманист шоир, алиб ўз ганимларини шафқатсизлик билан жазолагани — қозиққа ўтиргизгани, қутурган фил оёғи остига ташлаб азоблагани, ганимлар бошидан минора ясатгани ҳақида ҳам ёзаверади.

Бобур ҳаёти, шахсияти ва ижодий меросига жаҳон тараққиётини
этган мамлакатлар олимлари алоҳида қизиқиш, эҳтиром билан
ёндашишлари тасодифий эмас. Ростгўйлик, самимият бобида Бобур
жаҳоннинг энг ростгўй алломалари қаторида туради. Афсус, бу
жиҳатдан Бобур ўзбек адабиёти тарихида танҳо. Ҳозирча бу борала
унга тенг келадигани бизда чиқмади. Мумтоз адабиётимиз талқи-
қотчилари мени кечирсинлар, тарихда ўтган қатор шоирларимиз
шеърларида уларнинг шахсиятини кўрмайсиз, тополмайсиз,
бунинг ўрнига нуқул анъанавий китобий гаплар, шеър
санъатлар, ўзаро ижодий мусобақалар... Ҳатто ўқиётган ғазал-
лингизнинг муаллифи аёлми ёки эр киши — фарқлай олмайсиз.
Шахсияти, ўзлиги, ўзига туйган, ҳис этган кечинмалари,
армон-ўқинчлари уфуриб турмаган шеърни шеър деб бўладими?!
Бу ҳол ҳозирги замон шеърлятида ҳам давом этаётир.

Ижодкор шахсий ҳаёти, шахсиятини ўрганиш биздаги оқсоқ
соҳа деймиз. Бироқ масаланинг бошқа жиҳатини ҳам унутмайлик.
Биз ўрганмоқчи бўлган ижодкорларнинг шахсий ҳаёти, шахсияти
умуман ўрганишга арзийдими ёки йўқми? Шундай тадқиқотлар
ҳам майдонга келди, келмоқда, уларда қаламкаш ҳаётига оид
маълумот, ҳужжатлар бирма-бир саналади, шарҳланади; ҳужжат-
лардаги арзимаган ноаниқликлар устида баҳслашилади. Худди
Азиз Несиннинг «Шармандий қачон туғилган?» ҳикоясидаги
каби! Бироқ ўша қаламкашнинг адабиёт раънақи, тарихидаги
ўрни қандай? Унинг ижодий «кашфиёт»лари нимадан иборат?
Адабиёт тарихида айтирли ўрни бўлмаган, асарлари билан ўқув-
чини ҳайратга солмаган, сола олмаган қаламкашнинг «шахсий
ҳаёти», «шахсияти» тадқиқи кимга керак, улардан адабиётга,
адабиёт илмига қандай наф бор? Ҳамма ҳам Навоий, Бобур,
Машраб, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Қаҳҳор бўла-
вермайди-ку, ахир! Ҳозир айрим олиму ёзувчи, журналист-
ларимиз икки мисра шеъри билан ўқувчи меҳрини қозонолмаган,
бирор ҳикоя, дoston, қисса, роман, драмасы ёки мақоласы билан
адабиёт, адабиёт илми ривожига ҳеч қанақа из қолдирмаган
қаламкашларнинг шахсий ҳаёти, шахсиятига тегишли маълумот-
ларни қидириш, йиғиш, улар тўғрисида хотиралар сўйлаш,
ёзиш билан овора бўлиб юришибди...

1999 йил

ШАХС ҲАҚИДА БАҲС

(Адабиётшунос Жаббор Эшонқул билан суҳбат)

Умарали НОРМАТОВ. Жабборбек! Суҳбатимиз бугунги адабиётда шахс жумбоғи, унинг тасвири, талқини устида боради. Бу борадаги мулоҳазаларга ўтишдан олдин шахс жумбоғига дахлдор бир муҳим муаммо, замондошимиз маънавиятининг таркибий қисми – китобхонлик, яна ҳам аниқроғи, одамларнинг бугунги кунда бадиий адабиётга муносабати хусусида тўхталиб ўтсак.

Сўз санъатининг алоҳида шахс, миллат, қолаверса, бугун башарият ҳаётидаги ўрни, жумладан, китобхон ва китоб (бадиий асар) муносабати масаласи ҳамиша адабий-илмий жамоатчилик диққат марказида турган. Бугун ҳам шундай. Сир эмас, XX асрнинг 60-80-йиллари бизда китобхонликнинг энг авж палласи бўлди. Ўша йилларга нисбатан ҳозирда китобхонлик кескин камайди. Оддий статистик маълумотлар қиёси ҳам ушбу ҳолатни аниқ кўрсатиши мумкин. Чунончи, адабий-бадиий нашрлардан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси адади 80-йилларда чоракам бир миллион нусхага етган бўлса, бугун беш минг атрофида чоп этилаётир; “Шарқ юлдузи” ойда бир бор 240 минг нус-хагача чиққан бўлса, ҳозир уч ойда бир бор бор-йўғи икки минг нусхада босилапти. Бу ҳол фақат бизда эмас, собиқ иттифок таркибига кирган барча мамлакатларда кузатилмоқда. Чунончи Россиянинг нуфузли адабий журналларидан бири “Новый мир” ўша йиллари ярим миллион атрофида тарқатилган: Ҳатто 1990 йили А.Солженицин романи эълон қилинган сонлари 2.710.000 нусхага етган. 2000 йилга келиб эса у 14 минг нусхага тушиб қолди. Бунинг сабаби нимада?

Баъзи мунаққидлар айтганидек, эндиликда адабиётда улур кашфиётлар даври ўтди? Одамларни ҳайратга соладиган чинакам бадиий кашфиётлар яратилмаяптими? Яратилаётган асарларнинг савияси чиндан-да пастми? Шўро даври ёлғонларига асосланган асарларнинг миси чиққач, одамларнинг умуман адабиётдан ихлоси қайтди? Ёки ҳозирги адиблар бугунги-замондош китобхон билан умумий тил тополмаяптими? Ёинки, Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, қалам аҳли ўқувчининг дилидаги, тили учидаги гапларни топиб айтолмаяптими? Ё бўлмаса бугун биз яхши деб атаган асарлар китобхонни қаноатлантирмаяптими, адабиёт дидли китобхондан ортда қоляптими? Ёки, аксинча, китобхон юксак савияли асар-

ларни тушуниш, англаш, уқиш, ундан завқланиш даражасида эмасми? У бугунги адабиётдан нимани кутяпти?..

Хуллас, бу борада саволлар кўп, лекин улар аксар ҳолларда очик қоляпти. Жавоб изланмаяпти эмас, изланаяпти, лекин ҳодисанинг моҳияти, илдизи чуқур очиб берилмаяпти. Бадиий асар саҳифаларида ҳам китобхонлик хусусида умидсизлик кайфиятлари изҳор этилмоқда. Чунончи, Нодира Содиқованинг “Оқшом” ҳикояси персонажи (“Жаҳон адабиёти”, 2003, 3-сон) шундай дейди: “Катта адабиётнинг вақти ўтди энди” (Катта адабиёт деганида романларни эмас, санъат даражасидаги бутун адабиётни назарда тутаяди) XXI асрда Катта адабиёт қирилиб битмиш тамаддундан ёдгор лавҳа каби бўлиб қолади гўё. XXI аср кишиларида эса, лавҳадаги ёзувни ўқиш учун қобилият ҳам, имконият ҳам, хоҳиш ҳам топилмайди... Мени айтди дерсиз, янги асрда одамлар олди-қочди романларни-да ўқишмайди, э-э, улар нима, бора-бора ҳатто газета ўқишмай қўйишса керак — фақат... фақат телевизор кўришади” (123-бет).

“Янги асрда Катта адабиётнинг бўлмаслиги бир томондан яхши... Чунки Катта адабиёт, баъзиларнинг яшаш қобилиятига салбий таъсир ўтказармиш...” (124-бет).

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Ҳар қандай таназзулнинг сабаблари ҳеч қачон битта бўлган эмас ва бир суҳбат асносида унинг барча томонларини тўла қамраб олиш ўта мушкул. Шу сабабли ҳам биз бу муаммонинг айрим жиҳатлари ҳақида гапириб ўтишимиз мумкин. Зеро, бу каби саволларга сиз айтгандай, барча замонларда жавоб топишга ҳаракат қилинган. Жавоблар қанчалик ранг-баранг ва пурмаъно бўлмасин, ҳали-ҳануз ўз ечимини топганича йўқ ва топмайди ҳам. Ечим — инсон табиати ва ботини билан боғлиқ жараёнда, чунки инсон табиати ҳар бир замонга ўз талабларини қўяди ва ўзига мос жавоб излайди.

Аввало, биз ҳали том маънода Китобга юз бурганимиз йўқ. Биз ўзимизни қийнаётган саволларни ўзимиздан — ўзлигимиздан эмас, ташқаридан излаяпмиз. Инсон ботинига йўл эса маърифат — китоб орқали ўтилади. Энг муҳими, ичкаримизда аллақачон ушбу эҳтиёж туғилганини етарлича англаб етганимиз йўқ. Бу эҳтиёж инсоннинг маънан-руҳан янгиланишга бўлган эҳтиёжидир! Бугун урғу кўпроқ ташқи томонга қаратилган. Бироқ инсон ичкарисини янгиланмас, у ботинига юз тутмас экан қолган барча гаплар беҳудадир.

Эҳтимол, бу босиб ўтилиши шарт бўлган бир босқичдир. Лекин зиёли-ижодкор санъатга фақат маълум бир даврнинг об-ҳавоси билан ёндашмаслиги керак.

Китобхонлик ҳақида гап кетар экан, болаликдаги бир хотира ёдимга келади. Бугун қишлоғимиз бўйича биргина эртақ китоб бор эди. Ана шу китобни бугун қишлоқ болалари, ҳатто катталар ҳам йиғилиб тинглашарди. Мен тинглашарди деярман. Чунки, китобни ҳамма ҳам ўқийвермасди. Овози жозибали, эртақ моҳиятига тушунган кишигина ўқирди. Китоб ўқиётганнинг мими-калари, таъсирли овози, кайфияти, ҳолати тингловчиларга кўпроқ таъсир қиларди. Хуллас, китобни ўқиш маълум маънода қобилият талаб этарди. Қолаверса, кейинчалик билдимки, халқимиз тафаккури эпик тафаккурга мойил экан. Яъни оғзаки ижро, оғзаки ўзлаштириш халқимиз маънавиятининг бир бўлаги бўлиб келган. Ун минглаб сатрларни оғзаки ижро этувчи бахши дostonни бирор бир китобдан ўқиб ўрганмаган. У оғзаки ўзлаштираган, оғзаки ижро этган ва оғзаки ҳолатда мсрос қолдирган. Тингловчиларнинг ҳам ўқишга эмас, тинглашга рағбати кучли бўлган. Мумтоз адабиётимиз намуналари ҳам кўпроқ бир киши томонидан ўқилган, махсус «навоийхон», «машрабхон»лар бўлган, қўшиқ қилиб куйланган. Бундай ҳолатда асар моҳияти тингловчига кўпроқ етиб борган. Мен бу билан умуман, китоб ўқилмаган демоқчи эмасман. Китобни маълум бир малакага эга бўлгандан кейингина ўқиганлар. Бугун эса болаларимиз китоб нимагини тўлиқ англаб олмасдан, маълум бир малака, тасаввурга эга бўлмасдан, уларни китобдан бездириб қўйяпмиз. Китоб билан ёлғиз қолган болакай унинг маъносига тушуниб етмасданоқ, ундан эрта узоқлашапти.

Маълумки, инсоннинг маънавий қиёфаси ўз даврига мос бўлади. Бир пайтлар Эйнштейн атом кучи ҳамма нарсани ўзгартириб юборди, фақат тафаккуримизни эмас деганди. Бугунги техника тараққиётининг шиддати тез, ҳар лаҳза улкан ўзгаришларни бошдан кечирапти. Бироқ инсон тафаккури бундан мустасно.

Олмон файласуфи Освальд Шпенглер айтганидек, «инсон космик мавжудот»гина эмас, балки узвий уйғунлик ҳосиласи ҳамдир. Унда тарих ҳам, бугун ҳам, келажак ҳам бирга яшайди. Бугунги тасаввур шундайки, гўё инсон ўз ўтмиши ва маънавия-тидан жула олисда — аросатда қолгандай. Замоннинг шиддати унинг ахлоқи ва тафаккурига мос келмай қолгандай. Гўё у ўзига мутлақо бегона бир дунёга, ёт бир даврга адашиб туниб қолгандай. Ҳиссиёт ўша-ўша, кечагидай. Ахлоқ ҳам ўша, ибтидоний даражада. Яъни,

кеча маъбудларга сиғинилган бўлса, бугун машиналарга, бойликка сиғинилади. Моҳият ўзгаргани йўқ. Замон ўзгарди, шиддаткор тус олди. Ҳар лаҳзада ўзгариб, тусланиб, турланиб, янгиланиб турибди. Фақат инсон тафаккури янгиланаётгани йўқ.

Эътироз туғилиши мумкин. Атом бомбалар, самолётлар, ракеталар, компьютер, интернет, уяли телефон — булар инсон тафаккурининг маҳсули эмасми деб? Маҳсули, бироқ инсон бу кашфиётларни бундан минг йиллар олдин кашф қилган эди. Тўғри, ўшанда самолёт — учар гилам, телевизор, интернет — ойнайи жаҳон, уяли телефон — сеҳрли кўзгу номи билан аталарди. Шундан сўнг инсон тафаккури чинакам кашфиётлар қилмай кўйди.

Ибтидоий инсоннинг ҳаёти — иши, яшаши дин билан, маросим ва анъана билан уйғун эди. У ётса ҳам, турса ҳам, ухласа ҳам, ишласа ҳам ана шу уйғунликда яшашга ҳаракат қиларди. Қадимги миф ва маросимлар унинг табиати ва ўз ички олами билан уйғунликни сақлашга, ички имконият ва салоҳиятининг юзага чиқишига ёрдам берган.

Бугунги инсонларда ана шундай жипслик, мутаносиблик етишмайди. Ундаги уйғунлик йўқолган. Инсон бугун буткул моддий эҳтиёжларининг қулига айланган. Бу эҳтиёжлар кучайган сари у ўзлигидан ҳам узоқлашиб бормоқда. Индивид-шахс қанчалар заиф бўлса, ундаги бу моддий истак ҳам шунчалар кучлидир.

Фрейд инсоният балоғати унинг эҳтиёжларининг қондирилиши билан камол топиб боради дейди. Тўғри, у бу ўринда кўпроқ ҳирсий эҳтиёжларини назарда тутди. Бугун инсоннинг маърифатга бўлган улкан эҳтиёжи мавжуд. Бу эҳтиёж вақтида қондирилмас экан, инсон ахлоқи, табиатидаги таназзул тобора чуқурлашиб боради.

Бир пайтлар севимли шоиримиз «қачон халқ бўласан эй, сен оломон» деб ёзган эди. Хўш, оломон билан халқнинг нима фарқи бор. Халқ бу шахс, маълум бир қадрият, анъана, тизимни ўзида мужассам этган «мен»дир. Халқда ҳамма нарса шахсга — индивидга қаратилган. Оломонда ҳамма нарса анъана ва қадриятлардан айри бир хиллик устун. Оломонга хос хусусият ташвиқот ва таъсирга мойиллик, бир хиллик — шаблонга бўлган ҳаваснинг кучлилигидир. Техник тараққиёт эса индивидни оломон бўлишга мажбур этади деган қараш мавжуд. Сиз айтган муаммоларнинг илдизи шу ерда деб ўйлайман.

Бугун оломончиликка бўлган ҳавас ҳар қачонгидан ҳам кучли. Шунинг учун юксак савиядаги асар эмас, енгил-елпи, бадииятдан

йироқ бўлган асарлар қадрлироқ. Оммавийлик ҳеч қачон бадийлик мезони бўлган эмас. Бироқ бугун ижодкорларимизда ҳам кўпроқ оммавий бўлиш истаги кучли эканлиги ҳайратланарли.

Умарали НОРМАТОВ. Бир тизимдан иккинчи бир тизимга, бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш жараёнидаги руҳий эврилишлар, иқтисодий танглик, замонавий коммуникация — ахборот воситаларининг (видео, компьютер, интернет) ҳаётга дадил кириб келиши — булар ҳозирда китобхонлиқнинг сусайишига олиб келадиган асосий омиллар деб қаралмоқда. Бу хил даъволарда озми-кўпми ҳақиқат бор. Бироқ уларнинг бироргаси ҳам бу борада ҳал қилувчи омил бўлолмайди. Яқин ўтмиш тарихимиздан маълумки, иқтисодий жиҳатдан танг йилларда ҳам китобхонлиқ асло сусайган эмас. Сиёсий-мафкуравий тазйиқ шароитларида ҳам ман этилган юксак савияли китоблар пинҳона ўқиладиган. Қолаверса, фан-техника, замонавий коммуникация ғоят ривож топган мамлакатлар, жумладан, Олмонияда китобхонлиқ юксак даражада экани маълум.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Жамиятнинг қандай жамият эканлигини унинг китобга муносабатига қараб билиб олса бўлади. Шу ўринда бир мисол: Иккинчи жаҳон урушида Германия енгилган бўлса-да, бироқ тез фурсатда ўзини тиклаб олди ва орадан кўп ўтмай энг ривожланган мамлакатлардан бирига айланди. Бу чиндан-да ҳайратланарли ҳол эди. Иқтисодчилар ҳам, сиёсатчилар ҳам унинг турли-туман сабабларини кўрсатишди. Лекин энг муҳим сабаб олмон халқининг китоб-маърифатга бўлган улкан ишончида эди. Ҳали фашистлар бутун Европани эгаллаб, дунёга ларза солиб турган бир пайтда, олмон зиёлилари фашизм балосидан қандай қутулиш ҳақида бош қотирдилар. 1939 йилдаёқ Карл Юнг фашизмнинг ҳақиқий қиёфасини фош этувчи, олмон халқини ва бутун Европани зулм балосидан асраб қолишнинг йўллари кўрсатиб берган ўзининг қатор суҳбатларини эълон қилади. Фақат Карл Юнг эмас, бошқа олмон зиёлилари ҳам ўзларининг ана шундай қатъий позициясини намойиш этадилар. Агар олмон халқи ўша вақтда ўз зиёлиларининг сўзларига, китобларига бефарқ бўлганларида эди бугун уларнинг аҳволини тасаввур қилиш ҳам мушкул бўларди.

Ёхул Японияни олайлик. У бугунги кунда ҳам техника тараққиётининг энг олдинги сафида бормоқда. Япон техника самаралари бутун дунёни забт этди. Бироқ, ундан олдинроқ япон адабиёти.

санъати ва маданияти дунёни забт этган эди. Агар япон маданияти ва санъати бўлмаганда эли, улар бундай тараққиётга эриша олмаган бўлар эди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Санъаткор — ижодкор дунёни бошқача кўз билан кўради. Ўзгалардан фарқли ўлароқ у атрофини ўраб турган оламни кенроқ ва чуқурроқ идрок этади. Кўнглида ва руҳиятида кечаётган жараён билан мавжуд олам ўртасида нафис уйғунликни топа олади. Ижодкордаги идрок салоҳияти бениҳоя юксак бўлади. Идрок салоҳияти унинг фантазия, ҳаёлот и юксаклигидан дарак беради.

Ижодкор тарих яратибгина қолмайди, у тарих ичкарисидан яшайди. У тарихнинг ўзидир. Ижодкор воқеликни қайта жонлантиради, у воқеликнинг — тарихнинг яратувчисидир. Шундай экан инсоният тараққиётини, тарихини ижодкорларсиз, бадий асарларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Умарали НОМАТОВ. Оммавий китобхонлик авжига чиққан ўтган асрнинг 60-80-йиллари — жамият маънавияти тарихининг айна ўша палласи жиддий ўрганилишга арзийдиган мавзу. Ўша кезлари китобхон хийла содда, романтик бўлганмикан, деган ўйга борасан киши. Китобхон ҳаётда тополмаган ҳақиқатни, орзу-ўйларини бадий адабиётдан қидирган, ҳаққўй адибларни, уларнинг ҳақ сўзларини ниҳоятда қадрлаган. Ҳақ гап айтилган, ифодаланган асарлар дарҳол оғизга тушган, қўлма-қўл ўқилган. Бундан руҳланган адиблар йўлини топиб асарларида жиддий муаммоларни ўртага қўйишган, Қодирий айтмоқчи, “жамиятнинг қитиғига тегадиган” гапларни айтишга интилган. Бадий савия-даражасидан қатъий назар шундай асарлар шов-шувларга сабаб бўлган. Шу тариқа ижодкор билан китобхон орасида ғаройиб бир алоқа-ҳамкорлик вужудга келган. Бу хил асарларнинг кўпчилиги бугун ўз қиммати-аҳамиятини йўқотди. Ҳаёт, турмуш муаммосига қурилган асар, табиийки, ўша муаммоларнинг турмушдаги ечими билан бирга ўз умрини ҳам якунлайди. Китобхоннинг янги авлодигина эмас, катта авлод вакиллари ҳам ўз вақтида ҳаяжон билан ўқиган ўша асарларни бугун қўлга олса, аввалги ҳолат-ҳаяжонга тушмайди.

Бугунги кунда аҳвол бошқачароқ. Қўлга тушганини суриштирмай ўқийверадиган ёки асардан жиддий муаммо, “жамиятнинг қитиғига тегадиган” гап кутадиغان романтик, сер-ҳаяжон “китоб жиннилари” бугун кам топилади. Ҳозирги китобхон, назаримда, тобора прагматик — китобдан амалий наф. соф

манфаат қидирадиган бўлиб боряпти. Ҳатто “Дайди қизнинг дафтари”ни ҳам шунчаки қизиқиш, кўнгил хуши, ҳавас ёки ижтимоий маъно қидириш эмас, қандайдир манфаат, ундан “ниманидир ўрганиш” мақсадида ўқийди. Айни ўша прагматизм адабиётга нисбатан “бефарқлик”ни тугдирмаяптимикин? Ҳозир матбуотда пайдо бўлаётган ўта бўш, жўн, ибтидоий, ҳаттоки саводсизларча битилган сон-саноқсиз битиклар қатори муҳим воқеа, жиддий бадиий кашфиёт дейишга арзигулик асарлар ҳам ўқилмай эътибордан четда қоляпти.

Мени бир нарса айниқса таажжубга солади: Республикамизда ўн мингга яқин умумий таълим мактаблари бор. Ҳар бир мактабда ўрта ҳисоб билан 3-4 тадан тил ва адабиёт ўқитувчиси ишлайди. Демак, уларнинг умумий сони 30-40 мингга етади. Бунинг устига академик лицейлар, коллежларда, нофилологик олий таълим тизимида қанчадан-қанча филологлар талабаларга дарс беради; илмий муассасаларда, редакцияларда ишлайдиган талай филолог мутахассисларни, журналистларни, ёзувчилар уюшмасига аъзо мингдан ортиқ қалам аҳлини қўшиб ҳисобланса мамлакатимизда 70-75 минг чамаси бевосита «адабиётнинг нонини ейдиган»лар бор. Оддий китобхонни қўяверинг, янги асарни ўқиш-ўқимаслик улар учун ихтиёрий, бироқ, «адабиётнинг нонини сийдиган» филолог учун бу нарса мажбурий-ку! Бошқа адабий нашрларни қўятувинг, лоақал «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Шарқ юлдузи», «Жаҳон адабиёти» янгиликларидан беҳабар, бебаҳра ҳолда дарсга кириш, ўқувчи-талабалар олдида ваъз айтиш уят, балким маънавий жиноят-ку! Буни ким назорат қилади?! Йиллаб бирорта адабиёт янгиликларидан беҳабар дарс бериб юрган адабиёт муаллимидан сабоқ олган ўқувчи қандай қилиб китоб шайдоси бўлиб етишиши мумкин, ахир!

Яна фактларга мурожаат қилайлик. Республикада бир эмас, тўртта махсус хорижий филология олий ўқув юртлари, ўнлаб академик лицей, коллежлар, ҳар бир университетда эса хорижий филология факультетлари бор. Мактаб адабиёт дастурларида хорижий адабиёт намоёндалари ижоди муносиб ўрин олган. Ана шундай маърифатли мамлакатда наҳотки «Жаҳон адабиёти» атиги 2000 атрофда чоп этилса?! Республикамиздаги 20 мингга яқин кутубхоналарни қўйиб тувинг, лоақал барча ўқув даргоҳларига бир дондан етиб борганида эди «Жаҳон адабиёти»нинг адади 10-12 минг нусхадан ошарди! Ҳар бир ўқув даргоҳида

лоақал 10 тадан ўқувчи «Жаҳон адабиёти»даги асарларни «Алхимик» ёки «Мувозанат» каби жиддий асарларни Республикамизда 100 мингдан ортиқ маёқ норайи неча ўнлаб қалбларга нур улашган бўларли...

Жаҳон ва миллий адабиётда пайдо бўлган чинакам кашфиётларни тарғиб ва ташвиқ этиш, уларни илгери элгу туйғулар, олижаноб ғояларни китобхонга етказиш ва савоб иш. Ҳозир ҳаётнинг ҳамма соҳасида урф бўлиб, рекламачилик бу борада ҳам қўл келиши мумкин. Афсуски, китобнинг, яхши асарнинг тарғиб-ташвиқоти кўнгилдагидек Фарбда бу нарса яхши йўлга қўйилганлигини биламиз. Фарб китобхони интернетда янги яхши асар ҳақидаги маълумот билан танишгач, ўша асарни топиб ўқийди. Билмаганига ҳаётга кириб келаётган интернетдаги ўзбек адабиёти бу борада кўп хайрли ишларни адо этиши мумкин.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Ҳар бир даврнинг ўз ўқувчиси бўлади. Мисол учун ўтган асрнинг бошида маърифий, аср ўрталарида романтик йўналишдаги асарларга кўпроқ қизиқилган бўлди. Бугунги кунда ўқувчининг эътибори мистикага қаратилган. Кечирганимиз эътибордан четда бўлган асар, бугун кўкка кўтариб кўрилиши, ёхуд бугун «шов-шув» бўлаётган асарлар эртага ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Бу табиий жараён. Лекин ҳақиқий адабиёт ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. У ҳамма даврларда ҳам бирдек қадрли бўлиб қолаверади. Тўғри, унинг ўқувчиси маълум бир даврда кўпайиб, бошқа бир даврда озчиликни ташкил этиши мумкин, лекин бу ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Мисол учун Навоий ижоди XIX асрда ҳам, бугун ҳам ўз нуфузини йўқотмайди. Фақат мутахассислар, адабиётшунослар адабиётга баҳо беришганда оммавийлик нуқтаи назаридан туриб баҳо бермаслигини кўрсатади. Шу маънода мени кўпроқ оммавий китобхонликнинг камчилиги кўрсатаётгани эмас, дидни ўстирадиган, шахсни, руҳни тарбиялайдиган чинакам бадиий асарларнинг кам элилаётганини кўрсатаётганимизнинг «мўлжални»ни оммавийликка қаратишнинг кўпроқ ташвишга солали.

Яхши асар эса ҳеч қачон ташвиқотга муҳтож бўлмайди. У ҳақда вақт ҳам ўз ўқувчисини топиб олади. Бугун том-том китобхона босилиб, токчаларда чанг боғиб ётган асарлар оммачамиш бўлиб қолган ҳали сиёҳи қуримай, қўлёзма ҳолида қўйма қўйма ҳолда бадиий асарлар ҳам йўқ эмас. Тўғри, интернет китобхоналари

мулоқотини осонлаштиради. Мисол учун китоб чоп этишга қийналаётган ижодкор ўз асарини интернет сайтига жойлаштиради, бу асар билан танишиш имконияти янада кенгайди. Қолаверса, бугун интернетда бир асар ҳақида ранг-баранг фикрлар пайдо бўлмоқда. Мисол учун Пауло Коэлонинг «Алхимик» романи интернет сайтидан жой олгандан кейин, бу асарни кўкка кўтариб мақтаган, унга ўртача баҳо берган ёхуд бу роман, уму-ман, ҳеч нарсага арзимаиди, у бизга қўлликдан бошқа ҳеч нарсани ўргатмаиди деган фикрлар ҳам пайдо бўлди. Бир асар ҳақида бундай ранг-баранг фикрларнинг мавжудлиги, шубҳасиз, ўқувчи-китобхоннинг савиясига таъсир қилмай қолмайди.

Умарали НОРМАТОВ. Шўро даври китобхони, менимча, инсонни анъанавий, бир хил йўналишдаги тасвир этган асарлар руҳида тарбияланган эди. Ҳатто замонавий хорижий адабиётдан қилинган аксари таржималар ҳам улар дилига мос — анъанавий асарлар бўлган. 80-йиллари «Иностранная литература»да Жойснинг «Улисс»и таржимаси пайдо бўлганида нисбатан илғор рус китобхони ҳам бунақа янги талқинни қабул қилишга тайёр эмаслиги маълум бўлди. 70-йиллари шу нарса узил-кесил аён бўлдики, XX аср жаҳон адабиёти аλλαқачон бундай янги йўлларга ўтиб олган — инсонни тушуниш, инсон табиати ва руҳий оламини кашф этиш бобида ниҳоятда илгарилаб кетган экан.

Берлин деворлари қулаб, коммунистик мафкура темир пардалари орадан кўтарилгач, жаҳондаги янги жараёнлар билан, адабий тафаккурнинг тамомила янги бир олами билан яқинроқ танишиш имкони туғилди. Шўро даврида Фарб модерн адабиётининг асосан инкор руҳидаги танқидий таҳлили бизларни кўп жиҳатдан чалғитган эди. Эндиликда бизда бу адабиётнинг янгича талқинлари пайдо бўла бошлади. Шунда ғалати бир ҳолат юз берди: шўро даврининг энг яхши, қўлдан қўймай ўқиладиган асарлари ёки Фарб адабиётининг шўро даврида энг кўп нашр этилган, тарғиб-ташвиқ қилинган асарлари ўша кезлари менсимайроқ, танқидийроқ қаралган Жойс, Кафка, Камю, Сартрлар бисоти қаршисида бирмунча жўнроқ нарсалар экан. Шахсан менинг ўзим Камю ижодий мероси, «Бегона», «Вабо» сингари асарлари билан яқиндан танишгач, авваллари ниҳоятда севиб мутолаа қилган, ардоқлаб келган «Оқ кема», «Асрга татиғулик қун», «Қиёмат» каби асарлар инсон жумбоғи, унинг чигал руҳий бисоти таҳлили бобида бир мунча анъанавийроқ

эканига амин бўла бошладим. Модернизм жамики кам-қўстларига, зиддиятли жиҳатларига, реализм каби кенг ўқувчилар оммасини топа олмаётганига қарамай инсон табиати, руҳиятининг реализм қўли, нигоҳи етмаган жабҳаларига далил кириб бора олишини кўриб ҳайратга тушдим.

Очиғи, ҳозирги ўзбек китобхони аросатга тушиб қолди: шўро давридан қолган, нисбатан яхши, бугун эса анъанавий йўлда битилаётган асарлар уни маънан қаноатлантирмапти, айти пайтда, у янгича йўналишдаги асарларни қабул қилишга ҳали тайёр эмас. Қолаверса, бизда ҳозирча янгича йўналишдаги асарлар мукамалликка даъво қилишдан йироқроқ. Мана сизга китобхонлик инқирозининг яна бир сабаби.

Жаббор ЭШОНҚҮЛ. Бизда бадиий адабиётга ҳали ҳам шўро давридан мерос қолган ғалати бир муносабат мавжуд, яъни ҳар бир ҳодисани тайёр қолип орқали кузатадиган бўлиб қолганмиз. Агар у ҳодиса бизнинг қолипга сифмаса, у «ёт», «миллий эмас», «бегона» деб тушунамиз. Яъни, бизнинг стереотип шаклларимиз бор. Масалан, Абдулла Қаҳҳор кўп йиллар ана шу шакл вазифасини ўтаб келди. Биз ҳар бир нарсанга Абдулла Қаҳҳор нуқтаи-назари билан қарайдиган ва агар шу мезонга тўғри келмаса, дарров «бизнинг миллий адабиётга ёт» деб жар соладиган бўлдик. Бу ҳолат, умуман, ҳамма адабиётларга хос бўлган. XIX асрда руслар яратилган ҳар бир асарни Толстой билан қиёсланишга ҳаракат қилганлар. Ваҳоланки, бу даврда Достоевский, Тургеневлар ҳам бор ва улар бир-бирига ўхшамас, ўзга-ўзга оламлар эди. Буни тушунса бўлади, албатта. Қандайдир талант ўз замонасининг ақли-шуурини ром этиб олади-ю, кейин ҳамма нарсани унинг тасаввуридан баҳолана бошлайди. Лекин бу «муҳиблик» кўп йиллар адабиёт тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Бу ҳодиса бизда ҳалигача сақланиб қолмоқда. Ҳалиҳануз Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикояларига ўхшамаган барча ҳикояларга шубҳа ва ишончсизлик билан қараб турибмиз. Ҳамма ёзувчиларнинг тасвир усулларини битта мезонга тикиштириш ҳалокатли эканлигини англаб етганимизча йўқ.

Умарали НОРМАТОВ. Дарҳақиқат, авваллари шундай эди. Менимча, энди аҳвол ўзгарди. Қаҳҳор ашъашиларидан тубдан фарқ қилувчи гоят ранг-баранг Шукр Холмиров, Мурод Муҳаммад Дўст, Олим Отахонов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Навар Эшонқул, Зулфия Куролбой қизи изланишлари бугунги ҳикоячиликнинг янги қиёфасини белгиламоқда, уларнинг ютуқлари ҳам китобхон, ҳам танқидчилар томонидан эътироф қилинмоқда.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Шундай тасаввурлар ҳали ҳам мавжуд. Бари бир биз ҳозир шакллар ва бадиият унсурларидан ҳам кўра адабиёт ҳақидаги тасаввурларимизни ўзгартиришга кўпроқ эҳтиёж сезаяпмиз. Эски тасаввурлар билан янги шаклга ҳам, янги мушоҳадага ҳам эришиб бўлмайди. Абдулла Қаҳҳор катта ёзувчи. Буни ҳеч ким инкор қилмайди. Лекин бу деган сўз ҳаммани унинг Кўрғонига олиб бориб қамаш дегани эмас. У ўзбек ҳикоячилигига ўзига хос янгилик олиб кирди, яъни уни тараққий эттирди. Бироқ у мен тўхтаган жойда тўхтаглар деб айтиб кетмаган. Балки ижод йўли турли-туман эканлигини чинакам санъаткорлар ҳар доим таъкидлашган. Бу эса бадиий тасвир воситалари, мавзу, шакл, гоё, услуб имкониятлари чексиз — чегарасиз эканлигини кўрсатади.

Умаралш НОРМАТОВ. XX аср жаҳон адабиётидаги янги адабий-бадиий оқимлар тарихига назар ташланса, улар шунчаки шаклий-услубий изланиш эмас, балки муайян фалсафий-таълимотлар — Ницше, Фрейд, Юнг, Камю, Сартр, Гассет, Хайдеггер, Гадамер, Хакен, Пригожин, Хабермас каби мутафаккирларнинг шахс ва жамият, умуман, башарият ҳақидаги янгича қарашлари асосида дунёга келганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳатто бир қатор Ғарб адиблари янги фалсафий-бадиий оқимларнинг назарий асосчилари саналади.

Шўро даврида бундай оқимларнинг барчаси «бизга ёт», «реакцион ҳодиса» деб эълон этилди, ҳар қадамда марксча-ленинча қараш бирдан-бир тўғри таълимот деб уқтирилди, адабиёт ва санъатнинг бош йўли социалистик реализм деб белгилаб қўйилди. Бу йўлдан салгина четга чиққан ижод аҳли бошига не-не савдолар тушгани кўпчиликка аён! Бундай шароитда бизда юқорида номлари зикр этилган мутафаккирлар сафида тура оладиган алло-малар етишиб чиқиши мумкинмиди, ахир!

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Модерн ёхуд анъанавий усул, бутун дунё адабиётини ва китобхоналарини гуруҳ-гуруҳларга ажратиб ташлаган оқимлар ўртасида ҳам ҳеч қандай фарқ йўқ. Фарқ бизнинг тасаввуримизда. Асар ҳеч қачон ўқувчига мослаштириб ёзилмайди. Ўқувчи унга мослашишга мажбур. Бу қийин ва мураккаб жараён. Ҳақиқий санъат асари ҳамisha ўзига замондош ўқувчидан юқори туради. Дейлик, Кафкани ўша ўзи яшаган пайтдаёқ тушуниб олишганда, эҳтимол, бугун унинг ҳеч қандай қадри бўлмасди. Ўз даврида унинг ижоди ҳақида турли хил фикрлар билдирилди. Бироқ орадан йиллар ўтиб, ўқувчиларнинг, танқидчиларнинг у ҳақидаги фикрлари ўзгарди, тўғрироғи «ўсди».

Ўзида янги нафас олиб келган асарни «тушунмаслик», бизнингча, ана шу жараёнинг таъсиридир - ўқувчи янгиликка ҳазин тайёр эмас, унинг тасаввурини асарни қабул қилдирмайди. Ёки «ёт», «миллий эмас» деб тамға тайверди. Бу дегани асарни ўқувчинини мослаштириш деган маънони бермайди. Ўқувчи энг ҳурриятдон таблақ асарга ўзи мослашади. Бизда ҳозир ана шу «мослашув» жараёни кетаяпти. Шу сабабли, сат бошқачароқ, яъни тасаввуринингдан йўлдан чиқиб ёзишга ҳаракат қилаётган уч-тўртта ёзувчинини турли «тошлар» отилди. Шу билан бирга мана шу «мослашув» жараёни бизга улғу иқтидорларни кашф этиб беришни мумкин.

Умарш НОРМАТОВ. Гоҳ шундай даъволарни эшитганимиз тўғри келади: модомки XX асрда бизда модернизмнинг фалсафий асослари, назариячилари етишиб чиқмаган экан, модернизмнинг, модернистик асарларнинг ўзи ҳам йўқ. Модернизм XX аср жамият тараққиёти, инсоният маънавияти, руҳияти, бадний тафаккуридаги ўзгариш, эврилиш, янгиланишлар ҳосиласи. Бу жараён баъзан онгли, баъзан эса онгсиз равишда беихтиёр, ўз-ўзидан содир бўлаверган. XX аср ҳавосидан нафас олган ҳар бир чинакам истеълол соҳибиди қандайдир кўринишда бу жараёнинг акс-салоси, муҳри бор. Ҳатто модернизмдан узоқ турган, уни қабул қилмаган адиблар ижодида ҳам унинг таъсирини, асоратларини топиш мумкин. Буни XX аср ўзбек адабиёти ривожини мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Тоталитар режим таййиқ таъқиқларига қарамай миллий адабиётимизнинг талай намуналарида замонавий жаҳон адабиётига хос қатор тамойиллар мавжудлиги ҳайратомуз ҳодиса!

Жаҳон адабиёти тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар бир миллий адабиётда албатта ҳар бир янги оқимларнинг фалсафий-эстетик асосчилари, назариячилари бўлиши шарт эмас. Айтайлик. XX аср япон ёки Лотин Америкаси мамлакатларида Оврўпадаги каби янги фалсафий-эстетик мактаб асосчилари йўқ, лекин Япония ва Лотин Америкаси мамлакатларида модернистик йўналишнинг Оврўпа адабиётидан қолишмайдиган улкан намоёндалари етишиб чиқди. Шуниси ҳам борки, улар Оврўпа янги фалсафий-эстетик, назарий қарашларини, адабий-бадий тажрибаларининг астойдил ўрганиш, ижодий ўзлаштириш туфайли оламшумул ютуқларга эришдилар. Истиқлолдан кейин бизда аynи ўшанидай имконият пайдо бўлди. Яқин келажакда бундай имкониятлар ўз самараларини бериши турган гап. Бизда ҳам, эҳтимол, кутилмаган, тамоман оригинал фалсафий-адабий мактаблар, чин маънодаги назариячилар етишиб чиқар.

Карангки., тазйиклар шароитида бизда модернистик тамо-йиллар дастлаб пинхона кечди, 60-70-йиллардаги «илиқлик» ша-роитида бу жараён хийла ошкора намоён бўлди, 80-йиллардаги ошкоралик, 90-йиллардаги мустақиллик йилларида эса аниқ-равшан бадиий ҳодиса тусини ола бошлади.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Адабиётимиздаги бу янгиланиш таржима жараёни билан уйғун кечди. Зеро, ҳамма вақт ҳам таржима Ватан адабиётини бадиий юксак поғонага кўтаришнинг асосий омилларидан бири бўлиб келган. 80-90-йилларда шаклланган янги ўзбек насрининг равнақида, шубҳасиз, жаҳон адабиётидан қилинган таржималарнинг ўрни беқиёс бўлганини унутмаслигимиз лозим. Олим Отаханов ва бошқа кўплаб ёш ўзбек ёзувчиларининг ижодида биз У. Фолкнер, Х. Кортасар, Ф. Кафка, Хуан Рулфо, Я. Кавабата каби Фарб ва Шарқ адабларининг таъсирини кўрамиз. Ўзбек насрида ўзига хос воқеага айланган «Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза», «Гулзор четидаги қуёш». «Муолажа», «Ялпиз солинган шўрва ҳиди», «Оғриқ лаззати», «Бевақт чалинган бонг», «Қора кун», «Алвон мато остидаги ҳаёт», «Суратдаги аёл», «Чоҳ», «Айланаётган», «Ёлғизлик» ва ҳоказоларда биз ана шундай ижодий таъсирни кўрамиз. Биргина мисол: Олим Отахоновнинг «Гулзор четидаги қуёш» ҳикоясини тадқиқ этиш учун, аввало, Кавабата ижоди ҳақида фикр юритиш лозим бўлади.

Маълумки, Кавабата ижодининг шаклланишида япон миллий маданияти қанчалик асос бўлган бўлса, шу билан бирга жаҳон адабиёти ҳам шунчалик таъсир кўрсатди. Кавабата ўз миллий адабиётидан руҳни, шакл ва усулни эса Фарбдан олди. Бунга мисол тариқасида «Минг қанотли турналар» қиссасини олишимиз мумкин. Бу қиссада қадим япон маданияти ўзгача тарзда намоён бўлади. Турна японлар наздида умид тимсоли. Бироқ ҳаётни чуқурроқ тас-вирлаш учун Кавабата Фарб адабиёти приёملарини қўллади, тўғ-рироғи, биз фрейдизмни, яъни психоанализ усулубини асарда яқ-қол кўришимиз мумкин. Кавабата асос эътиборни қаҳрамон ўй-кечинмаларини унинг ҳиссиёти орқали очиб беради. Инсон қалбида уҳаб ётган, тўғрироғи, унутилган ҳиссиётларни бир-бир уйғо-таётгандай туюлади. Кавабата асарларининг тили, оҳанги қаҳрамон ҳиссиётларини теран ифодалашга хизмат қилади.

Кавабата япон маданиятига доимо муҳаббат билан ёндашади. Япон маданияти Хитой маданияти билан узвий боғлиқдир. Хитой империясида пайдо бўлган лээн маданияти олтинчи-еттинчи

асрларда Японияга ҳам ўтади. Дзэн, умуман, Шарқ мала-ниятининг моҳияти шундаки, унга кўра инсонни табиатнинг ажралмас бир қисми деб қараш керак. Шу сабабли ой, гул ва қор ҳақида ёзиш дзэн шоирларининг асосий мавзуси бўлган. Кавабата ана шу оқимнинг асосий моҳиятини Фарб адабиётининг янги оқимлари билан қўшди. Натижада ўз йўлини топди. Кавабата инсонни табиатнинг бир бўлаги эмас, балким табиатнинг ўзи деб қарай бошлади. Унинг назарида инсон ҳам бу дунёда очилган гулдир. Санъаткорнинг вазифаси инсоннинг гул эканлигини кўрсатишдир. Инсон фақат гўзаллик орқалигина покланиши мумкин. Гўзалликка мафтун бўлиш покликнинг бошланишидир. Гўзал бўлиш эса покланишдир.

Япон маданияти ва Кавабата назарида табиат билан учрашув бу туйғулар билан учрашувдир. Ҳар қандай табиат гўзаллиги тагида инсон қалбининг бениҳоя гўзаллиги ётади. Гул, қор, ойни ҳис қилиш бу инсоннинг гўзалликка томон кўтарилиш зиналаридир. Шунингдек, инсон гўзалликнинг бир қисмидир. Фарб адабиётида ақл кучи, тафаккурнинг кенглиги бўртиб турса, Кавабата ижодида гўзал туйғулар, гўзал ҳиссиётлар қалбда кечадиган гўзал манзаралар бўртиб туради. Демак, Шарқ адабиётида ҳиссиёт санъатининг биринчи асосий омили ҳисобланади. Кавабата асарларини ўқиган киши туйғу ва ҳиссиётларнинг гўзал гулзорига кириб қолгандек ҳис этади ўзини. Ҳар қандай туйғу ҳам гулдир. Инсон қалбида гул қанча кўп ва турфа хил бўлса у шунча гўзалдир. Демак, ҳаёт гулзор, инсон эса гулдир.

Ҳар қандай жамият таназзули инсонни хаста — маънан мажруҳ қилиб қўяди. Адабиёт эса уни даволайди. Даво бу гўзалликдир. Инсонни фақат гўзаллик қутқариши мумкин. Инсонни нафратланишга эмас, севишга ўргатиш зарур. Булар Кавабата асарларидаги ғоялар. Агар биз энди шу ерда Достоевскийнинг «Дунёни гўзаллик қутқаради» деган машҳур шиорини эсласак, бу икки адиб айнан бир ғояга урғу берганини сезишимиз мумкин. Лекин Достоевский гўзаллик деганда эзгуликни, Кавабата эса гўзалликнинг ўзини айнан тушунади. Бироқ бу гўзаллик ҳам инсонни эзгуликка олиб боради. Икки буюк адиб ҳам инсон ва гўзаллик тушунчалари бири-бирига уйғунлашишини истайди. Кечаётган туйғуларнинг барчаси инсон кечинмаларидир. Сиёсат ҳам, сиёсатдан туғиладиган жамият ахлоқи ҳам моҳият эътибори билан инсоннинг гўзалликка бўлган ташналигини, ҳаяжон, эҳтирос ва муҳаббатини сўриб олади,

пайхон этади. Охир—оқибатда инсон қалбида на гўзалликка шай-долик, на табиатга муҳаббат қолади. Унинг ўрнини бурчга содиқлик эгаллайди. Инсон қалби эса туйғуларсиз, меҳр- муҳаббатсиз гижимланган қоғозга ўхшаб қолади. Жамият инсондан гўзал бўлишни эмас, кўпроқ бурчга садоқатли бўлишни талаб қилади. Бу инсонни гўзалликдан ажратади. Гўзаллик, энг аввало, севиш ҳиссидир. Севиш эса гўзаллик уйғотади. Адабиёт инсонни гўзаллик билан уйғун-лаштиради. Табиатнинг битмас—туганмас гўзаллик эканлигини ҳис этишнинг ўзи инсон гўзалликнинг бир бўлаги эканлигини келтириб чиқаради.

Жамият инсон қалбидан ҳаётга муҳаббат туйғусини тобора сўриб, инсон эса жамиятга тобора мослашиб бораверади. Охир-оқибат шу даражага етадики, инсон жамият талаби билан табиатни пайхон қила бошлайди. Бунини кўр-кўрона амалга оширади. Дахшатли томони шунда. Инсон жамиятнинг куралига айланади. Жамият фақат табиатни эмас, санъат, адабиёт, фанни ҳам ўз ҳукмига бўйсундиради, ўзи учун хизмат қилдиради. Аслида санъат ҳеч қандай тузумга хизмат қилмаслиги керак. Инсоннинг турмуши ҳар қандай тузумдан устун туради. Гўзаллик эса, биринчи навбатда, инсон қалбига хизмат қилади. Унга ҳаёт шарбатини тутади, уни гўзallasштиради, уйғунлаштиради, ҳайратга солади. Капитализм даврида яшаган икки буюк адиб гўзалликка мафтун бўлиши ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Мана шу сабаблар учун улар инсониятнинг гўзallasштиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар. Кавабата асарларининг қаҳрамонлари бекорга ҳаётдан ҳамиша гўзаллик изламайдилар. Гўзаллик орқали улар эзгулик ахтардилар. Гуллар, кўзгу, қуш, лочин, ёмғир, қизил ёмғир, туман, очилаётган циркус, келинчак қўлидан тўкилаётган гулбарг ва ҳоказолар аслида инсон гўзаллиги ҳақида. Кавабата ўқувчини қойил қолдирмайди, аксинча, мафтун этади.

Умарали НОРМАТОВ. Ҳақиқатдан ҳам Кавабатанинг асарлари мафтункор кучга эга. Улар дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Эҳтимол, Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам Кавабата асарларининг бирдек севиб ўқишлишининг сири ҳам шунда бўлса керак. Шундай эмасми?

Жаббор ЭШОНҚҮЛ. Худди шундай. Ясунари Кавабата йиллар оша ўзбек адабиётига ҳам кириб келди. Ёзувчи Олим Отахонов Кавабатанинг ўнга яқин ҳикояларини ўзбекчага ўғирди. Ўғирлаш шунчаки содир бўлгани йўқ. У олдин мафтун этади, кейин муҳаб-

бат тугилади. Бир адабиётдаги анъана иккинчи адабиётга ўтиб, машааладек ҳаётнинг матълум қисмини ёритади. Олим Отахонов ўзбек адабиётида энг изланувчан ёзувчилардан бири. Биз унинг асарларида Достоевский, Фолькнер, Лотин Америкаси адабиёти таъсирини кўришимиз мумкин. Бу таъсир кўр-кўрона таъсир эмас, ўзлаштирилган-ўзбекчалаштирилган таъсирдир. Ясунари Кавабатанинг «Кўзгудаги ой акси» ҳикоясида хаста шол бўлиб қолган эр ва ёш аёл муносабати кўзгу орқали очилади. Биз юқорида дээн маданиятида ой, гул ва қор гўзаллик унсури сифатида акс этади деб айтгандик. Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, ой, гул ва қор ҳаётнинг ҳам символларидир. Ҳикояда бу рамзлар ҳаётнинг кичик бир парчаси сифатида намоён бўлади: парчаланган, синган кўнгилга кўзгу воситасида ҳаёт акси туширилади. Шол эр тўшагидан туrolмай ётганда хотини унга кўзгу беради. Эр ёт-ган жойида кўзгуни тутиб деразадан боғни, гулни, осмонни, ойни кўриши мумкин бўлади. Бугун ҳикоя мана шу тариқа кечади. Эр ва аёл кечинмалари мана шу тариқа очилади. Эр шол — ҳаётдан умид ўзган, қалбдаги умид гуллари сўлган, энди у фақат ўлимни ўйлайди. Гуллари сўлган қалб ўлган қалбдир. Ана шу ўлган қалб аёл берган кўзгу туфайли умрининг сўнгги дақиқасигача кўзгуда акс этаётган гўзалликдан ҳайратланиб яшайди. Ҳайратланиш эса ўлим эмас, тирикликдир. Эрнинг сўлган қалб гуллари яна қайта жонланади, қайта очилади. У ўлим ва ҳаёт ўртасида тургандагина ҳаётнинг гўзал ва мафтункор эканлигини англайди. Кавабата мана шу усул — ўлим тўшагида ётган қаҳрамоннинг кечинмалари орқали ҳаётнинг гўзал қатламларини очади. Инсонга умр том маънода яшаш учун берилган. Яшаш эса гўзалликни кашф қилишдир. Гўзаллик эса инсон умрининг мазмунидир. Хаста қалбнинг ҳаёт ҳақидаги кечинмалари гарчи қаҳрамон жисмонан ўлса ҳам унинг галабаси билан тугайди. Асардаги ҳаёт, гўзаллик ҳақидаги кечинмалар ўқувчи қалбига кўчиб ўтади. Ҳикояда кўзгу қаҳрамоннинг азоб-уқубатга, лекин гўзалликка тўла ҳаётининг тажассумидир. Гўзаллик кўзгуда эмас, қаҳрамоннинг қалбида акс этади. Хулда ана шу мотив Олим Отахоновнинг «Гулзор четидаги кўёш» ҳикоясида ўзининг аксини топади. Шуни айтиб ўтишимиз керакки, ҳикоя бутун мазмуни, оҳанги билан «Кўзгудаги ой акси»га яқиндир. Биринчидан, танланган мавзу бир-бирига ўхшаш: хаста одамнинг ҳаётга ташналиги-ю, ҳаётнинг гўзал эканлиги. Иккинчидан, ифода усуллари яқин. Олим Отахонов

ҳикоясида врачлар энди умид узиб уйига олиб келинган шол одам ҳақида ҳикоя қилинади. Қаҳрамондан ҳамма умид узади. Энди унинг ўлими ҳақида ўйлай бошлашади. Унинг ташқи кўринишида ҳақиқатдан ҳам тирик мурдадан фарқи қолмаганди. Бироқ унинг ичида — қалбида чароғон бир нур бор бўлиб, бу нур ҳаётга муҳаббат туйғуси эди. Қаҳрамон эртага ўлимини билса ҳам ҳаётга муҳаббат туйғусини йўқотмайди. Уни тоза ҳаво олиш учун курсиси билан ҳовлига чиқариб қўйишади. Шунда у гул билан ўйнашаётган, сўнг эса гулни ортмоқлаб кетаётган мушукчани кўриб қолади. Бу манзара унинг ҳаётга ташна бўлиб ётган туйғуларининг қопқасини очиб юборади. У гул ва мушук орқали ҳаётнинг нақадар гўзал ва бир лаҳзалик эканини, инсон шу бир лаҳзани бекорга эмас, эзгуликка, гўзалликка буркаб ўтказиши кераклигини англайди. Гул ва мушукни кўриб қаҳрамон ўзининг хасталигини эсдан чиқаради. У гўзалликни ташналик билан кузатади: «Муайятнинг шуурида бирин-сирин гўзалликка тобе туйғуларнинг қопқалари очилиб бормоқда эди. Энг муҳими, шу лаҳзаларда унинг бутун вужуди дарддан фориғланаётганга ўхшарди» дейилади ҳикояда. Қаҳрамон ана шу тариқа ўзининг ҳаётга муҳаббатини намоён этади. Англанган, ҳис этилган ҳаёт энг гўзал ҳаётдир. Зотан, бу бир дақиқалик гўзаллик ростдан ҳам тун қўйнида пориллаб ёнаётган фонус каби умрга мазмун ва тароват бахш этиб туради. Инсоннинг гўзалликка ва ҳаётга ташналиги ҳикояга шу тариқа сингдирилган. Ҳаётга ва инсонга муносабат масаласида Кавабата ва Олим Отахонов бир сафда туради. Нима демоқчиман? Таржима бор экан, адабий таъсир бўлади. Таржима бошқа тилдаги усуллар, анъаналар, турфа ранг ва янгиликларни олиб келади. 80–90–йиллардаги Кавабата асарларининг энг гўзал таржималари Олим Отахонов томонидан амалга оширилди. Олим Отахонов ижодида Кавабата ва жаҳон адабиётининг энг гўзал анъаналари ўзига хос мужассамлашди ва у бадий диднинг юксалишига хизмат қилди.

Умарали НОРМАТОВ. Олим Отахонов — ўзига хос ноёб истеъдод эгаси. Жаҳон адабиётидан яхши хабардор зиёли бу йигит жўшқин, дадил ижодий изланишлар йўлидан борган эди. Афсус, кейинги йилларда у негадир жимиб кетди. Унинг ижод майдонига қайтишини жуда-жуда истардим...

Ижтимоий таҳлил, шахсни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин этиш реализмнинг бош хусусияти. Бу борада улкан реалистлар буюк

кашфиётлар ихтиро қилдилар. Бироқ тажриба шуни кўрсатаётирки, ижтимоий ёндашувнинг ўзи билангина шахс моҳиятини, жумбоғини тўла очиш, ечиш асло мумкин эмас экан; инсон зотининг, руҳиятининг «ижтимоий мезонлар»га, психологик детерминизм қоидаларига тушмайдиган сир-синоатлари бисёр экан. Шахс қисмати ва руҳиятининг аниқ макон ва замон доирасида ягона чизиқ бўйлаб муайян ғоя, қатъий мантиқ асосида йўналтирилган тасвири сўз санъатида бирдан-бир тўғри, мақбул йўл эмас экан. Инсон қисмати ва руҳиятида мантиққа зид, ягона чизиқсиз, ғоят зиддиятли, кутилмаган жараёнлар юз бериши табиий экан. Инсон ҳаётида, жамият тараққиётида қонуният, зарурият деб қаралган кўпгина воқеа-ҳодисалар аслида муқаррар зарурият эмаслиги, улар тамомила ўзгача тарзда ҳам юз бериши, кўпвариантлилиқ, арзимасдек туюлган тасодифлар, киши кўнглида, руҳиятида лоп этиб пайдо бўлган ўй, туйғу-кечинмалар унинг қисматида чуқур из қолдириши, ҳаёт-мамот аҳамиятига молик воқеа-ҳодисаларнинг ибтидосига айланиши мумкин экан. Қисқаси, хаосдан тартибот ва мувозанатга, мувозанатдан хаосга томон узлуксиз ҳаракат бугунги кунда синергетика деб аталаётган фалсафий категория моҳиятини аслида модернизм адабиёти ва санъати кашф этиб берди.

Модернизм бизга керакми ёки йўқми деган гапларни бугунги кунда — XXI асрнинг бошларида эшитиш менга ғалати туюлади. Бу ҳол ўтган асрнинг бошларида стулда ўтириш биз мусулмонлар учун мақбулми ёки йўқ; бизга Фарб адабиётидаги адабий тур ва жанрлар — драма, реалистик роман, қисса, ҳикоялар, замонавий шеър шакллари, замонавий театр, симфония, опера ва балет керакми ёки йўқми деган саволлар теварагида бўлиб ўтган тортишувларни эслатади. Бу хил баҳсларнинг ечимини аллақачон замоннинг ўзи берди.

Реализм билан баробар модернизм ҳам миллий адабиётимизда амал қилмоқда. Афсус, шўро давридан мерос қолган кўркув — модернизмдан чўчиш туйғуси ҳамон мавжуд. Модернизмнинг асл моҳиятини ҳали тўла тушуниб етганимизча йўқ.

Реализм билан модернизмнинг фарқини икки асар қиёсида яққол тасаввур этиш мумкин. XX аср ўзбек адабиётида реализмнинг ёрқин намунаси саналмиш «Қутлуг қон» романидаги Йўлчи образи руҳиятидаги жараён — оддий меҳнаткаш йигитнинг ижтимоий жараёнлар таъсирида ўз ҳақи, ҳуқуқини англаб етадиган онгли ижтимоий шахс ларажасига кўтарилиши — йигит онгидаги ўзга-

ришлар ҳайратда қоладиган даражада пластик тарзда моддий-лаштирилиб берилган. Жаҳон модернизмнинг нодир дурдонаси бўлмиш «Жараён» романида эса айти Иёлчига замондош йигит Йозеф К. нинг ҳеч қанақа мезонларга тушмайдиган, тушуниш-тушунтириш мумкин бўлмаган ўта зиддиятли, ўқувчини адоқсиз ўй-мушоҳадаларга ундайдиган сирли-сехрли табиати, руҳияти фавқуллода бир маҳорат билан бадиий кашф этилган.

Фаройиб парадокс: реалистик образ – Йёлчи барчага бирдек тушунарли экани билан қимматли, модернистик образ – Йозеф К. эса тушуниксиз эканлиги билан ноёб бадиий ҳодиса. Сўз санъати учун ҳар иккиси ҳам бирдек қадрли, ҳар икки йёл ҳам яшашга тўла ҳақли.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Мен бизда том маънода модернистик асарлар ёзилиб, уларнинг мактаблари шаклланди деган тасаввурдан тамоман йироқман. Бироқ ҳар қандай бадиий асар турлича нуқтан назардан таҳлил этилиши лозим. Бир пайтлар устоз Талъат Солиҳов Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи ҳақида сўз юритиб, уни Фрейд ва Кафка асарлари билан боғлаб таҳлил қилишга ҳаракат қилганди (ЎЗАС, 1991 йил, 1 феврал). Бир қарашда ўзбек романидаги Абдуллатиф образи билан Кафка асарлари қаҳрамони ўртасида ўхшашлик борлиги бир оз ҳақиқатдан узоқдай туюлади. Лекин инсоннинг руҳий кечинмалари ҳақида сўз борар экан, ўхшашлик бўлиши ҳам табиий.

Бироқ шу ўринда мен Кафка ўзи ким? Унинг ижоди бизда бот-бот таъкидлашаётгандай «зарарли»ми деган саволга жавоб бериб ўтиш лозим деб ўйлайман. Ҳақиқатдан ҳам биз Кафкани қанчалик биламиз? Менимча, бу саволга жавоб бериш Кафканинг ижоди каби анчайин мушкул ва мураккаб. Кафкани англашнинг бир қанча муаммолари бор. Биринчидан, айрим кичик ҳикояларини ҳисобга олмаганда унинг асарлари ҳали тилимизга тўлақонли тар-жима қилингани йўқ. Иккинчидан, Кафка ижоди махсус ўрга-нилмаган ва умуман унинг асарлари таҳлиliga бағишланган тад-қиқотлар деярли йўқ ҳисоби. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўл-сак, Кафка бизга ҳамон «беғона»лигича қолмоқда.

Кейинги пайтларда юқорида сиз айтгандай бошқа бир хавотир ҳам пайдо бўлаяпти. Кафка сингари ёзувчиларнинг ижодини ўрганиш шарт эмас, бизнинг ахлоқимизга ёт ва улар ўрганишга арзи-майди деган «ҳукм»лар ҳам янграмоқда. Менинг назаримда, аввало, унинг арзимаслигини аниқлаш учун ҳам, аввал уни ўрга-

ниш зарур. Ростини айтганда, биз ҳамон Фарб адабиётига нисбатан «совуқ уруш» муносабатидан нарига ўта олмаяпмиз. Буни шундай ҳолат билан изоҳлаш мумкин: биз ҳануз социалистик реализм деган тафаккур доирасидан четга чиқа олмаяпмиз. Ҳалигача Фарб адабиётини яхшироқ билмаймиз ва билишга ҳаракат ҳам қилмаяпмиз. Савол туғилиши табиий: ўргансак кимга фойда-ю, кимга зиён?

Кафка ёхуд бошқа Фарб ёзувчиларини ўрганиш, биринчи навбатда, бизнинг ўзимизга керак. Биз унинг ижодини ўрганар эканмиз, у яшаган давр ва у мансуб оқим ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишимиз шарт. Қийин оилавий шароит, жамияттаги парокандалик, маънавий таназзул — булар барчаси ёзувчининг бадиий дунёсига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун Кафка асарларида инсонларнинг жонсиз, ҳиссиз мавжудотларга айланиб қолиш хавотири биринчи даражали аҳамият касб этади.

Кафка ижодини ўрганишда икки жиҳатта эътибор қаратиш зарур: булар ёзувчининг кундаликлари ва афоризмлари. Кафканинг йирик асарлари калити аслида унинг кундаликлари ҳамда афоризмларида сақланиб қолган. Нега? Чунки Кафканинг афоризмлари унинг йирик асарларининг юзага келишига замин бўлган. Яна ҳам тўғрироғи, Кафка олами унинг афоризмларидан бошланади. Кафканинг афоризмлари ҳаёт ҳақидаги кескин хулосаларидир. Бу хулосалар қанчалик аччиқ бўлмасин, у ҳақиқатдир. Адиб ўз асарларида гўё динни инкор қилаётгандай туюлади. Роман ва новеллаларида гуноҳга ботган инсон қисматини бор бўй-басти билан тасвирлайди. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчилар Кафкани атеист сифатида таъқиқ этишга ҳаракат қиладилар. Бу фақат юзаки қараганда шундай. Кафка афоризмларида Илоҳий сўзга ишонч бор. У сўз инсонни халос қилишига ишонади. Бу йўлда эътиқод муҳим эканига алоҳида урғу беради.

Инкор ва Иқдор. Кафка ижодини мана шу икки тушунча бирлаштириб туради. Ҳатто буни «Отамга мактуб»ларида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзига бўлган ноодил муносабатдан қанчалик азият чеккан бўлмасин, сиз унда Кафканинг отасига бўлган меҳр-муҳаббатини ҳис этасиз. У ўзининг бошқа асарларида ҳам алаҳ оқибат Инкордан сўнг Иқдор келишини таъкидлайди. «Ҳамма ҳам ҳақиқатни кўра олмаслиги мумкин, бироқ ҳар бир инсон ҳақиқатга айлана олади» — дейди у. «Ижодкорлик, - деб ёзган бир ўринда у, - бу эътиқодда синалишидир».

Ибодат - ижодга чоғланган инсон бу энг аввало ўзини ўзгартиришга, биринчи навбатда, қалб ва руҳият мусаффолигига шайланган инсондир. Ижод-ибодатдан сўнг у ўзгармас, қайсидир ларажада янгиланмас экан, демак, унинг ибодати самимий эмас, қолган барча гаплар беҳуда ва ортиқча гаплар бўлиб қолаверади.

Кафка сўниб бораётган ишонч ва умидлар харобасидан чинакам эътиқод излайди. Ўзидаги иккиланишлардан, шубҳа-гумонлардан, ожизликдан азият чекади. Бироқ у: «Ижод бу ибодатдир» деган қатъий бир хулосага келадики, бу унинг ижодининг ядросини ташкил қилади. Кафка ижоди, бадиияти, тилда, услубда ўзига хослиги, мазмун-моҳияти билан исбот талаб қилмайди. Кафка фашизм балосини кўришга улгурмади. Бироқ у шундай хавф борлигини олдиндан ҳис этди. Ҳар қандай ёвузлик замирида эгоизм — манманлик туришини у ўз асарларида бадиий тасвирлаб берди. Кўпчилик тадқиқотчилар Кафкани пессимист сифатида таърифлашади.

Умарали НОРМАТОВ. Бизда ҳам шундай уринишлар бўлди. Бундан хабарингиз бор. Менимча, булар барчаси Кафкани тушунмасликдан келиб чиққан фикрлардир.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Шу ўринда Шарқ мутасаввуфларининг таълимоти ёдга тушади. Хўш, уларнинг асаларини ҳам биз пессимистик кайфият маҳсули дея оламизми? Йўқ, албатта. Менимча, улар чуқур руҳий жараённинг кўринишларидир.

Кафка асарларида кўпроқ Зулмат, Кўрқув, Бўшлиқ ва номаълумликнинг манзаралари тасвирланади. Мақсад инсонни даҳшатга солиш эмас, балки инсоннинг ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборатдир. Инсонга, унинг қалби ва руҳиятига бўлган ишонч Кафка ижодининг асоси ҳисобланади.

Адашиш инсонга қисматдир. Адашиш ва қийинчиликлар аро ўзига йўл топиш инсоннинг вазифаси ва бурчидир. Инсон ҳеч ким ва ҳеч нарса олдида бош эгмаслиги зарур. Мағрурлик инсон эркинлигининг кафолатидир. Бироқ мағрурлик ва манманлик бошқа-бошқа тушунчалардир. Манманлик инсонни мутелик сари етаклайди, мағрурлик эса юксакликка.

«Жазо калониясида» асарида инсон ўзи яратган машина олдида қулдир. Сиртдан қараганда, инсон ўзи яратган қурилма олдида ожиздек туюлади. Ҳақиқатдан ҳам инсон ўзи яратган кашфиётлари билан ўз келажагини ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйди. Бироқ у ўз ақли ва қалбига бўйсунса, ҳар қандай тўсиқни

ҳам энгишга қодирдир. Ўз қалбига қулоқ солмас экан, ўзи яратган машина — фожианинг қурбони бўлиши тайин. Бироқ Кафкада инсон қудратига бўлган асов бир ишонч сезилиб туради. «Очлик устаси», «Жазо калониясида», «Эврилиш» — булар энг аввало инсон бардошининг синов саҳналаридир.

«Эврилиш»да ғайриоддий воқеа ҳикоя қилинади. Ўқувчи бошида унчалик ишонгиси ҳам келмайди. Бироқ ҳикояни ўқиш лавомида ёзувчи услуби табора ўзига мафтун этади ва сизни воқеликка ишонтира олади. Ҳикоя қаҳрамони Грегор Замза эрталаб уйғониб ўзининг ҳашаротга айланиб қолганини кўради. Адиб бу ғайриоддий воқеани шунчалар маҳорат билан ҳикоя қиладики, ундаги арзимаган кичик бир нуқта ёки ҳаракат ҳам эътибордан четда қолмайди. Грегор Замзани кўпроқ унинг мана шундай ҳолати эмас, балки ишхонадаги хўжайини қандай деб тушуниши қизиқтиради. Эшикнинг ёпиқлиги, ташқаридагиларнинг, ота-онаси, синглисининг унинг тилига тушунмаслиги барча-барчаси рамзий маъно кашф этади. Бу асар кўпроқ қадим эртақ ва мифларни ёдимизга солади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам эртақ ва мифлар Кафка асарларига калит топиб бериши бежиз эмасдир? Зеро, «Эврилиш»даги воқелик эртақлардаги воқеликка ўхшаб кетади. Қайсидир табуни бузганлиги учун махлуққа айланиб қолган йигитни фақат бир нарса инсон севгиси — муҳаббат қутқара олади. Кафка ҳам ўз асарларида инсонларнинг бир-биридан узоқлашиши ҳалокатли эканини урғулайди.

«Жараён»да бу муносабатлар янада ҳалокатли эканлиги, бунинг учун инсон ўз қалби ва виждони олдида жавобгар эканлиги таъкидланади. Йозеф К. ҳашаротга айланмаган. Бироқ унинг ҳаёти ҳеч бир аҳамиятга эга эмас. Тушуниксиз. Чунки у ҳам бошқаларни эътилошга тушунунишга қодир эмас. Атрофидаги олам — одамлар билан унинг яқинлик ришталари узилиб, бегонага айланган. Роман сўнггида ўлими олдидан қаҳрамон «худди ит каби» ўлим тоғганини эътироф этади. Яъни у бемазмун ҳаёт кечирганини, на дуст, на бирор аёл билан самимий муносабати бўлолмаганини, ҳеч қандай муҳаббат тушунчалари унга буткул бегона эканлигини аъло эътибор билан айтиб беради.

Албер Камю «Жараён» ҳақида фикр юритиб, «Ақл фожаияти» воқеликка кўчирилганини таъкидлайди. Кафканинг бошқа асарларида даҳшатли суд жараёни қаламга олинади. Бу жараён, энг аввало, инсон ўзлигини унутган лақиқалардан бошланганига эътибор қаратади. Инсон ўзлигини, қалбини унутганда, у фожиалар таърифи

бида қолади. «Тўйга тайёргарлик»да суд, ҳукм ҳақида гап йўқ. Лекин қўрқув ва ваҳшат саҳнаси унда ҳукмронлик қилади. Бу саҳна «Хукм»га ўтиш учун тайёргарлик, бўсага вазифасини ўтайди.

«Хукм»да ўз фожиасини англаган қаҳрамон ўзига ўзи ҳукм ўқийди. Тўғрироғи, Ҳақиқатга юзма-юз келганди у ҳукмни қабул қилишдан бошқа чораси қолмайди. Инсон олий мақсад ва эзгу туйғулар билан яшайди. Мақсад йўқолган кундан бошлаб унинг ўлими — ҳалокати ҳам бошланади. Ёлғон-яшиқлар қанчалик улуғ бўлмасин у ҳалокатни яширишга қодир эмас. Бу азалий ҳукмдир. Ҳикоя қаҳрамони хорижда яшаётган дўсти борлигига, у билан хат ёзишиб турганига қайлиғини ҳам, отасини ҳам ишонтирмоқчи бўлади. Бироқ отаси ҳаммасидан — дўстининг уч йил олдин вафот этганидан хабордор эди. Фожа шундаки, у ўзини ўзи алдаб яшаб юрган, аллақачон отаси учун ҳам, дўсти ва бошқалар учун — бегонага айланиб бўлган, тўғрироғи, у ўзига ўзи аллақачон ҳукм ўқиб қўйганди.

«Жараён»да Йозеф К. ўзини нима учун суд қилаётганини тушунмайди. Тўғрироғи, у бунга интилмайди ҳам. Муҳит уни ана шундай қарахт қилиб қўйган. У ҳеч кимни севишга ҳам қодир эмас. Унинг Бюрстнер хонимга бўлган муносабати ҳам тушуниксиз. Овқаталана туриб тасодифан уч йилдан буён онасини кўрмаганлигини эслаши, ҳаётидаги маъна шундай тушуниксиз, маънисизлик ва совуқ муносабат унинг фожиасидир. Аслида бундан-да улканроқ фожа бўлиши мумкин ҳам эмасди. Кафка ўзини қийнаган, ўзида ҳис этаётган туйғуларни қаламга олган, инсонларнинг бир-бирига бегоналашуvidан-да улканроқ фожиянинг ўзи йўқлигини бадиий идрок этишга ҳаракат қилган эди.

Умарали НОРМАТОВ. Мен ҳам «Жараён»ни Кафка ижодининг чўққиси деб биламан. Бу асарни ўқиркансиз, катта адабиётни шахсларгина яратишига ишонч ҳосил қиласиз. Бу асар нафақат Кафка ижодини, балки жаҳон адабиётини ҳам янги бир поғонага кўтарди.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Кафка асарларидаги яна бир хусусият у худди туш кўраётганга ўхшайди. «Жараён»да ҳам, «Кўрғон»да ҳам қаҳрамон гўё туш кўраётгандай, ҳозир беҳос уйғониб кетадигандай туюлади. Худди тушдагидек бу асарларда ҳам макон ҳам, замон ҳам, реал воқелик ҳам йўқ. Барчаси худди тушдаги каби рамзий мазмун кашф этади. Кафка асарларига тушлар йўл очиб беради.

Эрих Фромм «Жараён»ни таҳлил қилар экан, унга худди туш каби тимсоллар тилида ёзилган, улкан бадиий асар дея баҳо беради

ва «Бу романни тушунош учун, - дея давом этали, - бу роман макон ва замондан холи бўлган узун, мураккаб тушун, ҳаётгандай тасаввур қилиш керак»лигини айтиди. Шу маънода Камю асарлари маълум маънода автобиографик романдир.

Албер Камю Кафка асрлари ҳақида фикр юритиб: «Жараён» адиб ташҳис қўяди, «Қўрғон»да эса уни лаволайди деяди. Ҳақиқатдан ҳам «Жараён»да К. умрининг охиригача ўз жамиятта ётлигини илғашга қодир эмас. «Қўрғон»да эса К. бундан наватда, ўзи бегона бўлган жамият билан тил топишга араб қилади. Кафка асарларидаги совуқ, қарахт персонажлар аслида, ҳаётларидаги инсоний туйғулардан мосиво бўлган кишилардир.

Ҳар бир асар бу ижодкорнинг дунёга янгича нигоҳидир. Ёнигоҳ қанчалик теран ва сержило бўлса, шунча яхшидир. Асар ўз асарларида ҳаётдаги оддий ва ғайриоддий, мантиқли ва ғайримантиқли, умумий ва хусусий, кулгили ва фожиавий ҳолатларни қиёсий планда берадики, бу ҳолат Камю айтганидек. Кафка асарларига ўзига хос оҳанг ва мазмун бағишлайди.

«Қўрғон»да ғайриоддий воқеалар эмас, қўпроқ қўрқоқ воқеалар биринчи планда тасвирлангандек туюлади. Барибир инжуритувчи К. нинг Қўрғонни излаши, бу йўлда унинг самараси ҳатти-ҳаракатлари ҳикояга ғайриоддийлик бағишлайди.

«Қўрғон»да асар қаҳрамони иш юритувчи К. махсус топширққяъни Қўрғондаги ишларни юритиш учун ташриф буюрган. У «Қўрғон» яқинидаги унга нотаниш бўлган овлоқ бир қишлоққа тунда етиб келади ва ноилж шу ерда тунаб қолишга мажбур бўлади. Унинг вазифаси Қўрғонга етиб бориб, ўз ишига киришиш. У бир неча бор шу қишлоқда гуриб Қўрғондагилар билан телефон орқали гаплашади, улардан кўрсатмалар олади. Бироқ ҳар қанча уринмасин у Қўрғонга йўл тополмайди. Унинг ҳар гунаги ҳаракати беасмас кетади. У бундан тушкунликка тушмайди. У ўзида яна ва яна ҳаёт топиб, мақсад сари интилаворади. Охирида маълум бўладики, қишлоқдагилардан ҳеч ким Қўрғонни кўрмаган, умуман, Қўрғонда ҳеч қанақа телефон ҳам бўлмаган.

К. ҳар тонг Қўрғонни топиш илинжила йўлга чиқиб, кечқурун яна ўша жойдан чиқади. Эртасига у яна шу тахлит илганини тартиб давом эттиради. Дастлаб ундан бегонасираган, ётсирган қишлоқ аҳли табора унга яқинлашиб, оқибатда уни ўзларининг одамидек сифатида ҳисоблай бошлашади. К. инсонлар билан муносабатини тиклашга, ўртадаги бегонастикни йўқотишга ҳаракат қилади.

Зеро, у Қўрғонга йўл қишлоқдаги инсонлар қалби орқали боришини билади. Бора-бора К. шу қишлоқдан кўним топиб, ҳамма одамлар билан бақамти яшашни орзу қилади. Шу сабабли ҳам «Жараён»даги Йозеф К. дан фарқли ўлароқ унинг қишлоқ аёлларига, айниқса, Фридага бўлган муносабати самимий. У қалбида Фридага улкан бир Соғинчни ҳис этади. Кафка наздида инсон умрининг мазмунини мана шундай соғинч, оддий инсоний муносабатлар ташкил этади.

Кафка ким эди? Кўпгина ижодкорларда бўлганидек, ҳаётда бошқа, ижодда бошқа қиёфада эдимиз? Ижодкор Кафка билан шахс Кафка ўртасида тафовут бормиди деган саволнинг туғилиши табиий. Кафка қандай яшаган бўлса, ижодда ҳам шундай бўлишга ҳаракат қилди. Унинг ҳаёти ҳам, ижоди ҳам қанчалик мураккаб бўлмасин ёлғондан холи эди. У шахс сифатида атрофидаги зулмга, зўрликка, адолатсизликка қарши тура олди, ўз ақидалари ва ўз виждонига содиқ қолди. Кафка ўз ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини курашиб, енгиб олди.

Умарали НОРМАТОВ. Кафкани хаста, мажруҳ, ожиз-нотавон кимса сифатида тушунадиганлар ҳам бор. Аслида у, сиз айтгандай ўзини, қалбини бетиним тафтиш этган, ҳамиша бедор изланувчан, руҳан пок, ўта ростгўй чин инсон ва ижодкор бўлган.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Вақт — тараққиёт ҳамиша улкан машинага айланиб, инсондаги эзгу хислатларни янчиб ташлашга ҳаракат қилади. Хўш, инсон қандай ўзини сақлаб қолиши мумкин? Кафка асарларида бунга жавоб бор — Инсон бир-бирига меҳр-муҳаббатли бўлиши, инсоний туйғуларни йўқотмаслиги лозим.

*Ёрим тўни беқасам,
Ёқасига гул солсам, -*

дейлади ўзбек халқ кўшиқларидан бирида. Хўш, бу кўшиқнинг Кафка асарларига қанчалик алоқаси бор? Юзаки қараганда, ҳеч қандай. Лекин моҳият эътибори билан ушбу ва бошқа кўплаб кўшиқларимиздаги мазмун билан Кафка асарларидаги мазмун бир-бирига яқин эканлигини кўрамыз. Биринчидан, ҳар икки ҳолатда ҳам моҳият рамзлар тилида баён этилган. Рамзлар тили эса Фромм айтганидек, барча халқлар учун хос ва ҳамма билиши шарт бўлган умумий тилдир. Қолаверса, кўшиқдаги куйланаётган гул оддий гул эмас, ёрини бало-қазолардан асрайдиган ҳомий-қалқондир. Шунинг учун ҳам эртақ ва дostonларимизда гул кўп куйланган.

Гул нафақат фольклорда, умуман, ёзма адабиётда ҳам анча кўпгина мал поэтик образдир. Гул ҳаминша поэтик маънода илҳомини жонвалентидир, аёл ҳаминша қаҳрамоннинг муроли қадимий эркакнинг ўзлиги, «мен»лигининг тимсолидир.

«Эру хотин — қўш хўкиз» деган мақол бор халқимизда. Маънави содда ва чуқур фалсафий мазмунга эга. Тан бу ерда турмушнинг оғир ва енгилликларига барабар жамиятнинг эркакнинг энг аввало, жуфтлик бу Мавжудликнинг биринчи шартидир. тараққиёт қонунидир. Фожиалар эса шу жуфтликнинг бузилишидан бузилган жойдан бошланади. Эркакнинг аёлдан узоқлашиши ва азаллий жуфтидан айрилиши бу унинг келажигидан, «футурда» айрилишидир. Бу жамиятдаги парокандаликнинг бошланғич шартидир. Инсонларнинг бир-биридан узоқлашиб, ётлашуви билан боғлиқ улканроқ фожианинг ўзи йўқ.

Кафка асарларига шу тахлит ёндашсак, ундан маънави пардалари кўтарилиб, бизга табора тушунарли бўла боради. Бизга бунини бирор бир Ғарб ёзувчиси ёзганига ишонгингиз келмас қўлади. Гўё халқимизнинг қадим мифларини бизга Кафка Ғарб асар воқелигига кўчириб қайта тақдим этаётгандай туюлади.

Кафкани натуралист, модернист, экзистенциалист, реалист сифатида ҳам таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Кафка инсоннинг серқирралиги ҳам шундаки, у турлича нуқтаи назарлардан таҳлил қилиш имконини беради. Кафка қанча ўрганилмасин, у яна сирлилигича, жозибадорлигича қолаверади. Саҳнада бир оҳанрабодек китобхонларни ўзига чорлаб, инсон матонатини, буюклиги ва теранлигидан сабоқ беради.

Инсоннинг маънан чуқурлашишига, руҳан янгиланишига бугун энг катта эҳтиёж бор. Ана шундай паллада, шубҳасиз, Кафкага ўхшаш ижодкорларнинг асарлари бизга энг яқин ёрдамчи бўлишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Умарали НОРМАТОВ. Такрор айтаман: модернизм кимнингдир хоҳиш-истаги ёки Оврўпага тақдид оқибати эмас, балки замона зайли — замондош ижодкорларнинг руҳиятидаги, ижодий тафаккурдаги эврилиш, ўзгариш, янгиланишлар ҳосиласи. Ёзувчи ижодкордан ўзи ҳис қилган, ўйлаганидан бошқача ёзишни қутқиш, бундан ҳам ёмони, ўзгача фикрлаш, ёзишга ундан тирг бемаънилик! Шўро даврида бундай йўл қанчилар қимматга тушганлигини унутмайлик. Пул — нафс балоғисига муваппақ бўлиб мол-мулк дунёсига шўнғиб инсонийлик қиёфасини йўқотган, нафс деб туноқнинг қарча

қўл урган ёки нафс кўйида бу дунёнинг одам боласи учун ҳада этилган не-не маънавий бойликларидан, лаззатларидан бебаҳра ўтиб кетган кимсалар қисмати ҳақида кўп ёзилган. Реалистик адабиётда бу хил қисматларнинг ижтимоий илдиэлари, моддий-маънавий сабаблари теран таҳлил этиб берилган. Эшқобил Шукурнинг «Пул санаётган одам» ҳикояси ҳам бир қарашда ўшандай асарлардан. Бироқ бу ерда «нафс бандаси», «пул жинниси»нинг нафс йўлига кириш сабаби бутунлай ўзгача. Ҳикоя персонажини реалистик асарларда талқин этилганидек, шароит, муҳит, масалан, муҳтожлик бу йўлга бошлаган эмас. Кимларнингдир таъсирида «пул жинниси»га айлангани йўқ. Аслида, унинг қонида ҳам бунақа майл аломатлари кўринмайди. У муайян фурсат вақт ўтказиш мақсадида шунчаки эрмак учун чўнтагидаги пулни санаишга тушади ва бирданига бу бандаи ожизнинг нотовон кўнгли санаётган пулнинг адади чексиз бўлишини истаб қолади, шу ҳаёлда кўлидаги пулни қайта-қайта санайверади, санайверади, кичкина оиласи учун энг ардоқли кун — ўзининг, севикли қизининг туғилган кунини нишонлашни ҳам, оила қувончларини ҳам унутади, у пул санаишда давом этади; дақиқалар, кунлар, ҳафталар, ойлар, йиллар ўтади, пул санаётган бу одам теварак-атрофдаги ҳодисаларни, макон ва замонни, қолаверса, ўзини ҳам унутади, 27 ёшлик навқирон бахтиёр йигит бетиним пул санаб 90 ёшли ночор-нотавон қарияга айланади ва жон таслим этади... Оддий реалистик манзара, ҳолатлар тасвиридан бошланган ҳикоя бора-бора ҳаёлий-фантастик тус олади.

Реализм мезонларидан кслиб чиқиб ҳикояда персонаж фожиасининг ижтимоий илдиэлари очилмаган деб даъво қилиш мумкин. Бироқ инсон ҳаёти, қисмати ҳамиша ҳам «реализм мезонлари асосида» боравермайди. «Пул санаётган одам»даги каби арзимас тасодиф, шунчаки эрмак, ўйин тарзидаги ҳолат-ҳаракат уни умр бўйи давом этадиган фожсий йўлларга бошлаб кетиши мумкин. Эшқобил ўз ҳикоясида бугунги ўзбек адабиётида мана шу ҳақиқатни бадийи кашф этиб берди ва модернча ҳикоянинг яхши бир намунасини яратди.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Бундай янгича талқинларни бошқа ижолкорларда ҳам кўришимиз мумкин. Мисол учун қашқадарёлик ёзувчи Темурпўлат Тиллаев бундан бир неча йил олдин ўзининг «Чоҳ» (Иккинчи номи «Ўлим ўпқони») қиссасини эълон қилди.

«Чоҳ» шакл, воқеалар қурилиши, сюжет йўналиши, тил жиҳатидан ҳам биз кўниккан анъанавий насрдан фарқли асар. Асар

қахрамони Турон, қишлоқ ҳакими, рўзномачи йигит — ягона тақдир эгалари, соддароқ айтадиган бўлсак, бир кишининг уч хил кўриниши, бир жараённинг уч хил босқичи. Шу учга бўлинган «мен» «чоҳ»нинг мавжудлигини бир-бирига ҳикоя қилиб беради. Қисса бошида рўзномачи йигитнинг уйига келган ҳаким Туроннинг ғалати касаллиги, сирли ўлими ҳақида сўзлаб беради ҳамда Туроннинг дафтарини ўқигач, унинг ўзи ҳам Турон каби ғалати касалга йўлиққанини айтади. Бир ойлardan сўнг ҳаким ҳам худди Турон каби «чоҳ»га тушиб, суяклари майда-майда бўлиб ҳалок бўлади. Ҳакимнинг ўлиmidan сўнг рўзномачи йигит ҳам уйқусизлик ҳамда турли шовқинларни эшитиш ва тушидан қўқиб туриш касалига йўлиқади. Касалликни қанча даволамоқчи, ундan қочмоқчи бўлса, унга шунча кўп мубтало бўлаверади. Охири у ҳам ҳаким қолдириб кетган Туроннинг дафтарини ўқишга тушади. Унда «Чоҳ» номли қисса ёзилган эди. Рўзномачи йигит ҳам «Чоҳ» — маъжужлар қурган чоҳни кўриб қолади ва шунла ҳаким ҳикоя қилиб берган Турон унинг ўзи эканлигини, бир пайтлар Турон тахаллусида шеърлар ёзгани ёдида тушади. Туронни, ҳакимни, комига тортган, энди эса рўзномачи йигитни ҳам тортган тахаллусланаётган чоҳнинг мавжудлигини англаш қиссанинг асосий воқеаси дейиш мумкин. Аслида, биринчи шахс номидan ҳикоя қилинган қиссада воқеанинг ўзи йўқ. Баъзан қайси «мен» тахаллусида ёзилганини ҳам ўқувчи бирдан англаб ололмайди. Туронми? Ҳакимми? Рўзномачи йигитми? Асар охирига бориб, унда «мен» ягона «мен»га айланганчигина гап нима ҳақда кетаётганини бир-бирига ойдинлашади. Аммо асар бир ўқишда барча тугунлари бир-бирига ойдинлашадиган асарлар сирасига кирмайди. Шунингдек, қисса ўқиш учун ўқувчидан маълум малака талаб қилинади. Асосан, ҳеч курса исломий фалсафадan, Алишер Навоийнинг «Садриддин Искандарий» асари ҳамда Борхеснинг «Ўлмайдиган одам» ҳикоясининг фалсафий шарҳларидan хабардор бўлмоғи керак. Чунки асарда «мен»лар «Искандар девори», «имон салтанати», «маъжуж маъжужлар» каби тушунчалар ҳақида берилиб кетган. Борхес қахрамони билан бирга инсонни тубаниклдан чоҳдан олиб чиқариб, қиш йўлини излашади. Оқибатда эса Искандар девори ҳақида сўз қилган ҳам, «Ўлмайдиган одам» ҳам, инсониятни жаҳондан олиб чиқариб қолиш учун суҳуфлар тиловида қилаётган ҳам «мен» «мен»га айланади. Қиссанинг шаклидаги ўйига ҳосил бўлган «мен»нинг муваффақияти, леб тан олиш мумкин. Аммо муваффақият

шакл билан чекланиб қолмаган. Бу асар миллий мифга қўрилган. Асардаги «чоҳ» ва Искандар девори Алишер Навоийдан олинган. Искандар ўрнатган девор моддийдан кўра маънавийга алоқадор. Инсон ўз қалбига имон деворини ўрната олса — у ўзи ва дунё устидан галаба қозонган бўлади — бу инсон фалсафасининг асоси. «Чоҳ»нинг қаҳрамонлари ана шу деворнинг бузилганини, имон ва имонсизлик ўртасидаги чегара олиб ташланганини, дунё ҳудудсизлик, меъёрсизликка фарқ бўлганини, инсоннинг ҳаёти жаҳолат қўпчиган, руҳ ўлган, илоҳиёт сўнган, тубанлик чуқурлашган ҳайвоний тартиблар ўрнатилганини кўриб қоладилар. Ана шу ўзларини англаш жараёни ёвузликдан кутулиш ҳисси, изтиробли ва азобли «мен»нинг пайдо бўлиши қиссанинг бош йўналишидир.

Англаingan, англанаётган «онг» касаллиги тафаккур касаллигидир. Жамиятда фикрсизлик, мутелик, лоқайдлик, ўз бурнидан нарини кўрмаслик авж олган пайтда фикр қилиб, изтироб чекиш кишига касаллик даражасида оғриқ беради. Турон, ҳаким ва рўзномачи йигитнинг «касаллиги», девонатабиатлиги чоҳни кўргандан кейин бошланади. Искандар қурган девор ўрнида энди чоҳ пайдо бўлган. Чоҳ ҳаммани ямлаб ютмоқда, аммо ҳеч ким унга эътибор бермайди, уни кўрмайди, кўролмайди. Одам ҳаётининг ўзи чоҳ. Одам ақлининг ўзи чоҳ. Умр агар олий тафаккур, ҳақ томон интилишдан, озод яшашдан тўхтаса чоҳга айланади. Агар фикр ўлиб, фикрсизлик, жимлик, лоқайдлик, мутелик ҳукм сурса одам тафаккури ҳам чоҳга айланади. Тафаккур «касаллиги» билан оғриганлар бундай туйғулардан бебаҳралар наздида «касал» бўлиб туюлиши табиий. Мажнун, Мышкинлар ҳам жамиятда девона деган ном олган эди. «Чоҳ»ни турлича шарҳлаш мумкин. Ёзувчининг муваффақияти ҳам шундаки, у бизга асарни турлича шарҳлаш имкониятини беради. Хусусан, тан руҳ учун чоҳдир. Эркин одам учун асосида тубанлик ётган тартиб-қоидалар чоҳдир. Ўйғонаётган одам чоҳни кўргачгина уйғонади. Руҳ уйғонган сайин чоҳда бошқа яшашни истамай қолади. У озод ва эркин бўлгиси келади. Шу сабабли ҳам у чоҳнинг чегарасини бузади. Хулди Турон ва ҳаким «чоҳ»нинг чегарасини бузгани каби («Сеникига келиб улар қўйган чегарани буздим» дейди ҳаким рўзномачи йигитга). Қиссада яна турли-туман шарҳланиши, талқин этилиши мумкин бўлган рамзий ҳолатлар анчагина. Хусусан, қишлоқни итбалиқлар (сассиқ кўлмакка кўниккан) босиб кетиши, бир ҳафта тинмай ёмғир ёғиши, сирли дафтар (кимки дафтарни ўқиса касалликка мубтало

бўлади. Дафтар қаҳрамонларининг тақдири. Кимдир ўзи тақдирини ўқий олади, кимдир эса йўқ), зинапоя, зулм ва зўравонлик сура-тини чизиб берадиган рассом ва ҳақозалар. Бу рамзларни шарҳлаш қисса ҳақидаги фикрларни янада тўлдиради.

«Чоҳ» ёзувчининг воқеликни мифологик ва фалсафий тасвирлашга интилаётганини кўрсатади. Асарла биз айрим ҳолатлардан ташқари, реал одамларни, реал воқеликни кўрмаймиз. Аслида асар реал воқелик эмас, бизнинг ички оламимиз, ички дунёмиз ҳақидадир.

Умарали НОРМАТОВ. Ҳозирги китобхон олди-қочди, детектив, фантастик адабиётга ўч, жиддий асарлар уларни қизиқтирмай қўйди, деган гапларга тўла қўшилиш қийин. Бразилиялик Пауло Коэло романлари жаҳонда (жумладан, бизда ҳам) катта қизиқиш билан ўқилаётганлиги жиддий-фалсафий асарларга бўлган майл ва иштиёқ сўнмаганлигини яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Пауло Коэло романларини жаҳонга машҳур қилган омишлар нималардан иборат? Ёзувчи асарларининг жозиба сири, эҳтимол, танқидчилар таъкидлаганидек, муаллифнинг реализм, ҳаёлот, фалсафийлик ва рамзийлик уйғунлашиб кетган услуби, тилининг мусиқийлиги, ўқувчи қалбига, ҳиссиётига кучли таъсир кўрсатувчи тасвир тарзидир? Булар қанчалар аҳамиятли бўлмасин, Коэло асарларининг ўқувчини мафтун этган бош омили, менимча, улардаги концепциянинг жозибадорлигида, «миллионлаб китобхонлар тақдирини ўзгартиришга қодир» сеҳрли анъанавий кучдадир. Ёзувчи роман муқаддимасида ўз концепциясини ошқора баён этади, «асар асосида ётган бош гап «Ўз тақдиринг деган тушунчадир» деб ёзади ва бу тушунчани яна ҳам аниқроқ изоҳлаб беради: «Хўш, ўз тақдиринг нима дегани? Бу — бизнинг олдиндан белгиланган қўйилган қисматимиз, Эгам томонидан бу дунёда — Ер юзида бизга раво қўрилган ҳаёт йўлидир. Ҳар гал бирор амални ҳузур қилиб, ҳар сон билан бажарадиган бўлсак, билингки, биз ўз тақдиримизга риоя қилиб бораётган бўламиз». Афсус, ўзининг энг ардоқли орзуларини йўлида дадил боришида ҳаммада ҳам матонат етишавермайди. Муаллиф қарашича, китобдек муқаддас битик одамларни ўз тақдири йўлида матонат билан курашга даъват этиши даркор. Роман бошидаёқ алиб шу ҳақда баҳс очади. Кекса донишманд асар қаҳрамони Сантьяго қўлидаги китобга ишора қилиб дейди:

— Деярли ҳамма китоблар нима тўғрисида бўлса, бу китоб ҳам ўша тўғрида, — деб давом этди қария. — Одамзот ўз тақди-

рини ўзи танлаш иқтидорига эга эмаслиги тўғрисида. Бу китоб бошдан-оёқ бир мақсадда ёзилган — у ҳаммани ёруғ жаҳондаги энг катта ёлғонга ишонтирмоқчи бўлади.

— Ёруғ жаҳоннинг энг катта ёлғони нима экан? — деб ҳайрон бўлиб сўради Сантьяго.

— Нима бўларди? Қайси бир лаҳзада бизнинг ҳаётимиз ўзимизга бўйсунмай қўяди. Шунда ҳаётимизни тақдир бошқара бошлар эмиш. Учига чиққан ёлғон...» («Жаҳон адабиёти», 2003, 1-сон. 18-бет)

Ницшедан бошланган, қарийб бир аср қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган қараш, шундай қараш асосида битилган сон-саноқсиз асарларга қарши исён эмасми бу?! Умуман, Козло романлари бир асрлик жаҳон модерн адабиёти ривожига концептуал жиҳатдан кескин бурилиш бўлиб туюлади менга.

Бугина эмас. Козло романларида муқаддас самовий диний китоблар — Таврот, Инжил, Қуръони Карим таълимотларининг қандайдир синтезини, инсон табиати, моҳияти, руҳияти хусусидаги XX асрнинг стакчи фалсафий қарашлари, табиий фанлар тажрибалари уйғунлигини ҳам яққол кўриш мумкин.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. «Жаҳон адабиёти» журналида «Педро Парома», «Чўл бўриси», «Китлар худоси», «Жараён» ва «Алхимик»ка ўхшаш жаҳон адабиёти намуналарининг чоп этилиши маънавий ҳаётимиздаги улкан воқеа деб биламан. «Алхимик» асарининг янгилиги нимада? Энг аввало, бу Фарб адибининг яна Шарққа юз буришидир. Одатда ёзилаётган асар ё оммавий китобхонга, ё хос китобхонга манзур бўларди. Иккала тоифага ҳам баб-баравар манзур бўлган асарлар камдан-кам учрайди. «Алхимик» романи дастлаб интернетда эълон қилингандан буён унга мистик, бестселлер ва фалсафий-бадий асар сифатида ҳам баҳо беришди. Ҳақиқатдан ҳам романга турлича нуқтаи назардан ёндашиш мумкин. Романни оммавий китобхонлар ҳам, хос китобхонлар ҳам бирдай севиб ўқишмоқда. Оммавий китобхонни асарнинг ҳажми, ундаги мистика ва романтизм ром этаётган бўлса, хос китобхонларни асардаги фалсафа ва янгиича оҳанг ўзига жалб қилмоқда.

Роман қаҳрамони Сантьяго нега чўпон қилиб олинди? Мифологик талқинга кўра чўпон бу қадриятлар кўриқчиси, эзгулик йўлбошчисидир. Унинг уч олам — ер ости, ер усти ва кўк сирларидан воқифлиги, табиат билан сирдошлиги уни маъбуд, маданый қаҳрамон даражасига кўтарди. Сантьягонинг мақсад йўлидаги интилиши, журъати ўқувчини бир оз ҳайратга солади. У

маълум бир нуқтада, Фотимадан кўришган кўйини эса ўзига мумкин эди. Бироқ илҳий сирдан воқифини эди эди ўзига сўясини сўялига ҳалар ато эди.

Инсоният тарихи қачондан бошланган? Шундан эди фикрлай бошлагандан бошлади. Шу маънода тарихи бу бошланган шахснинг тафаккур тарихидир. Одам Одам Маънада бошланган табуни бузиши — бу уларнинг фикрлай бошланганидан эди эди. Англаш — яратган билан бир оутуришқини ҳис қилиш эди. Эса айролик — ўзликни англаш йўлини босиб ўтиш эди. Шу маънода ҳар қандай ижод бу ўзликка ятадиган йўлдир. Бу йўл ала оқибат яратганга олиб боради.

«Алхимик» бу — притча. Ёзувчининг маҳорати ҳам шундаки, у оддийгина бир эртақни бадний-фалсафий асарга айлантира олган. Сантягонинг излагани нима эди? У орзу-умиди йўлида жуда кўп машаққатларни босиб ўтади. Машаққатларининг сўяида у излагани — ваъда қилинган бойликка етиша олмайди. Бироқ, у бошқа бир бойликни — ўз қалби ва муҳаббатини топади.

Умаралш НОРМАТОВ. Мени қувонтирадиган жиҳатлардан бири шуки, бугунги миллий шеъримиз, насримиз намуналарида, хусусан, ёшлар ижодида Коэло романлари билан айрим муштаракликлар бор. Жумладан, Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» романида.

Улуғбек Ҳамдамнинг «Ёлғизлик» қиссасида ҳам инсон руҳияти ва қисматида шу ҳақда янгича ёндашиш устувор. Қисса ҳақида кўп илқ гаплар айтади. Афсус, асар моҳияти ҳақи танқилчиликда етарли очилган эмас. Пауло Коэллонинг «Алхимик» романи ваби «Ёлғизлик» ҳам ёш ёзувчи Улуғбек Ҳамдам ижодида програм характердаги асар бўлиб қолса ажаб эмас. Унинг «Мувозанат» ҳамда яқингинада ёзиб тутатган «Исён ва итоат» романлари ваби «Ёлғизлик»дан униб чиққан. «Ёлғизлик» уруғларидан яна кўпга асарлар униб чиқажағига ишонгинг келади.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Гапимнинг пировардида бир нерзани айтиб ўтмоқчиман. Биз бирор бир асарга баҳо бераётганда ҳақи ҳам маҳаллийчилик доирасидан чиқиб кетолмаямиз. Бу умуман, адабиёт ва адабиётшунослик учун ҳам хатарли ҳолдир. Биздаги кўпгина иқтидорларнинг эрта сўнишига кўпинча мана шундай маҳаллийчиликдан келиб чиқилган танқид ёки мақтовлар сабабчи бўлган. Биз буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

«Мувозанат» ҳақида матбуотда турли хил мулоҳазалар билдирилди. Бу табиий ва уларнинг қанчалик ҳақиқат эканлигини

вақтнинг ўзи кўрсатади. Бу Улуғбекнинг илк романи. Бизда ижодкорлар маълум бир ёшга етгандан сўнг, дейлик қирқ-эллик ёшдан ошгандан кейин, яъни маълум бир ҳаётий тажрибага эга бўлгандан кейин роман жанрига қўл уришади деган тасаввур мавжуд эди. «Мувозанат» эса роман жанри учун маълум ҳаётий тажриба эмас, балки ижодкор кечинмаси муҳим эканлигини кўрсатди.

Умарали НОРМАТОВ. Адабиёт тарихида истисно ҳоллар ҳам мавжуд. Кафка «Жараён» романини ёзишга киришганда эндигина ўттиз ёшдан ошган эди. Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар»ни йигирма олти ёшида ёзиб тугатган. Абдулла Қаҳҳор ҳам «Сароб»ни айти шу ёшда битганди.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Тўғри, бунақа ҳоллар ҳам бор. Улуғбек ҳам бу романини ўттиз ёш бўсағасида яратди. Роман воқеалари кимгадир ҳақиқатдан йироқ, «тўқиб чиқарилган»дек бўлиб туюлган бўлиши мумкин. Лекин куни кеча биз ҳаммамиз айнан шу каби кечинмаларни бошдан кечирмадикми? Шу маънода «Мувозанат»даги воқеликка шафқатсиз муносабат ҳар жиҳатдан ўзини оқлайди. Романда, менимча, энг муҳим образлардан бири бу Амирлир. Романда у бир оз руҳий жиҳатдан хаста қилиб тасвирланган. Аслида касал ким? Умрнинг, ҳаётнинг, дунёнинг моҳиятини англашга интилаётган Амирми ёхуд жамиятнинг қолипига тушган, бемаъни ва беҳуда ҳаёт кечираётган бошқаларми? Амирнинг изтироби бу уйғонаётган, «соғаяётган» қалбнинг изтиробларидир. Руҳи уйғонмаган бошқалар учун бу бемаъни ва хасталик бўлиб туюлиши табиий. Юсуф бошқалардан фарқли ўлароқ ҳаёт қийинчиликларига қарши мардона тура олган, умрнинг мазмуни руҳият ва моддият бирлиги эканлигини англаган инсондир. Юсуф моддиятчилар орасида «яшаса»-да, аслида Амирнинг «олами»га мансуб. Шунинг учун Юсуф ва Амир образлари бир-бирини тўлдирувчи образлардир. Юсуф образидаги энг муҳим жиҳат унга «инсонни янгиб ташлаш мумкин, бироқ уни энгиб бўлмайди» деган ақиланинг сингдирилганлигидалир. Ҳар гал у ўзига қарши турган тузум - машина олдига мағлуб бўлмасин, бироқ у ўзида кураш учун яна янгидан куч топа олади. Бу инсоннинг жасорати ва матонатини улуғлаш демак. Зотан адабиёт инсон руҳиятининг қувватидир. Адабиёт инсонни нафратланишга эмас, севишга, мағлуб бўлишга эмас, энгишга ўргатади.

Умарали НОРМАТОВ. Мен Амирни мутаассиб шахс, унинг фожиасини эса мутаассиблик оқибати деб тушунган ва шу тарзда талқин этган эдим. Сиз эса бу образ моҳиятини бутунлай ўзгача

талқин этаётирсиз. Эҳтимол, яна бошқача талқинлар пайдо бўлиб қолар. Бу табиий ҳол. Хилма-хил талқинларга изн берадиган ёшлар яратиш ёзувчининг ютуғи, балким омадидир.

Жаббор ЭШОНҚУЛ. Инсон ҳамиша ерда яшаб, кўкка интилади келган. Бу қанчалик муболағали бўлмасин, жуда теран фикрлар мазмунга эга. Инсон том маънода икки дунё-икки олам байқайди. Унинг жисми ва руҳияти бир-бирига уйғундир. Қизиқ ҳолат дарахт илдизлари тупроқда бўлади. Лекин япроқлари кўкка интилади. Бу қарашда жуда оддий ва жўн бўлиб туюлган ҳолатда улкан ҳаёт қонуният яшириндек. Ижодкор эса дарахт илдизи тупроқда эмас, кўкда деб тасаввур қилади. Кўк бўлмаса илдиз ҳам бўлмасди. Мавжудлик мувозонати, уйғунлик йўқолади деб туюнади. Шунинг учун ҳам уларнинг ижоди баъзан «оёғида» эмас «боши»да тургандек тасаввур қолдиради.

Инсон бу дунёга нима учун келади? У ўзининг қўшиқчи илдизини топишга интилади. У шунга ҳаракат қилади. Менимча роман шу ҳақда...

Биз бугун глобал жамиятда яшайпмиз. Ҳар бир нарсанинг қўламини тор доирада эмас, жаҳон андозалари билан ўлчанмоқда. Шундан экан, бизнинг адабиёт ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам жаҳон адабиётига мос бўлмоғи керак. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул «Жаҳон адабиёти» журналидаги бир суҳбатида «бугун бадий ижодда маҳаллий классикликнинг даври ўтди», деганди. Шунга қўшимча қилиб мен ҳам: маҳаллий адабиётшуносликнинг ҳам бугун даври ўтди, деб айтмоқчиман.

Бугунги адабий жараён бизнинг адабиётшунослик ҳақидаги тасаввурларимизга мутлақо тўғри келмайди. Ҳикоя, роман, қисса ҳақидаги қачонлардир берилган таъриф тавсифлар аллақачон эскирди. Бугун бадий адабиётни фақат бир метод доирасида тадқиқ этиб бўлмайди. Бадий матн ранг-баранг метод, услуб ва қарашлар билан тадқиқ этилмоғи ва бу изланишлар жаҳон адабиётшунослиги билан бўйлашмоғи лозим. Бугун яратиладиган бадий асарлар «ҳаётни тўлақонли» ёхуд унинг «кичик бир парчасини акс эттирганлиги» билан эмас, балки, инсон қалби, руҳияти, ички «мен»ини кенг ва чуқур тадқиқ этаётганлиги билан аҳамиятлидир. Шундай экан, ҳар бир адабий ҳодиса, бадий асар, биринчи навбатда, жаҳон адабиёти мезонларидан туриб баҳоланмоғи ва тадқиқ этилмоғи шарт деб ўйлайман.

2003 йил

“БАҲС” БАҲСГА ЧОРЛАЙДИ (Маҳмуд Саъдий билан суҳбат)

Маҳмуд САЪДИЙ. Умарали ака, сўнгги йилларда XX аср ўзбек адабиёти теварагида гоят кескин, жўшқин баҳслар кетяпти. Жумладан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” саҳифаларда 1995 йил кузида Сиз билан мунаққид Аҳмад Отабой бошлаб берган ва бир йилдан ошиқроқ давом этган мунозара жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Сиз кўтарган қатор масалаларни қўллаб-қувватловчилар, айти пайтда Сизга эътироз билдирувчилар ҳам бўлди. Бу хил кескин тортишувларнинг туб сабаблари, асл моҳияти, муҳим сабоқлари Сизнингча нималардан иборат?

Умарали НОРМАТОВ. Аҳмад Отабойнинг мўъжазгина, бироқ хийла кескин, янгича қарашлар илгари сурилган чиқиши туртки бўлиб ёзилган “Ғаройиб робиталар” мақоласи аслида баҳс учун мўлжалланган эмас эди. Эҳтимол, бошда таҳририят ҳам менинг мақоламни баҳс очиш ниятида эълон этмагандир. Билишимча, баҳс ўз-ўзидан, табиий равишда бошланиб кетди. Икки мунаққид орасидаги бир қарашда арзимасдек туюлган тортишув гўё тутаб турган гулханга мой сепишдай бўлди, бирдан олов гуркиради-кетди. Ҳозирги адабий-танқидий муҳит шундай турткига муҳтож экан. Аввалида “Баҳс”ни янгиликка чанқоқ ёшлар давом эттирди, тажрибали устоз мунаққидлар сукут сақлаб турдилар. Очиғи, улар бунақа кутилмаган, кескин “жанг”ларга тайёр эмаслигини сездириб қўйдилар; напироқ бориб беихтиёр унга аралашдилар; шунда адабий ҳодисаларга эскича ва янгича ёндашувлар аниқ-равшан намоён бўлди. Оқсоқол мунаққидлар орасида аллақачон узоқ йиллар ўзлари амал қилган, мустабид тузум шароитида шаклланган ақидалар қобиғини ёриб чиқиб бутунги жаҳон илғор адабий тафаккури йўлига тушиб олганлар, айти пайтда эскича қарашлар тушо-вида каловланиб юрганлар борлиги билинди. Ёшларнинг чиқишларида бироз кескинлик, бетоқатлик, муайян бирёқламаликлар мавжудлиги сир эмас. Жамият ҳаётининг, адабий тафаккурнинг кескин бурилиш, янгилашиш, тозариш паллаларида шундай бўлиши табиий ва зарурий. Айниқса “баҳс” пайтида бунга йўл қўйиб бериш керак. Чунки баҳс давомида ҳақиқат аён бўлади. Баҳс жараёни шахсан мен учун муайян сабоқ бўлди. Очиғини атай, XX аср жаҳон фалсафаси, адабий-танқидий тафаккурини эгаллашда ёшлардан орқароқда қолганимни сездим, айти шу баҳс

баҳонасида ҳозирги Фарб янги адабий-фалсафий дунёси билан чуқурроқ шуғулланиш зарурлигини ҳис этдим. Бусиз бугунги кунда адабий танқид майдонда турини мумкин эмас. Ҳозир миллий, илоҳий қадриятларимизга қайтиш, уларни тиклаш жарёни кетаётир, бу савоб ишни ҳам, менингча, узоқ йиллар биз учун бегона бўлиб келган XX аср Фарб маънавий кашфиётларисиз илмий ҳал этиш қийин. Баҳода иштирок этган аксар ёшлар қўлида рус тилида 90-йиллари чоп этилган XX аср мутафаккирлари асарларининг деярли барчаси тўпланган, ёшлар билан улар хусусида суҳбат қурсангиз шом тонгга уланиб кетса-да гап тугамайди... Ҳафталикдаги баҳс ёшлар кўнглида Фарб мутафаккирлари билан танишиш асносида туғилган туйғу-кечинмалар изҳор этиш имконини берди.

Айни шу масалада, менингча, ёш мунаққидларнинг бир оз тажрибасизлиги ҳам кўринди. Ёшлар тамомила ўзгача шароит, вазиятда туғилиб шаклланган XX аср янги ўзбек адабиётини ўзлари танишган XX аср Фарб адабиёти, адабий-танқидий, фалсафий оқимлари мезони билан ўлчашга, баҳолашга уринаётирлар. Табиийки, бу ҳол уларда XX аср миллий адабиётимиз намуналари савиясидан қоникмаслик туйғусини ҳосил этаётир. Улар чиқишларидаги инкор руҳининг устуворлик сабаби ана шунда. Миллий маданият, адабиёт тарихини ўрганиш, баҳолашда синовлардан ўтган илмий йўл — тарихийлик ва ўзига хослик принципига риоя этилмас экан ҳеч қачон ҳақиқатни рўёбга чиқариб бўлмайди. XX асрда-ку бизда жаҳон маънавий-маданий тараққиёти билан муштарак жиҳатлар хийла бисёр; ўтган асрда етишган Амирий, Нодира, Фазлий, Гулҳаний, Муқимий, Огаҳий, Феруз ижодини айни уларга замондош машҳур рус адиблари — Пушкин, Гоголь, Салтиков-Шчедрин, Чехов, Толстой, Достоевскийлар бисоти мезони асосида баҳолаб, ҳукм чиқариб бўладими, ахир!...

Маҳмуд САЪДИЙ. “Ғаройиб робиталар” мақоласидаги Сизнинг социалистик реализм хусусидаги мулоҳазаларингиз катта эътирозларга сабаб бўлди. Баъзи бировларга Сизда ҳамон тарихда ўзини оқламаган бу методга нисбатан “ҳайрихоҳлик” бордай туюлди...

Умарали НОРМАТОВ. Балки, мен мақолада бу хусусдаги фикр-мулоҳазаларимни охиригача изҳор қилишга улгурмагандирман. Биз адабиётшунослар ғаройиб табиат одамлармиз. Чигал масалаларнинг илдизларини, моҳиятини қидириш ўрнига уларни четлаб ўтиб, осонгина ҳал этиш, тасдиқлаш ёки инкор қилиш йўлини тугамиз.

Жумладан, соцреализмни пуф сассиққа чиқариб қоралаш, рад этиш билан масалани ҳал этиш асло мумкин эмас. Тўғри, соцре-ализмни маъмурий бўйруқбозлик йўли билан асосий бадиий оқим, метод сифатида ўрнатишга уриниш бемаъни, шармандали бир ҳаракат бўлганини, бу ҳол кўп фожиавий оқибатларга олиб келган-лигини кўрдик, жонли шоҳиди бўлдик. Айни пайтда 30- йиллари “соцреализм” номини олган, совет адабиётининг асосий методи деб эълон этилган адабий ҳодиса аслида анча бурун муайян тарихий шароит тақозоси, “капитализм кишанларидан озод бўлишга интилиш ҳаракати”нинг адабиётдаги акс-садоси, маҳсули сифатида вужудга келганини унутмайлик. Мен аминманки, рус адабиётида Горькийнинг “Душманлар”, “Она”, шунингдек, ўзбек адабиётида Ҳамза, Айний, Чўлпон, Фитрат каби адибларимизнинг инқилобий руҳдаги талай асарлари бошда ҳеч қанақа ташқи таъйиқларсиз, муаллифнинг муайян вазиятдаги кайфиятлари ифодаси сифатида яратилган. Рус адабиётидан фарқли жиҳати шундаки, бизда сармоя жамиятига қарши кайфият чоризм истибдодидан халос бўлиш туйғуси, миллий озодлик ғоялари билан туташиб кетган. Шуниси қизиқки, янги ўзбек адабиётидаги шу йўналишнинг манифести дейиш мумкин бўлган ҳужжат – “Шўролар ҳукумати ва санойи нафиса” мақоласи “Ўзбек совет адабиётининг асосчиси”, “ўзбек адабиётида соцреализмнинг асосчиси” Ҳамза эмас, “шўро адабиёти муҳолифи” деб эълон этилган Чўлпон қаламига мансуб!

20- йиллар давомида қизғин ижод қилган барча етакчи адибларимиз бисотида, бирида кўпроқ, бирида озроқ шу йўналишга мансуб ёки унга яқин асарларни учратиш мумкин. Чўлпоннинг “Ёрқиной”, “Замона хотуни”, Қодирийнинг талай публицистик мақолалари, “Мехробдан чаён” романи, Фитратнинг “Арслон” драмаси шулар жумласидандир. Ҳамзага келсак, ҳамзашунослар тўғри таъкидлаганларидек, чиндан ҳам Ҳамзанинг совет даври ижодида инқилобий руҳ устувор; аксар асарлари “дунёни инқилобий тарзда ўзгартириш” пафоси билан йўғрилган; “Бузамиз эски турмушни”, “Тузамиз янги турмушни”, “Битсин золим бойлар!”, “Яша, хизматчилар!”, “Бизга кимлар қарши турса, шартта-шартта отамиз!” шиорларига асосланган Ҳамзанинг ўнлаб инқилобий шеърлари. 1918 йилги асарлар рўйхати бошида келтирилган “Бой ила хизматчи”, “Бой ва ишчи”дан тортиб “Жаҳон сармоясининг энг охири кунлари”га қадар ўнлаб драматик асарлари айни шу руҳда битилган.

Биласиз, 20-йиллари, хусусан, 20-йилларнинг биринчи ярмида сўз санъатининг нисбатан эркин, табиий ривож, хилма-хил адабий эстетик оқимларнинг юзага чикуви учун муайян шароит мавжуд эди. Ҳатто болшевикларнинг 1925 йили чиқарган партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиёсатида оид қарорида ҳам шу ҳол эътироф этилган. Жаидчилик ғояси билан йўғрилган маърифатчилик реализми ҳам, диний исломий руҳдаги асарлар ҳам, соцреализм ва романтизм йўналишлари ҳам, холис-объектив етук реализм ҳам, қолаверса сентиментализм, модернизм, символизм, футуризм каби оқимларга мансуб изланишлар ва улар орасида ўзаро ижодий баҳс, мусобақа давом этган. Яна бир характерли жиҳати улкан сўз усталари бисотида, масалан, Чўлпон ижодида ўша кезларда мавжуд айтарли барча йўналишларга оид асарларни топиш мумкин. Ҳамза ижодида эса етакчи ошкора инқилобий-шўровий йўналиш билан баробар “Мухторият ёки автономия”, “Ким тўғри?” сингари ўзгача руҳдаги асарлар, “Паранжи сирлари”дек холис-объектив реализмнинг ёрқин намуналари ҳам мавжуд. У ёғини суриштирашган, “Она” муаллифи ҳам бу романдан кейин тамомила бошқа йўналишларга мансуб ўнлаб асарлар ёзган.

Агар 20-йилларда бошланган шу жараён изчил давом этганида, аминманки, ўзбек адабиёти бутун XX асрнинг энг юксак тараққий этган, ғоят бой миллий адабиётлари қаторида турарди. Ўнлаб ижодий оқимлар сафида, эҳтимол, энг охири ўринда соцреализм деб аталган йўналиш ҳам бўларди. Балки, у ижодий мусобақа, рақобатга дош беролмай ўз умрини ўтаб, эртароқ сафдан чиқиб кетарди... Ахир шу асрнинг ўзида жаҳон адабиётида не-не адабий оқимлар юзага келмади дейсиз, уларнинг кўплари давр синовларига дош бераолмай, юлдуз кўрмай жон таслим этган. Агар болшевикларнинг машъум адабий сиёсати ўтказилмаганида, 30-йиллари соцреализм методига расмий тарзда “давлат мақоми” берилмаганида, биз гувоҳ бўлган кўргиликлар қасқда эди! Минг афсус, бошда шундай савдолар бор экан. Хабарингиз бор, жаҳоннинг бир қатор тараққий этган мамлакатлари адабиёти ва санъатида ҳам соцреализмга мансуб асарлар яратилди, лекин бу йўналиш ҳеч қачон уларда етакчи мавқега эга бўлган эмас, бир адабий тажриба сифатида тарихда қолди; қолаверса, уларда бу ҳодиса жиддий хавф-хатар туғдиргани ҳам йўқ. Демак, соцреализм билан боғлиқ кўргиликлар, аввало, мустабил тузум, машъум яккахоким мафкура, жоҳил тоталитар адабий сиёсатнинг оқибатидир.

Маҳмуд САЪДИЙ. 60 — 70-йиллари Қодирий ижоди теварагида кетган баҳслар чоғи айрим адабиётшунослар қатори Сиз ҳам “Ўткан кунлар” романини соцеалистик реализм томониға тортишға уринган эдингиз. Бугун ҳам ўша фикрда турибсизми?

Умарали НОРМАТОВ. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” саҳифаларида ўша йиллар узоқ давом этган мунозарада баҳс қатнашчиларининг қўпчилиги “Ўткан кунлар”ни танқидий реализмға мансуб деб чиқдилар. Бугунги кунда шундай даъво билан чиқилса, сира ажабланарли, хавфли жиҳати йўқ. Аммо ўша кезлари эндигина қатағон чанғалидан, аждаҳо комидан тортиб олинган Қодирий, унинг “Ўткан кунлар” романи учун бундай ҳукм-хулоса ўта хавфли эди. Гап шундаки, ўта мафқуралашган, сиёсатлашган адабиётшуносликда метод масаласи ҳам сиёсий моҳият касб этган эди. “Ўткан кунлар”нинг танқидий реализмға мансублигини Қодирийнинг дунёқарашларидаги ожизлик, хатолик, зиддиятлар оқибати қилиб кўрсатилди; романда “синфий ёндашув”нинг йўқлиги, Юсуфбек ҳожининг рус босқини хавфи хусусида айтган оташин сўзлари, Отабекнинг рус қўшинларига қарши тўқнашувда қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақидаги лавҳалар далил сифатида такрор-такрор тилга олинарди. Шу йўсинда кетадиган бўлса кунни кеча “совет адабиёти” доирасига аранг тортилган, мактаб адабиёт дастури ва дарсликларига киритилиш ҳаракати кетаётган бир паллада буюк адибни яна четга суриб қўйиш ҳеч гап эмас эди. Чўлпон, Фитрат мисолида буни кўрдик.

Ҳар қандай оғир, қалтис вазиятларда ҳам нажот йўлини қидирувчи соғлом кучлар бўлар экан. 50-йилларга келиб адабиётга, адабий ҳодисаларга мафқуравий-сиёсий ёндашиш, адабий жараён билан назария орасидаги жарлик тоқат қилиб бўлмас бир ларажага етди. Ана шундай қалтис бир вазиятда француз компартиясининг хур фикрли раҳнамоларидан бири Р.Горадининг “Худудсиз реализм” китобчаси пайдо бўлди. Мафқуравий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши қўйилган алабий-эстетик ҳодисалар орасидаги чегарани олиб ташлаш, турли мактабларга мансуб асарларга ҳос муштарак жиҳатларни аниқлаш йўлидаги бу даража интилиш катта шов-шувларга сабаб бўлди. Бундай кескин фикрлари учун уни компартия сафидан чиқардилар. Шу китобча туртки бўлиб орадан кўп ўтмай адабиёт илмида соцреализмға “очик система” деб қараш таъйинили таркиб топа бошлади. Бу концепция ижолкорлари мумкин қалар соцреализм имкониятларини, чегараларини кенгайтиришга, соцреализмға берилган таърифларни “ижодий ривож-

лантириш”га уриндилар; “синфий ёндашиш”, “партиявийлик”, “ҳаётни революцион тараққиётда кўрсатиш” принципилари бошқачароқ тарзда ёритила бошланди. Чунончи, “ҳаётни революцион тараққиётда кўрсатиш” нуқул ижобий жараён, “нурли келажак”ни барқарор этиш тарзида эмас, балки тарихий жараённинг ички зиддиятларини очиб бериш, масалан, шахснинг инқироzi, ҳалокати сабабларини кўрсатиш тарзида ҳам юзага чиқиши мумкинлиги айtilди. “Клим Самгиннинг ҳаёти”, “Тинч Дон”, “Герника”, “Ёлғизликнинг юз йили” каби XX аср жаҳон адабиёти ва саънатининг кўплаб нодир асарлари шу қараш асосида “соцреализм”га мансуб деб топилди. Бу хусусда йирик илмий тадқиқотлар яратилди. Бу концепцияни ўнлаб улкан адиблар қатори Чингиз Айтматов ҳам хайрихоҳлик билан қарши олди. Мана, кўлимда адибнинг 1979 йили “Қирғизистон” нашриётида чоп этилган мақолалар, суҳбалар тўплами. Ундаги соцреализм хусусидаги мулоҳазаларга эътибор берсангиз — барчаси “очиқ система” ғоялари билан йўғрилган. Адиб “Асрга татиғулик кун” романига ёзган сўзбошисида асарнинг соцреализмга мансублигини таъкидлар экан, бунда у, шубҳасиз, “очиқ система” имкониятларидан келиб чиққан.

Бу концепция биздаги кўпгина қаттис адабий масалаларни ёритишда ниҳоятда қўл келиб қолди. Айрим ҳамкасбларим қатори мен 70-йиллардаги баҳслар пайтида, жумладан, “Ўткан кунлар”да “очиқ система” концепцияси тақозо этадиган соцреализмга хос хусусиятларни топишга уриниб кўрдим. Маълумки, романда рус босқини арафасида эл-юртни тутқунлик жарига олиб келган ижтимоий-маънавий омиллар теран очилган, шу омиллар тадрижи зўр маҳорат билан кўрсатилган. Айни шу ҳол бу асарни соцреализм намунаси дейишга изи берган эди. Бу мулоҳазалар бугунги кунда анчайин жўн, ибтидоий туюлиши мумкин. Бироқ унда қандайдир самимият, хайрихоҳлик, буюк саънат намунасини ёмон кўзлардан асрашга уриниш бор эди. Ўша кезлари соцреализм ёрлиғи асарни, адибни бало-офатлардан, таҳдиду надоматлардан асраш учун қалқон вазифасини ўтар эди-да. Айни шундай ҳимоя чораси кўрилмагани учун Чўлпон, Фитрат меросини халққа қайтариш ўттиз йил орқага сурилди.

Маҳмуд САЪДИЙ. Сиз “қалқон” деб билган қараш, барибир, кўпчилик томонидан қабул килинманди-ку; “очиқ система” назарияси, очиги, бизда унча машҳур бўлгани йўқ; айримлар уни ғашлик билан қаршиладилар ёки бундай қараш билан таниш бўлса-да, ўзларини билмасликка олдилар. Уч-тўрт адабиётшуносни

мустанасно этганда аксар тадқиқотчилар “Ўткан кунлар”ни “танқидий реализм асари” деб аташда давом этдилар. Қодирий “дунёқарашининг чекланганлиги”, адибнинг соцреализмга етиб келолмаган”и хусусидаги даъволар 90-йилларга қадар ҳам давом этди.

Умарали НОРМАТОВ. Бора-бора бундай даъволар ҳам ўз таъсирини йўқотди. К. Яшин Ўзбекистон Ёзувчиларининг VII съезидига Қодирийни “совет адабиёти намояндаси” деб аташида ҳам “очиқ система” мафкурасининг муайян улуши бор деб биламан... Ниҳоят, бугунга келиб бу можаро кун тартибидан тушиб қолди. Буюк сўз усталари, нодир санъат намуналари қайси мафкура, адабий-эстетик оқимларга дахлдор бўлмасин, аслида улар ҳеч қанақа ақида қобиғига сиғмаслиги, оқим, метод ҳулудини ёриб чиқиши, улардан баланд туришини мана энди англаб етаётирмиз. Бундан қирқ йилча бурун айтилган “реализмнинг ҳудудсизлиги” ҳақидаги ҳикматда гап кўп экан. Мумтоз адиблар, айниқса, стук реализм намуналари, жумладан, “Ўткан кунлар”да бир эмас, бир неча мафкура, ижодий метод белгиларини топавериш мумкинлиги сабаби ана шунда.

Махмуд САБДИЙ. Дарҳақиқат, ҳозирга келиб танқидий реализмми ёки соцреализмми деган муаммо кун тартибидан тушди-ю, бизда унинг ўрнига “жадид адабиёти” ва “совет адабиёти” масаласи чиқди...

Умарали НОРМАТОВ. Ҳа, шундай бўлаётир. Куни кеча ифтихор билан совет адабиёти, соцреализм намояндаси саналган адиблар бугун айни шу адабиётга, методга мансублиги учун камситилаётир, аксинча, яқин-яқинларга қадар жадид адабиёти вакили ёки жадидчиликка дахлдор бўлгани учун маломат тошлари ёғдирилган қаламкашлар эса бугун айни шу ёрлик туфайли ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлаётирлар. Шоир айтмоқчи, чархи кажрафторининг бу хил шеваси кишини сергак торттиради. Социал адолатнинг тикланиши кўнгилларга таскин беради, қувонч бахш этади. Айни пайтда бошқа бир ҳол одамни таажжубга солади. Ёйга толдиради. Гап шундаки, кечагина “ўзбек совет адабиётининг”, “соцреализмнинг асосчиси” саналган адиблар бугун жадид адабиёти намояндаси деб баҳоланмоқда, “совет адабиёти” қасридан “жадид адабиёт” биносига кўчирилмоқда; 20-30-йиллари ижод этган деярли барча йирик адиблар ҳаёти, қараши, ижодидаги “совет мафкураси”га дахлдор жиҳатларни ўчириб ташлаб ёки четлаб ўтиб уларни “жадид мафкураси” олами, адиби килиб кўрсатишга ҳаракатлар бўлмоқда.

Маҳмуд САБДИЙ. Ҳозир ўтмиш адабий ҳолисаларини янгича баҳолаш баҳонасида адиблар бисотидан “янги маъно” ахтариш, уларни замонавийлаштириш, бугунги кунга мослаштириш тамойили хийла кучайди. Бу ҳол Сизнинг айрим ишларингизда ҳам кўринди.

Умарали НОРМАТОВ. Бўлса бордир. Биргалашиб фанга ёт бу хил касалликнинг олдини олсак дейман... Қодирий теърағилиги баҳслар мисолида кўрдикки, тоталитар тузум шароитида адибнинг қайси мафкурага мансублигининг ўзиёқ унинг тақдирини ҳал этар эди. У замонлар ўтиб кетди. Ҳаёт, сиёсат, мафкура ўзгарди. Ўзимиз ҳам ўзгардик. Лекин эскича мезонлар тушовидан бутунлай ҳалок бўлганимиз йўқ.

Маҳмуд САБДИЙ. Шароф Рашидовнинг узоқ йиллар Республикамиз компартиясига раҳбарлик қилгани, коммунистик эътиқод эгаси бўлгани унинг эл-юрт олдидаги муайян хизматларини эътиборга этишга монелик қилгани йўқ-ку.

Умарали НОРМАТОВ. Биз нега Фитратнинг Бухорода шўро ҳукуматининг раҳбарларидан бири сифатида олиб борган ишлари, мақолалар, бадиий асарларидаги шўро сиёсати, мафкурасига мос келадиган жиҳатлар ҳақида сукут сақлашимиз керак! Чўлпон, Қодирий тўғрисида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Айрим ҳамкасбларимиз талқинига кўра, гўё Чўлпон, Қодирийлар совет ҳокимияти йилларида сира иккиланмаган, муросасозлик қилмаган, дахрийлик руҳидаги асарлар битмаган, мустабид мафкура таъсирига берилмаган, 20-30-йиллари ҳам жадидчилигича қолган... Ахир бу расал ҳақиқатга зид-ку! Хатто Вали Қаюмхондек муҳолифат намояндаси Қодирийда “қизиллашиш” бўлганини таъкидлаган эди. Булар-ку майли, кечагина қип-қизил “инқилоб куйчиси” саналган Ҳамзани (20-йиллардаги Ҳамзани) бугун оппоқ жадид адиби қилиб кўрсатишда мантиқ, ҳақиқат борми? Инқилоб йиллари Ҳамза садоқат билан шўроларга хизмат қилди, кўплаб асарларини шўро мафкураси-сиёсати тарғиб-ташвиқига бахш этди, хатто шу йўлда ҳалок бўлди. Ҳамза тимсолида биз Максим Горький каби алданган, ҳаётини, ижодини хато сиёсат, таги пуч ғояларга қурбон этган улкан истеъдоднинг улкан фожиасини кўрамыз. Россия телевидениеси мустабид ҳокимият исканжасига тушиб қолган Горькийнинг фожиасини очиб берувчи кўп қисмли фильм намойиш этди. Ҳамза қисмати ҳам шу тур асарлар учун яхши мавзу бўла олади. Шуниси ҳам борки, бу улкан истеъдод соҳиби ўша мураккаб

йилларда давр суронларидан бир оз ўзини четга олиб “Паранжи сирлари” каби давр мафкураси, сиёсати таъсири, тазйиқларидан холи юксак санъат асарлари яратишга ҳам эришди.

Маҳмуд САЪДИЙ. Умарали ака, бизнинг энг катта камчилигимиз адиблар ҳаёти, ижодига оид фактларни яхши ўрганмай, асарларини синчиклаб мутолаа қилмай туриб таваккалига ҳукм-хулоса чиқаришга шошиламиз.

Умарали НОРМАТОВ. Ғарб адабиётшуносларининг асарларини ўқиб кўринг, буюк алломалар ҳаёти қандай кечган бўлса — бор ҳолича бугун икир-чикирлари, зиддиятлари, қарама-қаршиликлари билан берилади. Қани, бизда ўшандай асарлар?! Биз бўлсак, ўзимиз хайрихоҳ бўлган адибни мумкин қадар ҳаётидаги зиддиятли томонларини четлаб ўтиб, яхши томондан бугунги кунга мос бенуқсон “ижобий қаҳрамон” қилиб кўрсатишга тиришамиз. Айниқса, адибларимизнинг маънавий-руҳий изланишлари, тўлғанишлари, ҳар хил “жин кўчалар”даги сарсон-саргардонликлари, изтироблари соҳаси очилмаган кўриқ бўлиб ётибди. Янги ўзбек адабиётининг даргалари — Қодирий, Фитрат, Ҳамза, Чўлпонлар шахсияти бу борада мислсиз материал беради. Ўтган асрларда ҳам шоирларга осон бўлган эмас, бироқ маънавий изланишлар бир хил исломий мафкура доирасида кечган. Ҳамза билан Фитрат ҳам, Қодирий билан Чўлпон ҳам диний-исломий руҳда тарбия топганлар; бошда шарқона, исломий ақидаларга қатъий амал қилганлар; сўнг улар жадид мафкурасига дуч келганлар, жадидчилик ғояларини қабул қилиб жадид адабиёти вакиллари сифатида шакллана бошладилар; бироқ ҳали бу майдонда ўз имкониятларини тўла намойиш этишга улгурмай шўро тузуми, унинг мафкураси домига тушдилар... Яқиндагина Аллоҳга ҳамду санолар битган, ислом тарихи ҳақида рисола яратган муаллифлар бугун даҳриёна асарлар ёзди, кечагина жадид ғояларини тарғиб этган қалам соҳиби бугун инқилоб, шўро ҳукумати шаънига мадҳиялар бахш этди; бошда инқилобни, шўролар сиёсатини олқишлаган адиб кейинроқ ундан юз ўгириб тузум мухолифига айланди ёки шароит, вазият босими остида ҳокимият билан муроСага боришга мажбур бўлди... Бир йигит умри давомида бир бошда шунчалар савдо, ўзгариш, туб бурилишларнинг содир бўлиши — булар осон кечадиган жараён эмас! Мана шу мураккаб руҳий жараён бор ҳолича бугун зиддиятлари билан ҳолисона очиб берилмас экан, улуг адиблар ҳаёти, сиймоси ҳақидаги ҳақиқат ҳеч қачон тўлалигича рўёбга чиқмайди.

Маҳмуд САЪДИЙ. Фикрингизга қўшиламан. Бироқ, Фитрат, Чўлпон, Қодирий сингари сиймолар шахсияти, ҳаёти, ижодий йўлини текширганда зиддиятли, мураккаб жиҳатларни назардан соқит қилмаган ҳолда бу улуғ алломалар фаолиятидаги етакчи жиҳатларни кўра билишимиз, улар истиқлол фидойилари эканини, шу йўлда қурбон бўлганликларини унутмаслигимиз даркор.

Энди “жадид адабиёти” билан “совет адабиёти” орасидаги фарқлар хусусидаги қарашларга муносабатингизни билмоқчи эдим.

Умарали НОРМАТОВ. Устоз Озод Шарафиддинов “20-30-йилларда жадид адабиёти” мақоласида бу фарқ устида сўз очиб: “Бу ўринда фақат битта меъёр бор — совет адабиётига мансуб асарларда муаллиф воқеликни акс эттиришда синфий нуқтаи назарга асосланади”; “Жадид адабиётида эса ундай эмас. Бу адабиёт вакиллари... воқеликка умумбашарий категориялар нуқтаи назаридан ёндашади”, — дейди. Гарчи бундай мулоҳазаларда муайян асос бўлса-да, улар бир қанча саволларни келтириб чиқаради. Совет даврида чиндан ҳам “синфий ёндашиш” маҳсули бўлган кўплаб асарлар яратилди, аммо “Сароб”, “Қутлуг қон” романларини, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикояларини, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Усмон Носирнинг бир қатор публицистик шеърларини мустасно этганда, уларнинг аксарияти санъат намунаси даражасига кўтарила олмади. Шу тур асарлар билан ёндош ҳолда яратилган бошқа бир йўналишга мансуб асарларни эслайлик — ҳеч шубҳасиз, совет ёзувчиси саналган Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”, Ойбекнинг “Навоий”, Уйғун ва Иззат Султонинг “Алишер Навоий”, Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», Миртемирнинг “Сурат”; кейинги авлод вакилларида Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Пиримқул Қодиоровнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни”, Абудулла Ориповнинг “Жаннатга йўл”, Шукур Холмирзаевнинг “Сўнгги бекат”, Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор” — 30-80 йилларга мансуб бу хил юксак санъат намуналари учун “синфий ёндашиш” ёт, улардаги тасвир-ифода холисликнинг устуворлиги, тарафкашликлардан холи экани билан жозибador. Мен бу ерда йирик асарларни тилга олдим. “Совет адабиёти”да яратилаган синфий-мафкуравий талқиндан холи “соф лирика” намуналари эса сон-саноқсиз.

Маҳмуд САЪДИЙ. “Алишер Навоий” ва «Мирзо Улуғбек» драмаларида «синфий ёндашиш» асоратлари сезилади. “Алишер Навоий”даги Ҳусайн Бойқаро, «Мирзо Улуғбек»даги Пир Зиндоний образларини назарда тутаётirman.

Умарали НОРМАТОВ. Ҳукмдорлар ва исёнкорлар образи талқинида шу хилдаги «синфий ёндашиш» асоратлари «Абулфайзхон» фожиасида ҳам бор; ҳатто бу ерда ҳукмдор шахсларга нисбатан таъқидий муносабат «Алишер Навоий» драмасига ҳам нисбатан кескинроқ. Пири Зиндоний образи эса айнан «Абулфайзхон»даги Иброҳим Иноқни эслатади.

Маҳмуд САБДИЙ. Озод ака мақоласида жалид адабиётига ҳос яна бир хусусият тилга олинади. У «эрк ва озодлик, адолат ва виждонийлик гояларини олға сурувчи адабиёт» дейилади.

Умарали НОРМАТОВ. Ҳақиқатан ҳам 20-йилларда «эрк ва озодлик, адолат ва виждонийлик» гоялари олға сурилган кўплаб шеърлар, драмалар битилди. Бундай руҳ, айниқса, Чўлпон лирикаси, «Ёрқинной», «Ҳинд ихтилолчилари», «Чин севиш» каби асарларда уфуриб туради. Айни шу йўналиш 20-80-йиллар «совет адабиёти»да ҳам изчил давом этган, «Нил ва Рим», «Бруно», «Муқанна», «Маҳмуд Торобий», «Жалолиддин Мангуберди», «Ўтрор», «Широқ», «Темур Малик» сингари ўнлаб роман, дoston, баллада ва драмалар шундан далолат беради. Тўғри, 30-40-йиллар давомида тоталитар тузумга нисбатан Чўлпон каби ошкора муҳолифликка бориш йўқ, аммо ўша мулҳиш йилларда ҳам чин истеъдод соҳибдари кўнгил қазрида ётган гаплар, эрк ва озодлик туйғуларини ёнли ёки беихтиёр тарзда юзага чиққан. Иброҳим Ҳаққул «шодлик ва бахтни тараннум этувчи асар» деб юрганимиз «Ўрик тўлаётганда» шеъридаги шундай нозик ўринларга эътиборимизни тортди. «Эрк деганининг тилигида яшайман» совет даври «шодлик ва бади куйчиси» Ҳ. Олимжон учун энг азиз сўз, кўнгил изҳори бўлганми! Кўпинча ўтмиш мавзуи кўнгил изҳори учун қўл келган. У Носир қалими қўллар исёни тўғрисида сўз очар экан, 1935 йили «Мана, менман, у исённинг ўлмас авлоди» деб ёзган эди. Бунақа мисолларни яна кўплаб топish мумкин. Булардан тасвири аини ўша тоталитар режим қўтурган йиллари жаҳон адабиётининг инсон эрки, озодлиги, шаъни, виждони тараннум қилган «Ҳамлет», «Отелло», «Демон» каби нодир намуналари. Пушкин ва Шевченконинг шеър, дostonлари, Чўлпон, У. Носир, Саъди, Ғ. Ғудом, Ҳ.Олимжон, Миртемир каби улкан шоирлар дostonидан моҳирона таржима қилинганлиги, эл орасида катта таъсир кўрсатгани тасодифий ҳол эмас...

Маҳмуд САБДИЙ. Ахир чин истеъдод соҳиби дилига яқин асарлари таржима учун танлайдиганда, таржима воситасида ўзининг асарлари ҳақиқатини ҳам изҳор этади-да...

Умарали НОРМАТОВ. 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб янги шароитда шоирларимиз Чўлпон анъанасига қайтиб эрк ва озодлик туйғуларини бирмунча ошкора ифода этиш йўлига ўта бошлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, 20-йилларда шаклланган тараф-кашлик, «синфий ёндашиш» руҳи билан йўғрилган, шўро ҳокимияти, унинг доҳийлари мадҳига қаратилган адабий йўналиш 30-40-йилларда зўр шиддат билан давом этди, «конфликтсизлик назарияси», «ҳаётни бўяб-безаб кўрсатиш» тамойили каби «янгиликлар» билан «бойиб» борди. Адолат юзасидан айтиш керак: совет ҳокимияти йилларидаёқ бундай нохуш ҳоллар кескин танқидга учради, муҳит етиштирган бир ёқлама, юзаки, думбул «асар»ларни ҳатто ўша муҳитнинг ўзи бағрига сиғдирмади.

Яна бир гап. XX аср адабиёти тоталитар адабий сиёсат, соцреализм можароларидан ташқари бошқа қийинчиликларга, чунончи, фан-техника тараққиёти, даврнинг тезкор шиддати билан боғлиқ муаммоларга ҳам дуч келди. Италия футуризмнинг асосчиси ва лидери Ф. Т. Маринетти томонидан 1909 йили тузилган манифестда, жумладан, шундай моддалар бор: «Яшасин таваккалчилик, кескинлик, тийиқсиз энергия!..

Эски адабиёт фикр ялқовлиги, завқ-шавқ ва фаолиятсизликни малҳ этар эди. Биз эса муросасиз шиддатли ҳаракатларни, жўшқин безовталиқни, шаҳдам ҳарбийча қадам ташлашлар, хатарли сапчиш, беҳос тарсаки тушириш, дўппослашларни кўйлаймиз»; «Курашдан бошқа ҳеч қанақа гўзаллик йўқ», «Яшасин уруш - фақат угина дунёни поклайди»; «Биз меҳнат суронларини, оломоннинг қувончли ҳайқириқ, исёнкорона наъраларини улуғлаймиз...» 1916 йили такомиллаштирилган ўша манифестда тезкорлик ошкора илоҳийлаштирилади. Мана шу қоидалар 20-40-йиллар ўзбек адабиётида ҳам сезиларли даражада ўз изини қолдирди.

Қизиқ муштараклик: айни 30-йиллар шаронтида «соцреализм»га Сталин ташаббуси билан давлат мақоми берилган бўлса, Гитлер футуристлар манифестидаги қатор қоидаларни ўз сиёсати учун қабул қилган.

Айтилганлардан чиқадиган асосий хулоса шуки, 20-йиллар «жадид адабиёти» билан 30-80-йиллар «совет адабиёти» орасида кескин фарқлар йўқ. Ҳар иккисининг ютуқлари ҳам, ожиз жиҳатлари, кам-кўстлари ҳам деярли бир хил; ҳар иккиси яхлит бир адабиёт; уни синфий-мафкуравий жиҳатдан иккига ажратиб бирига қарама-қарши қўйишга ҳожат йўқ. Аср бошларида замона-

вий жаҳон адабиёти меъёрлари асосида реализм йўлига тушиб олган, қисқа бир фурсат ичида бошқалар бир неча ўн йиллар давомида эришган марраларни забт этган, 20-йиллардаёқ «Ўткан кунлар», «Абулфайзхон», «Паранжи сирлари»дек етук реализм намуналарини, Чўлпон шеъриятини берган, энг оғир, мушкул йилларда ҳам 20-йилларда қарор топган анъаналарга содиқ қолиб истиқлол кунларига етиб келган миллий адабиётимиз бир бутун ҳолда жаҳон фанида қабул қилинган атама билан айтадиган бўлсак модерн, яъни янги ўзбек адабиётидир.

Маҳмуд САЪДИЙ. Янги ўзбек адабиёти қарийб бир аср давомида мураккаб йўлни, турли босқичларни босиб ўтди. Аср адабиётини «жадид адабиёти», “совет адабиёти” ва “истиқлол адабиёти” деб уч босқичга ажратишда муайян асослар бўлса-да, барибир бу адабий жараёнга мафкуравий ёндашишнинг оқибати эмасмикин? Эҳтимол “аср боши” ёки “жадидчилик даври”, “совет даври” адабиёти дейиш ҳақиқатга яқин келар.

Умарали НОРМАТОВ. Адабий жараён даврига ишора тарзида шундай ибора, атамалар ҳам қўлланилаётир. Бироқ улар ҳам жараённинг эстетик моҳиятини ифодаламайди.

Маҳмуд Саъдий Дарҳақиқат, ҳозир адабиётга, адабий ҳодисаларга биринчи навбатда санъат ҳодисаси сифатида қараш устувор бўлиб бораётир. Шундай бир шароитда яна эскича йўл тутмасдан бу масалага соф бадиий эстетик мезонлар асосида ёндашиш мумкин-ку!

Умарали НОРМАТОВ. Адабий жараёндаги ўзгариш, туб бурилишлар гарчи ижтимоий-мафкуравий омиллар билан боғлиқ бўлса-да, оқибат-натижала шахс концепцияси, унинг ифода тарзи, шаклий-услубий компонентларнинг, адабий оқимларнинг, бадиий-эстетик принципларнинг ўзгариши, янгиланиши, аниқроқ айтганда, янги ижодий методларнинг таркиб топиши ёки уларнинг такомиллашуви, туб янги хусусиятлар билан бойиши тарзида содир бўлади. Ҳар бир миллий адабиёт ўз ривожланиш хусусиятига эга, шу билан баробар у муштарак қонуниятларга бўйсунди.

Янги ўзбек адабиётининг илк босқичи Оврупа халқлари адабиётидаги каби маърифатчилик реализми тарзида юзага чиқди; 10-йилларнинг охирларига бориб ҳолис-объектив ифоданинг устуворлигига асосланган етук реализм босқичига кўтарилди; 20-йиллари етук реализм билан баробар, боя таъкидлаганимиздек, бошқа ижодий методларга мансуб асарлар яратилди, 30-50-йиллари тоталитар режим, яккаҳоқим мафкура тазйиқи, исканжасида ижодий изланишлар доираси торайди, бироқ

соцреализм асосий метод деб эълон этилишига қарамай, у билан ёндош ҳолда ҳолис реализм, романтизм йўналишлари давом этди, 60-70- йиллар давомида реализм имкониятлари бирмунча кенгайди, энг яхши, нисбатан баркамол асарларни соцреализм эмас, етук реализм, романтизм берди; нихоят, 80-йиллар охири. 90-йилларга келиб плюрализм — фикрлар хилма-хиллигига йул очилиши туфайли фалсафий-эстетик асоси жихатдан ранг-баранг йўналишга мансуб асарлар пайдо бўла бошлади.

Менингча, XX аср янги ўзбек адабиётининг тараққиёт йўли, асосий босқичлари, мухтасар қилиб айтганда, ана шулардан иборат.

Маҳмуд САЪДИЙ. Реализм типлари устида гап борганда, негадир, “танқидий реализм” атамасини тилга олмадингиз, унинг ўрнига “холис-объектив”, “етук” реализм иборасини қўллаётирсиз. Сабаб?

Умарали НОРМАТОВ. Фақат соцреализмда эмас, “маърифатчилик реализми”, “танқидий реализм” атамаларидаги аниқловчилар ҳам реализмнинг асл табиатига унча ёпишмайди. “Социалистик” каби “маърифатчилик”, “танқидий” сўзларида ҳам қандайдир тарафкашлик, мафкуравий жиҳатга ишора бордай кўринади менга. Тасвир “холис-объектив” бўлгандагина чин ҳақиқатга, етук реализмга эришилади. Мен назарда тутган асарлар айти шу холис-объектив, етук реалистик йўналишга мансуб. Биласиз, аср бошида қатор адибларни ҳатто холис-объектив реализм ҳам қаноатлантирмаган, чин ҳақиқатга эришининг ўзга йўлларини излаганлар, натижада улар сюрреализм мактабига асос солганлар.

Маҳмуд САЪДИЙ. XX аср ўзбек адабиёти тараққиёти йўли, босқичларини яна бошқача мезонлар билан ҳам ўрганиш, баҳолаш мумкин бўлар?

Умарали НОРМАТОВ. Албатта. Биз ўз миллий қадриятларимизга қайтаётормиз. XX аср жаҳон фалсафий-эстетик, адабий тафаккур ютуқлари билан энди астойдил танишишга киришаётормиз. Шу жараёнда ўзимизда босиб ўтган йўлимизни янгича идрок этиш, таҳлил қилиш, баҳолашга, бинобарин, янги концепцияларга чуқур эҳтиёж сезаётормиз. Бундай концепция қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, қуруқ даъволар билан чекланмай, ишончли далилларга, теран илмий таҳлилларга, ҳаққонийлик мезонига асосланса бас.

1996 йил, декабр

ЯНГИ НАЗАРИЙ ТАМОЙИЛЛАР ВА ЯНГИЛАНАЁТГАН АДАБИЙ ЖАРАЁН

(Адабиётшунос Ҳамидулла Болтабоев билан суҳбат)

Умарали НОРМАТОВ. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 30 августдаги тарихий маърузаси “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” деб номланган. Бунда теран маъно бор. Шоир айтмоқчи, чархи кажрафторнинг фожией бир шеваси туфайли мамлакатимиз тарихининг 130 йиллик йўли мустамлака шароитида, аввал чоризм, сўнг қизил империя истибдоди остида кечди. Империя сиёсати зуғуми, айниқса, маънавият – фан, таълим-тарбия, маланият ва адабиёт соҳасида огир асоратлар қолдирди. Шўро даврида миллий адабиётимиз “кўпмиллатли совет адабиётининг таркибий қисми” деб қаралди, унинг салкам етмиш йиллик тараққиёти Кремлда ишлаб чиқилган адабий сиёсат, қатъий маъмурий-сиёсий йўл-йўриқлар назоратида бўлди. Бутина эмас. Адабиёт ҳақидаги фан – миллий адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, уни ўрганиш, ўқитиш ҳам Москвада тайёрланган ўқув дастурлари, назарий қўлланмалар, дарсликлар андозасига мос тарзда олиб борилди. Марксча-ленинча методология, коммунистик партиявийлик, синфийлик принципларидан заррача четга чиқиш, миллий адабий ҳодисаларни ўзгачароқ тарзда талқин этишга уриниш катта гуноҳ саналар ва гоҳо бунга журъат этган ижод ёки илм аҳлининг боши дорда эди ўша машъум замонларда. XX аср биринчи ярмида бу борада юз берган ақл бовар қилмас фожиалар архив ҳужжатларида сақланиб қолган. Биз тенгли авлод бевосита шоҳиди бўлган Сталин вафотидан кейинги “эрувгарчилик”, нисбатан “юмшаш” шароитида содир бўлган қўрғиликлар ҳам аввалгисидан қолишмайди.

Нихоят, 1991 йил 1 сентябрда истибдод деб аталган мулҳиш жараёнга охириг нукта қўйилди. Миллат тарихида янги саҳифа очилди. Биз кутлуғ **чин янги тарихнинг** иккинчи ўн йиллигида яшайпмиз. Барча жабҳаларда бўлганидек, адабий муҳитда, адабиёт фани, уни ўрганиш, ўқитиш бобида улкан бурилиш, туб янги жараёнлар бошланди. Энг муҳими, яккаҳоқим мафкура, истибдод адабий сиёсати зуғумларидан бутунлай халос бўлди; миллий адабиётимиз тор қобиққа, боши берк кўчага кириб қолган “совет адабиёти”, “социалистик реализм адабиёти” доирасидан чиқиб, тараққийпарвар замонавий жаҳон адабиёти ўзанларига тушиб олди. Бугунги адабий жараён ўз инон-ихтиёри, ички қонуниятлари

асосида эркин, табиий ривожланиш йўлидан бормоқда. Миллий адабий-танқидий тафаккурда ҳам жилдий эврилишлар кечаётир. илмий-танқидий парадигмалар ўзгарди, адабий ҳодисаларга миллий ғоя ҳамда хилма-хил умуминсоний фалсафий эстетик мезонлар асосида ёндашиш қарор топа бошлади. Шўро даврида топталган миллий адабий қадриятларни тиклаш, миллий адабиётимиз тарихини янгича ҳаққоний ёритиш, хусусан, тасаввуф ва жадид адабиётини ўрганиш, шулар асосида дарслик, ўқув кўлланмалари яратиш йўлида кўп хайрли ишлар қилинди. Айни шу йилларда “мустақиллик даври ўзбек адабиёти” деб аталган янги адабий ҳодиса қарор топди, бу ҳодиса бугунги кунда тадқиқотчиларимизнинг диққат марказида турибди. Қисқаси, айтса, мақтанса арзигулик савоб ишлар қилинди, қилинмоқда. Аммо...

Мустақиллик йилларида маънавият, фан, таълим, маданият, қонунчилик каби соҳаларда амалга оширилаётган ишларга хос муҳим жиҳат шуки, бунда миллий менталитет, ўзига хослик билан баробар, уларнинг “жаҳон андозалари”га қанчалик мос келиши назарда тутилмоқда. Мана шу нуқтаи назар бадий адабиёт ва адабиёт илмига ҳам тўла дахлдордир. Бугунги миллий адабиётимизда кечаётган жараёнлар, миллий адабиётимиз тарихини ўрганиш, ўқи-тиш, адабиёт назарияси бобидаги ишларимизнинг савия даражаси, уларнинг илмий-эстетик кўлами бугунги жаҳон адабий танқидий тафаккури даражасидан туриб қараладиган бўлса, кўнгил тўлмайдиган жиҳатлари анчагина, очигини айтганда, хийла ачинарли...

Ҳамидулла БОЛТАБОВ. Яқин тарихимиздан маълум бўлишича, миллат “чархи кажрафторнинг фожеий бир шеvasи туфайли”гина эмас, балки ўзининг ҳаракатсизлиги, курашга чоғланмаслиги, борингки, ўқувсизлиги туфайли 130 йил мустамлака даврида яшади. Мана шу 130 йил давомида жуда ҳам фаровон осойишта ҳаёт бўлмаган, гўё ундан кейин ҳам ниятдаги турмушга етолмаганимиз каби. Собиқ иттифоқ шароитида ҳам “тенглар орасида тенг” бўлиб эмас, бошқа миллатларга нисбатан бўйнимизни қисиброқ яшадик, “яшасинчилик”ка осон берилдик. 1937 йилги қизил қатағонга кўпроқ қурбон берганлар ҳам, миллат гулларини “отиб беринг” дея миллатлар отасидан сўраганлар ҳам биз бўлдик. Энди “чин янги тарих”нинг иккинчи ўн йиллиги ўрталарига келиб ҳам ўз фожиамизни англашимиз қийин кечяпти...

Табиийки, йиллар давомида ўзгаришлар бўлди. Шўро мафкураси ўз моҳиятини йўқотди, комфирқа ваъда қилинган ҳаётга эришилмади,

иттифоқ тарқаб кетди, бутун дунё пролетарлари бирлашмади, қўзланган коммунизм қурилмади. Шунда ҳам биз эргашувчанликка осон ўрганганлар ўзимизни миллат моделини яратаётган ҳис қилиб коммафкурадан тозалаб улгурилмаган вакуумга нималарнидир тиқиштирмоқчи бўлдик. Ниҳоят, мустақиллик даври адабиётининг тамойилларини излаш баробарида **мустақил адабиёт** деган деворга бошимизни урмоқчи бўлдик. Бироқ не қилайликки, мана шу янги давр адабиётининг бешигини тебратганлар ҳам шўро давридаги етакчи адиблар бўлди... Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қолиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов... рўйхатни давом эттириш мумкин. Бироқ мустақиллик даври адабиётини биз мустақил (мафкурадан, таъмадан, илинждан холи) адабиёт деб айта оламизми? Менимча, биз излаётган назарий тамойилларнинг учи ҳам мана шу саволга бориб тақалади. Устоз, Сиз куюниб айтаётган “танқидчиликнинг илмий-эстетик кўлами” ҳам нафақат Россия ва бошқа ўлкалардаги назарий ишлардан беҳабарлигимиз, балки ўзингиз ачиниб тилга олгандай. ўз миллий адабиётимиз яратаётган дурдоналарни ҳам ҳазм қила билмаётганимизла, уларнинг профессионал холис талқиқотчиларига айлана олмаётганимизла кўринади.

Умарали НОРМАТОВ. Адабиёт назарияси ва ҳозирги ўзбек адабиётига оид китобларимизни рус ҳамкасбларимиз томонидан яратилиб, кейинги йилларда чоп этилган айрим фундаментал асарларга, чунончи, “Теория литературы” (Том IV, “Литературный процесс”, 2001), икки томлик “Теория литературы” (2004), икки томлик “Современная русская литература” (2006) деб номланган ўқув қўлланмаларига қиёслаб кўрайлик.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ. Сиз ҳавас билан тилга олаётган назарий китобларни ўқиш баробарида бундай фундаментал асарларни нечта ўзбек олими ёки адиби ўқиган экан, деган савол мени кўпроқ ўртади. Ҳолбуки, 2001-2006 — йилларда Россияда биргина “Адабиёт назарияси” номи остида А.С. Бушмин, И.Ф. Волков, Н.А. Гуляев, П.В. Палиевский, А.Н. Богданов, В.Е. Хализев, Л.Г. Юдкевич, С.И. Кормилов, Б.Г. Резов, А.Н. Семенов, В.В. Семенова, В.И. Сорокин, Э.Я. Фесенко, Т.Т. Давидов, В.А.Пронин, Н.Д.Тамарченко, В.И. Тюпа, С.Н. Бройтман каби йигирмадан ортиқ муалифларнинг асарлари чоп этилди, унинг қаторига INTERNET сайтларидаги шу номдаги юздан ортиқ материалларни қўнсақ, зиммамиздаги профессионал китобхонлик

бурчини яна бир бор эсга олишга тўғри келади. Юртимизнинг энг пешқадам олимларидан бу китоблар ҳақидаги фикрини сўрасангиз, менга бериб турсангиз (ёки топиб берсангиз) ўқиб кўярман, қабилида жавоб оласиз. Бизнинг адабиётшунослигимизда эса улар билан қиёслашга арзигулик назарий адабиётларнинг ўзи йўқ. Сиз тилга олган назарий манбалар қаторига Ҳ. Умурувнинг “Адабиёт назарияси” (2002) ёки раҳматли Т. Бобоевнинг “Адабиётшунослик асослари” (2002)ни қўйиш қанчалик ҳижолатпазлик келтириши мумкин. Устоз Иззат Султон номи билан 2004 йилда чоп этилган дарслик эса, “Адабиёт назарияси”нинг 1980 йилги нашридаги мафкуравий қисмлари олиб ташланган қисқа варианты холос.

Умарали ака, Сиз тилга олган назарий манбаларнинг ҳаммаси ҳақида бирваракайига гаплашиб бўлмагани сабабли, яхшиси, уларнинг айримлари ҳақида алоҳида–алоҳида фикр юритсак.

Умарали НОРМАТОВ. Аввало, бизда бугунги кунда олий ўқув юртлари учун чиқарилган учта адабиёт назариясига оид ўқув қўлланмалари шўро даври назариясига оид дарсликларидан деярли фарқ қилмайди. Қисман фарқи шундаки, уларда аввалгидек марксча-ленинча методология ҳақида гап-сўзлар, ҳар қадамда “марксизм классиклари”дан иқтибослар келтириш йўқ, бироқ масалаларнинг қўйилиши, талқини, китоб тузилиши асл моҳият “эски ҳаммом, эски тос” тарзида. Сўз санъати, бадиият оламини янгича идрок этиш, англашга рағбат йўқ.

Н.Д.Тамарченко таҳрири остида чиққан “Адабиёт назарияси” эса муаллифлар изоҳи, “Кириш” бобидан тортиб уч қисм, қисмлар ва улардаги боб ва фаслларнинг номланиши, масалаларнинг қўйилиши ва талқинлари, масала ва мавзуга доир асарлар, умуман олганда, бадиий ижодни англаш тарзи, асарлар “ички дунёси” моҳиятини очиш, матнларнинг ихчам ва теран таҳлили – барча-барчаси янгича, ўтган асрнинг 40-90-йилларида чиққан адабиёт назариясига оид дарслик, ўқув қўлланмалардан тубдан фарқ қилади.

Қўлланма муаллифлари узоқ йиллар унутилган ёки менсимай қаралган бой назарий мерос — Б.В. Томашевский, айниқса, А.Н.Весселовский, М.М.Бахтин, С.Н. Бройтман, Ю.М. Лотман каби алломалар қарашларига, хусусан, В. Кайзернинг қайта-қайта чоп этилган “Сўз мўъжизаси” китоби тажрибаларига таяниб, ўларининг мустақил илмий концепцияларини илгари сурган, ўзига хос назарий моделни яратган: ҳар хил, гоҳ “формал

мактаб”, гоҳ “социологик метод” томон оғишлардан қочиб, адабий ҳодисага ҳам хилма-хил, ҳам яхлит ҳолда ёндашиш йўлини топганлар. Китобнинг “Бадиий дискурс назарияси”, “Назарий поэтика” ва “Тарихий поэтика” тарзида уч қисмдан иборат қилиб тузилиши бадиий адабиёт назариясига оид барча муҳим жиҳатларни қамраб олишга имкон берган. Биринчи қисмда семиотика, шунингдек, бадиий ижод, бутунаси адабиётнинг эстетик ва коммуникатив функцияси муаммолари, иккинчи ва учинчи қисмларида эса бадиий адабиёт санъат тури экани текширилади; асосий эътибор **поэтика** масалалари, тушунчаларига қаратилади; энг муҳими, поэтика тушунчаларининг, бадиий мезонларнинг замонлар оша бетиним ўзгариб, янгиланиб бориш манзараси кўрсатиб берилади. Китобдаги шахсан менга маъқул тушган энг муҳим жиҳат шуки, назарий тушунчага, мезонларга қотиб қолган “догма”, “ўзгармас қонун” деб қараш, талқинларни узил-кесил ҳукм деб даъво қилиш йўқ; кўтарилган муаммолар бўйича муаллифлар бой маълумот, янгича концепцияларни тақдим этиш билан баробар, китобхонни баҳс-мунозараларга, ижодий фикрлашга ундайди. Бу жиҳатдан **тарихий поэтика**га оид учинчи қисм (2 том), айниқса, диққатга сазовор.

Муаллифлар тарихий поэтика қисмини *синкретизм даври поэтикаси, эйдетик — анъанавий поэтика* ва, ниҳоят, *бадиий модаллик поэтикаси* тарзида уч даврга ажратадилар. Аввалги дарслик, қўлланмалардаги адабий оқим, ижодий методларга оид талқинлардан фарқли ўлароқ, бу борадаги ўзгариш, янгиланишлар бадиий тафаккурдаги, асар поэтикасидаги янгиланиш тамойиллари тадқиқи орқали кўрсатилади, айниқса, илк реализм, аналитик реализм, ниҳоят, модернизм жараёнининг ички оқими ғоят синчковлик билан таҳлил қилинади, бадиий модаллик поэтикасидаги янгиланиш — жараёнларнинг **декалонизациялашуви**, яъни каноннинг бузилиши, ички мезон канонининг ўзгариши табиий равишда бадиий ижодда туб ўзгаришларга олиб келганлиги теран бир тарзда очиб берилади. Энг муҳими, модернистик тамойиллар етук, яъни аналитик реализм бағридан, чунончи, Ф. Достоевский романларидаги полифония — кўп овозли тасвирдан униб чиқиб, М. Пруст, Ж. Жойс, У. Фолкнер, В. Вульф, Х. Хессе каби улкан модернист адиблар ижоди орқали қудратли “онг оқими”га, персонажлар эса аввалгидек шунчаки “характер” эмас, “образ — шахс”га (М.М. Бахтин) айланиши манзараси жонли гавдалантириб берилади.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. Адабиёт назариясининг вазифасини бадиий адабиётнинг ижтимоий функциясини англатишдан иборат тарзида англаган ва тушунтириб келган адабиётшуносларимиз Н.Д. Тамарченко таҳрири остида чоп этилган “Теория литературы” (М.: Academia, 2004)нинг дастлабки саҳифалари нега “Семиотика” (белгилар назарияси) ва бадиий адабиёт муносабатини англатишдан бошланишига эътибор беришлари лозим. Бунинг моҳияти борлиқнинг модели бадиий асарда яратилар экан, у ўз навбатида, муаллифнинг версияси, талқини ҳам ҳисобланади. Дунёнинг бадиий моделини ёзувчи истёъдодининг яралмиши ҳисобланган асарда кўриш, унинг табиатини, белги-хусусиятларини назарий китоблардан эмас, қатига энг гўзал бадиият белгилари сингган нафис адабиётдан топиш истаги охир-оқибат ўша китоб муаллифларини “бадиий дискурс”, “назарий ва тарихий поэтика” доирасида фикр юритишга олиб келган бўлса ажаб эмас. Чунки “Теория литературы” муаллифларининг ҳар учаласи — Н.Д. Тамарченко ҳам, В.И. Тюпа ва С.Н. Бройтман ҳам бахтиншунос олим бўлганлар. М.М. Бахтиннинг қарашлари эса унинг ўзи адабиётшунослик назариясининг бошланиши деб билган (М. Бахтиннинг Р. Медведов имзоси билан ёзилган “Русский формализм” асарига қаранг: Бахтин М.М. Собрание соч. в 7-и томах. Т. 5. — М.: 1996.) формалистларнинг назарий қарашларига асосланган. Бу жиҳатдан В.М. Жирмунскийнинг “Кейинги даврда адабиёт илми поэтика” номи билан тараққий этмоқда. Бу фаннинг фундаментал асосларини эса А.Н. Веселовский томонидан ишланган “тарихий поэтика” билан А.А. Потебня илгари сурган “назарий поэтика” масалалари ташкил қилади” каби фикри диққатга сазовор В.М. Жирмунский. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. Ленинград, (1977). Демак, “Адабиёт назарияси”ни олий ўқув юртлари филология таълими учун дарслик сифатида тавсия этётган юқоридаги олимлар мана шу илмий асосда иш қилганлари учун ҳам, менимча, назарияни бадиийликнинг моҳиятини англатишдан бошлаганлар.

МГУ профессори В.Е. Хализевнинг ағъанавий адабиёт назарияси (Теория литературы. 4-е изд. М.: 2006)да эса адабиётни санъатнинг бир тури сифатида унинг эстетик моҳиятини англатишдан бошлайди. Юқоридаги қарашни бундан ажратиб турадиган жиҳат ҳам, менимча, масалага адабиётшуносликдаги академик мактаблар эришган ютуқлардан келиб чиқиб ёнда-

шилишида бўлса керак. Чунки А.Н. Веселовскийнинг “Тарихий поэтика”си, А.А. Потебнянинг “Назарий поэтика”сига му-рожаат ушбу фундаментал тадқиқотлар яратилганидан юз йилча кейинроқ юз берди (уларнинг қайта нашрлари шўро мафкураси нураётган 80-йилларнинг охирига бориб амалга оширилди). Ўртада юз йилларча муддат назарий тамойиллар излаб мафкура бозорида санқиганимиздан кейин тирик адабий асарни фикр, ғоя ўлчамлари билан эмас, санъатнинг зар тарозусида тортиб иш кўриш лозимлигини англатгандай бўлди бу нашрлар. Ҳолбуки, рус шаклшуносларининг бизга энг яқин вакили . В.М. Жирмунскийнинг бундан 90 йил бурун ёзилган “Поэтиканинг вазифалари” мақоласидаёқ поэтика (бадиият) илмининг қўш-қаноти тарихий ва назарий поэтика бўлиш кераклиги айтилган эди. Биз энди уни замонлар тажрибасидан ўтгандан сўнг Н.Д. Тамарченко ва унинг шериклари ишлаб чиққан назарий қоидаларида кўряпмиз.

Умарали НОРМАТОВ. Шуниси ачинарлики, жаҳон адабиёти тарихининг сўнгги бир асрдан мўлроқ даврида етакчи оқим тусини олган модернизм ҳақида бизда ҳозир амалда бўлган назарияга оид қўлланмаларда лом-мим дейилмайди. Худди шўро даврида бўлганидек, модернизм ҳодисасига фақат бирёқлама мафкуравий-сиёсий жиҳатдан ёндашиш. уни бизга, миллий менталитетимизга ёт деб қараш, дағдағалар қилиш, ҳатто мактаб адабиёт дастурига жаҳон модернизми намуналари киритилишини жиддий ғоявий хатога йўйиш ҳолларига дуч келаётимиз...

Мана шунақа “таажжуб ҳангомалар” асносида рус ҳамкасбларимиз тажрибаларига — улар бу борада қандай йўл тутаётганлигига бир қур назар ташлаб қўйилса зарар қилмас эди. Бошдан-оёқ адабий жараён тадқиқиға бағишланган 600 саҳифадан ошиқ “Теория литературы” (2001) китобининг қарийб учдан бир қисми модернизм ҳодисаларига бағишланган.

Иқроор бўлиш даркор: айрим ҳамкасбларимизнинг ғашлик кўрсатишларига қарамай, ўзбек модерн шеърляти, насри хусусида мақолалар чиқиб турибди, баҳс-мунозаралар давом этипти, диссертациялар ҳимоя қилиняпти. Бироқ ҳозирги миллий адабистимиздаги модернизм ҳодисасини жаҳон адабиётидаги мазкур жараён билан қиёсий ўрганиш кўнгилдагидек эмас.

“Теория литературы” (IV том)да модернизм адабиётининг бир аср давомида босиб ўтган босқичлари, ҳар бир босқичдаги

қўриниш-турлари таҳлил этилган. Чунинчи, “Модернизм даври” — натурализм, импрессионизм, прерафаэлитизм, символизм, эклектизм; “Модернизм даври” — модернизм, футуризм, примитивизм, кубизм, абстракционизм, дадаизм, фовизм; “неомодернизм даври” — дадаизм, сюрреализм, экспрессионизм, имажизм, имажинизм конструктивизм, конструктивизм, “онг оқими” адабиёти, неоабстракционизм ва, нидея, “постмодернизм даври” — поп-арт, гиперреализм, флорализм, сонористика, музикали пуантилизм, алеаторика, хеншениш, сон арт, концептуализм каби турлари батафсил тавсифланган.

Шунингдек, тасвирий санъатдаги янги оқим намоёндалари ва намуналарини ўз ичига олувчи “Модернизм энциклопедияси” (М. Эскамо, 2002)да бу оқимнинг фовизм, кубизм, футуризм, экспрессионизм, абстракционизм, дадаизм, сюрреализм, поп-арт, оп-арт ва уларнинг қориниқ шакллари кенг шарҳланган. Хўш, бизда бу турларнинг қайси бирлари мавжуд, улар қай тариқа намоён бўлаётир? Бу саволлар ҳозирча очиқ турибди. Қарийб келгинги қирқ беш йил давомида амалда бўлган постмодернизм хусусида танқидчилигимиз ҳамон сукут сақлаб келаётир. XX аср иккинчи ярми рус адабиётидаги жараёнлар тадқиқиға бағишланган икки томлик “Современная русская литература” (2006) китобида расман ҳукмрон метод — социалистик реализм ва анъанавий реализм билан баробар, бу давр адабиётидаги модернистик тамойиллар, хусусан, постмодернизм ҳодисаси махсус тадқиқ этилган.

Кези келганда айтиб ўтай, “Теория литературы” (2004) муаллифлари модернизм хусусида қисқа, лекин асосли мутоҳазаларни ўртага ташлаган ҳолда постмодернизм ҳодисасига негадир нописандроқ муносабатда бўлганлар, “постмодернизм янгича бадий парадигма тақдим этгани йўқ” (1-том, 103-бет) деб ёзадилар. “Современная русская литеатура” муаллифлари Н.Л. Лейдерман, М.Н. Липовецкийлар эса постмодернизмга энг янги жиддий адабий-бадий, маданий ҳодиса сифатида юксак баҳо берганлар.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ. Сезишимча, фикр назарий тамойиллардан адабий жараён масалаларига қараб кўчмоқда. Сизга олган манбаларни қайта кўриб, шундай ҳулосага келдик: Адабиёт (адабий жараён ҳам) назариядан эмас, бадний асардан туғилади. Адабиёт назарияси минг йиллар давомида амалда оширилган қонуниятлар билан эмас, бадний таҳлил тажрибаси

сидан келиб чиқиб ривожланади. Амалда яратилган ҳар бир гениал, ҳеч бўлмаса, оригинал асар назарий қоидаларни бой-тибгина қолмай, аввалги эски қолипларни синдиради. Ундаги янгилик қуввати ҳам, охорлилик белгиси ҳам мана шу назарий тамойилларни янгилашига қараб белгиланади. Шунинг учун ҳам адабиётшунослик классицизм (қонунлаштирувчи) эстетикасидан тезда воз кечиб, унинг рационал қолиплари қаршисига ҳиссий, туйғулар оқимини қўйди. Табиийки, бу қараш адабиётнинг юрак қонига асослангани учун ҳам юзлаб "...изм"лар вужудга келганига қарамай, бадий асар учун ҳиссий асос бирламчи бўлиб қолмоқда. Менимча, дунё адабиётшунослиги XVIII асрнинг охиридаёқ ана шу Сиз айтган "деканонизациялашув" даврига кирган эди.

Бадий асарни худди инсон зоти каби тирик мавжудот (организм) сифатида билиш, уни ўрганишда, талқин ва таҳлил жараёнида ана шу тириклик белгиларини эҳтиёт қилган ҳолда ёндашиш бадийят илмини имкон қадар ўнг ва сўлларга (Сиз тўғри белгиланганингиз "социал" ва "формал") оғиб кетишдан сақлаб турибди. Гарчи бундай қарашларнинг умумий йиғиндиси сифатида урф бўлган "модерн" истилоҳи мана 110 йилдан бери ўз аҳамиятини йўқотмагани ҳаммага кундай аён. Бу ҳолатни кўриб туриб билмаслик ёки билса ҳам ўзарларча тан олмаслик нафақат адабиёт назариясини, балки янги ва гўзал асарлар яратилишидек адабий жараён амалиётини ҳам торайишига олиб келиши мумкин. Дарвоқе, шўро даврида шундай бўлди ҳам, бу ҳол ҳозир ҳам айрим қарашларда давом этмоқда (узоққа бормасдан абсурд драмасы ҳақидаги баҳсларни ёлга олайлик). Ўзининг ажойиб асарлари билан соцреализм инерциясининг паришонлашувига сабаб бўлган устоз адибларнинг модерн адабиётини хушламаслиги ҳақидаги ёзувларини ижодаги самимиятнинг белгиси деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу ўринда мен қандайдир буюртма билан иш кўриб, шошқалоқ (ёки ўзбошимча) ёшларнинг қулоғидан чўзиб қўйиш тенденциясидан бошқа раддоматни кўрмайман.

"Современная русская литература (1968-1986)" муаллифлари ҳам биз модернизм деб қабул қилаётган тушунча бағрида "мутация", ахлоқий максимализм, сокин лирика, маданий парадигма, руҳ экологияси, романтик, психологик ва карнавал протески, интеллектуал тенденция, "стоицизм", тарихий хотира ва хотирасизлик, "трагифарс", "неоакмеизм", "мовизм", хаос метанимияси, "палисандрия" каби қулоғимиз унчалик ўрганмаган

истилоҳларни келтириш баробарида уларнинг ҳар бири назарий китобларда эмас, балки “70-йиллар” дея шарғли ном берилган адабий жараёнда акс этганлигини англатадилар. Ҳар бир тушунчанинг истилоҳий моҳиятини изоҳлабгина қолмай, уларни англамига мос бадиий асарлар орқали асослаб кўрсатадилар. Бироқ, Умарали ака, рус заминида вужудга келган ҳар қандай адабий ҳодисани (боринги, у модерн - замонавий бўлсин) ўзбек тупроғига тўғридан-тўғри кўчириб бўлмайди. Ҳатто биз рус миллати билан етмиш йил давомида бир маъмурий ҳулудда яшаб, бир ғоя (соцреализм)дан озиқланган, бир-бирига яқин жанрий шакллар билан иш кўрган бўлсак ҳам. Менимча, “шўро адабиёти” деган мужмал тушунчани таназзулга олиб келган унсурлардан бири ҳам шу бўлса керак. Шунинг учун ҳам адабиётимиз мафкура бўғувида қолганда ҳам айнан рус шўро адабиётига туйғудош бўлиш тажрибасида оқсаганини кузатиш мумкин. Модернизм бағрида ўсган ўнлаб тушунчаларни бизнинг адабиётимизда учрамаслиги ҳам табиий ҳол. Олайлик, ўзбек насридан “легал шўро сўллиги”га мос бир-икки асар топишимиз мумкиндир, “эмиграция ва ватан андеграунди” каби адабий ҳодисани ўзбек адабиётига тиқиштириб бўлмайди, чунки муҳожирлик адабиёти бизда “русское зарубежье” каби тараққий этмаган. XX асрнинг 90-йилларида ўзбек матбуотида учраган айрим парчалар Войнович ёки Бродский асарлари даражасидан анча қуйида. Бизнинг муҳожирлик адабиёти ҳақидаги қарашларимиз ҳам, унинг айрим намуналари ҳам устоз Абдулла Қаҳҳор писанда қилиб айтганидай, “Тўйтепадан нарига ўтмайди”. Табиийки, қарашларимиз қанчалик ожиз бўлса, адабиётимиз ҳам шунга яраша бўлишлиги кўҳна мунаққидлар томонидан тан олинган ҳақиқат.

Умарали НОРМАТОВ. Гапларингизга қўшиламан. XX аср рус адабиётида юз берган ҳодисаларнинг миллий адабиётимизда айнан такрорланмаслиги табиий ҳол. Айни пайтда, биздаги миллий адабий ҳаракат жаҳон адабиётидаги етакчи тамойиллардан, аннкрофн, модернизм оқимидан бутунлай четда кетгани йўқ. Шўро адабий сиёсати модернизмни хушламай қарши олишига қарамай, рус ва бошқа миллий адабиётлар, жумладан, ўзбек адабиётида 20-йиллардаёқ бу тамойил бўй кўрсата бошлади, бир оз нўноқлик билан уч берган футуризм даврининг суръатини, яратувчилик меҳнатини олқишлаш тарзида социалистик ғояларга уйғунлашган ҳолда хийла кенг тарқалди. Чуқур миллий илдишга — тасаввур

фалсафасига бориб тақаладиган “рамзчилик” замонавий символизм тажрибалари билан туташган ҳолда эрк-озодлик туйғу-ғояларини ифодаловчи жиддий адабий тамойилга айланди, Чўлпон, Фитрат, Боту, Ойбек шеърияти бунинг ёрқин далили. Илм-фанда, масалан, Фитрат, Абдурахмон Саъдий асарларида модернистик тамойиллар истилоҳлари ва уларнинг шарҳ, талқинлари майдонга келди. Яна бир характерли жиҳат — янги миллий адабиётнинг етакчи намоёндалари — Абдулла Қодирий 20-йиллар миёнасида рус модернизмининг лидерларидан бири Брюсов асос солган Адабиёт институтида таълим олди; “символист шоир” номини олган Чўлпон бир неча йиллар Москвада ўша даврнинг қизғин адабий-маданий муҳити ичида яшаб ижод этди; Фитрат ҳам марказ об-ҳавосидан баҳраманд бўлди; Ойбек Ленинградда ўқиб, Оврупа маданий муҳити руҳида шеърлар битди; Абдулла Қаҳҳор Тошкентда университетда рус тилида таҳсил олиш баробарида замонавий жаҳон фалсафаси, руҳшунослиги, адабиёти ва адабиётшунослиги янгиликлари билан танишди... Ҳеч иккиланмай дадил айтиш мумкин — улар яратган асарларда замонавий жаҳон адабиёти, жумлалан, модернистик тамойилларга оҳангдош жиҳатлар бисёр. Ҳозирча, бу хусусда узук-юлуқ гаплар айтилди, айтиляпти. Бу муаммо жиддий ечимини кутиб турибди.

Социалистик реализм совет адабиётининг расмий методи деб эълон этилган, модернизмнинг ҳар қандай кўринишлари буржуача реакцион оқим сифатида кескин рад этилган замонларда ҳам ё ихтиёрӣ, ёки беихтиёр ижодкор — онги ости ғаройиб шеvasи тарзида **модернистик** тамойиллар турли кўринишда намоён бўлишда давом этди. Миллий адабиётимизда бу ғаройиб ҳодисанинг ажойиб намуналари сифатида Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”ини, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи, қатор ҳикоялари ва “Ўтмишдан эртаклар” қиссаларини тилга олиш мумкин. Уларда модернистик адабиётга хос “онг оқими”, абсурд ғояси ва туйғуси, экзистенциализм тамойиллари яққол кўзга ташланади. Бу адабий ҳодиса ҳам жиддий талқиқотлар учун ажойиб мавзу бўла олади.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. Модерн атамаси нисбий тушунча. Фикрни бевосита назарий муаммолар ва ҳозирги жонли адабий жараёндан 20-йилларга кўчирадиган бўлсак, ўтган аср бошларида ўзбек шоири Чўлпон мумтоз шеъриятнинг “бир хиллиги”дан беziб, янги шакл ва вази ахтариш натижасида ўзбек шеърияти бармоқ вазини таомилга киритиб, сарбасти топан экан, бу

имконият биргина янгилик илинжидан эмас, балки анъанавий шеърятни чуқур билишлик натижасида амалга оширилган саъй-ҳаракат эди. Жалид адабиёти ўзигача бўлган мумтоз адабиётни чуқур ўзлаштириш, жаҳон адабиётидаги етакчи тенденциялардан хабар топиш натижасидагина маданий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги каби бадийятда ҳам янгилик эҳтиёжини ҳис қилган ва бунга ўзларининг бутун ижодий кучларини қаратган эдилар.

Шу каби 60-йилларнинг “эрувгарчилик” шамоли янги “модернчи”ларни яратгани каби мустақиллик эпкинлари ҳам янги адабиётни яратиши шубҳасиз. Бироқ бугунги мустақиллик шароитидаги янгиланиш жараёни бизда анча суст кечаётгани 16 йиллик даврнинг шиддатида сезилмаслиги мумкин. Аммо биз “мустақиллик даври адабиёти” деб атаётган бадийят намуналари чинакамга мустақил адабиёт бўлиши учун нималар етишмаётганини илғаш ва шунга кўра иш тутуш адабиёт назариячиларининг ҳам, адабий ҳаракатдаги мунаққид ва адибларнинг ҳам бирдай зиммасида турибди.

Умарали НОРМАТОВ. Менинچа, 70-йилларнинг охири, 80-йиллари бизда модернизм томойилларининг янгидан жонланиш даври бўлди. Ижодкорлар орасида жаҳон модернистик адабиёти ва санъатига қизиқиш бениҳоя кучайди. Нишче, Пруст, Кафка, Жойс, Камю, Сартр номлари ёшлар тилидан тушмайдиган бўлиб қолди, улар асарларидан таржималар қилинди. Ёшлар ижодида бу жараён таъсири яққол кўрина бошлади, Чўлпон, Қаҳҳор ижодида уч берган “онг оқими”, абсурд ғояси ва туйғуси, экзистенциализм томойиллари янада ёрқинроқ, айни пайтда, ўзгачароқ бир тарзда намоён бўлди. Айни шу йилларга келиб хийла кескин тус олган мустабид тузум, коммунистик эътиқодлар инқироzi бундай томойилларнинг миллий адабиётимизда кенгроқ илдиз отиши учун қулай имкон — шароит яратди. Қатор ҳикоя, қиссалардан бошланган бу бадий жароён “Лолазор”, “Отамдан қолган далалар”, “Тушда кечган умрлар”, шунингдек, “Кўҳна дунё”дек тарихий роман орқали ўз интиҳосига етди. Миллий адабиётимизда айни шу томойилларнинг бетакрор ва таъсирчан намуналари сифатида эътироф этилган Назар Эшонқулнинг қатор ҳикоя ва қиссалари ҳам “Кўҳна дунё” билан “Тушда кечган умрлар” оралиғида яратилди.

Бу муҳим адабий ҳодисани ҳам биз ҳозирги жаҳон адабий-танқидий тафаккури даражаси ва миқёсида туриб ёрита олганимиз йўқ.

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ. Бу асарларнинг ҳар бири бир дунё. Мен уларни бирор "...изм"га солиб кўришдан аввал улар мутолаасидан санъат асари сифатида завқ туяман, ҳар бирини бирор қолипга тортмасдан ўз ҳолича, ўзининг ички табиатидан келиб чиқиб ҳолис ўрганилиши тарафдориман...

Умарали НОРМАТОВ. Мен ҳам айти шундай фикрдан... Шу ўринда яна бир муҳим ҳолатга эътиборни тортмоқчиман. Жаҳон адабиёти тарихидан маълумки, миллий адабиётлар тарихининг туб бурилиш паллаларида янги адабий йўналишларнинг ижодий дастури – бадиий-эстетик принципларини, аввало, ўша йўналишга мансуб ижодкорларнинг ўзлари ишлаб чиққанлар. Бизда ҳам худди шундай бўлди. Янги шеъриятимизнинг асосчиси Чўлпон анъанавий шеъриятимиз дарғаларига чуқур эътиромини сақлаган ҳолда “Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқиймен: бир хил, бир хил, бир хил!.. Кўнгил бошқа нарса – янгилик қидирадир” деб ёзган бўлса, янги давр адабиёти, Оврупа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асар яратган Абдулла Қодирий илк миллий романининг илк жумласини “Модомики биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз” сўзлари билан бошлайди. Устоз Озод Шарафиддинов ва камина масъул муҳаррирлигида 1994 йили тўплаб нашр этилган “Адабиёт надири?” китобидаги Чўлпоннинг адабий-танқидий мақолалари, тақризларини кўздан кечиринг. Шунингдек, Абдулла Қодирий қаламига мансуб айти шундай мақолалар жам бўлган китобларни эсга олиб кўринг. Уларда янги адабий ҳодисалар моҳияти нақадар теран ҳис ва идрок этилган, астойдил қўллаб-қувватланган. “Тонг сирлари” тўпламига Жулқунбой имзоси билан 1925 йил 6 сентябрда ёзилган мухтасаргина сўзбоши Мустақиллик йилларига қадар миллий шеъриятимизда янги давр очган Чўлпон ҳақидаги энг одил, энг теран баҳодир. Афсус-надоматлар билан айтиш мумкинки, янги адабиёт билан бирга шакллана бошлаган адабий танқид айрим ҳолларни истисно этганда, янги адабий ҳодисаларни одилона, профессионал баҳолай олмасди, бугина эмас, улар шўро адабий сиёсати босими остида сўз санъатида пайдо бўлган янги ҳодисаларни найза кўтариб қарши олди; шу тариқа чин адабиёт билан адабий танқид орасида темир девор қад ростлади. Бу девор фақат XX асрнинг иккинчи ярмига келиб Абдулла Қаҳҳор мактабида товланган икки забардаст мунаққид Озод Шарафиддинов

ва Матёқуб Қўшжоновлар илмий-ижодий шижоати туфайли орадан олиб ташланди... Бу икки устознинг миллий маданиятимиз, адабиётимиз, танқидчилигимиз олдидаги буюк хизмати, аввало, шунда деб биламан. Ижодни, ижодкорни англаш, ижодкор қалбига йўл топа билиш, шу тариқа бадиий жараёнга таъсир кўрсатиш мунаққидларнинг, қолаверса, танқидчиликнинг бахти, омади; чин ижодни, ижодкорни англай билмаслик эса мунаққиднинг бахтсизлиги, миллий адабиётнинг заволи эканлигини бир асрлик тарихий тажрибамиз тўла-тўқис исбот этиб турибди. Миллий танқидчилигимиз яловбардори Озод аканинг сўнгги китоби “Ижодни англаш бахти” деб аталишида теран маъно — бир асрлик тарихий тажрибанинг ибратли сабоғи бор.

Шу ўринда ғаройиб бир парадоксни эслатиб ўтсам дейман. О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов ва уларнинг танқидчиликдаги издош-маслакдошлари танқидий реализм, соцреализм ва бошқа номлар билан аталишидан қатъий назар, миллий адабиётимизда реализм анъана тусини олган давр мунаққидлари эдилар. Уларнинг адабий-танқидий принциплари асос-эътибори билан реализм эстетикаси ўзанида шаклланган, реализм йўналишига мансуб жорий миллий адабий жараёни, шунингдек, муайян сабабларга кўра ўз даврида танқидчиликда одилона баҳосини ололмаган 20-50-йиллар адабиётини, хусусан, Чўлпон, Қодирий ижодий мероси қадрини тиклаш ва баҳолашда улуғ ишларни адо этдилар. Истиқлол арафаси ва истиқлол йилларига келиб бадиий тафаккур ва ижодда “модерн” номи билан юритилган туб янги-ланиш пайдо бўлди; бу жараёни англаш, идрок этишда ўз даврида ҳар қанча прогрессив — илғор қараш бўлишига қарамай, мавжуд адабий мезонлар билан янги жараёнлар моҳиятини англаш, очиш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолди. Етакчи мунаққидларнинг аксарияти, О.Шарафиддинов, М. Қўшжонов, шулар қатори биз каби шоғирдлар ҳам, гарчи янги тамойилларга хайрихоҳ муносабатда бўлсак-да, уларни англашда хийла қийналдик, янги ҳодиса поэтикасини ҳис этиш, илмий кашф этиш бобида ожиз-лигимиз панд берди. Буни тенгдошлари орасида биринчилардан бўлиб тан олган зот Озод Шарафиддиновнинг ўзлари бўлдилар. “Модернизм — жўн ҳодиса... эмас” сарлавҳали суҳбатида у киши шундай дейдилар: “Шахсан мен ўзим шу пайтга қадар адабиётдаги модернизмга ўзимнинг муносабатимни аниқ белгилаб олган эмасман. Баъзи бир модернистик асарларни, айниқса, юморга

йўғрилган асарларни (Станислав Лем, Рей Бредбери) завқ билан енгил ўқийман. Фолкнер, Жойс, Пруст каби адибларнинг асарларини эса ўқишда қийналаман. Ҳатто баъзан уларнинг асарларини ярмидан ташлаб қўйган ҳолларим ҳам бўлган. Лекин шунга қарамай, мен бу ёки бу каби бошқа ёзувчиларни ҳечам қораламайман. Эҳтимол, гап ёзувчида эмас, балки менинг дидимда, савиямдadir. Ҳар ҳолда фақат менга ёққани ёки ёқмаганига қараб бирор асарни рад этиш ёки улуғлаш мумкин эмас... Модернизм муносабати билан қилган гурунгларимиздан фақат битта хулоса чиқаргим келади — яшасин эркинлик, йўқолсин қолиплар!"

Нақадар самимий, мардона эътироф. Қани энди ўзини мунаққид, назариячи олим деб юрган кимсаларда ҳам шунақа адолат, шижоат туйғуси бўлса! Устоз гарчи “шу пайтга қадар адабиётдаги модернизмга ўзимнинг муносабатимни аниқ белгилаб олган эмасман” деган бўлса-да, бош муҳаррир сифатида “Жаҳон адабиёти”да ўзбек ўқувчиларини “XX асрнинг етакчи услуби” — модернизмга оид фалсафа, руҳшунослик, санъатшунослик, адабиётшунослик асарлари, жаҳон модерн адабиётининг сара намуналари билан таништиришда мислсиз савоб ишларни амалга оширди, ҳамкасбларининг бу мавзуга оид мақола, суҳбатларини мунтазам бериб борди. Танқидчилигимизда ҳам модерн асарларни ҳис этиш, англашга рағбат ортиб бормоқда. Бу жиҳатдан Қ.Йўлдошевнинг “Ёниқ сўз”, У. Ҳамдамнинг “Янгилавиш эҳтиёжи” китобларидаги қатор мақола, суҳбатларни эслатиш мумкин. Лекин, бари бир, бу борада ҳам улоқ ҳамон ижодкорлар қўлида. Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Баҳром Рўзимухаммад каби модерн йўналишга мансуб носир, шоирларимизнинг адабий-танқидий мақола, суҳбатлари тўпланиб китоб ҳолига келтирилса, чиройли бир ўқув қўлланмасига, бугунги ўзбек модерн адабиёти энциклопедиясига айланиши тайин. Бир-икки мисол келтирай: ҳеч қайси мунаққид Фахриёр лирикаси поэтикаси моҳиятини ҳозиргача Назар Эшонқулнинг “Тасаввурга дош берсанг бўлди” сарлавҳали сўзбошиси ёки Назар Эшонқул насри ички нафосатини Фахриёрнинг “Муаззам қўшиқ” мақоласидаги каби нозик ва теран кашф этиб бера олгани йўқ! Танқидчилигимиз ҳис этиш, англаш бобида айни шу йўналишдаги асарлар муаллифлари даражасига кўтарила олсагина, зиммасидаги вазифаларини чинакамига адо этиш шарафига муяссар бўла оладилар.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ. Умарали ака! Адабий жараён ва ундаги ҳар бир асар биз ҳозиргача ўзлаштириб олган назарий қоидалар қай даражада акс этганига қараб эмас, Аллоҳ ато қилган ўз умрича яшайди. Ҳар бир асарга ёндашганда уни ижодкор истеъдоди табиатидан келиб чиқиб ўрганиш, асар бетакрорлигини ўша адабга Аллоҳ берган буюк неъмат — истеъдод ҳосиласи деб қараш керакка ўхшайди. Қолаверса, бундай ўлмас асарларнинг умрзоқлиги китобхонларимизнинг дид-фаросатларига ҳам боғлиқ. Сиз тилга олган мақолалар ҳам муаллифнинг бетакрор фитрати ва унинг асардаги аксини имкон қадар тушунишга ҳаракат қилиб ёзилган ёзувлар. Қолаверса, истеъдод табиатини олимларга қараганда ижодкор аҳли яхшироқ танийди, айниқса, уларнинг ижодий манераси ўзаро яқин бўлса. Шунинг учун ҳам бу мақолаларни адабиётшунослик мажмуа (афсуски, бизда бундай мажмуалар яратиш ҳали йўлга қўйилмади)ларига киритиш, уларни ёш ижодкорлар мутолааси лозимлигини филологларга қайта ва қайта уқтиришимиз керак. Фахриёрнинг шоирлиги, модерн услубдаги ёки анъанавий фольклорча шеърларининг ўзи алоҳида адабий ҳодиса. Бироқ шоир интеллектуал дунёсининг нақадар бой эканлиги фақат Сиз тилга олган мақоладагина эмас, балки Тимоти Ж. Уинтернинг “XXI асрда ислом” китобининг инглизчадан таржимаси орқали ўзбек тасаввурини қанчалар бойитганини тан олмаслик мумкин эмас. XX аср сўнгига келиб постмодерн дунёнинг қиблани таниши урчиб бораётган имонсизлик қаршисидаги илмий-маънавий дастакдир. Эътиқодсизлик фожиасини кўрсатган юзлаб асарлар бор, шу жумладан, “Сароб” ҳам. Бироқ имонсизликнинг қаёққа олиб боришини, унинг эртаси абсурд эканини илмий публицистик йўсинда англата олган шу биргина китоб таржимаси учун ҳам биз Фахриёрдан миннатдор бўлишимиз керак. Назар Эшонкулнинг қиссаларидаги интеллектуал руҳ ўзини миллат фарзанди (майли ҳозирча фидойиси деб айтмайлик) деб билган ҳар бир зиёлига қўчиши, унинг қалбида аксланиши керак.

Умарали НОРМАТОВ. Ниҳоят, суҳбатимиз энг мураккаб, масъулиятли ва чигал масала — постмодернизм жумбоғига келиб тақалаётир. Постмодернизм башарият тараққиётидаги учинчи тўлқин — информатика ва глобаллашув босқичининг маҳсули, у фақат адабиёт, санъатгина эмас, фан ҳодисаси сифатида майдонга чиқди, бугина эмас, сизу биз яшаётган ҳозирги давр постмодерн

дунё деб аталадиган бўлди. Постмодерн дунёнинг муҳим белгилари сифатида маънавият оламида кечаётган жараёнлар — ҳар қандай кўринишдаги модерн — янгиликларга сиғинишдан тийилиш, юксак ва оммавий маданиятни бир-бирига яқинлаштириш, фан билан дин ва санъатни муросага келтириш каби ҳолатлар тилга олинаётир; фан оламида методологик асос сифатида диалектика ўрнига синергетик тафаккур усули олдинга ўтди, эволюцион синергетик парадигма, жумладан, бадиий ижодиёт фанининг методологик асосига айланди. Реализм билан модернизм орасида муросасиз баҳс, яъни “реалликда маъно бор” деган реализм ақидаси билан “реалликда маъно йўқ” деган модернистик қарашларни муросага келтириш мақсадида бу ҳаёт-мамонт масаласи ўзгача тарзда қўйилмоқда — инкор ёки тасдиқ этиш йўлидан бирини танлаш ўрнига, бу хил кескин саволларга аниқ жавобни очиқ қолдириб — бу борада ўзгача йўлни, яъни **масала** моҳиятини, реаллиكنинг сир-синоатини тафтиш этиш, диққат-эътиборни ҳодиса қаърига йўналтириш таклиф этилмоқда. Айни шу жиҳат постмодернизмнинг энг асосий хусусияти деб қаралмоқда. Моҳиятни очиб сари интилишда, хусусан, фан ва санъатда моддийонча реалистик, диний-илоҳий ва мифологик тафаккур бирдек аҳамиятга эга эканлигига ургۇ берилмоқда.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. Соцреализм “ҳаётни ўз шаклида кўрсатишдан” “борлиқни ўз моҳиятида кўрсатиш”га ўтиши муносабати билан унинг имкониятлари кенгайгани, очиқ система сифатида қабул қилингани ўз даврида Сиз ёзган китобларда ўринли қайд этилган эди: Илмий адабиётларда “постмодернизм” тушунчаси “постструктурализм”га синоним тарзда қўлланилмоқда (Ильин И. П. Постструктурализм. Деконструктивизм. Постмодернизм. М.: Интрада, 1996). Ҳар икки ҳолатда ҳам бу назарий тамойиллар энг янги адабий ақидалар сифатида талқин қилинаётгани билан ҳали адабий-эстетик нуқтан назардан янги “назарий парадигмалар” яратмади, деган қарашда маълум маънода жон борга ўхшайди. Албатта, илк модернизм давридан сўнгги модернистларнинг қарашлари тубдан фарқ қилади. Лекин жалид эстетикаси назарий жиҳатдан бадиий адабиётнинг санъат сифатидаги моҳиятини англатишга қанчалар аҳамият берган бўлмасин, амалда уларнинг эстетик принциплари “юрт оёғидаги кишанга бориб тақалади”, яъни ижтимоий ҳаёт талаблари назарий қоидалардан устунроқ тургани учун бутун ижодларини маъна шу сиртмоққа қарши қаратган. Шунинг учун

ҳам Чўлпоннинг бадиий-эстетик туйғу ташувчи энг гўзал шеърларида ҳам, “кўланка”, “кишан” қайғуси унинг елкасидан босиб турган. Фитрат домла ҳам шеърӣй шаклларга сиғмаган тўфонли ўйларини санъат, адабиёт дарди деб эмас, “юрт қайғуси” ниятида битган. Демак, назарӣй тамойиллар ҳаёт ҳақиқатига дуч келганда бир оз ўзгариши, ўзининг эстетик моҳиятидан ижтимоӣйликка қараб бурилиши мумкин эканини жадид адабиёти тажрибаси англатиб турибди. Шундан кейин шўро истибдоди даврида адабиёт тўла-тўкис ижтимоӣйлашув жараёнини бошдан кечирди. Бора-бора бу ҳолат адабиётнинг қонуний “хусусияти”га айланиб қолдики, энди мустақиллик даврида ҳам мана шу каби назарӣй тушовлардан озод бўлолганимиз йўқ - Сиз тилга олган “Ўтмишдан эртақлар”даги қулфланмаган ҳужрада “қамалиб ўтирган” Бабар сингари. Биз кўп ўринда бадиий адабиётнинг жамият олдидаги вазифасини публицистик функцияда деб биламиз, яъни у янги фикр айтиши, жамият иллатларини фош қилиши, халқни тараққиётга бошлаши керак. Мана шу улғувор вазифани маълум маълода кунига юзлаб номда нашр этилаётган газета ва журналларга юкласак-да, бадиий адабиётни “фикр айтиш воситаси” деб қарашдан муддаони соф бадиият талабларига кўчирадиган бўлсак, бизнинг жуда кўп асарларимиз паришон ҳолда қолади. Ҳатто XX аср миллий адабиётимизнинг “олтин фонди”дан ўрин олган асарлар ҳам. Постмодернизмнинг назарӣй тамойилларини талқӣқ этиш миллий адабиётшунослигимизда, Сиз тўғри қайд этганингиздагидек, ҳали изланиш йўлига ҳам киргани йўқ.

Умарали НОРМАТОВ. Гарчи бу борада адабиётшунослик оқсаётган бўлса-да, миллий адабий жараён жим тургани йўқ. Шуниси муҳимки, постмодернизмнинг бу хил тамойиллари фақат Фарб, тараққӣй этган мамлакатларгагина хос бўлмай, ҳозирги глобаллашув жараёнида узоқ йиллар “темир тўсиқлар” билан ихота қилинган собиқ шўро тузуми ҳудудидаги халқлар адабиётида ҳам ўзига хос кўринишда намоён бўлган. “Ҳозирги рус адабиёти” китоби, шунингдек, рус постмодернизмга бағишланган кўплаб тадқиқотларда бу жараён кенг ва ишонарли тарзда очиб берилган. 70-80-йиллар ўзбек адабиёти манзарасига синчиклаб назар ташланса, чунончи, “Рухлар исёни”, “Жаннатга йўл”, “Ҳаққуш қичқирғи” каби асарлар, сон-саноксиз ҳикоя ва қиссалар бу борада жиддий мушоҳада юритиш, тадқиқотлар олиб бориш учун етарли асос беради.

“Учинчи тўлқин” ёки “постмодерн” босқичига келиб анъанавий реализм ҳам жиддий янгиланиш жараёнини бошидан кечираётир. Биз юқорида тилга олган, бошқа яна кўплаб тадқиқотларда “пост-реализм”, “модернизациялашган реализм”, “янгиланган реализм” истилоҳлари кенг қўлланилмоқда. Хаттоки қатор тадқиқотларда “Соцреализмнинг янгиланиши” ҳодисаси хусусида қизиқарли мулоҳазалар ўртага ташланаётир. Чунончи, “Ҳозирги рус адабиёти” муаллифлари С. Довлатов, В. Катаев, Ч. Айтматов каби улкан адиблар ижодий тафаккури тадрижи мисолида, хусусан, “Бинафша”, “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат” каби машҳур асарлар мисолида бу масалани теран таҳлил этиб берганлар.

О. Ёқубов, Асқад Мухтор каби жаҳондаги янги адабий жараёнлардан баҳобар адибларимиз қатори 70-80- йилларда миллий насримиз майдонига дадил кириб келган Тоғай Мурод, Х. Султонов, М. Муҳаммад Дўст, Эркин Ўзам каби адиблар ижодий тадрижида ҳам шунга яқин ҳодисаларни кузатиш мумкин. Биргина Одил Ёқубовнинг янги “Осий банда”си ёки Тоғай Муроднинг оддий меҳнат аҳли вакиллари бисотидаги юксак маънавий қадриятлар тараннумидан бошланган тамойилнинг “Отамдан қолган далалар” ва “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи томон тадрижи миллий адабиётимиз, хусусан, насримиздаги ноёб ҳодисадир. Анъанавий реализмдан постмодернизм томон бу хил зафарли юриш ҳақида ўйлашнинг ўзи мароқли!

Ҳамидулла БОЛТАБОВ. Кузатиш мароқли туялган анъанавий реализмдан постмодерн сари қадам ташланиши, менимча, бизнинг муаллифларимизнинг “зафарли юриши” эмас, балки жаҳон, ҳеч бўлмаса, шарқ адабиётларида кузатилаётган ҳодисаларнинг айримлари билан бизнинг адибларимизнинг ҳамқадамлигида деб тушуниш мумкин. Бизга Фарб матбуоти (жумладан, рус оммавий ахборот воситалари ҳам) орқали сингдирилишича, “ўз ички қобилари ичида” сиқилиб қолган Эрон адабиётидаги янгиланишларни кузатайлик. Эронлиларда ўз адабиёти даражасида туриб, назарий тадқиқотлар яратишдан кўра хорижла, айниқса, Фарбда яратилган адабиёт назарияларини таржима қилиш тенденцияси кучлироқ кўринади. Инглиз олимлари Ричард Ҳардланднинг “Адабий-назарий фикр тарихи: Афлотундан Боротгача”, Чарлз Брислернинг “Адабий танқид адабиёт назарияси аспектида”, Жонатан Кулленинг “Адабиёт назарияси”, Роман Селден ва Петер Уиддоусон таҳрири остида чиққан “Ҳозирги адабий жараён назарияси”; немис

олимлари Йоханнес Бертензнинг “Адабиёт назарияси”, Ханс Бертинснинг “Ҳозирги адабиёт назарияси” каби асарлари 2006-2007- йилларда таржима этилди. Номланишининг ўзигагина эътибор қаратганда ҳам буларнинг ҳеч бири қатъий қонуллаштирилган адабиёт назариялари эмас, балки бадиий қонуниятларини замонавий адабиёт билан боғлаш йўлидаги тадқиқотлар сифатида таассурот беради. Албатта, бу мисоллардан янги назарий тадқиқотлар яратишни қўйиб, таржимага ўтайлик, демоқчи эмасман. Бироқ адабиёт назариялари яратилиши даврида жонли адабий жараён тамойилларидан келиб чиқиб иш юритиш назарий тафаккур тадрижи учун ҳам, миллий адабиёт муваффақияти учун ҳам фойдалироқ эканини таъкилламоқчиман холос. Менимча, бизнинг адабий-назарий йўсиндаги ишларимиз ана шу жиҳатдан оқсайди.

Умарали НОРМАТОВ. Адабий-бадиий жараёнда жиддий янгиланиш, туб ўзгаришлар кетаётган, янгиланиш анъана тусини олаётган, хилма-хил, кутилмаган тамойилларнинг намоён бўлиши, ўзаро таъсири, бир-бирини бойитиши учун имкон яратилган ҳозирги постмодерн шароитида адабий ҳодисаларга хилма-хил илмий мактаб таҳлил методлари орқали ёндашиш эҳтиёжи ортиб бориши табиий. Адабиётшунос А. Раҳимов 1997 йили тузган “Адабиёт назарияси” дастурида XIX аср Оврўпа адабиётшунослигининг асосий методлари сифатида мифологик мактаб, қиёсий-тарихий, маданий-тарихий, биографик, психологик, филологик; ҳозирги адабиётшуносликнинг асосий методлари сифатида эса психоаналитик, интуитивизм, формализм, экзистенциализм, структурализм, марксистик методларни келтиради. Д. Куроновнинг “Адабиётшуносликка кириш” дарслигида социологик, тарихий-маданий, қиёсий, биографик, ижодий-генетик, шунингдек, имманент таҳлил методлари сифатида структурал, стилистик ва семиотик методлар хусусида маълумот бериб ўтилади. Фанда бу ерда тилга олинмаган яна қанчадан-қанча методлар бор.

Шўро даврида марксистик методдан бошқа барча мактаблар “буржуача-реакцион” ёрлиғи остида кескин қораланган. Айниқса, ўтган асрнинг 40-йиллари бизда бу борада рўй берган нохуш ҳодисаларни асло унутиш мумкин эмас. Бир-икки мисол. Психоаналитик метод асосида иш қўриш у ёқда турсин, А.Алимухамедовнинг Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологизм, яъни руҳий тасвир маҳорати масалаларини текширишга қаратилган, бугунга қадар ҳам аҳамиятини йўқотмаган тадқиқоти буржуача

эстет-космополитизм кўриниши деб баҳоланган; “Адабиётимизда эстет-космополитларни охиригача фош қилайлик”, “Адабиёт ва санъатда беватан космополитларни охиригача фош қилайлик” сарлавҳалари остида дағдағали мақолалар эълон этилган. 1947 йилда чоп этилган “Узбекский народный героический эпос” китоби муаллифлари В.М. Жирмунский билан Х.Т.Зарипов “Алпомиш” дostonини “Одиссея” билан қиёсий таҳлил этишда Веселовскийнинг қиёсий-компаративистик мактаби йўлидан борганликлари учун уларга “Веселовскийнинг совет адабиёт-шунослигига кириб олган вакиллари” деган ёрлиқ ёпиштирилади. “Шарқ юлдузи”да эълон этилган бир мақола муаллифи “А.Веселовский ўз асарларида адабиётни социал мундарижадан, адабиётшунослик фанини эса социал курашдан, жамиятдаги синфлар курашидан бутунлай ажратиб қўяди” деб даъво қилади ва шундан келиб чиқиб, бу мактаб каби “беватан космополитик таълимотлар” бугун бир халқнинг иккинчи бошқа халқлар устидан устунлигини даъво қилувчи ирқчи фашистларга, бутун дунё устидан ҳукмронликка интилаётган Америка империализмига ёрдам беради. Веселовскийнинг совет адабиётшунослигига кириб олган вакиллари ана шу империалистларга хизмат қилдилар” дея ҳукм чиқаради. (“Шарқ юлдузи”, 1949, 2-сон, 90-бет)

Бу хилдаги дағдаға, сиёсий ҳукмномалар туфайли адабиёт фани бошига қандай қора кунлар тушганлигини яхши биламиз...

Аллоҳга шукурки, бундай мудҳиш адабий сиёсат, уни яратган мустабил тузум билан бирга тарих қаърида қолиб кетди. Эндиликда барча чин илмий мактабларнинг эшиклари ланг очик.

Хўш, биз улардан қанчалик фойдаланаётирмиз. Устоз О.Шарафиддинов бизнинг адабий танқидчилигимизда, асосан, биргина социологик тадқиқот усули етакчи бўлиб келаётганидан афсусланиб, ҳамкасбларини мустақиллик шарофати билан адабиётшунослик ва танқидчиликда доимий изланишлар олиб бориш, адабиётнинг ички гўзаллиги ва бойликларини тўлароқ очиб беришга қаратилган янги имкониятлар топишга даъват этган эди. Тан олиш керак, бу борада айрим уринишлар бор. Бироқ адабиётшуносликда жиддий воқеа бўладиган изланишлар самарасига гувоҳ бўлганимиз йўқ. “Айрим уринишлар”га оид аниқ мисоллар келтирсам. Озод ака “Адабий танқид ва янги тафаккур” сарлавҳали суҳбатида А.Аъзамовнинг “Жаҳон адабиёти”да эълон этилган бир мақоласи хусусида тўхталиб: «Олим Абдуллажон Аъзамов... адабиётшунослик

илмида биринчи бўлиб Алишер Навоий ғазалларини математик таҳлилга тортган. Маълумки, ҳали математиклар ғўзалик формулаларини ихтиро қилганларича йўқ. Ажаб эмаски, Аъзамовнинг бу мақоласи ана шу йўлдаги биринчи қадам бўлса. Ҳар ҳолда, мақолада бир қатор эътиборга лойиқ кузатишлар бор”, - дея олимнинг изланишларини қўллаб-қувватлаган эди (“Ижодни англаш бахти”, 231-бет). Аслида, А. Аъзамовнинг бу йўлдаги илмий изланишлари ҳам структурал методга мансуб.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. Агар таянч нуқтасини топиб берилса, ер шарини тўнтариб беришни “ваъда қилган” Архимеднинг бир гапи бор: “Ҳар бир фан математикадан улги олгандагина ўз такомилига етишиши мумкин”. Бу гап қайси мақсадда айтилганидан қатъий назар, структурал метод ҳам маълум маънода математика, хусусан, кибернетика фанига таянгани рост (Лотман Ю. Структура художественного текста. Л.: 1970). Проф. Абдулла Аъзам Сиз тилга олган мақолага қадар Алишер Навоийнинг насрий муножотини имкон қалар асар матнidan узмай талқин қилишга киришиб, “Муножотнома” битганини эслайман. Озод ака эслаган мақола ҳам адабиётшунос олим ўз объектига математик аниқлик билан ёндашиши, ўзининг ҳар қандай фалсафий тушунчаларини таҳлилга тортган асарга тикиштиравермай ундаги маънини борица талқин қилиши лозимлигини эслатади. Чўлпон домланинг “Ҳақ йўли бир ўтилгуси...” деган ҳикмати аён. Менинг назаримда, соцреализмдан постструктурализмга сакрашдан аввал структурал таҳлил деб аталган бекатга бир оз бўлсин-да кўниб, ундаги айрим жиҳатларни англашга уриниб кўрайлик. Чунки айни шу таҳлил усулигина бадий матн ҳақида нисбатан максимал аниқлик билан ҳулоса қилишга йўл очади. Ижод жараёнини тушунтиришда **борлиқ > ижодкор > матн > китобхон** муносабатидан сўнгги икки жиҳатга кўпроқ аҳамият қаратади. Структурал таҳлил муаллифнинг шахси кимлиги, унинг амалию қайси асрда яшаганидан кўра бирламчи объект сифатида матнни танийди ва у ҳақда, асосан, бадий матннинг ўзидангина келиб чиқиб таҳлил қилишга киришади.

Айни шу усулни суиистеъмол қилиб (аслида структурал метод моҳиятини юзаки, жўн тушуниш оқибатида) ўз тадқиқотини статистик маълумотлар ва математик формулалар ҳисобига семиртираётган тадқиқотчилар (айниқса, методика соҳасида) ҳам мавжудлигини унугиб бўлмайди...

Умарали НОРМАТОВ. Ҳамидулла! Сиз бир неча йиллардан бери магистратура босқичида “Адабиётшунослик ва структурал методлар” фанидан маърузалар ўқийсиз. Сизда таълим олган шоғирдлардан қай бири шу илмий мактаб йўлини танлади? Шу метод асосида бирор жиддий тадқиқот олиб бордими? Шахсан ўзингиз Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикоясини шу усул орқали чиройли таҳлил этиб намуна кўрсатдингиз... Шоғирдлар бу борада нега устозга эргашмаётир?..

Шахсан мени постструктурал методга хос бир тафаккур усули кўпдан бери қизиқтиради. Постструктурализм **дарахтсимон** тафаккур усулидан фарқли ўлароқ **ризомасимон** усулни тақдим этади. Биламизки, дарахтнинг ўз илдизи, танаси, ягона ўқ илдиз ва танадан тармоқ отган илдизчалари, шохлари, шохчалари ва япроқлари бўлади. Анъанавий тафаккур усули ўша тарзда намоён бўлади. Ризома эса шундай ўсимликки, унинг ягона ўқ томири ҳам, ўқ илдизи ҳам бўлмайди, ҳар томонга қараб ўтлаб кетаверади, ҳар бир тармоқ ўз ҳаракати жараёнида исталган жойда томир отиб, ўша ердан униси ҳам тармоқларга бўлиниб ҳаракат қилаверади.

Постструктуралистлар дарахт билан ризомага бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки тафаккур усули деб қарайдилар. Уларнинг қарашича, дарахт гўё фикрларни бир **марказдан** бошқарувчи ҳокимият тимсоли, унда илмий мактаблар айни дарахт кўринишида ташкилланган. Постструктурализмга кўра, марказ тушунчаси маъноним. XX аср жамиятларида тоталитар ва авторитар тамойиллар олға бориш йўлида жиддий ғовга айланди. Ризома тимсолида ўзгача ҳолни кўрамыз. Ризома дарахтдан фарқли ўлароқ, парадигматик, замонавий воқелик ҳолатига мосроқ. У ўзигагина хос табиати туфайли тараққиёт йўлидаги ҳар қандай сиқувга оладиган, ортга қайтарадиган, ғов бўладиган барча чекловларни бартараф этиб олға боришга қодир. Замонавий фикрлаш бу — ризомасимон фикрлашдир, яъни нарса-ҳодисалар бағрида, ёнида, орасида туриб фикрлаш демакдир. Унинг йўлини тўсиб бўлмайди, қаршиликка учраса, бошқа томондан йўл топиб кетаверади. Ризомасимон фикрлаш инсоният тарихи, ижтимоий реаллик, билимлар, маданият — барчаси дискурсив характерга эга демакдир. У гоҳо тўхтайди, қайрилади, синади, узилади, аммо мутлақо қутилмаган, номувофиқ жойлардан бўй кўрсатиб илдиз отаверади - бир-бирига боғлиқ бўлмаган сон-саноксиз чизиқлар бўйлаб ҳаракат қилади; у кўпмарказли ва плюралистик...

Эътибор беринг-а, постмодернизм, постреализм, постструктурализм, синергетика, мана энди ризомасимон тафаккур усули – улар орасида теран бир алоқадорлик, мутаносиблик бор, қолаверса, буларнинг барчаси башарият цивилизацияси равнақидаги бир давр, янги босқич маҳсулидир. Шу нуқтаи назардан ҳозирги янгиланаётган кўп тармоқли адабий-ижодий жараёнга, бадиий ижод тарзига, янгича ижодий тафаккур маҳсулига ёндашилса, қизиқарли изланишлар қилиш, биз амал қилаётган таҳлил усулларининг нигоҳи етмаган ижодий жараённинг сирли қатламларига кириб бориш мумкин деб ўйлайман...

Афсус, менинг ёшимда бу усул асосида иш кўриш қийин кечаётир. Қани энди ёшлар шу хил усулларга далил қўл урсалар дейман.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. 1997 йили “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилиниб, олий таълим тизими икки босқичли тус олди. Шунга кўра магистратура таълимига бакалавриятни такрорламайдиган замонавий фанларни дастурлаш тавсияси берилди. Университет таълими магистратура босқичининг “Адабиётшунослик” мутахассислиги учун барча Олий таълим тизимида бирваракайига математика ёки алгоритмлар назарияси эмас, балки соҳага яқинроқ “Адабиётшунослик ва структурал методлар” фани ўтилишини таклиф қилдим. Шукрки, бу фикр инobatга олиниб, мана 7-8 йилдирки, бу фан ўқитилмоқда. Бундан кутилган мақсад бадиий таҳлил тажрибасида **структурал поэтика** деган ҳодиса (майли уни метод деб атамасак ҳам) бор экан, биз ҳам ҳеч бўлмаса, олий адабий таълимнинг юқори бочқичида шу йўсиннинг имкониятларини ўрганайлик, деган муддао эди. Бу тажриба қандай натижалар беради, буни олий ҳакам — вақт кўрсатади. Бироқ ушбу ўринда биз француз структуралистлари (Клод Леви-Стросс, Ролан Барт) каби структурализм мактаби деб ёки собиқ иттифоқда ном қозонган Юрий Лотман ибораси билан “структурал поэтика” деб эмас, ўзимизга яраша жўнроқ қилиб, қулоққа ғализ эшитилса ҳам “Адабиётшунослик ва структурал методлар” деб атадик ва адабиётшунослик тарихида академик мактаблар қаторида мана шундай таҳлил усули борлигини ва у “замонавий классицизм” лақабини олган соцреализмнинг беш устивор қонуниятларини бадиий асардан излаб топишдан кўра самаралироқ натижа бериши мумкинлигини тусмол қилдик. Ҳамон дунё ва рус (биз учун намуна мактаби бўлиб келган) адабиётшунослиги XX асрнинг 70-йилларида шундай таҳлил йўсинини устувор билиб, юзлаб бадиий

асарлар шу метод туфайли нисбатан максимал аниқлик билан таҳлилга тортилаётган экан, бу жараён бизга ҳам бегона эмас, деган ўй билан иш кўрилди. Маълумки, айни замонда филологиянинг қўшқанотларидан бири тилшунослик илми “структурал лингвистика” босқичига қадам қўйган эди, лингвистикадаги жорий тушунчалар (“поэтик лексика”, “фоника”, “поэтик синтаксис” каби) асосида филологиянинг иккинчи узви сифатида адабиётшуносликда ҳам иш кўриш тавсия этилаётган бир пайтда (Р.Якобсон тажрибаси) бунга қарши ўлароқ “структурал поэтика” вужудга келди. Бу борада унинг собиқ иттифоқ доирасидаги тарафдорларидан бири Ю. Лотман ёзади: “бадий адабиётнинг лингвистик тадқиқоти (структурал лингвистика методини қўлласа ҳам) моҳиятан антиструктурал характерга эга, чунки улар адабиётнинг алоҳида элементи ва аспекти унинг умумий функциясида ажратиб, табиий тил феноменининг принципларига мослаб таҳлил қилдилар” (Структурал поэтика ва унинг Ю.М. Лотман меросидаги ўрни / Структура художественного текста. — М.: 1996). Бу метод асосчиларидан бири уни шундай шарҳлайди: “Шундай ёзувчилар, rassomlar, musiqachilar бўладики, уларнинг нигоҳида структура воситасидаги *амалиёт* (у ҳақдаги фикргина эмас) инсон фаолиятининг алоҳида тури бўлиб кўринади; таҳлилчи ва ижодкорларни бир умумий белги остида бирлаштираётган одам ўзи истифода қиладиган ғоялар тили билан эмас, ўз тасаввурининг характери билан ёки, тўғрироғи, *тасаввур қобилияти*, бошқача сўз билан айтганда, структурани қайси усулда тафаккур ва қабул қилса, унга *структурал фаолият* номини бериш мумкин... Ҳар қандай структурал фаолиятнинг, рефлексив ёки поэтик бўлишидан қатъи назар, мақсади “объект”ни шундай қайта ярата олиши керакки, бундай қурилмада ушбу объектнинг функционал қоидалари акс этсин. Шундай қилиб, структура бу, моҳиятан, предметнинг аксланиши бўлиб, бундай аксланиш муайян мақсадга йўналтирилган бўлади, предмет моделида кўзга ташланмаган ҳеч нарса ёки, агар мумкин бўлса, моделилаштирилаётган предметнинг тасаввур қилинмаган ҳеч бир жабҳаси қолмаслиги керак. Структурал (фаолиятдаги) инсон борлиқни (бурунги ҳолатда) олади, уни тақсимлаб, сўнгра қисмларни қайта йнгади; биринчи қараишда бу жўн нарса (негшир структурал фаолият “сезимсиз, қизиқарсиз ва фойдасиз” ва ҳ.к.) бўлиб кўриниши мумкин. Бошқа нуқтаи назардан қараганда, бу жўнлик ҳал қилувчи моҳият касб этади

ёки бу икки объект, структурал фаолиятнинг икки қутби ўртасида янги, бутунлай тасаввур қилинмаган бошқа бир нарса тугилади. Модел бу предметга қўшилаётган интеллектдирки, бундай қўшимча унинг ўзи инсон, унинг тарихи, унинг вазияти, унинг эрки ва ҳатто табиат унинг ақли билан кечган қарама-қаршилик маъносида антропологик моҳиятга эгадир. Шундай қилиб, кўрамизки, нима учун структура ҳақида сўз юритганда фаолият сифатида гапириш мумкин: яратилиш (фитрат) ва акс эттирилиш (инъикос) бу ерда дунёнинг биринчи “изи” гина эмас, дунёнинг шундай ҳақиқий қурилмаси бўлиб қоладики, у бошланғич (ҳолат)га ўхшайди. Лекин ундан нусха олмайди, балки уни интеллигибел (ақлга мувофиқ) қилади” (Ролан Барт. Структурализм как деятельность / Избранные работы. Семиотика. Поэтика. - М.: 1989). Бундай узун кўчирмадан мурод, структурал таҳлил йўсини субъективизм ва шахсиятпарастликка бўйин эгиб қолаётган адабий танқидчилигимизни, “қутлуғ бўлсин янги китобингиз” қабилда ёзилаётган ўнлаб тақризларни бадий асар матни ҳақида энг зарур, бадийга дохил фикрларни айтишга қараб йўналтириши мумкин деган илинжим ҳам йўқ эмас.

Замон ҳам, адабий жараён ҳам тезкор. Биз структурализмнинг моҳиятини англаб улгурмасимиздан *постструктурализм* деган тушунча модага айланди, бу қарашдагилар структурализм ўрнига янгича таҳлил методини (“пост” — “кейинги” сўзи моҳиятан янги қарашни ифода этмайди) шу каби “постструктурализм” ҳам структурализмни инкор этгани билан унинг ўрнига қўядиган таҳлил усули тавсия этгани йўқ. Айни структурал методни инкор қилган Анна Балакян “Структурализм ва адабиётшунослик” мақоласида уни алмаштирадиган бирор усул ёки методни тавсия этолмагани ўзбек китобхонларига ҳам маълум (“Филология масалалари”. - 2005. - 2 сон). Бу мураккаб илмий-ижодий жараёни дарахтга ёки ризомага менгзаб бўлмайди. Олмонлар, ҳар қандай ўхшатишда бир қусур бор деганларидек, ҳозирги адабиётшуносликда борлиқ ўз шаклида, қандай бўлса шундайлигича кўрсатадиган адабиёт (санъат) эмас, балки уни бутун мураккаблиги билан тасаввур қилишга ўргатадиган, глобал муаммоларни унинг кичик модели ҳисобланган бадий асарда кўриб, уни тавсия этган муаллиф версиясини таҳлил қилиш усуллари мақсадга олинмоқда. Шундай экан, биз адабиётшунослар ҳам бу адабий ҳодисаларни жўнлаштирмай, аксинча, бор мураккаблигича ўрганишга жазм қилишлигимиз керак бўлади.

Умарали НОРМАТОВ. Ҳамидулла, яхши биласиз, илмий ёки адабий тафаккурдаги янги ҳодисалар кўп ҳолларда ўзининг муносиб номини тополмайди, ҳар доим ҳам исми жисмига тўла мос келавермайди. Ҳатто “синергетика” деб аталган ҳодисани унинг ижодкорлари аини шу ном билан аталишини унча ҳуш кўрмаганлар. Аслида назариядаги кўп чалкашликлар ўринли-ўринсиз атамалар билан боғлиқ. А. Компаньон шу хусусдаги бир мақоласини “Назария демони” деб аташи тасодифий эмас (Компаньон. Демон теория. Литература и здравый смысл. - М.: 2001). Шу маънода Сизнинг эътирозларингизда жон бор. “Дарахтсимон”, “ризомасимон” тафаккур атамалари ҳам бир қарашда ғалатироқ, жўнроқ туюлиши мумкин. Аммо синчиклаб қаралса, муайян қолип – қатъий қанонга айланган анъанавий авторитар тафаккур билан эркин, асов ижодий тафаккур орасидаги фарқни, уларнинг асл моҳиятини англаш-англатишда бу образли тимсоллар ниҳоятда қўл келади. Эҳтимол, постструктурализмга ҳос ризомасимон тафаккур усулидан биз адабиётшунослар ўз фаолиятимизда ўқув билан фойдаланаётганимиз йўқдир. Аммо кейинги йилларда табиий фанлардаги буюк ихтиро – кашфиётлар аини шу тафаккур усули - ҳодисаларга қўйилмаган томондан ноанъанавий тарзда ёндашиш орқали амалга оширилаётгани аллақачон эътироф этилган.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ. Сиз айтётган ҳодиса тафаккур усули сифатида мавжуд, яшашга ҳам ҳақли. Бироқ бадий асарни таҳлил этиш тамойиллари хусусида фикр юритилаётганда ҳар қандай янги тафаккур усули ҳам, боринг, у самародор ҳам бўлсин, бадий таҳлил методи сифатида қабул қилиниши қийинлигини эслатмоқчман холос...

Умарали НОРМАТОВ. Адабиётшуносликдаги мактаблар масаласига қайтайлик. Шу пайтга қадар бизда адабий-илмий мактабларни кўпроқ адабий ҳодиса объектига қараб белгилаш русм бўлган: мумтоз адабиётимизнинг турли босқичлари, минтақалари, чунончи, Қўқон, Тошкент, Бухоро-Самарқанд, Хоразм адабий муҳити ва ҳ.к. Берироқ келадиган бўлсак, ўзбек маърифатчилиқ, миллий-уйғониш – жалилчилик, шўро даври, бугунги адабий жараён билан шуғулланувчи илмий жамоалар тарзида шаклланган. Булар ёнига сўнгги йилларда тасаввуф адабиёти тадқиқотчилари мактаби келиб қўшилди.

Бу давр тақозоси эди, бу борада кўп хайрли ишлар қилинди, қилинаётир. Эндиликда объект эмас, объектга қандай методология,

метод асосида ёндашиш масаласи кун тартибига чиқмоқда. Адабий ҳодисаларнинг чинакам бадиий-эстетик қимматини, миллат, балким жаҳон маънавий-маданий, адабий тараққиётидаги ўрнини аниқлаш бош мақсадга айланмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, замоннинг ўзи кун тартибига қўяётган бундай масъулиятли вазифани замонавий илмий-адабий таҳлил усуллари орқалигина амалга ошириш мумкин. Шахсан ўзим янги ўзбек адабиёти тарихи, адабий жараён масалалари билан шуғулланиб келганим учун бу давр адабиётининг кўпдан-кўп ғаройиб жумбоқларини ҳозирга қадар устуворлик қилиб келаётган социологик ёки бошқа бир-икки метод орқали ечиш мумкин эмаслигига аминман. Тан олиш керак, социологик метод ҳам бутунлай эскиргани йўқ. Оқилона ва маҳорат билан ёндашилса, бу усулда ҳам кўп савоб ишларни амалга ошириш мумкинлигини устозлар тажрибаси тасдиқлаб турибди. Истак шуки, социологик мактаб ёнида бошқа методлар, айтайлик, структурал, постструктурал, стилистик, семиотик сингари илмий мактаблар ҳам шаклланса дейман. Менинг постструктурал методдан умидим катта. Айниқса, ҳозирги постмодерн дунё адабий ҳодисаларини, постмодернизм, постреализм номлари билан аталаётган адабий тамойиллар моҳиятини англаш, очишда улар ниҳоятда қўл келиши мумкин. Чунончи, анъанавий реализм бағридаги туб янгиланишлар - ижтимоий таҳлил билан баробар экзистенционал ҳолатлар ифодасининг кенг ўрин олиши, бадиий тип эмас, индивидуал шахсларга эътиборнинг ортиши, моҳият қаърига кириб боришда ижтимоий, мифологик ва диний бадиий талқинларнинг бирдек мавқе тутиши, асар матнида хилма-хил ифода услубларининг ёндош ҳолда келиши, гоҳо бир-бирига зид тасвир тарзларининг ўзаро “муроса”га киришиши — ана шундай ғаройиб поэтик ҳодиса моҳиятини англашда постструктурал метод ниҳоятда қўл келиши мумкин. Масалан, Саид Аҳмаднинг кейинги йилларда яратган лагер ҳаёти мавзусидаги ҳикояларида аниқ ҳужжат — лагер ҳаётига оид автобиографик тарздаги хотиралари билан ижодий тасаввур маҳсули бўлмиш “соф тўқима” сюжет-интригаларнинг ажиб тарзда уйғунлашуви, “Осий банда” романида муаллиф Одил Ёқубовнинг шахсан ўзи гувоҳ бўлган кечмиш воқеалари, қатор тарихий шахслар билан боғлиқ реал ҳодисаларининг ўта муболағадор, фантастик гипербола тарзида берилиши; Хайриддин Султоновнинг “Бобурийнома” романида эса Бобур ва бобурийлар қисматини ёритишда ниҳоятда ранг-баранг талқин

йўллари — ҳикоя, киноҳикоя, қисса, эссе, суҳбат, репортаж, автобиографик хотира, сафарнома, “Бобурнома” услубини ёдга туширувчи тасвир усули, муаллиф ҳикоя ва қиссалари орқали шаклланган янгича ифода тарзи, соф реалистик талқин билан баробар, тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган, фақат “илми ғойиба” орқалигина изоҳланадиган ҳолатлар — бу каби ҳозирги адабий жараённинг янги ҳодисалари тубдан янгича ёндашувларни тақозо этмоқда.

Бугунги шеърятда ҳам ҳали очилмаган қўриқлар беҳисоб. “Жаҳон адабиёти”нинг 2005 йил 6-сонида америкалик адабиётшунос Рэйчл Ҳарелнинг “Кўкламдан кўкламга” мақоласи эълон этилди. Унда Абдулла Ориповнинг “Баҳор кунларида”, Рауф Парфининг “Ёшлик - зангор фасл”, шунингдек, Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад, Ғўзал Бегим каби модерн шоирларимиз шеърларининг инглиз тилига таржима қилиш асносида туғилган кузатиш, ўй-мушоҳадалар ёритилган. Йўл-йўлакай янги ўзбек миллий шеъриятидаги шу пайтга қадар бизнинг назардан четда қолган бир талай янги жиҳатларга эътибор жалб этилган. Мақола муаллифи буларни ҳисобга олмай туриб янги ўзбек шеърияти бисотини инглиз тилига кўчириш мумкин эмаслигини таъкидлаган. Маълум бўлишича, Рэйчл хизмат қиладиган Мичиган университетининг Славян тиллари ва адабиётлари кафедраси структурал ва пост-структурал методлар асосида тадқиқот олиб борар экан. Тадқиқотчи-таржимон янги ўзбек шеърияти намуналарини таҳлил қилиш ва инглизчага ўгиришда айни шу методлар асосида иш кўрган, таржима назарияси ва амалиётига оид қатор янгича концепцияларни илгари сурган, айни пайтда янги шеъриятимизга ҳос қатор муҳим жиҳатларни кашф этишга муяссар бўлган. Аён бўляптики, структурал ва постструктурал метод фақат янги шеъриятимиз таҳлили ва талқинида эмас, балки уларни ўзга жаҳон тилларига таржима қилишда ҳам ҳам қўл келаркан.

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ. Нафақат, рус ҳамкасбларимиз, балки мўлжални каттароқ олиб, жаҳонда яратилаётган адабий-назарий ишлардан имкон қадар тугалроқ хабардор бўлиш зарурмикан. Ҳолбуки, бугун ҳавас билан тилга олаётган адабиёт назариялари ва ҳозирги рус адабиётига тааллуқли асарлар, фақатгина ҳозирги рус адабий-назарий тамойилларига ва кўпроқ Фарбдаги қарашларга асосланмоқда. Истаймизми, йўқми уларда европацентризм белгилари йўқ эмас. Биз эса шарқликлармиз, шарқ адабиёти учун

ҳар доим очиқ реализмдан кўра шартлилик, абстракционизмдан кўра рамзийлик устивор белги ҳисобланган. Янгитдан вужудга келаётган назарий адабиётларда ҳар икки томон (аслида, дунё ягона, худди ҳар қандай бадиий асар бир бутунликда ўрганилгани каби) инобатга олинишини, бу тамойиллар “XX аср классиклари” асарларини ҳам, модерн усулда яратилаётган китобларни ҳам таҳлил этишда кўмак бўлишини орзу қиламан.

Умарали НОРМАТОВ. Жаҳон адабиётшунослигида соф назарий масалаларни эмас, жонли адабий жараён билан боғлиқ назарий муаммоларни ўрганиш устувор бўлиб бораётган экан, бизда айти шу жиҳатдан жиддий оқсоқлик сезилади. Минг йиллик мумтоз адабиётимиз тарихини қўйиб турайлик-да, сўнгги бир асрлик миллий адабиётимиз тарихига оид мавжуд энг кейинги ишларни эслайлик. Шахсан камина устоз О. Шарафиддинов билан ҳам-корликда тузган дастур асосида яратилган “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида (1999) аср адабиётининг тараққиёт тенден-циялари “Аср бошларидаги ўзбек адабиёти”, “20-йиллар”, “30-50-йиллар” ва “60-90-йиллар ўзбек адабиёти” босқичларига бўлиб обзор тариқасида ёритилган. Бор-йўғи 50 саҳифалик обзорда ҳар бир даврнинг энг муҳим тамойилларигина тилга олинган ҳолос; муаллифлар бу “обзор”ни келгусида яратилажак бир асрлик миллий адабиётимиз фундаментал тарихининг шунчаки дебочаси деб ҳисоблаган эдилар. Орадан ўн йил ўтди, ҳануз “фундаментал тарих”дан дарак йўқ. Ўша ибтидоий тарздаги обзор салгина ўзгаришлар, бошқача номланишлар билан китоблардан китобларга кўчиб юрибди. Янги ўзбек адабиёти тараққиёти тарихининг назарий-методологик муаммолари ҳам ишлаб чиқилгани йўқ. Бу борада рус ҳамкасбларимиз муайян тажриба тўплади. XX аср рус адабиёти тарихига оид бир неча китоблар чоп этилди. Булар орасида XX аср иккинчи ярми рус адабиёти тарихи тадқиқига бағишланган Н.Л. Лейдерман ва М.Н. Липовецкийнинг икки томдан иборат салмоқдор “Современная русская литература” асари, айниқса, диққатга сазовор. Шу асар устида батафсилроқ тўхталиб ўтсам дейман. Қарийб бир ярим минг саҳифалик тадқиқотда ярим асрлик рус адабий жараёни кенг кўламда бутун қирралари билан қадам-бақадам текширилади. Энг муҳими, жонли адабий жараён бугунги жаҳон адабий-эстетик назарий тафаккури даражасида туриб бутунлай янгича ёритилади. Тадқиқотда муайян босқичларга шунчаки обзор бериш, проза, поэзия, драматургия намуналарини

санаш, мавжуд факт сифатида кўнгил учун “танқиддан тубан” асарларни тилга олиб ўтиш йўқ; адабий жараённинг етакчи тамойиллари, адабий оқимлар ва уларнинг ёрқин намоёндалари ва намуналаригина таҳлил доирасига тортилган. Адабий жараён қонуниятлари эса етакчи адабий йўналишлар — традицион ва социалистик реализм, модернизм ва постмодернизм ривож динамикасини кузатиш орқали очилган. Адабий йўналишлардаги ўзгаришларни тадқиқ этишда эса тарихий поэтика тажрибаларига таянилади. Соцреализм, модернизм, постмодернизм устида гап кетганда, биздагидек ғашлик, дағдаға билан сафсата сотиш йўқ. Соцреализм назарияси билан боғлиқ схоластик қарашларни, соцреализмни дастак қилиб олиб шўро ҳукумати ва компартия юрғизган машғум адабий сиёсатни танқид қилиш билан баробар бу адабий оқимда юз берган муайян ўзгаришлар, соцреализмга мансуб истеъдодли адиблар ижодидаги ёрқин асарлар ҳам таҳлил этилади, “Соцреализм ниқоби остида” сарлавҳаси остида Л.Леоновнинг “Рус ўрмони”, “Соцреализмнинг инсоний қиёфага кириши” бобида эса М.Шолоховнинг “Инсон тақдири”, Твардовский шеърини юксак баҳоланади. Ф.Абрамов, П.Проскурин, А.Львов, С.Залигин, В.Дудинцев, Д.Гранин, А.Гельман, Б.Можав, Ч.Айтматов сингари улкан адибларнинг ижодий тақдири мисолида соцреализмнинг “очиқ система” сифатида янада янги-ланниши ҳолисаси очилади. “Модернистик традициянинг янги ҳаёти”, “Постмодернизм”, “Реалистик традициялар тақдири” “Постреализм”га бағишланган боблар ғоят катта эҳтиром, билимдонлик ва ҳолислик билан ёзилган. Юқорида тилга олинган оқимлар қобилига сиғмайдиган адабий ҳолисалар тадқиқига бағишланган “Соцреализм чегарасидан ташқарида”, “сокин лирика” ва “қишлоқ прозаси”га оид боблар, шунингдек, “Поэзия ва прозада протеск”, “Интеллектуал тенденция” боблари ҳам қизиқиш билан ўқилади. Шу тариқа рус адабиётининг ярим асрлик жонли тарихи бутун бойлиги, жаминки қирралари, салобати билан намоён бўлади. Мазкур китоб билан танишиниш асносида беихтиёр ўзимиз бевосита шохид бўлган кейинги ярим асрлик адабиётимиз манзаралари кўз олдимиздан ўта бошлайди. Табиийки, бизда рус адабиётидаги жараёнлардан фарқли жиҳатлар кўп, айни пайтда, ўхшаш, муштарак ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Қани уларнинг чинакам илмий-назарий тадқиқи!? Бизни бир жиҳат ҳайратга солади. “Современная русская литература” муаллифларидан бири

Россияда, иккинчиси эса Америкада яшаб ижод қилишарканда ўқув юртларида айни шу фандан дарс берадилар. Улар рус тилидаги адабиёт – замонавий рус адабиётшунослиги бўйича етук муассислар, профессорлар, баробарида, етук назариячиларлар, айни пайтда, янги асарларнинг фалсафаси, методологияси, фалсафа, санъат, санъатшунослик, рухшуносликдаги энг янги қарашлардан, жумладан, постмодернизм, постструктурализм, синергетика, ризомаксимализм каби таълимотлардан чуқур хабардор ҳолда ҳозирги поэтикалар дунёси уммонида бамисли моҳир говвос каби эркин тарғиб қиладилар. Ишончимиз комилки, шулар даражасига кўтарилаётган эканмиз, замонавий миллий адабиётимизнинг чинакам янги илмий тарихини ярата олмаймиз. Афсуски, бизнинг аср адабиёти унинг бугуни ҳақидаги баҳсларимиз ибтидоий тарздаги тап-сўзлар, маҳаллий маҳдудлик доирасидан нарига ўтмаётир.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. Худди шу каби “Ҳозирги ўзбек адабиёти” руқни билан агар янги дастур ва дарслик яратилса, табиийки, у “Мустақиллик даври ўзбек адабиёти” сарлавҳасига синоним тарзида келиши мумкин. Бироқ бизда гарчи расман мустақиллик 1991 йилда эълон этилган бўлса ҳам Истиқлол орзуси адабиётда анча вақт турғун бўлган мавзу ва муаммолардан эди. Шунинг учун ҳам 1991 йилгача кечган барча асарларни шўро адабиёти рўйхатига киритишдан ва улар соцреализм асосида яратилган деган ҳукм айтишдан аввал Истиқлол қайғуси аниқ, акс этган асарларни, айниқса, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган эркинлашув ва ҳар хиллашув жараёнини айни мана шу замонавий адабиёт контекстида ўрганилиши мақсадга мувофиқ келади. Ана ўшанда Лейдерман ва Липовецкийнинг қўлланмасидаги каби ҳар бир адабий ҳодисани ҳам ўзига муносиб атама билан номлаш ва ташқи ижтимоий омиллардан келиб чиқибгина эмас, балки бу даврда яратилган бадиий асарларнинг ички қонуниятларидан, яъни поэтика талабларидан келиб чиққан ҳолда таҳлилга киришуви мумкин бўлади. Ана ўшанда Истиқлол арафасида яратилган асарларга ҳам, бевосита мустақиллик даврининг маънавий неъматли сифатида юзага чиққан асарларга ҳам умумий бир талаб (андоза эмас) поэтик тафаккур ва адабий жараённинг янгилаанишига туртки берадиган бадииятнинг ўлмас мезон ва меъёрлари билан иш кўришлик насиб қилиши мумкин.

Умарали НОРМАТОВ: Кундай равишан: Чўлпон — Ойбек — Рауф Парфи ижоди орқали муайян тамойил тусини олган тўқсон

Йиллик миллий модерн шеъримиз мавжуд. Бугунги кунда бу анъанани янгича кўрилишда давом эттираётган Абдували Қутбиддин, Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад каби ўнлаб забардаст модерн шоирларимиз бор. Уларнинг қатор шеърлари хорижий тилларга таржима этилиб жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Омон Мухтор, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул каби янги йўналишга мансуб адибларимизнинг роман, қисса, ҳикоялари аллақачон ўз ўқувчиларини топган. Шунга қарамай, “модернизм овропа ҳодисаси сифатида биз учун ёт” деган дағдағали дашномлар ҳамон давом этапти. Бу ҳам етмагандай, шўро даврида шиорга айланган “соцреализм жаҳондаги ягона энг юксак метод” деган ақида бир оз таҳрир билан “реализм ижоднинг азалий ва абадий йўли”, бошқалари эса ижодкорни адаштиради деган иддаолар ўртага ташланмоқда, нореалистик тамойил-оқимлар шаънига маломатлар ёғдириш одат тусини олаётир. Жаҳон адабий тараққиёти тарихида янги давр очган Ж. Жойс шахсияти, унинг XX аср инглиз адабиётида энг яхши роман деб тан олинган “Улисс” романи хусусида адабий одоб доирасига сиғмайдиган бўҳтондан иборат даъволарни андишасизларча ҳимоя қилувчилар топилди. Турк дунёси адабиётида биринчи бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлган Ўрхон Памукнинг реалистик асарлари хусусида илиқ гаплар айтилгани ҳолда модерн, постмодерн йўлда битилган жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима этилиб юксак баҳо олган романлари, хусусан, “Қора китоб” хусусида ноҳуш, нописанд мулоҳазалар ўртага ташланди. Ҳеч қандай далил-исботсиз қўча гапларига асосланиб, муаллифни кўчирмачиликда айблаш даражасига бориб етилди (“Жаҳон адабиёти”, 2007 йил, ноябр сони, 166-бет). Бу хил иддаоларни даъво қилаётганлар, наҳотки жаҳон адабиёти ва санъатида кечаётган жараёнлардан бехабар бўлсалар, тараққий этган мамлакатларни қўйиб турунг, шарқда модерн кириб бормаган бирор мамлакат адабиёти, санъати борми ҳозир?! “Модерн ҳодисаси бизга ёт” дегувчилар шундоққина ён қўшшимиз – тасвирий санъатдаги жараёнлардан хабардор-мизанлар? Бугунги миллий тасвирий санъатимизнинг неча фоизи модерн йўналишида эканини чамалаб кўрганмизми? Ёз устига, анъанавий реализм йўналишининг ўзида кўпдан бери модернизацияланув жараёни кетаётгани, бу ҳодиса фанда аллақачон эътироф этилганини билармизми?!.. Аминмизки,

назариядаги, замонавий фалсафа, руҳшунослик, санъатшуносликдаги янгиликлардан хабардорлик ҳам ҳаминқалар... Шундай бўлгандан кейин ҳаёлга келгани айтилавэрар, қоғозга туширилаверар экан-да.

Таскин берадиган жойи шундаки, ҳар ҳолда оз бўлса-да бу борала жаҳондаги жараёнлардан, янгиликлардан бохабар юксак маданиятли ижод ва илм-фан одамлари бор. Уларнинг сафи секинлик билан бўлса-да, кенгайиб боряпти. Миллий адабиётимизнинг янги ҳаққоний, холис, тўлақонли чин тарихини яратиш ана ўшалар зиммасида.

Рус ҳамкасбларимизнинг кейинги йилларда чоп этилган айрим асарлари муносабати билан юқорида айтилган ўй-мушоҳадалар, мулоҳазалар билан танишган дўстларимиздан бир истак шуки. бу гапларни асло ўзгалардан айнан андаза олишга чақириқ деб тушунмасинлар. Биз аллақачон ўзимизнинг, ҳамма соҳада бўлганидек, адабиёт ва адабиёт илмида ҳам ўз мустақил йўлимизни топиб олганмиз. Кўриб ўтганимиздек, рус ҳамкасбларимиз ҳам шўро давридаги қолиплардан дадил воз кечиб янгича замонавий йўллардан шахдам бормоқда. Бу борада улар билан бўйлашиш истаги бизни шундай йўл тутишга ундаётир. Президентимиз ташаббуси билан ҳозир бизда бутун мамлакатни, жамиятни модернизация қилиш жараёни кетаётган, бу борада ҳам жаҳон андозаларига мос келадиган даражага кўтарилиш вазифаси қўйилган экан, биз адабиётшунослар бу қутлуғ ҳаракатдан четда туролмаймиз.

2007 йил, ноябр

ФИКР ДОЯСИ (Сўнгсўз ўрнида)

Ота-боболаримиздан мерос бир ҳикмат бор: “Илм истасанг оқиллар суҳбатига қулоқ туг...”

Антик дунёнинг Сукрот, Афлотун сингари файласуфлари мавжудликнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилиш учун суҳбат шаклини маъқул кўрганлари бежиз эмас. Негаки, тафаккур моҳиятан “ички суҳбат”, фикрламоқ – кишининг ўз вужудидаги яна бир “мен”и билан мулоқотга киришмоғи. Фикрлаётган одам ўша “мен”га ненидир англатишга, унинг эътирозларини қондиришга, уни негадир ишонтиришга интилади... — шу йўсин қўйилган масала юзасидан ФИКР қарор топади. Яъни, фикр фикрдан туртки олади, шубҳа фикрни теранлаштиради, эътироз унинг кўламинини кенгайтиради... бас, ФИКРнинг чинакам дояси суҳбат экан...

(...устоз Умарали Норматов табиатан мулоқотга, гуруннга мойил одам эканидан суҳбатнинг афзаллик томонларини жуда эрта ва теран иллаган. Шундан бўлсами, домла навқирон ёшида ёзилган “Роман ва замон” номли чиқишидаёқ қўйилган масалани ҳаёдаги адабиётшунос дўсти, аслида эса яна бир “мен”и билан муҳокама қилади. Мунаққид ўшандаёқ суҳбат тақдим этувчи имконлар доираси бениҳоя кенглигига мафтун бўлгандирки, ижодий фаолияти давомида 40 дан зиёд суҳбатлар ўтказибди: улар жамланса, иккита салмоқли-салмоқли китобга сизмай қолар экан...)

...тафаккур “ички суҳбат” эканидан келиб чиқилса, ҳақиқатда воқе бўлган суҳбатнинг имконлари нечоғли кенглигини тасаввур қилиш қийин эмас: бу ҳолда муаммони ечишга камида иккита онг сафарбар этилади-да, ахир! Фақат бу имконларнинг рўёбга чиқиши учун битта-иккита муҳим шартлар мавжуд.

Энг аввал — ният: суҳбатдошларнинг муддаоси битта — муҳокама этилаётган муаммо моҳиятига имкон қадар яқинлашиш бўлмоғи даркор. Яъни, суҳбатда манфаату шахсият ортга чекинмоғи, масаланинг моҳиятига яқинлашиш мақсади устувор бўлиши лозим. Бунинг учун кишидан суҳбат предметиға бегараз меҳр билан бирга...

(...умрининг қарийб “60 йили адабиёт, уни англаш, ўрганиш, ўргатиш йўлида ўтган” У.Норматов суҳбатларидан бирида: “сўз санъати инсоният яратган, аниқроғи Аллоҳ одаларга ҳадя этган

ноёб неъмат, сирли олам эканига такрор-такрор иқрор бўлдим. Чинакам санъат асарини ўқиганимда, томоша қилганимда ҳайратдан ўзимда йўқ яйрайман. Кўнглимда шу соҳага майл-меҳр уйғотгани, ризқимни шу соҳада бергани учун Яратганга шукроналар айтаман”, - дея иқрор қиладики, у кишини билганларнинг ҳеч бири бу сўзларнинг самимийлигига, домланинг кўнгли адабиётга беғараз МЕҲР билан лиммо-лим эканига заррача шубҳа қилмаса керак...)

...“Афлотун менинг дўстим, лекин ҳақиқат муҳимроқ” ақидасида мудом собитлик талаб қилинади. Э-эх, энг оғири ҳам шу-да! Ҳақиқатнинг ўзига тортувчи жозиб кучи ҳам, жуда яқин борсанг куйдириб қўйиши ҳам бор: унга талпиниб-интилиб, ундан ҳайиқиб-қўрқиб яшаймиз. Гоҳ андиша, гоҳ кўрқув, гоҳ тагин бир сабаб кишига доим ҳам дилдагини айтиш имконини бермайди. Шукрки, суҳбат ишора имконини қолдиради...

(...Саид Аҳмад билан суҳбатида мунаққид бир масалага қайта-қайта эътиборни тортадики, шу масала уни айрича қизиқтираётгани сезилади. Бу ҳам бўлса, расман “социалистик меҳнат тантанаси”нинг рамзи саналган канал қурилишининг сояда қолган томони. У. Норматов аввалига эҳтиёткорлик билан “Айрим танқидчилар «Қирқ беш кун»да канал қурилишидаги ишлаб чиқариш характеридаги можаролар, конфликтлар қаламга олинмаганлигини айтдилар” деб эслатади. Табиийки, ёзувчи асл мақсадни тушуниб турибди, лекин дангал жавобдан қочади:

“Бу ерда (канал қурилишида — Д.Қ.) порахўр йўқ. Ичкиликбоз йўқ. Бюрократ йўқ. Уғри йўқ. Гўё қирқ беш кун бу ерда “коммунизм қурилгандек” эди. Овқат текин, иш кийимлари текин. Медицина, маданий хизматлар текин...

Дангаса йўқ. Бировни биров зўрлаб ишлатиш йўқ”. Эътибор беринг-а: С. Аҳмад суҳбат кечаётган даврда (1976) жамиятда авж олган иллатларни бир-бир санайди-да, сўнг биргина “гўё”си билан “фақат шу 45 кунгина коммунизм қурилган бўлса-ю, шуни ҳам кўтаринки тасвирламайинми?!” дегандай бўлади. Танқидчи томонидан ноқулай аҳволга солиб қўйилган адиб зукколик билан ҳолатдан чиқади: қўйилган саволга жавоб беради ҳам, жавоб бермайди ҳам. Суҳбатнинг афзаллиги шуки, у — жонли жараён: эътирозу инкордан муроасага ва аксинча ҳаракатланаверади. Энди танқидчи муроасага келади: “Мен аввал ҳам айтган эдим, баъзилар даъво қилгандек, «Қирқ беш кун»нинг меҳнат тасвири билан

боғлиқ камчилиги «қурилишдаги қийинчиликлар, кўнгилсиз ҳодисалар, салбий томонлар муаллиф эътиборидан четда қолиб кетгани»да эмас, **Сизнингча**, аслида ҳаётда айти шу тарздаги ҳодисаларнинг ўзи бўлмаган экан”. Бироқ муроасада ҳам муроаса бор-да! Эътибор беринг: “Сизнингча, ...бўлмаган экан” дейиш билан У.Норматов аслида «қурилишда қийинчиликлар, кўнгилсиз ҳодисалар, салбий томонлар бўлган” дейди. Суҳбатдошлар бир-бирларини тушунди, ҳақиқат-ку айтилмади, лекин унинг юзидаги нарда биров кўтарилди: 70-йиллар шароитида шунинг ўзи ҳақиқатга содиқлик эмасми?! Муҳими, мутолаа жараёнида беихтиёр суҳбат иштирокчисига айланган ўқувчи бу ишораларни фаҳмлайди, айтилмай ифодаланган фикрларни ўқиб олади...)

...суҳбатнинг мақсади — қўйилган муаммоларнинг моҳиятига, ҳақиқатига етиш, дедик. Ҳақиқат эса битта, буни ҳамма тан олади; ҳамманинг ўз ҳақиқати борлиги ҳам барчага маълум, лекин буни барча бирдек тан олмайди, тан ололмайди. Нима ҳам дердик, бу ҳам инсонга хос бир ожизлик. Айти шу ожизлик суҳбатни бесамар этади, у баланд келса, суҳбатда ҲАҚИҚАТни эмас, ҲАҚЛИКни аниқлашга интилиш мақсади устувор бўлиб қолади. Таассуфки, Ҳақликни Ҳақиқатдан авло била бошлаганимиз сабаб бугун боболардан мерос “ҳақиқат баҳсда туғилади” нақли ғалат тушуниладигандек туюлади. Зеро, биз ҳозирда кўпроқ “мунозара”, “тортишув” маъноларида тушунадиган арабча “баҳс” сўзининг луғатда “муҳокама қилмоқ”, “тадқиқ қилмоқ”, “ўрганмоқ”, “излашмоқ” тарзида изоҳлангани ҳам шунга далолат қилади. Қизиғи шундаки, қадим юнон тилида “суҳбат” маъносини берган “dialogetikun” сўзи “мунозара”, “тортишув” маъноларида ҳам ишлатилган экан. Шулардан келиб чиқиб, “ҳақиқат баҳсларда туғилади” тарзидаги кўҳна нақлни биз янглиш тушунмаймизми. Тўғриси “ҳақиқат суҳбатда туғилади” эмасмикин?” деган андиша келади... Биров чалғиб кетган бўлсак, узр. Ҳартугул, айтилганлардан келиб чиқиб, юқоридагилар сирасига яна бир муҳим шартни қўйишимиз керак бўлади. У ҳам бўлса — тинглай олиш қобилияти: суҳбатнинг бесамар тортишувга айланмаслиги учун суҳбатдоши нима деяётгани ва нега шундай деяётганини тушуна олиши, ўз ҳақиқати ўзига нечоғли қадрли бўлмасин, ўзганинг ҳақиқатига ҳам ҳақ бера билиши лозим...

(... Умарали Норматов — том маънодаги МУНАҚҚИД, тамсил қилмоқчи бўлсак, у кишининг сезгир бармоқлари мудом адабий жараён

билагиди туради: домла адабий янгиликларни жондорди, адабий ҳаёт қозонида қайнайди, дарсхоналарда ақбондорди, ўқувчи оммада қандай акс-садо бераётганини кузатиб-биди... Шу боис у кишининг суҳбатларида жорий адабий жараённи долзарб масалалари ўртага қўйилади, билгичлик билан жондорди этилади. Домла тажрибали дарға мисоли: суҳбат кемаси саймон томон борса, чуқурликка буради; довулларга усталик билан беради, сув ости қояларини четлаб ўтади, хуллас, курси кўзатқан манзилга йўналтиради. Манзил эса аниқ — қўйилган масала моҳияти, ҳақиқати...)

...айниқса, муайян масалада ўз фикри, ўз қарашига эга фозил кишилар суҳбатида бу жуда муҳим. Илм талабидаги киши ҳамиша фозиллар суҳбатига талпинади. Ровийлар нақл қиладиларки, агар “шу масалани Кўҳи Қофнинг нарёғида фалоний билур” деб эшитсалар, толиби илмлар яёв борган эканлар. Алқисса, яна бир муҳим шарт — суҳбатдош танлай олиш: ким билан суҳбатлашишни ҳам, ким билан нима ҳақда суҳбатлашишни ҳам билиш...

(...домланинг ўзи уюштирган суҳбатлар кўздан кечирилса, уларда икки жиҳат яққол кўзга ташланади: биринчиси — суҳбат марказида жорий адабий жараён учун муҳим масала ўртага қўйилади; иккинчиси — шу масала ҳақида ўзига хос, изчил ва асосли фикрлар бера оладиган суҳбатдош танланади. Танловнинг асосий мезони — шу... 1977 йилда шоир Эркин Воҳидов билан суҳбат асосига талант тарбияси масаласи қўйилади. Мундай қаралса, Эркин Воҳидов қирчиллама қирқ ёшида, ҳали ўзи ҳам “ёш шоирлар” сирасида саналиб юрган вақт: талант тарбияси, ёшлар адабиёти хусусида бошқа биров билан суҳбатлаштирилгани дуруст эмасми? Йўқ, мунаққид айни шу ижодкорни танлайди, ўзининг танлов принцигига тўла содиқ қолади ва, муҳими, адашмайди. Суҳбатнинг жонли, адабий танқидий тафаккури учун аҳамиятли чиққани бунинг биринчи далили. Иккинчиси, орадан кўп ўтмай Э.Воҳидов бутун бир авлод учун катта адабиётга йўл очган, “бу майдон ичра” ўз ўрнини топишига кўмаклашган “Ёшлик”ка муҳаррир бўлдики, шоирнинг муҳаррирлик даври алоҳида мавзу...

Эҳтимол, маълум сабаблар билан зикр этилган принциплардан биров чекинилган ўринлар ҳам чиқар, бироқ улар — истисно, ҳоло. Яъни, домланинг суҳбатлари ичида “шунчаки суҳбат қилиш учун”гина воқе бўлгани топилмайди, ҳаммаси бирдек адабий-танқидий асар...)

...ҳар нарсанинг ўз офати бор, жумладан, суҳбатнинг ҳам. Рус адабиётшуноси М. Бахтиннинг уқтиришича, томонлардан бири иккинчиси олдида қалпоқ ечиб турадиган бўлса, диалог воқе бўлмайди. Олимнинг бу фикри ўзбекчасига “томонлардан бири иккинчисининг қаршисида “қўл боғлаб” турган бўлса, диалог мавжуд эмас” тарзида ифодаланиши мумкин. Яъни, чин маънодаги диалогнинг муҳим шарти — томонларнинг тенглиги. Албатта, эътироз бўлиши мумкин: “беш қўл баробар эмас-ку!” Тўғри, бироқ гап бунда эмас, гап суҳбатдошни ўзига тенг кўра олишда. Тан олиш керак, буниси энди жуда қийин: ўртада шайтон бор эмасми, гоҳ билимдонлигини, гоҳ чечанлигини, хуллас, устунлигини кўрсатгиси келиб қолади кишининг. Бунинг акси ҳам бир бало: меъёрдан ошган андиша. ортиқча камтарлик, мутеликка эгиз камтарлик...

(...офатнинг дафъи битта — ният холислиги. Адабиётга бегараз меҳри, БИЛИШни умрининг бош шиорига айлантиргани боис Умарали Норматов зикр этилган ожизликлардан баланд тура олади. Домла кафедрада ўтириб қишлоқдан яқиндагина пойтахтга келган набираси қатори талаба билан суҳбатлашаётгани, муҳими, унинг гапларини диққат билан тинлаётганини кўп бор кузатганмиз. У киши “боқма ким дер ани, боқгилки не дер” қондасига амал қиладилар; суҳбат мавзуси, масала моҳиятини муҳимроқ санагани сабаб андишаю камтарликнинг меъёрини хўб биладилар...)

...суҳбат — жонли жараён, демак, қоғозда ҳам жараён муҳрланади. Муҳими, суҳбатни ўқиганда у янгидан воқе бўлаётгандек, жараён кўз олдимизда қайта жонланаётгандек таассурот қолади кишида. Бамисоли драматик асар: ҳар гал ўқиганинг ё томоша қилганингда ҳодиса кўз олдинда қайта юз берали. Эсхил, Софоклар икки ярим минг йил муқаддам яратган асарларнинг ҳамон ўқиётганига сабаб, бир томони, шу эмасмикан?!..

(...шу таассурот измида домланинг 30-40 йиллар илгари ўтказган суҳбатлари ҳамон эскирмабди, деган фикр келди ва ушбу китобни нашр қилиш нияти хўб ва хайрли бўлибди деб ўйладим. Дарвоқе, суҳбат муайян бир шароитда ўтказилади, бас, унда ўша шароитнинг излари бўлиши ҳам шубҳасиз. Сир эмас, ушбу нашр илгари давр тақозоси билан киритилган “навбатчи жумлалар”, “партия-ҳукуматнинг доно раҳбарлиги”

қабилидаги сиёсий хушёр гаплардан тозаланибди. Албатта, буни ҳар ким ўзича баҳолашга ҳақлику-я, бироқ, буни эътироф этганимиз ҳолда, ўз қарашимизни қайд этиб ўтмасак бўлмайди. Таҳрир ва унинг натижасини, айтайлик, “уй кўтариш”га қиёс қилиш мумкин. Биларсиз, уй кўтарилгач, ажиб бир таассурот қолади кишида: уй ўша уйку-я, лекин кенгайиб қолгандек, баҳавороқ бўлиб қолгандек... Йўқ, тамсилимиз камроқ кўринди. Яхшиси, чанг босган кўзгуни артиб тозаламоққа қиёс қилдик: кўзгу ҳам ярақлаб кетди, ундаги акс ҳам равшан тортиди...

...Ота-боболаримиздан мерос бир ҳикмат бор: “Илм останаи оқиллар суҳбатига қулоқ тут”.

Дилмурод Абдураҳмон
филолог-фазилатли оқил

МУНДАРИЖА

Ҳ.Болтабоев. Адабий суҳбат танқидчилик жанри сифатида.....3

Биринчи бўлим

АДИБЛАР БИЛАН СУҲБАТЛАР

Ижодкорнинг дахлсиз дунёси.....	5
Трилогиянинг туғилиши	17
Роман табиати: талаб ва имкониятлар.....	36
Изланиш қувончи ва ташвишлари.....	57
Талант тарбияси.....	82
Саргузашт сарҳадлари.....	102
Услуб, бадиий шакл муаммолари.....	116
Қалб инқилоби	134
Поэма – кашфиёт демак.....	152
Шеърятда ўзига хослик ва муштараклик муаммоси.....	169

Иккинчи бўлим

ҲАМКАСБЛАР БАҲСИ

Сўзга, сўз санъатига шайдолик.....	187
Назария ва адабий-бадиий жараён.....	208
Шахс ҳақида баҳс.....	226
“Баҳс” баҳсга чорлайди.....	260
Янги назарий тамойиллар ва янгиланаётган адабий жараён.....	274
Д. Қуронов. Фикр дояси (сўнгсўз ўрнида).....	308

Умарали Норматов

**Ижодкорнинг даҳлсиз дунёси
(Адабий суҳбатлар)**

Нашриёт муҳаррири Маҳкам Маҳмудов
Техник муҳаррир Беҳзод Болтабоев
Мусахҳиҳа Камола Болтабоева

“MUMTOZ SO‘Z”
масъулияти чекланган жамиятининг нашриёти.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-60-33

Босишга рухсат этилди Қоғоз ўлчами 60x84 1/16.
Шартли б.т. 18. Нашр табоғи 20. Адади 500 нусха.
Шартнома 02-08. Буюртма 2.
Баҳоси келишилган нархда

“MUMTOZ SO`Z”
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида оригинал макет тайёрланди.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.